

ДОКТОР БОЙМИРЗА ҲАЙИТ

«БОСМАЧИЛАР»:
ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ
КУРАШИ ТАРИХИ

(1917 – 1934)

Тошкент
«Akademnashr»
2023

УЎК:
КБК:

«Basmacılar» Türkistan Milli Mücadele Tarihi
(1917 - 1934)
Ankara 1997

ISBN

© Боймирза Ҳайит
© Таржимонлар Рустамбек Шамсутдинов,
Шохзодбек Балтабоев
«Босмачилар»: Туркистон миллий кураши тарихи»
© «Akademnashr», 2023

БОЙМИРЗА ҲАЙИТ ВА УНИНГ ТУРКИСТОН ТАРИХИ ТЎҒРИСИДАГИ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Боймирза Ҳайит Маҳмудмирза ўғли 1917 йил декабрда Наманган уезди Уйчи райони Ёрқўрғон қишлоғида таваллуд топган. Онаси Робия Ҳайит ва отаси Мирза Маҳмудмирзо ўғли маърифатли инсонлар бўлган. Ўрта мактабни битиргач, Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети тарих факультетини муваффақиятли битирган. Ўз она юртида мактабда тарих фанидан дарс бера бошлаган. Таътил вақтида Жалолободдаги санаторияда дам олаётганида уруш бошланиши муносабати билан ҳарбий хизматга олинган. Қизил армиянинг танк қўшинлари командири сифатида Иккинчи жаҳон урушида қатнашади. Польшага қарши ҳарбий қисмларда лейтенант ҳарбий лавозимида хизмат қилган. Уруш бошланганига 10 кун бўлганида Беларусия ҳудудида немисларга асир тушган. Боймирза Ҳайитнинг айтишича, ҳарбий лагердан уни Мустафо Чўқай олган. Асирликда у совет режимига қарши кураш олиб бориш учун сафарбар қилинган. Кейинчалик Вермахт томонидан ташкил этилган Туркистон легионида зобит бўлиб хизмат қилган. Боймирза Ҳайит Туркистон легионининг сардорларидан бири бўлган. Туркистон миллий комитети дастурида Ўрта Осиё халқларининг барчаси – қозоқлар, ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, туркманларни ягона турк миллатига айлантириб Россиядан ажратиб олиш, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, унда турклар маданиятини кенг тарғиб этиш, Туркия билан яқин алоқа ўрнатиш, миллий ҳукумат тузиш ва русларни ҳайдаб чиқариш кўрсатилган. Бу комитетнинг 40 кишидан иборат раҳбар органи Берлинда фаолият кўрсатган. Дастлаб унинг раиси Мустафо Чўқаев бўлган, 1942 йил охирида у ҳалок бўлгач, бу ла-

возимга Вали Қаюмхон тайинланган. Энг муҳим ҳарбий бўлимни Боймирза Ҳайит бошқарган. Вали Қаюмхон Кайзералледа яшаган, авиаҳужум пайтида бу жой ёниб кетган, шундан сўнг ҳарбий қўмондонлик ўз фондидан Курфюрстендамм кўчасидаги 99-уйни ажратиб берган, моддий жиҳатдан тўла таъминлаган. 1944 йили Вали Қаюмхон Розенберг қабулида бўлган, суҳбатда фон Менде иштирок этган. Унга лагерлардаги кўпдан-кўп асирлар ҳисобига легионерлар сафини кенгайтириш топширилган. Қўмондон Ю.А.Власов бошчилигида турли миллатга мансуб легионерларни бирлаштириш ва улар устидан руслар бошчилик қилиши масаласи кўтарилган. Бироқ бунга розилик берилмаган. Чунки бундай қарор қабул қилиш миллий легионлар шахсий таркибига салбий таъсир кўрсатар эди. Шу сабаб бу фикрни Вали Қаюмхон ҳам қабул этмаган.

Бир кун легионерлар ҳузурига Вали Қаюмхон келган. Батальон плацда саф тортган ва меҳмон нутқ сўзлаган: «Мен 20 йилдан бери большевикларга қарши курашиб келяпман. Энди биз сизлар билан биргаликда кураш олиб борамиз. Немислар бизнинг дўстимиздир. Улар бизга Туркистон халқини рус зулмидан озод қилишда ёрдам кўрсатадилар, бу тез орада юз беради. Немис қўшинлари ҳозирдаёқ Сталинград остонасида, уни забт этиб, Қозоғистон ва Туркистонни озод қилиш сари силжийди. Мен хон бўламан, сизлар эса йигитларим бўласизлар. Германияга сидқидилдан хизмат қилинглари, русларни аёвсиз йўқ қилинглари».

Асирлардан бирининг ҳикоясига кўра, бу ташрифдан икки кун ўтиб шахсий таркибга қуроллар берилган: ўқчи роталарга

винтовкалар, пулемёт ротасидагилар қўл ва ўрнатиловчи пулемётлар, учта танкка қарши пушка олишган. Батальон дарҳол фронтга жўнатилган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, уруш вақтида немислар Берлинга маслаҳат учун Туркия генерали мархум Анвар Пошонинг укаси Нури Пошони чақиринган. У Германия қўмондонлигига барча туркий халқлар – туркистонликлар, озарбайжонликлар, қримликлар, идил-уралликлар ва шимолий кавказликлардан турк армиясини ташкил этишни тавсия қилган. Германияга кетиш олдида Истанбулдаги Туркистон муҳожирлар ташкилотига режа тузиш, ҳатто Нури Пошони Туркистон давлатининг бошлиғи қилиб тайинлаш кўрсатилган. Аммо Нури Пошонинг лойиҳаси немисларга ёқмаган ва уни ҳарбий асирлар билан ишлашдан четлатишган. Умуман, немислар ҳарбий асирларнинг йирик қўшинларга айланишидан қўрқардилар. Уларда бунинг учун асос ҳам бор эди: ҳарбий асирларнинг қўмондонлик буйруқларини бажаришдан бош тортишлари бўлиб турган.¹

1944 йил 19 ноябрда Туркистон миллий комитетининг таркиби эълон қилинган, унга мувофиқ Вали Қаюмхон раис бўлган, аъзолар қилиб капитан Боймирза Ҳайит, гаупштурмфюрер Боқи Абдураззоқ, оберштурмфюрер Алимов Ғулом, унтерштурмфюрер Анаяв Кодшам ва бир неча фуқаро шахслар бўлганлар. Аммо СССРда яшаган легионерлар совет ҳокимиятининг қасос олишини олдиндан билганлар. Шу боис 1944 йил ўзларининг тажрибаларидан келиб чиқиб туркистонлик асирларнинг бир қисми Франция, Югославия, Польша, Италия, Словакия, ҳатто Испаниядаги партизанлик ҳаракатларига оммавий равишда ўтиб кетганлар.

Машаққатли, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган Боймирза Ҳайитдек ватандо-

шимиз билар учрашиш, юзма-юз суҳбатлашиш, дўстлик, ҳамкорлик қилиш менга ҳам насиб этган. Биринчи бор учрашганимиз 1992 йил 19 июль, якшанба куни эди. Доктор Боймирза Ҳайит рафиқаси Рут хоним ва уларга ҳамроҳ бўлган туркиялик қардошлар Андижонга келганларида таклифимизга биноан бизникида меҳмон бўлишган. Ўша куннинг ўзидаёқ Боймирза Ҳайит, турмуш ўртоғи Рут хоним, уларнинг ҳамроҳи бўлган туркиялик қардошлар, академик А.Асқаров ва бошқалар билан бир пиёла чой устида жуда самимий, қизиқарли суҳбатлар қурганмиз. Истиқлол берган неъматлардан бири хориждаги ватандошлар билан яқиндан алоқа ўрнатиш, ҳаётда, турмушда, илм-фанда ҳамкорлик қилиш имконияти юзга келганидир. Ватандошимиз, хорижда турли хил мусибатларни бошдан кечириб, ўша шароитда униб, ўсиб, улғайиб, жаҳон тарихи ва Туркистон тарихи бўйича дунё эътироф этган олим даражасига эришган инсоннинг хонадонимизга ташриф буюриши бизни беҳад қувонтирган эди.

Маълумки, Андижон давлат педагогика институти Андижон вилоятидаги биринчи олий ўқув юрти эди. У 1931 йили ташкил этилган. 1991 йил 1 июндан Андижон давлат педагогика институти таркибида Ўзбекистон тарихи кафедраси очилди. Унинг биринчи мудирини бўлиб камина сайланди. 1992 йил 15 мартда Андижон давлат педагогика институти негизда Андижон давлат университети ташкил қилинган. 1992 йил 28 апрелдан университет таркибида қайтадан мустақил тарих факультети иш бошлаган.

Бу азиз меҳмонлар, дам олиш куни бўлишига қарамай, бизнинг таклифимиз билан университетга қадам ранжида қилдилар.

Тарих факультетининг фойесидида «ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН,

¹ Соцков Л. Неизвестный сепаратизм. На службе СД и Абвера. – Москва: Рипол классик, 2003. – С.26.



Доктор Боймирза Ҳайит рафиқаси Рут хоним ва туркиялик ҳамроҳлари билан бирга 1992 йил 19 июль куни профессор Р.Т.Шамсутдинов хонадонида меҳмон бўлган, катта суҳбат ўтказилган. Академик Аҳмадали Асқаров, профессор Мухторжон Умархўжаев ва бошқалар суҳбатда иштирок этишган.

ВАТАНИМ МАНИМ» номли катта стенд ташкил этган эдик. Стенднинг бир томонида Амир Темур, яна бир томонида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов портрети қўйилган эди. Бу икки шахснинг тарихимиз ҳақидаги пурмаъно фикрлари келтирилганди.

Стенд доктор Боймирза Ҳайит бошчилигидаги вакиллар эътиборини ўзига жалб этди. Боймирза Ҳайит Президент Ислоҳ Каримов портрети олдиға бориб, қўли билан кўрсатиб: «Бу инсонни қадрлаш, асраш лозим, чунки у ўзбек миллатини истиқлолга олиб чиқди, унинг номи бу халқ тарихида абадулабад қолажак. Истиқлол эълон қилинган хуш, қувончли хабарни эшитиб биз, хориждаги ўзбеклар, дунёнинг турли мамлакатларидаги биродар, миллатдошларимиз билан телефон орқали кўзда ёш, қалбда қувонч ила бир-

биримизни муборакбод қилганмиз», – дегани ҳамон ёдимда.

Кафедрамиз олдидаги «Тарихимизнинг долзарб муаммолари» номли стенд-кўргазмага анча олдин «Мулоқот» журналида босилган Боймирза Ҳайит мақоласини ва расмини қўйган эдик. Буни кўрган Боймирза ака чехраси ёришиб, ҳамроҳларига қарата: «Мана, қаранглар, истиқлол шарофати ила Ватан бизларни ҳам ёд айлаб, асарларимизни тарғиб-ташвиқ этишга имкон очибди, ахир шўролар даврида биз ва асарларимиз устидан қорачизиқ тортилган эди, бизлар «ватан хоинлари», «ватангадолар» деган номлар билан аталганмиз. Мана, энди ҳақоратомуз тухматлар ортда қолди, адолат ва ҳақиқат қарор топа бошлади. Илоҳо, истиқлолимизни Яратганнинг ўзи асрасин», – деганди.

Бу вақтда замон, давр талабига, мустақиллик руҳига мос келувчи дарслик, қўлланмалар йўқ эди. Биз, профессор-ўқитувчилар, «Мулоқот»да эълон қилинаётган тарихимизга доир мақолалардан фойдаланиб ўқув ишларини олиб борардик. Дарслик, қўлланма яратишда ҳам улардан самарали фойдаландик. Ш.Каримов билан ҳаммуаллифликдаги «Ватан тарихи» ўқув қўлланмасининг учала китобини тайёрлашда «Мулоқот»даги мақолалар жуда асқатганди. Ана шу уч жилдлик «Ватан тарихи» 1995 – 2016 йиллар давомида тўрт марта нашр этилди ва ҳозирга қадар республика олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма-дарслик сифатида хизмат қилмоқда.

Эртаси кунни меҳмонлар билан Боймирза Ҳайитнинг она юрти Наманган вилояти Уйчи тумани Ёрқўрғон қишлоғига қараб йўл олдик. Боймирза Ҳайитни хонадони соҳиблари, бутун маҳалла-кўй, шаҳар ва қишлоқлардан ташриф буюрган вакиллар ниҳоятда кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. У ота-онаси кўйнидан 1941 йили фронтга олингандан бери 51 йил ўтганди. Унинг ота-онаси ўтиб кетишганди. Қолган қавм-қариндошлари, яқинлари жигарбанди Боймирза Ҳайит ва унинг ҳамроҳларини кучиб йиғлашгани ҳеч ёдимдан кўтарилмайди.

Ўрта Осиё республикалари совет режимдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиши муносабати билан қардош туркиялик тарихчи олимлар кўп жилдлик Туркий дунё мамлакатлари халқларининг чин, асл тарихини яратиш масаласини кўтариб чиққандилар. Бу ишнинг тепасида турк тарихи қуруми бошлиғи, профессор Юсуф Халаж ўғли, профессорлар Меҳмет Сарай ва бошқа илм кишилари турган эдилар. Шу халқаро дастурни амалга ошириш учун Анқарада туркий дунё мамлакатлари тарихчи олимларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга Ўзбекистон-

дан академик Аҳмадали Асқаров ва камина бўлғуси китоб таҳририят аъзолари сифатида таклиф этилган эди. Бу рўйхатга Германиядан доктор Боймирза Ҳайит ҳам киритилган эди. Шунда биз Боймирза Ҳайит билан яна учрашиб, конгрессни тайёрлаш билан боғлиқ йиғилишларда, меҳмондорчиликларда бирга бўлганмиз.

1995 йил сентябрда конгресснинг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Бунда Ўзбекистондан кўплаб олимлар, академиклар, фан докторлари ва профессорлар иштирок этишган.

1996 йили рафиқам Фотимахон билан бирга Германиядаги машхур Баден-Баден курортида дам олаётганимизда доктор Боймирза Ҳайит бизни Кёльндаги уйига меҳмонга таклиф этди. Поездда Германиянинг мафтункор гўшалари, ажойиб манзараларини томоша қилиб, ҳаш-паш дегунча манзил шаҳрига етиб борганимизни билмай қолибмиз. Вагон назоратчиси Кёльн шаҳрига келганимизни эълон қилди. Поезд тамбуридан тушаётганимизда рўпарамизда савлат тўкиб доктор Боймирза Ҳайит турар эди. У билан қучоқлашиб, дийдорлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, автомобилга ўтириб уйи томон йўл олдик. Уйи уч қаватли, эшиклари автоматик очилиб ёпиладиган, жуда гўзал хонадон эди. 1992 йил бизнинг хонадонимизда бўлган Рут хоним билан қуюқ сўрашдик. Бироз чой ичгач, Боймирза ака ўз қўли билан ош қилишини айтди. Мен унга ошни Фотимахон билан Рут хонимлар тайёрлашса яхши бўлади, биз эса Кёльн шаҳри бўйлаб сайр қилсак деб таклиф киритдим. Боймирза ака билан шаҳар айландик, шаҳарнинг энг гўзал паркида сайр қилдик. Тарихимизнинг қизиқарли саҳифалари ҳақида суҳбатлар бўлди. Шунда ҳамюртимиз Чўлпон ҳақида сўз очилди. Мен советлар томонидан қатл этилган ўзбек шоирлари ҳақидаги Боймирза Ҳайит қаламига мансуб фожиавий асарлардан бохабар эдим. Бой-



Анқара. 1994 йил 6 январь. Туркий дунё халқлари тарихини яратиш бўйича конгресс ўтказиш ҳайъати аъзоларидан ўнгдан биринчи доктор Боймирза Ҳайит, иккинчи академик Аҳмадали Асқаров, учинчи профессор Рустамбек Шамсутдинов.



Конгрессда иштирок этган Ўзбекистон вакиллари Камол Отатурк музейида, чапдан ўнгга: 1 – К.Шониёзов, 2 – Р.Шамсутдинов, 3 – Ҳ.Зиёев, 4 – А.Асқаров, 5 – Р.Мукминова, 6 – Д.Алимова, 7 – А.Муҳаммаджонов, 8 – М.Хайруллаев, 9 – Ҳ.Бобобеков, 10 – А.Хўжаев.



Шу анжуманда биз «Буюк бобурийлар салтанати», «Туркистондаги «босмачилик» ҳаракати тарихини қардош турк биродарлар билан биргаликда тадқиқ этиш, бу икки масала бўйича фанга хилоф қарашларга қарши илмий ҳамкорлик қилиш ҳақида чиқишлар қилганмиз. Анжуман ҳақида Туркиядаги «Хуррият» газетаси маълумотлар бериб борган, жумладан, бизнинг чиқишларимиз ҳақида ҳам ижобий фикрлар билдирилган.

мирза ака шундай деди: «Чўлпон «учлик» ҳукмига кўра отувга ҳукм қилинган, аммо Чўлпон отилган эмас, уни отиш чоғида ўқ етмай қолган, шу боис ленинбодлик, миллати тожик бўлган маҳбусга Чўлпонни болта билан чошиб ташлаш ҳақида буйруқ беришган «Агар буйруқни бажармасанг, сени ҳам болта билан ўлдирамиз», – дейишганидан кейин у Чўлпонни болта билан чошиб ташлаган, унга қамоқ жазоси берилган, уруш бошлангач, бу маҳбус ноиложликдан урушга сафарбар этилган, жангда немисларга асир тушган, уруш тугагач, шу жойда, яъни Кёльнда қолиб кетган. Мен у билан гоҳ-гоҳ учрашиб турман, суҳбатлардан бирида у ўша мудҳиш қотиллик ҳақида афсус-надомат билан гапириб берган».

Боймирза ака илтимосимга кўра мени у киши билан учраштирмоқчи бўлди, лекин суриштирганимизда у қаёққадир кетган экан, вақтимиз тиғизлиги учун биз Баден-Баденга жўнаб кетдик.

1998 йил 2 январда факс орқали Германия Федератив Республикаси Кёльн шаҳрида истиқомат қилаётган доктор Боймирза Ҳайитга мана бу хатни юборганмиз: «Ассалому алайкум, Боймирза ака! Сиз ва оила аъзоларингизни муқаддас рўзаи рамазон, янги йил билан қалбдан муборакбод этаман, узоқ умр, тотли-ширин турмуш, бахтли ҳаёт тилайман. Кеч бўлса ҳам, қутлуғ 80 ёшингиз билан табриклайман. «Озодлик» радиосидан юбилей ҳақида эшитиб олам-олам қувондим. Ҳақиқат ва адолат қарор топиб, ҳақ устун келиб, бутун Туркистон оламида «шайх ул-муаррих» унвонига муяссар бўлишингиз ҳам мен каби кўплаб юртдошларингизни чексиз қувонтирди. 90 ва 100 ёшингизни ҳам нишонлашни Тангрининг ўзи насиб этсин. Бизлар ҳаммамиз яхшимиз. Президентимиз Ислам Каримов фармонига кўра «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни 3 жилдлик қилиб яратмоқдамиз. Бу китоб рус босқинидан

шу бугунги кунимизгача бўлган даврни қамраб олган. Ҳозир 3 жилдлик бу китоблар нашр этиш учун илмий жамоатчилик томонидан ўқилмоқда. Мазкур илмий-оммабоп асарларда сизнинг тадқиқотларингиздан ҳам фойдаландик. Шу 1997 йили мен ва Шоди Каримовнинг «Ватан тарихи» (1 – 3-китоблар) асаримиз Тошкентда нашр этилди. Кенг илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг 2-жилди шўролар даврига бағишланган. Унинг биринчи варианты мен, Ш.Каримов, Х.Содиқов томонидан ёзилиб муҳокамага топширилди. Бу борада сизнинг ёрдамингиз керак бўлади. Иншааллоҳ, учрашармиз. Хорижда Туркистон, Ўзбекистон тарихига оид янги тадқиқотлар нашр бўлган бўлса, улар ҳақида, Анқарадаги конгресс материаллари китоби нашр этилган бўлса, у ҳақида хабар берсангиз яхши бўлур эди.

Сизни яна бир бор табриклаб, қучиб Ватандош дўстингиз, укангиз, профессор Рустамбек Шамсутдинов».

Орадан 20 кун ўтгач, 1998 йил 22 январда доктор Боймирза Ҳайит бизга жавоб хатини факс орқали юборди. Уни айнан келтирамиз:

«Муҳтарам профессор Рустамбек ҳожи Шамсутдин ўғли бегимиз, зоти олийингиз тарафиндан ёзилган 2 январ 1998 тарихли самимий хатингиз учун қалбимдан раҳмат айтаман. Бугунга қадар жавоб хатини ёза олмаганлигим учун кечирингизни илтимос қиламан. Рамазон байрами, Янги йил ва туғилишимнинг 80 йиллиги муносабати билан билдирган яхши ниятларингиз учун кўп севиндим. Булар учун яна раҳматлар айтаман. Туғилган йилнинг байрамларини битиришдан кейин зарур бўлган баъзи илмий ишларим ва ўқияжак маърузаларга ҳозирлик кўрмак ишлари учун вақт керак бўлди. Хатингиз орқали сизнинг, оила аъзоларингизнинг, дўстларнинг саломат эканлигини билиб хурсанд бўлдим. Хур-

матли профессор Шоди Каримов билан бирликда нашр этган «Ватан тарихи» китоби билан сизларни табриклайман. Аллоҳдан келажакдаги тадқиқотларингиз учун сизга қувват ва иродалар тилайман. Анқарада давом эттирилган қурултойнинг материаллари бугунга қадар нашр этилмади. Оврўпа, Америкада Туркистон масалаларида – Марказий Осиё дейдилар – ҳар ойда ўрта ҳисобда 4-5 китоб нашр этилмоқда. Ўзбекистонда нашр қилинган китоблардан Оврўпа ва америкаликларнинг тасодиф ҳолларда хабари бор.

Сизга олмон тилида нашр этилган «Туркистон ҳақида рапортлар ва тадқиқотлар», «Босмачилар», Камол Озжоннинг «Доктор Боймирза Ҳайитнинг Туркистон тадқиқотлари ва миллий курашдаги роли» китобларини почта воситаси билан юбордим.

Орадан 3-4 ҳафта ўтгандан кейин бу китобларни олган, олмаганлигингиз ҳақида хабар берсангиз, қувонаман.

Янга хонимга ва дўстларимизга қалбий салом ва ҳурматларимни билдиришингизни илтимос қиламан. Рафиқам Рут хонимдан сизларга қалбий салом ва эҳтиромлар бор. Сиз ва сизларга саломатлик ва нашъали ҳаёт тилакларидан бўламан.

Ҳурмат билан. (имзо)
Боймирза Ҳайит».

P/S: «Фан ва турмуш» журнали 1997 йил 1-сонидан босмачилар масаласинда ёзган мақолангизни ўқидим. Давоми бор дея ёзилган экан. Имкон бўлса, бу масаладаги мақолаларингизни юборишингизни лутфан илтимос қиламан».

Доктор Боймирза Ҳайитнинг бизга юборган китобларидан турк тилида ёзилган «Basmacilar»: Turkistan milliy mucadele tarihi (1917 – 1934)» китоби билан танишиб, унинг мундарижасини ўша кунлардаёқ ўзбекчага ўгирган эдим. Уни айнан келтираман:

«Қисқача мазмуни-8. Кириш-10.

1-бўлим

Туркистон «Босмачилик» ҳаракати йўлида (1916 йил июлдан 1918 йил февралгача).

1916 йилдаги кўзғолон натижалари.

Туркистонликлар ва русларнинг 1917 йилдаги Туркистон келажаги учун ўзаро кураши.

Рус революцияси даврида туркистонликларнинг ҳаракатлари (1917 йил мартдан декабргача).

Туркистоннинг автономия (мухторияти) муаммолари.

Туркистонликлар уни ёқладилар, руслар эса қарши турдилар.

Қўқонда Туркистон мухторияти, Оренбургда Алаш Ҷрданинг ташкил топиши.

1917 йил 13 декабрда Тошкентда мухториятга қарши қон тўкилиши.

Қўқонда мухтор ҳукуматни эгаллаш учун советлар тайёргарликлари.

Совет русларининг ёвузлиги, Қўқондаги арманларнинг вахшийлиги.

2-бўлим

Фарғона водийси – босмачилар ҳаракати макони

Фарғона водийсининг табиати ва кишилари.

Миллий кураш ривожланишининг биринчи поғонаси.


Бухоро амирлигига қарши биринчи совет тажовузи.

3-бўлим

Совет русларининг Туркистон фронтини ташкил қилгунча бўлган даврда туркистонликларнинг озодлик ҳаракати.

1918 йилдан 1919 йилгача туркистонликлар ва руслар ўртасидаги кураш ҳаракатлари.

Туркистонда русларнинг фуқаролар уруши ва миллий кураш.



4-бўлим

Миллий озодлик ҳаракатларига қарши совет русларининг Туркистон фронтидаги кураши

Туркистонни иккинчи марта эгаллаш учун русларнинг Туркистон фронти.

Хива хонлигининг руслар томонидан эгалланиши.

Бухоро амирлигига қарши рус Туркистон фронтининг кураши.

Озодлик курашчилари ва қизил армия кураш ҳаракатлари.

Фарғона водийсидаги озодлик кураши муассасалари.

5-бўлим

Миллий кураш ва Анвар Пошо (1921 – 1922)

Анвар Пошонинг Туркистондан олдинги ҳаётига қисқача назар.

Анвар Пошо Бухоро шаҳрида.

Анвар Пошо жанг майдонида.

6-бўлим

Туркистондаги миллий курашнинг охириг босқичи (1922 йилдан 1934 йилгача бўлган давр)

1922 – 1923 йиллардаги миллий кураш ҳолати.

Совет ҳарбий маъмуриятининг шафқатсизлиги натижасида миллий курашнинг кучайиши.

1924 – 1934 йиллардаги кураш ҳаракатларининг қисқача хронологияси.

7-бўлим

Туркистон миллий курашининг бориши ҳақидаги баъзи маълумотлар

Босмачилик ҳаракати масалаларига инглизларнинг муносабатлари.

Совет русларининг Туркистондаги озодлик ҳаракатларига қарши немис ва австриялик ҳарбий асирларни сафарбар қилиши.

Озодлик курашларида мусулмонларнинг мусулмонларга қарши қатнашишига доир масалалар.

Хорижий эллардаги туркистонликларнинг қуролли ҳаракатлари босмачилик ҳаракатининг давомимиди?

«Босмачилик ҳаракати»нинг аввалги совет манбалари ва миллий манбалардаги тавсифи.

Туркистондаги «Босмачилик ҳаракати»га бугунги кундаги баҳо.

Библиография

Жой ва предметлар кўрсаткичи

Аммо бу китобнинг туркчадан ўзбекчага таржима қилиш иши айрим сабабларга кўра тўхтаб қолган эди. Мана, орадан 25 йил ўтиб ўша бошланган ишни шогирдимиз, Андижон давлат университети тарих факультети 3-босқич талабаси Балтабаев Шохзодбек билан якунига етказдик. У Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида зал назоратчиси бўлиб хизмат қилади, Тошкент шаҳар Илғор тадқиқотлар маркази «Илм-фан ифтихори» эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳечдан кўра кеч дея ватандошимиз, забардаст тарихчи олим, ижтимоий-сиёсий арбоб Боймирза Ҳайитнинг «Basmacılar»: Turkistan milliy mucadele tarihi (1917 – 1934)» номли китобини турк тилидан ўзбек тилига таржима қилдик. Бу ишга ижодий ёндашдик. Асардаги айрим нуқсон-хатоларни тўғриладик, ечими унчалик аниқланмаган жиҳатларни янги манбалар билан тўлдирдик. Боймирза Ҳайитнинг китобида тарихий воқеалар иштирокчиларининг расмлари берилмаган эди. Қўлингиздаги нашрда қахрамонларнинг расмларини имкон қадар беришга ҳаракат қилдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозиргача немис ва турк тилларида чоп этилган мазкур китоб ўзбек тилида илк бор эълон қилинмоқда. Сиз азиз ўқувчиларга мароқли мутолаа тилайман.

Рустамбек Шамсутдинов, тарих фанлари доктори, профессор

«БОСМАЧИЛАР»: ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ (1917 – 1934)

Анқара 1997 йил

МУҚАДДИМА

Бу тадқиқот Туркистоннинг 1917 – 1934 йиллардаги миллий курашига бағишланади. Буни ўз тарихимизни тўлиқ ифодалаш йўлидаги биринчи қадам сифатида таърифлашимиз мумкин. Ҳозиргача Туркистоннинг бу драматик даври тарихини тизимли, илмий таҳлил қилишга доир ҳеч қандай тадқиқот йўқ эди. Бу тадқиқотда туркистонликлар ва руслар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кураши муҳокама қилинди. Туркистонликларнинг совет тузумига қарши миллий, маданий, исломий-диний ҳаракатлари ва миллий анъаналари (масалан, оилавий ҳаёт, анъаналарни сақлаб қолиш, русларга ассимиляция қилиш), иккинчи томондан, Коммунистик партия ва Совет давлати миллий сиёсати ва унга қарши курашни ушбу китобнинг давоми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Туркистонда 1989 йилдан бери «Босмачилик» бўйича тадқиқотлар очиқчасига муҳокама қилиниши қувонарли ҳолдир. Бу ердаги ва хориждаги ҳамкасбларим, ҳозирги мустақил Туркистон давлатларида (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон) ва Москвадаги барча архивлардаги материалларни ҳисобга олган ҳолда изланишларини давом эттирадилар деб умид қиламиз.

Имкон қадар барча исмларни туркий талаффуз билан беришга ҳаракат қилдим. Китобнинг немис тилидаги

нашрида муаллиф ва манба номлари транскрипцияси немис тилида берилган. Биз уларнинг туркий наشريда булардан воз кечдик. Биз туркча алифбодан фойдаландик. Кирилл алифбосида ёзилган муаллиф номлари, шиорлар, сўзлар ва унвонлар туркча алифбода берилган. Пастки изоҳларда муаллиф ёки сўз номларидан кейин қавс ичида хабар қилинади. Рақамлар бутун сарлавҳа шу рақам остида жойлашганлигини англайди. Ресурсларни қидириш пайтида кўплаб илмий кутубхоналардан ёрдам олиш имкониятига эга бўлдим. Бунинг учун, айниқса, қуйидаги кутубхоналарга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман: Bayerische Staatsbibliothek, Мюнхен; Кёln, Bundesinstitut für Ostwissenschaftен кутубхонаси; Британия кутубхонасининг Ҳиндистон идораси, Миллий кутубхона, Лондон; Конгресс кутубхонаси, Вашингтон; Ҳовер инқилоб институти кутубхонаси ва Стенфорд университети, Калифорния; Жамоат кутубхонаси, Нью-Йорк: Universitätsbibliothek, Кёльн; Versitätsbibliothek, Истанбул. Колумбия университетидеги профессор Эдвард Аллворт, менга Версти кутубхонасида тадқиқот қилиш имкониятини берганингиз учун самимий миннатдорчилик билдираман. Жаноб Лоуелл А. Безанис, ушбу тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга ресурсларни топишда ёрдамингиз учун сизга алоҳида раҳмат айтмоқчи-

ман. Шунингдек, Биргит Диккинсон хонимга тил ва имло хатоларини текширишда, хоним Мауреэн Турнбуллга (Лондон) Ҳиндистон кутубхонаси идорасидан кўплаб фотонусхаларни олишдаги ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Сон-саноксиз жаноблар ва хонимлар маслаҳатлари, манбалари билан ёрдам беришди. Уларнинг барчасига самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда чет элдаги бир гуруҳ туркистонликлар иштирок этишди ва моддий ёрдам беришди. Махсус саҳифада бу одамларнинг исмлари тилакларим билан келтирилган.

Ниҳоят бу китобни чиқаришда менга ёрдам берган рафиқам Рутга ва фарзандларимга чин юракдан раҳмат айтмоқчиман. Бу асарнинг туркча версиясини нашр қилишга имкон берган Туркия диний жамғармасига чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Бу асарни немис тилидан туркчага таржима қилиш, ёзишда ёрдам берган барча дўстларимга раҳмат айтаман.

Агар мен бу тадқиқот билан 1917 – 1934 йилларда Туркистон миллий курашида шаҳид кетганларнинг зиёли хизматкори бўлиш шарафига муяссар бўлсам, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Dr. Baymirza Hayit

КИРИШ

Руслар 1918 – 1935 йиллар ўзлари босиб олган Туркистонда дин ва ватан учун ўзларига қарши курашган мужоҳидларни ва бу мустақиллик курашини «Босмачи» ва «Босмачилик» деб атаганлар. Шундай қилиб, рус шовинизми ва империализмига қарши бу миллий кураш ҳаракатини ҳали бошланишидан олдин омма олдида камситиб, тўхтатамиз деб ўйладилар. Нафақат совет Россияси, балки чор Россияси ҳам 1916 йилда Туркистонга бостириб кириш пайтидаги миллий қўзғолонларни худди шундай камситувчи сифатлар билан тилга олиб, «қароқчилар ҳаракати» деб атаган.¹ Бироқ Биринчи жаҳон урушигача ҳам шундай инқилобий ҳаракатлар, ислоҳотчилик ҳаракатлари, миллий истиқлолчилик ҳаракатлари намоён бўла бошлаган. Бу ҳаракатлар

мустамлакачи давлатларнинг ҳисоботларида «анархизм» деб номланган.²

Бугунги ўзбек адибларидан Муҳаммад Али ўзбек-турк луғатига асосланиб қуйидагиларни ёзади: «Босмачи» ва «босқинчи» сўзлари, аслида, бир илдиждан келиб чиққан. «Босмачи»: босмачилар ҳаракати аъзоси; «босқинчи»: хужумчи, безори, босқинчи, ўғри, бегона юртни босиб олган куч, зўрловчи. Кўриниб турибдики, ҳар икки сўзнинг умумий маъноси иш-ҳаракатнинг бошқалар томонидан ташқаридан амалга оширилишидир. Хулоса қилиб айтганда, «Босмачи» сўзи босқинчи, тажовузкор бирлашма деган маъноларни англатади.³

«Босиб олмоқ» феълидан олинган бу сўзлар деярли барча туркий шеваларда бир хил маънога эга бўлиб, ҳеч қан-

¹ Асфандиёров С. История Казахстана. – Алма-Ата, 1935. – Б.244; Совет Энциклопедияси. 1-бўлим. 5-жилд – Б.244. Чор маъмурияти босмачилар хужум қилган жойларда полицияни кучайтириб, уларга қарши курашмоқда; ҳатто баъзи босмачиларни йўқ қилиш учун алоҳида гуруҳлар ҳам ташкил қилинди.

² Мирзо Кенжабек. Фитна санъати // Эрк. – Тошкент, 1990.

³ Муҳаммад Али. Ҳақиқатдан чиққан тарих // Мулоқот. – Тошкент, 1991. – Б.64.

дай яхши маъно билдирмайди, чамаси. Машхур турколог Вильгелм Радлоффнинг фикрича, «Босмачилик» дегани бостириш, сиқувга олиш, мағлуб этиш, бостириб кириш маъноларини билдиради.¹

Аслида, бу таърифга кўра, «Босмачи» ёрлиғи руслар учун кўпроқ мос келади. Ҳеч қандай ҳуқуқ ва қонунга эга бўлмаган, Туркистонга бостириб кирган, халқини қирғин қилган, бутун бойликларини талон-торож қилган бу империалистик кучга яна қандай баҳо бериш мумкин? Афсуски, у ўзининг сиёсий ва ҳарбий устунлигидан фойдаланиб мазлум Туркистон мужоҳидларига ўз лақабини берди. Сиз уйга бостириб кириб, одамларини ўлдирасиз, мол-мулкни талон-торож қиласиз, кейин эса эгасини «босмачилик»да айблайсиз. Бу қандай қонунга мос келади ва буни қандай мантиқ билан изоҳлаш мумкин?

1991 йилнинг май ойида дунёнинг энг буюк романчиларидан бири, Туркистоннинг суюкли фарзанди Чингиз Айтматов билан бўлган суҳбатимизда Туркистон озодлик ҳаракатига қўшилган мужоҳидларни «Босмачи» ўрнига «Озод қилувчи» (нажоткор) деб аташ кераклигини айтди. Аммо қисматни қарангки, бу хунук сўз ҳам Туркистон мужоҳидларининг сифатдошига айланиб, вақт ўтиши билан тозаланиб, гўзал бўлди...

Подшолик даври ва Совет Иттифоқига оид бошқа луғатларда «Босмачи» сўзининг «бандит» маъносини билдириши ҳақида маълумот йўқ.² Катта эҳтимол билан рус ташвиқоти Туркистон миллий курашини инкор этиш мақсадида бу сўзни қароқчи сифатида рус тилига ўтказган бўлиши мумкин.³ Босмачи сўзи рус тилидан Ғарбий Европа сиёсий ва тарихий адабиётига ҳам худди шу маънода кўчирилган. Шундай қилиб, «Босмачи» сўзи Туркистоннинг 1918 – 1934 йиллардаги миллий озодлик кураши тарихи учун умумий тушунча сифатида тарихий терминологияга ўтди. Китоб номи сифатида умумий фойдаланиш муҳитида қолиш учун «Босмачи» атамасини танладим, лекин руслар ишлатган маънода ишлатмайман. Шу билан бирга, баъзи рус тарихшунослари босмачиларнинг ўғри эмаслигини, аксинча, Туркистонни Россия империясидан қутқаришни мақсад қилган истиқлол курашчилари эканлигини тез-тез таъкидлаб ўтишларини ҳам унутмаслик керак. Мен бу масалани кейинроқ батафсил кўриб чиқаман. Шуни ҳам билиш керакки, руслар Афғонистоннинг 1979 йил охиридан то ҳозирги кунгача давом этиб келаётган миллий истиқлол урушини босмачилик деб таърифлайдилар ва ўша даврдаги Туркистон босмачилари билан Афғонистон босмачилари ўрта-

¹ Вилгелм В. Радлофф. Опыт словаря турецких наречий. – Санкт-Петербург, 1911. – С.64.

² Бу ерда Лазар Захарович Будагов (Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. – Санкт-Петербург, 1869) ва Севортян (Этимологический словарь туркских языков. – Москва, 1978) «Басмачи» сўзи ҳақида ҳеч бир маълумот бермайдилар. Р.Абдурахмановга кўра (Русско-Узбекский словарь. – Москва, 1954. – Б.693), русчадаги «разбойник» сўзи ўзбекчада «босмачи, ўғри, талончи, йўлтўсар, қароқчи» маъносида келади.

³ Руслар «Басмачи» сўзининг миллий курашининг маъносини бузиш учун қўллагани ҳақида кўплаб қайдлар мавжуд. Худди шу мавзуни С.Н.Еллис «The Transcaspian Episode» (Лондон: Худчинсон Публишерс, 1963) номли асарда ўрганган, 165-бетни шунга бағишлаган: «The word Basmachi was applied by the Bolsheviks in derogatory sense to the Muslim national revolt against Russian domination and Bolshevism. There had been earlier revolts culminating in the great rising in 1916 which had been crushed with severity by Tsarits troops».

сида уйқашлик мавжудлигига ишора қиладилар.¹

Совет Иттифоқида Туркистонда совет даври ҳақида кўплаб китоблар, рисоалар, мақолалар нашр этилган, тарих китобларига ҳам айрим боблар қўшилган. Бу ёзма манбаларни имкон қадар жамлаб, китобнинг илова бўлимида беришга ҳаракат қиламан.

Босмачилар ҳаракати ҳақидаги совет тадқиқотлари ўзига хос кескин характерга эга бўлиб, буни қуйидаги фикрлардан ҳам кўриш мумкин.

1) Советларнинг босмачилар ҳаракати ҳақидаги тадқиқотлари шу пайтгача расмий давлат тарғиботи ва Коммунистик партия тамойиллари таъсирида эди. Шунинг учун у воқеаларни холис кўрсата олмади. Совет тадқиқотларида босмачилик «аксилнқилобий, шовинистик ҳаракат бўлиб, унда феодаллар ва руҳонийлар ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилганлар» деб таъкидланади. Уларнинг фикрича, босмачилар ҳаракати «фуқаролар урушининг ҳодисаси ва кўринишларидан бири»;

2) Советлар ҳар доим босмачилар ҳаракати немислар, турклар, инглизлар ва америкаликлардан доимий ёрдам олган деб даъво қиладилар. Бироқ улар буни тасдиқловчи ҳеч қандай далил келтира олмадилар;

3) Советларнинг тадқиқотлари бу миллий кураш Туркистоннинг оммавий ҳаракати эканлигини инкор этади. Улар руҳонийлар ва бойлар каби жуда кичик

муҳолифат гуруҳи Туркистон халқига таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда деб даъво қиладилар.

Албатта, объектив тадқиқот совет тадқиқотларининг бундай даъволарини қабул қилмайди. Ушбу тадқиқотда биз бунинг сабабларини тўлиқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Лекин, биринчи навбатда, бир ҳақиқатни унутмаслик керак: босмачилар ҳаракати собиқ Россия империяси давридаги фуқаролар урушининг бир қисми бўлмаган. 1918 – 1919 йилларда Туркистонда большевиклар ва большевикларга қарши руслар бир-бирига қарши курашдилар. Эҳтимол, биз бу воқеани Россиядаги фуқаролар урушининг бир қисми сифатида кўришимиз мумкиндир. Ҳариккала қарама-қарши рус қаноти ҳукмронлик учун курашда ғалаба қозонишга ҳаракат қилишганди.

Лекин Туркистон ва Россия ўртасидаги кураш фуқаролар уруши эмас эди. Чунки қарама-қарши кучларнинг миллий тушунчалари бутунлай бошқача эди. Руслар Туркистонни ўз суверенитети остига қайтариб олмоқчи эдилар. Туркистонликлар эса Россия суверенитетидан қутулиб, ўз миллий давлатини барпо этишга ҳаракат қилардилар. Туркистон Россия томонидан ҳарбий куч билан босиб олинди. Туркистонликлар Россия фуқароси эмас эдилар, барча совет тарихчилари ва географлари Туркистон совет вилояти эмаслигини тасдиқлайдилар. Бу мамлакатда бугунги

¹ Борис Лунин. Босмачество: Социально-политическое сущность. – Ташкент, 1984. – С.3: «Бир замонлар Ўрта Осиёда советлар даврида бўлгани каби, бугун Афғонистонда ҳам босмачилар сиёсий реакциянинг қуроли ва байроғини кўтариб юришади. С.130: «Мужоҳид ва босмачилар – бир тупроқ маҳсули. Улар тарих давомида бир-бирига яқин бўлган ҳодиса бўлиб, қон билан боғлиқ дейишимиз мумкин. Бинобарин, биз Марказий Осиёдаги босмачиларни кўздан кечириш орқали Афғонистондаги мужоҳидлар ҳаракатининг асл маъносини тарих нуқтаи назаридан билиш имконига эга бўлдик». Зевелов А.И., Поляков Ж.А., Шишкина Л.В. Босмачество. Правда истории и вымысел фальсификаторов. – Москва, 1986. – С.8: «Агар Афғонистондаги инқилоб муҳолифлари душман ёки босим ўтказувчи сифатида тасвирланган бўлса, бу тасодиф эмас». «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1986 йил 28 январдаги сониди Афғонистон мужоҳидлари раҳбарларининг президент Рейган томонидан қабул қилиниши «босмачиларнинг қабул қилиниши» деб берилган. Ҳозиргача чиққан совет нашрларидан «Афғонистон мужоҳидлари худди Туркистондаги босмачиларга ўхшайди» деган совет тарғиботининг даъвоси яққол кўзга ташланади. Бу гоё ўқувчига «аксилнқилобий» ва «қароқчи» образини етказиш мақсадида ҳамон сақланиб қолган.

кунгача сақланиб қолган хусусиятлар (тили, ландшафти, маданияти ва тарихи, дини, ҳудудий интроверсияси (хатти-ҳаракатлари ичга, яъни ўз-ўзига қаратилган шахслар), ўзига хос урф-одат ва анъаналари ва бошқалар) мавжуд. Буларда русларга ҳеч қандай ўхшашлик йўқ.

Совет Иттифоқи ҳозиргача босмачилар ҳақидаги архив материалларини эълон қилмаган. Советлар ўз ихтиёрида босмачилар ҳаракатининг ҳақиқий миллий тавсифини очиб берадиган кўплаб манбаларни ёпдилар: масалан, қизил армиянинг тезкор буйруқлари, тезкор хариталар, шаҳид бўлган босмачилар рўйхати, ҳукуматнинг махфий қарорлари ва бошқалар. Разведка бўлинмаларининг хабарлари, захарланган ичимлик суви, қудуқлар ва ёқилғи қуйиш шохобчаларининг диаграммаси; босмачиларга нисбатан барча суд қарорлари; туркистонликларнинг босмачи операциясига муносабати ҳақида ёзма хабарлар; уруш ўлжаларининг расмлари; ҳаракат пайтида ва 1934 йилдан кейин Сибирга сургун қилинганлар рўйхати; ҳукумат ва коммунистик партия маъмуриятининг босмачилик даврига қарши курашда ва ундан кейинги даврдаги сиёсий ёки иқтисодий низомлари ва махфий фармонлари; босмачи маъмуриятининг ҳужжатлари совет ҳокимияти томонидан қўлга олинган. Қизиғи шундаки, улар томонидан 1919 – 1935 йилларда Совет Иттифоқида нашр этилган кўплаб асарлар ҳам тадқиқот учун очиқ эмас.

Агар улар тадқиқот учун босмачилар ҳақидаги архив материалларини чиқармасалар, илм-фаннинг мустамлака тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган ўша буюқ, қонли, тарихий воқеаларни тўлиқ етказишини кутишимиз ноўрин. Эҳтимол, советлар қизил армиянинг босмачиларга қарши олиб борган шафқатсиз кураш

усулларини яшириш учун ҳеч қачон босмачилар ҳақидаги архив материалларини нашр этмаслар. Шунга қарамай, ғарб тадқиқотчилари советларнинг босмачилик ҳақидаги иккиламчи манбаси бўлган ушбу нашрга ихчам баҳо берсалар, қандайдир хулосалар чиқаришлари мумкин.

1920 йилдан кейин Ғарбий Европа ва Америкада босмачилар ҳақида бир нечта мақолалар нашр этилди. Европа-Америка ҳам, мусулмон Шарқи ҳам кенг қамровли асарни нашр этишда муваффақият қозона олмади. Тадқиқотчилар Ғарбий Европада жуда кўп бўлган босмачилар ҳақидаги ҳужжатларни илмий жиҳатдан ҳам кўриб чиқмаганлар. Худди шунингдек, Англия, Франция, Австрия, Венгрия ва Туркия архивларида ҳам босмачилар ҳақида олимлар томонидан ҳеч қачон ҳисобга олинмаган ҳужжатлар мавжуд. Мен ушбу тадқиқот учун Ғарбий Европа архивлари ҳужжатларидан фойдаланишга қарор қилдим. Тан оламан, молиявий сабабларга кўра барча ҳужжатларга кира олмадим.

Шу боисдан ҳам «Босмачилик ҳақида Британия, хусусан, Ғарбий Европа ҳужжатлари» сарлавҳаси остида кейинги манбаларни баҳолаш, эҳтимол, келгусидаги тадқиқотчиларнинг вазифасидир.

Босмачишуносликнинг яна бир муаммоси шундаки, у воқеаларни бошдан кечирганлар (мужоҳидлар) нуқтаи назардан ўтказди. Бу билан мен Туркистон халқининг ўзи томонидан босмачилар ҳаракатининг намоён бўлишидаги муаммоларни назарда тутяпман. Маълумки, босмачи маъмурияти кураш даври воқеалари ҳақидаги ёзма матнларни тўплаган, аммо бу ҳужжатлар қизил армия бўлинмалари ёки инқилобий кенгаш органлари томонидан босмачилар мағлубиятга учратилганида қўлга киритилган.

1921 – 1935 йиллар оралиғида кўп сонли босмачилар, жумладан, унинг етакчилари Туркистонни тарк этишга муваффақ бўлдилар. Тўғрироғи, Афғонистон, Эрон ёки Хитой ҳукмронлиги остида бўлган Шарқий Туркистондан бошпана топиб, босмачиларга оид бир қанча ҳужжатларни ўзлари борадиган жойларга олиб кетишган. Ҳужжатларнинг аксарияти Афғонистон архивига топширилган. Қочган босмачилар сони шаҳидлар ёки асирлар сонига нисбатан жуда чекланган эди. Бироқ босмачилар ҳаракатида иштирок этган бу гуруҳ хорижда хотираларини айтиб, мустақиллик уруши (босмачилик) тарихига ҳисса қўшиши кутилган эди. Шунинг унутмаслик керакки, хорижда яшаган ёки ҳозир ҳам яшаб келаётган туркистонлик сиёсий муҳожирлар, афсуски, бу буюк миллий курашнинг моҳиятини очиб бе-

ришга етарлича ҳисса қўшмаяптилар. Жумладан, босмачилар етакчиларидан бири Шермуҳаммадбекнинг хотиралари ёзилди. Аммо булар миллий курашнинг аниқ тарихини тақдим этиш учун етарли эмас. Туркистондан келган сиёсий муҳожирлар ҳам шу мавзуда бир неча мақолалар чоп эттиришган. Бироқ булар жамоатчиликка тизимли ҳолда тақдим этилмаган.

Ниҳоят бу тадқиқот 1917 – 1934 йиллардаги Туркистон миллий кураши тарихи ҳақида умумий ва тизимли тасаввур ҳосил қилишни мақсад қилган. Бу қуроли миллий кураш совет руслари ва ҳаракатнинг айрим хоинлари томонидан мағлубиятга учратилди. Аммо босмачилик руҳи совет маъмурияти учун ҳақиқий даҳшатга айланди. Бу руҳ эса ҳозирги Туркистон миллий кураши учун ғоялар мероси бўлиб қолади.

1-бўлим

ТУРКИСТОН «БОСМАЧИЛИК» ҲАРАКАТИ ЙЎЛИДА (1916 ЙИЛ ИЮЛДАН 1918 ЙИЛ ФЕВРАЛГАЧА)

1916 йилги қўзғолон оқибатлари

1916 йил 8 июлда рус подшоши фронт ортида ишлаш учун Туркистондан ишчи кучи олишга буйруқ беради. Бу буйруққа кўра, 484.000 туркистонлик (234.000 киши Туркистон генерал-губернаторлигидан ва 250.000 киши Дашт генерал-губернаторлигидан) зудлик билан ҳарбий хизматга чақирилиши керак эди. Бироқ рус маъмурияти туркистонликларга нақадар паст баҳо бергани тез орада маълум бўлди.

Туркистонликлар урушда руслардан енгиладилар, аммо уларга хизмат қилиш ниятида эмас эдилар. 1916 йилнинг июлидаёқ подшо қарорига қарши

биринчи реакциялар ва норозиликлар бошланди. Рус полицияси ва аскарлари намойишчиларга қарши ўқузиш орқали исёнларни бостириш ва шу тариқа подшоҳ буйруғини бажариш мумкин деб ўйлаган. Оқибатда намойишлар қуроли қўзғолонларга айланиб кетди. Шундай қилиб, руслар нафақат фронтда жанг қилиш, балки Туркистондаги қўзғолонни ҳам бостиришга мажбур бўлдилар. Қўзғолон Россия учун иккинчи фронтга айланди. Александр Керенский 1916 йил 13 декабрда император парламенти бўлган Думада ушбу ҳолатда рус маъмуриятини айблади. Унга кўра: «Уруш

фронтига янги Туркистон fronti қўшилди... Мана, жаноблар, Туркистон ва қирғиз даштлари Тула ёки Тамбов вилоятлари эмас. Биз уларга инглизлар ва французлар ўз мустамлакаларига қандай муносабатда бўлган бўлсалар, шундай муносабатда бўлишимиз керак».¹

Шундай қилиб, Туркистон 1916 йилнинг августигача Россиянинг иккинчи fronti бўлиб қолди. Лекин Россия Туркистоннинг даҳшатли туши эди. Зўрлик билан 200 мингга яқин туркистонлик фронт ортига мажбурий меҳнатга жалб қилинди. 1917 йилдан 1918 йилгача улардан фақат айримлари қайтиб келдилар. Қўлидан иш келмаганлар фронт ортидаги оғир меҳнат туфайли ҳалок бўлдилар. Ортга қайтишга муваффақ бўлганлар эса мажбурий ҳарбий хизматга чақирилган, у ердаги нафрат ва уларга қилинган ғайриинсоний муносабати туфайли русларга қарши бўлиб қолган эди.

Айниқса, шўро тузумининг дастлабки даврида подшоҳ қўшинлари ва уларнинг қўл остидаги қўшинларнинг Туркистонда қўзғолонни бостириш учун қилган ваҳшийликларини ҳеч бир рус тарихчиси яширмаган.

Руслар қўзғолончиларга қандай муносабатда бўлганлигини яхшироқ тушуниш учун рус ва уларнинг «малайлари» буйруқларидан мисоллар келтириш ўринли бўлади. Масалан, Туркистон генерал-губернатори Н.Куропаткин 1916 йил сентябрда: «Бўрилар бошлиқлари (қўзғолон раҳбарлари назарда тутилади – Б.Х.) қамоққа олинсин. Қўй (оддий исёнчиларни англатади) хайр-эхсон қилиниши (яъни ўлдирилиши) мумкин. Шу маънода мен государга (подшоҳ) ҳисобот бераман. Бироқ қўзғолончилар кўп рус аскарларининг қонини тўккан

Пржевалский (Қорақўл) ва Пишпакнинг тоғли ҳудудларида бу буйруқдан ташқарига чиққан ҳолда исёнчиларни жазолайди. Иссиққўл ва Кебени водийси атрофидаги барча аҳоли пунктлари қирғизлар қўлидан тортиб олинади.

Фарғона вилояти бошлиғи Гиппиус қўл остидагиларга шундай дейди: «Маҳаллий халққа эълон қиламанки, артиллерия бўлинмалари Фарғона вилоятига ўз техникалари билан етиб келишди. Бу бўлинмалар нафақат ғазабланган омманни бостиришга, балки керак бўлганда бутун қишлоқларни тарқатиб юборишга, аҳоли пунктларини ер билан яқсон қилишга, ҳатто йирик шаҳарларни ҳам талон-торож қилишга қодир. Агар қишлоқда кимдир тартибсизликни келтириб чиқарса, бутун қишлоқ вайрон бўлади».²

Руслар ҳеч қачон ўзларининг қаттиқ чораларини яширишга эҳтиёж сезмаганлар. Еттисув минтақасида қўзғолонни бостириш учун туркистонлик 83.854 оиладан 53.665 таси йўқ қилинди. 160 мингга яқин туркистонлик суд қарорисиз бир умр Сибирга сургун қилинди. Куропаткин тасдиқлайдики, 1917 йил февраль ойи охирида ҳарбий суд 347 нафар туркистонликларни ўлимга, 228 нафарини умрбод қамоқ жазосига, 129 нафарини эса турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилган. Ушбу қарорларни бажариш генерал-губернаторнинг охирги расмий вазифаларидан бири эди. Баъзи чет эллик гувоҳлар, жумладан, австриялик ҳарбий асир, офицер Фритз Вилфорт 1916 йилда Жиззах шаҳридаги қўзғолонни бостириш учун русларнинг ғайриинсоний муносабатини тасвирлайди: «1916 йил 2 август Кўҳна Жиззах харобалар уюми; қўл остидаги ҳамма нарса ёндирилди; Биз ўзимиз (ҳарбий

¹ Б.Хайит. *Türkestan zwischen Russland und China*. – Amsterdam (Philo Press нашри), 1971. – P.204.

² Рискулов Т. Восстание туземцев Туркестана в 1916 году // Революционное движение в Средней Азии. – Москва, 1926. – С.50 – 75.

асирлар) ҳар томондан жасадлар ва ҳалок бўлган отларни кўмишимиз керак эди. Бизнинг вазифамиз барча жасадларни, хоҳ от, хоҳ одам бўлишидан қатъи назар, чуқурни тўлдириш эди. Жасадлар сони кўп бўлса, уларни майдонга йиғиб, олов кўйишади. Қуёшнинг жазирамасида жасадларнинг бадбўй ҳиди ҳавони бузади. Афсуски, жасадлар орасида ярим ўликларнинг даҳшатли қичқириқлари ҳам бор: рус аскарларининг кучли зарбалари туфайли улар дарҳол бошқалар билан дафн этилади. Бу даҳшатли қўл меҳнати эвазига аскарларимиз начальникдан (бошлиқ) мўл-кўл озиқ-овқат, ҳатто талон-торож қилинган кўрпа-тўшак, чой, тамаки, қуритилган мевалар, каби барча турдаги нарсаларни олишга муваффақ бўлишди».¹

1916 йил Туркистон кўзғолони ҳақида Совет Иттифоқида кўплаб асарлар ёзилганини эслаш керак. Айниқса, кейинги пайтларда кўзғолон ҳақида «античоризм, антифеодализм ва реакционер» каби бирёқлама, ёлғон номлар қўлланилса-да, бу кўзғолон ирода эркинлигига асосланган миллий кўзғолон эканлигини қатор манбалар ҳам тасдиқлайди. Совет Иттифоқидан ташқарида-

ги ғарб тадқиқотлари кўзғолон ҳақида етарлича батафсил маълумот бермайди.

Февраль инқилоби (1917) натижасида чоризм йўқолди. Бироқ унинг 100 – 120 минг кишилиқ кўшини Туркистонда қолди. Маълумки, рус мустамлакачилари 1916 йилда янгидан қуролланган эди!² 1917 йил февраль ва октябрь инқилобларидан кейин ҳам қуролларини ташламадилар.

1917 йил февралда Петербургдаги давлат тўнтариши ҳақидаги хабар Туркистонга телеграф орқали етиб келди. Генерал-губернатор Куропаткин табиий равишда рус маъмуриятига содиқ эди ва ҳеч иккиланмасдан ўз идорасини янги Россия ҳукумати ихтиёрига топширди. Туркистон халқи ўзлари ярим подшоҳ деб ҳисоблаган подшоҳ ва ҳокимнинг ҳукмронлиги туганидан хурсанд эди (Шунга қарамай, руслар қилган ваҳшийликларни унутиш ниятида эмасдилар!).³ Худди шунингдек, туркистонликлар саккиз⁴ йил ичида (1898 йилги Андижон кўзғолонидан 1917 йилгача) фақат Туркистон генерал-губернаторлигида рус ҳокимиятига қарши 4922 марта қуролли ҳужум уюштирганини туркистонликлар ҳам, руслар ҳам унутмаган.⁵

1917 йилда туркистонликлар ва руслар ўртасида Туркистон келажаги учун кураш

1916 йилнинг ўрталаридан бошлаб, айниқса, Туркистонда рус мустамлакачилари иштирокида ҳарбий террор тўлқини вужудга келди. Бу ерда туркис-

тонликларга қарши хунрезликлар ёки қирғинлар ҳақида гапирмаймиз. Чунки олимлар бу ишни қайта-қайта амалга оширишган. Туркистон 1917 йилги ин-

¹ Fritz Wilfort. Turkestanisches Tagebuch. Sechs Jahre in Russisch-Zentralasien. – Wien-Leipzig, 1930. – P.79.

² Кўшимча маълумот олиш учун қаранг: Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев Средней Азии // Коммунистический мысль. Т.1. – Ташкент, 1926. – С.21 – 108; Сапарғалиев Г. Карательная политика царизма в Казахстане, 1905 – 1917. – Алма-Ата, 1966.

³ Сафаров Г. Колониальная революция: опыт Туркестана. – Санкт-Петербург, 1921. – С.51: «Камбағал мусулмонлар онгида 1916 йил хотираси ҳамон тирик». С.62: «1916 йилни ҳамма эслайди». Edward Dennis Sokol. The Revolt of 1916 in Russian Central Asia. – Балтимор, 1953. – P.181: «The Revolt of 1916 was brutally suppressed by Russia, but the old grievances remainden».

⁴ Аслида 18 йил бўлиши керак.

⁵ Галузо П.Г. Туркестан – колония. – Москва, 1929; reprint by the Society for Central Asia Studies. – Oxford, 1986, Series №9. – P.195.

килобда февралдан сентябргача ижтимоий ва иқтисодий тушкунликда эди. 1916 йилда Туркистон генерал-губернаторлигидан Россия фронтга 654388 тонна пахта, 38004 квадрат метр чидамли жун гилам, 49744 тонна гўшт, 70000 қорамол, 12797 туя ва 2,4 миллион олтин рубль жўнатилди. Бироқ марказий даштлардан фронтга қанча миқдорда материаллар жўнатилгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

1917 йилда Туркистонда очарчилик бошланди. Сафаров 1917 – 1918 йиллардаги очарчилик оқибатларини Еттисув (Жетису – Семиречье) вилояти мисолида баён қилади: «Маҳаллий маълумотларга кўра, турли ҳудудларда очлик, совуқ ва касалликдан ҳалок бўлганлар сони 25 фоиздан 50 фоизгача ўзгариб туради. Ҳайвонларнинг ўндан бир қисмигина тирик қолди... 1917 йил ноябрь ойида Россия истилоси остида бўлган Бухоро ва Хива хонликлари, шу жумладан, Туркистонга бор-йўғи 122 вагон буғдой етиб келди, 1918 йил феврида эса 459 вагон буғдой келди. Келаётган барча дон фақат рус халқига (истисто) тақсимланди».¹

Маълумки, Россия Туркистонда пахта етиштиришни кўпайтириш учун рағбатлантириш чораларини қўллаган, шу билан бирга, ғалла етиштиришни чеклаган.² Оқибатда Туркистон Россиядан жўнатилган донга қарам бўлиб қолди. 1917 – 1918 йилларда Россия Туркистондан пахта, Туркистон эса Россиядан ғалла ола олмади. 1917 йил февраль инқилоби даврида Туркистон иқтисодий ҳалокат, очлик ва қашшоқлик ичида эди. 1917 йил апрель ойининг бошида Россия муваққат ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлигида ижро этув-

чи Туркистон қўмитасини тайинлади. Аввалги чор амалдорлари, зобитлари, солдатлари, милиционерлари, темирйўлчилар ва рус муҳожирлари (ерга эга мустамлакачилар) 1917 йил 6 мартда Тошкентда 19 кишидан иборат «Жамоат ташкилотлари ижроия қўмитаси»ни туздилар. Кўпчиликни ташкил этган бу аъзолар Россия социал-инқилобчилари ва Россия социал-демократик партиялари (русча қисқартма – РСДРП) сафларидан эди. Бироқ бу қўмита ҳеч қандай кучга эга эмас эди. Туркистоннинг собиқ губернатори Куропаткин бу сафар инқилобий Россия номидан мамлакатни бошқараётган эди. Ижроия қўмита Куропаткиннинг чекинишини талаб қилди. Шундан сўнг Куропаткин 1917 йил 31 мартда Тошкентда ҳибсга олиниб, Петербургда олиб кетилди.

1917 йил апрель ойида рус жамоат ташкилотлари ижроия қўмитаси Тошкентда яна асосан социал-инқилобчилар ва социал-демократлардан иборат «Ишчи ва солдат депутатлари совети»ни тузди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, «совет» сўзи большевиклар ихтироси эмас, балки уларнинг ўтмишдошлари ғоясидир. Бу кенгаш ўзининг биринчи қурултойини 1917 йил апрелда ўтказди. Кенгаш Россия ҳукуматининг Туркистондаги ҳукмронлигини ишчи ва ҳарбий делегатларга, 1917 йил ўрталаридан эса деҳқон делегатларига ўтказиш масаласини муҳокама қилди. 1917 йилнинг сентябридаёқ Кенгаш 13 кишидан иборат инқилобий қўмита тузди, жумладан, социал-демократларнинг чап қанотидан 4 нафар большевик, 5 нафар социал-инқилобчи, 2 нафар социал-демократик меньшевик ва 2 нафар

¹ Сафаров. 81-бет.

² Уразаев Ш. Туркестанская АССР – первое социалистическое государство в Средней Азии. – Москва, 1961. – С.9; пахта майдонлари 1885 йилда 410000 десятина, 1895 йилда 291000 десятина, 1915 йилда 541900 десятина эди.

анархист бор эди. Бу қўмита бошқарувни кенгаш орқали ўзлаштиришда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиши керак эди.¹ Бу қўмита Тошкентдаги ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар делегатларидан ташкил топган ижроия қўмитаси билан жуда яқин ҳамкорлик қилади деб таъкидланган.

Қўмита 1917 йил 13 сентябрда Туркистондаги қўшинлар қўмондони Черкесни ҳибсга олган эди. «Энди кенгашнинг кўп аъзолари инқилобий қўмита билан ҳукмронлик курашидан қочиш учун Фарғона вилоятига кетишга мажбур бўлдилар. Кенгашда инқилобий қўмита ва социал-демократларнинг большевиклар қанотининг айрим аъзоларигина қолди. Шундай қилиб, большевиклар келажакдаги ҳаракатларнинг моҳиятини белгилашда ўз сўзларига эга бўлдилар. Аммо улар ҳали ҳам социал-демократлар, ҳатто анархистларнинг иштирокига муҳтож эдилар. Улар ўз фаолиятини коммунистлар номи билан давом эттирмадилар.

Большевиклар томонидан инқилоб сифатида баҳоланган ва муваққат Россия ҳукумати ағдарилган 1917 йил 7 ноябрдаги Петербург тўнтариши Тошкентдаги социал-демократларнинг большевиклар қанотини ҳам рағбатлантирди. Кенгашнинг ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар делегатларидан иборат инқилобий қўмитаси 9 – 13 ноябрь кунлари Тошкентда Владимир Ляпин бошчилигида қўзғолон кўтарди, бу қўзғолон натижасида 600 нафар аскар ёрдамида қўзғолончи темирўлчилар шаҳар қалъасини эгаллаб олдилар. Шу куни Тошкент ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар кенгаши барча маҳаллий советларга телеграф орқали хабар жўнатади:

«Тошкентда барча ҳокимиятни советлар ўз қўлига олди».² Қолаверса, 1917 йил февраль инқилоби даврида ўзини советларнинг маҳаллий матбуот котиби деб билган, лекин улар устидан ҳеч қандай ваколатга эга бўлмаган Тошкент шўроси эндиликда «Советлар ҳукмронлиги» («Советская власть») сиймосини ёйишга ҳаракат қиларди. Ҳокимиятни русларнинг бир гуруҳидан бошқа гуруҳига ўтиши том маънода большевиклар даври бошланганини англатмас эди.³ Аммо бу ҳаракат билан Туркистонда Россиянинг советлаштириш сиёсати бошланган эди.

Бирорта ҳам туркистонлик маҳаллий миллат вакили аъзо бўлмаган Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советининг ўзини ёлғиз инқилоб вакиллари деб билиши ҳам ғалати, ҳам кулгили эди. Маълумки, Туркистон меҳнаткашлари рус меҳнаткашларидан руҳланиб 1917 йил апрель ойида «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи»ни тузгандилар. Бу иттифоқда фақат самарқандлик мусулмон ишчилар гуруҳи фаол эди. «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи» 23 ноябрь куни Тошкентдаги кенгашга телеграмма йўллайди: «Иттифоқ таъсисчиси касаба уюшмаларининг чекланган гуруҳидан ташкил топган ишчилар ва аскарлар депутатлари кенгашига қарашли Тошкент ижроия қўмитасининг даъво қилишича, совет ҳокимияти уларга топширилди ва мусулмонлар иродасига қарши мамлакатнинг аксарият қисмини эгаллаб талон-торож қилади.

Тошкентдаги большевиклар советлари зудлик билан ўзларини қонуний ҳокимият сифатида ўрнатишлари керак

¹ Турсунов.Х и др. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, 1974. – С.50.

² Богоутдинов А.М. и др. История коммунистических организаций Средней Азии. – Ташкент, 1947. – С.194.

³ Сафаров (8). 70-бет.

эди. Советнинг инқилобий қўмитаси, шунингдек, ижроия қўмитаси деб аталади.

1917 йил ноябрь ойида Советларнинг 3-съезди бўлиб ўтди, унда тахминан 114 делегат қатнашди.¹ Большевикларнинг Тошкент гуруҳи раҳбари Тоболин қурултойда большевиклар ва максималистлар (социал-инқилобий) фракцияларининг бирлашган декларациясини таништирди. Унга кўра: «Большевиклар ва максималистларнинг бирлашган фракцияси мавжуд марказий ҳокимиятни (яъни Россия – Б.Х.) ва унга қарашли ташкилотларни тан олади ва бундан буён Халқ Комиссарлари Советининг ишчи, аскар ва деҳқон депутатларини энг юқори давлат ташкилоти деб билади». 114 нафар рус қатнашган қурултойда 7 нафар большевик ва 8 нафар ижтимоий инқилобчи 17 нафар қарши ва 97 нафар ижобий овоз билан Халқ Комиссарлари Совети этиб сайланди, аъзолар орасида биронта туркистонлик йўқ эди.² Қурултой залида бўлган Туркистон Уламолар Жамияти раиси Шерали Лапин 1917 йил ноябрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари қурултойида Туркистоннинг мухторият ҳуқуқига оид қарорини ҳимоя қилди ва Россия Советларининг ҳукмронлик талабига Туркистон мусулмонлари қарши бўлади деган асосда рад этди. Руслар Лапиннинг сўзларига эътибор бермадилар. Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.И.Колесов қурултой якунида Ленинга телеграмма йўллади, унда шундай дейилган: «Халқ Комиссарлари Совети Сизнинг барча буйруқларингиз бажарилишини таъминлашни ҳаётий вазифа деб билади!»

Тошкентда большевиклар ва социал-инқилобчиларнинг бирлашиши нати-

жасида совет ҳукмронлигига бирданига эришилди. Советларнинг 3-съезди маҳаллий халқ социал-инқилобий ва конституциявий демократлар ҳукмронлигини қандай баҳолагани маълум эмас, шунингдек, бу ерда, маҳаллий халқ орасида мумтоз пролетар тузилмаси мавжуд эмаслиги сабабли мусулмонлар инқилобнинг юқори органларига киритилмаган. Бу қарор кўплаб совет манбаларида хавотир билан кутиб олинди. Аммо дастлаб Тошкентда, сўнгра бутун Туркистон бўйлаб аста-секин амалга оширилган, маҳаллий аҳоли иштирок этмаган бу «инқилоб» эски рус мустамлакачилик менталитети маҳсулидир деб ҳеч бир совет манбаси тан олмайди. Сафаров большевикларнинг бу бирёқлама маълумотларидан аниқ хулоса чиқаради ва шундай ёзади:

«Парламент ғалабасига эришилди, лекин айти пайтда Туркистондаги мустамлакачилик тафаккури янги совет ҳокимияти билан мустаҳкамланди. Янги ҳокимият мазлум халқларнинг меҳнаткаш омма ишончини қозониш ўрнига давлат ишончи учун ишлашни хоҳларди. Большевиклар партиялари бундай воқеаларга аралашиш у ёқда турсин, улар ҳеч қаерда кўринмасди. Фақат бир нечта большевиклар инқилобдан кейин қўлга олинди. Большевиклар партияси Туркистонда совет ҳукмронлигини таъминлаши ўрнига совет ҳукмронлигини тасдиқлаш зарурати туфайли совет маъмуриятининг ўзи большевиклар ва сўл инқилобчилар партияларини ташкил қилгани катта зиддиятдир. Натижада большевиклар ва сўл социал-инқилобий партиялар бошиданоқ сон-саноксиз авантюристлар, мансаб изловчилар ва

¹ Сафаровга кўра, 114 нафар делегат. Ш.Уразаевга кўра, 104 нафар делегат. Туркестанская АССР и ее государственно-правовые особенности. – Ташкент, 1958. – С.54.

²Уразаев (16). 39-бет; фақат 5 большевик учун.

жиноятчилар маконига айланиши муқаррар эди. Большевиклар расман ўзларини «большевиклар ҳукумати партияси»дан бошқа нарса деб билишмагани ҳам жуда қизиқ.

Бошқа томондан, чор мустамлакасидаги саноат пролетариатига мансублик руслар учун миллий имтиёз эди. Шунинг учун бу ердаги пролетариат диктатураси аввалбошданоқ типик мустамлакачилик эди; рус меҳнаткашлари уюлмаган, инқилоб амалиётига ва инқилобий анъанага мослаштирилган дастурга эга бўлишига қарамай, «Туркистон халқларини бошқариш» вазифасини ўз зиммаларига олдилар, шу сабабли улар кўплаб кексалар билан ишлашга мажбур бўлдилар».¹

Юқорида айтилган самимий фикрлар большевизм тарихида инқилобий хусусиятга эга, Лениннинг дўсти ва бир пайтлар Москванинг Туркистондаги ваколатли вакили, Россия Компартияси Туркистон бюроси аъзоси, Туркистон комиссиясининг аъзоси, Москвада Туркистон муаммоларини ўзининг безовта қилувчи фикрлари билан ҳимоя қилган ва Туркистонда ўз таассуротларини билдирган, шунинг учун ҳам режимнинг биринчи қурбони бўлган Сафаровга тегишли эди.

Туркистондаги руслар февраль, октябрь инқилоблари шарофати билан янги тузум томонидан қўллаб-қувватланган «Она Россия», «Муқаддас Петербург» ва ўзларининг аввалги позицияларидан воз кечишни истамадилар ва ўз ҳаётларини ҳокими мутлақ сифатида давом эттиришни хоҳладилар. Чор даврида бўлгани каби, айти пайтда ҳам Туркистоннинг тақдири унинг миллий иродаси билан белгиланишини тан олмадилар. Ўша дамда совет большевизми

ниқоби остида Туркистонда ҳукмрон куч бўлишни истаган руслар қандай характерга эга эди? Маълумки, руслар, Салтиков-Шедрин айтганидек, «*мунтазам тановул қилса-да, ҳеч қачон тўймайдиган характер*» билан ўзига хос ҳукмронлик амбицияларига эга. Улар миллий кураш бошланишида айбдор эдилар. Сафаров Туркистондаги русларга хос хусусиятларни қуйидагича ифодалайди:

«Рус муҳожирлари (переселенцы) Туркистонга деҳқончилик маданиятини олиб келган деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Бу ерда улар ҳаётларини қароқчи (хишниклар) сифатида давом эттириб, қўлларига тушган нарсаларни талон-торож қилишди. Бу ерда яшовчи барча руслар маҳаллий халқнинг инсон эмас, балки калтакланиши, талон-торож қилиниши ва зўрланиши керак бўлган иш ҳайвонлари эканлигини англаб етган. Бу юртда юз берган адолатсизликлар натижасида қуйидаги халқ қўшиғи пайдо бўлгани бежиз эмас:

*«Оҳ, ғамгин Осиё,
Жавобсиз мамлакат.
Раҳбарсиз,
лекин сизнинг ҳокимиятингиз билан
Ва камбағалларнинг бойлиги билан».*

Бу ерда оддий милиционер пул, егулик ва хорижлик аёлларни хоҳлаганча олиб кетиши мумкин эди. У хоҳлаганда уриши ва ўлдириши мумкин эди. Унинг учун ҳеч нарса муҳим эмас эди, чунки унинг барча безориликларини бошлиқлари яширган...

Ҳар қандай рус сохтакори анчайин беадаб эди ва ҳеч ким аралашмаса, Туркистонда хоҳлаганини қила оларди...

¹ Сафаров (8). 70 – 71-бетлар.

Совет аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари иттифоқи ўзининг олдинги режимидаги рус қуроқларини алмаштирди ...

Имтиёзли озчилик бўлган руслар мустамлакачилик менталитетига кўра талон-торож ва босқинчилик учун мос бўлган устунлик руҳида тарбияланарди. Маҳаллий аҳолидан ҳамма нарсани зўрлик билан тортиб олиш мумкин деган ғоя энди «анъанавий» кўринишга эга бўлди. Ўтган аср охиридаги Андижон қўзғолонидан кейин (1898 йил – Б.Х.) Россияга бўйсунмаган қишлоқлар бузилиб, ўрнига рус муҳожирлари келганини ҳамма биларди... Русларнинг кўчириш сиёсати ҳеч кимга сир эмас эди. Туркистондаги рус инқилоби мустамлакачилик тенденциясига мослашиши муқаррар эди. Ишлаб чиқаришда имтиёзли мавқега эга бўлган, етакчисиз, дастурсиз, партиясиз, инқилобий анъанага эга бўлмаган Туркистондаги рус ишчи синфи бундай миллатчи, қароқчи дунёқарашдан қутулиши мумкин эмас эди, майда буржуа тазйиқлари сабаб мусулмонлар орасида қуйидаги фикр кенг тарқалган эди: «мусулмонлар учун очлик билан синоним бўлган рус эркинликлари, қизил гвардиячиларнинг асрлар давомида давом этиб келаётган миллий ҳаётга қарши хужуми, куч иш-

латиш (расправы), товламачилик ва ўзбошимчалик, машғулотлар ва уй қидириш - яқин ўйиндир. Келажакда бу тугайдими?»¹

Энди бу баёнотларнинг қайси бири нотўғри деган савол туғилиши мумкин. Сафаровнинг айтганлари – руслар туркистонликларга адолатсиз муносабатда бўлишмагани, ғайриинсоний сиёсат олиб боришгани – ҳақиқат.

Русларнинг бундай хатти-ҳаракатларига қарши Туркистон халқи инқилоб даврида ҳеч нарса қила олмади. Бироқ инқилоб туфайли берилган ваъдалар амалга ошмаганига жавобан ўз позицияларини илгари суришга ҳаракат қилишлари керак эди. Россия инқилоб пайтида ҳам, ундан кейин ҳам Туркистондаги руслар учун асосий таянч бўлди. Бошқа томондан, Россия Туркистонда зудлик билан ўзига ёрдамчи топиши керак эди, бу эса, албатта, руслар томонидан таъминланиши талаб этиларди. Бошқа томондан, туркистонликларни қўллаб-қувватлайдиган давлат йўқ эди. Улар ўзларини кучсиз ҳис қилишди, аммо умидлари сўнмади. Шу сабабдан Туркистон ҳеч бўлмаганда мазлум халқларнинг ҳаётини енгиллаштириши, уларнинг ўзлигини топишига ёрдам бериши керак эди.

Туркистон келажаги масаласида туркистонликлар билан руслар ўртасидаги кураш (1917 йил март – декабрь)

Чор тузумининг тугатилиши Туркистон халқининг яраланган миллий нафсониятига малҳамдек туюлди. Инқилоб туфайли улар газета ташкил қилиш ва нашр этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Туркистон зиёлилари, жумладан, жа-

дидлар ва руҳонийлар миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун шошилиш зарурлигини тушунардилар.

Жадидлар 1917 йил март ойида Мунавварқори раислигида «Шўрои ислом» номли биринчи ташкилотни туздилар.

¹ Сафаров. 45-, 50-, 51-, 61-, 62-бетлар.

Консерватив диндорлар кейинчалик Шерали Лапин раислигида «Мусулмонлар жамияти» деб аталган «Уламолар жамияти»ни ҳам туздилар. Бу икки ташкилот 1917 йил 16 – 23 апрель кунлари Туркистон мусулмонларининг биринчи қўшма қурултойини ўтказди. Қурултой «Миллий марказ» деб ҳам аталадиган «Туркистон Марказий мусулмонлар кенгаши» ташкилотини тузишга қарор қилди. Мустафо Чўқай унга раис этиб сайланди. 1917 йил апрель ойида Оренбургда собиқ Дашт губернаторлигининг 1-казак қурултойи бўлиб ўтди. Ҳар икки қурултойда ҳам мамлакат бошқарувини тортиб олиш мавзуси кун тартибига қўйилган ва бу миллий мақсад сифатида белгиланган.

Россия ҳукуматининг Туркистон қўмитаси аъзолари орасида тўрт нафар мусулмон ҳам бор эди. Аммо, афсуски, бу қўмита аъзолари Туркистоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун кўп ҳаракат қилмади.¹ Туркистон маъмуриятига тўрт мусулмоннинг тайинланиши Туркистон мусулмонлари учун қувонч манбаи бўлган эди, лекин уларнинг амаллари халқнинг ҳафсаласини қаттиқ пир қилди. Тошкентдаги «Миллий марказ», Оренбургдаги «Алаш Ўрда» муваққат ҳукумати Россия ва унинг Петербургдаги маҳаллий вакиллари билан музокара-лар олиб борди. Бу ташкилотлар, айниқса, чоризм даврида Туркистон халқидан тортиб олиниб, рус мустамлакачилари ва қозоқларга (казакларга) берилган ерларни қайтариш, Туркистонга эҳтимолий мустамлакачилик босқинининг олдини олиш, Туркистондан юборилган 1916 йилда фронтда бўлган ва инқилоб

туфайли турли областлар ва вокзалларда қолиб кетган туркистонликларни қайтаришни сўради. Буни уларнинг қайтишини секинлаштириб, автономия ҳуқуқи учун Россия ҳукумати розилигини олиш деб ҳисоблаш мумкин эди. Тошкентдаги бу депутатлар ҳам Туркистоннинг долзарб масалалари (очликка қарши кураш, рус мустамлакачилари ва аскарлари зулмининг олдини олиш) ечимини топиш мақсадида Тошкентдаги ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари кенгаши билан доимий алоқада эдилар. Туркистон муаммолари, айниқса, келажакда миллатнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ҳақида кўп гапирилди, кўплаб музокара-лар олиб борилди. Бироқ бу соҳаларда сезиларли муваффақиятга эришилмади. Миллий бошқарув аппарати «инқилобчи» руслар билан миллий бирдамлик ва ислом руҳи асосида музокара олиб боришга рози бўлмади. Исломий кенгаш ичида қадимчилар жадидчилар билан радикал тарзда кураш олиб бордилар. Улар ҳатто ислохотчиларга қарши курашда Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига россиялик номзодларни қўллаб-қувватлашга ҳам тайёр эдилар. Бу мажлис февраль ва октябрь инқилобларида жуда муҳим вазифани ўз зиммасига олди, чунки бу ердан Туркистоннинг ҳар бир шахрига сиёсий таъсир кўрсатиш мумкин эди. 1917 йил май ойида Тошкент шаҳар кенгашига сайлов бўлиб ўтди. Қадимчилар шаҳар парламентида олтмишта ўринга эга бўлишган. Фракция аъзолари генерал Ликошинни шаҳар парламенти раиси этиб тайинлаган эди. Ликошин Самарқанд вилоятида ҳарбий губернатор бўлиб

¹ Муваққат рус ҳукуматининг Туркистон комитетидаги рус аъзолар: Щепкин, Преображенский, Дёповский, Елпатьевский, Шкапский. Мусулмон аъзолари: Генерал Абдулазиз Давлетшин, Садр Мақсудий, Муҳаммаджон Тинишбоев ва Али Бўкейхонов; Татар бўлган Давлетшин 1916 йил кўзғолонини бостиришга ёрдамлашиш учун Куропаткиннинг илтимосига биноан Туркистонга келади. Қолаверса, миллати татар бўлган Садр Мақсудий Россия конституцион-демократик партияси ва Дума аъзоси эди.

хизмат қилган ва ўз ваколати доирасида 1916 йил қўзғолонини қонга ботирган. Яна ўша шахс Самарқанд ва Жиззах шаҳарлари оралиғидаги 70 км йўл бўйлаб даргоҳ ўрнатишни, қўлга олинган қўзғолончиларни осиб қўйишни, қўзғолон бостирилгунга қадар жасадларни туширмасликни буюрди. У Жиззах шаҳри ва унинг атрофини вайрон қилган шафқатсиз саркарда, қадимчиларга таяниб обрў-эътибор қозонган шахс эди. Нега қадимчилар руслар сафидаги шафқатсиз қотилни бундай муҳим вазифага олиб келишди? Қадимчилар жоҳилмидилар? Ёки пора олдиларми? Нега улар исломнинг бирлиги ҳақида гапириб, виждонсиз монархист бўлган Ликошинни қўллаб-қувватлаган ҳолда самимий мусулмон бўлган жадидчиларни ёмон кўришди? Диндорлар жаллод Ликошинни ўз овозлари билан Тошкент шаҳар кенгашига бошлиқ қилиб қўяркан, бу хатти-ҳаракати билан туркистонликларнинг мухторият ҳаракатларига ҳам тўсиқ бўлганларини билишмасмиди? Чунки рус инқилобчилари (социал-демократлар, социал-инқилобчилар) ва уларнинг тарафдорлари монархияга қарши бўлиб, «маҳаллий халқнинг ўзи мухтор Туркистонни бошқаришга қодир эмас» деган ғояни тарқатаётган эди. Дин вакилларининг бундай аҳмоқона хатти-ҳаракатларига қарамай, Туркистоннинг мухторият учун уринишлари давом этди. Уламолар жамияти ва Ислом кенгаши 1917 йил октябрь-ноябрь ойларида Туркистон мухториятини таъминлаш учун аниқ чоралар кўрди.

Улар 1917 йил ноябригача учта ислом қурултойи ўтказиб, Тошкентдаги ишчи ва аскар вакилларига миллий

мақсадлар ҳақида етарлича маълумот бердилар. Туркистоннинг мухторият ҳақидаги талабини парламент ҳам, рус партиялари ҳам маъқулламади. Коммунистларнинг асосий партияси – Социал-демократик партия 1917 йил сентябрь ойида шундай қарор қабул қилган эди: «Россия инқилобининг омон қолиши учун Россияни миллатларга ажратиб бўлмайди, балки иқтисодий, маданий ва сиёсий бирликка ёрдам бериш керак».¹

Ислоҳотчилар (тараққийпарвар, маърифатпарвар Туркистон халқи) «Шўрои ислом» ташкилотининг вакиллари бўлиб, уларнинг рақиблири «Уламолар жамияти»дан эди. Бошқа томондан, Туркистон қозоқ туркларининг Оренбург ва бошқа шаҳарлардаги «Алаш Ўрда» партияси, айниқса, Дашт генерал-губернаторлиги бош губернатори «Уч жуз» партияси билан кураш олиб боришга мажбур бўлди. Бу партия вакиллари партияни Тошкентдан бошқаришни истади. Аммо Омск шаҳри уларнинг маркази эди. «Уч жуз» партияси худди «Алаш Ўрда» партияси каби қозоқларнинг озодлиги учун ҳаракат қиларди. Лекин «Уч жуз» партияси барча русларнинг ўз ватанларига қайтишини истарди. Бу партия туркчилик ғоясини ҳам кун тартибига олиб чиққан партия бўлди. Партия фаолияти 1918 йил апрель ойида Колчак ҳукумати томонидан тўхтатилди. Тазйиқлар натижасида ўз фаолиятини тўхтатган баъзи партия аъзолари кейинчалик большевиклар билан бирга ишлаган.²

Туркистон ташкилоти маъмурлари, Тошкентдаги ишчи ва аскар депутатлари совет Россияси ҳукуматининг 1917 йил 15 ноябрдаги «Россия империясидаги халқларнинг ҳуқуқлари тўғриси-

¹ «Уч жуз» партияси ҳақида қаранг: З.В.Тўғон. Туркистоннинг бугуни ва яқин тарихи. – Истанбул, 1981. – Б.506; Совет Қозоқ Энциклопедияси. 2-жилд. – Б.438; Вопросы истории. Выпуск 7. – Алма-Ата, 1975. – С.27 – 36.

² Миллюков П.Н. Национальный вопрос. Прохождение национальных вопросов России. – Прага, 1925. – С.183.

даги декларация»си ва совет ҳукуматининг Россия чегараларидаги чақириғи асосида 1917 йил 3 декабрда Россия империяси қўли остидаги халқларга ўз тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини беришини хоҳлади. Туркистонлик фаоллар Россия марказий ҳукуматининг декларацияси ва чақириғини сеҳрли тумор деб билишган. Улар чиндан ҳам совет ҳукуматининг Петербургда халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаши ёки хоҳласа Россияни тарк этиши мумкинлиги ҳақидаги баёнотлари тўғрилигига ишонган. Ўшанда совет маъмуриятининг бу ёқимли, тинчлантирувчи, умидвор баёнотларига ҳеч ким шубҳа қилмас эди. Россия империяси барпо этилгандан бери биринчи марта айтилган бундай баёнот рус маъмурияти туркистонликларни тан олганини англатарди, аслида эса руслар ўз империясини сақлаб қолишни режалаштирган эди.



Бу хоинлик саҳнасининг бир қисми эди. Туркистонликлар Петербургда большевиклар билан бевосита алоқада бўлмаган. Шунинг учун улар Тошкентдаги Россия Халқ Комиссарлари Совети билан музокара олиб боришларига тўғри келди. Тошкентдаги совет маъ-

мурияти декларация матнини ва мусулмонларга мурожаатномани жуда яхши биларди. Бироқ буни эътиборсиз қолдириб, Туркистон мухториятига хушёр муносабатда бўлди. Туркистон ташкилоти раҳбарлари кўп нарса сўрамас эдилар; улар мустақил давлат барпо этишни исташмаган, фақат мухториятни хоҳлашган. Улар русларга қарши ёлғиз эканларини билишарди.

1917 йил сентябрда бўлиб ўтган мусулмонлар қурултойи ўз ички ишларини ҳал этиши мумкин бўлган Туркистон мухториятини ташкил этишни мақсад қилиб қўйди. 1917 йил ноябрь ойининг бошида 515 делегат иштирок этган 3-мусулмон қурултойи Туркистон мухтор республикасини ташкил этиш тўғрисида 14 банддан иборат қарор қабул қилди.¹ Бу қарор матни на Петербургдаги совет маъмуриятида, на Тошкентда қабул қилинган. Туркистон ташкилоти раҳбарлари 114 нафар делегат иштирокида ўтказган қурултой орқали руслар ўзларини Туркистоннинг ягона ҳукумдори деб билганидан норозилик билдирадилар. Улар Туркистонда янги совет ниқобидаги рус империализмининг бошлашга мойил эканларини англаб етдилар. Ҳеч бир рус амалдори туркистонликларнинг талабларини бағрикенглик билан қаноатлантира олмади. Акс ҳолда, ҳар бир ақли расо одам, туркистонлик 515 нафар делегатнинг хоҳишига қарамасдан, 1917 йил ноябрь қурултойида руслар ҳалигача Россия суверенитетини сақлаб қолишни хоҳлаётганини сўраши керак эди. Туркистонликларга қарши кураш чораси қурол кучи эди. Шундан келиб

¹ Қурултойдаги қарор матнининг тўлиқ маъносини қуйидаги адабиётлардан билиш мумкин: Победа Октябрьской революции в Узбекистане. – Ташкент, 1963. – С.562 – 563; Боймирза Ҳайит. Sowjetrussischer Kolonialismus und Imperialismus in Turkestan. – Ovosterhout-Holland, 1965. – P.19 – 21; Турк дунёсида рус империализмининг излари. – Истанбул, 1978. – Б.109 – 111; Islam and Turkestan under Russian Rule. – Истанбул, 1987. – P.297 – 299.

чиқиб улар ўзларининг баёнотлари ва мусулмонларга берган ваъдаларига амал қилмадилар.

Ҳа, инқилоб пайтида ҳам, инқилобдан кейин ҳам инқилоб қилган русларнинг ёки Туркистон русларининг онги ва амалиётидан империянинг вориси бўлиш фикрини ўчириб ташлашнинг иложи бўлмади. Шу нуқтаи назардан қаралса, руслар аввалбошданоқ нима учун рус инқилоби ҳақида гапирганлигини тушуниш мумкин бўлади. 1917 йил март ойининг охирида рус тили ўқитувчиси Некура Тошкентдаги генерал-губернаторликдаги Ишчи ва солдат депутатлари кенгашининг таъсис мажлисида шундай деган эди: «Инқилобни рус инқилобчилари, яъни рус ишчилари ва аскарлари амалга оширдилар. Шунинг учун биз руслар ҳукмронлик қилишга ҳақлимиз. Маҳаллий халқ биз берган нарсаларга қаноат қилсин».¹

У ерда бўлган барча руслар Некуранинг чиқишини мамнуният билан кутиб олишди. Учрашувда баъзи туркистонликлар ҳам қатнашди. Туркистонлик Шоҳ Исом Шоҳ Аҳмат ўрнидан туриб: «Инқилоб русларга қарши бўлиши мум-

кин эмас, аксинча, инқилоб Петербургда амалга оширилган ва бу ерда, Туркистонда амалга оширилаётган ишлар инқилоб эмас, балки фақат ҳокимиятни ўзгартиришдир, бунинг учун руслар ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиши керак», – деган.

Шундай қилиб, Тошкентдаги инқилобдан сўнг дарҳол руслар ва туркистонликлар ўртасида янги, кучли қарама-қаршилик бошланди. Туркистон халқи жамиятнинг юқори қатлаמידан чиққан бу инқилобчилар деб аталганлардан нима кутиши мумкин эди? Ростини айтсам, улар жуда кўп нарса умид қилишмаган. Айниқса, большевик ижтимоий инқилобчилари бошқарувни қўлга олишгандан кейин туркистонликларнинг ўз келажаги учун тезроқ чора кўришдан бошқа йўллари қолмади. Совет русларининг сиёсий фикрлари ва таклиф қилаётган ечимлари билан туркистонликларнинг бу масалага қарашлари бутунлай қарама-қарши эди. Туркистонликлар энди ҳудудий яхлитликка эга миллий, автоном Туркистон Республикасини барпо этиш ниятида эдилар.

¹ Мустафо Чўқай. 1917 йил хотираси парчалари. 2-нашр. Профессор Саадет Чигатай. – Анқара, 1988. – Б.22.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ МАСАЛАСИ. ТУРКИСТОНЛИКЛАРНИНГ МАҚСАДЛАРИ, РУСЛАРНИНГ МУНОСАБАТИ

*Қўқонда Туркистон мухтор республикаси ва
Оренбургда Алаш Ҷрданинг эълон қилиниши*



Мустафо Чўқай

Мустафо Чўқай Туркистон Миллий Маркази раиси, Туркистон мухторияти миллий ҳукумати бош вазири ва ташқи ишлар вазири сифатида ўз даврининг энг нуфузли шахсларидан бири бўлган. Мустафо Чўқай Қўқонда мухтор республика эълон қилинишидан олдинги миллий кўшинларнинг аҳволини шундай тасвирлаган: «Большевиклар 1917 йилнинг ноябрида ғолиб кучлар сифатида майдонга чиқди. Энди нима қилиш керак деган савол пайдо бўлди. Келажак ҳаммамиз учун қоронғи ва кўрқинчли эди. Шунга қарамай, айрим эҳтиёт чораларини кўришга мажбур бўлдик. Миллий марказимиз аъзолари билан бирга Самарқандда йиғилдик. Бу ердан Фарғонага йўл олдик. Ашхобод ва Олмаотага вакиллар юборилди. Рус аскарлари ва ишчиларидан ташкил топган ҳукуматга Туркистон халқи қарши эканлигини эълон қилди».¹

Миллий марказ Туркистон мухториятини эълон қилиш учун муносиб жой қидирди. Тошкентда бундай ғояларни амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Чунки бу ерда большевиклар ҳукмрон эди ва улар икки томонлама (совет ва миллий) ҳокимиятга тоқат қила олмас эдилар. Миллий марказ совет Россияси ҳукума-

ти ва Туркистон мухторияти ўртасида қуроли тўқнашув чиқиши мумкинлигини билган эди. Шу сабабдан Туркистон муслмонларининг навбатдан ташқари IV қурултойи Тошкентдан ташқарида бўлиб ўтди, чунки бу шаҳарда советларнинг ҳукмронлиги ҳаддан ташқари кучли эди. Лой бўлмаган жойда эҳтиёткорлик билан лой ясашди. Россия партияларининг айрим вакиллари, масалан, социал-инқилобчилардан В.П.Наливкин ва Вадим Чайкин ҳамда яҳудийларнинг вакиллари С.Герцфельд большевикларга қарши бўлиб, Туркистон мухторияти ғоясини қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Фарғона водийсидаги Қўқон шаҳри мухторият эълон қилиш учун энг қулай жой деб белгиланди. Қурултойни қўқонлик Мир Одил каби миллатчи ва исломпараст бойлар моддий томондан қўллаб-қувватладилар. Миллий марказ мухториятни эълон қилиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тўп-



В.П.Наливкин



Вадим Афанасьевич Чайкин

¹ Чўқай. 69-бет.



Махмудхўжа Беҳбудий

лашни Шоҳислом Шоҳаҳмадга топширди. Бу ишда унга муфтий Махмудхўжа Беҳбудий, ҳуқуқшунос Убайдуллохўжа ва Мустафо Чўқай ёрдам бердилар.

1917 йил 9 – 12 декабрь кунлари Қўқон хони эски саройида 203 нафар вакил иштирокида фавкулотда IV мусулмонлар қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой кун тартиби бўйича Туркистоннинг бошқарув шакли, Туркистоннинг Жануби-Шарқий Федерацияга кириши, ижроия қўмитани (ҳукуматни) сайлаш ва Туркистон конституциясини тузиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиладиган бўлди.¹



Латифжон Содиқбоев

Вакиллар орасида икки хил ёндашув устунлик қилди. Бир гуруҳ вакиллар зудлик билан Туркистон мустақиллигини эълон қилиш ва Россиядан ажралиб чиқиш тарафдори бўлганлар, иккинчи гуруҳ эса биринчи навбатда миллий, минтақавий, мухтор республикани эълон қилиш ғоясини илгари суришди. Ниҳоят қурултойнинг кўпчилик вакиллари томонидан Туркистон мустақиллиги тўғрисидаги масалани 1918 йил март ойида бўлиб ўтадиган йиғилишда муҳокама қилишга қарор қилинди ҳамда иккинчи гуруҳ

муҳокама қилишга қарор қилинди ҳамда иккинчи гуруҳ

фигри вакиллар томонидан қабул қилинди. Тахминларга кўра, қурултойда мухторият эълон қилиниши муҳокама қилинаётган бир пайтда айрим вакиллар большевиклар-

нинг мухторият масаласига муносабатидан хавотирда эканларини билдиришган. Вакиллардан бири Содиқбой (Латифжон Содиқбоев, андижонлик жадид – Р.Ш.), эҳтимол, бу хавотирларни бартараф этиш учун қуйидаги баёнотларни айтган: «Большевойлар Туркистонни мухтор жамият деб эълон этмас эканлар, унда мухтор жумхурият деб эълон қилишимизга қаршилик кўрсатмасинлар. Чунки ислом дини давлатни демократик тарзда бошқаришга қарши эмас-ку».

Жануби-Шарқий Иттифоқ қўшма федерациясини ташкил этиш ғоясини оренбурглик казаклар раҳбари Атаман Дутов илгари сурган. У Алаш Ўрда, Бошқирдистон, Туркистон, Бухоро, Хива ва Оренбург казаклари давлатлари ўртасида федерация тузиб, келажакда бу ҳудудларни Россия ҳужумидан ҳимоя қилишни мақсад қилиб олган эди.

Вакиллар ушбу таклифни муҳокама қилишди, лекин ҳеч ким бу федерация нимани англатишини ва у қандай ишлашини билмас эди. Шу сабабли масалани муҳокама қилиш 1918 йил мартга белгиланган конституциявий йиғилишда муҳокама қилиш учун қолдирилди.

Туркистоннинг навбатдан ташқари IV қурултойи Россиянинг «буюк ин-



С.Герцфельд

¹ Josep Castane. La Turkestan Depuis la Revolution Russe (1917 – 1922) // Revue du Monde Muselman. Vol. 50. – Paris, 1922. – P.47; Боймирза Ҳайит. Die Nationalen Regierungen von (Chokand) und der Alasch-Orda, Доктор Тези. – Мюнстер-Мюнхен, 1950. – P.38.



Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев

қилоб» тамойиллари асосида Россия Демократик Республикаси таркибида Туркистон мухториятини эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.¹ Шу билан бирга, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари кафолатланиши расман эълон қилинган. Улар 1917 йилда эълон қилган мухторият билан ҳеч қанақасига «Россия Демократик Федерацияси»дан чиқиш ниятида эмаслиги аниқ эди. Туркистонда истиқлол ғояси қизил большевиклар гвардиячи мухторият

ҳукумати билан ағдаргандан сўнг бошланади. Курултой 54 кишидан иборат Халқ Кенгашини сайлайди. Бу аъзоларнинг 36 нафари туркистонлик, 18 нафари рус, яҳудий, немис, Шимолий Кавказ ва бошқа миллий озчиликларни ташкил этарди. Кейин Халқ Кенгаши 13 кишидан иборат ҳукуматни сайлайди. Муҳаммаджон Тинишбоев Туркистон мухтор республикаси президенти (у Алаш Ўрда ҳукуматида ички ишлар вазири ҳам эди) ва Мустафо Чўқай ташқи ишлар вазири бўлади (худди шу лавозимда у Алаш Ўрда ҳукуматида ҳам хизмат қиларди). «Шўрои уламо» раҳбари Шерали Лапин Халқ Кенгаши раиси этиб, «Шўрои исломия»нинг амалдаги вакили ҳуқуқшунос Убайдуллохўжа² Туркистон Мухтор Республикаси вице-президенти этиб сайланди. Тинишбоевнинг истеъфоси билан Мустафо Чўқай бош вазир этиб сайланди. Полторацкий Қўқонда чақирилган мусулмонлар курултойида Тошкентдаги Халқ Комиссарлари Советидан вакил сифатида иштирок этиб, Россия Халқ Комиссарлиги Шўро курултойининг йиғилишига ва Туркистон мухторияти эълон қилинишига қарши бўлганига қарамай, ўз нутқида: «Биз Туркистон мухториятини ҳам хоҳлаймиз», – деди.³ Бироқ Полтрацкийнинг курултойда айтган «биз сизни рус

¹ Туркистон мусулмонларининг 4-фавқулдда курултойининг тўлиқ матни учун қаранг: Castane (30). 29-бет; Ёш Туркистон. 1930. – Б.5; Ж.Бензинг. Туркестан. – Берлин, 1943. – С.20; Боймирза Ҳайит. 62-бет.

² Асадуллахўжаев Убайдуллахўжа (айрим манбаларда Хўжаев Убайдулла) (1878, Тошкент – 1937) – жамоат арбоби, жадиличлик ҳаракатининг йирик вакили, ўзбек матбуотининг илк ташкилотчиларидан бири. Тошкентдаги рус-тузем мактабини битиргач, маҳкамалардан бирида тилмоч бўлиб ишлади (1897). Россиянинг Саратов шаҳридаги ҳуқуқшунослик институтида ўқиди (1908 – 1912). Талабалик йилларидаёқ давр муаммоларини ечишни ўйлади, рус ёзувчиси Л.Н.Толстой билан ёзишмалар қилди (1909). Ўқишни тугатгач, дастлаб Саратов, 1913 йилда Тошкент округ судида хусусий адвокат бўлиб ишлади. Чор ҳукумати маъмурларининг порахўрлиги ва золимлигини фош этиб, айримларини давлат ишидан четлатишга эришди. Жадиличлик ҳаракатига қўшилиб, тез орада унинг йирик вакиллари билан бирига айланди. Асадуллахўжаев 1917 йили Туркистондаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашди. «Шўрои ислом» жамияти раиси. Бутун Туркистон мусулмонлари I съездида ташкил қилинган Туркистон ўлка мусулмонлари марказий кенгаши котиби ва аъзоларидан бири (1917 й. апр.). Бутун Россия мусулмонлари кенгаши МК аъзоси (1917). Мухториятчилик ҳаракати ташаббускорларидан. Туркистон мухторияти ҳукуматининг ҳарбий ишлар вазири (1917 й. нояб. – 1918 й. фев.). Ҳукумат топшириғи билан Кавказга борди ва Туркистонга ғалла келтириш масаласини ҳал қилди. Истиқлолчилик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қарагани, мустамлакачиликка қарши курашгани учун «миллатчилик»да айбланиб қатағонга учраган. Бир неча марта қамалиб, турмада ҳалок бўлди. Шамсутдинов Р. Буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой билан мулоқотда бўлган Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли ҳаётидан лавҳалар // Водийнома. 2022. №1(24). – Б.7 – 27.

³ Ёш Туркистон. №85. – Б.12.



Муҳаммаджон Тинишбоев

буржуазияси қўлидан озод қилганимиздан сўнг сизни мусулмон буржуазияси қўлига топшириш учун ҳокимиятга келганимиз йўқ» деган сўзлари ҳам яхши тушунилмаган.¹

Большевиклар Халқ Комиссарлиги Совети нега Қўқондаги қурултойни қурул кучи билан тарқатиб юбормади деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, Оренбург темир йўлининг Оренбург казаклари томонидан босиб олиниши билан Россиядан Туркистонга қурул ташиш тўхтаб қолди ва руслар туркистонликлар қаршисида ўзларини кучсиз ҳис қилдилар.



Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев

Туркистон вакилларининг Қўқон шаҳридаги музокараларида вом этиб, қурултой Туркистонни мухтор республика деб эълон қилган бир пайтда, 1917 йил 8 – 13 декабрь кунлари Оренбург

шаҳрида собиқ Дашт генерал-губернаторлиги ва Туркистон қозоқ туркларининг Туркистон қурултойи бўлиб ўтди. 1917 йил 13 декабрда Алаш Ўрда Мухтор Республикаси ташкил топди, унинг ҳукумати эълон қилинди ва сайланди. Маълумки, Алаш Ўрда ҳукумати ўзининг ички ишларида ўзини мухторият

деб ҳисоблайди ва шу йўналишда ҳаракат қилди. Қурултойда Алаш партиясининг энг муҳим асосчиларидан бири бўлган Алихон Бўкейхон ҳукумат раҳбари, Ҳалил Аббос ўринбосари этиб сайланди. Алаш



П.Г.Полторацкий

Ўрда ҳукумати тасарруфидаги ерлар жуда катта ҳудудни қамраб олганлиги сабабли Алаш Ўрда маъмурияти ғарбий ва шарқий маъмурият сифатида иккига бўлинган эди. Бўкейхон ҳукумат бошлиғи бўлишдан ташқари Еттитом (Семипалатинск) маъмурий шаҳридаги Алаш Ўрданинг шарқий ҳудудлари учун масъулиятни ҳам ўз зиммасига олди (Семипалатинск номидаги шаҳарнинг номи 1917 йилги қурултойда Алаш деб ўзгартирилган). Ғарбий қисм учун масъулиятни Ҳалил Дўстмуҳаммад ўғли ўз зиммасига олди. Ҳалил Дўстмуҳаммад ўғли ғарбий минтақанинг ҳукумат амалдори бўлиб, бу ҳудудларни Урал вилоятидан бошқарган. Алаш Ўрда автоном ҳукумати большевиклар ва рус гвардиячилари билан бир қаторда мустақил сиёсий куч сифатида ҳозирги Қозоғистоннинг аксарият ҳудудларида фаолият кўрсатган. Руслар каби кучли бўлмаса-да, унинг казакларга таъсири ҳали ҳам жуда катта эди. Маълумки, Туркистон мухторияти (Қўқон) ва Алаш Ўрда (аввал Оренбург, кейин Еттитом – Семипалатинск) мухтор ҳукуматлари демократик ва федератив Россия тарки-

¹ Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1988. – Б.3. Павел Герасимов Полторацкий (29.6.1888 – 22.7.1918) 1917 йил февраль инқилобидан кейин Туркистонга келган. 1917 йил ноябрда Тошкентдаги Совет Халқ Комиссарлигининг меҳнат комиссари этиб тайинланади. 1918 йил июлдан большевизмга қарши рус кучлари билан музокаралар олиб бориш учун Ашхободга юборилган.

бида қолишни хоҳлар эдилар. Бу ҳолат ҳар икки республиканинг мухторият декларациясида ўз ифодасини топган эди. Алаш Ўрда ҳукумати маориф ва маданият вазири Аҳмет Бойтурсун 1918 йил январь ойида Москвада миллатлар бўйича халқ комиссари Сталин билан учрашди. Сталин умумий рус совет ҳукумати қозоқ-қирғиз ҳукуматини тан олишини ваъда қилди (улар ўша пайтда қозоқларни қирғиз, қирғизларни қорақирғиз деб аташган). Бироқ Сталин Семипалатинскдаги «Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари»га ҳам телеграмма йўллаб, Алаш Ўрдага қарши чора кўришни буюрди. 1918 йил 28 январда яна ўша ташкилотга телеграмма йўллаб: «Биз ҳозирча буржуа миллатчилари билан шартнома столига ўтиришимиз керак. Барча воситаларни сафарбар қилиб ва шаҳарларда 20 – 30 кишилик гуруҳлар тузиб, Алаш Ўрдага қарши чиқиш чораларини кўриш зарур», – деб айтган.¹ Ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар вакиллари кенгаши Сталинга қозоқлар орасида у хоҳлагандек пролетариат йўқлигини маълум қилади. Бу сафар Сталин «Ҳеч бўлмаганда, қозоқ шаҳарларидан 15 – 20 нафар оддий одам танлаб, улар номидан совет суверенитети эълон қилинсин» деган буйруқ юборди. Шундан сўнг кенгаш Семипалатинскдан шаҳарга ҳайвон сотиб олиш ва сотиш учун келган тахминан 22 – 25 саводсиз қозоқни тўплади. У уларга ноз-неъматлар тақдим қилади, баъзи русларни гапиришга мажбур қилади ва тегишли таълим олмаган одамларнинг сўзларини таржима қилади ва буларнинг барчаси эвазига улардан ўнта бармоқ муҳри сўралади.

Шундай қилиб, «қозоқ халқи номидан» Алаш Ўрдага қарши кураш учун «демократик баённома» тузилди.

Совет Россияси 1918 йил февраль ойида Семипалатинскда дарҳол Алаш Ўрдага қарши «Қазаклар номи билан» норозилик акциясини ўтказди. Бу ҳаракатда Сталин излаган бирорта пролетар казак қатнашмади. Қозоқ посёлкалари, қизил гвардиячилар (большевиклар) ва оқ гвардиячилар (большевизмга қарши руслар) ўртасида дала жанглари бўлган. Аммо Алаш Ўрданинг Сибирь ҳукумати билан биргаликда ҳаракат қилиш таклифи рад этилади.² Шунга қарамай, Алаш Ўрда ҳукумати бир-бири билан шафқатсизларча курашаётган большевиклар ва оқ гвардиячилардан ташкил топган икки қудратли куч эвазига ўз бошқарув қобилиятини мустаҳкамлаш учун кураш олиб борди.

Дарҳақиқат, Голошчекин кўмондонлигидаги большевик қизил кўшинлари ва Тунгачин кўмондонлигидаги отлик полк 1918 йил 18 мартда Алаш Ўрда ҳукуматига қарши биринчи ўқ узиб, ҳукуматни Семипалатинск шаҳридан қувиб чиқарди. Энди Алаш Ўрда ўз фаолиятини Семипалатинскдан ташқарида давом эттиришга мажбур бўлди.

Россиянинг қизил ва оқ гвардиячилари бу катта, бой, стратегик ва географик жиҳатдан қулай жойлашган Туркистон чўлларидаги ҳокимиятни тақсимлаш тўғрисида келишиб олдилар. Чунки улар Россиянинг Туркистонга нисбатан суверенитет талабларини бу ҳудудларга ўз тақдирини ўзи белгилашига имкон бериш орқали бекор қилишни хоҳламадилар.

¹ Боймирза Ҳайит. Die nationalen. – P.94 – 95.

² Gerhard vo Mende. Der nationale Kampf de Russland Türken. – Berlin, 1936. – P.146. Сибирь ҳукумати билан алоқа ўрнатилмаган. 1916 йилда қирғизлар (қозоқлар) кўзғолонини бостирган генерал Иванов Ринов босими остида ҳукумат казакларга қурол-яроғ юбориш таклифини рад этган. Olzscha Cleinow. Туркистон. – Лейпциг, 1942.



Санжар Асфандиёр

Кўқон шаҳридаги Туркистон мухтор (Кўқон мухторияти деб ҳам аталади) ҳукумати марказий ҳокимият томонидан бу ҳукуматнинг тан олинishi учун Петербургдаги Россия совет ҳукумати билан боғланишга ҳаракат қиларди. Бироқ Россия ҳукумати миллий ва минтақавий бирликка асосланган мухтор республикани тан олмаслигини эълон қилди. Санжар Асфандиёр бошчилигидаги Туркистон маҳаллий ишчи ва деҳқонлар ташкилотининг мухтор республикани Петербургдаги ҳукуматнинг қонуний вакили сифатида қабул қилишга уринишлари рус ҳокимияти томонидан эътиборга олинмади. Лекин Туркистон ишчи ва деҳқонлар ташкилоти ҳам Тошкентдаги Россия (совет) ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар вакиллари кенгашини тан олмади.¹ Маҳаллий ишчилар ва деҳқонлар ташкилоти Скобелев шаҳридаги қурултойнинг бир овоздан қабул қилинган

қарорига биноан 1917 йил 27 декабрда Россия Халқ Комиссарлари Советига қуйидаги телеграммани юборди:

«Совет ҳукуматидан илтимосимиз – Тошкентда Туркистон ҳудудида ташкил этилган, ёт унсурлар, айниқса, Россия марказий ҳукуматига қарашли рус аскарлари асосида тузилган Совет комиссарлигини тарқатиб юбориш зарур. Акс ҳолда, ишчи ва деҳқонларга оид бу масала билан Туркистоннинг ўзи шуғулланади».²

1918 йил 5 январда Сталин Россия совет ҳукумати номидан Туркистон маҳаллий ишчи ва деҳқон ташкилотига қуйидаги телеграмма билан жавоб берди: «Шўролар (советлар) ички ишларида мустақилдирлар. Шунинг учун Туркистон ишчилар синфи Тошкент Совет комиссарлигини йўқ қилиш учун Петербургда мурожаат қилишлари шарт эмас эди, лекин сизнинг туркистонлик ишчиларингиз ушбу ташкилотни куч билан йўқ қила олишига ишонч ҳосил қилса, уларни ушлаб турмаслик керак».

Сталин Туркистон меҳнаткашлари Тошкентдаги тўлиқ қурулланган ҳарбий диктатурани бекор қила олмаслигини жуда яхши биларди. Тошкент совет комиссарлигини «куч билан тугатиш» ҳақидаги таклиф Россия совет ҳукумати шафқатсизларча режалаштирган ифвондан бошқа нарсани англамасди.

¹ Тарихий Сим шаҳрининг номи Кўқон хонлиги босиб олинганидан кейин Янги Марғилон, сўнгра 1903 йилда Скобелев деб ўзгартирилди. М.Д.Скобелев (1843 – 1882) Хива хонлигини босиб олишда муҳим роль ўйнаган рус қўмондони. Кўқон хонлигини 1873 – 1876 йилларда ишғол этган, 1876 йилда Фарғона вилояти губернатори, 1877 – 1878 йиллардаги Рус-Турк уруши қўмондонларидан бири. 1880 – 1881 йилларда Гўктепа жанглирида рус армия қўмондони. У туркистонликлар орасида кўзи қонга тўлган генерал сифатида машҳур.

² Мустафо Чоқай. Мухториятдан мустақилликка // Ёш Туркистон. 1930. – Б.9.

1917 йил 13 декабрда мухториятга қарши Тошкентда совет қўшинларининг зўравонликлари



Мунавварқори
Абдурашидхонов

1917 йил 13 декабрь Туркистон муслмонлари учун қувончликун эди. Ҳамма жойда байрамлар, кўчаларда ҳамма «муборак истиқлол» деб бир-бирини табриклаётган эди. Руслар кўчада, идора ва казармаларда жим туришар, муслмонлар қувончига шерик бўлиш имконига эга эмас эдилар. Мухторият эълон қилингандан кейин муслмонлар бирорта русга жаҳл қилмади, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага туртки бўлмади, ёмонлик қилмади. Улар учун мухторият Туркистонда яшаётган ҳар бир киши учун тинчлик ва яшаш ҳуқуқи дегани эди. Мухторият туфайли ҳеч бир муслмон: «Руслар уйларига кетсинлар!» – деб айтмади. Муслмонлар ўзларининг қувноқ ва табассумли чеҳралари билан 13 декабрь куни Тошкентда мустақиллик эълон қилинган кунни нишонламоқчи эдилар. Халқ Комиссарлиги Совети Мунавварқори раислигидаги «Ислом жамияти»га 1917 йил 13 декабрда Эски Тошкентда мухториятни нишонлаш, сўнгра жамоат билан пешин намозини ўқишга рухсат берди. Халқ Комиссарлари Совети вакиллари ва ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар Тошкент ижроия қўмитаси муслмонларига ўз қарорларини тақдим этди. Халқ Комиссарлар Совети ва Тошкент ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари

Ижроия Қўмитасининг 1917 йил 12 декабрдаги қарори: «Халқ Комиссарлар Совети ва Ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар вакиллари Ижроия Қўмитасининг қўшма мажлисида Қўқон қурултойида (Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари 4-муслмонлар қурултойи назарда тутилади) бўлажак муслмонлар декларацияси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Туркистон мухторияти эълон қилинганлиги муносабати билан Халқ Комиссарлар Совети ва Ижроия Қўмитаси гарчи инқилоб ютуқлари мустаҳкамланмаган, инқилобнинг ўзи аксилинқилобий кучлар томонидан хавф остида қолдирилган ва шу тариқа Туркистон мухторияти учун хавф туғдирилган бўлса ҳам, мухториятни инқилобнинг ютуғи сифатида тавсифлайди ва нишонлайди. Бундан келиб чиқадики, ҳокимият аскарлар ва деҳқонлар вакилларнинг қўлида тўпланиши ва бошқа куч пайдо бўлишига йўл қўйилмаслиги керак. Халқ Комиссарлар Совети ва Ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Ижроия Қўмитаси намоишда фаол иштирок этишга қарор қилди. Ифвогарликларга йўл қўймаслик учун намоиш фақат шаҳарнинг туркистонликлар яшаётган худудларда ўтказилиши белгиланди».¹

1917 йил 13 декабрда Эски Тошкентда 60 – 70 минг муслмон жамоаси йиғилиб, «Аллоҳу акбар», «Яшасин Туркистон мухторияти», «Яшасин Туркистонга конституция олиб келган мажлис», «Яшасин ислом», «Яшасин миллат» каби шиорлар билан чиқиш қилдилар. Оломон шаҳарнинг Шайхонтохур мав-

¹ Зуев Д.Д. Ферганское Басмачество (1918 – 1922). Гражданская война. Т.3. – Москва, 1924. – С.73.



Фёдор Колесов

зеси томон ҳаракатлана бошлайди. Бу ерда юксак нутқ минбари ўрнатилиб, ислом байроғи кўтарилади. Минбардаги намоёишнинг энг нуфузли вакиллари билан бири Мунавварқори ва

Тошкентдан келган бошқа арбоблар билан Халқ Комиссарлиги Кенгаши раиси Колесов ва унинг ўринбосари Успенский, шаҳар совет қўмондони генерал Гудович ва бошқа совет амалдорлари ўз ўринларини эгаллайдилар. Совет большевиклари ўзларининг тарафдорлари билан биргаликда мухторият эълон қилиш бўйича музокаралар бошланишидан олдин Тошкент шаҳар думасини тарқатиб юбордилар ва Қўқон Мухтор Республикасини тан олиш истагида бўлган кўплаб депутатларни ҳибсга олдилар. Намойишчилар Тошкентдаги рус комиссарларига туркистонликларнинг мухторият эълон қилинишига жиддий ёндашганларини исботладилар. Бир гуруҳ намоёишчилар, миллатидан қатъи назар, маҳбусларни озод қилишни талаб қилиб чиқдилар. Бунинг устига, шаҳар совет қўмондони маҳбусларни озод қиларкан, улар орасида совет ҳукмронлигини тан олишни истамаган собиқ Россия империяси комиссари Граф Дорер ва чор ҳукумати давридаги бошқа зобитлар ҳам бор эди. Туркистон миллий вакиллари ўз чиқишларида мухториятни ислом ҳаётининг бир бўлаги сифатида таъкидлашлари ўлкадаги ҳукмронлик аста-секин Туркистон мухториятининг Қўқондаги ҳукумати қўлига ўтиши ҳақида таассурот уйғотди. Халқ Комис-

сарлар Совети раиси Колесов ва унинг ўринбосари Гудович мухториятни олқишлаб, унга қарши бир оғиз сўз айтмаганига ақл бовар қилмасди.

Намоёиш марши тушдан кейин якунланди. Ҳамма мусулмонлар шод, кексалар намоз ўқир, ёшлар қўшиқ айтиб, рақсга тушар, баъзилари эса индамай шаҳарнинг Ўрда мавзеси томон ҳаракатланарди. Халқ Комиссарлар Совети ҳаракат қилиш вақти келганини тушунди.

Маросим фақат туркистонликлар яшайдиган эски шаҳарда ўтказилиши керак эди. Илгари руслар яшайдиган янги шаҳар ҳудудларига кириш тақиқланган эди. Колесов маросим бошланишидан олдин Гудович билан учрашди; «Қандай қилиб намоёишчиларнинг шаҳарнинг янги қисмига киришига тўсқинлик қилишимиз мумкин?» деган саволига Гудович: «Гарнизон урушга тайёр», – деб жавоб берди. Тошкент қалъасида қуроллар ўқ отиш ҳолатига келтирилди. Кейинроқ Колесов воқеа ҳақида шундай маълумот беради: «1-ва 2-Туркистон полклари қурол-яроғи билан тайёр эди. Темирўлчилар орасида бўлган қизил гвардиячилар қурол-яроғларини тайёрлаб қўйишган эди. Кушка қўшинлари ҳам уруш ҳолатида эди. Машиналар оқ уй атрофида айланиб юрганди. Айғоқчилар ва адъютантлар сокин кўчаларда айланиб юрганди. Разведкачилар ва қўриқчилар бўлинмалари доимо уларнинг назорати остида эди. Янги шаҳарни батареялар, пулемётлар ва милтиқларнинг оташидан тутун пардаси қоплаган эди. «13 декабрь мусулмонларнинг энг катта байрами – Муҳаммад пайғамбарнинг таваллуд куни эди. Айғоқчилар отлиқ қўшинлар келганини эълон қилишди ва 13 декабрь куни эрталаб Туркистон-

дан келган пиёда бўлинмалар ўттиз минг... олтмиш минг нафар эди!»

Намойишдан олдин оқ уйга ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари қонун чиқарувчи органининг барча аъзолари йиғилди. Колесов барча йиғилиш аъзоларини ва совет халқ комиссарларини қасрга йиғиб, уларга қуйидаги хабарни берди: «Эвакуация қилиш ҳақидаги даъво икки айғоқчи хабари билан илгари сурилган. Биринчи хабар намойишчилар жиҳод қилиш мақсадида пайғамбарнинг яшил байроғини кўтариб юрганлари, иккинчиси эса намойишчилар янги шаҳар томон, яъни граф Дорер, генерал Кияско ва полковник Русановлар қамоққа олинган қамоқхона йўналиши томон келишаётгани аниқ эди».¹

Намойишчиларнинг янги шаҳар томон силжишаётгани ҳақидаги совет иддаоиси мутлақо асоссиз эди. Намойишдан мақсад Туркистоннинг мустақиллик кунини нишонлаш эди, холос. Ислом байроғини кўтариб юриш уруш белгиси ҳисобланмайди, чунки мусулмонлар учун яшил байроқ ислом рамзи ҳисобланади. Ҳибсга олинганлар мусулмон намойишчилар томонидан эмас, балки шаҳар кўмондонни буйруғи билан озод қилинди. Шунингдек, мусулмонлар граф Дорер ва бошқа қамоққа олинган зобитларнинг озод этилишидан манфаатдор эмас эдилар. Граф Дорер қамоқдан чиққанида Колесов немис ҳарбий асири, итоаткор адъютант Эбертга унга ҳамроҳлик қилишни тайинлайди. Шунинг учун у ўзини Салар ариғи (маҳаллий аҳоли уни дарё деб атаган) кўприги охирида қизил кўриқчилар кўриқлаётган жойга элтишни сўрайди. Намойишчилар ўз уйларига етиб бориш учун кўприк олдига келганларида қизил гвардиячилар

уларга қарата ўқ отишни бошлаган эди. Тўплар гумбурлади, одамлар устига ўқлар ёғди. Бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди ва яраланди, уларнинг кўплари ваҳима ичида Салар ариғига сакраб тушишди ва чўкиб кетишди. Ҳеч ким советларни ёки мусулмонларни тан олишга, қанча мусулмонлар ваҳшийларча ўлдирилганини аниқлашга қодир эмас эди. Отишма бошланганда Эберт кўриқчиларни кўприкда қолдирган эди. Нега Тошкентдаги совет рус маъмурияти ёнида ов милтиғи ҳам бўлмаган бу одамларни ўлдиришга эришди? Нима учун советлар (большевиклар ва ижтимоий инқилобчилар) хавфсизлик нуқтаи назаридан ўқ отишлари кераклигини даъво қилишди? Тошкентдаги совет маъмурияти намойишчилар билан бирга минбарда бўлса, уларни ҳеч ким безовта қилмаган бўлса, бу қандай хавфсизлик чораси эди? Нега совет тарихи тинч мусулмонларга нисбатан бу ваҳшийлик ва фожиали ҳужумни яширади? Жавобсиз саволлар жуда кўп.

Шуни ёдда тутишимиз керакки, рус советлари Туркистон мухториятига тоқат қилишни мутлақо хоҳламади. Ҳукмрон куч ўзларининг қирғинлари ва бегуноҳ мамлакатга бостириб киришдек жиноятларини мусулмонларни хафа қилиш, даҳшатга солиш ва уларни шуҳратпараст, қуролга чанқоқ ва қароқчиликка мойил қилиб кўрсатиш орқали яширишди. Маълумки, рус насронийлари исломнинг яшил байроғини буқалар жангчисининг қизил кийими деб билишган. Лекин нима учун бу яшил байроқ Россиянинг қизил байроғини кўтарган одамлар учун хавфли эди? Чунки улар бунга ўз ҳукмронлиги учун хавф сифатида кўрдилар. Россия совет

¹ Война в песках // Гражданская война в Средней Азии. – Москва, 1935. – С.157 – 158, 160 – 163.

маъмуриятининг халқлар, айниқса, му- сулмонлар учун озодлик эълон қилгани умуман эътиборга олинмади. Россия со- вет маъмуриятининг ўзи ҳам Тошкент- даги ҳокимиятнинг шафқатсизлигига бефарқ эди. Энди бу кун Туркистон учун ҳам озодлик, ҳам фожиа куни сифатида тарихда қолди.

Нима учун бунга батафсил тўхталиб қолдинг деб сўрашингиз мумкин. Жа- вобим шундай бўлади: мусулмонларга қарата очилган ўт ва унинг оқибатида ҳалок бўлган минглаб одамлар бугун- ги Совет Иттифоқи учун озодлик ни- қоби остида қирғин қилишнинг илк намуналаридан бири эди. Баъзи совет ёзувчилари бу ҳақиқатни тан олишади. Улардан бири шундай деб ёзган эди: «13 декабрда намойишда қатнашганларга қарши отишма аксилинқилобий куч- ларнинг провокациялари натижаси си- фатида асосий омил бўлиб қолмоқда».¹

Шубҳасиз, Тошкентдаги совет маъ- мурияти «қаҳрамонлик намойишлар- ри»нинг оқибатларидан кўрқар эди. Масалан, совет ҳарбий комиссари Ста- сиков 13 декабрда қуйидагича буйруқ берди: «Тошкент шаҳрида 13 декабрь куни соат 19:00 дан бошлаб уруш ҳо- лати эълон қилинди. Ишчилар қўмитаси бу қарор ҳақида хабар берилгандан сўнг тошкентликлардан мутлоқ осо- йишталикни талаб қилади. Вазирлик қарорларига риоя қилиш шарт. Халқ

ҳокимияти, шу жумладан, қуроли кучлар тартибни бузиш ва инқилобга душманлик қилиш каби масалаларда тўғридан-тўғри ва қатъий чоралар кў- ришдан тортинмайди».

Манифест муносабати билан Халқ Ко- миссарлар Совети 1917 йил 14 декабрда жамоатчиликка эълон қилган даъвати- да қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Маълумки, мусулмон халқининг, айниқса, меҳнаткаш мусулмон жамоаси- нинг бу урушга қарши курашга ҳеч қан- дай алоқаси йўқ. Улар инқилобий фит- начилар ва жирканч фитналар қурбони бўлишди... Умумий сайловлар асосида мамлакат мухториятини эълон қилиш учун бор куч-ғайратини сарфлайди».² Шундай қилиб, советларнинг ўзлари му- сулмон намойишчиларнинг совет про- вокаторларининг қурбони бўлганлиги- ни тасдиқладилар. Озодлик куни ва 13 декабрь фожиаси ҳақида бир нечта қис- қа нашрлар бор, холос.³ Бироқ бу манба- ларда воқеаларнинг тўлиқ кўлами йўқ. Совет ҳукумати шу пайтгача архив ма- териалларини нашр этишга рухсат бер- маган. Бироқ нашрлардан кўриниб ту- рибдики, «бу (намойишчиларга ўт очиш – Б.Х.) Туркистон мухториятига қарши большевизмнинг аралашувидир». Рос- сия советлари мухториятга муроса- сизлигини намойиш этдилар. Бунинг ортидан Туркистон мухториятини йўқ қилиш учун ҳаракатлар бошланди.

¹ Зуев (39). 32-бет.

² Иноятлов и др. Победа октябрьской революции в Узбекистане. Т.2. – Ташкент, 1972. – С.59, 64.

³ Манифест ва совет ташаббуслари ҳақида қаранг: Мустафо Чокай. Декабрь хотиралари // Ёш Туркистон. 1932. – Б.1 – 10; Зуев. 32-, 73-бетлар (Булоқбоши); Декабрнинг қолдирган доғлари // Миллий Туркистон. 1952. №76А. – Б.23 – 25; Боймирза Ҳайит. Die nationalen. – P.67 – 68; Шу муаллиф. Turkestan im XX. – Jahrhundert, Darmstadt, 1956. – P.63 – 64; December 13, for Turkestan is a day of freedom and tragedy // The New York Tribune. 13.12.1984; Александр Г.Парк. Bolshevism in Turkestan. – New York, 1957. – P.16 – 17.

ҚЎҚОНДАГИ МУХТОРИЯТ ҲУКУМАТИНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИШ УЧУН РУС ҲУКУМАТИНИНГ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИ

бири билан алоқа қилмасдан, умумий режа тузмасдан қизил гвардиячиларга қарши жанглар олиб бордилар. Улар «Шўрои ислом» ва «Шўрои уламо» жамиятларининг озодлик курашини мувофиқлаштирган ҳолда олиб боришни ва мужоҳидлар етакчиларини бир жойга тўплашни хоҳлардилар.

1918 йил март ойининг охирида мустақил ҳаракат қилган ёки озодлик кураши ташкилоти номи остида курашган 40 га яқин кўрбоши миллий курашнинг келажакда амал қилинадиган усуллари ва бошқарув механизмини муҳокама қилиш учун йиғилди. Йиғилишда қатнашган кўрбошилар Эргашни амир ул-муслимин этиб сайлайдилар. Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек) ва Шермуҳаммедбек унинг ёрдамчилари этиб тайинланади.¹ Бу мажлисда миллий курашнинг мақсадлари аниқ тус олади. Кўрбошилар бутун Туркистонни рус хукмронлигидан қутқариш, ислом ва миллий анъаналарга асосланган давлат тузумини барпо этишга қарор қилдилар. Маълумки, руслар томонидан Қўқонда мухторият ҳукуматининг тугатилиши миллий курашнинг биринчи навбатда Қўқон шаҳрини ҳимоя қилиш шаклида юзага чиқишига сабаб бўлди.² Лекин Туркистон мухторияти ҳукумати миллий курашни ривожлантириш ва ташкил этишда ҳеч қандай фаоллик кўрсатмади.³ Шу сабабдан ҳам англаш керакки, кўрбошиларнинг инқилобий мухтор ҳукуматни ҳимоя қилиш ёки

Туркистон мухторияти ҳукуматини қайта тиклаш мақсади йўқ эди. Туркистон мухторияти ҳукуматининг тирик қолган аъзолари озодлик курашчилари билан ҳеч қандай алоқага киришмаган.

Босмачилар ҳаракатининг вужудга келиши ва тарқалиши ҳақида туркистонлик йирик совет арбоби Турар Рискулов шундай деган эди: «Қўқондаги босқиннинг излари йўқолгунга қадар дастлабки тўққиз кун ичида турли талончилик воқеалари содир бўлди. Дашноқлар дарҳол пул олиш учун шаҳарни талон-торож қилишди. Бизнинг асримизда мўъжизалар содир бўлмайди. Аммо менинг бу ғояга бўлган ишончим ҳар кун инқилоб билан бирга яшади ва ўзгарди. Шу шароитда дашноқларнинг Қўқонга кириб келиши билан барча арман дўкондорлари, вино савдогарлари, сартарошлари, қассоблари ва бошқа касб эгалари ҳақиқий «инқилобчи»га айландилар ва дашноқлар ҳарбий қисмларининг келиши билан шаҳар вайрон бўлди. Барча иш жойлари ва дўконлар талон-торож қилинди, витрина ва омборлардан қимматбаҳо буюмлар олиб кетилди, қолган буюмлар ёқиб юборилди. Оммавий қотиллик ва отишмалар амалга оширилди. Халқ бу воқеалардан кейин мухториятчилар ҳақ экан, большевиклар ва советлар худосиз, исломнинг душмани экан деган хулосага келди. Бошқа томондан, босмачилар енгилганларини қабул қилмай, Андижонга ҳужум қилиб, 70 қурол ва минглаб патронларни қўлга киритдилар. Гарнизондаги даш-

¹ Кунин А.Л. Южная Киргизия в годы гражданской войны (1918 – 1920). – Фрунзе, 1981. – С.24-бет; Шомагдиев. 62-бет.

² Сафаров. 80-бет: «Қўқон мухторияти тугатилди, аммо шу тариқа босмачилик асослари пайдо бўлди», 90 – 91-бетлар: «Босмачилик, бир томондан, Қўқон мухториятининг тугатилиши, мустамлакачилик ҳаракатлари сабаб вужудга келган нотинчликлар, иқтисодий инқирознинг табиий натижаси сифатида кундан-кун ривожланиб борди». Муравейский С., Лапухин В. Ўрта Осиё инқилобий ҳаракати ҳақида тарихий парчалар. – Самарқанд-Тошкент, 1926. – Б.41: «Қўқон мухторияти тугатилди. Натижада совет ҳукуматига қарши уруш учун замин тайёр бўлди. Шундай қилиб, босмачилар ҳаракатининг ташкил этилиши бошланди»; Большая Советская Энциклопедия. 1950. Т.4. – С.286: «Босмачилар ҳаракатининг асосини аксилинқилобий Қўқон мухторияти ташкил этди»; Темироғлу. Туркистонда инқилоб даври // Ёш Туркистон. 1931. – Б.25 – 26: «Қўқон шаҳри вайрон бўлгач, босмачи деб таърифланган миллий кўзғолон бошланди».

³ Темироғлу. Туркистонда инқилоб даври // Ёш Туркистон. 1931. – Б.11.



Турар Рисқулов

ноқлар воқеада эски шаҳар қисмида яшовчи аҳолини айблади. Гарнизонда қолганлар йиғилиб, шаҳарнинг эски қисмини талон-торож қилиш, ўлдириш ва қиришга қарор қилди. Бу

хужум тўлиқ бир ҳафта давом этди. Натижада Андижоннинг эски шаҳар қисмидан минглаб одамлар босмачилар сафига қўшилди. Босмачилар маҳаллий халқнинг кўмаги билан 170 аскардан иборат Дашноқ бўлинмасини ўраб олди, бир кишини ҳам қолдирмай ҳаммасини ўлдирди. Бу воқеада маҳаллий халқ айбланиб, 170 кишилиқ Дашноқ бўлинмаси учун қасос олишга 250 кишилиқ қизил гвардия ҳарбий қисми тузилди. Бу бўлинма область совет ижроия қўмитаси бошлиғи Салаев бошчилигида Кўқонқишлоққа хужум қилиб, қишлоқни вайрон қилди. Қочган одамларни 20 чақиримгача (1 чақирим – 1600 метр) қувиб боришди ва уларнинг барчаси ҳалок бўлди. Босмачилар билан яна бир ҳарбий қисм Сузоқ қишлоғи атрофида тўқнашди. Қишлоқ аҳолиси босмачиларни дарёнинг бандаргоҳ қисмига яширади, шунинг учун қишлоқ аҳолисини бирортасини ҳам қолдирмай отиб ташлашади ва уларнинг жасадлари бир ой давомида итларга ем қилинади. Қизил армиянинг учинчи бўлинмаси Коновалов (кейинчалик Фарғона водийсидаги қизил гвардия кўмондони) бошчилигида босмачиларни топиш учун Бозорқўрғонга боради. Бу бирлик олдинга силжиб борар экан, иложи борича эътиборни жалб қилмасдан, яширинча хужумни давом

эттиришни афзал кўрди. Бозорқўрғонга етиб келгач, 24 соатлик жанг натижасида босмачилар жанг майдонидан яширинча чекинади. Коновалов Бозорқўрғонни тарк этгач, ҳудудда бўлган рус мустамлакачиси Никольский ҳудудини тозалашни топширади. Бозорқўрғон 22 кун давомида «тозаланади». Улар ўз ҳаракатларини аввал талон-торож қилиш, кейин ўлдириш ва охир-оқибат ҳеч нарса қолдирмасдан, ҳамма нарсани йўқ қилиш билан яқунлашди. Эркаклар босмачиларга ёрдам бергани учун қатл қилинар экан, болалар бир кун улғайгач босмачи бўлиб қолиш эҳтимоли бор деган ўй билан отиб ташланади.

Мустамлакачилар халқ билан учта тинчлик шартномаси тузишди. Ниҳоят улар одамларнинг жасадларини кўмишга рухсат беришди. Халқ ўликларни йиғиштириб, қабр бошида намоз ўқиб диний бурчларини бажараётган бир пайтда руслар яна хужум қилиб, қуроллари билан намозхонларни аёвсиз ўлдиришди. Бозорқўрғондаги бу воқеа кўрбошиларнинг рус мустамлакачиларига нисбатан нафратини янада оширгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бу воқеалардан кейин барча рус деҳқонлари қуроллантирилди, Жалолободда деҳқон кўшинининг штаби тузилди, худди шундай амалиёт Фарғона водийсида 1916 йилда Еттисув ҳудудида амалга оширилган эди. Дашноқларнинг бу каби хатти-ҳаракатлари, рус маъмурларининг узоқни кўра олмаслиги ва нолойиқ хатти-ҳаракатлари минтақада босмачилар сонининг кўпайишига сабаб бўлди».¹

Рисқулов бу фожиали воқеаларни аниқ маълумотлар билан тасвирлаб бераётган бўлса-да, совет руслари ва дашноқлари томонидан содир этилган бу

¹ Революция в Средней Азии глазами мусульманских большевиков / Published by the Society for Central Asian Studies. Reprint Series. №3. – Оксфорд, 1985. – P.53 – 56.

ваҳшийлик, аслида, Россия ҳарбий маъмуриятининг озодлик курашчиларига қарши стратегиясининг бир қисми эканлигини айтишга журъат қила олмаганди.

Озодлик учун курашчилар Фарғона водийсининг ҳар бир аҳоли манзилгоҳида жанговар бўлинмалар тузаётган бир шароитда Тошкентда Совет Комиссарлиги миллий автоном ҳукуматини ташкил қилди.

Советлар ғалабадан маст эдилар, қурол кучи билан душманларини йўқ қилганларидан хурсанд эдилар.¹ Энди улар ўз ҳукмронлигини мустақамлаш учун Туркистоннинг бошқа ҳудудларини ҳам совет Россияси гегемонлиги остига оламиз деб ўйладилар. Ана шу фикрлар 1918 йил март ойида совет Россиясининг Бухоро шаҳрига биринчи ҳарбий тажовузини бошлашига сабаб бўлди.

СОВЕТЛАРНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИГА ҚАРШИ ДАСТЛАБКИ ТАЖОВУЗИ

1917 йил февраль инқилобидан кейин Бухоро амирлигида икки хил сиёсий оқим вужудга келди. Улардан бири совет Россиясига содиқлигини изҳор қилиб, ўз суверенитетини сақлаб қолиш истагидаги амир Саид Олим томонидан олиб борилган ишлардир. Шу муносабат билан амир Саид Олим 1917 йил 10 мартда Россия ташқи ишлар вазирига телеграмма йўллаб, ўзи ва халқи Россияни Бухоронинг омон қолиши учун ҳимоячи ва самимий дўст сифатида кўришини билдирди. У ўз телеграммасида яна шундай дейди: «Бугун, 1917 йил 10 мартда рус аскарларининг ғалабасини нишонлаш мақсадида Бухоронинг барча масжидларида улар номига дуо ва ибодат қилишларини буюрдим».

Ўзларини ёш бухороликлар деб таърифлаган ислоҳотчилар (жадидлар) Россия ва унинг ҳукумати ёрдамида давлат бошқаруви, шунингдек, Бухоро амирлигида маориф ва хўжалик ҳаётида ислоҳотлар ўтказмоқчи бўлдилар. Жадидлар февраль инқилобидан кейин ўз қўмиталарини ташкил эта бошладилар.²

Қўмитани ташкил этишдан кўзланган мақсад Бухородаги ислоҳотларни тинч йўл билан, русларнинг ёрдами ва кўмаги орқали амалга оширишга эришиш эди. Аммо Бухородаги жадид қўмитаси буни амалга ошира олмагандан сўнг ислоҳот ғояларини инқилоб орқали амалга оширишга қарор қилди.

Бухородаги жадидлар Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси (1917 йил апрелигача Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси деб юритилган, кейин эса Россиянинг Бухоро элчихонасига ўзгартирилган) билан ҳамкорликда ислоҳотларни амалга ошириш учун сиёсий босимни сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Жадидларнинг фикрларини амирга етказиш Россия сиёсий вакиллиги зиммасида эди. Амир ҳам, эҳтимол, тазйиқларга чидай олмади, ислоҳотга рози бўлгандир. Амир ва жадидлар келишувга эришолмаган бўлсалар-да, 1917 йил 17 мартда амир ислоҳотларни ўз ичига олган манифестни эълон қилди. Шундан сўнг жадидлар зудлик билан ҳаракатга киришишди ва

¹ Хўжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Ташкент, 1926. – С.43: Кўқондаги ғалабасидан маст бўлган Колесов Бухоро амирлигида ҳам осонгина ҳокимиятни эгаллашни ўйлади.

² Файзулла Хўжаев (83). Қўмита аъзолари: Абдулвоҳид Бурҳон (рахбар), Фитрат (котиб), Усмон Хўжа, Муҳиддин Рафаат, Мусо Саиджон, Ота Хўжа, Аҳметжон Абдул Саид, Файзулла Хўжа.

эртаси куни 1917 йил 18 мартда Бухоро шаҳрида 5000 – 7000 га яқин киши иштирокида қизил байроқ кўтаришди. «Муқаддас шаҳар» Бухоро кўчаларида қизил байроқларни кўтариб шаҳар марказида тўпланиш ҳеч ким кутмаган ҳодиса эди. Амирлик ҳукумати камида 30 нафар жадидни ҳибсга олди. Етакчи жадиждлар Бухоро шаҳридан қочиб кетди. Янги Бухорода (Когонда) улар советлар қўл остида паноҳ топдилар ҳамда амирликка қарши курашда, рус ишчи ва аскар инқилобчилари томонидан қўллаб-қувватландилар. Жадиждлар ҳам ўзаро бўлинган эдилар. Баъзи жадиждлар ислохотларни тинч йўл билан олиб боришга ҳаракат қилсалар, бошқалари ислохотларга фақат қуролли қўзғолон орқали эришиш мумкинлигини таъкидлардилар. Жадиждлар марказий кўмитасининг раиси бўлган Муҳиддин Мансур ислохотларни куч билан амалга оширишга ва Тошкентдаги Совет Комиссарлигининг Бухородаги жадиждлар ишларига аралашшига қарши чиқди ва 1917 йил май ойида ўз лавозимини тарк этди.¹ Когонда сиёсий муҳожир бўлган жадиждлар Бухоро амирлигига қарши курашда қурол ишлатиш тарафдори бўлган янги марказий кўмитани сайлайдилар.² Шунга қарамай, улар ўз кучлари билан Бухорода қўзғолон уюштиришга эриша олмадилар; шунинг учун Бухородаги рус кўшинларига қарам бўлишга мажбур бўлдилар. Улар рус ҳукуматидан фойдаланиб амир қарорларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилдилар. Шу нуқтаи

назардан, амир 1917 йил апрель ойида бош вазирни лавозимидан бўшатиб, унинг ўрнига Низомиддин Хўжани тайинлайди. Жадиждлар бу шахсни ислохот душмани деб билишарди.



Файзулла Хўжаев

Шундан келиб чиқиб Ёш бухороликлар кўмитаси 1917 йил 25 апрелда Россия ташқи ишлар вазирига телеграмма йўллаб, бу шахснинг тайинланишига йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўришни сўради.³

Россия ҳукумати ислохотчилар тарафида эканлиги маълум эди, лекин ҳукумат амирга қарши самарали ва кучли санкциялар қўллашга журъат эта олмади. Россиянинг амирликдаги сиёсий ваколатхонаси жуда фаол бўлиб, Бухорода бўлаётган сиёсий-маданий низолар, ҳаракатларни дарҳол Россия Ташқи ишлар вазирлигига етказар эди. Шу нуқтаи назардан, ўша даврда Россия жадиждлардан фойдаланиб амирликни Россия худудига тўлиқ қўшиш ғояси бор-йўқлиги маълум эмас эди. Россиянинг сиёсий агенти Миллер 1918 йил 18 мартда Петербургдан келган 1176-сонли телеграммага жавобан яширин телеграмма (128-рақам) жўнатади, унда шундай дейилган: «Бухоролик яхудийлар, илғор савдогарлар ва шиалар орасида Бухоронинг бутунлай Россия таркибига

¹ Бухоро амирлигидаги энг бой савдогарлардан бири Муҳиддин Мансур савдогар карвонбоши Азиз билан рақобат туфайли Бухородан Когонга қочади. У 1920 йилгача бухоролик жадиждлар орасида етакчи роль ўйнамаган, аммо жадиждлар ҳаракатини молиялаштирган. 1920 – 1921 йилларда Бухоро Халқ Республикаси савдо-саноат вазири, 1922 йил август ойида эса Марказий Ижроия Кўмитаси аъзоси бўлди. 1930 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида маълумот йўқ.

² Қайта тузилган кўмита таркибига қуйидаги жадижд етакчилари кирди: Абдул Воҳид Бурҳон (раис), Раҳмат Рафиқ, Фатхуллох Хўжа, Фитрат, Файзулла Хўжа, Тагиев, Фазлиддин Махсум, Мусо Саиджон, Оғдор, Усмон Хўжа, Ота Хўжа, Ҳожи Мирбобо.

³ Тоболин И.И. Бухара в 1917 году // Красный Архив. 1927. №20. – С.105. Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси томонидан Россия Ташқи ишлар вазирлигига юборилган кўплаб телеграммалар ушбу мақолада эълон қилинган бўлса-да, Москва ва Тошкентдаги Совет штаб-квартирасидан Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонасига юборилган телеграмма чоп этилмаган.

қўшилишини хоҳловчилар ҳам бор».¹ Бундай хабарлар Россия совет ҳукумати ва Тошкентдаги Совет Комиссарлиги учун Бухоро амирлиги ҳақидаги келгуси қарорларга таъсир кўрсатадиган муҳим ҳужжат ҳисобланган.

Дастлаб Россия совет ҳукумати, Афғонистон, Эрон, Хива, Туркия ёки Кавказ мамлакатларида бўлгани каби, Бухоро амирлигида ҳам ўз анъанавий сиёсати га содиқ эди. Россия ҳукумати Бухоро ва Хивадаги ўз ваколатхонасини «Совет Социалистик Республикасининг ваколатхонаси»га ўзгартираётган эди.

Россия совет ҳукумати 1917 йил 12 декабрда Туркистон Совет Халқ Комиссарлигига телеграмма жўнатиб, Бухоронинг тўлиқ мустақиллиги қабул қилинганлиги ҳақида хабар берди.² Бу гапнинг ҳаққонийлигига шубҳа қила олмаймиз, чунки ҳужжатнинг асл нусхаси Тошкент давлат архивидан олинган, бундан ташқари, Петербургдаги советлар Англиянинг минтақадаги таъсирининг олдини олиш мақсадида шарқ халқларини ўз томонига оғдириб олишга катта аҳамият бергандилар. Бошқа томондан, улар Бухоро амирлигининг Тошкентдаги совет тузумига қарши кураш марказига айланиши мумкинлигидан чўчир, унинг мустақиллигидан қўрқардилар. Шунинг учун советлар Бухоро ва унинг атрофидаги советлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи одамларни Тошкентдан топишга ҳаракат қилдилар. Россия совет ҳукумати Тошкентдаги совет маъмурияти ёрдами билан сўралган одамларни топишга муваффақ бўлди. Булар ислоҳотчи сиёсий муҳожирлар эди. Тошкентдаги Совет Комиссарлиги, Когондаги (Янги Бухоро) Россия ишчи, деҳқон ва солдат

депутатлари совети бухоролик жадид муҳожирлар билан яқин алоқада бўлган. Бу воқеада Когондаги Полторацкий, Преображенский, Уткин каби рус инқилобчилари жуда муҳим роль ўйнадилар. Радикал жадидлар Когонда рус совет раҳбарлари билан амирлик тузумини ағдариш режаларини муҳокама қилдилар. Преображенский Ёш бухороликлар марказий комитетига Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесов билан Бухоро амирлигига қарши қуролли можарони муҳокама қилиш учун Тошкентга делегация юборишни таклиф қилди. Шундан сўнг 1917 йил декабрида Файзулла Хўжаев ва Преображенский Тошкентга жўнаб кетишди. Ислоҳотчиларнинг марказий комитети ва Когондаги совет раҳбарлари Бухоро амирлигига қарши қуролли кураш режаларини ишлаб чиқдилар. Қўзғолонни тез орада Бухорода уюштиришга қарор қилинди. Режага кўра, марказий қўмита Бухоро ва Карки шаҳарларида иккита алоҳида қўзғолон ўтказиши ва Бухорода қўзғолон ярим тунда тўсатдан бошланиб, кундузи ҳукумат бинолари ишғол қилиниши, амир ва унинг вазирлари ҳибсга олиниши керак эди. Агар жадидлар қўшинлари етиб бора олмаса, «ўртоқ» Колесов билан боғланиб, темир йўл бўйлаб қизил гвардиячилар хавфсизликни таъминлар эдилар. Тошкент ҳам қурол-аслаҳа билан ёрдам берарди. Файзулла хўжа ва Преображенский бу режани Колесовга тақдим этганларида Колесов айтилганларнинг ҳаммасидан қаноат ҳосил қилди. Файзулла Хўжаев кейинчалик бу ҳақда шундай ёзган эди: «Колесов бизнинг режамизни принципиал жиҳатдан маъқуллаган эди, лекин у ҳамма нарсани шошилмасдан,

¹ И.И.Тоболин (87). 81-бет.

² Гордиенко Андрей Артемьевич. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент, 1959. – С.79.

босқичма-босқич тайёрлашни таклиф қилди. Қўқондаги мухтор ҳукуматнинг ташкилий босқичини эслатиб, уларнинг миллатчи ва аксилинқилобий, мустақил буржуа ҳукумати сифатида Туркистон учун бирлашганини мисол қилиб кўрсатди. Ўз фаолиятини бевосита Тошкент советларига қарши қаратган Қўқон ҳукумати, аслида, Тошкентдаги совет ҳукумати учун тўғридан тўғри инқилобга қарши курашмаган Бухоро амирлигидан кўра хавфлироқ эди. Колесов ёш бухороликларга ҳар томонлама ёрдам қилишга ваъда берган эди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, икки ойдан сўнг, Қўқондаги хавф тугаши билан, Бухорода якуний ҳаракатларни бошлаш мумкин эди».¹

Совет қўшинларининг Қўқондаги муваффақияти Совет Комиссарлигининг руҳий ҳолатини анча яхшилаган эди. Тошкентдаги руслар Бухородаги жадидлар ёрдами билан қисқа вақт ичида Бухорода совет ҳукмронлигини кўп йўқотишларсиз ўрнатиш мумкин деб ҳисоблар эдилар. Шу мақсадда ислохотчилар Россия совет ҳукуматининг Когон (Янги Бухоро)даги вакиллари ва Тошкент Совет Комиссарлигига бухороликлар рус қизил гвардиячилари ва ислохотчи қўшинларини кўришдан хурсанд бўладилар деган уйдирма хабарларни тўплай бошладилар. Жадидлар марказий комитети ва Колесов 1918 йил март ойида Бухоро амирлигига қарши қуролли ҳужум бошлашга қарор қилди. Жадидлар Бухородаги қўзғолонга бошчилик қилиш учун етти кишидан иборат қўмита туздилар.² Колесов 1918 йил 28 февралда 600 га яқин қизил гвардиячи-

лар билан бирга Когонга келди. Колесов жадидлар қўмитасига қизил армия бўлинмалари амир қўшинларига қарши курашга тайёр деб хабар берди. Бу ҳодиса ҳужумдан беш кун олдин содир бўлди. Икки «қаҳрамон» Туркистон Халқ Комиссарлиги Кенгаши раиси Федор Колесов ва Ёш бухороликлар ижроия қўмитасининг бошлиғи Файзулла Хўжаев 1918 йил 1 мартда Бухоро амирига ультиматум юборадилар.

Ультиматум: **«Бухоро амирига!**

1. Ушбу мактуб билан Ёш бухороликлар талабларини сизларга етказамиз ва бу талаблар ҳеч қандай ўзгаришсиз яқин йигирма тўрт соат ичида бажарилишини сўраймиз.³

2. Ҳукуматингизни тарқатиб, ўрнига уларни тайинланг, токи бундан буён ҳокимият Ёш бухороликлар ижроия қўмитаси қўлида бўлсин. Ижроия қўмита сиз билан боғланиш орқали янги ҳукуматни аниқлаб беради.

3. Агар қон тўкилишининг олдини олмоқчи бўлсангиз, бу илтимосларни борича қабул қилинг. Агар сиз ушбу шартларни қабул қилмасангиз, ҳар қандай қон тўкилиши учун жавобгар бўласиз. Бу ҳолатда қилинадиган барча ҳаракатлар бизнинг ихтиёримиздадир. Жавобингиз бизнинг шартларимизга мувофиқ бўлиши керак. Агар бундай бўлмаса, биз буни сўровларимизни рад этиш деб ҳисоблаймиз.

Туркистон Халқ Комиссарлиги раиси – Федор Колесов

Ёш бухороликлар ижроия қўмитаси раиси – Файзулла Хўжаев».⁴

¹ Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии // Избранные труды. Т.1. – Ташкент, 1970. – С.134 – 135.

² Булар: Файзулла Хўжа, Ота Хўжа, Абдурауф Фитрат, Бурхонзода, Агдар, Қори Йўлдош Пўлат.

³ Ёш бухороликлар ва совет русларининг талаблари моҳиятан амирнинг ҳукумат ҳокимиятини ислохотчилар қўлига ўтказиб, уларга ислохотлар ўтказишга имкон бериш эди.

⁴ Ходжаев Ф. Избранные труды. Т.1. – Ташкент, 1970. – С.143.

Амиржавоб юборади, лекин сўровларга аниқ жавоб бермайди. Шундан сўн 1918 йил 2 мартда Ёш бухороликлардан ташкил топган 200 кишилик бўлинма темир йўл бўйлаб жойлашган 2000 нафар совет аскарлари билан биргаликда Бухорога қарата ўт оча бошлади. Советлар «Бухоро амири 1918 йил март ойида Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши делегациясини ўлдиришга буйруқ берди ва шу тариқа советларга қарши уруш бошлади деб иддао қилишди».¹ Бу иддаолар бутунлай ёлғондир, чунки Совет Комиссарлиги, албатта, ҳеч қандай делегация юбормаган. Совет қўшинлари ҳужумидан олдин амирнинг буйруғи билан бирорта ҳам совет амалдори ўлдирилмаган. Урушни совет маъмуриятининг ўзи бошлаган. Совет аскарлари Бухоронинг Фотиҳобод шаҳрида амир қўшинлари билан тўқнашади. Жанг ўн кунга яқин давом этади. Совет аскарларида зирҳли поездга жойлаштирилган 12 та пулемёт ва 250 австриялик ҳарбий асир бор эди.² Советлар ва уларнинг иттифоқчилари бўлмиш ислохотчилар Бухоро амирлиги ҳудудида жиддий мағлубиятга учрадилар. Жадидлар совет маъмуриятига қўшинларнинг ҳужуми билан халқ кўзғолон кўтаради деб ваъда

беришганди. Лекин бу содир бўлмади. Шу сабабли совет Россияси маъмурияти Колесов қўшинларини қўшимча кучларни юбориш орқали қўллаб-қувватлашга қарор қилади.³

Колесовнинг ўзи совет қўшинларига Когонга чекиниб, у ерда мудофаа позициясини эгаллашни буюрди. Тошкентдаги совет маъмурияти Домогацкий ва Колузаев қўмондонлигида тузилган алоҳида бўлинмаларни (сони номаълум) қўллаб-қувватлади.⁴

Дастлабки келишмовчиликлар ҳозирда совет қўшинларига ишонган жадидлар билан Бухорода кўзғолон бўлишини кутган ҳолда ҳаракат қилаётган Тошкентдаги совет маъмурияти ўртасида бошланди. Совет рус армиясининг шармандали мағлубияти ва унинг оқибатлари ҳақида кўп гапирилди. Иккала томон ҳам бошқа томонни айблашди.

Совет қўшинлари Бухоро амирлиги билан тинчлик шартномаси туздилар. Икки томон делегациялари рус адабиётида «Рус ва Бухоро вакилларининг 1918 йил 25 мартдаги Қизилтепадаги шартнома баённомаси»⁵ деб номланган тинчлик шартномаси бўйича келишувга эришдилар. Шу тариқа совет ҳукумати


¹ Гордиенко А.А. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент, 1959. – С.126.

² Rudolf Köstenberger. Mit der Roten Armee durch Russisch-Zentralasien. – Graz, 1925. – P.15: «Бухоро жангида Германия ва Австрия асирлари кўпроқ фойда берди»; Political Intelligence Department, Foreign Office; Memorandum on political development in Russian Central Asia since the revolution (June 27, 1918). India Office Library, C/P and S/10/721. – P. 8: «The same informant also states that the German and Austrian prisoners of war again fought on the Bolshevik side, especially in the Bukhara campaign. He estimates them at 8000 Germans and 30000 Austrians and regards them, though this seems an exaggeration, as a menace to India»; Buhara'ya karşı Sovyet seferi hakkında ayrıca bkz.: Helene Carrere D'encause. Reforme et Revolution chez les Muselmans de L'empire Russe. Bukhara. – Paris, 1966. – P.223 – 238; Шу муаллиф. Islam and Russian Empire. Reform and Revolution in Central Asia (Yukardaki eserin tercümesi). – London, 1988. – P.154 – 159; Султан Б. Жантуаров. Гражданская война в Киргизии. – Фрунзе, 1963. – С.128; Dipnot 118: «1918 йил баҳорида совет қўшинларининг Бухоро ва Хивани Туркистон Республикаси таркибига қўшиб олиш бўйича ҳаракатлари муваффақиятсиз яқунланди».

³ Иноятов Х.Ш. Хроника событий Октябрьской революции в Узбекистане. – Ташкент, 1975. – С.123: «Самарқанд, Чоржўй, Ашхобод, Марв ва Қизил Равотдан қизил гвардиячилар дарҳол қўшимча куч сифатида жойлаштирилди».

⁴ Иноятов. Победа (42). 179-бет.

⁵ Учрашувларни ўтказган делегация аъзолари қуйидагилардан иборат эди: Совет томонидан: В.М.Копилов – уруш музокарачиси; А.Ф.Солкин – совет Туркистони транспорт комиссари; А.Ж.Галперин – Янги Бухоро шаҳрининг бошлиғи (Когон); П.П.Введенский – Туркистон Совет Халқ Комиссарлигининг ваколатли вакили; Хўжа Ҳайдар К. Мирбадалов. Бухороликлар: Мирзо Салим Парвонани, Бий Хўжа Абдулрауф Карвонбоши Азиз, Мир Бобо Мирохур, Қаранг: Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. Выпуск 16. – Ташкент, 1927. – С.96.



Бухоро амирлигининг мустақиллик ҳуқуқини иккинчи марта тан олди.¹

Совет Россиясининг Бухоро амирлигидаги ҳарбий жиноятлари кейинчалик совет пропагандаси томонидан «Колесов авантюраси» деб таърифланади ва ҳар икки томондан қўплаб ҳалокатларга сабаб бўлган ҳарбий ҳаракатлар Қизилтепада сулҳ шартномаси имзоланиши билан якунланди дейилади.² Жаҳидлар етакчиларидан Садриддин Айний: «Совет қўшинлари чекиниш чоғида вокзал яқинидаги аҳоли пунктларини талон-торож қилдилар ва вайрон қилдилар, ёш бухороликларни ҳибсга олиб, шаф-

қатсизларча отиб ташладилар», – деб таъкидлаб ўтганди.³

Совет ва жаҳидларнинг тажовузи ва уларнинг якунда мағлубиятга учраши амир ва унинг ҳукуматининг ғазабини кучайтирди. 1918 йил мартдан кейин амир ҳукумати 1500 дан ортиқ ислохотчиларни давлатга хиёнат қилгани учун қатл этди. Бундан ташқари, совет қўшинларининг экспедицияси муносабати билан амирликнинг тўққиз нафар юқори мансабдор шахслари қатл этилди. Совет қўшинларининг Бухорога ҳужуми ва унинг ҳарбий мағлубияти амирликда антисовет кайфиятини

¹ Gerhard von Mende (34). 148-бет. Fredrich Marshman Bailey, Mission to Tashkent. – London, 1946. – P.299: «The Bolshevik leader had required quite a wrong idea of the strength of Young Bokhara Party and he was eventually obliged to retire and to sign a treaty in March 1918»; Eudin Youkoff Xenia and North Carver Robert, Soviet Russia and the East. 1920 – 1927 Standford University Press, 1957. – P.30: «The Turkestan Soviet obliged to sign an agreement with the Emir pleading to sign an agreement with the Emir pleading to refrain from interference in the internal affairs of Bukhara».

² Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. Выпуск 16. – Ташкент, 1927. – С.95.

³ Садриддин Айний. Бухоро инқилоби учун материаллар. – Москва, 1926. – Б.33: «Беш минг австриялик асирлардан иборат ҳарбий қисм командири Степнов Бухорода 25000 олтин рублни тортиб олган. 1918 йил май ойида у ўз бўлинмаси билан Оренбург фронтга жўнатилди. Ҳарбий кассирга пулни бермагач, отиб ташланди. Қаранг: Köstenberger. Sechs Jahre in Turkestan. 2-нашр. – Граз, 1925. – P.43. Совет қўшинлари Бухородан чекиниш чоғида уч вагон олтин ва заргарлик буюмлари олиб кетилган. Қаранг: Бейли (101). 299-бет. Совет аскарлари ҳатто амирликнинг ярадор аскарларини ҳам ўлдиришди. Қаранг. Кёстенбергер (98). 23-бет.

юзага келтирди. Маълумки, амир ва унинг ҳукумати февраль ва ноябрь инқилобларидан кейин Россия ҳукумати-га содиқ эди. Амир 1918 йил февралда совет қўшинлари томонидан Қўқонда содир этилган қирғин ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади, 1917 йил 13 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаб ўтказилган намойишни маъқулламади. Бироқ 1918 йил март ойида у «қўрқиб кетди», лекин барибир рус маъмуриятига ишонди. Шунинг учун амирликнинг тугатилиш санаси бўлган 1920 йилгача на Туркистон миллий курашида қат-

нашган, на уни қўллаб-қувватлаган. Аммо совет қўшинларининг Бухородаги мағлубияти совет Россиясига қарши курашаётган гуруҳларнинг, айниқса, Фарғона водийсидагиларнинг қатъиятини оширган эди.

Советлар мағлубиятни ҳазм қила олмадилар. Ҳар ҳолда, улар амирликни босиб олиб, уни советлаштирмақчи эдилар. Бироқ тайёргарлик учун вақт керак эди.¹ Москва ва Тошкентдаги совет маъмурлари Бухоро жаидларидан амирликка қарши курашда ўзларининг мафаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар.

¹ Б. Ҳайит, Бухоро ва Хива хонликлари мустақиллигининг тугаши тарихига оид айрим парчалар, «Миллий Туркистон» 1967, 14-бет.

3-бўлим.

1918 – 1919 ЙИЛЛАРДАГИ ТУРКИСТОН-СОВЕТ РОССИЯСИ УРУШЛАРИ



КОБОЗЕВ Петр Алексеевич
(13.8.1878, Песочная
қ. Рязан губ. – 4.1.1941)

Фарғона водийсидаги истиқлолчилар 1918 йилга келиб бутун минтақа устидан назорат ўрнатдилар. Руслар фақат Рус подшоҳлиги давридаги гарнизонлари ёки темир йўл вокзаллари жойлашган йирик шаҳарларда ҳукмронликни сақлаб қолишган эди. Қизил армия аскарлари замонавий қуроллар билан қуролланган бўлишига қарамай, озодлик курашчиларидан фарқли ўлароқ, совет Россияси ўз ҳукмронлигини ҳамма жойда ўрната олмади. 1918 йилда Фарғона водийсида советлар билан озодлик курашчилари ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб ўтди. Урушда қўлга киритилган ҳудудларнинг доимий равишда қўлдан қўлга ўтиб туриши одатий ҳол эди. Қизил армиянинг шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиш, бегуноҳ одамларни ўлдириш, аёллар ва қизларни зўрлаш, масжидлар ва тарихий биноларга ўт қўйиш, халқдан зўрлик билан озиқ-овқат йиғиш каби ғайриинсоний кураш усуллари халқнинг совет Россиясига қарши курашини янада кучайтирди. Совет Россия ҳукумати Туркистон мухториятини тугатиш чоғида йўл қўйган хатоларини тезда англаб етди. Шунинг учун Туркистонга совет услубидаги мухторият бериш йўллари излади. Шу мақсадда Москва Туркистон-

да советлар учун мухторият ташкил этиш вазифасини юклаш учун П.А.Кобозевни Туркистоннинг фавқулудда комиссари этиб тайинлади. 1918 йил 10 апрелда ўз ходимлари билан Туркистонга келган Кобозев ўзига берилган ваколатлар билан Туркистоннинг ягона диктатори бўлиб қолди. У 1918 йил 20 – 30 апрелда Тошкентда советларнинг навбатдан ташқари қурултойини ташкил қилди. Бу қурултой натижасида 1918 йил 30 апрелда совет Россияси таркибида Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси расман эълон қилинди. Москвалик диктатор Кобозев Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасини бошқарган (бу бош вазир лавозими), А.Ф.Солкин вице-президент, Федор Колесов эса Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси этиб сайланди.¹ Шундай қилиб, Туркистонда миллий автономия ўрнига совет Россияси ҳукмронлиги рамзи бўлган совет социалистик мухторияти ташкил этилди. Фақат ҳукуматнинг номи ўзгарди, лекин ҳукмронлик большевиклар ва ижтимоий инқилобчи руслар қўлида қолди. Руслар туркистонлик Низомиддин Турсун Хўжани миллатлар бўйича комиссар (бу туркистонликлар комиссарлиги эди) этиб тайинлаб, ўзларининг «буюкликлари»ни исботлаётган эдилар. ТАССР (Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси) Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлган туркистонлик Жўрабоев (бу шахс ҳақидаги маълумотлар ҳозирча очиқланмаган – Б.Х.) баёнотидан бу мухторият Туркистон учун миллий мухторият дегани эмаслиги аниқ кўри-ниб турарди. **(Муаллифнинг бу фикри-**

¹ Богоутдинов. История коммунистических организаций Средней Азии. – Ташкент, 1947. – С.260.

га аниқлик киритиш мақсадида ўша шахс ҳаётидан айрим маълумотларни келтирамиз. Самарқандлик Сафо Жўрабоев Туркистондаги таниқли инқилобчи, давлат, ҳукумат арбобларидан бири, 1875 йили Бухоронинг Вобкент қишлоғида туғилган, ўзбек, форс ва рус тилларини билган, Москва, Самара, Херсон, Озарбайжон, Гуржистон, Туркистон, Бухоро ҳудудларини яхши билган, ижтимоий аҳволи камбағал деҳқон, оиласида 9 аъзо, ҳаммаси унинг қарамоғида, Бухоро мадрасасини битирган, Колесов билан Бухорода бўлган воқеаларнинг иштирокчиси, 1905 йил охирида Тифлисдаги ғалаёнда иштирок этгани учун чор Россияси ҳукумати томонидан сургун қилинган, 1909 йилгача Туркияда яшаган, 1917 йил ноябрида Самарқандда большевиклар партиясига кирган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги совет идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган, 1920 йили Фарғона области инқилобий комитети раиси лавозимида ишлаган, шу вақтда Бокудаги Шарқ халқлари съездига вакил этиб сайланган, шу съездда Ҳаракат совети ҳайъатига сайланган, Москвада Миллатлар иши халқ комиссарлигида вакил бўлиб турган, Бухорога келиб, касаба уюшмаси, матбуот жамиятида фаолият кўрсатган, 1925 – 1928 йилларда Ер-сув ишлари халқ комиссарлиги, Қўшчи союзи, Саноат союзи, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмаси ҳайъати аъзоси бўлиб хизмат қилган (РГАСПИ. 62-фонд, 4-рўйхат, 666-иш, 96 – 105-варақлар). 1937 йил 5 ноябрда ЎзССР Ички ишлар халқ қоммисарлиги давлат хавфсизлиги бошқармаси 7-бўлим мудирини такдим

қилган 6920-сонли иш бўйича учликнинг қарори билан Жўрабеков Ҳожи Сафо 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукум этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг раҳбарлик маркази аъзоларидан бўлиб, бу ташкилотнинг шуъбалари ўртасида алоқа ўрнатганликда, аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган (Қаранг: Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.442 – 444).

Сафо Жўрабоев шундай деди: «Улар (руслар) бизга мухторият билан ҳеч нарса бермаган ва келажакда ҳам бермайдилар. Бу ерда улар билан яшашдан кўра қишлоқларга бориб мусулмонларни бирлаштириш зарур. Қўқондаги арман қўшинлари ва Эргаш гуруҳи қароқчиларини (Қўқон шахрини қўриқлаганларни назарда тутаяди – Б.Х.) таъқиб қилиш чоғида қишлоқ аҳолисини талаб, қуроллари билан 50 верстгача (1 верст = 1,6 км) қувиб юради. Кейинроқ ҳарбий комиссарга бориб қишлоқ аҳолиси кўрпа-тўшак бермаганидан шикоят қилишади».¹ Туркистон халқи советларнинг мухторият номи остида кўраётган янги чора-тадбирларига ишонмас эди. Шу сабабдан озодлик учун кураш давом этаверди. Чунки советларнинг чора-тадбирлари туркистонликларнинг миллий орзу-умидларини қондиришга қодир эмас эди.

Совет раҳбарларининг шуҳратпа-растлиги ва ниҳоятда очқўзлиги ҳатто ўзларига хизмат қилган Туркистон раҳбарларининг ҳам совет ҳокимиятига қарши ашаддий душманга айланишига олиб келди. Бу борада 1917 йил марти-

¹Зуев. 36-бет.

дан 1918 йил мартагача Марғилон шаҳар милиция бошлиғи бўлган Муҳаммад Амин Бек (Мадаминбек) яхши намуна бўла олади. Дастлаб Марғилон шаҳрида Мадаминбекнинг ёрдамчиси, кейин эса озодлик учун кураш бўлинмалари қўмондони бўлиб ишлаган Солиҳ Махдум Муҳаммад эшон 1921 йил август ойида Тошкентда Туркистон fronti штабига шундай баёнот беради: «Мадаминбек, Аҳмадбек ва мен 1918 йил 1 мартда мусулмон милиция бошлиғи этиб тайинландик. Ўртоқ Суғрубов бу вақтда Марғилон шаҳар комиссари эди. Отишма, ҳибсга олиш, мусодара қилиш, очиқдан-очиқ талон-торож қилиш, масжидларга ўт қўйиш, муқаддас китобни (Қуръон) йўқ қилиш каби тасаввурга сиғмайдиган ишлар билан халқнинг хоҳишига қарши ҳаракат қиларди.

Мадаминбек ва мен бундай шароитда у билан ишлай олмаслигимизга амин бўлдик. Совет ҳукмронлиги вакили Суғрубовга қурол-яроғимизни бериб, қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана бошладик, аммо шўролар бизни тинч қўймади. Суғрубов ва унинг ўринбосари Семёнов барча мол-мулкимизни талон-торож қилгандан кейин уйимизга ўт қўйишди. Совет ҳукмронлиги бизни тинч қўймаслигини англаб етганимиздан сўнг миллий қўшинларимизни тузиб, совет ҳукмронлигига қарши курашга киришдик. Халқ биз томонда эди, қўшинларимиз уч ой ичида 1000 тага етди. Шунинг учун босмачилар ҳаракатининг шаклланишида совет вакиллари бевосита айбдордир».¹

Мадаминбек 1918 йилнинг ўртала-ригача озодлик курашига 1500 нафар



Ўртада икки қўлини тиззасига қўйиб ўтирган дўппилик Мадаминбек

жасур йигитни жалб этишга муваффақ бўлди.² Шундай қилиб, Мадаминбек Туркистонда совет рус ҳукмронлигига қарши курашган қўрбошилар орасида, айниқса, Фарғона водийсида энг нуфузли қўрбошига айланди. Бошқа қўрбошилар совет давлат маъмурияти ҳақида деярли маълумотга эга эмасдилар ва фақат Туркистондаги совет ҳокимиятини ағдаришни истардилар, холос. Ҳеч бир қўрбоши ёки жангчи ҳарбий тайёргарликка эга эмас эди, уларда бор нарсаси жанг қилиш учун жасорат ва оддий ов қуроллари эди. Уларнинг асосий қуроллари темир таёқлар, қиличлар, пичоқлар ва тош отиш учун камар бўлган. Барча жангчилар анъанага кўра моҳир чавандоз эдилар. 1918 – 1919 йилларда босмачиларда тўп ва пулемётлар йўқ эди. Бошқа томондан, рус ва арман қўшинлари энг замонавий қуроллар билан қуролланган эди.

Тўртта рус гарнизонида (Скобелев, Қўқон, Наманган, Андижон) 13 дан ортиқ автомат ва 16 та пулемёт, шунингдек, бошқа қуроллар (35 хил калибри) жанг майдонида ишлатилган.³

¹ Зуев. 73 – 74-бетлар

² Уруш пайтида қурол ишлата оладиган, жанг қила оладиган ёки эксплуатация қилинган (масалан, овқат тайёрлаш ёки ярадорларга ғамхўрлик қилиш) ҳар қандай ёшдаги озодлик курашчиси ўзини жасур деб ҳисобларди. Жасурлар ислом аскарлари ёки Туркистон мужоҳидлари сифатида ҳам тасвирланган. Бироқ қўрбошилар ва уларга яқин бўлган мулалар мусулмонларни мужоҳидлар сафига қўшилишга чақиришарди. Қизлар ва аёллар ишга қабул қилинмади. Аммо улар озодлик курашчиларининг ёрдамчилари эди (ярадорларни парвариш қилиш, кийим-кечак билан таъминлаш, овқат пишириш ва разведка маълумотлари тўплаш).

³ Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. – Москва, 1984. – С.74.

1918 йилнинг март-май ойларида Қўқон атрофига хужум қилган Эргаш қўрбоши қўшинлари Бачқирдаги асосий қароргоҳларини қизил армия хужумларидан ҳимоя қилишга мажбур бўлдилар. Эргаш бўлинмалари бу даврда қизил армия бўлинмаларига эллиқдан ортиқ хужумлар уюштирди. 1918 йилда Эргашнинг 16000 дан 18000 гача жангчилари бор эди.¹ Бу даврда Фарғона водийсида озодлик учун кураш оммавий ҳаракатга айланган эди. Бир қанча қўрбошилар турли ҳудудларда қизил армия аскарларига қарши ҳаракатлар олиб борди: Эргаш (тахминан 18000), Мадаминбек (5000), Шермуҳаммадбек (тахминан 6000), Холхўжа (3000 дан ортиқ), Парпи (тахминан 3600), Муҳиддинбек (тахминан 4500), Омон Паҳлавон (2500 дан ортиқ), Нурмуҳаммадбек (тахминан 3900) ва Жонибек (тахминан 5700) ҳам халқ орасида анча машҳур бўлиб, мужоҳидларнинг энг муваффақиятли раҳбарлари сифатида танилган эдилар. Юқорида тилга олинган қўрбошилардан ташқари қўрбошилар қўмондонлиги остида ёки яққа ҳолда ҳаракат қилган 77 қўрбоши бўлган.²

1918 йил бошидан озодлик кураши етакчилари рус мустамлакачиларини зарарсизлантириш бўйича ҳаракатларни кучайтирдилар. Мужоҳидлар мустамлакачи аҳолининг мужоҳид гуруҳларининг ҳаракатларига нисбатан бетараф бўлишларини кутди. Бу уларнинг Россия қизил армиясига ёрдам бермаслигини англа-

тар эди. Бироқ кураш етакчилари бу мақсадларига эриша олмайди. Русларнинг ғурури ва ватанпарварлиги уларнинг исёнкор халқларга нибатан сукут сақлашига тўсқинлик қилди. Мустамлакачилар қизил армия сафларида ўз ўринларини эгаллаб, «ўзларини ҳимоя қилиш» учун қуролланишади. Натижада улар қизил армиянинг ёрдамчи кучига айланади. Мужоҳид раҳбарларининг вақти-вақти билан руслар жойлашган ҳудудларга хужум қилишдан бошқа чораси қолмади. Бу йўналишдаги ҳаракатларнинг биринчи мисоли 1918 йил июль ойида Андижон яқинидаги Мингтепа қишлоғига (Андижон вилоятининг Марҳамат тумани маркази – Р.Ш, Ш.Б.) босмачилар томонидан қилинган хужумдир. Бу аҳоли пункти 1898 йилги Андижон қўзғолони марказига айланган ва қўзғолон раҳбари Мадали Эшон шу ерда туғилган. Қўзғолон кўтарган туркистонликлар Андижондаги рус қалъасини босиб олиш учун хужумларини шу ердан бошлаган эдилар. Маълумки, руслар бу қўзғолонни қонга ботирганлар. 1898 йил қўзғолони бостирилгандан кейин Туркистон генерал-губернатори Духовский Андижонга келиб, Мингтепа қишлоғида ҳам бўлади. Туркистонликларга губернатор кўчадан ўтаётганда унинг олдида тиз чўкишлари буюрилган. Духовской Мингтепани йўқ қилишни буюради. Бутунлай вайрон бўлган қишлоқдан 950 оила ҳалок бўлди. Кейинчалик қишлоқ номи Русское Село (рус қишлоғи) деб ўзгартирилди. Туркис-

¹ Bailey. «At the time of our arrival (1918) Ergash commanded about 16000 men».

² Тукли. Фарғона жангчилари // Янги Туркистон: журнал. – Истанбул, 1928. – С.8, 10 – 12. Шунингдек, қаранг: Б.Ҳайит. Туркистон (5). 272-бет: Фарғона водийсидаги бошқа қўрбошилар: Эш Муҳаммадбек, Тўйчибек, Мирзо Умар, Ислоҳ Паҳлавон, Ҳамдам Ҳожи, Усмон Дев, Султон Ғози, Мулла Балад, Аҳад Маҳдумбек, Ёр Бек Ато, Солиҳ Маҳдум, Исмоил Паҳлавон, Усмонбек, Фиез Маҳдум, Қозоқжонбек, Ҳошим Паҳлавон, Соҳиб қори, Йўлчибек, Теша, Нўмонбек, Шамсок танноз, Мулла Умарий, Узоқбек, Саид Аҳмад, Йўлдош Паҳлавон, Юнусбек, Исроилбек, Манкам Ҳожи, Охунжон, Абдулраззоқбек, Қозоқбой, Мирзо Тоғайбек, Янгибой Амин, Усмон Бекбоши, Тўхта Муҳаммадбек, Ёр Муҳаммад Маҳдум, Мулла Ҳўжабек, Ҳожи Тўрабек, Аҳмад Алибек, Аскарбек, Раҳмонқулибек, Йўлдош Чорғоғ, Сотиболди Қози, Рўзи Муҳаммад, Ҳожи Тўрабек, Бойтуманбек, Дардоқбек, Эргаш Паҳлавон, Юсуфбек, Аскарбек, Жўрабек, Авлиёхон Тўра, Умар Тоғабек, Аҳмад Паҳлавон, Алиёрбек, Тўхтасинбек, Умар Алибек, Мулла Пўлатбек, Шокирбек, Қўшмуродбек, Ғанихонбек, Тошмуҳаммадбек, Карабой, Муҳаммадалибек, Эргашбек, Шамсибек, Жамолбек, Қодирбек, Кичик Маъруфбек.



Муҳаммадали Эшон

тонликлар руслар томонидан содир этилган ваҳшийликларни унутга олмайдилар, 1918 йилда озодлик курашчилари русларни эски Мингтепадан ҳайдаб чиқара олишларига ишончлари комил эди. Қўрбоши Охунжон 1918 йил июнь ойида русларни бир ой ичида бу ҳудудни тарк этишга мажбур қилади. Рус мустамлакачилари маҳаллий халқ бу ерни эгаллаб, яхши қурулланган русларни мағлуб эта олади деб ўйлаган эдилар. 1918 йил июль ойининг бошида қўрбоши Охунжон Русское Селога ҳужум қилди. Охунжон бу ишга киришар экан, Мингтепада туғилган ва 1898 йил кўзғолонида қатнашган Мадмуса Саркорнинг маслаҳатига амал қилади. Мингтепани забт этиш бўйича бу ҳаракат олти кун давом этади. Ҳар икки томоннинг йўқотишлари ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Озодлик курашчилари бу ҳудудни забт этишади. Руслар Андижон гарнизонларидаги қизил армия аскарлари ёрдамга келади деган умидда таслим бўлишдан бош тортадилар. Аммо ёрдам келмайди, чунки гарнизонлар озодлик учун курашувчилар билан ўралган эди. Қаттиқ қаршилик кўрсатган русларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди, фақат ўттиз нафар ярадор рус қолди. Охунжон ярадорларни Жалолободдаги рус аҳоли пунктларига олиб боришни буюради. Ислом шариатига кўра, ярадорларни, душман бўлса ҳам, ўлдириш мумкин эмас эди. Бироқ совет аскарлари мужоҳидларни ярадор бўлганларида ҳам ўлдиришган. Уларнинг фикрича, агар битта босмачи омон қолса ҳам, бу советларнинг ҳукмронлигига

ҳавф туғдирарди. Озодлик мужоҳидлари ярадорларини тезроқ жанг майдонларидан йиғиштирар экан, ярадор қизил аскарларни турган жойида қолдириб кетишарди. Руслар озодлик мужоҳидларининг бу муносабатига қойил қолишган.

1918 йил бошидан рус мустамлакачилари «босмачилардан ўзларини ҳимоя қилиш» учун ўзларининг ҳарбий қисмларини яратишга ҳаракат қилишди. Бу ҳаракат Тошкентдаги совет раҳбарлари томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Бу масала кейинроқ батафсилроқ муҳокама қилинади.

1918 йил июль ойида Сағир қўрбошининг жангчилари нефть конларига ва Чимёндаги рус аҳоли пунктларига ҳужум қилди. Руслар бир тўп ва учта пулемёт билан жавоб берган тўқнашув тахминан тўрт соат давом этди ва Сағир қўрбоши жангни тўхтатиб, ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1918 йил 30 июлда қўрбоши Эргашнинг баъзи жангчилари Қўқон шаҳрига кириш йўлини тўсди. Қобил қўрбоши бўлинмаси 1918 йил 2 сентябрда Тўрақўрғон темир йўл станцияси яқинидаги Шарков қишлоғини эгаллаб, Қўқон ва Андижон ўртасидаги темир йўл қатновини тўхтатди. Совет қўшинлари Қўқон ва Андижондаги аскарларини Қобил қўрбошига қарши жўнатадилар. Қобил қўрбоши эллик нафар аскарини йўқотиб, Шарковни тарк этишга мажбур бўлди, бироқ унинг бўлинмаси 1918 йилнинг ноябрига Тўрақўрғон атрофида фаолиятини давом эттирди. 1918 йил 20 октябрда қўрбоши Эргаш 400 нафар жасур йигитлари билан Қобил қўрбошига ёрдамга келди. Қизил армия бўлинмалари озодлик курашчиларидан мағлубиятга учради, аммо бу сафар руслар Сокобелев шаҳридан ёрдам олишди. 1918 йил ноябрь ойининг бошида озодлик учун курашчилар Тўрақўрғон

атрофидаги позицияларидан 150 нафар қурбон бериб чекиндилар.

Қўрбошилар Скобелев-Андижон ва Қўқон-Андижон темир йўлларини эгаллашга ҳаракат қилишган. Қизил армия бўлинмаларига собиқ чор Россияси зобитлари қўмондонлик қилган, етарли ҳарбий тажрибага эга бўлган бу қўмондонлар темир йўл транспорти ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг назорати остида бўлиши кераклигини жуда яхши билишарди.

1918 йилда мужоҳидлар Фарғона водийсини эгаллаган эдилар. Руслар фақат эски чор гарнизонлари ва темир йўлларни ўз назорати остида ушлаб туришган. Шунинг учун улар доимо ҳимояланардилар. 1918 йил 20 октябрда Мадаминбек қўшинлари Андижон ва Наманган гарнизонларига ҳужум қилди, аммо тўлиқ жиҳозланган рус гарнизонларини бўйсундира олмади. 1918 йил 7 ноябрда Мадаминбек, Шермухаммадбек ва Холхўжанинг 1500 дан ортиқ жасур йигитлари Чимён нефть конини ўраб олишди. Етти кунлик жанглар натижасида юқорида тилга олинган қўрбошилар 100 дан ортиқ мард йигитларни қурбон бериб Чимёндан чекинишга мажбур бўлдилар. 1918 йил октябрь-ноябрь ойларида Қизилқияни (қўмир кони ва тураржой майдони) эгаллаш учун томонлар ўртасида шиддатли жанг бошланди. Мужоҳидлар совет аскарларини Қизилқиядан суриб чиқара олмадилар. Лекин Қизилқияга қарши ҳужумлар навбатма-навбат давом этди; бир қанча жангчилар шаҳарга кириб келар ва совет аскарлари томонидан ортга қайтариларди, кейин эса қизил аскарлар мужоҳидлар томонига юриш қилар ва улар мужоҳидлар томонидан қайтариларди. Ниҳоят 1918 йил ноябрь ойи-

да руслар ғалаба қозонди. Бироқ руслар маҳаллий халққа нисбатан раҳм-шафқат чегарасидан аллақачон ошиб кетган эди. Шу муносабат билан австриялик ҳарбий асир Вилфорт Қизилқиядаги русларнинг қирғинини кўрган гувоҳ сифатида қуйидагиларни айтди: «Руслар ва, афсуски, бизнинг баъзиларимиз (Германия ва Австрия ҳарбий асирлари – Б.Х.) қизил армия сафларида маҳаллий аҳолига, хоҳ айбдор, хоҳ бегуноҳ бўлсин, қилган ваҳшийликлар кўламини кўрсатиш учун қуйидаги мисоллар етарли бўлади: қароқчиларнинг босқинидан сўнг кўп миқдордаги маҳаллий аҳоли крепостга (қалъага) олиб кетилди, у ерда улар учун катта қудуқ қазилди ва унинг четида саф тортишди, ўқ узиб ҳаммаси қудуққа ташланди. Қизилқияда қўлга олинган мужоҳид тўдалари (озодлик жангчилари – Б.Х.) ўлгунларича олдиндан ўт қўйилган жой устида югуриб юрган. Венгрия соқчилари крепостдаги асирларнинг бошларини тезроқ ва тоза кесиш учун мусобақага киришди! Яна бири фарзандини эмизаётган аёлни боласи билан бирга битта ўқ билан ўлдирганини айтиб мақтанди. Бу воқеаларнинг барчасини бизнинг одамларимиз тасдиқлаган».¹

Эргаш қўрбоши энг нуфузли раҳбар этиб сайланганига қарамай, кўпчилик қўрбошилар ўзларича ҳаракат қилишди. 1918 йил октябрь ойининг охирида Ойимда етакчи қўрбошилар йиғилиб, ҳар бир қўрбоши учун ҳаракат зоналарини аниқлади. Унга кўра, қўрбоши Эргаш Қўқонда, Холхўжа Ўшда, Мадаминбек Андижон, Наманган ва Марғилонда, қўрбоши Маҳкамхўжа Андижонда, Шермухаммадбек Водил ва Асакада ҳамда Саидахмадхон Ўратепа ҳудудида жанглар ташкил қилади.

¹ Вилфорт. 243 – 244-бетлар.

1918 йилнинг май ойидаёқ қўрбошилар орасида Эргаш қўрбоши ўрнига Мадаминбекнинг амир ул-муслимин бўлиши кераклиги муҳокама қилина бошланди. Мадаминбек 15000 жангчи йиғган ва русларга қарши муваффақиятлари туфайли бу лавозимга кўпроқ мос эди.

Кўпчилик қўрбошилар уни танлаган бўлсалар-да, айримлар Эргашнинг тарафини олишди. Шунинг учун Эргаш 1919 йилнинг ўрталаригача мусулмонлар амири бўлиб қолди. Мадаминбек бутунлай мустақил ҳаракат қиларди. Икки истеъдодли қўрбоши ўртасидаги рақобат 1919 йилнинг ўрталарида Мадаминбек раҳбар этиб сайланганидан кейин ҳам давом этди, бу сафар Эргаш бошқа қўрбошилар билан ҳамжиҳатликда ишлаш ўрнига ёлғиз ҳаракат қилди.

Қизил армия аскарлари мужоҳидларга қарши фақат мудофаа ҳолатида жанг қилишлари мумкин эди. Босмачилар ҳужум қилганда улар фақат мудофаада бўлишди ва шу тариқа босмачиларнинг кучини аниқлай олишди. Шубҳасиз, қизил армия бўлинмалари босмачиларга қараганда юз баравар яхшироқ қуролланган эди, аммо барибир совет қўшинлари ҳужум қилганда талафотлар босмачиларникидан кўпроқ бўлган. Масалан, 1918 йил декабрь ойида Андижондан жўнатилган 1300 нафар аскардан иборат қизил армия бўлинмаси Мадаминбек, Холхўжа ва Маҳкамхўжа бўлинмаларига ҳужум қилганда мужоҳид бўлинмалари бирорта ҳам қолдирмай барча аскарларни ўлдирадilar.

1918 йилда икки томон ўртасида энг шафқатсиз урушлар содир бўлган жой Фарғона водийси эканлигига шубҳа йўқ; босмачилар у ерда рус ҳукмронлигига чек қўймоқчи бўлган бўлсалар, руслар ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилардилар.

1918 йил охирида Зарафшон водийсида (Туркистон тоғлари ва Зарафшон дарёси оралиғида) Мачо беклиги ҳам озодлик курашининг яна бир марказига айланди. Беклик Самарқанд вилояти тасарруфида бўлган, лекин Россия муваққат ҳукумати даврида ўз мустақиллигини эълон қилган. Тошкентдаги совет маъмурияти у ерда фақат битта комиссар тайинлаган эди. Ҳийлакор Аҳмад Хўжа совет Россиясининг ўз ҳудудидаги даъволарини қабул қилмади. 1918 йил ноябрда ўз қўли остидаги барча ерларда советларнинг бутун фаолиятини тақиқлагани ҳолда, қўрбошиларнинг бу ерда қолиб, қизил армияга қарши ҳаракатлар уюштиришига рухсат берди. Ташкилий ишлар 1918 йилнинг ёз ойларидан давом эттирилди ва бу йўналишда Мулла Имом қўмондонлигида 2000 нафар мард аскардан иборат ҳарбий қисм тузилди. 1918 йил 12 декабрда Хўжанд вилояти совети ижроия қўмитаси Самарқанд вилояти ижроия қўмитасига: «Мачо халқи совет ҳукмронлигини истамаган, бу ҳудудда Эргаш тўдаси фаолият юритган ва халқ улар тарафида эди», – деб ҳабар қилди. Мулла Имом қўмондонлигидаги мужоҳидлар бўлинмасидан ташқари Авлиёхон қўрбоши, Асрорхон, Эшон Бобо ва Қутбихон бошқарувида бўлинмалар тузилади.¹ Шундай қилиб, Мачо водийси озодлик курашининг энг муҳим марказларидан бирига айланди.

Тажан воҳаси 1918 йил кузида озодлик курашининг учинчи марказига (Фарғона водийси ва Мачо водийсидан ташқари) айланди. Бу ўринда Азизхон Шафиқни алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг жангчилари 1918 йил 9 – 14 октябрда Тажан шаҳридан ташқари бутун Тажан воҳасини эгаллаб олдилар. Азизхон 1918 йил 14 октябрга ўтар кечаси 9000 аскар билан

¹ Келдиев Т.Х. Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР. – Ташкент, 1959. – С.29 – 30.

Тажан шаҳрига ҳужум қилди. Беш кунга яқин давом этган тўқнашувлар натижа-сида 5600 нафар жангчи шаҳид бўлган, 1700 нафар жасур аскар эса қалъа ат-рофида тан жароҳатлари билан қолган. Азизхон ярадор аскарларини ўзи би-лан олиб кетишдан олдин омон қолган жангчилари билан чекиниши керак эди. Руслар ортда қолган барча жасур жанг-чиларни ўлдирадилар. Азизхон ва унинг жангчилари ёзгача русларнинг қизил ва оқ қўшинларига қарши урушни давом эттирдилар. Юқори Каспийдаги Брита-ния миссияси экспедицияси қўмондони генерал Маллесон уни генерал Деникин қўмондонлиги остига киришга мажбур қилди. Азизхон генералнинг илтимоси-ни рад этди.¹ Азизхоннинг мухолифлари унинг 2000 нафар жасур йигитлари би-лан қизил армия сафига қўшилганини даъво қилишарди. Генерал Маллесон уни ўз сафига жалб этмоқчи эди. Азизхон 1919 йилнинг ўрталаридан бери қолган аскарлари билан Байрамали (Туркманис-тон худудидаги Марв вилоятига қараш-ли ер – Р.Ш., М.А., Б.Ш.) яқинида яшовчи акасининг олдига боради. Совет уруш маъмурияти унинг нима қилаётганини билиш учун сон-саноксиз агентларни са-фарбар қилади. Совет аскарлари ниҳоят уни ҳибсга олишга ва баъзи аскарлари-ни қуролсизлантиришга муваффақ бў-лишди. Совет ҳарбий суди уни 1919 йил охирларида ўлимга ҳукм қилди.²

1918 – 1919 йилларда Амударёнинг чап томони Туркистон озодлик кураши-нинг тўртинчи марказига айланди. Бу ўринда ҳам Хива хонлигининг норасмий, аммо ҳақиқий ҳукмдори, «чўл подшоҳи» номи билан машҳур сардор Жунайид-хонни алоҳида таъкидлаш жоиз. Маъ-

лумки, Жунайидхон 1916 йилда Хива хонлиги ва унинг атрофидаги русларга қарши қўзғолонга бошчилик қилган. Россия генерал Галкин қўмондонлиги-да Жунайидхонга қарши энг замонавий қурол-яроғлар билан жиҳозланган ҳар-бий экспедиция уюштирган бўлса-да, уни енгишни уддалай олмади. Жуна-йидхон Россияга қарши курашини 1917 йил (февраль ва октябрь) инқилобла-ридан кейин ҳам давом эттирди. Унинг мақсади Хива хонлиги ва унинг атро-фидаги худудларни Россия зулмидан қутқариш эди. Шу мақсадда у 1918 йил 24 ноябрда Амударёнинг чап қанотида-ги Ақлған, Шўрақон, Шаббоз, Бийназар аҳоли пунктларига ҳужум уюштирди ва аскарлари ёрдамида совет аскарларини бу ерлардан қувиб чиқарди. Унинг их-тиёрида 12000 дан ортиқ жангчилар бор эди.³ Чор Россияси даврида Петроалек-сандровск номини олган Тўрткўл шаҳ-рида катта қурол-аслаҳа мавжуд бўлган, у совет русларининг таянч нуқтаси ҳам бўлган. 1918 йил 25 ноябрда Тўрткўл шаҳри қамал қилинди. Жунайидхон со-ветларнинг бу қурол омборини эгаллаш учун ўн бир кун курашади. 1918 йил 13 декабрда 1600 дан 1700 гача жангчила-ри вафот этди. Қизил армия Тўрткўлни ҳимоя қилиш учун Биринчи жаҳон уру-шида русларга асир тушган (Венгрия, Австрия, Германия ва Чехословакия мамлакатларидан асир тушган ҳарбий-лар) асирларни фронтга олиб боради. Жунайидхон 1918 йил 16 декабрда ўзи-нинг 1500 нафар жасур аскарлари билан Нукус шаҳрига ҳужум қилди. 16 кун да-вом этган (1.1.1919 йилгача) тўқнашувда Жунайидхон ютқазди. Питнакда Жуна-йидхоннинг бўлинмаси ва советлар ўр-

¹ Боймирза Ҳайит. Туркистон... – Б.274.

² Köstenberger. 61-бет.

³ Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. – Москва, 1984. – С.67.

тасида янги тўқнашув содир бўлади, бу тўқнашув орқали Тўрткўлни қутқаришни ният қилади, лекин бу урушда ҳам мағлуб бўлади.

Хужумлар ҳар икки томондан амалга оширилса-да, руслар Жунайидхон билан тинчлик шартномаси тузмоқчи бўлди. 1919 йил 9 апрелда Тахта худудида Хива хонлигининг ваколатли вакили сифатида Жунайидхон ва СССРга қарашли ТАССР вакили ўртасида қуйидаги бандларни ўз ичига олган тинчлик шартномаси имзоланди:

«1. Икки томон уруш ҳолатини тугатади.

2. Совет ҳукумати Хива воҳаси халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олади.

3. Дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар икки томоннинг ваколатхоналари очилади. Хива ҳукумати Москва ва Тошкентда, совет Россия ҳукумати эса Хивада ваколатхона очиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Иккала томон ҳам тижорат мақсадида ўзаро бепул ва хавфсиз сув ва қуруқлик транспортини таъминлаш мажбуриятини олади.

5. Совет Россия ҳукуматига қарши қилган ҳаракатлари учун айбдор деб топилган Россиянинг ҳар бир туркман фуқароси афв этилади. Улар ўз ўрнини танлашда эркиндир».¹

Бу шартнома фақат вақтинчалик амал қилди. Чунки Тўрткўлдаги большевиклар Хива хонлиги босқинидан сўнг бу ерни советлаштириш мақсадида «инқилобий тўр» тайёрлаётган эдилар. Улар Жунайидхоннинг ҳаракатларининг олдини олар экан, Тўрткўлда Хива учун «инқилоб батальони»ни ҳам туздилар.

Жунайидхон 1919 йил 1 ноябрда Нукус шаҳрини қамал қилиб, Хива хонлигига қарши совет экспансиясининг олдини олмоқчи бўлди. У советлардан қуролларини ташлашни сўрайди. Тўрткўлдаги большевиклар эса ўлгандан кейингина қуролларини ташлашлари мумкинлигини таъкидлайдилар.² Советлар Хива хонлиги ва Жунайидхонга қарши курашлари билан танилган Ёш хиваликларни (жадидчиларни) сафарбар қилади. Улар туркман қабилалари ўртасида тарқатган ёлғон хабарлари билан низолар, ҳатто урушлар ҳам келтириб чиқаради. Улар Шаммикел (Қораўғуз қабиласи бошлиғи), Қўшмамедхон (Салак қабиласи бошлиғи), Фулом Али (Гарасалак қабиласи) ва Жунайидхон ўртасида яхши ташкил этилган қуролли тўқнашувларни келтириб чиқаради. Большевиклар Хива хонлигини «инқилоб» номи остида босиб олмоқчи эдилар. Бунинг учун ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 15 ноябрда Хива хонлигидаги тўлиқ ваколатли рус ваколатхонасини тугатди ва Хива билан муносабатларни йўлга қўйиш учун Петроалександровск (Тўрткўл) шаҳрида ревком (инқилоб қўмитаси) тузди. Ушбу қўмита раиси этиб Ханталижинский тайинланди.³ Советлар шундай чоралар кўрган бир шароитда Жунайид ёки Ўроз Сардор каби мужоҳид лидерларнинг совет Россияси гегемонлигига қарши урушни давом эттиришдан бошқа чораси қолмади.

1918 йилда Фарғона водийси, Зарафшон водийси ва Амударёнинг қуйи қисмларида кечган миллий кураш бу ерда совет ҳокимиятининг тугатилиши мумкинлигини англатарди. Бир совет ёзувчиси: «1918 йилда босмачилик ҳа-

¹ Боймирза Ҳайит. Туркистон... – Б.263.

² Волобуев П.В. История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва, 1971. – С.81.

³ Иноятов Х.Ш. и др. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.): хужжатлар тўплами. – Ташкент, 1976. – С.23.

ракати совет ҳукумати учун катта хавф туғдирди»¹, – деб таъкидлаган эди. Шу сабабдан совет маъмурияти турли ҳарбий чоралар билан миллий кураш тезлигини сўндирмоқчи эди. Шу мақсадда Тошкентдаги совет ҳукумати 1918 йил 9 июлда Фарғона водийсини уруш ҳолатида деб эълон қилди. Шундан сўнг советларнинг Фарғона fronti мустаҳкамланиб борди. Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесов 1918 йил 15 июлда Ленин номига қуйидаги телеграмма ни йўллади: «Туркистон АССР душман таҳдиди остида. Биз ўлим хавфи остида сиздан бирор чора кўришни сўрамоқдамиз. Сиздан пул, қурол, ўқ-дорилар ва қўшинлар шаклида ёрдам кутамиз».²

Ленин 1918 йил 17 июлда Колесовга қуйидаги жавоб телеграммасини юборди:

«Биз сизга ёрдам бериш учун барча чораларни кўрамиз. Биз сизга полкларни жўнатамиз... Умидсизликка тушманг... Бор кучингиз билан Красноводск ва Боку билан алоқада бўлишга ҳаракат қилинг».³

Совет ҳарбий маъмурияти 1918 йил июль ойида йирик (Астрахан) Ҳазар флотини тузди. Бу флотга Болтиқ денгизидан тўртта сувости кемаси ва тўққизта бомбани топширди. 1919 йилнинг ноябрида Каспий денгизида эликдан ортиқ кема, олти та сув ва тўртта жанговар самолёти бўлган бу флотнинг вазифаси совет Россиясидан Туркистонга қўшин жўнатиш хавфсизлигини ва қизил армиянинг эҳтиёжини таъминлаш эди. 1918 йил август ойида Россия бош штаби Туркистондаги қизил армияга турли уруш материаллари учун 14000 милтиқ, 2000 қилич, 1000 та тўппонча ва 20 мил-

лион ўқ-дори юборди. Россия қўмондонлиги ҳарбий бошқармаси 1918 йил сентябрь ойида Фарғона водийсидаги қизил армияни қўллаб-қувватлаш учун областга яна 5 та полк юборган эди.

Совет ҳукумати 1918 йил 2 сентябрда шарқий фронтда 7-армия қўмондонлиги остида ҳаракат қилиш учун Туркистон ҳарбий инқилобий кенгашини ташкил этди. 1918 йил ноябрь ойининг охирида ТАССР ҳарбий комиссари Осипов Фарғона водийсига келади. Жалолободга ҳам келган Осипов озодлик курашчиларига қарши курашга рус мустамлакачиларини жалб қилган. Шундан сўнг рус мустамлакачилари қуролланган ҳолда Жалолобод ва унинг атрофида Туркистон халқига ҳужум қилди, жанг майдонларида 5300 дан ортиқ босмачи ҳалок бўлди.

1918 йил 7 декабрда Тошкентдаги Халқ Комиссарлари Совети олий ҳарбий делегацияси (Войтинцев – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси, Фигельский – Халқ Комиссарлари Совети раиси ва Осипов – ҳарбий комиссар) Фарғона водийсида босмачиларга қарши курашни қайта тиклаш ва тезлаштириш учун келди. Бу делегация босмачилар билан ишлаш учун юқори даражадаги ҳаракат бирлигини ташкил қилган. 1918 йил декабрь ойи ўрталарида Хонободда (Қўқон шаҳридан 20 км узоқликда) кўрбоши Эргаш қўшинлари билан қизил армия ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувда қайси тараф ғалаба қозонганини билмай 20 декабрда ҳар икки томон яширинча жанг майдонидан чекинди. Тахминларга кўра, ҳар икки томон ҳам ғалаба қозона олмаслигини тушунган.

Мужоҳидлар, қиш оғир бўлишига қарамай, 1919 йилни жанговар кайфият

¹ Муравейский. 43-бет.

² Елеуов Т.Е. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.1. – Алма-Ата, 1963. – С.53.

³ В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане / М.Н.Гуревич таҳрири остида. – Ташкент, 1982. – С.290.

билан қарши олдилар. Совет маъмурияти бунга англаб етди, лекин озодлик курашини қўллаб-қувватлаган омма олдидан ожиз эди. Улар совет маъмурияти томонидан Фарғона водийсида олиб борилган кураш қароқчиларга қарши эмаслигини биринчи марта тан олишга мажбур бўлди. 1919 йил 7 январда ТАССР Марказий Ижроия Қўмитасининг сессиясида ТАССР уруш миссияси раҳбари Фигельский қуйидаги баёнотни берди:

«Биз Фарғона водийсида жиноятчи тўдалар билан ҳамкорлик қилмаймиз, аксинча, муваққат Сибирь ҳукумати, Ашхобод ва Оренбург ҳукуматлари билан яқин алоқада бўлганларга қарши курашамиз».¹ Бу билан Фигельский Совет Иттифоқининг ўша пайтгача босмачилар қароқчилар бўлган деган даъвосини ҳам рад этади. Бироқ у озодлик курашчиси дея ишора қилаётган ташкилот Россиянинг Сибирдаги ҳукумати, Ашхободдаги оқ гвардиячилар ёки Оренбургдаги Атаман Дутов билан алоқада деган даъвоси ҳам ёлғон экани маълум. Албатта, Фарғона водийсидаги озодлик курашчиларининг улар билан ҳеч қандай алоқалари бўлмаган.

Советлар раҳбарияти қизил армия билан биргаликда 1919 йилдаги миллий қўзғолонга қарши нима қилиш кераклигини билмай ҳайрон қолди. Турли ҳарбий чора-тадбирлар билан ўзини ҳимоя қилишга уринган маъмурият 1919 йил 20 майда Фарғона водийсида ўз қўшинлари билан ҳаракат бошлади. Бу ҳаракат Туркистоннинг бу қисмида совет ҳарбий бошқарувини мувофиқлаштир-

ди. 1919 йилда Фарғона водийсида 40 дан ортиқ қўрбоши бўлинмалари қизил армия бўлинмаларига қарши операция ўтказдилар.² Тошкентдаги советлар ҳам босқинчиларга қарши курашнинг самарасизлигини англадилар, шунинг учун Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 7 апрелда 7 кишидан иборат Инқилобий ҳарбий кенгаш (Реввоенсовет) тузди³ ва босмачиларга қарши уруш эълон қилди.⁴ Бу кенгаш олдига озодлик учун курашни (совет терминологиясида аксилинқилобий кучлар) имкон қадар тезроқ яқунлаш вазифаси қўйилди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 8 апрелда Инқилобий ҳарбий кенгашнинг ўн банддан иборат низомини эълон қилди. Низомга киритилган қарорлар қуйидагилардан иборат эди:

«1. Инқилобий ҳарбий кенгаш Туркистон АССР ҳарбий бошқарувини амалга оширади.

2. Инқилобий ҳарбий кенгаш Марказий Ижроия Қўмитаси аъзолари ва ҳарбий тажрибага эга бўлганларга имкон қадар ташаккурлар айтади. Агар Марказий Ижроия Қўмитаси сафларидан етарлича кадрлар тўпланмаса, улар октябрь инқилобида ўзини кўрсатган коммунистлар орасидан танлаб олинади. (Марказий Ижроия Қўмитаси ўзига хос ҳарбий салоҳиятга эга бўлса-да, у ўзининг ҳарбий кенгашига коммунист бўлмаганларни ҳам сайлаши мумкин.)

3. Инқилобий ҳарбий кенгаш 7 кишидан иборат бўлиб, улар орасида уруш комиссари ва Туркистон АССР қўшинлари штаб бошлиғи ҳам бор.

¹ Инояттов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. – Москва, 1984. – С.77.

² Алескерев Ю.Н. Иностранная интервенция и гражданская война в Средней Азии. – Ташкент, 1959. – С.184.

³ Бу шахслар: Белов, Сафонов, Панасюк, Бригадзе, Колузаев, Железзов, Востраблин. Казков кенгаш раиси ва И.П.Белов Туркистон қизил армияси бош қўмондони эди.

⁴ Ф.Божко (Гражданская война в Средней Азии. – Ташкент, 1930. – С.78)га кўра, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси тугатилиб, унинг ўрнида Инқилобий ҳарбий кенгаш тузилди. С.Ташлиев (Туркменистан в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. – Ашхабад, 1957. – С.199 – 200)нинг ёзишича, бу кенгаш Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси назорати остида ҳарбий бошқарувни таъминлаш учун тузилган.

4. Инқилобий ҳарбий кенгаш қўмондонни сайлайди, лекин ҳарбий комиссар ва штаб бошлиғи қўмондонликка сайлана олмайди.

5. Инқилобий ҳарбий кенгаш Марказий Ижроия Қўмитаси ҳузурида ТАССР-ни ташқи таҳдидлардан ва ички инқилоб душманларидан ҳимоя қилиш учун масъулдир. (Уруш бўлганда кенгаш Марказий ҳарбий инқилобий кенгашга бўйсунди.)

6. Ҳарбий комиссарлик барча муассалари билан Инқилобий ҳарбий кенгаш қўмондонлигига бўйсунди.

7. Инқилобий ҳарбий кенгаш ҳар бир масала бўйича қўшма қарорлар қабул қилади, лекин операциялар раис ёки тегишли аъзолар томонидан амалга оширилади.

8. Туркистон ҳарбий комиссарлиги ёки бош штаб бошлиғининг барча буйруқлари, агар уларда фақат битта имзо бўлса, ҳақиқий эмас. Ҳарбий комиссарлик ёки Бош штаб бошлиғининг барча буйруқлари, агар қўмондон ёки Инқилобий ҳарбий кенгашнинг тегишли аъзолари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9. Инқилобий ҳарбий кенгашнинг қўмондонлиги остида халқнинг барча кучлари ва воситаларини чегара хавфсизлигини таъминлаш ва ичкаридаги аксилинқилобни бостиришга сафарбар этиш учун, аввало, барча масъул органлар Инқилобий ҳарбий кенгашнинг буйруқларини бажаришга мажбурдир.

10. Бу низом Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланади ва шундан кейин кучга киради».¹

Бу низомлардан кўриниб турибдики, совет маъмурияти Туркистонни ҳарбий

диктатура ҳукмронлиги остида ушлаб турган.

Марказий Ижроия Қўмитаси ўзининг давлат томонидан таъминланган ҳарбий ҳукмронлигига қарамай, совет ҳокимиятининг мавжудлигини таъминлай олмади. Озодлик курашчилари қатъий позицияни эгаллаб, совет Россиясининг уруш маъмурияти билан ҳеч қандай муросага келишни хоҳламадилар. Фарғона водийсида Мадаминбек (тахминан 25000), Шермуҳаммадбек (20000) ва Эргаш қўрбоши (15000) каби кучли мужоҳид бошлиқларининг қўшинлари операция ўтказган, шунинг учун улар урушнинг йўналишини яхши билишарди. Эркинлик учун курашнинг яна бир маркази бўлган Мачо водийсида 1918 йилдан бери қўрбоши бўлинмалари ва қизил армия доимий уруш ҳолатида эди. 1918 йил 16 ноябрдаги можарода бу ерда 85 совет аскарлари ҳалок бўлди. Бу ҳудуддаги жангларда 6000 нафар озодлик аскарлари қатнашган. 1918 йил май ойида совет қўшинлари 80 нафар немис ҳарбий асирлари, венгер ва австриялик асирлардан ташкил топган халқаро бўлинма туздилар. Улар рус аскарлари билан бирга 1919 йил июлигача Мачо водийсининг Фалгар ва Искандар посёлкаларида озодлик курашчиларига қарши курашдилар.²

Қизил армиянинг ҳарбий ҳаракатлари босмачилик ҳаракатини бостириш учун етарли эмас эди. Совет маъмурияти шундан сўнг қўрбошилар билан ўт очишни тўхтатишга ҳаракат қила бошлади. 1919 йил 2 майда Тошкентдан етти кишидан иборат совет комиссияси Фарғона водийсига босмачилар муаммосини жойида ўрганиш, шунингдек, қўрбошилар билан тинчлик музокаралари олиб бориш

¹ Ташлиев С. Туркменистан в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. – Ашхабад, 1957. – С.200.

² Абдулаев Р. Борьба за советскую власть в верховьях Зарафшана (1918 – 1919 гг.) // Известия Отделения общественных наук Академии Наук Тажикской ССР. 1966. – С.15 – 18.

учун келди.¹ Советлар агар босмачилар қуролларидан воз кечса, деҳқон ва хунармандларга 10 миллион рубль беришни таклиф қилишди. Қўрбошиларнинг ҳеч бири комиссия билан музокаралар олиб боришга тайёр эмас эди; Сорокин ҳатто Мадаминбекка музокара қилишни сўраб мактуб йўллади, аммо Мадаминбек жавоб бермади. Комиссия 1919 йил 15 майда Андижонга келганида совет ҳокимияти маҳаллий аҳолини таъқиб қилаётганини тушунди.

Шундан сўнг Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси (аслида, давлат раҳбари) Турор Рисқулов ўз мансаб ваколатини суиистеъмом қилган амалдорларни қамоққа олиш ҳақида буйруқ беради. Сорокин бу илтимосни рад этганидан кейин Рисқулов комиссияга норозилик билдириб Тошкентга қайтиб келади. Бироқ комиссия арман дашноқ бўлинмаларининг ваҳшийлик қилганини тан олади ва уларни қуролсизлантиришни таклиф этади.

Комиссия Фарғона водийсидаги совет қўшинлари қўмондони Сафонов билан бирга бу масалаларни ҳал қилиш учун Андижондан Скобелев шахрига келган.² Халқ Комиссарлиги Кенгаши раиси Рисқуловдан бошқа комиссия аъзоларининг оддий фронт қўмондони хузурига келиб, ундан дашноқ қўшинларини қуролсизлантириш учун руҳсат олишлари ажойиб воқеадир. Бу воқеа Россия ҳарбий маъмурияти сиёсий маъмуриятдан кучлироқ эканлигини кўрсатади. 1919 йил август ойида қизил армия томонидан Туркистон fronti ташкил этилишигача бўлган даврда Фарғона водийсида Туркистон миллий курашининг ўзига хос хусусиятлари

мавжуд эди. Ҳарбий комиссар Осиповнинг 1918 йил 4 декабрдаги буйруғига биноан Фарғона водийсидаги Жалолобод ва Ўш шаҳарлари атрофидаги рус посёлкаларидаги крестянлардан босмачилар билан бирга советларга қарши уруш олиб борувчи армия ташкил этилади. Крестянлар армиясига полковник Константин Монстров, генерал Мухановлар раҳбарлик қилганлар.

Рус мустамлакачилари 1918 йил 2 декабрда бўлиб ўтган йиғилишда «маҳаллий халқдан келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш» номи билан крестянларни ёллаш ва «крестянлар армияси» тузишга қарор қилдилар. Бу крестянлар армияси тўртта полкдан иборат эди (ҳар бир полкда тўртта рота бор эди). Дарҳақиқат, рус мустамлакачилари бу тўртта полкни қисқа вақт ичида туздилар. Фарғона водийсидаги совет ҳарбий қўшинлари ҳам шу «крестянлар армияси» орқали қизил армиянинг жанговар кучи ортиб боришини башорат қилиб хурсанд бўлди. Фарғона fronti қўмондонининг ўринбосари Коновалов 1919 йил 14 майда «крестянлар қўшини»нинг минг нафар аскарини уч кун ичида Андижонга жўнатишини айтади. 1919 йил 5 майда Фарғона водийсидаги 2-совет армиясининг қўмондони ва штаб бошлиғи этиб тайинланган «крестянлар армияси» қўмондони Монстров бу буйруқни бажармади. Шундан сўнг Фарғона fronti қўмондони Сафонов бу «армия»ни қуролсизлантиришга қарор қилди. Аммо қизил армиянинг бу кўрсатмасини амалга ошириб бўлмади. Қизил армия ва «крестянлар армияси» ўртасидаги бу тўқнашув давом этар экан, Мадаминбек,

¹ Бу комиссия таркибига қуйидагилар кирган: Карп Элисевиc Сорокин – Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси ва комиссия раиси; Турар Рисқулов – Марказий Ижроия Қўмитаси раиси; Турсун Хўжаев – миллатлар бўйича комиссар; Билык – Халқ таълими комиссари; Ханталенский, Соколов ва Аббос Хўжаев – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзолари.

² Зевелов А.И. За Советский Туркестан. – Ташкент, 1963. – С.103.

Шермухаммадбек ва Холхўжа қўшинлари хужумларини кучайтириб борарди. Мадаминбек қўшинлари Балиқчи ва Қўқонқишлоқни озод қилиб, қизил армия ва дашноқ қўшинларини бутунлай тормор этадилар. Шундай шароитда «крестьянлар қўшини» қўмондони Монстров ўз қўшинининг қўрбошилар томонидан парчалаб ташланишидан қўрқиб Мадаминбек билан боғланиб, қизил армияга қарши биргаликда курашмоқчи бўлади. «Крестьянлар армияси» ҳарбий делегацияси 1919 йил 22 августда «Мадаминбек бошлиқ мусулмон қўшинлари билан бирлашиш керак» деган қарорга келади. Шунда Монстров қарорни ёзма равишда Мадаминбекка етказди ва қизил армияга қарши биргаликда курашишни илтимос қилади. Мадаминбекка бош қўмондонликни ҳам таклиф қилган мактубга жавобан Мадаминбек шундай дейди: «Менинг мақсадим большевиклар ҳукмронлигини тугатгандан сўнг ҳокимиятни яширин ва тўғридан-тўғри халқнинг ҳақиқий вакиллариغا топширишдир. Сайловлар умумий қоидалар билан белгиланади, унда ҳамма адолатли иштирок этади».¹

1918 йил бошидан бери босмачилар ҳаракатига қарши узлуксиз ва аёвсиз кураш олиб борган полковник Монстров туркистонликларнинг асосий душмани, рус казаки ва чор Россиясининг собиқ зобити ҳамда рус «крестьянлар армияси» қўмондонидир. Мустамлакачилар 1916 йилги Туркистон қўзғолонида тўлиқ қуролланган ва кейинчалик қизил армия уларга тинимсиз қурол-яроғ етказиб турганди. Эндиликда Монстров нега Мадаминбек билан мураса қилмоқчи бўлди? Бунинг сабаби шундаки,

Монстров озодлик курашчиларига қарши урушда ғалаба қозона олмаслигини англаган – Жалолобод ва Ўшдаги рус мустамлакачилари Туркистон мужоҳидлари томонидан ўраб олинган эди. Монстров туркистонликларга қарши урушда узоқ муддатда мағлуб бўлишлари ва шу тариқа «крестьянлар армияси»нинг парчаланиши муқаррар эканини биларди. Мадаминбек Монстровнинг қотиб қолганидан хабардор эди. Фарғона водийсидаги озодлик курашчиларининг ашаддий душмани, Туркистонда қизил армиянинг таянчи бўлиши мумкин бўлган «крестьянлар армияси» 1919 йил августда кутилмаганда босмачилар билан «дўстлик» ипларини боғлашга қарор қилади ва ўз фуқаролари бўлган большевикларнинг душманига айланади. 1919 йил 27 августда Мадаминбек билан мураса қилинади. Мадаминбек ва Монстров қўшинлари 1919 йил сентябрда Жалолобод ва Ўш яқинида биргаликда жанг қиладилар.² 1919 йил 8 сентябрда Ўш шаҳрини большевиклар ҳукмронлигидан озод қиладилар. 1919 йил 22 – 26 сентябрь кунлари Мадаминбек ва Монстров қўшинлари билан қизил армия қўшинлари ўртасида тинимсиз жанглар бўлиб ўтди. Қизил армия 26 сентябрда Ўш шаҳрини ишғол этаркан, Мадаминбек ўзининг 1000 дан ортиқ мардлари ҳалок бўлганидан афсусдалигини билдиради.³

Қўрбоши Шермухаммад, Нурмухаммад, Муҳиддин, Холхўжа, Содиқхўжа ва Маҳкамхўжа 12000 га яқин жасур йигитлари билан қизил армиянинг Олой водийсига кириб келишига тўсқинлик қилмоқчи эдилар. Бошқа томондан, улар Андижон, Жалолобод ва Ўш атрофида

¹ Зуев. 40-бет.

² История гражданской войны в СССР. Т.5. – Москва, 1960. – С.269: «Мадамин ва Монстров ўртасидаги шартнома 1919 йилда тузилган».

³ Жантуаров С.В. Гражданская война. – С.130.

курашни давом эттирдилар.¹ 1919 йил 17 сентябрда энг кучли гарнизонга эга Андижон шаҳри босмачилар томонидан қамал қилинади. Мадаминбек ва Монстров Андижонни забт этиш учун 20000 дан ортиқ жангчиларини олиб борадилар. Андижондаги қизил армия бўлинмаси 22 сентябрғача ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади, бироқ бир ўзи босмачилар ҳужумини тўхтата олмайди. Советлар ҳар қандай ҳолатда ҳам Андижонда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолмоқчи эди.² Натижани белгилаб берган тўқнашув 1919 йил 22 сентябрда бўлиб ўтди. Совет қўшинлари ўз гарнизонларини ҳимоя қилиш учун 1000 дан ортиқ аскарни фронтга олиб борадилар, улар Э.Ф.Куджело қўмондонлиги остида интернационал бригадани ҳам ҳаракатга келтирадилар. 1919 йил 26 сентябрда босмачилар мингдан ортиқ мард аскарларни қурбон бериб чекинишга мажбур бўлдилар.³ Босмачиларга қарши урушда советлар арман дашноқ қўшинлари билан биргалликда ўз қўшинларини кучайтирдилар; 13000 дан ортиқ аскар 3 та граната, 12 та тўп ва 57 пулемётдан фойдаланган.⁴

1919 йил 24 октябрда Мадаминбек ва Монстров Туркистоннинг шарқида, Хитойга чегара ҳудудда жойлашган Эргаштомда «Фарғона муваққат ҳукумати»ни туздилар. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи ва бош қўмондон, Монстров эса унинг ўринбосари бўлади. Ҳукумат 16 вазирдан иборат эди. Генерал Муханов Британия бош консули Эсертон билан боғланиб, инглизлардан ёрдам олиш учун ўғлини Қашғарга юборди. Бироқ Эсертон Ҳиндистон (Британия империяси) ҳукумати бу даврда (1918 – 1919) панисломизм масаласи билан қат-

тиқ шуғулланаётганлиги сабабли ёрдам ваъда қила олмади.

На Мадаминбек, на Монстров, на бошқа антисовет кучлар хориждан ёрдам олишди. Монстров «крестьянлар армияси»нинг қурбонлари ва Мадаминбек-Монстров бўлинмалари штабквартирасида осилган исломнинг яшил байроғидан норози эди. Бир томондан, қизил армия таҳдиди остида бўлганида босмачиларга қарши урушда эски иттифоқчиси (1918 йил ноябрдан 1919 йил августигача) ва янги душмани (1919 – 1920) билан тинчлик шартномаси тузиш йўлларини қидирди. 1920 йил 17 январда Монстров 2-татар бригадаси полкига таслим бўлди ва Тошкентга Туркистон fronti штабига юборилди. Унинг аскарлари қуролларини қизил армияга топширишди. Мадаминбек курашни бошқа қўрбошилар ёрдамида давом эттирар экан, большевизмга қарши курашда руслар ҳеч қачон ишончли иттифоқчи бўлмаслигини ҳам тушунди.

Совет раҳбарлари, айниқса, 1919 йилда босмачилик ҳаракатини бутунлай йўқ қилиш учун катта куч сарфладилар. 1919 йил 26 февралда Фарғона fronti ташкил этилгандан сўнг ҳар бир аҳоли пунктида ҳарбий судлар ва фавқулодда комиссия тузилди (Чека – разведка хизмати). Бундан ташқари, босмачилар билан шуғулланиш учун жойларда комиссиялар ташкил этилди. Фарғона fronti қўмондони Сафонов 1919 йил бошида комиссиялар кўрсатмаларидаги тафсилотларни тушунтириб берар эди. Советлар озодлик курашчиларига қанчалик муросасиз ва шафқатсиз муносабатда бўлганлари ушбу кўрсатмадан кўриниб турарди.

¹ Боевой путь войск Туркестанского военного округа. – Ташкент, 1959. – С.116.

² История гражданской войны в СССР. Т.5. – Москва, 1960. – С.269.

³ Боевой путь войск Туркестанского военного округа. – Ташкент, 1959. – С.116.

⁴ Жантуаров. 132 – 133-бетлар. Тўғон. 390-бет.

ФАРҒОНАДАГИ БОСМАЧИЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА СОВЕТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ

Ҳаракатлар учун кўрсатма

Комиссиянинг вазифалари:

1. Худудларни қароқчилардан (озодлик курашчилари назарда тутилади – Б.Ҳ.) ва зарарли унсурлардан тозалаш.

2. Совет ҳукмронлиги ва расмий институтларининг ташкил этилиши.

3. Комиссия округ инқилоб қўмитаси сифатида ваколатли ва маъмурий орган сифатида қабул қилинади.

Ишлаш қоидалари:

1. Худудларни қароқчилардан қутқариш бўйича мажбурий чоралар:

а) Худудларда умумий амнистия эълон қилиниши ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши, босмачиларга алданиб қолган бегуноҳ фуқароларга умумий амнистиянинг мақсади тўғрисида маълумот берилиши учун худудлар бир неча вилоятларга бўлинади, шундан кейин улар яна одатий ҳаёт тарзига қайтишлари мумкин бўлади;

б) Умумий провокациядан сўнг босмачилар қуролларини топширишди ва амнистиядан фойдаланишди, яъни Россиянинг эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаролари бўлиш ҳуқуқини олиш учун (юқорида тасвирланган совет шафқатсизлиги маъносида – Б.Ҳ.) жами ўн кун, дастлаб етти кун, кейин эса яна уч кун қўшимча вақт берилди;

в) амнистия муддати тугагач, таслим бўлмаган золимларни ва жамиятга зарар етказувчи ҳар хил унсурларни (совет ҳукмронлиги учун – Б.Ҳ.) йўқ қилиш мақсадида қурол-яроғ излаш комиссиялари тузилади. Бунинг учун совет маъмуриятига яқин эканлиги маълум бўлган ишончли маҳаллий аҳоли танлаб олинади. Шунга қарамай, ўн икки киши-

дан иборат милиция кучлари ташкил этилди.

Эслатма:

1. Етказиб берилган ва олинган қуроллар туман штабининг захира бўлимига ўтказилади.

2. Қуролли қисмлар (босмачилар) советлар сафига ўтган тақдирда қурол-яроғни етказиб бериш шартларини етказиб бериш ҳуқуқига эга ягона шахс бўлган ҳарбий қўмондон белгилайди.

3. Комиссиялар ҳар куни ўз ишлари ва худудларнинг умумий аҳволи тўғрисида ҳисобот олиб борадилар.

Ўлим жазоси ҳақида:

1. Суд ва терговсиз жойида қатл қилинадиганлар:

а) Амнистия эълон қилингандан сўнг аҳоли пунктида қўлларида қурол қўймаган босмачилар;

б) Ҳаракат пайтида (талончилик, ўғрилик, безорилик ва ҳоказо) қўлга олинган босмачилар амнистияга қадар ва ундан кейин қуролсиз бўлса ҳам.

Эслатма:

1. Ижро ёзма қарор асосида амалга оширилади. Ўлим жазосини ижро этишда қатнашганлар баённома тузадилар.

2. Қуролсиз ушланганлар ва уларни қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан фаол қўллаб-қувватлаётган ва мавжудлиги умумий тинчлик ва хавфсизликка таҳдид соладиганлар комиссиялар томонидан ҳарбий кенгашга ўтказилади.

3. Фуқаролик ва маъмурий ишлар, масалан, одам ўлдириш, оддий жиноятлар ва бошқа ишлар кўриб чиқиш учун халқ судларига ёки ҳарбий судларга юборилади.

Тинтувлар ва мусодаралар ҳақида:

1. Тинтувлар мулкдор иштирокида икки ёки ундан ортиқ яшовчи шахслар мавжуд бўлган муҳитда ўтказилади ва улар баённомада гувоҳ сифатида қайд этилади.

2. Босмачининг мол-мулки ва ерлари тортиб олинади. Уй-рўзғор буюмлари ва яшаш учун зарур бўлган минимал нарсалар гаровдан чиқариб ташланади.

Эслатма:

Қимматбаҳо ашёлар топилса, комиссиялар бунга ишонч ҳосил қилади ва қимматбаҳо буюмлар рўйхатини тузади, бу ҳақда халқ хўжалиги йиғини ва район бўлинмалари кўмондонларига хабар қилинади.

Вилоят кўмондонлиги, ҳарбий қисмлар ва комиссиялар ўртасидаги муносабатларга тўхталадиган бўлсак:

1. Комиссиялар бўлинмалар кўмондонларини умумий ишнинг бориши ва минтақанинг ҳолати тўғрисида хабардор қилишлари шарт.

2. Ҳарбий қисмлар комиссиялар билан ҳамжиҳатликда ишлашлари ва ҳарбий маъмуриятнинг буйруқларини жанговар бурчларига тўсқинлик қилмайдиган тарзда бажаришлари шарт.

3. Комиссиялар ва кўмондонликлар ўзларининг вазифалари ҳақида бир-бирлари билан маълумот алмашадилар.

Вилоят кўрсатмалари ҳақида:

1. Вилоят раҳбарияти ўз округидаги барча ишларни назорат қилади ва бошқаради.

2. Вилоят раҳбарияти комиссия раислиги тасдиқлангунга қадар ўз округидаги комиссия аъзоларини вақтинча лавозимидан озод этиш ёки янгиларини тайинлаш ҳуқуқига эга.

3. Ҳафталик йўриқнома дафтар юртиши ва ўз минтақасидаги ишлар ҳа-

қида район бўлинмалари командирига ёзма равишда хабар бериши керак.

4. Район бўлинмалари командири томонидан юборилган барча турдаги хужжатлар, қаерда бўлишидан қатъи назар, район раҳбарияти томонидан юборилади ва буни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Эслатма:

Вақтинчалик округ комиссияси раислиги Фарғона водийси қўшинлари кўмондонига маълум қилиш шarti билан ушбу йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.¹

Совет ҳарбий маъмурияти энг кескин чораларни кўрди (урушни энг замонавий қуроллар билан давом эттириш, ҳарбий судлар, разведка идоралари, комиссиялар ташкил этиш, босмачилик ҳаракати аъзоларини гаровга олиш, қизил армия аскарлари урушни давом эттириши ёки эттирмаслигини аниқлаш), шунга қарамай, узил-кесил ғалаба қозона олмади. Босмачилар 1919 йил августда Туркистон фронти ташкил этилгунга қадар ва 1920 йил февралда Туркистон фронти штаби Тошкентга келгунга қадар қизгин курашни давом эттирдилар. Қуйидаги қисқа хронологиядан кўриниб турибдики, босмачилар қизил армия учун жуда катта қийинчилик туғдирганлар:

1919 йил

Январь

Озодлик жангчилари Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек жангчиларининг Карбува, Қоратуба, Бозорқўрғон, Шаҳрихон, Хонобод, Чуст, Асака ва Марғилондаги қизил армия бўлинмаларига қарши хужумлари.

1 февраль

Эргаш қўрбоши, Мадаминбек ва Холхўжа Андижон уездидаги Кўқонқишлоқда мудофаа қалъаларини тугатадилар.

¹ Шомагдиев.Ш.А. 354-356-бетлар: Қаранг Боймирза Хайит, «Sovjetrussischer kolonialismus und Imperialismus in Turkestan», Oosterhout 1965 й, 23-25-бетлар. «Islam and Turkestan under Russian rule», Истанбул: 1987, 301-304-бетлар.

Февраль

Қурулли тўқнашувларда Балиқчида 250 киши ва Шаҳрихонда тахминан 300 жасур киши шаҳид кетди.

18 февраль

Совет қўшинлари Фарғонага бостириб кирадилар ва қўшимча қўшин юбордилар.

12 февраль

Косон шаҳридаги жанглар. Самарқанд ва Намангандаги советлар ҳам ўз қўшинларини ҳаракатга келтирдилар ва муваффақиятсизликка учрадилар.

25 март

Бозорқўрғонда қизил армия ва босмачилар ўртасидаги қўрбоши Маҳкамхўжа қўмондонлигидаги зиддият.

Баҳор

Мадаминбек Наманган шаҳрини озод қилади. Унга қарши советлар 1600 га яқин аскарни фронтга сафарбар қилади.

4 апрель

Ҳаққулбод, Сариқўрғон, Ўш ва Жалолободда тўқнашувлар. Тахминан 300 жасур йигит шаҳид бўлади. Совет ҳарбийлари қизил армия таркибида Хива штабини ташкил қилади.

5 апрель

Чортоқда қонли тўқнашувлар. Иккала томон ҳам кўп йўқотишга учради. Уруш тўхтатилди.

9 апрель

Амударё атрофида Жунайидхон урушда устунликка эга бўлди.

15 апрель

Сариқўрғонда тўқнашув. 1500 га яқин жасур шаҳидлар.

Апрель ўрталари

1500 га яқин аскарлар Исфарани қутқарди. Қўрбоши Эргаш Конибодомдаги тўқнашувда ғолиб чиқади.

27 апрель

Қўрбошилар ҳужум қила бошлайдилар.

9 май

Тошкентдаги совет маъмурияти томонидан ўз ихтиёри билан совет ҳокимияти тарафига ўтган босмачиларга умумий афв эълон қилинади, лекин босмачилар буни эътиборга олмайдилар.

Июнь

Мачо вилояти, Эргаш қўрбоши қўшинлари ва советлар ўртасидаги зиддият.

21 июнь

Қўрбоши Охунжон қизил армия бўлинмаларига таслим бўлди, бу озодлик курашчилари учун катта йўқотиш эди. Охунжон совет ҳарбий маъмурияти билан собиқ босмачилардан иборат гуруҳ сафларида жанг қилади ва советлар сафида босмачиларга қарши курашга қўмондонлик қилади.

31 июнь

Қўрбоши Мулла Эргаш Мирмуҳаммад ҳам таслим бўлади. Бу одам қўрбоши (Катта) Эргаш билан бир одам эмас.

Август

Мужоҳидлар Чимбой, Нукус ва Мўйноқни (Орол денгизидаги орол) ҳимоя қиладилар. Тўрткўл (Петроалександровск) яқинидаги қўрбоши Убайжон Баҳоутдинхон Махсум ва Балибойнинг 2000 кишидан иборат бирликлари тузилади.

Сентябрь боши

Жунайидхон 1500 дан ортиқ аскар билан советлардан Чоржўй ва Тўрткўлни қутқариш учун уруш эълон қилади.

15 сентябрь

Қўрбоши Мадаминбек бошчилигида Марғилон шаҳрида совет бирликларининг ўқ-дори ва аскар билан қўллаб-қувватланишига йўл қўймаслик учун Фарғона водийсини Туркистоннинг бошқа ҳудудларидан ажратиб қўйиш бўйича маслаҳат йиғилиши бўлди.

17 сентябрь

Андижон шаҳри 20 000 дан ортиқ мустақиллик курашчилари томонидан қамал қилинади.

Октябрь ойи охири

Мадаминбек қўрбоши Туркистон ислом мужоҳидлари амири этиб сайланди. Босмачиларнинг биринчи раҳбари Эргаш ўзининг 8000 дан ортиқ жасур йигитлари билан Мадаминбек қўмондонлиги остида бўлишни рад этади.

5 ноябрь

Карбувадаги тўқнашувда 2000 дан ортиқ аскар қатнашган, 700 нафар жасур йигит шаҳид бўлган.

22 ноябрь

Холхўжа ва қўрбоши Маҳкамхожи қўмондонлиги остидаги 4000 дан ортиқ жасур жангчиларнинг Хонобод ва Жалолобод атрофидаги жанглари.

27 ноябрь

Совет аскарлари Нукус шаҳрини қамал қилишди.

29 ноябрь

Жунайид ва Хонмахсум қўшинлари Нукус шаҳрини ўраб олдилар.

Ноябрнинг охири

Тахминан 6000 га яқин аскар Карбувада (Гарбаба) қизил армияга қарши операция уюштирди.

1 декабрь

Совет ҳукумати босмачилар ҳаракати билан курашда янги режани амалга оширишга киришди. Босмачиларга қарши ҳар қандай воситаларга мурожаат қилишга қарор қилинди. Туркистон қўшинлари қўмондони И.Г.Бригадзе Фарғона водийсидаги қўмондонликни ўз қўлига олади.

4 декабрь

Қизил армия Карбува, Шаҳрихон, Бозорқўрғон ва Ташарвақни (Тошлоқ бўлса керак – Р.Ш.) қайта эгаллаш мақсадида ҳужумга ўтади. Совет қўшинлари қўмондони Бригадзе Карбувадаги босмачиларга қарши ҳаракатларни шахсан бошқаради. Қизил армия ғалаба қозонди ва Карбува босиб олинди.

21 декабрь

Бригадзе ва Кужело қўмондонлигидаги совет аскарлари Бозорқўрғон ва Чортоқдаги босмачиларга ҳужум қилиб, бу аҳоли пунктларини эгаллаб олдилар. Қўрбоши Омонқул совет аскарларини Ўратепа ва Ўртақўрғондан ҳайдаб чиқаради.

Декабрь ойи охири

Фарғона водийсидаги озодлик жангчилари асосан Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек, Эргаш ва Холхўжа қўмондонлигида бўлса, Амударё вилоятида Жунайидхон, Болабий ва Хонмахсум ҳамда Зарафшон водийсида Султонбек қўмондонлиги остида эди.

1918 йилда бўлгани каби Туркистон миллий кураши 1919 йилда ҳам Россияни тушкунликка солди. Бироқ Россия ҳар қандай ҳолатда ҳам Туркистон халқининг миллий иродасига қарши туришга аҳд қилди. Озодлик курашчиларининг ғалабасини Россия тасаввур қила олмас эди. Улар Туркистон хомашёсидан воз кечиш ниятида эмасдилар. Совет маъмуриятининг асосий мақсади «Советлар, коммунизм, пролетариат, социализм» каби шиорлар билан Россия ҳукмронлигини қайта тиклашдан иборат эди. Бу мақсадига эришиш учун совет Россияси Туркистонда қонли уруш олиб борди ва ҳар икки томондан сон-саноксиз қурбонлар бўлди. Советлар Тошкентда совет руслари билан ҳамкорлик қилиб ўз миллатига қарши ташвиқот ишларини давом эттирадиган бир неча туркистонликларни ҳам топдилар. Бу ҳолат табиийдир, чунки мустамлакачи жаноблар мустамлакаларида ўз сиёсати учун доимо маҳаллий халқ вакиллари-дан фойдаланиб келган. Бу чекланган миқдорда бўлиб, уларнинг умумий сони 20 нафардан ортиқ бўлмаган. Туркистон халқи билан давлат ва партия миқ-

ёсида бирга ишлаган руслар Туркистонда совет Россияси учун бирон нарса қўлга киритмадилар, чунки бу одамларнинг на халқ олдида, на мустақиллик курашчилари олдида обрўси ва фаолияти йўқ эди. Советлар мужоҳидлар кучини синдириш учун бошқа йўлларга ҳам мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шу мақсадда совет Россиясининг Туркистон fronti ташкил этилди. Китобимизнинг бошқа қисмларида совет Россияси

Коммунистик партияси ва ҳукуматнинг Туркистон комиссияси билан биргаликда Туркистонга юборилиши ҳақида сўз кетади. Яна шуни айтиш керакки, Россиянинг ўзидаги 1918 – 1920 йиллардаги фуқаролар уруши, Туркистондаги большевик руслар билан уларга қарши чиққан маҳаллий миллат кишилари ўртасидаги уруш ҳам бу ўлкадаги миллий курашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

РОССИЯДАГИ ФУҚАРОЛАР УРУШИ ВА ТУРКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ КУРАШ

Россиядаги ижтимоий инқилобчилар ва большевиклар 1918 ва 1919 йилларда Туркистонда давлат ҳокимиятини дастлаб тинч йўл билан қўлга киритган бўлсалар-да, аммо турли партиялар ўртасидаги ўзаро ҳукмронлик учун кураш жараёнида турли хил келишмовчиликлар мавжуд эди. Бироқ келишмовчиликлар 1918 йил ўрталарига қадар қуроли тўқнашувларга сабаб бўлмаганди. Улар бу босиб олинган ерларда рус бошқарувини ҳамкорликда шакллантиришга ҳаракат қилардилар. Бироқ большевикларнинг Россия сиёсатининг ягона ҳал қилувчи омили бўлиш истаги ниҳоят 1918 йил ўрталаридан кейин Туркистонда большевизм тарафдорлари ва унинг мухолифлари ўртасидаги қонли тўқнашувларга олиб келди.

1918 йил 1 июнда Омскда (Жанубий Сибирда, Туркистон чегарасида) Авксентьев бошчилигида большевикларга қарши рус ҳукуматининг ташкил этилиши, кейин эса 1918 йил 11 ноябрда адмирал Колчакнинг Омскда рус «ҳукумати регенти» этиб тайинланиши, Туркистон шимолида икки қарама-қарши рус томонининг урушни давом эттири-

ши рус фуқаролар урушининг бутун ўлкага тарқалишига сабаб бўлди.

Оқ гвардиячилар (большевикларга қарши) ва қизил гвардиячилар (большевиклар) ўртасида Орол ва Балхаш кўллари атрофида, қисман Еттисув худудида ўзаро жанглар давом этди. Колчак ҳукумати туркистонликлардан ёрдам сўради, лекин Туркистон халқига эркинлик ҳуқуқини бериш ҳақида ҳеч қачон ўйламаган эди. Большевизмга қарши ва большевизмпараст кучлар ичида Алаш Ўрда ҳукумати ўз фаолиятини давом эттирмоқчи бўлиб ҳар икки тарафга қарши курашишга мажбур бўлди. Омскдаги муваққат ҳукумат большевизмга қарши бўлишига қарамай, 1918 йил 22 октябрда Алаш Ўрда фаолияти ман қилинди. Алаш Ўрда ҳукумати бу икки қарама-қарши рус партиясининг кўрсатмаларидан узоқда мамлакатни бошқармоқчи эди. Алаш Ўрда кўшинлари большевикларга қарши ҳаракатларни давом эттирдилар. Бироқ Алаш Ўрда 1919 йил 16 февралда большевиклар билан тинчлик шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Бу сафар совет руслари Алаш Ўрда ҳукуматининг имкониятини аниқлашга ҳаракат қилди.

Алаш Ўрда ҳукумати Туркистон даштларида ўз мустақил сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди. Лекин Алаш Ўрда қўшинлари иккала фронтда ҳам жанг қилиш имкониятига эга эмас эди. Бу эса совет ҳукмрон доиралари учун айни муддао эди. 1920 йил февралда Алаш Ўрда ҳукумати аъзолари совет маъмуриятига мурожаат қилади.

1919 йил 14 ноябрда қизил армия Омск шаҳрини эгаллаб олди. Омскдаги рус ҳукумати 1919 йил 25 майда Англия, Франция ва Япония ҳукуматлари томонидан тан олинганидан сўнг катта парчаланиш жараёнини бошлаганди. Кўплаб оқ гвардиячилар Еттисув (Семиречье) ҳудудига қараб ҳаракат қилишди. 1919 йил бошида Колчак Туркистоннинг бу ҳудудига Атаман Анненков қўмондонлиги остида 1800 пиёда, 1770 отлиқ ва 6 та тўпдан иборат дивизия юборган эди. 1919 йил июль ойида Еттисув ўлкасида, айниқса, Еттитомда русларнинг большевикларга қарши кучлари қизил армия бўлинмалари томонидан мағлубиятга учратилди. Бу ҳудудда Россия фуқаролар уруши давом этди.

Руслар 1917 йил декабрда Юқори Каспий минтақасида турли рус партиялари вакилларидан иборат Халқ Комиссар-

лари Советини ташкил этдилар. Аммо уларнинг ҳар бири фақат ўзи ҳукмрон бўлиш учун кураш олиб бордилар. Оқибатда 1919 йил июнгача уч марта янги комиссарлар алмаштирилди. 1919 йил 14 июлда оқ гвардиячилар Ашхобод шаҳрини эгаллаб, ўн нафар совет комиссарини отиб ташладилар.¹ Тошкентдаги совет комиссарлиги бундан анча олдин, 1918 йил 4 мартда Юқори Каспий минтақаси учун уруш ҳолатини эълон қилган эди. Бироқ бундай чоралар совет руслари учун назоратни қўлга олишнинг оқилона усули эмас эди. Большевикларга қарши кучлар эса Ашхобод ҳукумати деб аталган ўз ҳукуматини барпо этган эдилар.² Тошкентдаги совет маъмурияти эса уларни зарарсизлантириш йўллари қидираётган эди. Бундан ташқари, туркманларни заифлаштириш учун турли чора-тадбирлар кўрилди.³

Ашхобод ҳукумати ўзини қизил армиядан ҳимоя қила олмади. Шунинг учун у Британия ҳукуматидан ёрдам олишга ҳаракат қилган. Санкт-Петербург шаҳрининг собиқ қўмондони «Большевизмга қарши Туркистон иттифоқи» («ҳарбий ташкилот» номи билан ҳам машҳур)нинг таниқли аъзоларидан бири Зунковский Машҳадда (Эрон) инг-

¹ Боймирза Ҳайит. Туркистон. – Б.88.

² Ашхободдаги бу ҳукумат таркибига ижроия кенгаши раиси ва ҳукумат бошлиғи Фунтиков; ёрдамчи Корилов; Ашхобод шаҳар комиссари Серейн (арман); полковник, ҳарбий қисмлар қўмондони Ўраз Сардор (туркман); қўшинлар қўмондони вазиғасини бажарувчи Ўраз Али (туркман); қўмондон адъютанти Ҳожимурад (туркман); қўшинлар штаб бошлиғи Смичков; ижроия кенгаши котиби Тартино; собиқ асир Шмид, депутат Сейреян; ҳарбий вазир Арасов; таъминот бўйича менежер Шарагин; Тарасовнинг ўринбосари; кенгаш аъзоси Дорер (хорват); қўмондон ва маслаҳатчи Битнишлакт (Польша); Қизилсув шаҳри (Красноводск) губернатори Куҳн (немис асир); Қизилсувда қўшинлар қўмондони Фолодоров; полиция бошлиғи Алламан (арман). Қаранг: Ашхобод маъмурияти етакчиларининг давлат рўйхат бўлими, ВД 106/61, 149359. Ҳукумат таркибига тўққиз нафар рус, уч нафар туркистонлик (туркман), икки немис, бир хорват ва бир польшалик кирган. (Эллис (97-бет)га кўра: Зимин – ташқи ишлар вазири; Курилов – меҳнат ва денгиз ишлари вазири; Доков – Машҳаддаги ҳукумат вакили. Шундан ўн иккитаси Россия ҳукумати ишларидаги масъул ходимлари бўлган.

³ Миллатчи туркманлар 1917 йил 20 апрелда туркманларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун туркман ижроия қўмитасини туздилар. Бу қўмита 1917 йил 16 ноябрда Тошкентдаги совет комиссарлигидан Така туркман отлиқ полкини фронтдан олиб чиқиб, ўз томонига қайтаришни талаб қилди. Қўмита Қўқондаги Туркистон мухторияти ҳукуматини тан олди ва у билан ҳамкорлик қилди. Карки шаҳридаги туркман бўлими туркман ижроия қўмитаси таъсирида эди. Совет комиссарлиги 1918 йил 22 февралда ушбу бўлинмани қуролсизлантириш тўғрисида буйруқ берди. Дивизиянинг содиқ рус қўшинлари 1918 йил 4 мартда ушбу дивизияни қисман қуролсизлантиришди. Уларнинг бир қисми озодлик курашчилари сафида қўшилган бўлса, совет комиссарлиги 1919 йил 22 февралда қўмитани тарқатиб юборишга муваффақ бўлди.

лиз ҳарбий делегацияси билан алоқа ўрнатган эди.¹ Ашхобод ҳукуматининг большевизмга қарши фаолияти инглизлар манфаатига мос эди. Чунки Ҳиндистондаги совет руслари доимий равишда халқни инглизлар ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтаришга ундардилар. Ашхободдаги большевикларга қарши ҳукумат ва Ҳиндистон ҳукумати Англиянинг розилиги билан Юқори Каспийда қизил армияга қарши биргаликда ҳарбий амалиётлар ўтказишга қарор қилади. Генерал Маллесон қўмондонлиги остида Британия ҳарбий экспедицияси Форсдаги Юқори Каспий минтақаси томон ҳаракат қилаётган эди. 1918 йил 13 августда Байрамали шаҳрида инглизлар ва большевик руслар ўртасида тўғридан-тўғри тўқнашувлар бўлиб ўтди ва яна бошқа тўқнашувлар ҳам содир бўлди. Ашхобод ҳукумати инглизларнинг бевосита иттифоқчиси бўлиб, улардан пул ва қурул-яроғ олиб турарди.

Ўзаро иттифоқчи бўлган генерал Маллесон ва Ашхобод ҳукумати қизил армияга қарши катта фидойилик билан курашган бўлсалар ҳам, барибир муваффақиятга эриша олмадилар. Қизил гвардиячилар бирин-кетин шаҳарларни забт этишади, оқ гвардиячилар орасида тушқунлик кучаяди. Полковник Ораз Сардор 1918 йил 16 ноябрда генерал Маллесонни Тошкентга қарши биргаликда ҳужум қилишни таклиф этди. Бироқ генерал Маллесон бу таклифни рад этди. 1919 йил 2 январда у Ашхобод ҳукуматини тарқатиб юборишни ва унинг ўрнига Умумий озодлик қўмитасини тузишни маслаҳат беради. Полковник Ораз Сардор, Ҳожи Мурод, Хўжа Мурод, генерал

А.Крутин, А.Замин ва А.Белевдан иборат қўмита тузилади. Қўмита Каспий минтақасидаги оқ гвардиячиларнинг Кавказда ўз амалиётларини давом эттираётган генерал Деникин қўмондонлиги остида жанг қилишига қарор қилади. Деникин генерал И.В.Савицкийни Туркистоннинг бу қисмида оқ гвардиячиларига қўмондон этиб тайинлайди.

Инглиз қўшинлари Каспий минтақасини 1919 йил 2 апрелда тарк этишди. Аҳолининг аксарияти туркманлардан иборат бўлган миллий кучлар ўз манфаатлари йўлида большевизмга қарши курашаётган эди. Сифат ва миқдор жиҳатидан улардан кучлироқ бўлган инглизлар фақат Россия оқ гвардиячилари билан алоқа қилиб, маҳаллий халқнинг манфаатларини мутлақо менсимаётган эди. Генерал Маллесоннинг туркманларнинг машҳур сардори Азизхонни ўз томонига ағдариб олиши билан оқ гвардиячилар бўлинмасини кучайтirmoқчи бўлган эди. Аммо Азизхон бу таклифни рад этди. Чунки туркманларнинг катта қисми бу рус оқ гвардиячи ҳукуматини рад этган эди.

Совет қўшинлари Каспий фронтига 5251 пиёда, 1560 отлик, 899 артиллериячи, 455 муҳандис ва 37 тўп юборди. Тўқнашувлар 1920 йил мартигача давом этди. Урушда ғалаба қозонган советлар 1920 йил 18 мартда Каспий fronti тугатилганлигини ва ҳукмронликни ўз қўлига олганлигини эълон қилишди. Туркистонликлар (туркманлар) 1919 йилда оқ гвардиячилар сафидан ажралиб чиқади ва айрим гуруҳлар озодлик курашчилари ёрдамида 1934 йилгача советларга қарши урушни давом эттирадилар.

¹ Британиянинг Машҳаддаги (Эрон) ҳарбий атташеси полковник Реде 1918 йил 7 июлда Ҳиндистондаги инглиз қўшинлари қўмондони ва у ердан Лондондаги ҳарбий кабинетга Жунковскийга ўз харажатларини қоплаш учун 200 000 рубль беришни сўраб мурожаат қилди (East Committee War Cabinet). Ушбу суммани олишга рухсат берилди. Қаранг: India Office Library and Records, L/P and S/10/712, Document of July 9, 1918.

1918 йил июль ойида оқ гвардиячилар Урал казакларидан Атаман Дутов билан бирга Оренбург, Ор (Орск) ва Октуба (Актюбинская область) шаҳарларини эгаллаб олишди. Рус ҳарбий қисмларининг бош қўмондони 1918 йил 23 декабрда шарқий фронтнинг 1-армиясига Оренбург шаҳрини босиб олиш учун ҳаракат қилишни буюрди. 1919 йил май ойида «Шимолий Туркистон fronti»¹ номи билан ҳам аталган Октуба fronti юзага келди. 1919 йил 13 августда Шимолий Туркистон fronti, айти пайтда, Октуба frontiда олиб бориладиган ҳаракатларни ҳам ўз зиммасига олди. Октуба fronti 1919 йил майдан 1919 йил 3 октябргача мавжуд бўлди. Совет қўшинлари дастлаб 30000 аскар, 90 тўп ва 400 га яқин пулемёт билан, кейин эса 12000 аскар (шу жумладан, 4500 аскардан иборат татар бригадаси) ва 55 та тўп билан Октуба frontiда борганлар. 1-армия оқ гвардиячиларни Оренбург-Октуба худудидан ҳайдаб чиқара олмайди. Шундан сўнг қизил армия қўмондонлиги 4-армия қўшинларини ушбу минтақага юборди. 1-армиянинг олдинги чизиғи 630 км, 4-армияники эса 290 км эди. Оқ гвардиячилар Шимолий Туркистон frontiда уч томондан (Ғарб, Шарқ ва Жануб) ўраб олинган. Ниҳоят совет қўшинлари 1- ва 4-армиялар билан биргаликда Шимолий Туркистон frontiдаги урушда ғалаба қозонди. 1-армия бўлинмалари ва совет қўшинлари 1919 йил 13 сентябрда Муғочар темир йўл станциясида учрашишди. Шундай қилиб, Октуба fronti ҳам тугади.

Туркистон fronti қўмондони Фрунзе қизил армиянинг ғалабасидан ғурурланиб бу ҳолат юзасидан 1919 йил 14

сентябрда Ленинга телеграмма йўллади: «Бир оз вақт олдин 1-армия бўлинмалари ва совет қўшинлари бирлашгани ҳақида хабарлар кела бошлади. Туркистон fronti қўшинлари Сизни ва Совет Республикасини (Россияни) ушбу хабар билан табриклайди».² Фрунзе 1919 йил 7 октябрдаги буйруғида «Туркистонга йўл очилди» деб таъкидлаган. 1919 йил октябрь ойида Бутунроссия совети ижроия қўмитасининг раиси Калинин ва Лениннинг турмуш ўртоғи Крупская совет Россиясидан Туркистонга очилган йўлни нишонлаш учун Муғочарга келишди. Калинин қалъадаги офицерлар ҳузурида: «Биз қоронғиликда эдик. Энди йўл очилди. Бу шуни англатадики, биз ҳозир Туркистонга тўғридан тўғри боришимиз мумкин», – деди.

Қизил армия Октуба frontiда ғалабага эришгандан кейин Еттисувдаги оқ гвардиячиларга қарши курашни жуда муҳим вазифа деб билди. Бу ерда оқ гвардия бўлинмалари Анненков, Дутов ва Щербаков қўмондонлиги остида большевикларга қарши кураш олиб бораётган эди. Туркистон fronti қўмондони Фрунзе қизил армия бўлинмаларини кучайтириш мақсадида 1920 йил 21 мартда бу худудга қўшимча иккита (105- ва 176-сонли) бригада, учта отлиқ полк ва битта партизан полкини юборган. 1920 йил 15 январда бу ердаги қизил армиянинг ҳарбий кучи 10513 аскардан иборат бўлиб, уларнинг 27 та дала тўппончаси ва 32 та пулемёти бор эди.³

Икки душман томон сўнгги нафасигача курашди. Энг сўнгги жанг Копал яқинида 1920 йил 27 мартда бўлиб ўтди. Оқ гвардиячилар мағлуб бўлган эдилар. Анненков ва Щербаков ўз курашининг

¹ Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. – Ташкент, 1959. – С.310.

² Фрунзе М.В. Избранные произведения. Т.1. – Москва, 1957. – С.237.

³ Покровский С.Н. Победа Советской власти в Семиречье. – Алма-Ата, 1961. – С.221.

боши берк кўчага кириб қолганини англаб, Шарқий Туркистонга (Хитой чегарасида) қочиб кетишди. Атаман Дутов Копалдаги кўчманчилар чодирида яширинади ва охир-оқибат у ерда совет агенти томонидан ўлдирилади. 15000 га яқин руслар, жумладан, 1316 зобит, 72 шифокор, 16 православ руҳоний, 8017 аскар ва 516 оила Шарқий Туркистонга қочиб кетади. Бу муҳожир гуруҳларининг авлодлари ҳозир ҳам шу ерларда яшаб келишмоқда.¹ Еттисувда совет ҳукмронлиги қайта ўрнатилиши билан Туркистонда русларнинг ички курашлари ҳам тугади.

Фуқаролар уруши мамлакатни иқтисодий жиҳатдан вайрон қилди. Рус ҳарбий кучлари фақат талон-торож қилиш орқали тирикчилик қилишган, кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ёниб кетган. Қизил армия аскарлари сони «оқ гвардиячиларга қарши кураш» номи остида кўпайтирганди, кейинчалик бу аскарлар миллий кўзғолонга қарши курашда муҳим роль ўйнаган. Туркистондаги рус фуқаролар уруши шимолдаги миллий кураш ҳаракатларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Шу шароитда Алаш ўрданинг ҳарбий қисмлари қизил армия билан бир бўлинма бўлиб оқ гвардиячиларга қарши Октуба яқинида ва Оренбургда жанг қилишга мажбур бўлди. 1920 йил 20 декабрда совет ҳарбий маъмурияти Алаш ўрда ҳарбий бўлинмаларининг советлар ҳукмронлигига ўтиши учун музокаралар олиб боришга

тайёрлигини эълон қилди.² 1920 йил 31 декабрда Фрунзе 1- ва 4-армияларнинг Инқилобий ҳарбий кенгашига Алаш ўрда масаласида қандай чоралар кўриш кераклигини тушунтирди: «Маълум бўлишича, бу ҳукумат ўзини биз билан тенг ҳуқуқли деб ҳисоблайди ва бунинг натижасида ўз шартнома шартларини илгари суради. Олдинги кўрсатмаларимга кўшимча равишда мен қуйидагиларни тушунтиришни мажбурият деб биламан: 1. Биз бундай Алаш ўрда ҳукуматини тан олмаймиз, шунинг учун у билан келишув қилишимиз ёки уларни шартнома асосида қабул қилишимиз мумкин эмас. 2. Алаш ўрда бирликлари ва менинг қўмондонларим бирга зудлик билан жангга киришларига доир ваколат Россия ҳукумати бош қўмондони ихтиёридадур. 3. Алаш ўрда ҳукумати тарқатиб юборилади. 4. Алаш ўрданинг барча тарафдорларига нисбатан чиқарилган афв қарори ўз кучини сақлаб қолади. 5. Музокаралар давом эттирилиши керак. 6. Масаланинг энг яхши ечими кўшинларимиз менинг буйруғим билан куч-ғайратга тўлган ҳолда олға қараб силжиши шартдир.

Туркистон fronti қўмондони: Фрунзе».³

Совет ҳарбий маъмурияти Туркистон шимолидаги Алаш ўрда ҳукуматининг заиф ҳолатидан унумли фойдаланган ҳолда Алаш ўрда бўлинмаларининг бир қисмини казакларга қарши курашда фронтга жалб қилишга муваффақ бўл-

¹ Жантуаров. 162-бет.

² Фрунзенинг 1919 йил 20 декабрда Ленин номига юборган телеграммасида шундай дейилади: «Ҳарбий Алаш ўрданинг тўлиқ ваколатли делегацияси 17 – 19 декабрь кунлари 1- ва 4-армия бўлинмалари ҳам бўлган шароитда совет маъмурияти билан учрашди. Мен музокараларни совет халқ комиссарлигининг қарорлари ва Туркистон фронтининг Оренбург ва Урал казаклари ҳақидаги буйруқлари асосида олиб боришни буюрдим. Мен музокараларни чўзмасликни ва имкон қадар тезроқ кўшинларни юбориш жадвалини белгилашни буюрдим. Алаш ўрданинг ҳарбий қудрати унчалик катта эмас, лекин уларнинг чўл минтақаларидан Каспий денгизи қирғоқларигача чўзилган ҳудудда ўз сиёсий ва иқтисодий таъсирини ўтказиши бу минтақаларнинг барчасида мавқеимизни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳимдир. Кўшинлар қабул қилингандан сўнг беш кишидан иборат делегацияни кейинчалик Москвага юбориш учун танлашга рухсат берилди. Музокаралар натижаси ҳақида кейинги ҳафта ичида маълум қиламиз». Қаранг: Фрунзе. Избранные произведения. Т.1. – Москва, 1957. – С.276; Б.Хайит. *Türkestan zwischen Russland und China.* – Амстердам, 1971. – P.250.

³ Улянов И.Ф. М.В.Фрунзе на Туркесанском фронте. – Фрунзе, 1960. – С.54.

ди. 1-армия инқилобий ҳарбий кенгашининг махсус ходими 1920 йил 2 январда қизил армия бўлинмалари ва Алаш Ўрда бўлинмаларининг казакларга қарши биргаликдаги ҳаракати ҳақида хабар беради. Ҳисоботнинг баъзи қисмлари куйидагилардан иборат: «Бугун соат 17:00 да Алаш Ўрда ҳукуматининг 1919 йил 31 декабрдаги хатини олдик. Мактубда Алаш Ўрданинг казакларга қарши курашга аралашуви ва бизнинг разведка бўлинмамиз билан бирлашиши энг майда тафсилотларигача баён этилган. 1919 йил 27 декабрда биз ва Алаш Ўрда кўшинларидан иборат кўшма кучлар Қизилқум шахрини эгаллаб олдилар ва генерал Акутин ва унинг ўринбосарлари полковник Марков ва Ершов бошчилигидаги Еллецк корпуси қўлга олинди».

1-армия қўмондони 1920 йил 4 январда 3-отлик кўшинни (большевизмга қарши казаклар) йўқ қилишни ва Алаш Ўрда ҳукумати билан музокаралар олиб боришни буюради. Унга кўра Алаш Ўрда ҳукумати зудлик билан ўз кўшинларини қизил армия бўлинмалари билан бирлаштириб, биринчи навбатда, Урал казакларгаига қарши фаол кураш олиб бориши керак эди. Бундан ташқари, Алаш Ўрда ҳукумати озиқ-овқат, юк ташиш учун туялар, ўтин ва жанг қилаётган бўлинмаларнинг шунга ўхшаш барча эҳтиёжларини таъминлаши керак эди. Бу фармоннинг учинчи моддасида шундай дейилган: «Агар Алаш Ўрда ҳукумати биз томонда ҳамкорлик қилишига иккиланса ёки шартномани кечиктириб, яна қуролли ҳаракатларга ўтса, Алаш

Ўрда биз томонга ҳаракатланишини секинлаштира, казак тузилмасини йўқ қилиш учун барча имкониятларини сафарбар қилмаса, биз буни ҳукуватимиз манфаатларига қарши ҳужум деб биламиз». Буйруқнинг тўртинчи моддасида шундай дейилган: «Ушбу фармойишни амалга оширишда улар маҳаллий аҳолидан отлар, транспорт воситалари, озиқ-овқат ва ўзларига зарур бўлган барча турдаги материалларни олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди».¹ Бу буйруқдан кўриниб турибдики, гўёки совет аскарлари фақат ўз манфаатларини ҳимоя қилган ва Туркистон халқининг ҳеч қандай миллий манфаатларига зид иш қилмаслиги айтилган. Ҳарбий техникани қўллаб-қувватлаш учун одамларнинг ҳамма нарсасини олиш совет Россияси услубидаги уюшган талончиликдан бошқа нарса эмас эди.

Туркистон ҳудудида бўлиб ўтган Россия фуқаролар уруши доирасида 1919 йил 19 январда Тошкентдаги ҳукуматни рус аскарларининг қўзғолони русларга босмачилар билан бирга большевикларга қарши курашиш учун имкон берди.² Озодлик курашчилари учун энг шафқатсиз жаллод ҳисобланган ва 1918 йил февралида Кўқон қирғини билан ёдда қолган Осиповни Мадаминбек қабул қилди. Шундай экан, озодлик курашчилари бундай инсонни 200 нафар тарафдори билан қандай қилиб ўз сафига қабул қилгани тушунарсиз. Бу гуманитар ёрдамми ёки ақлли найрангми? Эҳтимол, Осипов Мадаминбекка қизил армияга яширин қурол омборлари жой-

¹ Коюнлиев Б. и др. Боевой путь Первой Революционной армии Восточного и Туркестанского фронтов. Июнь 1918 – февраль 1921 гг. Сборник документов и материалов. – Ашхабад, 1972. – С.173.

² 1919 йил 19 январда қатл этилган совет раҳбарлари: В.Д. Вотинцев – Марказий Ижроия Кўмитаси раиси; В.Д. Фигелский – Халқ Комиссарлари Совети раиси; А.Н. Малков (Малкоф) – ички ишлар халқ комиссари; М.С. Качуринер – молия халқ комиссари ва касаба уюмлари раиси; В.Н. Финкельштайн – Тошкент шаҳар совети раисининг ўринбосари; Д.Г. Шпильков – партия кўшинлари қўмондони; А.В. Червяков – ҳарбий экспедиция судининг бошлиги; С.П. Гордеев – Коммунистик партиянинг Тошкент гвардияси бошлигининг ўринбосари; М.Н. Троицкий – «Туркистон коммунисти» ва «Красноармеец» газеталарининг бош муҳаррири.

лашган жойларни кўрсатмоқчи эканлигини айтгандир. Бироқ кейинчалик маълум бўлишича, у ҳатто бирорта ҳам қурол омбори жойлашган ерни ошкор этмаган. 1919 йилнинг баҳоригача ўз тарафдорлари билан қизил армияга қарши курашган Осипов Туркистонни тарк этишга қарор қилади. Тахминларга кўра, у аввал Бухорога, сўнгра Афғонистонга кетган. Кейинчалик у Ҳиндистонга кўчиб кетади. 1920 йилларнинг ўрталаридан кейин Осиповнинг тақдирини ҳақида ҳеч қандай маълумот топиш мумкин бўлмади. Фақат бир марта инглизлар уни ҳибсга олгани қайд этилган.

Тошкентдаги 2-Сибирь полкининг қўзғолони бостирилди, аммо оқибати шафқатсиз бўлди. Совет аскарлари Тошкентдаги ҳар бир хонадонни тинтув қилиб, маҳаллий аҳолини қўзғолончилар билан ҳамкорлик қилганликда айбладилар. Бу даъво катта туҳмат эди, чунки тошкентликлар қўзғолон ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Улар отишмаларни эшитишган, лекин буни русларнинг нишонга олиш амалиёти дея ўйлашган. 1919 йил 21 январда кўплаб бинолар вайрон қилинганидан кейингина улар ҳақиқий вазиятни англадилар. Тошкент кўчаларида жасадларнинг тўла даҳшатли манзараси юз берди, рейд пайтида совет аскарлари маҳаллий аҳолига қарата ўқ узаётган эди. Совет аскарларидан бири 758 кишини ўлдирганини «қаҳрамонлик» қилиш деб мақтанди.¹

Қўзғолон бостирилгандан сўнг совет Россияси комиссарлари, айниқса, разведкачи бўлганлар ўша даврда совет

ҳарбийлари кўмондонлигида бўлган чор даврининг 2000 нафар зобитини «гумондор» деб эълон қилиб Тошкентга олиб келиб ҳаммасини отиб ташладилар. Бу қотилликлар босмачилар учун фойдали бўлган, чунки улар совет ҳарбий бошқаруви бу билан заифлашган деб ўйлашган. Бироқ шўролар қуйи мансабдагиларни кўтариб зобитлар тайёрлашга ҳаракат қилдилар. Фақат қўзғолонни бостирган советларнинг тўртинчи полки 5000 кишини ҳибсга олди ва улардан 3000 нафарини ўлдирди.² Русларнинг Туркистонда ҳукмронлик қилиш учун ички низолар, ўзаро ҳужумлар ва ўт қўйишлари «Осипов қўзғолони»даги каби кўплаб туркистонликлар, айниқса, Тошкент учун даҳшатли оқибатларга олиб келди.

Совет тарихшунослигининг таъкидлашича, ҳозир ҳам худди ўтмишдагидек аксилинқилобий руслар Тошкентдаги «Ислом кенгаши», «Мусулмонлар жамияти», «Бирлик ва тараққиёт» каби Туркистон миллий ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Улар ҳатто ундан ҳам узоқроққа бориб, бу қўзғолонни босмачилар маъмурияти қўллаб-қувватлаган деб даъво қилдилар.³ Бу даъволар мутлақо бемаънилик, чунки бир-бири билан курашаётган рус партиялари Туркистоннинг миллий манфаатларини ҳеч қачон ҳисобга олмаган. Совет армияси ва Туркистон fronti рус оқ гвардиячиларини мағлуб этишга муваффақ бўлди. Энди улар Туркистон истиқлолчилик ҳаракатига қарши уруш учун кучларини марказлаштирди.

¹ Etherton T. In the Heart of Asia. – Londra, 1925. – P.167; «The government of India at this period was much concerned with the possibilities of Pan-Islamism or a confederation the Mohammedan races assuming definite shape». P.159.

² Kostenberger. 29- ва 65-бетлар.

³ Энциклопедия «Гражданская война и военная интервенция в СССР». – Москва, 1985. – С.66: «Тошкент қўзғолони даврида Эргаш тўдалари (15 мингга яқин) аксилинқилобни қўллаб-қувватладилар». Бу даъво ҳақиқатга тўғри келмайди. Хасанов М. Смертельный гамбит. Из истории Осиповского мятежа // Звезда востока. 1991. №10. – С.122 – 142. Туркистонликларнинг қўзғолондаги иштироки ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

4-бўлим

МУСТАҚИЛЛИК ҲАРАКАТЛАРИГА ҚАРШИ СОВЕТЛАРНИНГ ТУРКИСТОН ФРОНТИ

Туркистоннинг иккинчи марта босиб олинишида Россиянинг Туркистон fronti

Россия ҳарбий қўшинлари бош қўмондони 1919 йил 13 августда шарқий фронт отрядларининг жанубий бўлинмаларига ўзларини Туркистон fronti деб аташ ҳақида буйруқ берди. Шундан кейин шарқий фронт қўмондони М.В.Фрунзе¹ Туркистон фронтининг қўмондони бўлди. Туркистон фронтининг биринчи мақсади «Урал ва Оренбург худудларини, жумладан, Гурев, Октуба ва Ор (Орск) шаҳарларини жуда қисқа вақт ичида босиб олиш эди. Туркистонни забт этиш учун уруш бошланди».

Туркистон фронтига 1 – 4- ва 11-армиялар билан 11-армия шарқий фронтда қизил армиянинг Астрахан дивизияси қўшинлари бирлашди, жумладан, Туркистон армиясига² Туркистондаги совет қўшинлари ҳам жалб қилинди.³ Туркистонда совет ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш билан бир қаторда Бошқирдистонни ҳам забт этиш мақсад қилиб олинди. Буни Фрунзенинг 1920 йил 30 январда «Совет Бошқирд республикасининг фуқароларига, совет Рос-

сияси жануби-шарқидаги, шунингдек, Бошқирдистондаги ҳарбий қисмларнинг қўмондони» сифатида тайинланганидан билиш мумкин.

Туркистон фронтининг ягона ва аниқ мақсади Туркистонни бутунлай босиб олишдан иборат бўлган. Бу мақсад Фрунзенинг 1919 йил 14 августдаги буйруғида аниқ-равшан белгилаб берилганди. Фрунзе буйруғида шундай ёзилган: «Туркистондаги ҳарбий юришнинг мақсади бутун Туркистонни босиб олиш ва бутун маҳаллий аҳолини совет ҳокимиятига олиб киришдан иборат бўлиши керак».⁴ Бу ерда совет Россияси ўзининг асл мақсадини яққол намоён этганди.

Шундай қилиб, Туркистонни иккинчи марта эгаллаш (биринчиси подшо Россияси даврида амалга оширилган) Туркистон фронтининг биринчи вазифасига айланади ва бунинг учун совет Россия ҳукумати Фрунзе қўмондонлиги остида 120 000 дан 160 000 гача аскар сафарбар қилди.⁵

¹ Михаил Васильевич Фрунзе (1885 – 31.10.1925) – Бишкек шаҳрида туғилган. Унинг отаси молдавиялик бўлиб, Еттисув ўлкасида чор қўшинида хизмат қилган. Бишкек ва Олмаота мактабларида ўқиган, дастлабки коммунистлардан бири. 1919 йил 31 январда совет Россиясининг 4-армияси қўмондони бўлди. 17 мартда у шарқий фронтнинг жанубий қисми қўмондони бўлади. 1919 йил 13 июлда шарқий фронт қўмондони, 1919 йил 13 августдан 1920 йил 21 сентябргача Туркистон fronti қўмондони, 1920 йил 21 сентябрдан 1920 йил 3 декабргача жанубий фронт қўмондони этиб тайинланди. 1920 йил 3 декабрдан 1924 йил мартгача Украина армияси қўмондони, 1924 йил март ойида Совет Иттифоқи инқилобий ҳарбий кенгаши раисининг ўринбосари, 1924 йил апрелидан 1925 йил январигача бош штаб бошлиғи, 1925 йил 26 январдан 1925 йил 31 октябргача СССР мудофаа халқ комиссари сифатида фаолият кўрсатган. Асли молдавиялик бўлган Фрунзе совет русларининг Туркистонга бостириб киришига биринчи пойдевор қўйди. Унинг туғилган шаҳри Бишкек 1926 йилда Фрунзе, 1991 йилда эса яна Бишкек деб ўзгартирилди. Фрунзе Туркистонни яхши билувчи мутахассис сифатида танилган. 1919 йил 10 октябрда Москвада Ленин билан бўлган учрашувда у шундай деган эди: «Мен ўлкани ва унинг тилини жуда яхши биламан». Бунга Ленин жавоб берди: «Бу жуда зўр, лекин бу ҳақда умуман гапирма ва камтар бўл». Қаранг. Алескеров Ю.Н. Иностранная интервенция и гражданская война в Средней Азии. – Ташкент, 1959. – С.148.

² Туркистон армияси 1919 йил январь ойида Октуба фронтда жанг қилган, сўнгра 1-армия таркибда сафарбар қилинган 9000 га яқин рус аскарларидан иборат эди. 1919 йил бошида «Туркистон армияси» 31-Оренбург пиеда дивизияси, 3-пиеда дивизияси ва 24-зирхли дивизиядан иборат бўлган.

³ Будаковский П.Д. Краснознаменный Туркестанский. – Москва, 1976. – С.69.

⁴ Фрунзе. Избранные произведения. Т.1. Москва, 1957. – С.301.

⁵ Marie Broxup. La pacification du Turkestan l'exemple du Lokay. 1923 – 1926 // L'autre Europe. 1984. №3-4. – P.27.

Туркистон фронтининг марказий штаб-квартираси дастлаб Самара шаҳрида жойлашган бўлиб, ундан Жанубий Сибирь, Урал худуди, Бошқирдистоннинг Оқтуба худуди ва Туркистонни қайтариб олиш учун жанговар буйруқлар чиқарилган.¹ Туркистон fronti бўлинмалари Шимолий Туркистон ва Оренбург-Тошкент темир йўл линияси атрофида ҳарбий операциялар олиб борди. Совет маъмуриятининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган Туркистонга ҳужум қилиш масаласига тайёргарликни қизил армия секин-аста олиб боришни кечиктириш кўзланган эди. Бу ҳолат Фрунзенинг мана бу буйруғида шундай ифодаланган:

«1919 йил 30 август. Туркистон қўшинларининг бош қўмондонига!

Бизнинг қўшинларимиз қатор тўқнашувлар натижасида душманнинг Жанубий ва Урал қўшинларини мағлубиятга учратганидан сўнг душман қўшинлари Туркистон билан Россиянинг Европа қисми ўртасидаги даштларга олиб чиқилди. Яқин кунларда Орск ва Оқтуба шаҳарлари босиб олинади ва душман қозоқ худудидаги таянч нуқталаридан маҳрум қилинади. Олинган хабарга кўра, душманлар Оқтубада, Орск ва Иргиз атрофида яна ҳаракатларни амалга ошириб, Казали (Казалинск)га чекинишга ва у ердан Орол кўли қирғоқлари ва Красноводск шаҳрига етиб бориш ва инглизлар билан бирлашишга қарор қилинганлиги маълум бўлди. Бундай ҳаракатларнинг олдини олиш ва мағлубиятга учраган оқ гвардиячилар қолдиқларини тозалаш учун буюраман:

1 – Қўшин тўхтамасдан бор кучи билан душманни таъқиб қилади: Биринчи қадам сифатида қўшин Иргиз ва Тўрғай шаҳарларини ўз ичига олган Тошкент темир йўл линиясининг Челкар бека-тигача бўлган худудни эгаллайди. Бу худудларда аҳоли зич жойлашмагани ва аҳоли пунктлари орасидаги узоқ масофалар ҳисобга олинади, кузатув жараёни асосан отлик қўшинлар томонидан мавжуд имкониятлардан максимал даражада фойдаланган ҳолда, катта ҳамжиҳатликда амалга оширилади.

Амалиётлар давомида жанубга чекиниш йўлларини тўлиқ эгаллаш учун катта ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун Оқтуба гуруҳи олдинга чиқиб, олға ҳаракат қилиши керак. Армия полигонидаги телеграф ва темир йўлни имкон қадар тезроқ реконструкция қилиш учун барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилади.

2 – Туркистон қўшинлари қўмондони қозоқ гуруҳини захирадан чиқариб, Туркистон қўшинларини ва бошқа йўлларни зудлик билан мустақамлаб, Орол денгизи атрофидаги темир йўл линияларида қарши ҳужумга ўтиб, уларни эгаллаш ва самарали ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйиши, иккинчи томондан, 1-армия бўлинмалари билан бирлашиб, олдинга силжишда давом этишлари керак.

Ҳаракатлар ҳақидаги хабарлар ҳар куни радио орқали етказилиши керак. Қабул қилинган ва амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берилиши зарур. Туркистон fronti қўмондони Фрунзе, Самара, 1919 йил 3 сентябрь».

1-армия қўмондонига телеграмма

Туркистонга бўлажак ҳужуми ҳақида буйруқ бераман:

¹ Волга дарёсининг ўрта оқимидаги турк татарларининг Самара шаҳри 1586 йилда шаҳар бўлиш ҳуқуқини кўлга киритди. 1935 йилда шаҳар номи Куйбишевга ўзгартирилди, аммо 1991 йилда у яна Самара номини олди. Россия ҳуқуқронлиги даврида барча исломий асарлар йўқ қилинди. В.В.Куйбишев етакчи коммунистлардан бири эди; Самарадаги инқилобий уруш кўмитасининг бошлиғи, 1918 – 1920 йилларда совет Россиясининг 1- ва 4-армиялари сиёсий комиссари, Туркистон fronti инқилобий уруш кенгаши аъзоси, Россия Туркистон комиссияси раисининг ўринбосари. Қаранг: Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 6-жилд. – Б.154 – 155.

1. 24-дивизияни тўлиқ жанговар шай қилиш ва ҳар бир бўлинмани тўлдириш учун захирадан фойдаланинг.

2. 3-отлиқлар дивизия Туркистондан келаётган кўшинлар билан бирлашма-гунча ҳужумларини тўхтовсиз давом эттиринг.

3. 24 ва 3-отлиқ дивизияларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, одамлар ва отларнинг эҳтиёжларини жанговар қисм маъмуриятининг техника штаби бошлиғига билдириш керак.

4. Қабул қилинган қарорлар туфайли бирликлар маъмурияти кўрсатмаларни тайёрлашни ҳарбий комиссариатга топшириши керак, аммо улар ўзларига тегишли бўлмаган қарорлар ҳақида марказга эътирозларини билдиришлари лозим. 24-пиёда дивизияси ва 3-отлиқ дивизияси жанговар кучларининг қарийб ярми 1901 йилда туғилган ва бир ҳафталик тайёргарликдан ўтган аскарлар билан тўлдириш учун барча зарур ишларни зудлик билан бажариш керак.

5. Фронтдаги таъминоти учун масъул шахс 24 ва 3-бўлинмаларга етказиб бериш учун зудлик билан берилиши керак бўлган захиралар билан бирга умумий ҳужум учун зарур бўлган техника ва материалларни Оренбургда тўплаши керак.

6. Фронт ортига таъминот етказиб бериш учун масъул шахс Туркистон урушида фронт орқасида озиқ-овқат таъминотини таъминлаши ва транспорт алоқалари ва темир йўллари таъмирлашни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги транспорт воситалари билан узоқ муддатли тўқнашувга тайёргарликни яқунлаши керак. Уральск-Илецк темир йўл линиясини имкон қадар тезроқ таъмирлаш учун барча чораларни кўриш керак.

7. 1-армия кўмондони ва унинг бўлинмалари Туркистон бўлинмалари билан бирлашгандан сўнг 24-дивизия зудлик билан Тошкентга юборилади, 3-отлиқ дивизия эса Тошкентга кейинроқ боради.

*Туркистон fronti кўмондони Фрунзе, Инқилобий ва ҳарбий кенгаш аъзоси Элиава, Бош штаб бошлиғи Новицкий».*¹

Туркистон fronti кўмондони кўшинларини Туркистонга уч томондан (биринчи бўлиб Жанубий Сибирдан Казалинск орқали Еттисув ўлкасига, иккинчиси Оренбургдан Оренбург темир йўл линияси бўйлаб Тошкентга, учинчиси Гуревдан Қизилсувга, яъни Красноводск ва Марвга) ҳужум қилди. 1919 йил ноябрь ойининг охиригача қизил армия ўз ҳукмронлигини Шимолий Орол ва Балхаш кўллари минтақасига, Каспий денгизидан Олтой тоғлари ва Жайсан кўлига қадар кенгайтди.

Туркистондаги совет кўшинлари босмачилар ҳаракати билан курашда яқка ўзи совет Россиясининг ҳукмронлигини ҳимоя қилишга қодир эмас эди. Россиянинг Туркистонга қизиқиши асосан нефть, пахта ва ерости бойликлари билан боғлиқ эди. Бу стратегик муҳим объектлар Россиянинг ўз қудратини сақлаб қолишнинг асосий шарти эди. Шунинг учун Туркистонни ҳар қандай ҳолатда ҳам қайта эгаллашга тўғри келди. Туркистон фронтининг бу мақсадга эришиши учун энг яхши ечим шу эди. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, жаҳон тарихида ҳеч бир мустамлакачи давлат Россия каби фронт очиш орқали ўзлари зулм қилган халқларнинг миллий озодлик курашини бостиришга уринмаган.²

¹ Фрунзе. Избранные произведения. – Москва, 1957. – С.232 – 233.

² Фрунзе. Избранные произведения. – Москва, 1957. – С.235 – 236.

МУСУЛМОН ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИГА ҚАРШИ СОВЕТЛАР ХИЗМАТИДА БЎЛГАН МУСУЛМОНЛАР

1919 йил охирида Лениннинг таклифига биноан Фарғона водийсида босмачиларга қарши кураш олиб бориш учун 14 минг аскар ва офицердан иборат қозон-татар бригадаси тузилди. Бундай ҳарбий ҳаракат русларга, биринчи навбатда, руҳий устунлик берди. Татарлар мусулмон эди. Улар маҳаллий халқ тилида гаплашардилар. Ҳарбий тайёргарликка эга бўлган татарлар чоризм даврида ҳам, 1918 – 1919 йилларда ҳам Оренбург худудларидаги ҳарбий ҳаракатларда жанговар тажрибага эга бўлишган. Бу бригада 1919 йилда Фарғона водийсида, айниқса, Фрунзе штаб-квартирасини Самарадан Тошкентга кўчиришдан олдин жадал ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Шубҳасиз, татар бригадасида руҳий тушкунлик кузатилди. Масалан, 1920 йилда 620 га яқин аскар ва зобитлар мусулмон руҳонийлари таъсирида босмачилар сафига ўтган. Совет Қозон бригадаси таркибидаги татар руҳонийлари ва комиссарлари яна масжидларда халқни тинчлантириш ва мусулмонларни алдаш учун ваъз ўқиб, ўзларининг ислом аскарлари эканларини, Туркистон мусулмонлари манфаати йўлида курашаётганларини айтишди. Айни пайтда, бутун шиддати билан давом этган урушда совет рус аскарлари ҳамда татар бригадаси қаршида Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек қўмондонлигидаги озодлик курашчилари турарди.

1920 йилнинг январь-февраль ойларида озодлик учун курашчилар Холхўжа қўмондонлигида Ўш ва Андижон шаҳарлари атрофида, Муҳиддинбек қўмондонлигида Қўқон атрофида, Омон Паҳлавон бошчилигида Наманганда ва Мадаминбек бошчилигида Скобелев

(Фарғона) шаҳри яқинида ҳарбий амалиётлар олиб бордилар.

Татар бригадаси комиссари Якуб Чанишевнинг баёнотида кўра, бригаданинг сиёсий комиссарлари ўзбек ва татар тиллари қардош тиллар бўлганлиги сабабли ўзбек тилини жуда қисқа вақт ичида ўрганишган. Тилни ўрганишлари улар маҳаллий аҳоли билан осонгина мулоқот қилишларини англатарди. Уларнинг тил билиши, ислом динига мансублиги, қисқа вақт ичида халқ билан мулоқотда бўлиши озодлик курашчиларининг кайфияти бузилишига сабаб бўлди. Чанишев ўз маърузасида, жумладан, шундай деган: «Татар бригадасининг отлик бўлинмалари ўзларининг артиллериялари ва халқаро бригаданинг етакчилари «учувчи отрядлар» (яъни тез ҳаракатланувчи бўлинмалар) билан биргаликда қайта ташкил этилди. Улар кечаю кундуз бир лаҳзага ҳам дам олмасдан босмачиларни ўраб олиб, уларнинг ҳаммасини йўқ қилишди. Шу билан бирга, зирҳли поездлар хизмати (тепловозлар, бир қатор вагонлар, тезкор аскарлар учун маҳкам босилган пахта толалари орасига яширинган тўплар ва пулемётлар) ҳам ташкил этилган. Бу «Уچار зирҳли поездлар» Андижон-Қўқон ва Андижон-Жалолобод темир йўл станция вокзалларини кўриқлаётган эди. Биз душманни бирма-бир отиб ташлашга қарор қилган эдик. Аввалига анча кучсиз бўлган Акбарали ва Маҳкамхўжага Қўрғонтепа ва Гуручмозорда ўзимиз учун жуда фойдали бўлган зарба бердик. Ака-ука Акбар ва Маҳкамхожилар тахминан 600 нафар жангчилари билан советлар сафига қўшилишга мажбур бўлгандилар.

(Мен (Р.Т.Шамсутдинов) 1967 – 1986 йилларда Москвадаги СССР Фанлар академияси Тарих институтида аспирантура ва докторантурада ўқиганман. Москва шаҳри маркази Кремль атрофидаги уйлардан бирида маршал В.К.Блюхер яшаган, у қатағонга учраганидан сўнг тулараржойи Я.Ж.Чанишевга берилган. Шу уйда яшаётган даврда бир неча бор у билан учрашиб, эсдаликларини ёзиб олганман. Бу эсдалик ҳозирда Андижондаги давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида сақланмоқда. Унда татар бригадаси 1920 йил январда Андижонга келгани, бригада шахсан В.И.Ленин кўрсатмаси билан Туркистонга жўнатилгани, Чанишев М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишевлар билан бутун Фарғона водийси ва Бухорони отлик кезиб чиққани ҳақида эсланган. Бригаданинг штаби Андижонда жойлашган бўлиб, бригада қўшинлари бутун Фарғона области бўйича тарқалганди. Андижонда бригаданинг биринчи паради бўлган, унда маҳаллий аҳоли қатнашган, аксилинқилобчиларга қарши курашда қизил армия куч-қудрати намойиш қилинган. Бир неча кун ўтгач бригада қўмондонлиги ва сиёсий бўлим ташаббуси билан шаҳар аҳолиси вакиллари иштирокида партия ва совет ташкилотларининг кенгаши чақирилган. Бунда барча босмачиларга қизил армияга таслим бўлиш, қуролларини топшириш ҳақида мурожаат қабул қилинган. Кенгашда босмачиларга қарши курашни янада ривожлантиришда маҳаллий аҳолини жалб этиш ҳамда Андижон шаҳрини қўриқлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Татар бригадаси полк ҳарбий комиссари З.П.Тоҳиров ўз эсдалигида шундай ёзган: «Фар-

ғона меҳнаткашларининг бизга нисбатан муносабати жуда яхши эди, улар бизларни Ленин юборган вакиллар деб атардилар».

1920 йил 19 мартда Султонобод райони ва 4 район революцион комитетларининг бирлашган йиғилиши Иномжон Хидиралиев раислигида, Курликин котиблигида, Глухов, Қорасув волость ревком раиси Қосимбек Нишонбеков, Сўфиқишлоқ волость ревкомларидан Ҳасанов, Бакматов, Қўрғонтепа волостидан Қипчоқбоев (Дўланхожи – Р.Ш.) ва Ойим волость ревкомидан Абдуллабиев, Нуриддинхўжаев, Шамсуддинов, Раҳматуллаев, Бозоровлар иштирокида бўлиб ўтган. Йиғилишда жойлардаги гарнизонлар олиб ташланиши муносабати билан революцион комитетларнинг бундан кейинги ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилган.

Районга революцион комитет келиши муносабати билан волостлар революцион комитетлари майда босмачилар тўдалари билан кураш олиб бориш бўйича аҳолини тинчлантириш ва талабларини қондириш учун коммунистик ячейкалар, камбағаллар комитетларининг вазибалари кўриб чиқилган. Ойимда эндигина волость ревкоми, Қўрғонтепа волостида волость ва қишлоқ ревкомлари тузилгани қайд этилган.

1920 йилнинг май ойи ўрталарида босмачиларга қарши курашишга қаратилган шошилиш чоралар кўриш зарурлигини Туркистон фронт-



Якуб Жангирович Чанишев
(1892 – 1987)

ти кўмондони М.В.Фрунзе 15 майда Туркистон ўлка хотин-қиз ходимларининг 1-съездида сўзлаган нутқида: «Туркистон фронтининг ҳамма жабҳалари ичида эндиликда Фарғона fronti алоҳида аҳамиятга эга», – деб айтган эди. Якуб Чанишев билан Москвадаги учрашувдан сўнг Андижонга келиб, область давлат архивида Андижон уездида татар бригадасининг фаолияти ҳақидаги ҳужжат ва материалларни излаб топганман. Улардан айримларини келтиришни жоиз билдим. Андижон ва Марғилон уездларида босмачилик билан курашиш бўйича сиёсий бешликнинг 1923 йил 10 январдаги йиғилишида босмачилик билан кураш олиб бориш масаласи кўриб чиқилган. Қабул қилинган қарорда Бўтақорада гарнизонни сақлаб қолиш, бунинг учун гарнизоннинг жанговар ҳолатини кучайтириш, Қозоқбойнинг босмачилар тўдаси Андижон эски шаҳарига яқинлашгани муносабати билан эски шаҳарни қуролли кучлар билан кучайтириш, шу мақсад йўлида биринчи навбатда Андижондаги зирҳли отряддан фойдаланиш, қизил армиячилар сафига янгидан жалб этилганларни гарнизон хизматида ўтказиш, милиция кучларини бевосита босмачилик фронтига сафарбар қилиш кўзда тутилган.

Каримов, Гумеров ва Ўразалиевларга уезд кўламидаги энг йирик сиёсий ходимлар таркибини қайта кўриб чиқиш ва уларга алоҳида кўрсатма беришни 12 январгача уддалаш вазифаси топширилган. Бешлик раисининг рухсатсиз гарнизонлар ва жанговор бўлинмаларда хизмат қилаётган ходимларнинг ўзбошимчалик билан кетиб қолишларига

йўл қўймаслик, милицияда сиёсий ишларнинг заифлиги туфайли уездшаҳар партия комитетига милициядаги сиёсий ходимларнинг бутун таркибини қайтадан кўриб чиқиш, номуносибларининг ўрнига сифат жиҳатидан яхшилари билан милиция таркибини тўлдириш, шундан сўнггина милиция сиёсий ходимлари кенгашини ўтказиш, тушунтириш бериш, аниқ вазифалар билан таъминлашга қарор қилинди. Булоқбоши районидаги Муллаҳожи отряди ишига нисбатан Ўшдан Ҳасанов ва Зулфибоевларни сиёсий ишларга жалб қилиш, уларни аниқ кўрсатма билан таъминлашдек вазифани бажариш учун Ўразалиевни хизмат сафарига юбориш, шундан сўнг Ўразалиев Андижонга келиб, райондаги ишлар тўғрисида ҳисобот бериши кераклиги айтилган. Андижон районида босмачилар билан қуролли кураш милиция қисмларига топширилиши муносабати билан уларга ўқ-дори бериш орқали босмачилик билан мувафаққиятли кураш олиб бориш вазифаси юклатилган. Область кенгашидан зудлик билан тегишли чоралар кўриш сўралган. 1923 йил 21 январда Андижон районида босмачилар билан кураш бўйича бешликнинг йиғилиши бўлиб, унда Гумеров, Енков, Чанишев, Раҳим Раҳимбобоев, Акбар Ўразалиев, Мартануслар иштирок этганлар. Йиғилиш Гумеров раислигида, Чанишев котиблигида ўтказилган. Кун тартибида босмачиликнинг аҳволи ва унга қарши курашни кучайтириш, Булоқбоши отряди командири Муллаҳожининг иши ҳақидаги маърузаси ва жорий ишлар масалалари қўйилган. Биринчи масала бўйича қабул қилинган қарорда Андижон-Марғилон

районларида босмачилик билан курашда инқироз юз бераётгани, шу боис босмачи тўдаларнинг бир қанча кучайиши, қизил армия қисмларига қарши уларнинг ҳужумкор ҳаракати муносабати билан Қозоқбой ва Аҳмад полвон тўдаларига қарши жанг олиб боришни кучайтириш кўрсатиб ўтилди. Полк командири Мартанусга Марказнинг ёрдамани кутмасдан юқорида кўрсатилган қўрбошиларга қарши оператив ишларни олиб боришга эътибор қаратиш, қизил армия ва милициянинг бутун кучини сафарбар қилиш, параллель равишда сиёсий ишларни кучайтириш учун Гумеров, Ўразалиевларга сиёсий учликлар таркибини қайта кўриб чиқиш, маҳаллий ходимларнинг энг сара кучларини сафарбар қилиш, бундай учликларни сақлаб қолиш, улар билан алоқа қилиш ва бешликка аниқ топшириқлар беришга қарор қилинди. Мартанусдан полкдан махсус отряд командирларига уезд-шаҳар партия комитети зиммасига ҳар бир отрядга маҳаллий масъул ходимлардан ҳарбий комиссар ажратиш сўрашга қарор қилинди.

Бешликнинг навбатдаги йиғилишида Р.Раҳимбобоев, Талковский, Чанишев, Андижон уезд-шаҳар партия комитетининг масъул котиби ва Фарғона область ГПУсининг вакили Гумеров, махсус бўлим бошлиғи Енко, Қўқонқишлоқ гарнизони бошлиғи Исақов, Қўқонқишлоқ волость революцион комитетининг раиси Насриддиновлар иштирок этганлар. Йиғилишда Бозорқўрғон район революцион комитетининг раиси Бегижон Мусин, Насриддинов,

Исақовларнинг маърузалари эшитилган. Бешлик қарорида аминлар ўрнига район революцион комитетига совет ҳокимияти тарафдори бўлган, босмачиликка хайрихоҳлиги ва уларга қариндошчилиги бўлмаган, меҳнаткашлар ҳукуматини ҳимоя қиладиган уч кишидан иборат қишлоқ революцион комитетлари тузиш вазифаси топширилган. Аҳоли орасида кенг тарғибот олиб бориб советлар ҳукумати ва унинг олиб бораётган сиёсатини тушунтириш, вақф ерларига бўлган муносабатни тушунтириш, зудлик билан босмачилар эккан экинларнинг ҳисобини олиш, қуролларини совет ҳокимиятига топширмаганларни аниқлаш ва бу ҳақда уезд революцион комитетларига тегишли чора кўриш учун рўйхатларни топшириш вазифаси юклатилган. Учликлар раислари ва ГПУ вакилларига 19 кишидан иборат совет ҳокимиятидан норози бўлганларни, кичик Қозоқ қўрбошига қарашли 4 кишининг совет ҳокимияти тарафига ўтганлигини текшириб чиқиш, босмачилар томонига ўтиб кетган 15 кишини қамоқдан чиқариш, Қўқонқишлоқ район революцион комитетига волостдаги бойлардан 5 нафар отни олиб Қўқонқишлоқ гарнизонига топшириш вазифаси юклатилган.¹

Уч кишидан иборат учлик тузиб, босмачилар томонидан кўмиб қўйилган қуролларни топиш вазифасини учлик раиси Б.Мусин, жанговар участка бошлиғи Васков ва Насриддиновларга топшириш кўрсатилган.

Жалолобод маъмуриятига, шунингдек, аҳолисини озиқ-овқат солиғини муваффақиятли олиб боргани

¹ Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-рўйхат, 163-иш, 8-варақ.

учун Қизил тахтага ёзиш шарти билан миннатдорчилик билдириш таъкидланган.¹

2 ойлик машғулотлардан сўнг янги-ча қиёфа касб этган армия бир қанча душманларини ўз йўлидан олиб ташлади. Шундан сўнг Туркистон совет отлик бригадасининг 4-полки ҳам Холхўжа ва Муҳиддинбек қўшинларига қарши кураш бошлади.²

Советлар Мадаминбекни озодлик учун курашчиларнинг бошлиғи сифатида ўта хавфли деб ҳисоблаб, татар бригадаси жангчилари билан унинг қўшинларига қарши тинимсиз кураш олиб борган. Мадаминбек эса 1920 йил 3 февралда Андижон уездининг Пойтуғ ва Учқўрғон районларида қизил армия кучларига, айниқса, Чанишев бошлиқ татар бригадасига қарши 3500 нафар йигитлари билан жангга киришади. Жанг 14 соат давом этган ва Мадаминбек мағлубиятга учраб 3500 нафар истиқлол курашчиларидан 700 нафаригина тирик қолган.³ Шунда Мадаминбек татар бригадасининг асирга олинган аскарларини зудлик билан отиб ташлашни буюрди, чунки улар руслардан ҳам хавфлироқ эди.

Мадаминбек ва Эргаш Пойтуғдаги жангдан сўнг Қорақўл, Избоскан ва Қўқонқишлоқ томонга чекинишган эди. Совет қўшинларининг айғоқчи бўлинмалари 2-татар бригадасига Мадаминбек,

Эргаш ва Холхўжа бўлинмалари билан бирга Карбувада эканликларини маълум қилди. 2-пиеда дивизияси қўмондони 1920 йил 7 февралда қўшинларга Карбувадаги босмачиларга қарши икки томондан ҳужум қилишни буюрди. Қизил армия аскарлари Карбувадаги жангда мағлуб бўлиб, Скобелевга чекинишга мажбур бўлишди. Мужоҳидлар ҳам, совет аскарлари ҳам қурбонлар сонининг кўплигини билишарди, аммо ҳалок бўлганлар ва ярадорларнинг аниқ сонини айта олишмаган. 1920 йил февраль ойининг охирига келиб Қизил армия Карбувани босиб олишга муваффақ бўлди.

Мужоҳидларнинг бу вақтинчалик мағлубияти уларнинг курашни тўхта-тишини билдирмас эди. Аксинча, уруш кескинлашиб бормоқда эди. Босмачиларга қарши 1920 йил январь ойининг охирига келиб қизил армиянинг 18 та полки курашаётган эди.⁴ Чанишев тинчлик шартномаси тузиш учун қўрбоши Холхўжа билан учрашади. Шунда Холхўжа: «Биз мусулмонмиз. Биз большевиклар билан келиша олмаймиз», – деб жавоб берган. Чанишев: «Биз бу ерга сизни зиёрат қилиш учун эмас, балки сизга тинчлик имкониятини бериш учун келганмиз. Агар таклифимизни рад қилсангиз, сиз билан қурол тилида гаплашамиз»⁵, – деган. Дарҳақиқат, қуроллар қарама-қарши томонларнинг «тили»га айланган эди.

¹ Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-руйхат, 163-иш, 30 – 33-варақлар.

² Зевелев А.И. За Советский Туркестан. – Ташкент, 1963. – С.128.

³ Юлдашев М. Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. – Ташкент, 1957. – С.242.

⁴ Никишов П.П. Борьба с басмачеством на юге Киргизии. – Фрунзе, 1957. – С.72.


⁵ Наука и религия. 1971. №12. – С.50.

ТУРКИСТОН ФРОНТИДАГИ ҚИЗИЛ АРМИЯ ҚИСМЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КУРАШЧИЛАРГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАРИ КУЧАЙИШИ

Туркистон fronti қўшинлари 1920 йилларнинг бошларига қадар миллий қўзғолонга қарши курашда ўзларини хотиржам ҳис қила олишмади. Шунга қарамай, улар ўзларининг уруш ҳаракатларини максимал даражада кучайтиришга ҳаракат қилишди. 1920 йил январь ойида Туркистон fronti қўмондони 2-пиёда дивизиясига қўрбоши Эргаш бўлинмаларини тезроқ йўқ қилишни буюрди. Шундан сўнг Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва бошқа қўрбошилар қўшинларига қарши бемалол шиддатли ҳужумлар уюштирилиши мумкин бўлди. 1920 йил 18 январда 2-пиёда бригадасининг 15-отлиқ полки Эргашнинг қароргоҳи жойлашган Бачқирга ҳужум қилади. Эргаш қўрбоши қизил армияга қарши 200 га яқин йигитларини жангга киритади, уларнинг ярми шаҳид бўлган, қолганлари асир олинган. Бачқир эса қизил армия аскарлари томонидан эгалланган. Қўрбоши Эргаш қолган жангчилари билан қочишга мажбур бўлган.¹ Эргаш қўрбоши 1921 йилнинг бошларигача курашни давом эттирди, сўнгра советлар томонидан асир олиниб, қатл этилди.²

1920 йил 17 – 20 январь оралиғидаги жангларда қизил армиячилар Марғилон шаҳри атрофида озодлик курашчиларини (Муҳаммадбек ва Холхўжа қўмондонлигидаги) мағлуб қилди. Совет манбаларида бу ердаги тўқнашувлар

жуда шиддатли ва шафқатсиз бўлгани айтилади, лекин одатдагидек ҳар икки томоннинг йўқотишлари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.



Шермуҳаммадбек

Қизил армия бўлинмалари Фарғона водийси ва Амударё атрофларида узоқ вақт тактик жиҳатдан ғалаба қозонаётгандек кўринса-да, аслида, муваффақият қозона олмади. Совет ҳарбий маъмурияти Фарғона водийсидаги босмачилар ҳаракати ҳақида ўзига хос фикрларга эга эди. Буни СССР ҳукуматининг қизил армия тезкор штаб бошлиғи П.В.Благовещенскийнинг 1919 йил 10 сентябрда қизил армия бош қўмондони Беловга юборган қўйидаги хабаридан тушунишимиз мумкин: «Фарғона fronti бизнинг ички фронтимиз бўлиб, биз

¹ Шомагдиев Ш.А. 138. 170-бет.

² Қўрбоши Эргаш миллий курашни бошлаб, операцияларни уюштирган биринчи озодлик курашчиси, айна пайтда, озодлик кураши отрядларининг биринчи бош қўмондони, яъни амир ул-муслимин эди. Унинг ҳаёти ҳақида баъзи совет ва бошқа манбаларда кўплаб қарама-қарши фикрлар ва қарашлар мавжуд. Масалан, Шомагдиев (138, 188-бет)нинг айтишича, у 1920 йил июнь ойида таслим бўлган. Тўғоннинг ёзишича, 1919 йил май ойида қизил армия билан шартнома имзолаган. Шунингдек, қаранг: Али Бодомчи. Туркистон миллий мустақиллик ҳаракати ва Анвар Пошо. – Истанбул, 1975. А.И.Зевелев «Из истории гражданской войны в Узбекистане» (Ташкент, 1959. – С.357) асарида Эргашнинг 1919 йил 31 июлда қўлга олинганини ёзади. С.Б.Жантуаров «Гражданская война в Киргизии (1918 – 1920)» (Фрунзе, 1965. – С.190) асарида Эргашнинг 1920 йил февралда қўлга олиниб, кейинроқ отиб ўлдирилганини ёзади. Николай Никитин «Кўқон воқеаси» (Б.403) асарида айтишича, Эргаш ўз жонига қасд қилган.

бошқа жойларда кўникиб қолган инқилобга қарши муҳолиф кучлар бу ерда йўқ. Бизнинг рақибларимиз мухториятчилар билан мусулмонлар ва уларнинг вакили Эргаш, Охунжон, Холхўжа ва Мадаминбек каби номдор қароқчи (разбойники) аксилинқилобчилар ҳамда Кўрғат (Кўгарт – Р.Ш.) водийсининг оддий деҳқон халқидир (Фарғона водийсида Кўрғат водийси йўқ – Б.Х.). Аслида эса Жалолобод, Кўкёнғоқ, Сузоқ қишлоқлари Кўгарт водийси (Кугартская долина) деб аталган. Бу ҳудудда маҳаллий ўзбек, қирғиз, уйғур миллатига мансуб аҳоли яшаган. Рус босқини даврида бу ҳудудга Россиядан аҳоли кўчириб келтирилиб, маҳаллий аҳоли бошқа жойга кўчириб юборилган. Оқибатда Кўгарт водийсида Александровское, Воздвиженское, Преображенское, Мариинское, Благодатное, Алексеевка, Шатрак, Балканское, Архангельское, Скобелевское, Холмы, Багратионовское, Поречье, Новоселье, Черняевка, Бородинское, Бугры, Высокое, Ключи, Отрадное, Кутузовское, Гористое, Крутые Горки номлари билан рус посёлкалари ташкил этилган. 1913 йили Скобелев шаҳрида нашр этилган «Статистический обзор Ферганской области за 1913 год» китобида 1913 йили Андижон уезди тоғли жойларида 20 дан ортиқ рус посёлкалари ташкил этилганлиги қайд қилинган. Бу жойларда совет ҳокимиятини ўрнатиш қийин кечган. Маҳаллий аҳоли ерларида ўрнашиб қолган рус аҳолиси деҳқончилик билан шуғуллангани боис советларга қарши кайфиятда бўлган ва унга қарши курашиш учун генерал Муханов, полковник

Константин Монстров бошчилигида «крестьянлар армияси» тузилган. 1919 йил сентябрда советларнинг Жалолобод, Ўш ва Андижонга қилган ҳужумида бу армия босмачилар билан бирлашиб иштирок этган.¹

Туркистон босиб олинган Кўгарт водийсида бизга қарши курашаётган бу душманлар ҳам бир-бирларига қарши курашмоқда. Фарғона водийсидаги ҳарбий ҳаракатларнинг бориши ҳақида сизга асосли ҳисобот бериш мен учун жуда қийин. Бизнинг операцияларимиз мунтазам равишда маълумот тўплаш, ҳужумларни ташкил қилиш ва кимсасиз бурчакларда доимий равишда босмачиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бориш, бошқа жойларида яширинган босмачиларга қарши мунтазам ҳужумлар уюштиришдан иборат.² Маълумки, миллий кураш жангчилари билан совет аскарлари ўртасида аниқ фронт чизиғи йўқ эди, чунки тўқнашувлар ҳар тарафдан бўлар эди. Бу совет ҳарбий маъмуриятини кўрқитди, сабаби, улар рақибларининг кучини олдиндан айтиб бера олмадилар.³ Советларнинг босмачиларга қарши кураши 1920 йилда Туркистоннинг ҳамма жойига ёйилди. Қизил армияга 1920 йилда Фарғона водийси, Зарафшон водийси ва Амударё ҳудудларида (1873 йилда руслар томонидан босиб олинган Амударёнинг ўнг томонидаги ҳудудлар) озодлик курашини бостириш, иккинчи томондан, босқинчилик ҳужумларини (Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига) амалга ошириш шиддатли жанглар ва кўп қурбонлар берилишини тақозо этарди.

¹ <https://nikola-rus.livejournal.com/34778.html>

² Зуев Д.Д. Ферганское басмачество (1918 – 1922 гг.) // Гражданская война. Т.3. – Москва, 1924. – С.43.

³ Шавкат Охуннов, Сафар Эркаев. «Коммунист Таджикистана» журнали, 1990, № 3, 91-б

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ СОВЕТ РУСЛАРИ ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон комиссияси ва Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Тўрткўл (Петроалександровск) даги вакили генерал Г.Б.Скаловга собиқ Туркистон генерал-губернаторлигининг чегаралари бўлган Амударё вилоятидаги қизил армия бўлинмаларини Хивага қарши ҳужумга тайёрлашни буюрди. Хива хонлиги 1873 йилда босиб олинган эди. Эндиликда уни тўла-тўқис босиб олиш ва бошқариш учун ҳарбий-сиёсий тайёргарлик бошланган эди. Туркистон Компартияси 4-қурултойининг 1919 йил 7 октябрдаги Бухоро ва Хиванинг келажаги ҳақида қарорида шунда ёзилган: «Биз Ёш хиваликлар ва Ёш бухороликлар ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз ва бу ерда инқилобга тайёргарлик кўрмоқдамиз, лекин инқилобни куч билан амалга оширмаймиз. Бу мақсадни амалга ошириш учун Хива ва Бухоро халқининг қўллашини кутишимиз керак».¹

Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 3 ноябрда ташқи ишлар бўйича комиссар Турсунхўжанинг таклифига биноан Хива ва Бухорога ваколатли вакилларни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.² Хива хонлигидаги воқеаларни кузатиб бориш мақсадида бу лавозимларга Азимбоев, Солдатов ва Шайхутдин Ҳасановлар тайинланган. Тошкентдаги совет маъмурияти ва

уларнинг Тўрткўлдаги вакиллари ёш хиваликларни хонлик тузумига қарши курашга тинимсиз гижгижлаб турарди. Ёш хиваликларга советлардан ёрдам сўрашлари айтилади. Бу эса совет армиясининг Хива хонлиги ҳудудига бостириб киришини англатарди. Шу муносабат билан совет маъмурияти 1919 йил 4 ноябрда Туркистон Компартиясининг Тўрткўлдаги ваколатхонаси Россия Компартияси (большевиклар) мусулмонлар бюросининг Тошкентдаги маҳаллий идорасига телеграмма йўллайди. Телеграмманинг мазмуни қуйидагича: «Кучлироқ ҳужумларимиз туфайли Хива пролетариати Жунайидхонга қарши қўзғолон кўтарди. Уруш ҳар томондан авж олган паллада давом этмоқда. Сиздан илтимосим шуки, қўшин бўлинмаларига қўзғолон кўтарган Хива пролетариатига ёрдам бериш мақсадида Хивага ҳужум қилишга рухсат беринг. Масала бўйича батафсил маълумотлар ташқи ишлар бўйича масъул комиссарга тўлиқ етказилади.

*Туркистон Компартияси Хива пролетариати ташкилоти маҳаллий бюроси вакили Ҳасанов».*³

Бу хабар большевикларнинг уйдирмасидан бошқа нарса эмас, чунки ўша пайтда Хива хонлигида қўзғолон бўлмаган. Тошкент ва Москвадаги совет маъмурияти, шубҳасиз, «дипломатик» ўйинларига асосланган «инқилоб» қуролларига ўтмоқчи эди. Шунинг учун 1919 йил

¹ Резолюция. 46 – 47-бетлар.

² Саъдулла Турсунхўжа (1881 – 1940) – 1919 йилдан кейин Коммунистик партия аъзоси; 1919 – 1920 йилларда ТАССР (Туркистон Совет Социалистик Автоном Республикаси) миллатлар масалалари халқ комиссари, ташқи ишлар халқ комиссари; 1921 – 1922 йилларда Туркистон хўжалик кенгаши раисининг ўринбосари; 1923 – 1924 йилларда Хоразм Халқ Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари; 1924 йилда Хоразм Халқ Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раиси; 1925 – 1926 йилларда Совет Иттифоқи Меҳнат ва Мудофаа кенгашининг Ўзбекистон вакили; 1927 йилдан Ўрта Осиё сув хўжалиги қўмитаси раиси; 1928 – 1934 йилларда СССР Қишлоқ хўжалиги халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили; 1935 – 1937 йилларда Қозоғистон сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи. Қаранг: Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 11-том. – Б.419. 1937 йилда ҳибсга олинган, 1940 йилда қамоқда вафот этган.

³ Елеуов Т.Е. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.1. – Алма-Ата, 1963. – С.468.

3 ноябрда қабул қилинган қарор (Хива хонлигидаги вакил сифатида) 1919 йил 15 ноябрда бекор қилинди ва Хива хонлигидаги ваколатхонаси ёпилди. Бунинг ўрнига Тўртқўлда Хива хонлиги ишлари билан шуғулланувчи инқилобий қўмита тузилди.¹ Туркистон fronti бош қўмондони вазифасини бажарувчи Скаловга «Хива хонлигида амалга ошириладиган инқилобга ёрдам бериш»га тўлиқ ваколат берилди.² Бу воқеаларнинг барчаси Россия совет маъмурияти Туркистон fronti ёрдами билан «инқилобчи халққа ёрдам бериш» каби қуруқ сўзлар орқали ярим мустақил Бухоро ва Хива давлатларини босиб олишни мақсад қилганлигини кўрсатди. Шу мақсадда Амударё вилоятидаги қўшинлар қайта ташкил этилиб, Хивага ҳужумга шай ҳолатда сақланган. Буни Скаловнинг 1919 йил 21 декабрдаги мана бу буйруғидан ҳам тушуниш мумкин: «1919 йил 3 декабрда мен Хива отрядлари ва Амударё отрядининг барча штаб муассасалари, бўлинмалари ва бирликларини қайта ташкил этиш учун Петроалександровска келдим. Фронт орти ва фронт олдидаги ҳозирги аҳволни ўргангач, 1919 йил 21 декабрда ўз вазифамни бажариш учун ишга киришаман.

Сабаби:

1. СССР ҳукумати Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши томонидан тасдиқланган 18 ноябрдаги 4247-сонли Туркистон ўлка инқилобий ҳарбий кенгашининг ваколоти.

2. Хива бўлинмаси (Инқилобий ҳарбий кенгаш узил-кесил тасдиқлагунига қадар); Петроалександровск қалъа бўлинмаси, Шўракондаги бўлинмалар,

Шайх Аббос ва Бийбозор қирғоқ қўриқлаш отрядлари ва шимол ва жанубга бўлинган қўшинлар билан мен Амударё вилояти деб қайта ташкил қилдим.

3. Шимолий ва жанубий бўлинмаларга 1-, 2-, 3-бўлинмалар, «коммунистик» дивизион ва эскадрон отлик полкидан 5 та тўп, 3 та граната ҳамда 4 та пулемёт киради.

4. Жанубий қўшинларнинг ҳозирги ҳолати 3-батальон, 5-совет полки, Петроалександровск қалъаси бўлинмасидан 2 та тўп ва 3 та пулемётли поезддан иборат.

5. «Ёш хиваликлар» отряди фронтда жойлашган қўшинлар қолдиқлари ва артиллерия полкидан (3 та гранамет) иборат Петроалександровск қалъа бўлинмаси отликлар штаби (10 та қиличли) қўмондонлигига ўтказилди.

6. Амударё отрядлари қўмондонлигига Туркистон инқилобий ҳарбий кенгаши томонидан тасдиқлангунга қадар оператив штаб бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб ўртоқ Щербаконни тайинлайман.

7. Амударё отрядининг штабига ҳам Туркистон АССР номидан инқилобий ҳарбий кенгаш тасдиқлагунга қадар армия штаби бўлиш ҳуқуқи берилди.

8. Хива отряди командири ўртоқ Шайдаковни (бу отряд 1919 йил март ойида совет ҳарбий муассасаларини ҳимоя қилиш учун тузилган – Б.Ҳ.) Хива отряди штабининг шимолий қўшинлар бўлимига ўтказиб шимолий қўшинлар қўмондони этиб тайинлайман.

9. Шу пайтгача 5-совет полкининг 3-батальони қўмондони бўлган ўртоқ Урядовни жанубий қўшинлар қўмондонлигига тайинладим.

¹ Елеуов Т.Е. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.1. – Алма-Ата, 1963. – С.685; 1919 йил 8 сентябрда Петроалександровскда инқилобий қўмита ташкил этилгани, 1919 йил 12 сентябрда Амударё вилоятида ҳокимиятни қўлга олгани айтилади.

² Общественные науки в Узбекистане. 1961. №2. – С.25.

10. Петроалександровск қалға отряднинг командири Амударё отрядлари командири томонидан тасдиқланганидан кейин аниқланади.

11. Шимолий қўшинларнинг ҳозирги армия суди ҳарбий суд сифатидаги ваколатларини сақлаб қолган ҳолда Амударё отрядининг шимолий қўшинлари суди сифатида фаолият юритади.

*Инқилобий ҳарбий кенгаши вакили Скалов».*¹

Юқоридаги буйруқдан маълум бўлишича, совет рус йўлбошчилари, бир томондан, Хива хонлигига бостириб кириш, иккинчи томондан, Жунайидхон қўмондонлигидаги миллий озодлик курашини бостириш, бошқа томондан, хонликнинг Амударё ҳудудида қолган ерларини Россияга қўшиб олишга қатъий қарор қилишган. Юқоридаги буйруқ берилган куни (1919 йил 22 декабрь) Туркистон fronti қўмондони ўз қўшинларига Хивага ҳужум қилишни буюрди.

Хонликнинг Жунайидхон қўмондонлигидаги эскирган ҳарбий техника ва 5000 га яқин аскарлари Амударёнинг чап томонида жойлашган Хўжайли шаҳрини 6 кун давомида ҳимоя қилишди. 1919 йил 28 декабрда совет қўшини шаҳарини ишғол қилди. Шу куни совет қўшинлари Хонқа ва Урганч шаҳарларини ҳам эгаллашди. Қизил Армия 1920 йил январь ойининг бошида Кўҳна Урганч, Порсу, Ғазовот, Тошҳовуз ва Тахтани босиб олган эди.² 1920 йил январь ойи охирида қизил армия бўлинмалари шафқатсизларча олиб борилган қонли уруш якунида Жунайидхон қароргоҳи жойлашган Бадиркент шаҳрини босиб олди.³ 1920 йил 1 февралда советлар

Хива шаҳрини босиб олишди. Хон Саид Абдулла 2 февраль куни тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Кейинчалик Москвага жўнатилган хон очлик ва қашшоқликдан вафот этди. Хонлик ерлари босиб олингандан сўнг 1919 йил 9 апрелда Хива хонлигида советлар тузган тинчлик шартномасига кўра суверенитет ҳуқуқи бир томонлама бекор қилинган. Хива хонлигининг босиб олиниши шўролар томонидан «инқилоб» кўринишида амалга оширилди. Шу билан бирга, «Хивада юз берган инқилоб буюк октябрь инқилобининг мантиқий ва бевосита давоми эди» каби тушунтиришлар ҳам берилди. Урушлар ва шўро маъмуриятининг бундай муносабатига назар ташласак, бу инқилоб эмас, балки мустақил давлатга қарши куч билан босиб олиш ҳаракати эканлиги аён бўлади.

Совет қўшинлари хонликнинг барча ерларини босиб олгач, совет Россиясининг Туркистон комиссияси ва Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси, шунингдек, Амударё вилояти инқилобий қўмитаси раиси Г.Скалов 1920 йил 7 февралда Хива халқига қилган чақириғида шундай деди: «Совет рус раҳбарлари бошқа халқларнинг ерларига ҳеч қандай тарзда бостириб кириш ёки бошқа халқларга қарши куч ишлатиш ниятида эмас. Улар барча қўшнилари билан тинч-тотув ва муроада яшашни хоҳлайди».⁴ Ҳатто бу баёнот ҳам совет ташвиқотининг ёлғон эканини кўрсатади. Аввал мамлакат босиб олинади, кейин бу босқин эмаслиги айтилади!

Совет ҳарбий маъмурияти 1920 йил апрелгача хонликни бошқаришни шах-

¹ Елеуов Т.Е. (176). 491 – 493-бетлар.

² Ташлиев Ш. и др. История Туркменской ССР. Т.2. – Ашхабад, 1957. – С.197.

³ Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества. – Москва, 1976. – С.54.

⁴ Иноятов Х.Ш. и др. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). – Ташкент, 1976. – С.27.

сан ўз қўлига олди. Совет Россия ҳукумати ва Россия Компартияси Туркистон комиссиясининг 1920 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисида коммунистларга ёрдам бериш учун Хивага фавқулодда комиссия юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди (маълумки, ўша даврдаги хивалик туркистонликлар орасида бирорта ҳам коммунист бўлмаган – Б.Ҳ.). Комиссия Хивага 20 март куни келади. Аслида, сиёсий ва психологик жиҳатдан рус большевикларига кўр-кўрона тақлид қилувчиларни улар тарқатиб юборишлари керак эди. 1920 йил 27 апрелдан 30 апрелгача Хива шаҳрида бўлиб ўтган қурултойда хонлик тартиботи тугатилиб, Хоразм Халқ Республикаси (Хива ўрнига) ташкил этилди.¹

Совет Россиясининг собиқ ўлкалардаги амалиётини ва босқинчилик ҳаракатларини Россия экспансионистик

сиёсати деб билган одамларда озодлик кайфиятини аллақачон кучайтирган эди. Жунайидхон ва хонлик аскарларининг йўқотишлари анча кўп бўлди, аммо бу озодлик курашчиларининг ўз мақсадларига содиқликларига ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. 1920 йиллар бошларида Хива хонлиги қўлга киритилгунга қадар озодлик учун кураш фақат Амударё вилоятининг руслар томонидан босиб олинган қисмларида бўлган эди. Бироқ хонликнинг совет руслари томонидан босиб олиниши билан озодлик учун кураш хонликнинг барча ўлкаларини қамраб олди. Совет аскарлари Хивага ғалаба билан келдилар, лекин қайтиб кетмадилар. Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати рус армияси назорати остида эди. Совет Россияси хонликни Россия таркибига киритиш орқали бу сафар чор ҳукуматининг режасини амалга оширди.

ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИГА ҚАРШИ МОСКВА КОМИССАРЛАРИ

Марказдаги совет маъмурияти ҳам, унинг Тошкентдаги вакиллари ҳам Туркистонда бир томонлама ҳукмронлигини сақлаб қолиш имкониятига эга эмас эдилар. Туркистондаги миллий кураш Москвани хавотирга соларди. Совет марказий маъмурияти Туркистондаги ҳукмрон мавқеини йўқотмоқчи эмас эди, албатта. Шунинг учун Москва Туркистон сиёсатини қатъий қоидалар билан бошқармоқчи эди. Шу мақсадда совет Россияси ҳукумати (Марказий Ижроия Қўмитаси, Халқ Комиссарлари Совети) ва Россия Компартияси Тур-

кистонда давлат ва партия органлари билан бир қаторда ҳукмрон мавқега эга бўлган узоқ муддатли Туркистон комиссиясини тузди. Бу комиссия 1919 йил сентябрь ойининг охиригача Москва-нинг Туркистондаги тўлиқ устунлигини таъминлай оладиган ҳолатда эмас эди. Совет маъмурияти пойтахтда 1919 йил 9 октябрда Ш.З.Элиава раислигида доимий фаолият кўрсатувчи Туркистон комиссиясини тузди.² Ш.З.Элиава ноябрь ойида 40 нафар рус комиссарлари билан Тошкентга келади. Комиссия аъзоларидан бири В.В.Куйбишев комиссиянинг

¹ Муминов И. История Хорезма. – Ташкент, 1976. – С.164 – 165.

² Шалва Зурабович Элиава – грузин, 1919 – 1920 йилларда Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ва Туркистон комиссияси раиси; 1920 йилда СССРнинг Эрондаги ва Туркиядаги элчиси; У 1921 – 1930 йилларда Бош Кавказ минтақасида турли маъмурий лавозимларда ишлаган; 1931 – 1936 йилларда Москвада муҳим лавозимларда хизмат қилган. 1937 йилда ҳибсга олинган ва кейин қатл этилган. Туркистон комиссиясининг бошқа аъзолари: Ф.И.Голошечкин, Г.И.Бокий, Я.Э.Рудзутақ, В.В.Куйбишев ва Фрунзе.

топшириғи ҳақидаги саволга шундай жавоб берар эди: «Бу комиссия рус пролетариясининг хоҳишини ифода этади».¹ Комиссиянинг бу «ижрочиси» энди Туркистондаги барча совет ҳокимияти (давлат бошқаруви, Коммунистик партияга қарашли қўмиталар) устидан мутлақ ва чексиз ваколатлар билан жиҳозланган назорат механизми сифатида қабул қилинди. Москва томонидан Туркистонга тайинланган бу комиссарлар ўзларини «маъсум» мустамлакачи жаноблар деб билардилар. Туркистондаги совет рус маъмуриятлари тез орада шу комиссияга қарам бўлиб, кўплаб совет маъмурилари бу комиссарларнинг содиқ хизматкорларига айланишди.

Туркистондаги маҳаллий партия ташкилотларида партиявий раҳбарликни яхшилаш мақсадида РКП(б) Марказий Комитети 1920 йил ёзида РКП(б)нинг Туркистон бюросини ташкил этди. Бу орган 1919 йилда тузилган туркомиссиянинг давомчиси сифатида юзага келди. Туркбюро Амударё, Сирдарё, Еттисув ва Фарғона партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олган. 1922 йил февралдан Бухоро ва Хоразм компартиялари ҳам қўшилиб бу орган Ўрта Осиё бюроси деб аталадиган бўлди. Бу бюро таркибида турли вақтларда РКП(б) Марказий Комитетидан С.И.Гусев, Л.М.Каганович, В.П.Ногин, Я.Х.Петерс, Я.Э.Рудзутак ва бошқалар бўлган. Мазкур бюрога маҳаллий партия ташкилотлари вакиллари-дан Қайғусиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Турор Рисқулов, Назир Тўрақулов, Файзулла Хўжаевлар кирган. Бу бюро ўз фаолиятида РКП(б) Марказий Комитети ва В.И.Лениннинг Туркистон тўғрисидаги кўрсатмалари асосида фаолият

кўрсатган. Бюро раҳбарлигида 1920 йил сентябрида Туркистон Компартияси съезди ўтказилади. Шунда Туркистон Компартияси Марказий Комитети сайланади. Туркистон бюроси Туркистон Компартияси ташкилотлари устидан раҳбарликни олиб боради, партия ташкилотини мустақамлаш, миллий оғмачиларга қарши кураш, партия аъзолари ва бутун меҳнаткашларни тарбиялаш, уларни социалистик қурилишга жалб этиш, босмачликка қарши кураш олиб бориш билан машғул бўлган.²

Москва мусулмонлар бюросига совет маъмурияти билан бевосита боғланиш ҳуқуқини берди. 1919 йил март ойида тузилган мусулмонлар бюросининг ташкилий тузилмасига кўра, бу бюро халқ ўртасида совет ҳукмронлигини тарғиб қилиш, «синфий тафовут»ни кўзлаётганларнинг жамиятга таъсирининг олдини олиш каби вазифаларни бажарди. Шунингдек, бу ташкилот босмачиларнинг мақсадлари ҳақида халққа маълумот беради ва оммани уларни йўқ қилишга тайёрлайди. Мусулмонлар бюроси советлар мақсадига мувофиқ ишлаётган бўлса-да, Туркистонда бошқарувни қўлга олишга ҳаракат қиларди. Бюронинг бу борадаги қадамларидан бири 1919 йил декабрь ойида ўзини «Туркистоннинг юқори мусулмон партия органи» деб эълон қилиши бўлди. Айни пайтда, ташкилот ўзини миллий озодлик кураши таъсиридан қутқара



Назир Тўрақулов

¹ Flayit B. Sovyetrussische Orientpolitik am Beispiel Turkestans. – Köln/Berlin, 1962. – P.76.

² <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/112/954.htm>

олмади. Россия Компартиясининг Туркистондаги мусулмонлар бюросининг фаолият доираси кундан-кунга кенгайиб борди. Бу таъсирнинг излари 1920 йил 12 – 18 январда бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг навбатдан ташқари 5-қурултойида яққол кўринди.

Юқорида тилга олинган анжуманда совет бошқарувчиларидан беш нафари (тўрт нафар рус, бир туркистонлик) ўз маърузалари билан ажралиб турди. Мусулмонлар бюроси бошлиғи Турор Рисқуловнинг маърузаси «миллий масалалар ва миллий коммунистик гуруҳлар» ҳақида эди. Рисқулов Туркистон Мухтор Совет Республикаси ўрнига маҳаллий тилда Туркистон Республикаси ва Туркистон Коммунистик партияси ўрнига фақат Коммунистик партия дейиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Унга кўра, Туркистон Республикаси (Туркистон) барча туркий халқларнинг республикаси бўлиши ва Туркистон конституциясини ўзгартириш керак эди.¹ Қолаверса, мусулмонлар бюроси аъзолари ва маҳаллий коммунистлар Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгашининг тугатилишини, рус кўшинларининг Туркистондан олиб чиқиб кетилишини, мусулмон армиясини шакллантиришни, Туркистон комиссиясининг Россия томонидан чақириб олинишини, хорижда вакиллик қилиш учун барча ваколатларни, ташқи савдо, алоқа ва темир йўл корхоналарини бошқаришни Туркистон Миллий Республикасига бериш учун зарур тартибқоидаларни амалга оширишни талаб қиладилар.²

Туркистон Компартиясининг 5-қурултойида Рисқуловнинг таклифлари кўпчилик томонидан қабул қилинди. Қурултойда қатнашган тўрт нафар Туркистон комиссаридан учтаси Рисқулов таклифларини маъқуллаб овоз берди. Бу қарорга фақат собиқ латвиялик большевик Ян Эрнстович Рудзутак қарши чиқди. Туркистон fronti қўмондони, айни пайтда, Туркистон комиссияси аъзоси бўлган Фрунзе 1920 йил 22 февралда ҳарбий штаблари билан Тошкентга келди. Шаҳарга келиши билан, аввало, Туркистон Компартиясининг 5-қурултойида қабул қилинган қарор билан шуғулланади. Туркистон комиссиясининг 1920 йил 29 февралдаги мажлисида Туркистон Республикаси масаласи муҳокама қилинади ва қурултойнинг ушбу қарорига норозилик билдирилади.³ Ҳарбий диктатор Фрунзе бошқа комиссия аъзоларидан кучлироқ бўлгани учун Туркистон Компартиясининг 5-қурултойи ва мусулмонлар бюросининг 3-қурултойи қарорини қабул қилмади. У вакил тайинлаган эди. Шундан сўнг комиссия аъзолари ушбу қарорни қабул қилиб хатога йўл қўйганларини тан олдилар. Фрунзе ва Туркистон комиссиясининг илтимосига биноан Россия Компартияси Марказий Комитети 1920 йил 8 мартда Туркистон Компартияси 5-қурултойининг Туркистон Республикасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиб, Туркистоннинг РСФСР таркибидаги автоном совет республикаси бўлиб қолишини қатъий буйруқ билан белгилади.

Туркистон Компартияси 5-қурултойи марказий комитетини ташкил этган 8 ки-

¹ Богоутдинов А.М (18). 386-бет.

² Мавлян Гафарович Вахабов. Формирование узбекской социалистической нации. – Ташкент, 1961. – С.326.

³ Фрунзе шундай деди: «Мен қурултой қарори билан танишман. Мени қизиқтирган масала шуки, бу кун тартибини Туркистон комиссияси билганми? Агар у хабардор бўлса, бу масалада унинг фикри борми? Комиссия бу жойнинг коммунистик фракциясига қандайдир босим ўтказдими ёки бундай ҳолатни олдиндан кўрмагани учун умуман муносабат билдирмадими? Қаранг: Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана эпохи социализма. – Алма-Ата, 1958. – С.402.



Абдулла Раҳимбоев

шидан (И.Габор, Д.Кактин, Купер, Свобода, Санжар Асфандиёр, Низомиддин Хўжаев, Турор Рисқулов ва Мустафо Субҳи) фақат 3 нафар Туркистондан эди. 1920 йил 29 июлда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 4 та муҳим қарор (1. Туркистонда Коммунистик партиянинг вазифалари ҳақида. 2. Туркистонда ҳукмронлик иерархияси ҳақида. 3. Партия тузилиши ҳақида. 4. Туркистон комиссиясининг таълим ва тарбияси ҳақида) қабул қилди, кейинчалик улар совет манбаларида «РКП(б)нинг Туркистондаги энг муҳим вазифалари тўғрисида»ги резолюция сифатида қабул қилинди.

Айни пайтда, Фарғона водийси, Зарафшон водийси ва собиқ Хива хонлигида миллий кураш авжига чиқди. Фарғона водийсидаги миллий кўзғолонга қарши 1920 йил бошида совет Россиясининг 2-мудофаа дивизияси билан 12340 нафар аскар, 52 та пулемёт, 14 та тўп, кўшимча равишда «интернационал отличлар бригадаси» (чор даврида ҳарбий асир бўлган немис, венгер, чех, австриялик аскарлар) биргаликда чехословакиялик Э.Ф.Кужело кўмондонлиги остида ҳарбий операцияларни ўтказдилар. Хусусан, отличлар бригадаси қароқчилар тўдаси номи билан машҳур эди. Бу бригаданинг кўп пул ишлаб, қизил армия ғалабасидан кейин тезроқ ватанига қайтишдан бошқа мақсади йўқ эди. Коммунизм эришган ғалабалардан сархуш

бўлиб йўллариغا тўсқинлик қиладиган ҳамма нарсани йўқ қиладилар, ҳужум қилган аҳоли пунктларида одамларни ўлдирадилар, иншоотларни, айниқса, масжидларни вайрон қиладилар, ҳатто ҳайвонларни ҳам ўлдирадилар. Москва мусулмонларни озодлик курашида руҳий тушкунликка тушириш ва низолар келтириб чиқариш учун босмачиларга қарши татар бригадасидан атайлаб фойдаланган. Туркистон fronti ҳарбий маъмурияти ўз ваколатларини ишга солиб шафқатсиз бўлган хорижлик собиқ ҳарбий асирлардан қизил армия аскарлари сифатида озодлик курашчиларига қарши (бир вақтлар арман дашноқларидан фойдаланганидек) фойдаланмоқчи эди. Бу салбий ҳолатларга қарамай, миллий кураш давом этди. Энг кучли қўрбошилардан бири бўлган Эргашга қарши ғалабадан завқланган қизил армия 1920 йил 15 – 30 январь кунлари Шермухаммадбек, Нурмухаммадбек, Раҳмонкул ва Холхўжа бўлинмаларига қарши Фарғона водийсида катта ҳужум уюштирди. Совет маъмурияти ҳар қандай ҳолатда ҳам босмачиликка чек қўймоқчи эди. 1920 йил февраль ойининг бошида Турккомиссия Фарғона водийсидаги босмачиликни бутунлай тугатиш, босмачиларнинг ҳар қандай манбаи ва пойдеворларини йўқ қилиш, халқ ўртасида босмачиларга қарши ташвиқот ишларини кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркистон fronti кўмондони қизил армияни кучайтириш мақсадида Фарғона водийсига уч ойда тузилган «қизил бўлинма» 1-бригадаси билан 27-самолёт эскадронини, зирҳли поезд ва кўп миқдорда зирҳли техникани жўнатаётган эди.¹ Жанг майдонларида қара-

¹ Гинзбург. Басмачество в Фергане // Новый восток 1925. – С. 190: «Мадаминбек қўшинларига қарши курашда тўлиқ мусулмонлардан иборат Волга татарлари бригадаси энг муҳим роль ўйнади. Марказдан келаётган мусулмон қизил гвардиячилари мусулмон халқи ва озодлик курашчилари учун энг самарали провокация воситалари эди».

ма-қарши томонлар урушнинг қанчалик шафқатсиз бўлишини билишган. Дарҳақиқат, 1920 йил март ойининг охиригача Фарғона водийсининг барча худудлари жанг майдонига айланган эди. Қизил армиянинг асосий кучлари, айниқса, Мадаминбек қўшинларига ҳужум қиларди. Чунки Мадаминбек жуда машҳур, уруш тажрибасига эга, айти пайтда, қайсар, коммунизм ва рус ҳукмронлигининг ашаддий душмани эди. Турккомиссия ва Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Шаҳрихон, Карбува, Қоратепа, Ўзган ва Ашаванинг ишғол қилиниши ҳамма нарсдан муҳимроқ эканлиги ва ўзи таслим бўлган босмачиларга ҳарбий асир сифатида қаралмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Аксинча, улар совет фуқаролари сифатида ўз ҳуқуқларини оладилар. Бироқ стратегик сабабларга кўра Мадаминбек 1920 йил 4 февралда 114 пулемёт ва 8 та тўп билан қуролланган 3500 нафар совет аскарларига қарши жангни катта йўқотишлар билан тарк этишга мажбур бўлди ва жанговар бўлинмаларини қайта йиғиб, аввалги кучини тиклаши оғир кечди. Совет аскарлари 1920 йил 21 – 27 январь кунлари Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек ва Холхўжа қўшинларига катта талафот етказди. 1920 йил 31 январда Маҳкамхўжа ва Акбар қўрбошининг, 2 февралда Парпи қўрбошининг таслим бўлиши Мадаминбекнинг курашига салбий таъсир ўтказди. Озодлик курашига салбий таъсир кўрсатган яна бир ҳолат озодлик курашининг собиқ етакчилари (Маҳкамхўжа, Акбарали ва Парпи қўрбоши) ўзлари сафдош бўлган озодлик курашчиларига қарши курашгани бўлди. Бу салбий ҳолатларга қарамай, Мадаминбек ўз ҳаракатларини Эски Новқат атрофида давом эттирди. Совет аскарларига қарши Шермуҳаммадбек, Холхўжа, Боёстон (Чотқол

тоғлари воҳаларида), Дехқон қўрбоши (Косонда), Бойтуман (Жийдакапада), Раҳмонқул (Аштда), Исломқул бўлинмалари (Яйпан ва Кудошда) ва Қорабой (Яйпан атрофида)



Я.Х.Петерс

ҳарбий операцияларни уюштиришни давом эттирдилар.

Мадаминбек ўз қўшинлари билан Шаҳрихон атрофидаги қароргоҳида турган. Мадаминбекка қарши охириги ҳужумда татар бригадаси жуда муҳим роль ўйнаган. Э.Ф.Кужело қўмондонлигидаги отлик бригада ҳам худди шу ҳужумда иштирок этган. Мадаминбек йигитлари иштирок этган Янги Новқатдаги тўқнашув ҳал қилувчи жанг бўлган. Татар отлик бригадаси Янги Новқатда тўпдан ўқота бошлаган. Шу билан бирга, интернационал бригаданинг 2-полки Миклош Брабатз (собиқ венгриялик ҳарбий асир) қўмондонлиги остида қишлоққа ҳужум қилди. Совет 2-пиеда дивизиясининг 6-бригадаси Эски Новқатда Мадаминбек қўшинларига қарши жанг қилган ва Мадаминбек Олой водийсига чекинишга мажбур бўлган. Бригада Ғулжани эгаллаб, Мадаминбекнинг Шарқий Туркистон билан алоқасини узиш ҳақида буйруқ олган эди. 1920 йил 5 январда Эски Новқатда тўқнашув бошланади. Ғулжада Мадаминбек қўшинларига қарши генерал Муханов, полковник Сулаймон Кучуков (Мусулмон ва Мадаминбекнинг собиқ сафдоши) ва Муҳиддин қўрбоши турган эди. 6-бригада командири Парамонов генерал Муханов билан телефон орқали боғланиб, Мадаминбекнинг бошқа командирлари би-

лан бирга таслим бўлишларини талаб қилган. Шунда Муханов Кучуков ва Муҳиддин қўрбошиларни афв этиб, айбламасликка ваъда берди. 1920 йил январь ойи бошида Мадаминбек қўшинларида муҳим ўрин эгаллаган айрим қўрбошилар совет томонига ўтишга мажбур бўлади. Холхўжа Ўш шаҳри атрофида курашини давом эттирар экан, Мадаминбек қўмондонлиги остида жанг қилишдан бош тортади. Омон Паҳлавон эса Шермуҳаммадбек бўлинмалари билан боғлиқ ҳолда Наманган атрофида ҳарбий ҳаракатларни давом эттиради.

Фрунзе 1920 йил 22 февралда Тошкентга келганидан сўнг ҳарбий ҳаракатларни, айниқса, Фарғона fronti ҳолатини доимий назорат қила бошлади. У Фарғона водийсидаги совет қўшинлари қўмондони Верёвкин Рахальскийга дарҳол Мадаминбек билан сулҳ тузишга ҳаракат қилишни буюради.¹ Фрунзенинг бундай ҳаракатни амалга оширишдан асосий мақсади сулҳ музокараларини олиб бориш ташаббускори Мадаминбек эмас, балки қизил армия эканлигини назарда тутиб вазиятни ўз қўлида сақлаб қолишдан иборат эди. Тузилажак сулҳ шартномаси Мадаминбекнинг босмачиларга таъсир доирасини қисқартириб қўяр ва бу қўрбошини йўқ қилишни назарда тутар эди. Фрунзе Верёвкин Рахальскийга берган буйруғида Мадаминбек қизил армиянинг кучини яққол ҳис этиши кераклиги ва агар музокарага келиб сулҳ шартомасини тузишдан бош тортса, Мадаминбек ва унинг йигитларига кучли зарба бериб уларни бутунлай тугатиш зарурлигини айтади. Ҳар икки томон сулҳ тузиш музокараларини Наманганда ўтказишга қарор қилишади. Айти пайтда, татар брига-

даси босмачиларга қарши ҳужумларини узлуксиз давом эттирарди. Татар бригадасининг мақсади Мадаминбекнинг жанговар қудратини йўқ қилишни мустақил уддалашдан иборат бўлган. Советлар ғалабаси учун жанг олиб бораётган бу татар мусулмон бригадаси Мадаминбекни озодлик курашчиларига қўмондонлик қилишдан иборат вазифасидан маҳрум этишни мақсад қилиб олган. Туркистоннинг миллий манфаатларини биринчи ўринга қўйган маҳаллий мусулмонларга қарши татар бригадаси жангчилари урушни давом эттиришга мажбур эдилар. Улар зиммасига миллий истиқлолчилик, озодлик курашини бостиришдек вазифа қўйилган эди. Рус тарғиботи доимий равишда катта хавф билан кўрсатиб келган панисломизмга нима бўлди? Қолаверса, руслар тинимсиз тарғибот олиб борган ва унга қарши уруш олиб борган пантуркизм ҳаракатига нима бўлдики, турк миллатидан бўлган татарлар ва бошқа турк миллатидан бўлган туркистонликлар бир-бирлари билан қаттиқ курашга қўл урдилар? Ниҳоят бу воқеалар панисломизм ёки пантуркизм каби атама рус империализмининг тарғиботидан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди. Ҳолбуки, бу каби тушунчалар диний ёки сиёсий воқеалар учун ҳаракат манбаи бўлганида, совет армиясининг 20000 туркий миллатга мансуб мусулмонлари Туркистон миллий манфаатлари учун курашаётган халққа қарши курашмаган бўларди.

Туркистон fronti 2-дивизия қўмондони Мулла Абдулқаҳҳорнинг сулҳ музокараларига юборилган делегация раҳбари этиб тайинланганини маълум қилади. У чоризм бошқаруви даврида ҳам Наманганда маҳаллий маъмурият-

¹ Марк Польшковский. Конец Мадамин-бека. – Ташкент, 1961. – С.73.

га хизмат қилган, ундан кейин советлар билан босмачиларга қарши курашишдан ҳам қайтмаган, босмачиларга қарши советларнинг вилоят комиссари бўлган. Делегация 1920 йил март ойининг бошида қўрбоши Бойтуманнинг қароргоҳи жойлашган Жийдакапага етиб келади ва Мадаминбекнинг асосий қароргоҳига етиб бориш учун Бойтумандан Сирдарё орқали ўтишга рухсат сўрайди. Бироқ Бойтуман 1919 йилда Жийдакапада қизил армия аскарлари билан биргаликда Мулла Абдулқаҳҳор ҳам унга қарши жанг қилганини билмасдан рухсат беради. Мулла Абдулқаҳҳор рухсат олгандан сўнг биринчи бўлиб Эшон Ҳожимат кураш олиб бораётган Балиқчига келади. Мулла Абдулқаҳҳор Эшон Ҳожиматнинг олдига келганида Эшон Ҳожимат ундан Фарғона водийсидаги қизил армия бош штабининг Мадаминбекка юборган сулҳ шартномаси ҳақидаги хат матнини кўрсатишни талаб қилади. Бу сулҳ шартномаси ҳақидаги хат матни Эшон Ҳожиматда гўёки советлар Мадаминбекка манзур бўладиган сулҳ шартнома матнини тайёрлагандек таассурот уйғотади (Мадаминбекка йўлланган ушбу сулҳ шартномаси ҳақидаги хат матни ҳозиргача эълон қилинмаган). Эшон Ҳожимат қўрбоши Бойтуман билан биргаликда Мулла Абдулқаҳҳорни Мадаминбек ёнига кузатиб боришга қарор қилади. Бу делегация Балиқчининг Қоратерак қишлоғида Мадаминбекнинг ёнига етиб келади. Ўша пайтда 30 ёшларда бўлган Мадаминбек сулҳ таклифи ёзилган хатни ўқийди ва бу таклифни ўйлаб кўриб бир қарорга келиши мумкинлигини айтади.

Мадаминбек Фарғона fronti штабининг сулҳ таклифини муҳокама қилиш

учун 1920 йил 4 мартда Наманганда катта раҳбар қўрбошилар билан учрашиб, масала юзасидан маслаҳатлашади. Айрим совет манбаларида Фрунзе Мадаминбек билан олдин бу ерда музокаралар олиб боргани ва Мадаминбек ўз қўшинларини тарқатиб юборишга рози бўлганлиги таъкидланади.¹

Мадаминбек билан сулҳ музокараларини олиб боориш учун советлар томонидан Мадаминбекни яхши билган Фарғона штаби котиби Левашев ва таржимонлик қилиш учун Буюкинлар қўшилган. Мадаминбек ва Фарғона fronti қўмондони Николай Андреевич Верёвкин Рохальский (эски чор ҳукумати саркардаларидн) 1920 йил 6 мартда Марғилонда учрашишга келишиб олганлар. Икки душман тараф 6 мартда руслар ва туркистонликлар ўртасидаги сулҳ шартномаси матнини имзолادилар. Томонлар орасида имзоланган сулҳ шартномаси мазмуни қуйидагича эди: «Биз совет томонидан берилган кўрсатмаларни ўз вақтида амалга ошириш юкланган дивизия ҳарбий комиссари Слирсинский билан бирга Верёвкин Рохальский ва қарши томон вакили мусулмон ҳарбий отрядларининг юқори даражали раҳбари Муҳаммад Аминбек билан бирга қуйидаги сулҳ шартномасини имзолаш учун йиғилдик: Мен Муҳаммад Аминбек аскарларим, қўрбошиларим ва менга содиқ бўлганлар билан бирга совет ҳукуматини тан оламан ва советларнинг қоидаларига риоя қилишга, шунингдек, қуйида бизни боғлайдиган қоидаларга амал қилишга ваъда бераман:

1. **Совет томони:** Туркистон ҳудудидаги қўзғолонларда жабр кўрган халқни ҳимоя қилиш мақсадида қуролланган ва душманларига қарши мусулмон си-

¹ Лебедев В., Ананьев К. Фрунзе. – Москва, 1960. – С.232.

фатида шариат қонунлари асосида кураш олиб борганини тан оламиз (Шунга кўра кўриб чиқиладиган шахслар жазоланиши мумкин эмас).

2. Менинг кўшинларим доимий турадиган жой Наманган деб белгиланди.

3. Мен кўлимдаги барча воситаларни сафарбар этган ҳолда Фарғонада мавжуд совет тузуми ҳокимиятини ҳар хил ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилишга ва кўшинларим билан Фарғонадан ташқарига чиқмасликка мажбурман.

4. Менинг кўшинларимда хизмат қилган барча русларга тўлиқ афв эълон қилинади. Бу одамлар хоҳласалар мени тарк этишлари, хоҳласалар аввалгидек менинг кўшинимда хизматларини давом эттиришлари мумкин ва буни мен ўз зиммамга оламан.

5. Инқилобий ҳарбий кенгаш томонидан совет ҳокимиятини тан олганим расман эълон қилинганидан сўнг, шу йилнинг 21 мартидан кечиктирмай Наманганни тарк этиб, Тошкентга келаман. Тошкентга бориб, менга бўйсунувчи раҳбарлар билан қолишга мажбурман.

Муҳаммад Аминбек, Мусулмон ҳарбий бирликлари олий кўмондони.

Билкин, Мудофаа бўлими штаб бошлиғи.

Сулҳ ўрнатилганини тасдиқловчи бу ҳужжат диққат билан ўқилган, имзоланган ва муҳрланган».¹

Бу сулҳ шартномаси масаласи Туркистон ва Россия манбаларида қайд этилмаган. Бу сулҳ шартномаси имзоланган 1920 йил 8 март куни Скобелев (Фарғона) шахрида бўлган ва сулҳнинг ягона европалик гувоҳи бўлган Вилфорт 1920

йил 20 мартдаги сулҳни нишонлаш маросимини шундай таърифлаган: «1920 йил 20 март. Бугун унутилмас воқеа юз берди. Сулҳ шартномаси муносабати билан барча мусулмон аскарлари бугун шундай парад қилдиларки, улар Темур ёки Чингизхон даврида Осиёда ўтказилгандек қабул қилинган. Скобелев уездининг бутун аҳолиси оёққа турган, черков майдонида эркаклар, аёллар, болалар, барча сартлар ва руслар бири-бирига аралашган. Рус кўмондонлари қандайдир тантанали кийим кийиб, кўшинидаги кўп сонли аскарлари билан Мадаминбекнинг байрам майдонидан ўтишини кутиб ўтиришди.

Ҳатто парадда қатнашган ҳар бир оддий фуқаро нима учун руслар Мадаминбекни осонликча қабул қила олмаслигини тушуниши мумкин эди. Чунки Мадаминбекнинг маҳаллий аҳолидан ташкил топган аскарларида тартиб-интизом ниҳоятда кучли эди. Отларнинг устида узун костюм ва ҳар хил ажойиб либослар кийган, тишларигача қуролланган, патрон кўкрагига диагонал осилган, милтиғи кўлида кўплаб одамлар парад авангардлари сифатида ўтгандан сўнг ниҳоят 100 га яқин одам ҳаммаси тўқ яшил тор кардиганлари ва кенг, кўзни қамаштирувчи оқ кўзичоқ қалпоқлари билан Мадаминбекнинг кўриқчилари, кейин эса усти ошланган тери либосида (жуда безакли зийнатланган отда) Мадаминбекнинг ўзи бутун улуғворлиги билан ҳақиқий шарқона типда ўтиб кетишди. Мадаминбек парадда пайдо бўлиши билан оломон орасида олқишлар ва хурсандчилик ҳайқириқлари бошланди. Мадаминбек-

¹ Вилфорт (11). 324-бет; Вилфорт шартнома матнининг ўзбек турк тилида ёзилган нусхасини ҳам нашр этган. Шартнома матнига қаранг: Шарқ юлдузи. 1991. №3. – Б.181 – 182. Куйбишев тинчлик шартномаси имзолангандан сўнг шартнома матнининг 1 – 4-бандларини олиб ташлашни талаб қилди. Шунингдек, «Мадаминни секин-аста содда, итоаткор одамга айлантириш керак», – деб кўрсатма берди. Қаранг. Шониёз Дониёров. Мадамин Бек ким эди? // Ёшлик. 1991. №4. – Б.29.

дан кейин оқ қалпоқли махсус кўриқчиларининг иккинчи қисми отлари билан парадда ўта бошлади, сўнгра отлиқ аскарларнинг битмас-туганмас гуруҳлари ўтишди. Буларнинг нақшинкор чарм қалпоқлари, ақлли кўзларидаги қатъият уларнинг душман билан ҳар қандай жангга бир лаҳза ҳам иккиланмасдан киришишга тайёр эканликларини кўрсатиб турарди. Руслар бу тинимсиз одамлар оқимидан ҳайратда қолдилар. Ҳарбий отрядлар, бири бошқасидан кўра мукамалроқ янги отлиқ бўлинмаларнинг ҳаммасини инсон кўзи кўрадиган жойда тўплашнинг иложи йўқ эди.

Сулҳ шартномасини тасдиқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида Мадаминбек қасамёд қилиш маросимини ўтказди. У жуда ихчам ва қисқа нутқини аввал ўз тилида, кейин рус тилида баён этди (Бу нутқ советлар томонидан ҳали ҳам эълон қилинмаган – Б.Х.). Парад охирида рус кўшинлари совет байроқлари билан ўтаётганида Мадаминбек улар билан расмий саломлашди. Шу тариқа узоқ йиллар давом этган, халқни тинимсиз ташвишга солиб келаётган даҳшатли қонли тўқнашувлар ҳеч бўлмаганда ташқи кўринишда ўз ниҳоясига етганини белгилаб берувчи жараён якунланди. Ярим тунгача бозорда гавжумлик ва фаолликни кўриш мумкин эди. Чойхоналар гавжум бўлиб, Мадаминбек тарафдорлари мусулмон аскарлари сифатида қурол-яроғларини ўзлари билан сақлашга рухсат берилгани учун ўз қуроллари билан руслар билан ёнма-ён тинч ва осойишта ўтирадиган жойга айланди».¹ Мадаминбекнинг совет кўшинлари билан имзолаган сулҳ шартномаси, табиийки, кўрбошиларни ҳайратда қолдирди. Чунки Мадаминбек Туркистондаги озодлик

курашчиларининг сардори ҳисобланарди. Мадаминбекнинг тўғридан тўғри қўмондонлиги остида бўлган баъзи кўрбошилардан ташқари барча кўрбошилар Мадаминбекнинг бу ишидан ҳайратда қолишди, бундан жуда хафа ва норози бўлишди. Шунинг учун Мадаминбек бу шартнома матнининг оқибатларидан чуқур хавотир ва кўрқувга тушади, чунки шартноманинг 3-моддасида Мадаминбек совет ҳукмронлигини ҳар хил ички ва ташқи душманлардан ўз кўшинлари билан ҳимоя қилишга ваъда берган эди. Шу фактнинг ўзи кўрбошини хавотирга солиб кўрқитади. Чунки Мадаминбек кўрбошиларнинг кучли ва заиф томонларини жуда яхши билар эди. Кўрбошилар татар бригадаси каби Мадаминбек ҳам рус қуроллари билан қуролланганидан сўнг ўз жангчилари ва қуролдошларига қарши жанг қилишидан кўрқишади. Бошқа томондан, баъзи кўрбошилар Мадаминбекнинг руслар билан сулҳ шартномасини имзолашдан асосий мақсади қурол-яроғ сотиб олиш, ўз жангчиларини қизил армия таркибига киритиш, сўнгра қизил армияни ичкаридан ёриб ташлаш тактикасини қўллаш учун рози бўлгандек ҳаракат қилмоқда деган фикрда эдилар. Бу охириги фикр мутлақо нотўғри ва мантиқий асосга эга эмас эди. Чунки советлар барча эски босмачиларни бирин-кетин текширувдан ўтказганларидан сўнг улардан алоҳида янги бўлинма тузиб, шундан кейингина уларни босмачиларга қарши курашга киритади. Мадаминбекнинг ўзига содиқ кўрбошилар билан ҳам маслаҳатлашмасдан туриб миллий курашнинг йирик намояндаси сифатида душманларга таслим бўлиши, кўпчилик кўрбошиларнинг фикрича, озодлик курашига хиёнат эди.

¹ Вилфорт (11). 272 – 273-бетлар.

Мадаминбекнинг бу хатти-ҳаракати, шубҳасиз, барча озодлик курашчилари орасида умидсизлик ва катта саросимага сабаб бўлди.

Бошқа томондан, советлар Мадаминбекнинг ўз қўшинлари билан қизил армия томонига ўтишига шубҳа билан қараган. Мадаминбек Скобелев шаҳрига тантаналар билан келганида ҳам Кужело ўзининг отлиқ бригадаси билан қалъа яқинида тўлиқ қуролланган ҳолда кутиб турарди. Мадаминбек ва 3500 га яқин жасур йигитларининг шаҳарга кириши муносабати билан берилган зиёфатдан сўнг Фарғона fronti штабидан ўз жангчилари билан Тошлоққа чекиниши тўғрисида буйруқ олади: «Бундан мақсад собиқ мусулмон армиясини совет мусулмонлари бригадасига айлантириш эди».¹ Мадаминбекка Тошкентга бориш буюрилади ва Мадаминбек у ерда совет маъмурлари билан нима ҳақида гаплашгани ҳозирча маълум эмас. Тахминларга кўра, Мадаминбек шўро ҳукумати билан шартнома тузиб, Шермухаммадбек ҳузурига бориб, уни ва сафдош қўрбошиларини советлар билан сулҳ шартномаси тузишга кўндириши мумкин деган фикр пайдо бўлган. Дарҳақиқат, советларнинг бу талабини бажариш учун Мадаминбек казак интернационал бригадасининг 3-полки сиёсий комиссари Сергей Сухов билан (бу полк Мадаминбек қўшинларининг асосини ташкил қилиши керак эди) бирга (босмачиларга қарши урушда у жуда муҳим роль ўйнаган) ва унинг беш нафар ватандоши ҳамроҳлигида ўзларини ҳимоя қилиш учун 24 аскардан иборат отлиқлар гуруҳи билан ҳаракат қилади. Бироқ гу-

руҳ Шермухаммадбек қароргоҳига етиб бормай туриб қўрбоши Холхўжа озодлик курашчиларининг қаршилигига дуч келади. Мадаминбекнинг гуруҳи, эҳтимол, қўрқувдан ваҳимага тушиб озодлик курашчиларига қарата ўт оча бошлайди. Шундай қилиб, «тинчлик миссияси»дан уруш миссияси пайдо бўлади. 1920 йил 14 майда Мадаминбек Учқўрғондаги Томоша қишлоғига етиб боради. Холхўжанинг қўшинлари уни учратганда унга илиқ муносабатда бўладилар, сўнг Мадаминбек Шермухаммадбекка етиб олиш учун рухсат сўрайди. Холхўжанинг йигитлари бунга йўл қўймайдилар ва унинг олдини тўсмоқчи бўладилар, шундан кейин комиссар Сухов Холхўжанинг йигитларига қарата ўт очади. Мадаминбек қўриқчилари ва Холхўжанинг аскарлари ўртасида ўзаро отишма бўлади. Холхўжанинг йигитлари бўлган воқеани бошлиқларига айтиб беришади ва Холхўжа Мадаминбекни ҳибсга олишни буюради. 1919 йилдан бери Мадаминбек ва Холхўжа ўртасида келишмовчиликлар мавжуд эди. Холхўжа Мадаминбекнинг қўмондонлиги остидаги қўшинда қўрбоши бўлган вақтида Мадаминбек уни ахлоқий бузуқлик (аёлларга ишқибозлик, ҳаддан ташқари ичкиликбозлик, алоҳида мусулмонларнинг шахсий мулкани зўрлик билан тортиб олиш) жинояти учун 4 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилганди. Мадаминбекнинг Холхўжа қўлида бўлганлиги ундан қасос олиш учун зўр имконият эди. Мадаминбек ва Сухов 1920 йил 14 майда қатл этилган.² Мадаминбекнинг совет қизил армияси билан сулҳ шартномаси тузиб, кейинроқ ўлдирилгани кўплаб мишмишларга сабаб

¹ Марк Польковский (191). 122-бет.

² Батафсил маълумот учун қаранг: Мирзо Азимий. Туркистондаги «Босмачилик» ҳаракати даврдан бир хотира (қўрбоши Мадаминбек қандай қилиб ўлдирилган эди?) // Ёш Туркистон. 1993. №41. – Б.6 – 21. Алихонтўра. Оқ сут берган Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 15.11.1991: «Мадаминбек билан тузилган тинчлик шартномаси ва ундан кейин унинг ўлдирилиши советларнинг хийла-найранг тузоғи эди». Мирзо Азимий Мадаминбекнинг Холхўжа томонидан ўлдирилганини айтади.

бўлади. Улардан бири – тинчлик шартномаси имзоланган бўлса ҳам, большевиклар унга ишонишмаган, бундай фитналар уюштириб, унинг ўлими ҳақида турли тахминларни тарқатиб, жанжал чиқаришга ҳаракат қилишган. Ўша қайғули кунларнинг гувоҳи Мирзо Азимий (бу тахаллуси, асл исми номаълум – Б.Х.) воқеаларни қуйидагича ҳикоя қилади: «Большевиклар Муҳаммадаминбекни ўлдириш йўлини қидираётган эди. Ниҳоят уни ўлдиришнинг йўлини топдилар: Шермуҳаммадбекка унинг хузурига Афғонистон амирининг вакили сифатида бир афғон юборилгани аниқланиб, Муҳаммад Аминбек уни тутиб, большевиклар қўлига топшириш учун келгани ҳақидаги хабарни унга етказдилар. Улар, шунингдек, бундай учрашув большевиклар ва Шермуҳаммадбек ўртасида сулҳ шартномасини тузиш учун баҳона бўлишини билдирадилар. Шу сабабдан Муҳаммад Аминбекка ишонган ҳолда уни жазоламаслик керак эди».¹ Бу совет агенти томонидан тўқиб чиқарилган ёлғон хабар бўлиб, Шермуҳаммадбек Мадаминбекнинг келишидан умуман манфаатдор эмас эди. Буларни Мирзо Азимий Хонободда бир афғоннинг оғзидан эшитган эди.

Мадаминбек Холхўжа қўлида ўлдирилгандан сўнг советлар озодлик учун

курашувчилар ва халқ орасида Мадаминбекнинг Шермуҳаммадбек томонидан ўлдирилганлигини қаттиқ тарғиб қилишди. Бундан мақсад, бир томондан, Шермуҳаммадбекнинг обрўсига путур етказиш бўлса, иккинчи томондан, кўрбошиларнинг йигитлари (Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек тарафдорлари) ўртасида келишмовчиликни келтириб чиқариш бўлган. Советлар Шермуҳаммадбек Мадаминбекни ўлдирган деб даъво қилишса-да, улар бирор далил ёки воқеага алоқадор бирорта гувоҳни кўрсатишмайди. Марк Поликовский каби баъзи ёзувчилар Шермуҳаммадбек Мадаминбекни хиёнатда айблаганини, Водилдаги қаршилиқ ҳаракатларида Шермуҳаммадбек Мадаминбекни топшириқларга мажбурлаганини, бу тўқнашувда Мадаминбекнинг бошига ўқ тегиб ҳалок бўлганини даъво қилади.² Бундай сохта даъволар ҳам совет тарғиботининг яхши намунасидир. Шермуҳаммадбекнинг хотираларида³ Мадаминбек таслим бўлгандан сўнг икки вакилни (Нурмуҳаммадбекнинг қайнотаси Йўлдошбой ва Абдулқодир) Шермуҳаммадбекнинг хузурига юборганини ёзади. Шермуҳаммадбекнинг гувоҳлигига кўра, ҳар икки вакил ҳам Мадаминбек руслар билан сулҳ тузиб, Тошкентга кетган, сўнг Марғилонга

¹ Etherton (132). 167-бет: «He (Madamin) had been invited by Sher Muhammed to a banquet, in the course of which he was seized and forthwith beheaded, an example not only of the treachery underlying mutual dealings amongst Central Asians but of the improbability of success in any combination requiring a public spirit and subordination of self-interest to the common welfare». Эзертоннинг фикри нотўғри. Шермуҳаммадбек Мадаминбекни таний олмаган, шу сабабли уни зиёфатга таклиф қилиб, кейин бошини кесиши мумкин эмас. Эзертоннинг ушбу ғоялари агентлар баъзан иш берувчиларига ёлғон гапиришларини кўрсатади.

² Марк Поликовский. Водилда учрашган икки кўрбошининг даъвоси ҳақиқатни акс эттирмайди. Иккала кўрбоши ҳам бир-бирлари ҳақида яхши гапирган. Мадаминбек Водилга эмас, Учкўрғоннинг Томоша қишлоғига келади. Совет манбаларида Мадаминбекнинг ўлими ҳақида турли қарама-қарши маълумотлар берилганлиги учун Мадаминбекнинг ўлими сабаби ва вафот этган куни ҳақидаги маълумотларда чалкашликлар келиб чиққан. Бу борада Али Бодомчи «Turkestan zwischen Russland und China» (277-бет) номли китобининг бир қисмида Мадаминбек вафот этган санани 1920 йил 9 апрель деб кўрсатади, бошқа қисмида эса Мадаминбек вафот этган кунни 1920 йил 14 май деб тўғриланган. Дарҳақиқат, Мадаминбек 1920 йил 14 майда ўлдирилган.

³ Шермуҳаммадбек. Эсдалик (Бедри Ҳожант бу хотирани ўз оғзидан тинглаб ёзган). Нашр этилмаган. – Адана, 1968. 72-бет. Унинг бу воқеа ҳақидаги хотираси менинг шахсий архивимда мавжуд. Шермуҳаммадбек хотирасида Мадаминбекнинг ўлдирилганини биринчи марта Карбувада эшитганини эслатиб ўтади. Шу ўринда қоровул бўлиб хизмат қилган Сайиф қори ва Лутфуллох Махсумнинг Мадаминбекни ўлдиришганини, кейин Бухорога қочиб кетишганини билади. Шермуҳаммадбек Мадаминбекни ўлдирган деган даъвони қатъиян рад этади. У большевиклар ташвиқоти эди. Шермуҳаммадбек аниқлаган бу маълумотни Фарғона водийсидаги озодлик учун курашда қатнашган кўплаб сиёсий муҳожирлар ҳам тасдиқлайди. Қаранг: Али Бодомчи (170). 311 – 313-бетлар.

қайтиб, ҳозир ҳам ўша ерда экан деган. Бундан ташқари, вакиллар Мадаминбек Қўқондан Эргаш қўрбоши ва Олтиариқдан Тоқи қўрбошини Марғилонга тинчлик музокаралари ўтказиш учун даъват қилганини, Мадаминбек Шермуҳаммедбекни руслар билан сулҳ шартномаси тузиш учун кутиб олишини билдиришади. Шермуҳаммедбек бу таклифга жавоб бермайди. Айни вақтда, Шермуҳаммедбек укаси Нурмуҳаммадбекдан Учқўрғон, Новқат ва Кўкча аҳоли пунктлари унинг назорати остида эканлиги ҳақида хат олади. Нурмуҳаммадбек ҳам ўз мактубида Мадаминбекнинг руслар билан сулҳ шартномаси имзолаганини айтади. Қолаверса, Нурмуҳаммадбек ўз мактубида Карбувадан ўн беш оила ва Шермуҳаммедбекнинг оиласи ҳам руслар қўлига тушгани, Тошлоқдаги қамоқхонага кўчирилганини етказди. Нурмуҳаммадбек Мадаминбек жойлашган Марғилон шаҳрига ҳужум қилмоқчи бўлиб Шермуҳаммадбекдан рухсат беришини сўрайди. Шермуҳаммадбек эса Марғилон шаҳрига бевақт ҳужум уюштиришга қарши бўлади. Шермуҳаммадбек Карбува атрофида Мадаминбек қизил армия билан озодлик курашчиларига қарши курашаётгани ҳақидаги хабарни олади. Кейинроқ Мадаминбек Шермуҳаммадбек билан сулҳ музокаралари учун йўлга чиққандан сўнг йўлда Холхўжа қўрбошининг йигитлари томонидан асир олинади. Холхўжа Сайиф қори ва Лутфулла Махсум исмли икки кишига Мадаминбекнинг ёнида бўлиб уни кузатиб туришни тайинлайди. Кейинроқ Шермуҳаммадбек бу икки киши Мадаминбекни ўлдириб Бухорога қочиб кетганидан хабар топади. Шермуҳаммадбек ўз хотираларида Муҳаммад Аминбекни ўтмишдаги хизматлари учун катта меҳр билан кутиб олганини,

кейинроқ Афғонистонга кетишига ёрдам берганини айтади. Шермуҳаммадбек Мадаминбекни жуда яхши кўрган ва ҳурмат қилган бўлиб, Афғонистонга кетганидан кейин у билан учрашиш имконига эга бўлмаган. Мадаминбекнинг миллий кураш майдонларидан чекиниши ва ўлдирилиши қизил армиядан бошқа ҳеч кимга фойда бермаган. Қизил армия 1920 йилнинг баҳорида биргина Фарғона водийсида 60 000 дан ортиқ аскарга эга бўлса ҳам, мусулмонлар қаршилигини синдира олмай барча қўрбошилар билан бирин-кетин «сулҳ шартномаси» тузишга ҳаракат қилган. Кураш водийнинг ҳар бир сантиметригача; тоғларига, текисликларига, қишлоқларига ва шаҳарларигача тарқалган. Шундай қилиб, на совет аскарлари, на мужоҳидлар бир он бўлса ҳам курашишдан тўхташмаган. Қизил армия ва миллий курашга қаршилик кўрсатганларнинг таъминот масаласи навбатдаги катта муаммога айланди. Совет аскарлари деҳқон аҳолисидан нима топса, олиб кетишди. Савдолашиш ёки келишув натижасида товламачилик шаклида, албатта. Шундан сўнг одамлар озиқ-овқат маҳсулотларини яшира бошладилар ва қизил армия тузоқлар ёки босмачиларнинг ҳужумидан қўрқиб уйларни кўп ҳам талон-торож қила олмади. Шу сабабларга кўра қизил армиянинг ҳарбий маъмурияти қўрбошилар билан сулҳ шартномаси тузишни афзал кўради. Совет маъмурияти Мадаминбек билан олиб борилган сулҳ музокаралари ва натижада имзоланган келишувга кўра босмачиларни мусулмон ҳудудларининг ҳукмдори сифатида расман тан олади. Мадаминбек тинчлик шартномасини имзолаганидан кейин унинг унвони «Мусулмон қўшинлари бош қўмондони»га ўзгартирилади.

1920 йил ёзида 30 000 дан ортиқ жасур йигитлар совет босқинчиларига қарши ҳаракат қилаётган эди.¹ Мадаминбек шўролар сафига қўшилган бўлса-да, қизил армияга қарши ўзларини ютқазган деб ҳисобламаган, аксинча, ғалаба қозонгандек таассурот қолдирганини кўрсатади. Шу муносабат билан Москва-нинг Туркистондаги муҳим вакиллари-дан бири Георги Сафаровнинг 1920 йил май ойида айтган «Туркистонда ҳақиқий совет ҳукмронлиги ҳақида гапириш мумкин эмас»² деган гапларини яхшироқ тушуниш мумкин. Бу гап ҳақиқатдир. Қўрбошиларнинг бир қисми; Парпи қўрбоши 1920 йил февралда³, Раҳмонкул 6 мартда, Йўлчи 8 мартда⁴ совет томонига таслим бўлади. Бироқ буларнинг ҳеч бирини совет қўшинларининг Фарғонада ғалаба қозониши деб талқин қилиб бўлмайди. Мағлубиятга учраган ёки таслим бўлган қўрбошилар советларга қарши жанг қилмаслик шарти билан ўз қўшинларини тарқатмасдан сақлаб қолишга муваффақ бўлган ва керак бўлса уларни босмачиларга қарши ишлатиш мажбуриятини ҳам олишган. Шунинг учун ҳам совет ҳарбий маъмурияти ўзининг собиқ душманлари кайфияти ва ҳолатини доимий назоратда ушлаши керак бўлади. Аммо бу йўл советлар учун ноаниқ ҳамда анча мушкул йўл эди.

Иккинчи мудрофаа дивизияси қўмондони Мадаминбек йигитларидан 4 та отлиқ полк ташкил қилмоқчи бўлади. Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Мадаминбек таслим бўлганидан кейин унинг қўшинини қуролсизлантирмай, аксинча, турк бригадаси ос-

тида алоҳида ҳарбий қисм сифатида қолишига рухсат беради.⁵

Одатда, бир полкнинг 1800 – 2000 аскардан иборат эканлигини ҳисобга олсак, Мадаминбекнинг йигитлари 7200 – 8000 кишидан кўп бўлиб, шунча жасур аскар советлар сафига қўшилганлиги маълум бўлади. Совет ҳарбий маъмурияти ушбу «совет босмачилари»дан (бу тушунча совет манбаларидан олинган ва ҳозиргача кўплаб совет манбаларида ишлатилади) озодлик курашчиларига қарши фойдаланишни буюради. Бу «совет босмачилари»нинг кўпчилиги бу қарорни бажаришга норозилик билдирдилар, айниқса, Мадаминбек ўлдирилгандан кейин совет армиясига қарши қатъий қаршилиқ кўрсатдилар. Мазкур қаршиликка қарши совет ҳарбий маъмурияти 1920 йил апрелдан июнгача ушбу «совет босмачилари»ни қуролсизлантиришга ҳаракат қилди. Шунда Мадаминбек қўмондонлигида жанг қилган жангчилар бошқа мусулмон қўшини Шермуҳаммадбек қўшинларига қўшила бошлайдилар.⁶

Фрунзенинг ўзи 1920 йил 26 майда қўрбоши Охунжон Нурмат полкини қуролсизлантириш ҳақида буйруқ берди. 1919 йил 21 июнь куни Охунжон ўзига бўйсунган Ҳожи Қипчоқбой, Мулла Даврон Бўтаёр,



М.В.Фрунзе

¹ Поляков Ю.А. (181). 44-бет.

² Зевелев А.И. Историография советского Туркестана. – С.45.

³ Джалилов Ш. Борьба с басмачеством в Ходжентском уезде (1918 – 1923). – Душанбе, 1968. – С.58.

⁴ Никишов (167). 72-бет.

⁵ Гинзбург (190). 191-бет.

⁶ Боевой путь (137). 120 – 121-бетлар.

Мулла Маҳмуд Али, Мулла Умир Али, Улуғ Хўжа, Мирза Тоға, Мадмуса Саркор, Юсуфжон, Жўрабой Хўжа ва Дадабува Артакбарлар билан биргаликда қизил армия билан сулҳ шартномасини имзолади. Кейинчалик бу қўшинлардан совет полки тузилади. Охунжон полки Украинада жанг қилиши ҳақида қарор қабул қилинади, аммо Охунжон бу буйруқни бажаришни истамайди. Охунжон кўрбошилар билан боғланиб, уларнинг ёнига қайтишга ҳаракат қилади, лекин вазиятни сезган советлар ундан тезроқ ҳаракат қилиб 1920 йил 26 майда Охунжон ва унинг тарафдорларини қамоққа оладилар. Охунжон яна босмачилар олдига қочишга муваффақ бўлади, лекин унинг полки совет армияси билан биргаликда Мадаминбек қўшинларига қарши жанг қилган.

Совет армияси 1919 – 1920 йилларда Фарғона водийсида катта йўқотишларга учради. Йўқотишлар миқдори ошкор этилмаган. Шу нуқтаи назардан, Россия ҳеч қачон урушда қанча рус ҳалок бўлганлиги ҳақида аниқ маълумот келтирмаганлигини эсга олиш керак. Шунга қарамай, Туркистон fronti қўмондонини 1920 йил 8 февралда барча европаликларни (русларни назарда тутаяди – Б.Х.) ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида буйруқ¹ бергани боис қурбонлар сони анча кўп бўлса керак деган фараз пайдо бўлади. Бу буйруқ дарҳол амалга оширила бошланади ва шу билан совет қўшинлари сафи янгидан тўлдирилади.

1919 йил охири ва 1920 йил бошида Фарғона водийсида озодлик учун курашувчиларга қарши учта қизил армия бригадаси (Кужело бригадаси; 7-отлиқ бригада ва татар бригадаси) ва битта

дивизия (2-мудофаа дивизияси) кураш олиб борди. Мужоҳидлар Зарафшон водийси ва Хоразм худудида курашни давом эттирдилар. Совет аскарлари зирҳли техника, самолёт каби замонавий қурол-яроғларга эга бўлсалар ҳам, мужоҳидлар қаршисида ўзларини кучсиз ҳис қилишарди. Бу ҳақиқатни совет ҳукумати Туркистон комиссиясининг раиси, Россия Компартияси Марказий Комитети ва Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси бўлган З.Ш.Элиаванинг 16 апрелдаги маърузасидан ҳам тушуниш мумкин. Элиава ўз ҳисоботида шундай дейди: «Фарғона водийсидаги совет ҳукмронлиги – қуруқ гап. Коммунистик тузилма катта зарар келтирди. Фарғона вилоятидаги барча совет ва партиявий сиёсатнинг погроми (Советский и партийный погром) ўз самарасини йўқотса керак».²

Совет маъмурияти ҳам ўз дастурларини тўлиқ амалга ошира олмасликдан кўрқарди. Шу сабабдан ҳам советлар ўз рақибларига қарши ҳужумларда жуда шафқатсиз бўлдилар. Кўрбоши Раҳмонқул 1920 йил 28 апрелда 2800 нафар йигитлари билан ҳужумга отланди. 1920 йил 16 – 17 май кунлари Учқўрғон ва Водилдаги тўқнашувларда Шермуҳаммадбек, Холхўжа ва Омон Паҳлавон қўшинлари совет қўшинларини мағлубиятга учратадилар. Айни пайтда, Муҳиддин, Исломқул, Раҳмонқул, Оллоёр, Эшмат Бойвачча, Исроил, Ёрмат Махсум ва Баёстон қўшинлари ҳужумларини кучайтирадилар. Совет полки йўқ қилинади, бирорта ҳам одам тирик қолмайди. Совет қўшинларининг мағлубиятлари Туркистон fronti қўмондонини хавотирга солади. Шунинг учун 1920 йил 15

¹ Будянский Д. М., Жантуаров С.Б. Великая Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Киргизии (1917 – 1920 гг.). – Фрунзе, 1957. – С.263 – 264.

² Д.Д.Зуев (39). 44-бет.

майда М.В.Фрунзе Фарғона водийсидаги 2-мудофаа дивизияси командирига қуйидаги буйруқни юборади: «Учқўрғон ва Водилда бўлиб ўтган воқеалар шуни кўрсатадики, босмачилар совет ҳукмронлигини қабул қилиб, қизил армия сафига қўшилган бўлсалар-да, баъзилари бизга хиёнат қилиб ўз ҳужумларини давом эттиришди. Шу боис советлар ҳукмронлиги хавфсизлиги ва манфаатларига доимий таҳдид солувчи босмачиларни бутунлай йўқ қилиш, Фарғонада одатий ҳаётни тиклаш мақсадида қуйидаги кўрсатмаларни бажаришни буюраман:

«1. Босмачи тўдаларининг қолдиқларини зудлик билан йўқ қилиш учун қатъий ҳарбий операциялар ташкил этилиши керак.

2. Шунинг учун қуйидаги чораларни кўриш керак: а) Худудда босмачиликнинг тарқалиши ва униб чиқишига асос бўлган Учқўрғон, Балиқчи, Новқат, Шаҳрихон каби йирик қишлоқлар кучли гарнизонлар билан ишғол қилинади; б) Фаол операцияларни бажара оладиган кучли бўлинмалар тузилади.

3. Жанг майдонларида ва уруш пайтида ўзингизнинг бардошлилигингиз, қатъиятингиз ва қарор қабул қилиш қобилиятингизни исботлайсиз. Душман раҳбарлари билан ҳар қандай музокара тақиқланади.

4. Маҳаллий халқ уларни вайрон қилган босмачиларнинг пасткашлиги ҳақида билиши керак. Бундан буён ҳарбий ҳокимият аниқ, қатъий ва тушунарли чора-тадбирлар билан босмачиликни йўқ қилиш учун ҳужумларини бошлаганини жамоатчиликка етказиш орқали уларни тинчлантириши керак.

Кимки босмачилар билан алоқадор бўлса ёки улар билан сафдош бўлса, у

халқ душмани ва қароқчи ҳисобланиб, халқ кўз ўнгида қатл этилади. Босмачиларга ёрдам берадиган ёки қўллаб-қувватловчи ҳар қандай шахс ёки жамоа қаттиқ жазоланади.

5. Собиқ босмачи қўшинларининг советларга содиқлигига заррача шубҳа туғилса, дарҳол қурол-яроғи олиб қўйилади. Қуроллари олиб қўйилган бўлинмаларнинг аскарлари Тошкентга олиб келинади. №1787.

Туркистон фронти қўмондони: М.Фрунзе,

Туркистон фронти инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси: Ибрагимов

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари: Благовещенский».¹

Босмачиларни кўрганда дарҳол ўлдириш ва босмачилар билан алоқада бўлганларни жазолаш тўғрисидаги бу буйруқ совет ҳарбий бўлинмаларининг нақадар шафқатсиз бўлганлигини тушуниш нуқтаи назаридан жуда муҳим баёнотдир. Мужоҳидлар бу буйруқни эътиборга олиш билан бирга қизил армия қароқчиларнинг ёпиқ гуруҳидан бошқа нарса эмаслигини ҳам билишарди. Бундай буйруқлар мужоҳидларни кўрқитиш ўрнига уларнинг жанговар руҳини ошириб, курашни давом эттириш хоҳишини янада кучайтирди.

Фарғона водийсидаги кўрбошилар 1920 йилнинг ёзига қадар Мадаминбекнинг ўрнига ислом қўшинлари бошлиғи сифатида раҳбарлик қила оладиган ватанпарвар, жасоратли, жанговар тажрибага эга бўлган, ҳарбий ҳаракатларда ўзини кўрсатган кишини танлаш билан банд эди. Натижада кўрбошилар 1920 йил июнь ойида Шермуҳаммадбекни мужоҳидлар гуруҳларига бошлиқ этиб сайладилар. Шермуҳаммадбек сайла-

¹ Фрунзе М.В. Собрание сочинений. Т.1. – Тошкент, 1929. – С.128.

нишидан олдин ҳам жамоатчилик, ҳам кўпчилик кўрбошилар орасида таниқли шахс эди. Ҳожи Маҳмуд Али Хожадан озодлик кураши учун икки милтиқ совға олган бу янги озодлик йўлбошчиси 1919 – 1920 йилларда тахминан 65000 дан 70000 гача бўлган отлиқ қўшини билан советларга қарши курашни давом эттирди. Шермуҳаммадбекнинг отаси Қўқон хонлиги қўшинида зобит бўлиб хизмат қилган Қўшоқбек 36 ёшида русларнинг Қўқонга ҳужуми пайтида хонликни ҳимоя қилган аскарлар қаторида бўлган ва 1913 йили Маккадан ҳаж зиёратидан қайтиб келаётганида Қримда вафот этган. Қўшоқбекнинг беш ўғли: Шермуҳаммадбек, Тошмуҳаммадбек, Тожмуҳаммадбек, Рўзимуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек озодлик курашида қатнашган.

Шермуҳаммадбек 1917 йил 17 август куни Марғилоннинг Карбува қишлоғига (Марғилонга туташган катта қишлоқ бўлиб, ўрта асрлардан буён диндорлар зиёрат қилиб келган) 7 нафар нуфузли арбоблар, жумладан, руҳонийлар билан бирга келади ва халқни бир жойга тўплаб, советларга қарши курашда унга байъат қилишларини сўрайди, халқ эса Шермуҳаммадбекка байъат бериб, у учун дуо қилади.

1917 йил 18 августда 9 нафар мард йигит¹ халқ ҳуқуқлари учун курашга қасамёд қилади. Бу 9 жасур киши келажакда Шермуҳаммадбек кўмондонлигида тузиладиган буюк ва қудратли ислом қўшинининг биринчи пойдеворини ташкил этади. Шермуҳаммадбек 1918 йил май ойида кўрбоши Эргаш амир ул-муслимин этиб сайланганида ҳам танилган ва кўрбоши Эргашнинг иккинчи ёрдамчиси (Мадаминбек биринчи ёрдамчиси) бўл-

ган. Шермуҳаммадбекнинг доврўғи 1919 йил охиригача бутун минтақага тарқалди ва у афсонавий кўрбоши деб атала бошлади. У халқ тилида Шермуҳаммадбек, Шермат, совет адабиётида эса Кўр Шермат деб юритилади (Шермуҳаммадбекнинг кўзида бироз ғилайлик бор, шунинг учун руслар уни Кўр Шермат деб аташади). 1920 йилда Шермуҳаммадбекдан ташқари кўрбоши Омон Паҳлавон, Муҳиддин (қирғизчада Муеддин) ва Холхўжа машҳур бўлди. Муваффақиятга эриша олмагани учун тинимсиз мудофаа урушларини олиб борган совет ҳарбий отрядлари ўз аскарларини кўрқитмаслик учун 1920 йилда Фарғона водийсидаги босмачилар сони 15000 нафарга яқин деган маълумотни тарқатишган.² Фарғона водийсида озодлик учун курашувчилар сони шунчалик кам бўлган бўлса, шунча аскар ва қурол-аслаҳа (отлиқ дивизион, пиёдалар дивизияси), зирҳли транспорт воситалари, зирҳли поездлар, самолётлар, тўплар ва автоматлар билан советлар томонидан қўллаб-қувватланадиган Фарғона frontiдаги (1918 йилдан Фарғона fronti деб атала бошлаган) озодлик жангчиларига қарши жанг қилишлари шарт эмас эди. Буларнинг барчаси миллий курашни бостириш учун етарли эмас эди. Бундай вазиятда М.В.Фрунзе совет ҳарбий отрядларини қўллаб-қувватлаш учун Оқтубадаги «қизил инқилобчилар» дивизиясини Фарғонага кўчиришга мажбур бўлди.

Шермуҳаммадбек, Холхўжа ва Омон Паҳлавон бирликлари 1920 йил май ойида Бозоркўрғон, Кўрғонтепа, Қўқон қишлоқ ва Избосканни 2-мудофаа дивизиясидан (254 отлиқ, 700 та пиёда, 8 та пулемёт, 2 та тўп ва зирҳли техника-

¹ Шермуҳаммадбекдан бошқа йигитларнинг исмлари қуйидагича эди: Тожмуҳаммадбек (у 40 ёшда эди), Рўзимуҳаммадбек (38 ёшда), Нурмуҳаммадбек (20 ёш), Қорабойбек, Қўшмуродбек, Мулла Хотам (20 ёш), Эргашбек (30 ёш), Асқарбек ва Дардоқбек (20 ёш).

² Никишов П.П. (1967). 83-бет.

дан иборат) мудофаа қиладилар. Совет полклари озодлик учун курашувчиларни ўз позицияларидан улоқтириб юбора олмайдилар. Бироқ 1920 йил июнь ойининг охирида озодлик курашчилари ўз позицияларини ташлаб, Қорадарёнинг ўнг томонидаги порт ҳудудларига чекинишга мажбур бўладилар. 1500 аскардан иборат Холхўжа ва бошқа қўрбошилар қўшинлари 1920 йил 3 июлда Бозорқўрғон ва Ойим аҳоли пунктларини эгаллаб оладилар. 1920 йил 4 июлда Қорадарёнинг ўнг қирғоғидан Андижон шаҳри ва Андижон-Наманган темир йўл линиясига ҳужум қилишади. Шермуҳаммадбек қўшинлари Марғилон-Андижон ва Андижон-Наманган ўртасидаги темир йўл линиясини ишдан чиқариб, Холхўжа аскарлари билан бирга Андижонни эгаллаш учун Хонободга тўпланишади. Совет ҳарбий маъмурияти бу хавфни ўз вақтида сезади ва татар бригадаси билан мужоҳидларга қарши ҳужумга ўтади. Шермуҳаммадбек ва Холхўжа Карбува ва Аравонга чекинишга мажбур бўлдилар. 1920 йил 10 июлда Шермуҳаммадбек қўшинлари ва татар бригадаси ўртасида тўқнашув бошланди. Бу жангда озодлик курашчилари Чинобод ва Балиқчига чекинишга мажбур бўлди.

Қизил армиянинг 15-отлиқ полки чекинаётган мужоҳидлар ортидан эргашди. 1920 йил 13 июлда Шермуҳаммадбек ўз қўшинлари билан Асакага келади. Маълумки, совет қўшинлари ва озодлик курашчилари ўртасида 1920 йил 28 апрелдан 1920 йил 21 июлгача 42 та тўқнашув юз беради, 30 июнда Аравонда, 5 июлда Файзободда, 10 июлда Карбувада, энг қонли ва шиддатли тўқнашувлар 1920 йил 14 июлда Андижон-Ўш ва Жалолобод атрофида бўлади. Бу жангларда озодлик курашчилари 1-Фарғона отлиқ полки, татар бригадаси, 1-қора қирғиз

отлиқ бригадаси, 15-отлиқ полки ва 2 та зирхли взводга қарши жанг қилишлари керак эди. Шермуҳаммадбекнинг 2000 кишилиқ бўлинмаси 1920 йил 14 июлда Асакада жанг қилиши керак эди, бироқ кейинчалик Ниёз Ботир ва Оқбўйра томон чекинишга мажбур бўлган бу бўлинма хавфдан омон қолади.

Шермуҳаммадбекнинг бирликларини совет қўшинлари (4-пиёдалар бригадаси, битта отлиқ бригада ва 15-отлиқ полк) мувофиқлаштирилган ҳолда таъқиб қилишади.



Э.Ф.Кужело

Томонлар ўртасида 1920 йил 16 июлда Бештом қишлоғида тўқнашув бўлади. Шермуҳаммадбек жанг майдонида катта талафот кўрган (бу тўқнашувда 1300 дан ортиқ йигити шаҳид бўлган), омон қолган жангчилари билан янги тўқнашувларда қатнашиш учун Дўрманчи қишлоғига чекинишга мажбур бўлади. У ердан Оққўрғонга чекинишга мажбур бўлган Шермуҳаммадбекни таъқиб қилиш учун Кужелонинг отлиқ бригадаси (машхур интернационал бригада) тайинланади. Шермуҳаммадбек аскарлари қисқа муддатли тўқнашувдан кейин бу ердан жўнаб кетишади. Шундан сўнг совет қўшинлари яна Шермуҳаммадбекнинг изини топа олмайдилар. Советларнинг 1-отлиқ бригадаси ва қора қирғиз отлиқ полкига Шермуҳаммадбекни таъқиб этиш тайинланди, ammo бу бўлинмалар бу борада ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмади.

Шермуҳаммадбек жуда тез ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлиб, янги жангчилар топиб, қўшинларини кучайтириш

учун тоғли худудлардан паноҳ излашга мажбур бўлган. Кейинчалик М.В.Фрунзе совет қўшинларининг муваффақиятсизликлари ҳақида қуйидагиларни айтади: «Рақибларимиз биз билан очиқ ва кенг кўламли жангларга кириша олмади. Ўраб олиш ҳақида гап кетганда улар кичикроқ бўлинмаларни тузишга муваффақ бўлдилар ва худудни яхши билганлари учун бизнинг бўлинмалардан осонгина қочиб, изларини йўқотдилар.

Фарғона ҳарбий маъмурияти томонидан амалиётлар давомида қуйидаги хатоларга йўл қўйилган, олдинга жишлар ва тунги тўхташ ва дам олиш вақтида зарур кузатув, ахборот тадбирлари ўтказилмаган. Бунинг натижасида қўшинларимиз тўсатдан душманга тўқнаш келганда душманларимиз нима қилишимиз мумкинлигини ва турли маневрларимизни табиий равишда башорат қилишлари мумкин эди, шунинг учун улар бизга қарши ғалаба қозонишлари ва хатоларимиз бизга катта талафотлар келтириши мумкин эди. Биз йўл қўйган яна бир катта хато тарқаб кетган, мағлубиятга учраган ва ўз тўдаларидан ҳайдалган рақибларимизнинг тинимсиз таъқибига эътибор бермаслик бўлди. Бунинг натижасида босмачилар бошқа аҳоли пунктларида бемалол яшириниб, биз кутмаган вақтда бизга ҳужум қилишди».¹

Совет ҳарбий маъмурияти учун одамларнинг ҳалок бўлиши муҳим воқеа эмас эди. Улар Туркистонда русларнинг ҳукмронлигини таъминлаши мумкин бўлган ҳар қандай усулни қонуний ҳисоблашган. Шу сабабдан ҳам халққа, ҳам озодлик курашчиларига қарши ҳар хил тазйиқ воситаларини ишга солишган. Бунга оддий мисол қилиб М.В.Фрунзе-

нинг 1920 йил 23 мартдаги Туркистондаги барча отларни фронтда фойдаланиш учун мусодара қилиш ҳақидаги буйруғини кўрсатиш мумкин. Бу буйруққа кўра халқнинг насли отлари мусодара қилиниб, ҳарбий қабулхоналарга келтирилади. Ҳарбий отрядлар ва советларнинг маъмурий марказлари қўмондонлари, ўргатилган ёки ўргатилмаган бўлишидан қатъи назар, Туркистоннинг барча отларини тортиб олиш учун бир-бири билан рақобатлашарди. Советларнинг бу радикал чораси вақт-вақти билан мужоҳидлар билан шўролар ўртасида тўқнашувларни келтириб чиқарарди, чунки отлар мужоҳидлар учун ҳарбий ва транспорт воситаси эди. Отлари бўлмаса, мужоҳидлар тез ҳаракатланиш имкониятини бой бериб, жанг пайтида ҳужумга ўта олишмас ва жанг майдонидан тезда чекинишга мажбур бўлишарди.

Тўғри, совет ҳарбий отрядлари марказдан етарлича қурол-яроғ ва ўқ-дори-лар билан таъминланар эди. Бироқ мужоҳидларга қарши ғалаба қозонишлари учун «қурол тили» етарли эмас эди. Шунинг учун қизил армиянинг ҳарбий маъмурияти биринчи навбатда миллий қўзғолонга қарши курашда қизил гвардиячиларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш керак деб ҳисобларди. Маълумки, қизил гвардиячиларнинг маҳаллий аҳолига муносабати чидаб бўлмас даражада эди. Бу муносабат минтақадаги совет ҳукмронлиги учун катта хавф туғдирди. 1920 йил 23 майда М.В.Фрунзе қизил армия қўшинларига фронтдаги янги хатти-ҳаракатларни белгилайдиган буйруғини топширади. Янги қоидалар белгиланган буйруқ матни қуйидагича:

¹ Никишов П.П. (167). 87-бет.

«Фарғона fronti қўшинларига буйруқ!

Ўртоқлар! Икки йилдан ортиқ Туркистоннинг дурдонаси бўлган Фарғона қонли урушлар содир бўлган майдонга айланди.

Бу икки йиллик давр мобайнида Россиянинг бошқа ҳудудларида ва Туркистоннинг бошқа жойларида содир бўлган фуқаролар уруши ишчилар синфининг катта ғалабаси билан яқунланган бўлсада, минтақада уруш жадал суръатларда давом этмоқда. Бунинг сабаблари бу ерда бошқача ривож топган инқилобий ҳаракатлардир. Афсуски, Фарғонадаги совет ҳукмронлигининг илк вакиллари ишчилар синфи билан ҳеч қандай муносабатда бўлмагани ва ўзлари ҳам бу синфга мансуб бўлмагани учун ўлка меҳнаткашларини ўз атрофига тўплай олмади. Маҳаллий совет маъмурлари ўз ҳукмронлиги даврида ишчилар синфидан узоқлашиш учун қўлларидан келганини қилдилар, шу тариқа европалик ва маҳаллий ишчи ва деҳқонларнинг бирортасини, жуда катта ва хилма-хил бўлган жамиятни ўзига жалб эта олмадилар (Изоҳ: Бу европалик деҳқон ва ишчилар деб аталганлар нафақат Фарғонада, балки бутун Туркистонда ҳам ҳукмрон эдилар – Б.Ҳ.).

Бошқарув ходимлари эса ўзларининг ифлос ишларини қилиш учун жой излаётган шахслар билан тўла эди.

Маҳсулотларни миллийлаштириш (яъни давлат тасарруфига ўтказиш) ўрнига нафақат буржуазия, балки ўрта табақа вакилларининг моллари ҳам очикдан-очик талон-торож қилинди. Мусулмон камбағалларини бойлардан ҳимоя қилиш ўрнига камбағалларни ҳар хил хўрликларга дучор қилдилар. Бу ҳудудларда ҳаракат қилаётган қизил армия бўлинмалари инқилобни ва

ишчилар синфини ҳимоя қилиш ўрнига, аксинча, уларга қарши қуроли босим билан яқинлашди. Буларнинг барчаси натижасида босмачилар деб аталадиган ҳаракат пайдо бўлди. Босмачилар шунчаки ўғрилар (разбойники) эмас, агар улар ўғрилар бўлса, уларни йўқ қилиш осон бўларди. Йўқ, босмачилар асосини ташкил этувчи минглаб одамлар аввалдан ўзга кучларнинг ҳукмронлиги ва хўрлашидан чарчаган ва уларни бошқа ҳеч ким ҳимоя қила олмагани учун босмачи номи билан ўзини ҳимоя қилишга уринган одамлардир. Бу одамлар босмачиларга илгари ҳеч қачон топа олмаган ёрдам ва кучни берадилар. Шундай қилиб, улар мусулмон халқига ёрдам қўлини чўзадилар.

Марказий Россия билан алоқанинг тикланиши натижасида Туркистонда мавжуд бўлган тартиббузарликларни йўқ қилиш учун қизгин ҳаракат бошланди. Маъмурий ходимлар таркибидан жой олишга эришган қароқчиларнинг барчаси тугатилади. Хуллас, Туркистондаги бундай ҳолат туфайли совет қўшинларида тартиб таъминланади. Халқ бу чора-тадбирлардан дарҳол хабардор бўлади ва яна совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш йўлига ўтади.

Озодлик курашига катта куч ва таъсир кўрсатган босмачилар сардорлари бу ўзгаришларни ўз вақтида англаб, маъқулладилар, шунинг учун совет ҳукмронлигини қабул қилдилар. Халқ яна тинч кунларни бошдан кечириши учун босмачиликни йўқ қилиб, ҳудудни улардан озод қилиш вақти келди.

Қолаверса, Фарғона халқимизни кийим билан таъминлашимиз учун зарур бўлган пахта ва заводларимизнинг асосий юк омбори эканлигини унутмаслигимиз керак. Ўртоқлар, қизил гвардиячилар, булар сизларнинг вазифангиз.

Бу вазифалар ташқаридан кўринганидек осон эмас. Вазифанинг қийинлиги душманни ҳарбий куч билан мағлуб этиш эмас. Бу биз учун унчалик ҳам қийинчилик туғдирмайди, ҳақиқий қийинчилик бу миллионлаб меҳнаткаш мусулмон халқига босмачилар душман, уларга қарши курашиш муқаддас бурч эканини ҳар томонлама тушунтириш ва босмачиларга қарши ишчилар синфини қўллаб-қувватлаш зарурлигини тўғри етказа билишдадир. Сизнинг социалистик ватанингиз бу буйруқларни бажаришингизни кутмоқда.

Шунинг учун мен қуйидагиларни буюраман:

1. Фронтнинг барча бўлинмалари – қизил гвардиячилар, командирлар ва комиссарлар босмачи тўдаларининг қолдиқларини имкон қадар тезроқ тозалаш зарурлигини тушунишлари керак.

2. Душманларга қочиш ва яшириниш имкониятини бермасдан ҳарбий операциялар жасорат ва қатъият билан давом эттирилиши шарт.

3. Ҳар бир бўлинма командири ўзига яқин бўлинмадан ёрдам чақируви келганда ўзаро ёрдам ва ҳимоя қилиш учун онгли равишда ҳаракат қилиши зарур.

4. Маҳаллий халқнинг бегуноҳ ишчилар синфига қардошларча муносабатда бўлиш ва уларни ҳар хил хавфлардан қутқариш лозим.

5. Маҳаллий халқдан олинган мол-мулк ва бошқа нарсалар яна ўз эгаларига қайтарилади ёки мусодара қилинган молнинг қийматига тенг миқдорда бадал эгаларига тўланади. Агар буларни амалга оширишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда бирликлар кўмондони ва комиссари томонидан имзоланган ҳужжат асосида мулк эгасига берилади.

6. Маҳаллий вазият туфайли кузатув вазифалари ва разведка вазифаларини эътиборсиз қолдирмасдан, масъулият билан амалга ошириш керак.

7. Қайд этилган қарорга риоя қилмаслик социалистик инқилобга хиёнат ҳисобланади ва ҳарбий қонунлар билан жазоланади.

Туркистон fronti қўшинлари кўмондони: Михаил Фрунзе».¹

Юқорида тилга олинган буйруқларнинг энг муҳими совет ҳарбий маъмуриятининг босмачиларнинг қароқчи эмаслигини тан олишидир. Туркистон халқига қарши икки йилдан ортиқ шафқатсиз уруш олиб борган совет маъмурияти энди қизил армияга маҳаллий халққа «биродарларча муносабатда бўлиш» ҳақида кўрсатма бераётган эди. М.В.Фрунзе ўз буйруғида «босмачиларнинг қолган қолдиқларини зудлик билан тозалаш» ҳақида гапирган ўша пайтда миллий кўзғолон Фарғонада ўзининг энг юқори чўққисига чиққан эди. Бу буйруқ озодлик курашчилари эмас, аксинча, қизил армиянинг ўзи зolim, талончи ва қароқчи эканлигини исботлаши билан ҳам аҳамиятлидир. Албатта, Россияга пахта керак эди, шунинг учун қизил армия Туркистонни босиб олиш учун шафқатсизларча кураш олиб боради. Бу буйруқда нафақат қизил армия зиммасига Туркистонда янги тузум, яъни коммунизм ўрнатиш вазифаси қўйилганлигини, балки Россия Туркистонда талон-торож қилиш йўли билан ўз мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамламоқчи эканлигини яққол кўриш мумкин.

Маълумки, туркистонликларнинг бир қисми 1918 ва 1919 йилларда совет армияси хизматида бўлишган. Бироқ бу

¹ М.В.Фрунзе (158). 313 – 315-бетлар.

одамлар совет маъмурлари ва қизил армия билан ишлаганларида ҳам советлар ҳақида жуда ёмон таассуротга эга эдилар. Урушдан олдин, уруш пайтида ва урушдан кейин қизил армия аскарлари ярадор ва асирларни жойида отиб ташлаб, қишлоқларга ўт қўйиб, қизлар ва аёлларни зўрлаб, масжидларни кўнгилочар марказ ва казармаларга айлантириб маҳаллий халққа нисбатан ёмон муносабатда бўлишганига гувоҳ бўлганлар. Совет ҳарбий отрядларининг маҳаллий халққа нисбатан бундай хатти-ҳаракати советларга хизмат қилаётган туркистонликларнинг қизил армия сафини тарк этишига сабаб бўлади. Шундай шароитда Андижон шаҳар инқилобий кўмитаси раиси Султонбек Тўхтабеков ва шаҳар ижроия кўмитаси раиси Латифжон Содикбоев 1920 йил май ойининг охирида ўз лавозимларини тарк этиб, озодлик курашчилари сафига қўшиладилар ва вафот этгунларича, 1923 йилгача ўзларининг олдинги иш берувчиларига қарши курашадилар.

Фрунзе 1920 йилнинг ёзида қизил армия ҳаддан ташқари кўп сонли аскарлар ва қурол-яроғларга эга бўлишига қарамай, нима учун Фарғона водийсида сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ожиз эканини тушуна олмайди. Совет маъмурлари эса халқ ишончини таъминлашда ижобий натижага эришмайди. Фрунзе босмачиликни қурол билан тугатиш учун ҳаракат қиларди. Бунга эришиш учун 1920 йил 12 июнда Еттисувдан Фарғонага 4 та полкни (2 отлиқ ва 2 та пиёда полки) кўчиришни ва улар етиб келган заҳоти жангга киришишини буюради. У 1920 йил 25 майдаёқ Ленинга телеграмма йўллаган. Унда шундай дейил-

ган: «Фарғонада босмачилик олови тўлқин-тўлқин бўлиб ёйилмоқда... Шунинг учун мен сизларнинг эътиборингизни фронтга ҳарбий ёрдам кўрсатиш зарурлигига қаратмоқчиман. Фарғонада барча воситалар, жумладан, Туркистон fronti кўмондонлик дивизияси ҳам сафарбар қилиниб, жанг майдонларида кураш олиб борилмоқда. Қатъий ва аниқ чоралар кўриш энди заруратга айланди».¹ Фрунзе 1920 йил 15 майда Туркистон fronti таркибидаги Фарғона фронтига алоҳида аҳамият қаратади.

1920 йил 30 майда совет ҳарбий отрядлари Пешқўрғон, Заркент ва Нанайда 4 та пулемёт ва 2 та тўп билан кўрбоши Соли Махсум, Омон Паҳлавон ва Отақўзига ҳужум қилади. Бу жангда мужоҳид кўшинларининг кўп қисми йўқ қилинган, қолганлари Қўқон шаҳри атрофига чекиниб, ўша ерда курашни давом эттирганлар.

Совет ҳарбий маъмурияти ўлкада қисман муваффақиятларга эришганига қарамай, босмачилар олдида ўзини кучсиз ҳис қилар эди. Шу сабабли улар босмачиларга қарши курашнинг ҳар хил усулларига мурожаат қилишди. Туркистон fronti кўмондони Фрунзе 1920 йил 24 майда «Фарғона мусулмон халқига даъват» номли хабарнома чиқариб, бир томондан, мусулмонларни тинчлантиришга ҳаракат қилса, иккинчи томондан, уларга таҳдид қилишни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Буни унинг халққа қарата йўллаган хабарномасидан тушуниш мумкин:

«Мусулмон биродарлар! Биз, совет ҳукмронлиги вакиллари, қонга ботган қишлоқ ва шаҳарларда яшовчи сизларга ёрдам беришга сўз берамиз. Нега босмачи тўдаларининг ҳукмронлиги

¹ Иноятов Ш. История гражданской войны в Узбекистане. – Ташкент, 1972. Т.2. – С.119.

узоқ давом этди? Нега халқ бу қароқчиларни тўхтатиш учун зарур бўлган ишни қила олмади? Бу борада Фарғонадаги совет ҳукмронлиги асосий айбдор эканлигини афсус билан айтаман. Фарғонадаги совет ҳукмронлигининг илк вакиллари ва ташкилотчилари, афсуски, юксак ғояларни амалга оширишда ўз имконият ва мавқеларидан унумли фойдалана олмадилар, меҳнаткаш ишчилар оммасига яқинлашиш ўрнига улардан узоқлашишни афзал билдилар. Дастлабки совет қўшинлари ишчилар ва деҳқонлар синфи олдидаги масъулиятини ҳис қилмай, фирибгарлик ва ўғирликлар қилдилар. Энг муҳими, халқнинг совет ҳукмронлигига бўлган ишончини йўқотдилар. Натижада халқ орасида босмачиликни совет ҳукмронлигидан ўзларини ҳимоя қилиш қуроли сифатида кўриш ғояси тарқала бошлади. Бундан буён босмачилик ҳаракати халқ душмани саналади ва аёвсиз йўқ қилинади. Бу қарор совет ҳукмронлиги номидан, ҳукумат томонидан қабул қилинган ва Туркистон fronti қўмондонли сифатида менга бу вазифани тезроқ бажариш вазифаси юкланган. Шу билан бирга, шўро ҳокимияти ҳукмронлигининг асосий манбаи бўлмиш сизларни бу ҳокимият (ҳукумат) ортида туришга ва шу тариқа босмачиликка чек қўйишга чақиради. Қароқчиларни имкон қадар тезроқ йўқ қилиш учун барча зарур чоралар кўрилади. Ҳар бир қишлоқ ва тумандаги барча босмачилар зудлик билан қуролсизлантирилади ва уларга ёрдам берган одамлар дарҳол қамалади. Босмачилар номидан жосуслик қилганлар дарҳол қамоққа олинади. Босмачига ҳар қандай йўл билан ёрдам берган одам шафқатсизларча отиб таш-

ланади. Ким босмачиларга овқат берса, улардан бирини яширса ёки бошқача ёрдам берса, асирга олинади ва дарҳол отиб ташланади. Энди сабримиз қолмади, қуролли золимлар эса кўздаги ёшларга қарамай ўлдирилади» (муаллиф томонидан қўштирноқ ичида киритилган – Б.Ҳ.).¹

Бу хабарнома 20 000 нусхада чоп этилган ва халқ орасида тарқатилган.

Мазкур хабарномада Фрунзе қизил армия халқни, унинг мол-мулкни талон-торож қилганини, натижада халқ совет ҳукмронлигидан ҳимояланиш учун босмачиларга қўшилганини тан олади. Айни пайтда, Фрунзе Россиянинг босмачилар ва уларнинг сафдошларини иккиланмасдан ўлдиришига қатъий қарор қабул қилганини билдирган. Фарғона қудратли қизил армия қаршисида таслим бўлмаганди.

Совет Россиясининг қизил армияси билан ўша даврдаги озодлик курашчилари ўртасидаги урушлар жуда кенг миқёсда ва шафқатсизларча олиб борилганлиги барча совет манбалари ва хабарларида акс эттирилган. Мазкур тўқнашувларда нафақат совет Россиясининг бошлиқлари, балки қўмондонлари ҳам катта йўқотишларга дуч келади. Фрунзе Москвадан доимий ёрдам олиши мумкин эди, аммо кўрбошилар бошлиқлари қаердан ёрдам олишлари мумкин эди? Босмачиларнинг ҳеч бирида давлатдан қурол ва ўқ-дори сотиб олиш имконияти йўқ эди. Советлар томонидан ўжарлик билан такрорланган босмачи раҳбариятининг Афғонистон, Бухоро амирлиги ва Буюк Британиядан ёрдам олгани ҳақидаги гаплари ҳақиқатдан мутлақо йироқдир. Совет ва Британия манбаларидан ташқари бошқа

¹ М.В.Фрунзе (158). 320 – 322-бетлар; Д.М.Будянский (206). 310-бет.

ҳеч бир мамлакат манбалари бу даъволарни тасдиқламайди. Дарҳақиқат, ҳам мусулмонлиги, ҳам Туркистондаги ягона мустақил ва бой давлат сифатида кўз олдимизга келадиган Бухоро амирлиги на Фарғона водийсидаги, на Мачо воҳсидаги озодлик курашчиларига ёрдам беришни истади. Бу даҳшатли ҳақиқатни Шермуҳаммадбекнинг хотираларидан билиб олиш мумкин: «Афғонистон худудига кириш йўллари Бухоро амирлиги чегаралари орқали ўтади. Бухоро амирлиги уруш ҳолатида эмас эди. Шунга қарамай, Россия ҳукуматига ҳар хил ёрдам кўрсатиб Афғонистон билан алоқамизни узиб қўйган эди. Мен бир неча мард йигитлар билан Қоратегин амирининг ҳузурига бориб, Афғонистонга ўтишга рухсат беришини сўрашга қарор қилдим. Илгари унга Мулла Тошпўлат раислигида вакиллик (1920 йил июль) юборган эдим. Вакиллик билан юборган мактубимда амирдан мусулмон ва турк халқимизнинг аянчли аҳволини тушуниб, бизга ёрдам беришини илтимос қилдим. Мен ҳам Фарғонадаги 10 000 аскаримни, зарурат туғилса, улар кўмондонлиги остига ўтказишга тайёр эканлигимни айтдим. Амир бу аскарларни керак бўлса қуроллантириб, хоҳлаган жойида ишлата оларди, бунинг эвазига бизнинг ягона тилагимиз Афғонистонга ўтиш учун рухсат олиш эди. Амир Олимхон эса менга ёрдам бериш ўрнига Мулла Тошпўлат бошчилигида юборган вакилларни ҳибсга олади. Бироқ Афғонистоннинг Бухородаги элчиси Абдул Шукурхон кўмагида вакиллик

аъзолари қамоқдан озод қилинади ва август ойида бизга қайтиб келишади».

Фарғона водийсидаги кўрбошилар гапига кўра, амир рус ҳукуматининг кўғирчоғи бўлган. 1919 – 1920 йиллар орасида миллий кураш ҳаракати амир ҳузурига уч марта келиб, ундан ёрдам сўрайди. Олдига келган вакилларнинг дастлабки иккитасини қабул қилмаган амир 1920 йил май ойида учинчи вакилликни қабул қилади. Вакиллик миллий курашнинг сўнгги ҳолати ҳақида маълумот бериб, ундан ёрдам сўрайди. Шундан сўнг амир бош вазирга вакиллик билан учрашишни буюради. Бироқ вакиллик қабулхонадан чиқиб кетгунга қадар ўн нафар аскар келиб, вакилликнинг беш аъзосини калтаклай бошлаган. Вакиллик аъзолари советларга қарши бош кўтарганлар тўдаси аъзолари бўлганлиги сабабли аскарларга уларни ҳушини йўқотгунча уриш буюрилганди.¹ Бу вакиллик аъзолари босмачилар вакиллари эканлигини амир қаердан билди? Амирнинг рус сиёсий разведкаси билан ўта шахсий ва яқин алоқалари борлигини ҳисобга олсак, бу маълумотни амирга Бухородаги рус вакиллари берган бўлиши мумкин.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Туркистон fronti Москвадан доимий ёрдам олиб турган. Фрунзе 1920 йил май ойида Россия Бош штабига телеграмма йўллаб, унда аввал келган руслар маҳаллий халқни ҳар соҳада таҳқирлаб, уларнинг мулкани тортиб олганлари асосланиб, халқнинг янги келган русларга ҳам ишонмаслиги акс эттирилган. Сўнгра

¹ Фарғона водийсидаги озодлик курашининг фаол аъзоси, шунингдек, Бухоро амирига юборилган кўрбоши вакиллик аъзоси ўшлик Муҳаммад Аминжон Сулаймон 1951 йил июлида Қоҳирада Бухорода бошидан кечирганлари ҳақида шундай дейди: «Нури жаҳон унвонига эга бўлган амир бизни ўз ҳузурига қабул қилишини 5 кун кутдик. Шунда сарой хизматчиси амир ҳузурига диққат қилишимиз керак бўлган одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатди. Бошловчи айтган қоидага кўра, биз амирдан 5-6 метр нарида тиз чўкиб, секин унга яқинлашиб, таъзим қилишимиз ва унга саломатлик тилашимиз керак эди. Шундагина биз уларга тилақларимизни еткази олардик. Вакиллик бошлиғи Мавлоно Ҳожи Тўхтасинбойнинг Фарғона водийсидаги озодлик курашининг аҳволи ҳақида маълумот бериш ва амирдан ёрдам сўраш учун бор-йўғи 20 дақиқа вақти бор эди. Амир сизнинг муаммоларингизни бош вазир ҳал қилади дейиш билан кифояланди».

Туркистон frontiдаги ўз қўшинларининг ҳарбий кучини ва қўмондонлигидаги бригадалар сонини кўрсатади:

– Тажан-Чоржўй жанговар чизигидан 1 пиёда бригадаси;

– Марв чизигидан захирадаги пиёда дивизияси;

– Карки-Сарой линиясидан 1 бригада;

– Когон-Нукус чизигидаги пиёдалар бригадаси;

– Самарқанд вилоятидан захира, отлик ва пиёда дивизияси сифатида;

– Фарғона ва Сирдарё вилоятларидан 1 та отлик ва пиёда дивизияси;

– Еттисув вилоятидан 1 та отлик ва 1 та пиёда дивизияси.

Кўриниб турибдики, Фрунзе қўмондонлигида 1920 йил май ойининг охирида 5 та отлик ва 5 та пиёда дивизияси, шунингдек, 4 та мустақил бригада мавжуд эди. Фрунзенинг фикрича, бу миқдордаги ҳарбий куч Туркистон fronti эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаган. Шунинг учун у ўз қўмондонлиги остига 40 та пиёда батальон ва 40 та отлик ротани қўшимча куч сифатида ўтказишни Россия олий қўмондонлигидан сўрайди. Бундан ташқари, Фрунзе томонидан зирҳли транспорт воситалари, самолётлар ва телеграф линиялари каби эҳтиёжлар ҳам билдирилган бўлиб, совет манбаларида Россия олий қўмондонлиги томонидан бу эҳтиёжлар қай даражада қондирилганига аниқлик киритилмаган. Бу сўровларни билдирар экан, Фрунзе маҳаллий халқ ҳақида қуйидаги эътирофларни айтади: «Бизнинг маҳаллий аҳолидан жанговар бўлинмалар яратиш бўйича уринишларимиз ҳозиргача муваффақиятсиз бўлди ва, менимча, келажакда бунга умид боғлаш тўғри бўлмайди».

Миллий курашнинг бостирилмагани Туркистон fronti қўмондонини анча

безовта қилади. Бир томондан, босмачиларни минтақадан бутунлай суриб чиқариб ташлаш тўғрисида тинимсиз буйруқ юбориб турган Фрунзе, иккинчи томондан, совет қўшинларининг жанг майдонларида устунлик қила олмаслигини кўриб янада хавотирга тушади. Фрунзе совет қўшинларига 4 кун ичида (23 майдан 28 майгача) 2 та буйруқ юбориши керак эди. Унинг 28 майдаги буйруғи қуйидагилардан иборат:

«Фарғона fronti қўшинларида босмачиликни йўқ қилиш тўғрисидаги буйруқ.

1920 йил 28 май.

Фарғонада босмачиликни йўқ қилиш учун минтақадаги барча кучлар катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириши зарур. Олой водийси, Томоша қишлоғи ва бошқа ҳудудлардаги босмачилар штабига қарши қуруқлик отрядлари юборилиши керак. Бу ҳудудларда ҳамон майда тўдалар мавжуд бўлиб, халқнинг тинч-тотув яшашига тўсқинлик қилмоқда. Бу жинойий гуруҳлар қаерда бўлмасин, уларни йўқ қилиш муҳим. «Босмачи» сўзини Фарғона водийси халқи тилидан бутунлай чиқариб ташлаш керак. Ишчи ва деҳқонларни захарлайдиган хиёнаткорларнинг бошини халқнинг ўзи эзиб ташлаши керак.

Шу муносабат билан мен қуйидагиларни буюраман:

1. Қуруқлик взводлари фақат муҳим деб топилган гуруҳларга қарши операцияларда қўлланилади ва бу взводлар бизнинг рақибларимизнинг ҳарбий ҳаракатлар давомида ўз хатти-ҳаракатлари ва қатъиятлари билан қайта тўпланишига имкон бермайди. Тўдаларга қарши урушда барча маҳаллий кучлар, шунингдек, қуруқлик корпуси фаоллашади. Шунинг учун Фарғона ҳарбий округлар ва туман округларига бўлинади.

2. Босмачилик ҳаракати қизғин бўлган худудларда жойлашган шаҳарқишлоқлардаги аҳоли пунктларини қўриқлаш вазифаси юклатилган партия аъзолари (коммунистлар), касаба уюшмалари (бирлашмалар) аъзолари ва совет маъмурлари таркибидан туман ҳарбий комиссарлари розилиги билан имкон қадар тезроқ махсус бўлинмалар тузилсин.

Ҳозирча зудлик билан тузилиши керак бўлган қўшинлардаги ҳарбий фаолиятни давом эттириш учун имкон қадар тезроқ ўқитилиши керак. Бу махсус бўлинмаларнинг умумий тайёргарлиги ҳарбий мураббийлар томонидан амалга оширилади. Бу қисмлар ҳарбий комиссарлик омборларида захирада сақланаётган қурол-яроғ ва техника билан жиҳозланади. Агар бу қуроллар эҳтиёжни қондириш учун етарли бўлмаса, маҳаллий бўлинмаларнинг мавжуд қуролларини кучайтириш орқали камчиликлар бартараф этилади. Қуроллар миқдори тўғрисида аниқ ҳисоб юритилиши керак. Қуроллар фақат шу муносабат билан тарқатилади. Ҳимояга тайинланган одамларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида фронтдаги мавжуд кийимлардан 1000 дона кийим-кечак берилади.

3. Юқорида тилга олинган ҳарбий округ ва бўлинмаларни бошқариш ваколати мартаба бўйича энг катта шахсга берилган. Бошлиқлар (ҳарбийлар) округ ва бўлинмаларга раҳбарлик қиладилар. 2-дивизион командири маҳаллий аҳолининг транспорт воситаларидан эркин фойдаланиши мумкин (доимий эмас, фақат уруш материаллари жўнатилганда).

4. Маҳаллий халқдан танлаб олинадиган тайёр ва ишончли одамлардан тез

ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган уюшмалар тузинг. Қуроллар 2-бандда кўрсатилганидек олинади.

5. Барча бўлинмалар бир-бири билан яқин алоқада бўлиб, душман ҳаракатлари ҳақида доимий равишда маълумот алмашадилар, шунда уларни узлуксиз кузатиб бориш мумкин бўлади. Агар керак бўлса, тўдаларни йўқ қилиш учун ҳарбий операцияларни ўз ҳарбий худудингиздан ташқарида ўтказишингиз мумкин.

6. Катта босмачи гуруҳларни йўқ қилиш бўйича дала амалиётлари бошланишидан олдин барча ташкилий ишлар яқунланиши керак. 2-дивизия командири барча ишларнинг узлуксиз бажарилиши учун жавобгардир.

*Туркфронт қўмондони: Фрунзе».*¹

Рус оқ гвардиячиларига қарши урушда қаҳрамонга айланган Фрунзе энг қатъий қарорлар қабул қилиб, тинимсиз курашиб, ўз қўшинларини марказдан энг кучли ва замонавий қуроллар билан қўллаб-қувватласа-да, босмачиларга қарши ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмади. Фарғона водийси озодлик курашчилари юқоридаги буйруқларнинг совет Россиясининг Туркистон fronti томонидан амалга оширилишига йўл қўймадилар. Совет қўшинлари 1920 йилда Хива хонлигини босиб олишдан бошқа муваффақиятга эриша олмади. Хоразмдаги совет қўшинлари қўмондони, РСФСР вакили Дубянский Хивада қўзғолон кўтарган туркманларни қуролсизлантириш бўйича ҳаракат қилади. Шундан сўнг 3000 га яқин оила Жунайидхоннинг қуролли курашини қўллаб-қувватлаш учун Қорақумга (чўл) қочиб кетади. Туркман қабила бошлиғи Кўчмамедхон совет қўшинла-

¹ Д.М.Будянский (206). 314 – 315-бетлар.

ри билан ўз сафдошларига қарши жанг қилгани учун миллий кураш жангчилари томонидан қатл этилади. Советлар билан ҳамкорлик қилган бошқа бир қабила бошлиғи Ғулом Али яна босмачилар ёнидан паноҳ топади. Советлар Зарафшон водийси, айниқса, Мачо устидан ҳукмронлик қила олмадилар. Фарғона водийсидаги қуроли курашда ҳеч ким ғолибликка эриша олмади. Босмачилар ўзларини осон енгиб бўлмаслигини исботлаб, Турк fronti қўмондонини оғир аҳволга солиб қўйишади. 1920 йил ёзида қўрбоши бўлинмаларига қарши ҳужумларни бошлаган 1-отлиқ бригадаси, 15-отлиқ полки, 1-қорақирғиз отлиқ полки, 16-қозон-татар полки, 4-татар бригадаси ва қизил армиянинг интернационал бригадаси ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди.

Шермуҳаммадбек 1920 йил 27 июлда Чинободда қўрбошилар билан учрашув ўтказди. Бу йиғилишда қўрбошилар ўз қўшинлари жанг қиладиган жанг йўналишларини белгилаб оладилар. Қолаверса, улар Андижон ва Қувасойни сақлаб қолиш учун қатъият билан ҳаракат қилишларини билдиришади. 1920 йил август оyi бошида Карбувада 4 кунлик жанг бўлади. Шермуҳаммадбек 6000 нафар жангчиси билан қатнашган жангда совет қўшинлари ғалаба қозонади. Шермуҳаммадбек бўлса бу урушда 450 дан ортиқ йигитини йўқотади. Худди шу даврда Парпи қўрбоши ва тахминан 2000 совет аскардан иборат бўлинма ўртасида тўқнашувлар содир бўлади. Парпи қўрбоши бу жангда 90 нафар мард йигити билан шаҳид бўлади. Парпи қўрбошининг ёрдамчиси урушни давом эттиради, натижада руслардан 2 та тўп ва 4 та пулемётни ўлжа қилиб олади.

Бу жанглар натижасида 2-пиёда дивизияси командири Ф.Карпов босмачи-

ларни жазолаш учун жуда кучли режа тайёрлайди. Бу режага кўра Помир тоғлари ва Бухорога олиб борувчи йўллар, Амударёнинг бир томонидан иккинчи томонига ўтиш йўллари ҳарбий отрядлар томонидан назорат қилинар эди. Уларга таслим бўлган босмачи қўшинлари Фарғонадан бошқа вилоятларга жўнатилади, тўқнашувда қўлга олинган босмачилар эса дарҳол отиб ташланади. Фрунзе ҳам бу режани маъқуллайди, режа бўйича босмачилар қаттиқ жазоланади. Бироқ Фрунзе барча муҳим аҳоли пунктларини босиб олиш ва ишғол қилинган ҳудудларда гарнизонлар ташкил этиш ғоясига қарши эди, чунки бунинг учун жуда кўп аскарлар талаб этилар эди. Фрунзе босмачиларни таъқиб қилишни янги қўшимча гарнизонлар ташкил этмасдан, кўпроқ ўқотар қурооллар ёрдамида амалга оширишни ва қўшинларнинг бор кучлари билан олдинга қараб силжишларини буюрди. Фрунзенинг асосий мақсади совет қўшинларининг бир қисмини Фарғона водийсидан олиб чиқиб кетиш ва уларни Бухоро амирлигига қарши урушда қўллаш эди.

Совет қўшинлари ҳатто йирик аҳоли пунктларини ҳам вайрон қилганига ва асирга олинган мужоҳидларни қирғин қилганига қарамай, уларнинг минтақадаги аҳволи унчалик яхши эмас эди. Шунинг учун совет ҳарбий маъмурияти янги чоралар кўришга мажбур бўлди. Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Фарғона водийсида босмачиларга қарши масъулиятни ўз зиммасига оладиган ҳамда ҳарбий ва фуқаровий бошқарув механизмини бир-бири билан уйғунлаштира оладиган ўта қатъий ва ягона марказли бошқарув механизмини ўрнатишга қарор қилади. Шу мақсадда 1920 йил 20 августда Фарғона водий-

сида ҳарбий диктатура даври бошланади. Маҳаллий инқилобий қўмита тугатилиб, барча ваколатлар ҳарбийларга ўтади. Минтақадаги барча маъмурий органлар қўшин қўмондонлари қўл остида тўпланади. Ҳарбий диктаторлар эса Туркистон fronti қўмондонларининг бевосита буйруғига бўйсунуши керак бўлади. Бу диктаторлар ҳар хил муаммоларни мустақил равишда ва ўз усуллари билан ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Фрунзе томонидан Фарғона водийсига олиб келинган ҳарбий диктаторлик тузуми босмачиларга қарши курашда қўлланилган усулларнинг сўнгги бўғини эди. Фрунзе Туркистоннинг бошқа ҳудудларидан Фарғона водийсидаги омадсизликнинг ўрнини тўлдиришга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам Фрунзе Бухоро амирлигини қўлга киритишни биринчи ўринга қўяди. Зарафшон водийсидаги озодлик курашчилари ҳам совет қўшинларига қарши кураш олиб борадилар. Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати Хива шаҳрида фақат қизил армия бўлинмаларининг кўмаги ва ёрдами билан мустаҳкам туришга муваффақ бўлади. Аммо уруш Хоразмнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этганлиги сабабли бу ҳудудларда советлар ҳукмронлигининг самараси ҳақида гапиришнинг иложи бўлмайди.

1920 йилдаги босмачилик ҳаракати нафақат совет ҳарбий бошқармасини, балки бутун давлат ва партия механиз-

мини хавотирга солади. Москва ва Тошкентдаги совет маъмурияти босмачилик давом этар экан, минтақадаги совет ҳукмронлиги бир лаҳзага ҳам хотиржам бўлмаслигини тан олади. Бу ҳақиқатни 1920 йил сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Советларнинг IX қурултойида Россия Компартияси Туркистон бюроси вакилининг сўзларидан ҳам тушуниш мумкин. Вакиллардан бири шундай дейди: «Бу ерда (Туркистонда) инглиз капиталининг ёлланма аскарлари бўлган босмачиларни йўқ қилмас эканмиз, на давлат ҳаётида, на мамлакатни советлаштиришда ҳақиқий муваффақиятга эриша олмаймиз».¹

Дарҳақиқат, босмачилик ҳаракати Россиянинг большевик режимига қарши курашда кучли омил эди. Бироқ босмачилар Британия капиталининг ёлланма аскарлари деган даъво совет маъмуриятининг ёлғон тарғиботидан бошқа нарса эмас. Босмачиларга хорижлик сармоя ёки ёрдам етиб келмагани қайта-қайта исботланган. Агар босмачилар молиявий ёрдам олган бўлганларида, минимал эҳтиёжларини қондирадиган қуроолларга эга бўлишлари ва шу билан совет ҳукмронлигини ҳеч бўлмаганда узоқ муддатга сиёсий муроСага мажбур қилишлари мумкин бўларди. Бироқ халқдан олинган молиявий ёрдам қуроол сотиб олишга етмас эди. Босмачиларнинг ҳарбий техникаси совет қўшинлари билан солиштирганда жуда кам ва эскирган эди.

¹Гориденко. Творческая роль советского государства и права социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент, 1959. – С.79.

БУХОРО АМИРЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШДА СОВЕТ РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ФРОНТИ

Инқилоб деб аталган босқин

Тошкентдаги Совет Комиссарлиги 1918 йил март ойида рус аскарларини Бухоро худудига олиб кириш орқали совет Россиясининг Бухоро амирлигига муносабатини фoш этади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, руслар бу урушдан катта мағлубият билан чиқадилар, лекин Туркистоннинг бу худудини ўз вақтида советлаштириб, ўз таркибига киритишни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Москвадаги совет рус бошқарувчиларининг асосий мақсади коммунистик тузумни Бухоро худудига олиб кириш эди. Аммо улар 1920 йилгача ўз режаларини рўёбга чиқариб совет тузумини тинч йўл билан Бухоро амирлигига олиб кира олмадилар. Бу даврда қизил армия Туркистоннинг бошқа худудларида бошланган миллий кураш ҳаракатларини бостириш билан банд эди. Маълумки, совет ҳарбий отрядлари 1919 йилгача большевизмга қарши бўлган оқ гвардиячиларни мағлуб этишга муваффақ бўлишади. Бироқ улар Туркистон миллий курашини бостиришга қодир эмас эдилар. Шунга қарамай, совет маъмурияти Афғонистоннинг Бухоро ва Туркистонда Россияга рақобатчи куч сифатида пайдо бўлишидан хавотирда эди. Уларнинг фикрича, мустақил ислом давлатининг мавжудлиги Туркистондаги антисовет кучларни ҳеч бўлмаганда маънавий жиҳатдан рағбатлантирарди. Совет армиясининг яна бир қўрқуви англизлар Бухородан база сифатида фойдаланиб совет Россиясига қарши амалда уруш эълон қилишлари мумкинлиги эди. Инглиз қўшинларининг Юқори Каспий минтақасига юришида амирлик бетараф бў-

лади. Советлар, бир томондан, иғволар, иккинчи томондан, сиёсий йўллар билан Бухоро амирлигини советлаштирмақчи эдилар. Улар Бухоро амирининг аввало Россияга, сўнгра совет Россиясига бўйсунган садоқатли хизматкор эканлигини билар, амирликда совет тузумини ўрнатиш учун зарур инфраструктура осонгина ўрнатилишига умид боғлагандилар. Шунга қарамай, амир коммунистларнинг ўз юртида халқни ғазаблантиришига йўл қўймайди. Татар бригадасининг комиссари Абдулкарим Тугаев 1919 йилнинг ўрталарида Фрунзе томонидан амирликдаги аҳвол билан танишиш, коммунистик тарғибот олиб бориш, совет тарафдорлари гуруҳини тўплаш ва уюштириш учун Фарғонадан Бухорога қочоқ сифатида юборилган эди. У 1920 йилларнинг бошларида Бухорода қамоққа олинади. Фрунзе Бухоро ҳукуматидан бу «муҳим инқилобчи ва коммунистик» арбобни озод қилишни талаб этади. Бироқ Фрунзенинг илтимоси рад этилади ва Тугаев қўйиб юборилмайди. Бу махфий топшириқнинг барбод бўлишини Туркистондаги рус ҳарбий маъмурияти катта йўқотиш деб баҳолайди. Тугаев воқеаси Фрунзе учун амирликка қарши ҳарбий чораларни кучайтириш учун яхши сабаб бўлади. Дарҳақиқат, Тошкентдаги совет маъмурияти ўз қўшинларининг 1918 йил март ойида Бухорога қарши ҳужуми ва мағлубиятини амирликни йўқ қилиш йўлидаги биринчи қадам сифатида баҳолайди. 1918 йил 26 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган Советларнинг V қурултойида Когон Коммунистик партияси раҳбари Полторацкий Бухо-

ро амирлигини йўқ қилиш мақсадини қуйидагича ифодалаган эди: «Агар биз Бухорони вайрон қилмасак, у бизни вайрон қилади. Амирликнинг тугатилишини секинлаштириш биз учун ўз жонига қасд қилиш деганидир».

Бу қурултойда Москвадаги совет ҳукуматининг вакили Ахмед Клевлев ҳам сўзга чиқиб, қуйидаги фикрларни айтди: «Мен яқинда Москвадан келганим учун марказий ҳукуматнинг воқеаларга муносабатини билдирмоқчиман. Ўртоқ Колесовнинг қизил армия билан биргаликда Бухоро ҳукумати қўшинларига қарши курашаётгани ишчи ва деҳқонлар марказий ҳукумати томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Бироқ ўртоқ Колесов Бухородан қайтгач, у ерда вазият ўзгармаганлиги маълум бўлгач, Колесов бошлаган ишни охирига етказмагани учун марказий ҳукуматнинг жавобини олади. Мана, мен ўртоқ Колесов бошлаган ишни охирига етказиш мақсадида Туркистонга қизил мусулмонлар қўшинини тузиш учун келдим».¹ Бу қўшин совет қўшинлари мустаҳкамланиб олиб, Бухорога қарши янги юриш уюштирагунича сақланиб қолади. Қўшинлар Бухорога хужум қилганидан 2 йил ўтиб, 1920 йил 30 мартда Туркистон fronti қўмондони Фрунзе ва Туркистон комиссияси раиси Элиава Бухорога келиб, амир Олимхон ҳузурида бўладилар. Фрунзе Когон-Термиз темир йўли қурилиши ва таъмирланишини таъминлаш, шунингдек, Бухорога совет валютасини киритиш ва текин фойдаланишга рухсат бериш вазифаси юкланган рус ҳарбий қисмлари сонини кўпайтиришни талаб қилишади. Бироқ амир бу тазйиқларга бош эгиш ниятида эмас эди.

Фрунзе саройни тарк этаётиб: «Амир ва советлар ўртасидаги уруш қулай вақтда бошланади»², – дейди.

Москвадаги совет маъмурияти 1919 йил февralида шундай баёнот беради: «Бухоро Ўрта Осиёдаги инқилоб тақдирини белгилаб берадиган жуда муҳим минтақадир. Бу ё аксилинқилобнинг бошланғич нуқтаси бўлади, ё Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда коммунистик инқилобга бошчилик қилади».³ Совет маъмурияти Бухорони коммунистик «инқилоб»нинг шарқий марказига айлантirmoқчи эканлигини ҳеч қачон яширмаган. Бухоро амирлиги 1918 йил март ойида имзоланган шартномага кўра мустақиллик ҳуқуқини қўлга киритган эди, бошқача айтганда, Россияга қарши мустақил ва ўзига хос сиёсат олиб бориши мумкин эди. Москва талқинига кўра, Туркистон озодлик курашчилари осонлик билан қочиб ўтадиган бу давлат улар учун рамзий маънога эга эди. Совет ҳукуматининг яна бир ташвиши инглизларнинг Бухорони ўз фаолият майдонига айлантиришга уриниши эди.

Туркистон fronti, Туркистон комиссияси, Россия Компартияси Марказий Комитетига қарашли Туркистон бюроси, Туркистон Компартияси Марказий Комитети, Халқ Комиссарлари Совети, Тошкентдаги Шарқий давлатларни тарғибот қилиш бўйича халқаро кенгаш каби барча совет расмий органлари ва советларнинг Бухородаги дипломатик ваколатхонаси 1920 йил август ойида ҳарбий хужум бошлашдан олдин барча сиёсий ва ҳарбий тайёргарликни яқунлаган эди. Ушбу тайёргарликларни қуйидаги хронологиядан тушунишимиз мумкин:

¹ Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент, 1969. – С.130.

² Б.Хайит. Sovyetrussische Orientpolitik am beispiel Turkestans. – Köln/Berlin, 1962. – P.76.

³ Жизнь национальностей: газета. 25.2.1919. №6. – С.2.

1918 йил

17 апрель. Бухородан Когонга келган сиёсий муҳожирлар раҳбарларининг йиғилишида Полторацкий раислигида Бухоро Коммунистик партияси тузилганлиги эълон қилинади.

20 апрель. Тошкентда жадид сиёсий муҳожирлар йиғилиши бўлиб ўтган. Тўпланган овозлар кам бўлишига қарамай, Бухоро Коммунистик партияси тузилади. Бир гуруҳ жадидлар Усмонхўжа Пўлатхўжа бошчилигида Ёш бухороликлар партиясини тузганлар.

25 сентябрь. Азимжон Ёқубов раислигида Бухоро Компартияси Марказий Комитети ташкил этилади. 86 кишидан иборат ислоҳотчи сиёсий муҳожирларнинг йиғилишида Ёш бухоролик коммунист-большевиклар Марказий Қўмитасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Декабрь. Россия ҳукмронлиги остидаги Когонда партия бўлими ташкил этилади.

23 декабрь. Бухоро Коммунистик партияси амирлик режимини бекор қилишни биринчи шарт сифатида белгиловчи вақтинчалик дастурни тасдиқлайди.

1919 йил

9 апрель. Туркистон Компартияси Марказий Комитети Бухоро Компартиясининг вазибаларини муҳокама қилиб, Бухоро Компартияси фаолиятини назорат қилишни Коммунистик партиянинг мусулмон бюросига юклайди.

30 май – 11 июнь. Бухоро Компартияси қурултойи 10 нафар делегат билан ўтказилади. 7 кишидан иборат Марказий Қўмита тузилади.¹

26 – 27 июнь. Бухоро Коммунистик партиясининг 2-қурултойи бўлиб ўтиб, унда Нажиб Хусайн раҳбар этиб сайла-

нади. Усмон Хўжа ва унинг тарафдорлари партия дастурига амал қилмагани учун партиядан чиқариб юборилади.

11 июль. Россия Компартияси Мусулмонлар бюроси ўз мажлисида Бухоро Компартияси ва бошқа жадидлар фаолиятига баҳо беради.

29 июль. Туркистон Компартияси Марказий Комитети яна Бухоро Компартияси масалалари билан шуғулланади. Бухоро Коммунистик партиясининг барча аъзоларига қурол тарқатишга қарор қилинади.

16 август. Бухоро Компартияси Марказий Комитети амирни куч билан ағдариш тўғрисида қарор қабул қилади.

26 – 31 декабрь. Бухоро Коммунистик партияси йигирма делегат иштирокида 3-қурултойини ўтказди. Бухоро Коммунистик партиясининг барча бўлимларида (улар амирликдан ташқарида жойлашган) инқилобий қўмиталар тузишга қарор қилинади.

1920 йил

1 январь. Туркистон комиссияси Шарқий халқаро ташвиқот кенгашини тузади. Унинг раислигига Мустафо Субҳи (совет Россияси ҳукмронлигидаги турк коммунистларининг раҳбари) тайинланади.

1920 йил бошлари. Файзулла Хўжа раислигида мақсади амирлик режимини бекор қилиш бўлган мустақил Инқилобчи ёш бухороликлар ташкилоти ташкил этилади.

14 февраль. Туркистон комиссияси Инқилобчи ёш бухороликлар ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаш масалалари билан шуғулланади. Бу ташкилотга совет Туркистони худудида фаолият кўрсатишга рухсат берилганди, шу билан бирга, моддий ёрдам кўрсатиларди.

¹ Бу шахслар: Абдулвоҳид Бурҳон – раҳбар; Усмонхўжа Пўлатхўжа – ўринбосар; Абдурауф Фитрат – котиб; Худойберди Овул – ҳисобчи; Абдулқодир Муҳитдин, Муиддин Амин ва Исақ Ағдар – аъзолар.

14 май. Шарқий халқаро ташвиқот кенгаши барча ёш бухороликларга (Бухородан кўчиб келаётган жадидларга) моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

29 май. Чоржўй гарнизони қўмондони 1-қўшин қўмондонига қуйидаги хабарни юборган эди: «Гарнизон жангга тайёр. Мен янги қўшинлар келишини кутяпман... Мен ўртоқ Лутцевич Зарембага хабар бериш учун 27 – 28 май кунлари Янги Бухорога бордим. Ўртоқ Заремба менга уруш бошланиши биланоқ амирнинг Эски Чоржўй гарнизони дарҳол қуролсизлантирилиб, бек (хукмдор), амалдорлар ва муллаларни зудлик билан қамоққа олиш ва Ёш бухороликлар қўмитаси тарафдорларини ҳокимиятни эгаллашига йўл қўймаслик кераклигини тушунтиради».

16 июнь. Бухоро коммунистларининг бошлиғи Хусайн Когондан Фрунзегга телеграмма йўллаб, уларга 1000 та милтиқ, 300 та тўппонча, 150 та бомба, 3 та пулемёт ва 3 миллион сўм юборишни сўрайди.

19 июнь. Туркистон комиссияси ёш бухороликларга (коммунистлар бундан мустасно) ҳарбий ёрдам бермасликка қарор қилади.

20 июнь. Туркистон комиссияси Шарқий халқаро ташвиқот кенгашига Бухоро Коммунистик партияси ва коммунист бўлмаган ёш бухороликларнинг фаоллигини оширишга кўрсатма беради.

22 июнь. Фрунзе раислигида Бухоро Коммунистик партияси билан бирга Когондаги Россия Коммунистик партияси ячейкаси йиғилади. Йиғилишда Бухорода инқилобни куч ёрдамида амалга оширишни бирламчи мақсад этиб белгилашга қарор қилинади.

30 июнь. Туркистон комиссияси Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши Бухоро амирлигига қарши ҳарбий

тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилади.

30 июль. Туркистон комиссияси Шарқий халқаро ташвиқот кенгашининг инқилобчи ёш бухороликлар ташкилоти билан барча алоқаларини узиб, уларга ҳеч қандай ёрдам бермаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

3 август. Туркистон комиссияси Лениннинг топшириғига кўра Бухоро Коммунистик партияси билан блок тузишга рози бўлиш шарти билан инқилобчи ёш бухороликларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Август ойининг ўрталари. Чоржўйда Бухоро Компартиясининг 4-қурултойи бўлиб ўтиб, унда Фрунзе ҳам қатнашади. Амирлик ҳукуматини ағдариш учун қуролли қўзғолон кўтаришга қарор қилинади.

16 август. Бухоро Компартияси Марказий Комитети Бухоро амирини куч билан ағдариш тўғрисида қарор қабул қилади.

25 август. Туркистон комиссияси, Россия Компартияси Марказий Комитетининг Туркистон бўлими ва Шарқий халқаро ташвиқот кенгаши қўшма мажлис ўтказди. «Амирга қарши бош кўтарган Бухоро халқи»га қурол-яроғ билан ёрдам кўрсатишга қарор қилинади.

Бухорога ҳужумга тайёргарлик кўрилган даврда, айниқса, ҳарбий соҳада олиб борилган тайёргарлик натижалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу муносабат билан Фрунзе 1920 йил 12 июлда Ленин номига қуйидаги телеграммани йўллайди: «Бухородаги аксилинқилобчилар туфайли яқин келажакда тартибни сақлаш имконсиз бўлиб қолади». Шундан сўнг у янада очикроқ қилиб тушунтиради: «Бизнинг биринчи мақсадимиз – Бухорони совет тузумига киритиш. Бу борадаги тайёргарликла-

римиз жадаллик билан давом этмоқда. Термиз ва Каркини аллақачон бизнинг гарнизонларимиз эгаллаб олган. Аслини олганда, темир йўл линияларини реконструкция қилиш учун режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун биз Қарши шаҳрида катта гарнизон ташкил этиб, ҳозирда Когон-Қарши-Карки-Термиз ва Ғузор-Чироқчи-Китоб темир йўл линияларида фойдаланмоқдамиз. Қолаверса, биз бу гарнизонни ҳарбий ҳаракатлар бошланишида биринчи ҳужум нуқтаси сифатида таъминладик». Ленин ушбу телеграммага жавоб берганми ёки йўқми, ҳозирча номаълум. 1920 йил 1 августда Фрунзе яна Ленинга телеграмма юборади: «Бухоро билан боғлиқ иккита ҳолат олдида турибмиз:

1) Мамлакатда ички инқилобий жараённи ривожлантириш ва буни қўллаб-қувватлаш;

2) Ташқаридан келадиган куч билан ҳамкорликда ичкарида инқилобни амалга ошириш.

Бухоро инқилобчилари, коммунистлари ва демократлари фаолиятининг барча томонларини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келдимки, бу ўзгаришлар ичкаридан инқилоб қилиш учун жуда секин ва фақат жуда узоқ келажакда ўз мевасини беради. Агар яқин кунларда амирликни тугатиш керак бўлса, бу ишни бизнинг кучларимизнинг бевожита иштирокида амалга ошириш тўғрироқ бўлади деган фикрдаман. Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши ва Туркистон комиссияси ҳам бу имкониятдан фойдаланишни хоҳлайди».¹

1920 йил 10 августда Россия Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюроси «Бухородаги инқилоб» юзасидан, бир

томондан, Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгашига, иккинчи томондан, Туркистон комиссиясига телеграмма орқали қуйидаги кўрсатмаларни беради:

1. Бухорода ёки Бухоро билан чегарадош Туркистон ҳудудида яшовчи рус фуқаролари ва рус ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўриш зарур, лекин бу чораларни Бухорога ҳужум қилиш ёки Бухоро ҳарбий қисмларини таъқиб қилиш деб тушунмаслик керак.

2. Ҳужум содир бўлиши мумкин бўлган тақдирда, эҳтимол, Бухоро ҳукумати ташаббуси билан зиддият юзага келган тақдирда Туркистонда, айниқса, маҳаллий мусулмонлар ўртасида жуда катта ва жадал ташвиқот ишлари олиб борилади ва бу ташвиқотда Бухоро ҳукумати, инглиз жосуслари ва инқилобга қарши бўлган русларнинг аксилинқилобий фаолияти фош қилинади ва халқ уларнинг ҳужумига зарурий жавоб беришга даъват қилинади.

3. Бундай ҳужум содир бўлган тақдирда, Бухоро чегараларига фаол равишда жойлаштириш учун кўнгиллилар ёки бошқа миллат вакилларида, аммо асосий қисми мусулмон коммунистларидан иборат ҳарбий қисм тузилади.

4. Тайёргарлик кўрганларнинг мудофаадан ҳужумга ўтиши ҳудудимизда жойлашган Бухоро инқилобий маркази биздан ҳужум қилишни талаб қилсагина бизнинг ихтиёримизга кўра мумкин бўлади. Бундан ташқари, бундан буён фақат Туркистон комиссиясининг янги аъзоларини тасдиқлаш бўйича ҳаракат қилинади.²

Ана шу фармон туфайли 1920 йил 25 августда 9 кишидан иборат Туркистон комиссияси Тошкентда мажлис ўтказа-

¹ Иноятов. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.2. – Алма-Ата, 1964. – С.513; Волобуев П.В. История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва, 1971. – С.108 – 120.

² Узбекистон ССР тарихи. Т.2. – Тошкент, 1958. – Б.187 – 188.

ди. Мажлисда Бухоро масаласи муҳокама қилинади ва 26 августда Туркистон комиссияси Марказий Комитетга телеграмма юборади. Россия Коммунистик партияси Туркистонда совет ҳукмронлигини ўрнатади. Унда Туркистон fronti бор кучи билан Бухорога ҳужум қилишга бир овоздан қарор қилинганини айтади. Яна айтилишича, Фрунзе уларга ҳарбий жиҳатдан ғалаба аниқ эканини маълум қилган. Сиёсий жиҳатдан ғалаба қилиш мақсадида Бухоро Компартияси ва Ёш бухороликлар вакиллари билан музокаралар бошланади. Айтилган пайтда, ҳарбий операцияни амалга оширадиган гуруҳларнинг 50 фоизи мусулмонлардан (асосан татар бригадалари) ташкил топгани келтирилади. Бундан ташқари, Чоржўйда минтақага таъсир ўтказиш мақсадида партия маркази ташкил этилган эди.¹

Бу орада қизил армиянинг амирликка бостириб кириш учун ҳарбий тайёргарлиги жадал суръатлар билан давом этади. Биз қуйида Бухородаги инқилоб деб аталмиш воқеанинг асл юзини, шу билан бирга, совет Россияси «инқилоб» номи остида қандай босқинчиликни режалаштираётганини аниқ очиб берадиган Фрунзенинг иккита буйруғини келтирамиз:

«Туркистон fronti қўшинларига буйруқ. №3504, Тошкент, 1920 йил 12 август, соат 11:15.

Қизил армиянинг ғарбий фронтдаги ғалабасига ва совет Россиясининг капиталистик Ғарбий Европа мамлакатларининг сулҳ масаласидан қурол сифатида фойдаланишига йўл қўймаслик истаги Англия ва Францияни кўрқитади ва уларнинг барча ҳаракатлари бизни қийин аҳволга солиб қўйишга олиб келади. Нафақат ғарбий фронт, балки Туркистон

чегараларида жамланган хавфсизлик кучларимиз ҳам рақибларимиз Эрон ва Бухоро иттифоқ тузиб, ҳаттоки Афғонистон ҳамда Фарғонада ҳали ҳам илдиизи йўқ қилинмаган босмачилар ҳаракати билан қўшилиб бизга қарши кенг қамровли ҳужум бошлаш ниятида эканликларини айтишмоқда. Бу мамлакатларнинг халқи ўз ҳукмдорлари ва ҳукуматларига итоат этар экан, энг тез фурсатда режаларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Айтилган пайтда, инқилоб бу ҳудудлардаги турли минтақаларда синовдан ўтмоқда, ҳатто баъзи минтақаларда бошланган хайрихоҳлик ҳам аниқ ҳаракатга айланади. Айтганимиз, исёнкор халқ шоҳ ҳукуматига қарши қуролли ҳужумга ўтган Эрон ва биз жуда яқин кунларда инқилоб бўлишини кутаётган Бухорода вазият анча кескин. Биз юқорида тушунтиришга ҳаракат қилган вазиятлардан келиб чиқиб Афғонистон-Эрон-Бухоро чегараларида ҳушёр бўлишимиз, доимо фаол инқилобий ҳаракат қилишдан тортинмаслигимиз керак. Бухоро аҳлининг амир ва унинг ҳукуматига қарши кутилаётган қўзғолонини амалга ошириш тўғрисида мен қуйидагиларни очиқдан-очиқ амалга оширишга буюраман:

1. Биринчи қўшин қўмондонни қўмондонлиги остида пиёда полки, текинлардан (туркман) ташкил топган отлик дивизия ва артиллерия дивизияси бўлган Чоржўй гуруҳи тузилсин.

Гуруҳ командирлигига ўз ҳамроҳлари билан 1-Туркистон дивизиясининг 3-бригадаси командири ўртоқ Никитин олиб келинсин. Ўртоқ Никитин 12 август куни соат 00:00 дан бошлаб Самарқанд гуруҳи командири ўртоқ Коноваловдан ҳаракатларга аралашув тўғрисида буйруқларни қабул қилишга масъул.

¹ Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана. Эпоха социализма. – Алма-Ата, 1958. – С.402.

Чоржўй гуруҳида 4-пиёда полки, 8-пиёда полки батальони, тўпчилар ва артиллерия дивизияси бундан мустасно:

а) Ўртоқ Қулмуҳаммедовнинг Бухоро қизил отряди;

б) Амударё флотига бириктирилган кемалар флотилияси;

в) Термиз шахри гарнизони;

г) Каркидаги гарнизон.

Ўртоқ Қулмуҳаммедов бўлинмаси фақат ҳарбий ҳаракатлардагина Чоржўй гуруҳи қўмондонлигига бўйсунди, маъмурий томондан эса бутунлай мустақилдир. Чоржўй гуруҳининг таъминот бўлими ушбу бўлинмани сақлаш ва таъминлаш учун жавобгардир. Қулмуҳаммедов бўлинмаси 14 августдан кечиктирмай 1-армия ва бригада командирларининг тўлиқ иштирокида жанг қилиш учун жиҳозланиши керак. Амударё флотига қарашли қўшинлар ҳам 14 август куни Каркига бориши керак. Бу бўлинмаларнинг бошлиғи Термиз, Карки ва Чоржўй ўртасида имкон қадар тезроқ радиоалоқа ўрнатиш учун барча чораларни кўриши керак.

Чоржўй гуруҳининг вазифалари:

Бунини махсус буйруқ билан эълон қилишимиз билан ўртоқ Қулмуҳаммедов Чоржўйнинг эски шаҳар қисмини эгаллаб, кейин менинг шахсий кўрсатмаларимни бажариши керак. Ўртоқ Қулмуҳаммедов ўз қўшинлари билан Эски Чоржўйни эгаллайдиган бўлса, ўртоқ Никитин ўз бўлинмаси ва Қулмуҳаммад бўлинмасининг бир қисми билан Қоракўл шахрини темир йўл бўйидан Яккатут бекатига қадар эгаллаб олади, темир йўл ва унга тегишли объектларни мустаҳкам қўриқлайди. Қуролли душман гуруҳлари билан жанг қилиши ёки шахсларнинг темир йўл чизиғини кесиб ўтишига йўл қўймаслик ҳамда барчани қуролсизлантириш ва қаршилиқ кўр-

сатганларни йўқ қилиш учун Чоржўй ҳарбий мактабининг барча курсантлари Чоржўй гарнизонини кучайтириш мақсадида қуроллантирилади.

Амударё ҳарбий-денгиз флоти кемалар флотилияси Амударё худудини Каркидан Термизгача кузатиб туриши керак; Флотилия бу худудда ҳеч қандай душман кучларининг ҳаракатланишига йўл қўймайди ва ўт очади, душманнинг ҳар қандай манёврининг олдини олади. Карки ёки Термиз қалъаларига ҳужум қилинган тақдирда, флот ўт очиб ва душман кучларини йўқ қилишга ёрдам бериши керак.

2. Самарқанд гуруҳи командири ўртоқ Коноваловга бўйсунувчи барча бўлинмалар 3 та махсус бўлинмага бўлиниши керак:

а) Янги Бухоро шахри (Когон), Когон станцияси, Қарши шахри гарнизони ва қўшинлари, Когон-Қарши темир йўли бўйлаб қўшинларни ўз ичига олган Когон дивизияси. Бу дивизия қўмондонлиги Янги Бухоро ҳарбий комиссари ўртоқ Бустровга топширилади. Қўллаб-қувватлаш учун қўшимча кучлар (ўртоқ Клементьевнинг махсус фронт қўшинлари, 4-отлиқ полки, 1-шарқий мусулмон пиёда полки) ва ўртоқ Клементьевнинг курсантлари келиши билан ўртоқ Клементьев Когон дивизиясига қўмондонликни ўз зиммасига олиши, ўртоқ Бустров эса бу худудда қолиши керак. Ўртоқ Клементьев қўмондонлиги остида Янги Бухорода жойлашган барча ҳарбий объектлар гарнизон командири топшириғини бажариши керак. Гуруҳнинг штаб-квартираси ўлка ҳарбий комиссарлиги, интервенция бўлими ва фронт бўлинмаси штабининг бирлашмасидан тузилиши керак, аммо гуруҳ штаб бошлиғи вазифаси минтақавий ҳарбий бошлиғи ўртоқ Тредескийга топширилди.

Гуруҳ вазифалари:

Гуруҳга алоқадор барча кучлар ўртоқ Клементьевга шахсан мен томонидан топшириладиган режани амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат қилишлари керак;

б) Каттақўрғон гуруҳи 2-интернационал отлик полки ва ўртоқ Булатовнинг қизил Бухоро отрядларининг Каттақўрғон бўлинмасидан иборатдир. Ушбу гуруҳнинг умумий қўмондонлиги учун артиллерия мақомида 2-интернационал отлик полкининг командири (бу сўзлар Фрунзенинг қўлёзмасидан қўшилган) жавобгардир.

Гуруҳни йиғиш ва уни жангга тайёрлаш 15 августгача якунланиши керак.

Махсус буйруқ билан эълон қилинадиган кун ва соат Зинаиддиндан олинади, ўртоқ Булатов бўлинмаларининг авангард қисмлари тузилади, кейин Кармана қўлга киритилади;

с) Самарқанд гуруҳи 3-Туркистон пиёда полки, 1-Туркистон пиёда дивизияси ўртоқ Парамоновнинг Туркистон махсус отлик бригадаси ва инженерлик гуруҳларидан иборат.

Гуруҳ қўмондонлиги 1-Туркистон отлик дивизияси командири ўртоқ Швецовга топширилди.

Бухоро амирлиги қўшинларига махсус буйруқ келгандан кейин Шаҳрисабз-Китоб йўналишида зарба беради ва Қашқадарё худудини тўлиқ босиб олади.

3. Ушбу буйруқнинг 1- ва 2-моддаларида кўрсатилган барча гуруҳларнинг умумий қўмондонлиги ҳозир Самарқанд-Бухоро гуруҳи қўмондони бўлган ўртоқ Коновалов қўмондонлиги остида йиғилади. 12 август соат 24 дан кейин унинг қўмондонлиги остида шу пайтгача қўмондонлиги остида бўлмаган барча гуруҳ бўлинмалари ҳисобга олинади. Операциянинг ҳар бир жиҳати режасини шахсан мен тайёрлаганман.

4. Ушбу операцияни амалга ошириш жараёнида ҳарбий зонадаги 7-чегара полки, интервенция нуқтаи назаридан ушбу бўлинманинг ҳарбий бошлиқлари қўшин қўмондонлигига бўйсунди. Қўшин раҳбарлари имкон қадар чегара хавфсизлиги учун масъул бўлган қўшинларни оддий уруш бўлинмалари сифатида эмас, балки йўллар ва муҳим марказларни ҳимоя қилиш, ўзларини кўрсатиш ва минтақани батафсил тасвирлаш учун сафарбар қилиши керак.

5. 1-армия қўмондони Афғонистон-Россия ва Эрон-Россия чегарасидаги ҳарбий кучларни кучайтириб, Кушка-Серахс ва Кушка-Тахта-Бозор худудларига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Миссия исталган вақтда ва исталган жойда қурол билан жавоб бериш орқали Каспий денгизи минтақасига душман бўлинмалари ва партияларининг ҳар қандай ҳужумини қайтаради.

6. Вилоят транспорти масъул раҳбари, темир йўл корхонасига қарашли Каттақўрғон тумани, жумладан, Яккатут темир йўл линияларини қўриқлаш ва назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган барча тузилмалар менинг оғзаки кўрсатмаларимга мувофиқ қўриқлансин.

Ҳарбий алоқалар бўйича масъул бошлиққа: Ҳарбий операция бошланиши билан барча темир йўлларни қўриқлаш ишлари ижроия ҳокимияти доирасида ўртоқ Коноваловга бўйсундирилади.

7. Ҳаво флоти бошлиғи ўртоқ Юнгмеистер 17 август куни соат роппа-роса 6 да 25-, 26- ва 43-қуролланган ҳаво-десант бўлинмалари билан Янги Бухоро вилояти осмонида барча мавжуд техникалар билан тайёр бўлиб, ўртоқ Коноваловнинг буйруғи ва кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилиши керак. У ердан флотга тегишли машиналар отрядлари билан Эски Бухоро, Ситор, Мекас худуд-

ларига жўнатилади ва рақиб кучлар бомбардимон қилинганидан сўнг душманнинг ҳаракати кузатилади.

8. Фронтни тартибга солишга масъул бўлган умумий таълим ва бошқарув бўлими Каттакўрғон-Фароб ҳудудида фаолият юритаётган барча офицер ва шахсий таркибни темир йўл транспортига ҳалақит бермаган ҳолда, ишларни тўхтатмасдан, энг кеч 12 август соат 24:00 гача қуроллантисин.

9. 2-Туркистон пиёда дивизияси командирлари 10-рақамли зирҳли поездни Самарқанд станциясидаги ўртоқ Коновалов гуруҳи командирларига кечи билан 14 август соат 24 гача етказиб беришга мажбур. Зирҳли поездлар ва бронетранспорт воситаларининг вазифаси темир йўл зонаси ва темир йўллари бўлган туманларни, шу жумладан, Зинаеддин Маликни кўриқлаш ва назорат қилишни ўз зиммасига олиш, Каттакўрғон гуруҳини мустақамлашдан иборат. Гуруҳлар операцияларини амалга ошириш учун 23- ва 38-рақамли зирҳли поездлардан фойдаланиш керак, аммо бу орада Яккатутдан Малик бекатига қадар бўлган ҳудудни кузатиш ва ҳимоя қилишга эътибор қаратиши лозим.

10. Ҳарбий транспорт учун масъул раҳбар кўзда тутилган техника ва қўшинларни ташиш учун транспорт воситаларини таъминлаши шарт. Ташиш режаси қайтадан ишлаб чиқилиши, тубдан кўриб чиқилиши ва бошлиқларнинг ўз назорати остида амалга оширилиши керак. Бу операцияда ташиладиган барча бўлинмалар ўз манзилларига етиб бориши, ҳарбий операцияларни мен кўрсатган кунгача ўз вақтида яқунлаш ҳамда Бухоро ҳудудига яширинча тунда кириб боришга эътибор қаратиш лозим. Уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилиши керак... раҳбарлар (бошлиқлар)

ҳарбий транспорт бошлиғининг юк ортиш, ташиш ва тушириш бўйича буйруқларини ўз вақтида ва мутлақо сўзсиз бажаришлари шарт.

11. Таъминот учун масъул бўлган бошлиқ барча қўшинларни сафар давомида овқатланиш учун тўхтаб қолишига йўл қўймаслик учун барча қўшинларни ҳар хил озиқ-овқат билан таъминлашга масъулдир.

12. Фронтнинг санитария ишларига масъул бўлган бошлиқ 17 август кунни эрталабга қадар ўз вазифасини бошлайдиган кўчма соғлиқни сақлаш марказини ташкил этишга мажбурдир.

13. Маъмурият бошлиғи 6-Туркистон пиёда полкининг 17 августдан кечиктирмай кўчирилиши учун янги гуруҳ тузиши, уни дарҳол қўмондонлик ходимлари ёрдами билан қуроллантириши ва сақлаши каби барча турдаги эҳтиёт чораларини кўриши керак. Энг муҳими кўчирилиш пайтида қўшинларга керак бўладиган барча эҳтиёжларни олдиндан таъминлашдир.

14. Ушбу буйруқнинг олинганлиги ҳақида маълум қилиб, Чоржўй ва Каттакўрғон гуруҳлари эгаллаши керак бўлган чиқиш пунктларига зудлик билан хабар қилиниши керак.

Турк fronti бош қўмондони: М.Фрунзе.

Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси:

Ибрагимов.

Штаб бошлиғи: Благовещенский.

Бухорода ҳужумга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги бу буйруқдан кейин уни ишғол қилиш тўғрисида мана бу буйруқ юборилади:

«Туркистон fronti қўшинлари учун буйруқ. №3667, Тошкент, 1920 йил 25 август.

Амир амалдорлари, очкўз бойлар томонидан роппа-роса бир аср давомида

таъқибга учраган халқ озодлик байроғи остида ўзини бўйинтуруғи билан ушлаб турганларга қарши кўтарилди. Бухороликларнинг Бухоро мустабид тузуми ва ҳукмдорига қарши бу курашида биродарлик бурчимизни бажариш ва инқилобга ёрдам бериш мақсадида 12 августдаги 3504-сонли кўрсатмамни амалга оширишни буюраман:

1. Бухоро-Самарқанд гуруҳининг барча бўлинмалари 28 августдан 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатга киришиши керак.

2. Чоржўй бўлинмалари қўмондони ўртоқ Никитинга ўртоқ Қулмуҳаммедов қўшинларининг катта қисмини Эски Чоржўйга юбориши ва у ердаги қуролланган кўзғолончилар ёрдамида (2 кун олдин 200 га яқин мусулмон яширинча Бухорога жўнатилган – Б.Х.) уни 29 август эрталаб соат 4 дан кечикмай қўлга олиш буюрилади. Ўртоқ Қулмуҳаммедовга Эски Чоржўйдаги гарнизон учун зарур бўлган кучларни қолдириб, отлик аскарларининг Нарасим ва Бурдалиқда жойлашишини таъминлаб, алоҳида таъкидланган йўлларни диққат билан кузатиб бориш, кўчиб кетмоқчи бўлганларни қамоққа олиш, энг муҳими, амир ва Бухоро ҳукумати аъзоларининг Афғонистонга қочиб кетишининг олдини олиш керак бўлади. Ўртоқ Никитин Эски Чоржўйнинг босиб олингани ҳақидаги хабарни олгач, ўртоқ Қулмуҳаммедовнинг қолган бўлинмалари (пиёда ва отликлар) ҳамда бизнинг отлик дивизиялар, пиёда ва артиллерия қўшинлари ёрдамида Қорақўл туманини эгаллайди ва шу тариқа темир йўлни Яккатут станциясига қадар сақлаб қолади. Эски Бухородан қочганлар ҳам асирга олинади. Амир ва ҳукумат аъзоларини Афғонистонга ўтказиб юбормаслик алоҳида вазифадир. Чоржўй гуруҳининг умумий вазифаси Хива чегарасидан Тер-

мизгача бўлган Амударё чизиғи бўйлаб инқилобий куч барпо этишдан иборат. Амударё флотининг жанговар бўлинмалари ва десант қўшинлари 28 августдан кечиктирмай Карки-Термиз ҳудудига етиб бориши ва олдинги кўрсатмаларда белгиланган вазифаларини бажариши керак. Ҳарбий-денгиз кучлари чегараларда ўз вазифаларини бажараётган бир пайтда дарё бўйида тинч-тотув яшаётган афғон фуқаролари билан ҳеч қандай сиёсий муаммо бўлмайди.

3. Биринчи қўшин қўмондони аввал берилган вазифаларни бажариши ва Чоржўй-Когон ҳамда Самарқанд ўртасидаги алоқалар тўлиқ узилиб қолган тақдирда, Чоржўй гуруҳи устидан умумий қўмондонликни ўз қўлига олиши, шу буйруқ асосида ҳарбий операцияни бошқариши керак.

4. Когон гуруҳи қўмондони ўртоқ Белов (ҳақиқий матнда Каранер гуруҳи) Эски Чоржўйда инқилоб бўлганлиги ҳақидаги хабарни олиши биланоқ у қўшинларини Эски Бухоро ва Ситор-Меҳас минтақалари томон сафарбар қилиши керак ва у ерда Эски Бухоро ҳукуматининг ҳарбийларини ҳал қилувчи ва тезкор зарбалар билан вайрон қилиб яна қайта ташкил этилишига имконият бермаслиги керак. Бу жанглардан қутиладиган мақсад душманни бутунлай йўқ қилишдир. Бу мақсадга эришиш учун душманнинг маънавиятини йўқ қилиш керак. Қўрқув ва шунга мос равишда ваҳима муҳитини яратиш учун ҳар қандай зарур воситаларга мурожаат қилиш ва шу билан душманнинг қаршилигини заифлаштириш керак.

Амир ва унинг ҳукуматига мансуб бўлганларни қўлга олиш муҳим вазифадир. Энг кучли зирҳли денгиз флотларидан бири (№28) Эски Бухоро чизиғига жойлаштирилиши керак. Ҳарбий ҳаво

кучлари бўлинмалари кенг қўламли бомбардимон қилиш, автоматик қуроллардан ўт очиш ва душманни кузатиш учун ишлатилиши керак. Самолётлар Бухоро-Самарқанд гуруҳи командири ўртоқ Коноваловнинг кўрсатмаси бўйича 29 август куни эрталаб соат 6 да Когонга етиб келиши керак.

5. Каттакўрғон бўлинмалари қўмондони Бухоро қизил қўшинлари ва 2-интернационал отликлар бригадаси билан биргаликда 29 август куни эрталаб куёш чиққач Зинаеддинни қўлга киритсин.

6. Самарқанд бўлинмалари қўмондони ўртоқ Швецов 28 август куни кечқурун ўз қўшинлари билан чиқиш нуқталарини рақиб кучларга сездирмасдан, душман билан тўқнашмасдан назоратга олиши керак. 29 август куни эрталаб куёш чиқмасидан олдин Шаҳрисабзга хужум қилиш режаси қатъий амалга оширилиб, амир қўшинлари йўқ қилиниб, дарё бўйида жойлашган Қашқадарёдан Ғузор ва Қаршигача бўлган туманлар ишғол этилсин.

7. 7-отлик полк қўмондони ўртоқ Авров Шаҳрисабз бегининг Бухоро бўлинмалари қолдиқларининг Шеробод ёки тоғли ҳудудларга ўтиб кетишига йўл қўймаслик учун ўртоқ Белов томонидан берилган буйруқ билан Қарши-Ғузор ҳудудини эгалласин.

8. Бўлимлар ўзаро алоқани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак. Қўшинларни ўз вақтида йўналтириш бўлинма командирларининг мажбурияти ҳисобланади. Барча тайёргарликлар тўлиқ махфийликда амалга оширилиши керак.

9. 6-Туркистон отлик полки ва махсус отлик чопарларни ўз ичига олган алоҳида отлик полкдан иборат захира белгиланган пунктларда бўлиши керак. Опе-

рация бошланишида ходимларим билан Самарқандда бўламан.

10. Таъминот бошлиғининг олдинги режасига кўра, қўшинларни ҳаракатга келтириш 29 август куни эрталаб соат 6 дан кечиктирмасдан бажарилиши керак. Акс ҳолда, 3504-сонли буйруққа мувофиқ ҳаракат қилиш керак.

11. Барча қисмлар ва бўлинмалар командирлари шуни билишлари керакки, ҳар қандай ҳарбий операцияларнинг муваффақияти уларнинг тезлиги ва қатъиятига боғлиқдир. Хужумларнинг бошида барча қизил гвардиячилардан ушбу чораларни амалга ошириш орқали ўзларининг инқилобий бурчларини бажаришлари сўралади. Маъмурий ходимлар ва комиссарлар қизил полклар ёрдамга келганида ўз масъулиятларини билишлари ва бегуноҳ одамларга нисбатан хатти-ҳаракатларида ўзбошимчалик ва куч ишлатишга йўл қўймасликлари керак.

12. Буйруқ қабул қилинганлиги ва шифрланганлиги ҳақида дарҳол хабардор қилиниши керак. №3667.

Турк fronti бош қўмондони: М.Фрунзе.

Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси:

В.Куйбишев.

Штаб бошлиғи: Благовещенский.¹

Қизил армиянинг ҳарбий операциялари буйруқларда кўрсатилганидек амалга оширилади. Туркистон fronti қўмондони 1920 йил 2 сентябрда Бухорони забт этиш учун 10 минг аскар, 46 та тўп, 229 та пулемёт, 10 та танк, 5 та зирҳли техника ва 12 та самолёт сафарбар этиб, Бухоро шаҳрини эгаллайди. Кўриниб турибдики, ўша пайтда ҳарбий операцияда иштирок этгани айтилган совет аскарларининг миқдори фактларда акс эттирилмайди. Айрим тарихчиларнинг таъкидлашича, 1920 йил

¹ Фрунзе М.В. Собрание сочинений. Т.1. – Москва-Ленинград, 1929. – С.136 – 145; Б.Ҳайит (216). 240 – 248-бетлар

сентябрда Бухоро ҳудудида 20 мингга яқин совет аскарари бўлган.¹ Бошқа бир тарихчи амирнинг тахминан 13 минг кишидан иборат аскарларидан фарқли ўлароқ, энг замонавий қурол-яроғ ва жанговар техникага эга 70 минг совет аскарари бўлганини таъкидлайди.²

Шундай қилиб, қизил байроқлар Бухоро амирлигида инқилоб рамзи сифатида танилади.

Мустақил давлат босиб олинган куни Бокудаги халқаро коммунистлар Россия совет ҳукумати билан биргаликда Шарқ халқлари қурултойини бошлаб юборишган эди. Тарихдаги бу қора ҳазил қанчалик ачинарли. Бу қурултойнинг мақсади шарқда империализмга қарши кучларни бирлаштириш эди.

Бу ерда яна совет Россияси босқинни инқилоб, халқнинг ўзига бўйсунганини озодлик, аннексияни эса барқарорлик деб нишонлаётган эди. Рус империализми ўша йили Хоразм ва Бухоро давлатларини босиб олган ва бу икки давлатнинг мавжудлигига барҳам берган куч сифатида тарихга киради. 1920 йил 15 сентябрда амирлик тузуми тугатилиб, Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилади. Шу ўринда татар бригадасининг собиқ қўмондони ва Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзосининг 1920 йил 9 ноябрда Бухоро Халқ Республикаси мудофаа вазири этиб тайинланганини эсга олиш жоиз. Совет ҳукумати чор маҳкамасининг 1910 йил 28 январдаги қарорини уларнинг вори си сифатида амалга оширганидан жуда хурсанд эди. Россия бош вазири Вазирлар Маҳкамаси мажлисида шундай баё-

нот берганди: «Россия даврида расман мустақил бўлган Бухоро эртами-кечми аннексия қилинишига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. Бироқ бундай чорани амалга ошириш вақти ҳали келмаганди».³

Хива ва Бухородаги монархия тузумларининг халқ республикаларига айлантирилиши ҳар икки давлатнинг 1924 йилгача Россияга қўшиб олинишидаги биринчи қадам бўлади. Лекин Россия совет ҳукумати 1920 йил 13 сентябрда Хоразм Халқ Республикаси ва 1921 йил 4 мартда Бухоро Халқ Республикаси билан имзолаган шартномаларида ҳар икки давлатнинг тўлиқ мустақиллик ҳуқуқини қабул қилганди.⁴ Бу келишувлардан сўнг 1924 йил октябрда ҳар икки давлат ҳам Совет давлатига тўлиқ қўшиб олинди. Шундай қилиб, чоризм давридаги аннексия сиёсати яқунланади.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг совет қўшинлари томонидан босиб олиниши собиқ амирлик ҳудудларидаги миллий курашнинг мудофаа шаклига, сўнгра бутун Туркистон ўлкаларида совет Россиясига қарши миллий курашнинг бир қисмига айланишида муҳим омил бўлган эди. Совет аскарлари амирнинг бойликларини ва Бухорони бутунлай талон-торож қилганига қарамай, совет маъмурияти собиқ Бухоро амирлигидаги озодлик курашини барибир «қароқчилар ҳаракати» деб таърифлайди. Яхши хабар шундаки, совет манбаларида қизил гвардиячиларнинг талон-торож қилиниши ҳақида етарлича эслатиб ўтилган. Совет маъмурияти Бухоро шаҳри босиб олингандан сўнг 100 та олтин ва жавоҳирлар билан тўла вагон Моск-

¹ Др. Фарҳод Қосимов, Баҳодир Эргашев. Бухарская революция // Родина: журнал. 1989. №11. – С.77.

² Красный архив: журнал. 1949. №3. – С.77.

³ Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики. – Ташкент, 1955. – С.36; Гафуров Б. История таджикского народа. – Москва, 1949. – С.455; Б.Ҳайит. Туркестан. – Б.127.

⁴ Ушбу шартномалар матнлари; Кастане. Хоразм билан аҳд (30). 208 – 212-бетлар; Б.Ҳайит. Die türkvolker in der Sowjetunion seit 1917. Die Orientierung. Саккизинчи қўшимча жилд. – Пфафенфен/илм 1966. – Р.19 – 24.

вага олиб кетилганлигини ўғирлик ёки ҳарбий бошқарув деб таърифлайдими? Давлат томонидан ташкил этилган гуруҳлар Бухорода ҳамма нарсани талон-торож қилгани, ҳар бир муҳим шахсни

ваҳшийларча ўлдиргани мутлақ ҳақиқатдир. Собиқ Бухоро амирлиги ерлари 1920 йил сентябрдан совет қароқчилари ва Туркистон мужоҳидлари ўртасидаги уруш марказига айланганди.

ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ВА ҚИЗИЛ АРМИЯ ЎРТАСИДАГИ ШИДДАТЛИ ТўҚНАШУВЛАР

Бухоро амирлиги бир қисмининг босиб олиниши ва қизил армия томонидан амирлик тузумининг тугатилиши озодлик курашчиларининг фаоллик майдонини кенгайтиради. Амирликнинг босиб олиниши билан халқ совет русларига қарши қўзғолон кўтара бошлайди, қўзғолонга амирликнинг қолган аскарлари ҳам қўшилади. Фарғона, Самарқанд, Хоразм ва Амударё вилоятлари қўмондонлари Бухорода ўз ҳаракатларини кучайтириш учун замин ҳозирлаётган эдилар. Бухоро совет аскарлари томонидан босиб олинган бўлса-да, Туркистоннинг барча ҳудудларини назорат қилишга уларнинг кучи етмас эди. Шундан сўнг қўрбошилар Афғонистондан қурол олиш йўлини топадилар.

Бухоронинг босиб олиниши озодлик учун кураш ҳаракатларини кучайтиради. Совет Россиясига қарши кураш доимий равишда инсон кучи, қурол-яроғ, озиқ-овқат ва дори-дармонларни талаб қиларди. Бунинг учун зудлик билан молиявий ресурслар топилиши керак эди. Совет Россияси Бухородан топилган олтин ва қимматбаҳо тошларни ўзлаштириб, олтинга бўлган эҳтиёжини камида ўн йил қондиради. Шундан сўнг Россия Туркистондан олган пул ва олтинни Туркистон озодлик курашчиларига қарши ишлатиб, четдан ҳар хил қуролларни (самолётлар, зирхли машиналар, зирхли поездлар, замонавий тўплар) харид қилади.

Бухоро босиб олингач, совет ҳарбий маъмурияти босмачиларнинг дастлабки нуқтаси ва миллий кураш маркази бўлган Фарғонада аскар сонини кўпайтириш имкониятини топади. Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси Ф.Новицкий 1920 йилдаги баёнотида: «Бу даврда Туркистонда ҳал қилиниши керак бўлган энг долзарб масала Фарғонадаги босмачилар ҳаракатидир», – дейди.

Амирликнинг ғарбий қисми Бухоро шаҳри билан бирга ишғол этилгач, Бухородаги ҳарбий операцияларда қатнашган совет ҳарбий қисмлари (1-отлиқлар дивизияси, 2-пиёдалар дивизияси, махсус отлиқлар бригадаси, 1 та бронепоезд, 1 та зирхли қисм, 8-отлиқлар бригадаси ва ўн бешдан ортиқ самолёт) Фарғонага кўчирилиб, у ерда қўлланилади. 1920 йилнинг октябрь ойидаёқ Карбува ҳудудида Шермуҳаммадбек ва Холхўжа бўлинмалари (тахминан 6000 га яқин) ва казаклар қўмондони Яков Мелкумов қўмондонлигидаги совет отлиқлар бригадаси ўртасида жанглар бўлаётган эди. Ҳеч ким ғалаба қозонмаган бу жангда босмачилар 3000 га яқин йигитларини қурбон беришади. 1920 йил сентябрь ва октябрь ойларида Нурмуҳаммадбек, Омон Паҳлавон, Исроил, Парпи, Қози Омонкул, Ғози Қози Тўра, Шермуҳаммадбек (тахминан 3000 йигит билан), Алиёр, Қозоқбой, Кулибой, Холхўжа ва Шокир қўрбоши каби

қўрбошилар қизил армияга қарши ҳарбий операцияларини давом эттирадilar. Совет рус аскарлари октябрь-ноябрь ойларида Омон Паҳлавоннинг бўлинмасига ҳужум қилади. Қўрбоши Парпи ва Исроил қўшинлари Андижон атрофида совет Россиясининг 11- ва 16-бригадаларига қарши кураш олиб боради. 1920 йил 30 ноябрда 1500 га яқин озодлик курашчилари Аравонда совет 15-отлиқ бригадасига қарши кураш олиб боради. Ушбу тўқнашувда 150 дан ортиқ озодлик курашчилари ҳалок бўлади. Ноябрь ойида Нурмуҳаммадбек Қизилоёқ, Қурама ва Бозорқўрғон ҳудудларида ҳарбий ҳаракатларни амалга оширади. Айти пайтда, Шермуҳаммадбек 1000 га яқин аскардан иборат бўлинмаси билан Риштонда совет аскарларига қарши кураш олиб боради. Ушбу тўқнашувда 70 га яқин йигитлар ҳалок бўлади. Жалолободдаги озодлик жангчилари ва советларнинг 12-татар пиеда бригадаси ўртасида темир йўл вокзалини эгаллаш бўйича ҳарбий операциялар бир неча кун давом этади. Совет татарлари станцияни эгаллаб ололмайдилар. Кейин совет қўшинлари зирҳли поездни жўнатадилар, аммо 12-пиедалар бригадаси шунда ҳам муваффақиятга эриша олмади. Кейинчалик Жалолободдаги 55-рақамли иккинчи зирҳли поезддан фойдаланишга киришадилар ва 1100 га яқин озодлик курашчиларини катта талафот билан чекинишга мажбур қиладилар. 1920 йил октябрь ойининг охирида совет ҳарбий маъмурияти Фарғона ўлкасига 14 та артиллерия дивизияси, 376 та пулемёт, 10 та самолёт ва 7 та зирҳли поездни жойлаштиради. 1920 йил 24 ноябрда Шермуҳаммадбек, Алиёр ва Парпи қўбоши қўшинлари Шохимардонда ҳарбий амалиётлар уюштирадilar. Қўрбошилар 25 ноябрда Сўхга чекинишга мажбур бўладилар. Ўша кун

Омон Паҳлавон, Парпи ва Йўлдош қўрбошилар ҳамкорлигида тузилган қўшинлар 1500 га яқин жасур йигитлари билан ҳужум қилиб Норин шаҳрини эгаллайди. Совет қўшинлари қарши ҳужумга ўтиб 300 дан ортиқ йигитларни ўлдиради. Шу кун Ишда қўрбоши Охунжон ва совет аскарлари ўртасида жанг бўлади. Бу ерда 20 нафар жасур йигитлар шаҳид кетади. Совет манбаларида 1920 йилнинг июлидан ноябригача 3000 дан ортиқ жасур йигитлар ва 6 нафар қўрбоши ҳалок бўлгани таъкидланади.

Озодлик курашчилари 1920 йил қишида катта қийинчиликда яшайдилар. Озиқ-овқат, кийим-кечак, транспорт ва ўқ-дорилар йўқ эди. Шунга қарамай, мужоҳидлар таслим бўлмайдилар, умидларини йўқотмайдилар. 1920 йил ноябрь ойининг бошида Холхўжанинг 1200 отлиқ аскардан иборат бўлинмаси Аравонда советларнинг 7-отлиқ бригадасига қарши кураш олиб боради. Холхўжа 3 кунлик тўқнашувдан сўнг Ўзганга чекинишга мажбур бўлади ва советлар унинг ортидан таъқиб қиладилар. 900 нафар йигитлари шаҳид бўлгач, қолган 300 нафари билан Ўзганни тарк этиб, Олой водийси орқали Қорагулжага ўтиб кетмоқчи бўлади, лекин Олой воҳасида қор кўчкиси остида қолиб, 300 нафар йигити билан бирга ҳаётдан кўз юмади.

1920 йил 15 декабрда Асакада қўрбоши Охунжон билан совет аскарлари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтади. Бу ерда 900 нафар жасур йигитлар шаҳид бўладилар. Декабрь ойида қўрбоши Муҳитдин ва Жонибек Ўзган атрофидаги ҳаракатларини кучайтирадilar. 8-совет отлиқ бригадаси Қўқонқишлоқда Парпи қўрбошининг 2000 кишидан ортиқ отлиқ бўлинмаларига, 9-совет отлиқ бригадаси эса Наманган яқинида қўрбоши Қозоқбойга қарши ҳужум бошлади.

Жунайидхон курашни Қорақум саҳросида давом эттиради. 1920 йил 27 октябрда у Қўнғирот шаҳрини озод қилишга эришади. Туркистон fronti қўмондони Фарғонада ҳаракат қилаётган 2-пиёда бригадасини Хоразмга юборишга мажбур бўлади. Бу совет бирлиги 1920 йил сентябрида Илиялида Жунайидхонга қарши жанг қилади, лекин бу жангда ҳар икки томон ҳам муваффақиятга эриша олмайди.

Қизил армия Бухоро амирлигини эгаллаб олган бўлса-да, бутун амирлик ҳудудида советлар ҳукмронлигини кенгайтириш учун етарлича кучга эга эмас эди. Амир Саид Олимхон ва унинг 4000 – 5000 нафар аскарлари совет руслари ва коммунистик ва ислоҳотчи Бухоро ҳукматига ақл бовар қилмайдиган ўжарлик билан қаршилик кўрсатадилар. Бундан ташқари, бош вазир Низомиддинхўжа Урганчи, Ҳисор водийси беги Бўри Тўқсоба (тўқсоба – полковник) Фузаил Махсум, Давлатмандбек, Иброҳимбек ва бошқалар ҳам фаол иш олиб борадилар. Бухоро озодлик курашчилари 1920 йил 24 ноябрғача қизил армия томонидан ишғол қилинган Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Чироқчини қутқарадилар. Советлар баёнотига кўра, Шарқий Бухорода ҳам босмачилар fronti очилган.

1920 йил 13 ноябрда Бухоро Компартияси Марказий Комитети маҳаллий ҳарбий қисмларни тузиш орқали Бухородаги совет аскарларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қи-

лади. Бухоро ҳарбий вазири Юсуф Иброҳимовни (татарлар бригадасининг собиқ қўмондони, Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ва совет тузумининг мутлақ ҳимоячиси) зудлик билан маҳаллий қўшинларни шакллантиришга киришиши таъкидланади. Бу қўшинлар Ҳисор юришида совет ҳарбий қисмлари билан бирга жанг қилишига қарор қилинади. Қолаверса, Алимжон Акчурин (Туркистонда совет ҳукмронлигида фаол роль ўйнаган татар коммунисти)нинг Ғузор, Шаҳрисабз, Кармана ва Қаршига бориб тарғибот ишларини олиб бориши ҳамда қизил армияни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашига қарор қилинади.¹ Бироқ улар бу мақсадларга эриша олмайдилар. Совет аскарлари маҳаллий халқнинг ёрдамисиз озодлик курашчиларига қарши урушни давом эттиради. Ҳатто миллий озодлик курашчилари ҳам баъзи муваффақиятларга эришади. 1920 йил декабрь охи ўрталарида Мулла Олтиқул, Сўфи Мириён ва Мулла Хўжакул қўмондонлиги остидаги миллий қўшинларнинг Каркини озод этиши ана шундай ютуқлардан бири бўлди. Бухорода миллий курашнинг давом этиши ҳақида Фрунзе 1920 йил август охи ўрталарида Ленинга хабар беради; Унинг Бухоро амирлиги тугатилиши билан босмачилик тезроқ тугайди деган фикри мутлақо асоссиз эди.² Аксинча, амирликнинг тугатилиши босмачиликнинг кучини оширган эди.

¹ А.Ишанов (218). 271-бет.

² Жантуаров (170). 91-бет: Фрунзе Ленинга ёзади: «Бухоро билан босмачилар ўртасида чамбарчас боғлиқлик бор. Босмачилар амирдан пул, қурол-яроғ ва бошқа нарсалар олади. Улар амир ҳузурига вакилликлар, баъзан ҳатто қўшин ҳам юборадилар. Амирликнинг бекор қилиниши билан яқин келажақда босмачиликни тўлиқ тугатиш мумкин бўлади». Фрунзе бу гаплари билан Ленинга фактларни етказмаганди. Амир босмачиларга ҳеч қандай ёрдам бермагани ҳаммага маълум. Амир «Россияга содиқ» қолишни маънавий бурчи деб билади. У ҳатто замонавий армияга ҳам муҳтож эмас эди, чунки у Россия ўз мамлакатини ҳимоя қилишига ишончи комил эди. 1919 йил 21 декабрда Британиянинг Қошғардаги консули Деҳлидаги ташқи ишлар идорасига қуйидаги ҳисоботни тақдим этди: «Muhammed Emin recently sent a deputation of two men to Bukhara to solicit the Emir's aid against the Bols- chewik. The latter receivea the depotation sympathetically but was unable to engage in any undertaking to assist, implying that he wished to proserve an attitude of perfect neutrality». Қаранг. Puplic Record Office WO106/69, 149359.

Фрунзенинг Туркистонга сўнгги юриши натижаси Бухоронинг қисман қўлга киритилиши ва амирлик тузумининг тугатилиши бўлади. 1920 йил 10 сентябрда Фрунзе Россиянинг жанубий fronti қўмондони этиб тайинланди (унинг марказий қароргоҳи Харьковда эди). Шу тариқа у 1920 йил 19 апрелда талаб қилган Туркистондаги вазифасидан озод қилиш жараёни якунланди.¹ Фрунзе Туркистон миллий озодлик курашига қарши урушда Туркистон fronti қўшинлари муваффақиятсизликка учрагани учун олдинги ишончни йўқотган эди. Унинг истаги қисқа вақт ичида босмачиларни бутунлай йўқ қилиш эди. Фрунзе ва унинг ходимлари ўз муваффақиятсизликлари ўрнини Бухорони эгаллаш орқали тўлдиришни мақсад қилишганди. Бухородаги совет ҳарбийлари ўз операцияларини бевосита Фрунзе қўмондонлиги остида олиб борди. Натижада улар 1920 йил 2 сентябрда Бухоро шахрини босиб олиб, яшириб қўйилган бойликларни (Темурийлар империяси кулаши, яъни XVI асрдан буён Бухорода бўлган) талон-торож қилишга муваффақ бўлдилар. 1917 йилгача 360 та масжид, 140 та мадраса ва 360 та мактаб мавжуд эди. Бухородаги масжидларни оддий халқ «Исломи кучи» (Бухоро қудрати Исломи дин аст) деб атаган. Бироқ амир мамлакатни ҳимоя қилиш учун замонавий қурол-яроғлар билан жиҳозланган қўшин туза олмаган, Россиядан келатган хавф-хатарни сеза олмаган ва ўз халқини замон шароитига қараб бошқара олмаган. Бундан ҳам ёмони, Россияга тўлиқ ишонган ҳолда бу мамлакатни ўзининг ҳимоячиси сифатида қўрган. Аслида, давлат механизмини ўз қўлида ушлаб турган мутаассиб руҳо-

нийлар «Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд қabri бор, қачонки душманлар шаҳарга кирса, ҳаммаси вайрон бўлади, чунки нақшбандийларнинг руҳи ҳар қандай рақибдан кучлироқ» деган хурофотни тарқатишарди. Бу хурофот ташқи психологик таъсирми? Бундай «башорат» мутлақо исломга тўғри келмайди, ҳатто зарарли ҳам эди.

Бухоро шаҳри босиб олинганининг саккизинчи кунида «Туркистон тожи» Фрунзедан қайтариб олинишининг асл сабаби ҳозирча номаълум. Фрунзе ўрнига Г.Ж.Соколников тайинланади. Бу шахс 6 ой (1920 йил 10 сентябрдан 1921 йил 8 мартгача) совет қўшинларига қўмондонлик қилиб озодлик курашчиларига қарши муваффақият қозонмайди.

Амир 10 сентябрь куни Бойсун шаҳрига боради. 26 ноябрь куни Душанбега келади. Қолган амир аскарлари ва эски маҳаллий амалдорлар рус «ҳимоячилари»га қаттиқ қаршилиқ кўрсатадилар. Совет Россиясининг Бухоро Халқ Республикасидаги вакили 1920 йил 30 ноябрда Куйбишев маъмурларига амир аскарлари Бойсун, Дарбант, Шерободни қизил армия қисмларидан озод қилганлиги ҳақидаги хабарни етказди. 1920 йил 4 сентябрда Фрунзе Бухоро-Самарқанд гуруҳи отрядларига советлар ҳукмронлигини бутун Бухорога ёйиш учун Бойсун ва Шеробод шаҳарларини эгаллаш, Термиздаги гарнизон билан доимий алоқада бўлишни буюрганди. Совет қўшинлари бу мақсадга эриша олмайди, чунки миллий курашчилар жанг майдонларида янада кучайиб борарди. Бироқ советлар ҳам ортга чекинмасдан Бухорони тўлиқ босиб олиш учун мунтазам тайёргарлик кўради. Шу нуқтаи назардан улар Ҳисор экспедиция қўши-

¹ 1920 йил 19 апрелда Фрунзе Ленинга ёзган мактубида ундан ўзини бошқа фронтга ёки бошқа миссияга юборишни сўрайди. Иноятлов (221а). 599-бет.

нини ташкил қилади. Бу қўшин Шарқий Бухорони эгаллаши керак эди. Ҳисор экспедициясига (Ҳисор тоғлари ва водийси номи билан аталган) тайёргарлик 1920 йил 17 декабрда яқунланади. Экспедиция қўшини кучи 6 та полк ва тоғли ерлар учун тузилган артиллерия бўлинмасидан иборат эди. Бу бўлинмалардан ташқари экспедицияда қизил армия фойдасига тарғибот ишларини олиб боровчи бухоролик 3 нафар маҳаллий коммунист ҳам қатнашади.

Ҳисор экспедицияси қўмондони Марсов 1920 йил 17 декабрда Қарши шаҳридан Бойсунга юришни буюради.¹ Совет аскарлари ва амир қўшинлари ўртасидаги биринчи тўқнашув 1920 йил 20 декабрда Бойсуннинг Оққўтал худудида бўлиб ўтади. Бу тўқнашувда иккала томон ҳам ғалаба қозона олмаган бўлса-да, мудофаа ҳолатида бўлган амирнинг 1400 дан ортиқ аскари Дарбантга ҳужум қилиб, уни эгаллайди. 21 декабрда Бойсун ва Шаҳрисабзни эгаллашга муваффақ бўладилар. Бойсун ва унинг атрофига 4 та совет полки, отлиқлар дивизияси ва тоғ артиллерия бўлинмаси жойлаштирилади. 1920 йил декабрь ойининг охирида Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати вакили Усмон Хўжа Пўлат Хўжа раислигида барча ваколатлар билан таъминланган вакиллик Дониёрбек бошчилигида 700 отлиқ аскар билан Бойсунга келади. Бу вакилликнинг вазифаси Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг маъмурий органларини ташкил этишдан иборат эди. 1920 йилда сентябрда Бойсун беги тахминан 50.000 кишилик аксарияти қуролсиз бўлган одамлар билан қизил армия зулмига қарши кураша бошлайди. Усмон Хўжа эса қизил гвардиячилар ўзлари қўлга

олган миллий жангчиларни ўлдирмасликни ва уларга асирдек муносабатда бўлишни таклиф қилади. Бироқ бу таклиф совет қўмондони томонидан рад этилди. Бойсундаги можаро 14 кун давом этади. Миллий озодлик жангчилари жанг майдонларида 10 мингдан ортиқ шаҳидларни қолдириб тоғ этакларига чекинишга мажбур бўладилар. 1921 йил январь ойи бошида совет қўшинлари Бойсунга қўшимча кучлар олиб келади. Бригада (2 та полкдан иборат) ва 8-пиёда полки, 1-отлиқ бригадаси ва тоғли ҳудудларга мос келадиган артиллерия бўлинмасидан иборат мадад кучларининг вазифаси бу ерда ҳаракат қилаётган совет қўшинларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг Бойсундаги ҳукмронлигини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Туркистон fronti қўмондони Сокольников 1921 йил 8 январда Ҳисор экспедицияси қўмондони номига қуйидаги буйруқ юборади: «Бойсуннинг босиб олиниши билан Ҳисор юришининг биринчи босқичи яқунланди. Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги халқ қўзғолонлари бостирилди. Олдиндан белгиланган вазифаларни бажариш учун буйруқ бераман:

1. 1-отлиқ дивизия қўмондони ўртоқ Янов Ҳисор экспедицияси ушбу буйруқни олгандан сўнг Шарқий Бухорони амир қўшинларидан тозалаш ва душманларни бутунлай йўқ қилингунга қадар кузатиб бориш бўйича олдиндан белгиланган жараёнга киришиши мумкин.

2. 1-отлиқлар дивизияси (3-отлиқ бригадасидан ташқари), 3- ва 8-пиёда полклари, 3-чегара дивизияси, Термиздан келадиган 3-енгил артиллерия дивизияси ва Термиздаги гарнизон таркибига киритилади. 1921 йил 12 январь

¹ Яков Аркадьевич Мелькумов. Туркестанцы. – Москва, 1960. – С.41.

соат 24 да экспедиция армияси қўмондонлиги остига киради».¹

Экспедиция армияси 14 февралда 4000 дан ортиқ аскар билан ҳужумга ўтади. Советлар узлуксиз ҳаракати натижасида 16 февраль куни Сурхондарё дарёсига етиб келишади. Совет босқинчилари ўзларининг қурол-яроғ томонлама устунлигидан фойдаланиб 20 мингдан ортиқ ҳарбий кучлари билан март ойига қадар Ҳисор водийсининг кўплаб ҳудудларини эгаллаб олишга муваффақ бўладилар.² Совет қароқчиларининг тажовузига қарши фарғоналик Шермуҳаммадбек бўлинмаси Гарм ва Кўлобдаги жангларга қўшилади. Шермуҳаммадбек ўз хотираларида шундай дейди: «Амир Олимхон Душанбедан менга 12 кишилик вакиллик ва оқ қути юборди. Қутини очганимизда амирнинг мактуби бор эди, мактубда мусулмонлар унинг қувғинга учраган бошқа мусулмон биродарларига ёрдам беришлари кераклиги ҳақида ёзган бўлиб, сиздан менга ҳам ёрдам беришингизни илтимос қиламан дейилган эди.

Шунинг учун мен унга элчи юбордим ва унга бир бўлинма юборишга тайёр эканлигимни айтдим. Дарҳол (1920 йил октябрь ойининг охирида бўлса керак) Асқар қўрбоши бошчилигида Шарқий Бухорога 500 отлик бўлинма юбордим. Менинг бўлинмам Бойсунда русларга қарши жанг қилади. Бойсун мудофаасида 70 нафар мард йигитим шаҳид бўлади... Амир Афғонистонга ҳижрат қилади, Асқар қўрбоши Карбувага қайтади».

Албатта, ўша пайтда ҳеч ким амирдан нега мужоҳид элчиларни ҳушини йўқотгунча калтаклаганини, қуршовда

қолганида қандай қилиб ўша одамлардан ёрдам сўраганини тушунтиришини талаб қилмаган. Нега уларга ёрдам бермади ва нега энди улардан ёрдам сўради? Шермуҳаммадбек гина сақлайдиган одам эмас эди ва амирга ёрдам бермоқчи, русларни мағлуб этмоқчи эди.

1920 йил декабрь ойида Ҳисор экспедиция қўшини ҳужумлари чоғида Фарғонадаги Шермуҳаммадбек қўшинлари душманнинг қаттиқ тазйиқи остида эди. Парпи қўрбоши Андижоннинг Қўқонқишлоғида 2000 рус аскарига қарши жанг қилади. Парпи бўлинмаси бутунлай ҳалокатга учраш хавфи остида бўлганлиги сабабли Шермуҳаммадбек ўзининг 1000 нафар жасур аскарлари билан ёрдам бермоқчи эди. Бироқ Парпи қўрбоши 90 нафар мард йигити билан жанг майдонида шаҳид бўлади. Парпи қўрбоши йигитлари руслар билан жангга киришиб, руслардан ўлжа сифатида 2 та тўп, 4 та пулемёт ва кўплаб ўқ-дориларни олиб қўйишган эди. Парпи ўрнига унинг укаси Тўражон келади. Шермуҳаммадбек ва Тўражон қўшинлари Учқўрғонга, у ердан эса Норин дарёсига етиб боради. Тахминан 400 га яқин руслар уларни таъқиб қилиб боради. Мужоҳидлар русларни ушлаб, қуролларини олиб, яна қўйиб юборишади. Учқўрғонни қутқарган қўрбошилар Карбувадаги қароргоҳларига қайтадилар. Бу ерда Шермуҳаммадбек Ашавадаги қўрбоши Раҳмонқулдан мактуб олади. Раҳмонқул ўз мактубида руслар Тошкентдан қўшимча кучлар олганини, шунинг учун ундан ёрдам кутаётганини айтади. Шермуҳаммадбек Болта қўрбоши бошчилигида Ашавага 1400 нафар отлик

¹ Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. – Душанбе, 1963. – С.202.

² Совет қўшинининг Ҳисор экспедицияси 15.2.1921 йилда Деновга бостириб кириши; 16.2.1921 йилда Юртчи, Сариосиё ва Чоржўй; 20.2.1921 йилда Қоратоғ ва Ҳисор шаҳри; 21.2.1921 йилда Душанбени босиб олади. Бойсун жангида мағлуб бўлгач, 24.2.1921 йилда Давлатмандбек бўлинмаси Балжувонга, Иброҳимбек бўлинмаси Кўлобга чекинади. 25.2.1921 йилда Ҳисор экспедицияси қўшинлари Душанбегга келади; Улар 27.2.1921 да Файзободни ишғол этишади; 1921 йил 15 мартда совет полки Кўлоб шаҳрини эгаллаб олади.

аскар юборади. Ашавадаги можаро 6 кун давом этади (1921 йил январь ойнинг бошигача). Руслар Ашавани катта йўқотишлар билан тарк этишади. 1921 йил январь ойида Холбўта бўлинмаси Ўратепада совет аскарлари томонидан ўраб олинганди. Шермухаммадбек Хотам қўрбоши бошчилигида 500 нафар отлиқ аскарини Холбўтага ёрдамга юборади. Руслар мағлуб бўлиб, Ўратепадан чекинадилар.

Руслар томонидан уюштирилган Ҳисор экспедициясининг биринчи босқичида (1920 йил декабрдан 1921 йил мартигача) Фарғона водийсидаги миллий кураш етакчилари катта молиявий қийинчиликларга дуч келади. Бир гуруҳ бойлар бу урушлардан фойда олиш йўллари қидирарди. Фарғона водийсидаги туркистонлик бу виждонсиз бойлар, исломда судхўрлик ҳаром бўлса-да, озодлик курашчиларига фоиз ставкаси 150 дан 200 гача бўлган қарз таклиф қилади. 1919 йил ноябрь ойида Шермухаммадбек Қошғардан қурол сотиб олиш учун 3 та туяни олтин билан жўнатади. Бу фирибгар, кейинроқ маълум бўлишича, ҳеч қандай қурбонларсиз Қошғарга етиб боради. Бироқ у озодлик курашчиларига на қурол сотиб олади, на олтин беради. Бошқа саховатли бой туркистонликлар мужоҳидларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар. Улар орасида андижонлик савдогар Миркомилбой асосан мужоҳидларнинг моддий эҳтиёжларини қондирар эди. Совет руслари бу ҳурматли савдогар мужоҳидларни доимо қўллаб-қувватлаб туришини билишади, Андижондаги идорасида уни ўлдиришади ва жасадини ҳеч кимга беришмайди. Унинг ўғли Мир Холиқ отасининг жасадини бир миллион олтин рублга сотиб олади. Миркомилбойнинг дафн маросимида 20 мингдан

ортиқ туркистонликлар ва андижонлик мужоҳидлар қатнашади. Миркомилбой ўлдирилишидан аввал Аллоҳ ва ватан учун курашаётган мусулмон қўрбошиларини қўллаб-қувватлаш учун барча мол-мулкни мужоҳидларга васият қилган эди. Совет руслари Миркомилбойнинг Фарғона водийси, Россия ва Ғарбий Европадаги активларини музлатиб қўяди. Яна бир бой қувалик деҳқон Олим эди. Мужоҳидларнинг озиқ-овқат, сув, транспорт ва бошқа эҳтиёжларини ҳеч қандай ҳақ сўрамай қоплар эди. Бу бой мусулмон ҳам бутун мол-мулкни мужоҳидларга қолдиришни, хотини ва қизига эса фақат зарурий эҳтиёжлар учун маблағ ажратишни васият қилган эди. Ваҳоланки, озодлик учун курашнинг ҳақиқий харажатларини халқ ўз зиммасига олганини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Озодлик учун курашчилар Фарғона водийсида моддий ва ҳарбий жиҳатдан қийналаётган пайтда совет руслари Шарқий Бухородаги амалиётларига эътибор қаратган эдилар. 1921 йил 3 мартда улар стратегик муҳим шаҳар – Гармни эгаллаб олдилар. Гарм амири Фузайл Махдум Дарбозга чекинади.

Бухоронинг советлар томонидан босиб олинishi 3-миллий кураш фронти очилишини талаб қилади (биринчи фронт Фарғона фронти, иккинчи фронт Хоразм фронти). Миллий кураш совет ҳарбий маъмуриятини ҳайратда қолдиради. Бухоро шахрининг босиб олинishi билан Фрунзе Фарғонадаги босмачиларга қарши зудлик билан шиддатли ҳужум қилишни буюради.

Москвага бориш учун Бухоро амирининг махсус поездида бўлган Фрунзе 9 сентябрь куни 2-казак отлиқ бригадаси командири Мелькумовни ёнига чақириб, дарҳол Андижонга бориб, 2-от-

ликлар бригадаси (15 ва 16-полклар) командири лавозимига киришиш ҳақида буйруқ беради. Фрунзе Жанубий Сибирда оқ гвардиячиларга, Туркистонда озодлик курашчиларига қарши аёвсиз курашган бу отликлар бригадаси билан фахрланарди. Фрунзе Мелкумовга: «Бу полклар фронтдаги энг яхши бўлинмалардир. Буларни нега берганимни тушунасанми? Фарғонада босмачилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Муҳим етакчилар қаторида бўлган Кўршермат (Шермуҳаммадбек), Тўйчи, Холхўжа ва Парпининг 30 000 дан ортиқ жасур йигитлари бор. Амир Шарқий Бухорода ўз мавқеини мустаҳкамлаб олмаслиги ва босмачиларга ёрдам бера олмаслиги учун биз босмачиларни тезроқ йўқ қилишимиз керак. Афсуски, юзлаб, минглаб одамлар чор ҳокимиятидан кўрган изтироблари туфайли босмачиларнинг асосий кучига айланди. Ҳаракатнинг сиёсий характерини айнан мана шу одамлар белгилайди. Кўриб турганингдек, у ердаги ҳарбий операциялар тобора мураккаблашиб бормоқда».¹

Туркистон фронтининг сара корпуси сифатида танилган бу бригада босмачиларга қарши шафқатсизлиги (бошини кесиш, отиш, қириб ташлаш) билан машҳурдир. Мелькумов 1920 йил сентябрь ойининг охирида озодлик курашчиларига тинимсиз ҳужум қилади. Советларнинг биргаликдаги ҳаракатлари (зирҳли поездлар, артиллерия, самолётлар ва зирҳли транспорт воситаларининг отликлари) натижасида Холхўжа, Тўйчи ва Парпи кўрбошилар кўшинлари йўқ қилинади. Бу кўрбошилар катта йўқотишлар билан чекинишга мажбур бўла-

дилар. Бошқа томондан, Шермуҳаммадбек миллий курашни давом эттирмоқда эди. У 1920 йил охирида Ёзьявонга келади, 15-отлик бригадага қарши жанг қилади ва бу тўқнашувдан 500 отлик жангчисини йўқотиб чекинишга мажбур бўлади. Шермуҳаммадбек чекинган Карбувада 14 ноябрь куни 2000 нафар аскар билан совет армиясининг 1-отлик бригадасига қарши жанг қилади. Совет бригадаси жанг майдонида ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди ва қуршовга олинади. Мелькумов бошчилигидаги 15-отлик бригада уларга ёрдамга келади. 1920 йил 15 ноябрда совет кўшинлари Карбува қишлоғини эгаллаб оладилар. 1920 йил декабрда совет Россиясининг 1-махсус бригадаси ва 15-отлик бригадаси Андижондан Самарқандга юборилади. Бу бўлинмалар Шарқий Бухорода ҳаракат қилади. Совет кўшинларининг 2-пиёда ва 3-отлик дивизияси Фарғонада қолади.

1921 йил 21 февралда совет кўшинларининг 2-отлик полки қочган амирни қўлга олиш учун Душанбедан Кўлоб томон ҳаракат қилади. Кўшинлар Вахш дарёсининг чеккасида жойлашган Тутқалъага келади. Бу ерда Россияга қарши Иброҳимбек, Тоғай Сари ва Эгамберди (унинг 3000 отлик аскар) бўлинмалари мавжуд эди. Жиддий кураш натижасида совет полки Гули-Зиндак тоғлари орқали Кўлобга чекинишга мажбур бўлади. Бу ерда улар Давлатманд қўмондонлиги остидаги 1800 нафар озодлик курашчилари билан тўқнаш келишади. 25 февраль куни совет армиясининг 2-отлик бригадаси ва Тоғай Сари бошчилигидаги миллий жангчилар бирли-

¹ Мелкумов. Фрунзе берган маълумотларга кўра, 4 кўрбоши қўмондонлигидаги мужоҳидлар сони 30 минг киши (1920 йил август-сентябрь); Гарчи Мелкумов бошқа кўрбошилар қўмондонлиги остидаги жангчиларнинг сонини кўрсатмаса-да, хабар қилинган рақам ишончли кўринади. Айрим совет тарихчиларининг ўша даврда Фарғонадаги босмачилар сони 6 – 7 минг киши бўлган деган иттифоқлар мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайди.

ги Кўлобнинг Қизилмозорида қонли тўқнашувга киришади. Қўрбоши Тоғай Сари жанг майдонида шаҳид бўлади. Совет қўшинлари Кўлобни 26 февралда эгаллайди. Амир Олимхон 1921 йил 18 февралда Афғонистонга қочиб кетади.¹ У давлат раҳбари бўлса-да, урушлар давом этаётган бир пайтда ўз халқини, юртини ташлаб кетади. Бу воқеа Туркистон тарихида биринчи марта содир бўлади, чунки одатга кўра уруш пайтида ҳукмдорлар ўз қўшинининг бошида туришлари керак эди. Хива хони уруш охиригача ўзининг пойтахтида қолади.

Бухородаги рус қўмондонлари халқнинг мол-мулки (озиқ-овқат ва кийим-кечак) эвазига кафиллик ҳужжати бераётган эди. Бироқ совет ҳукумати ўз аскарларининг қарзларини ҳеч қачон қайтармаган. Шарқий Бухородаги қизил аскарларнинг эҳтиёжларини қондириш Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати ҳарбий комиссиясининг раиси Усмон Хўжа зиммасига юклатилганди. У қарам бўлган аҳоли ва совет экспедицион армияси ўртасида қийин аҳволда қолади. Совет аскарлари 27 февраль куни Файзободдан Гарм водийси томон йўл олишади. Оби Гарм қишлоғида 1-рус отлиқ полки билан Нуруллоҳ Тўқсоба бўлинмаси ўртасида тўқнашув бошланади. Нуруллоҳ Тўқсоба руслар томонидан асирга олинади. Нуруллоҳ можаро пайтида руслар орасида озиқ-овқат тақсимланишига йўл қўймаслик учун қишлоқдаги

барча озиқ-овқат идишларини сув ҳавзасига ташлашни буюради. Рус бригадаси командири Мелькумов Нуруллоҳни ечинтириб, ҳовуз тубидаги идишларни олиб чиқишга мажбур қилади. Нуруллоҳ идишларни олиб чиқишга ҳаракат қилади, лекин қиш туфайли совуқ сувда музлаб ўлади. Бу қонхўр рус қўмондонларининг ўз асирлари ва рақибларига нисбатан қанчалик ғайриинсоний муносабатда бўлганига кўп мисоллардан бири, холос. Совет қўшинлари 1921 йил 3 мартда Гарм шаҳрини эгаллаб олади.

Февраль ойининг охирида Фарғона водийсида Шермуҳаммадбек ва Давлат кўрбошининг бевосита қўмондонлиги остида ҳар бир бўлинма Ҳисор водийсида ҳаракат қила бошлади. 1921 йил март ойида Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек ва Асқар паҳлавон Қоратегин амир Фузайил Махдум бўлинмалари совет босқинчи қўшинларига қарши биргаликда курашади. Қизил армияга қарши урушда катта тажрибага эга бўлган кўрбошиларнинг Фарғонадан келиши Шарқий Бухородаги совет ҳарбий маъмуриятини яна хавотирга солиб қўяди. Совет руслари, энг аввало, Фарғонадаги кўрбошиларни Шарқий Бухородан олиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Шермуҳаммадбек ва бошқа кўрбошилар қўшинлари Олой тоғлари орқали Фарғонага чекинишга мажбур бўладилар. 1921 йил март ойининг охирида Дарбоз амири Эшон Султон ва

¹ Майор Ф.М.Бейлининг гувоҳлигига кўра (сиёсий ходим, 1922 йил 20 апрель), Бухоро амири 1921 йил май ойида Жанобод/Афғонистонга келган. Бу ҳақда шундай хабар беради: «The Afghans treat him as a prisoner and censor all his correspondence, but allow him 12.000 (Afghan) Rupiens a month for his exprrpenses». Амир 1917 йил апрель ойида Россия давлат банкидан 150 миллион рубль олиб, бу пулларни хорижий банкларда ишлатиш учун икки рус (Миллер ва Виденский)га ишониб топширади. Пул банкир Стакеевнинг Москвадаги воситачиси Норатевинга берилади. Норатевиндан бу пулларни Англия ва Франция банкларига депозит қилиш сўралади. Пул (150 миллион рубль) хорижда сақланади. Амирга пул қўйилганлиги тўғрисида ҳужжат юборилади. Тахминларга кўра, бу ҳужжат большевиклар қўлига амир қочиб кетганидан сўнг ва улар банкдаги пулларни олиб қўйганидан кейин тушади. Амирнинг ишончли уч кишиси (Тўрақул, Қори Мирзо, Қори Муҳитдин) Мумбай ва Лондонда 165 минг қоракўл терисини сотган. Улардан 16 миллион рубль ишлаб олади ва бу пулни Мумбайдаги банкка қўяди. Амирнинг яқин дўсти Мир Бадалов Европада амирнинг пулларини қайтариб олмоқчи бўлади, ammo бунинг урдасидан чиқа олмайди. Қаранг: Ҳиндистон идораси. L/P+S. 10/950. Мумбайда пулни банкка қўйганлар (Тўрақул ва бошқалар) амир номига эмас, балки Бухоро амирлиги номига қўядилар. Амирликнинг банкка қўйилган пуллари нима бўлгани ҳозирча номаълум.

Фузайл Махдум Файзободга келиб, совет аскарларига қарши жанг қиладилар. Улар совет аскарлари жойлашган Гарм қалъасини ўраб олишади. 25 июнь кунини совет аскарлари қалъадан тўп ва пулемётлардан ўқ узадилар. Чекинаётган Абдуҳафизнинг бўлинмаси Мачога етиб бориш учун тоғли жойдан ўтиши керак эди. Мачога етиб борувчи ягона дарвоза бўлган бу тоғ йўлида совет аскарлари томонидан ҳужумга учраган мужоҳидларнинг оз қисми тирик қолади. Абдуҳофиз қўлга олиниб, оёғидан осилади, уч кундан кейин вафот этади. 1921 йил бошида мужоҳидлар Фарғона водийсидаги катта шаҳарларга ўтиш йўллари тўсиб қўйишади. Натижада қизил қўшинлар қийин аҳволда қолади. Авлиё-ота шаҳрининг ички ишлар бўйича масъул комиссари Т.Жанузак Еттисув худудидаги миллий озодлик жангчиларини яширинча қўллаб-қувватлайди. Туркистон социалистик озодлик партиясининг асосчиларидан бири бўлган Жанузак ишдан олинганидан сўнг совет русларига қарши курашиш учун мужоҳидлар сафига қўшилади. Наманган атрофидаги озодлик курашини ташкил этишда собиқ Қўқон ҳукуматининг халқ таълим вазири бўлган Носирхон тўра Камолхон тўра, айниқса, фаол бўлган. Ўта нуфузли ислом олими бўлганлиги учун у халқни урушга қандай тайёрлаш кераклигини жуда яхши билган. Боястон кўрбоши бўлинмаси Чотқол тоғларидан Наманган ва Чуст худудлари-

дан келаётган совет рус қўшинларига ҳужум қилади. Нурмуҳаммадбек Оқсув атрофида муваффақиятли амалиётлар олиб боради. 1920 йил декабридан 1921 йил мартигача бўлган даврда 2000 дан ортиқ озодлик курашчилари мардонавор жангларда қурбон бўлади.

Советлар эса босмачиларга қарши сиёсатни янада кучайтиради. 1921 йил 10 мартда Россия Компартияси Марказий Комитети Туркистон бюроси Фарғона fronti учун «махсус топшириқлар бўйича бўлинмалар» тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу бўлинмалар совет Россияси ҳарбий маъмуриятининг энг сара бўлинмалари сифатида танилган, улар урушда иккиланмасдан ва йўқотишлар ҳақида қайғурмасдан жанг қилишади. Совет Россиясининг 1-армияси қўмондони Зиновьев Фарғонадаги қўмондонликни ўз қўлига олади. 1921 йил 30 апрелда юборган буйруғида у барча қўмондон ва аскарлардан босмачиларга қарши урушни жуда жиддий қабул қилишни сўрайди. «Ўлдир, йўқ қил, босиб ол ва яша» каби шиорлар билан ҳаракат қилган совет рус қўшинлари ҳам ўта қатъий ҳаракатларига қарамай, Қўқон ва Хўжанд атрофидаги позицияларини йўқотадилар. Фарғона fronti қўмондони 9-отлиқ бригадани, 8-пиёда бригадасини, 15-, 16-, 17-, 18-, 19-отлиқ полкларини ҳамда 26-сонли ҳаво кучларини бу худудлардаги мужоҳидларга қарши сафарбар қилади.¹ Нима учун у 2 та бригада, 5 та полк ва самолётлар-

¹ Ҳ.Ш.Иноятов (213). 282-бет. Фарғонадаги совет отрядлари қўмондони 1921 йил 30 майда «Қўқон ва Хўжанд худудларини босмачилардан тозалаш» мақсадида куйидагича буйруқ беради (кўрбоши Тошпўлат, Исломуқул ва Собир бу худудда ҳаракат олиб бормоқдалар): «Отлиқлар аввал фарбдан шарққа (9-отлиқлар бригадаси), сўнгра шарқдан фарбга (8-отлиқлар бригадаси) кенг фронтда ҳаракатланиб, Сирдарё (дарё) ва тоғлар ўртасидаги босмачиларни тозалашади. Пиёда қўшинлар (пиёдалар дивизиясига бириктирилган 19-, 21-, 22-, 24-полклар) тоғлардан жанубга борадиган йўлни, Қўқон ва Марғилон воҳаларини ажратиб турувчи фронт чизигини бошқаради. Отлиқлар Сирдарё чизигини эгаллагандан кейин жанубга қайтиб, у ердан тоғли худудга қараб ҳаракатланадилар». «1921 йил 4 июнда пиёдалар, 5 июнда эса отлиқлар ҳужум қила бошлайдилар. Ҳужум қилинган худудларда икки ҳафталик танаффусдан сўнг ҳақиқий натижага эришилмайди». Совет қўшинлари қўмондони Зиновьев: «Европа қўшинлари одамларга ёмон муносабатда бўлишди. Халқ Европа иттифоқчиларига яқинлашмаяпти. Эҳтимол, бу қўшинлар омма олдида кўринишга қодир эмас эди». Қаранг: Зуев (39). 53-бет.

дан фойдаланиши кераклиги ҳақидаги савол пайдо бўлади. Очиғи, булар омон қолиш нуқтаи назаридан уруш натижасини белгилашда катта аҳамиятга эгадир. Озодлик курашчилари жанг қилишми ва омон қолишми ёки ғалаба билан ўлишми каби ҳар хил саволларга дуч келишади.

1921 йил апрелда Фарғона вилояти инқилобий қўмитаси «бир ой ичида қуролини топширган босмачилар афв этилишини» эълон қилади. Шундан сўнг баъзи қўрбошилар, хусусан, бир вақтлар муваффақиятга эришган қўрбоши Жонибекқози қуролларини топширади. Жонибекқози ва совет ҳарбий маъмурияти ўртасидаги сулҳ атиги 7 ой давом этади, кейин 1921 йил декабрда у яна қизил армияга қарши кураш бошлайди.

1921 йил июль ойида қўрбоши Алиёр ва советлар ўртасида сулҳ музокаралари бўлиб ўтади (улар урушда 2800 дан ортиқ кишини йўқотган ва атиги 300 киши қолган). Россия Компартияси Марказий Комитети Туркистон бюроси 1921 йил 11 августда Алиёрнинг сулҳ таклифни қабул қилади ва уни Шермуҳаммадбекка қарши жанг қилишга ундамоқчи бўлади. Алиёр Қуръонни ўртага қўйиб Шермуҳаммадбек билан умрининг охиригача тинч-тотув яшашга қасам ичганлиги ҳақида изоҳ беради. Шундан сўнг совет ҳарбий бошқармаси уни Новқатда Муҳитдин қўрбошига қарши жангга ундайди. Алиёр таклифни қабул қилади ва унга қарши курашиш ўрнига қўллаб-қувватлаш учун ўз бўлинмаси билан Новқатга боради. Фарғонадаги совет қўшинлари қўмондони Алиёр бўлинмасини қуролсизлантиришга буйруқ беради. У 1921 йил ноябрь ойининг ўрталарида алдов йўли билан қўлга олинади. Ўзининг энг яқин сафдошлари билан биргаликда ўлимга ҳукм қилинади.

1921 йил апрель ойининг охирида Андижон атрофида фаоллик кўрсатган қўрбоши Шерматқирғиз ҳам таслим бўлади. Шерматқирғиз 200 нафар совет милицияси билан Файзободда босмачиларга қарши жанг қилади. Файзобод йўлида милицияга қарата ўт очган Шерматқирғиз 12 кишини ўлдиради, 7 нафарини жароҳатлайди ва қочишга муваффақ бўлади. Шермуҳаммадбек ва Шерматқирғиз 1921 йил 8 – 19 июнь кунлари Андижонга ҳужум қилади. Бу ҳужумда Шерматқирғизнинг 200 дан ортиқ жасур аскарлари шаҳид бўлади. 1921 йилнинг ёзида совет қўшинлари Оққўлда Эшмат қўрбоши, Қўнғиротда Муҳиддин, Андижон атрофида жанг қилган Нурмуҳаммадбек ва Шермуҳаммадбек қўшинларини йўқ қилишга уринадилар.

Советларнинг рус шовинизмига асосланган айрим амалиётлари халқнинг кўпроқ озодлик курашчилари сафига қўшилишига сабаб бўлади. Ушбу амалиётлардан бири биринчи навбатда қизил армия эҳтиёжларини қондириш учун халқдан озиқ-овқат сотиб олиш эди. Бунинг учун ташкил этилган муассасалар мутасаддилари аҳолини ўз маҳсулотларини ушбу муассасаларга сотишга мажбур қилишган. Бу муассасалар ҳарбийлар назорати остида фаолият юритган. Фарғонадаги совет рус маъмурлари ва Туркистоннинг бошқа ҳудудларидаги маъмурлар деҳқонлардан маҳсулотларини қурол кучи билан тортиб олишади. Аммо озодлик учун курашувчилар ҳам озиқ-овқатга муҳтож эди. Деҳқонларнинг елкасига тушган бу юк уларнинг совет тузумига қарши туришига сабаб бўлади. Бу муассасалар эса ҳарбийлар уларни етарлича қўллаб-қувватламаётганидан норози бўлишган. Улар қиличлари етарли бўлса, кўп нон йиғишлари мумкинлигига ишонишган. Шўроларнинг кўзга

кўринган йўлбошчиларидан бири Назир Тўракул: «Уларга етарлича қилич берилган, аммо улар нон кеса олмайди», – деган масхараомуз гап айтган эди.¹ Бу шуни англатадики, аскарлар қиличлари билан деҳқонларни ғалла беришга мажбурлай олмаганлар.

Озиқ-овқат йиғадиган бу муассасалар виждонсиз мустамлакачилар билан тўла эди. Шу муносабат билан, масалан, 1921 йил бошида фақат Наманган атрофидаги деҳқонлардан давлатга 75 минг пуд (1 пуд – 16 кг, яъни 1200 минг кг) дон бериш талаб қилинган. Уларнинг эвазига 50 000 рубль тўлаш айтилган. Бошқача айтганда, давлат 1 кг дон учун 4,2 тийиндан ҳақ тўлаётган эди. Бундай шароитда деҳқонлар кимга ишонишлари мумкин эди? Босмачиларгами ёки советларгами? Албатта, улар совет ҳукмронлигига қарши курашиб, деҳқонларга бошпана берганлари учун босмачилар томонига ўтадилар. Коммунизм ва шўролар ниқоби остида халққа шафқатсиз муносабатда бўлган русларга халқ ишонмайди. Бу ҳақиқат Фарғонадаги совет қўшинлари қўмондонларидан бири Зуевнинг қуйидаги баёнотидан ҳам маълум бўлади: «Халқ назарида, совет ҳокимияти руслар мутлақ ҳукмронлик қиладиган механизmdir».² Қўрбошилар 1920 – 1921 йиллар оралиғида фуқароларни миллий курашга ундашда жуда муваффақиятли ҳаракатларни амалга оширадилар. Маълумки, рус ҳукумати туркистонликларни ҳарбий хизматга олиб кетган. 1920 йилнинг охиригача совет ҳарбий маъмурияти 30 минг нафар туркистонликни қизил армия сафига олади. Бироқ бу амалиёт билан совет руслари миллий

курашчилар ишини енгиллаштиргани маълум бўлади. 1916 йилда Россия туркистонликларни фронтга олиб чиқишга ҳаракат қилади. Бунинг натижаси 1916 йилги халқ кўзғолони эди. Кўзғолондан уч йилдан кўпроқ вақт ўтгач советлар ўзлари учун ўта хавfli қарор қабул қилиб Туркистон халқини ўз фуқароларига қарши курашга мажбур қилмоқчи бўлади. Ҳарбий хизматга мажбурланган бу одамларнинг 1/3 қисми (тахминан 20 000 киши) (совет манбаларида «ихтиёрий, маҳаллий аскарлар» деб таърифланган) қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан сўнг ўз қуроллари билан босмачилар сафига ўтиб кетганлар.³ Қўрбошилар учун озгина ҳарбий тайёргарликка эга бўлган озодлик жангчиларига эга бўлиш катта устунлик эди.

Совет руслари ва уларнинг йўлидан борган, лекин ҳурматига сазовор бўлмаган оз сонли туркистонликлар 1918 – 1921 йиллар оралиғида босмачилик ҳаракатини оддий чора-тадбирлар билан йўқ қиламиз деб ўйлашган. Қизил армия қўмондонларидан бири шундай деб ёзган эди: «Ўша даврда биз олиб борган сиёсатимиз ҳозирда қўлга олиш мумкин бўлмаган босмачи тўдаларини йўқ қилишдан иборат эди».⁴

Қизил армиянинг озодлик жангчиларига қарши олиб борган ҳарбий операциялари муваффақият келтирмайди. Совет қўмондонлари ва комиссарлари қизил армия халқ назарида техник жиҳатдан заиф босмачиларга қарши ожиз эди деб тан оладилар. Босмачилар ҳаракатининг фақат ҳарбий ҳаракатлар билан бартараф этилиши мумкин эмаслиги ушбу ҳаракатнинг пайдо бўлишининг

¹ Дарвеш (Назир Тўрақулов). Басмачество и Ферганская проблема // Жизнь национальностей. №18. 19.5.1921. – С.2.

² Зуев (39). 48-бет.

³ Зуев (39). 48-бет.

⁴ Василевский. Басмаческое движение в Средней Азии // Новый Восток. 1930. №29. – С.135.

ҳақиқий сабабларига эътибор қаратишни талаб қилади, шу тариқа марказий ҳукумат томонидан кўп қиррали музокаралар ва янги иқтисодий сиёсат олиб бориладиган янги давр бошланади.

Шунга қарамай, Зуевнинг ёзишича, Фарғона водийсида 1921 йилнинг март – декабрь ойлари орасида 341 та шиддатли тўқнашувлар юз бериб, уларнинг 165 таси қўрбошилар, 76 таси қизил армия ташаббуси билан бўлган.¹ 1920 йилда Фарғонадаги тўқнашувларда совет руслари маълум муваффақиятларга эришадилар. 1921 йил бошида Жалолобод яқинидаги тўқнашувда муваффақиятли ҳарбий операцияларни амалга оширган Парпи қўрбоши яраланиб, 9 апрелда вафот этади. Парпи қўрбоши бўлинмаси жуда жиддий мағлубиятга учрайди.

Совет Россияси ҳарбийлари советлар билан илгари сулҳ шартномасини имзолаган босмачи кўшинларидан совет кўшинларини яратишга қарор қилишади. Шу муносабат билан Мадаминбек ва бошқа қўрбошилар бўлинмаларидан тўртта полкдан (Қўрбоши Ҳамдам, Тўйчи, Охунжон ва Маҳкамхўжа командир эдилар) иборат иккита турк бригадаси тузилади. Бу бригадалар олдинги қуролдошларига қарши фронтга жалб қилинади. Бироқ бу бригадалар совет ҳарбий маъмурияти каби радикал уруш тарафдори эмас эди. Шундай қилиб, қизил армияда ҳатто бригада командири бўлган одамлар яна босмачилар сафига қўшилишади. Бу гал совет ҳарбий маъмурияти Фарғонада эски босмачилардан маҳаллий мусулмон отлиқ бригадаларини тузишга ҳаракат қилади. Бу бирликлар (улардан бири ҳаракат қиладиган ҳолатда эмас эди, иккинчиси тўлиқ эмас эди) 1921 йилда тарқалиб кетади.

Маълумки, Туркистонда Россиянинг совет тузуми мустаҳкамланиши ва советлашувга энг катта тўсиқ босмачилар ҳаракати эди. Россия ўзи хоҳлаган пахтани ёки Туркистоннинг ерости бойликларини осонлик билан қўлга кирита олмади. Бундан ташқари, миллий кураш ҳукуматнинг Туркистон комиссияси; Россия Компартияси Туркистон бюроси; Россия ва Туркистон Коммунистик партиялари Марказий Комитетлари; Хоразм Коммунистик партияси; Туркистон Мухтор Совет Социалистик ҳукумати Марказий Ижроия Қўмитаси; Туркистон Халқ Комиссарлари Совети; Туркистон fronti; Фавқулодда комиссия (разведка агентлиги номи билан машҳур) Москва-нинг барча авторитар органларини, масалан, маҳаллий инқилобий қўмиталар ва ҳарбий судларини даҳшатга солади. Ҳокимият эгалари нега ҳарбий ҳужумлар, тарғибот ишлари, энг сўнгги русумдаги қуроллар, мусулмон халқи «иблис араваси» сифатида тасвирлаган самолётлар, айниқса, туркистонликларнинг туркистонликларга қарши фронтга жалб қилинишига қарамай, босмачилар ҳаракати бартараф этилмаганини ўз-ўзидан сўрарди. Муваффақиятсизлигининг сабаблари сифатида улар деҳқонларнинг кўпчилиги руҳонийлар таъсиридалиги, оғир иқтисодий вазият, туркистонликларнинг русларга нисбатан анъанавий ишончсизлиги, босмачиларнинг ҳар доим ҳужум қилиб ҳамма жойда ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириши кабиларни кўрсатадилар.

Рус ҳарбийлари фақат ҳарбий ҳаракатларни бошқариш учун жавобгар эди. Коммунистик партия механизми эса коммунистик мафкуранинг тарқалиши, унинг сиёсий йўналиши, маҳаллий аҳо-

¹ Зуев (39), 54-бет.

ли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларига масъул бўлган.

Коммунистик партия органлари ҳар кунни, ҳатто кунига бир неча марта йиғилиб, босмачилик масаласини қандай ҳал этишни муҳокама қилишарди. Бу масала партия қурултойларида ҳам кун тартибига қўйилади ва айрим қарорлар қабул қилинади. Мисол тариқасида 1921 йил августда бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг VI қурултойини кўрсатишимиз мумкин. Бу қурултойда Фарғона муаммоси, босмачилар ҳаракати атрофлича муҳокама қилинади. 9 моддадан иборат бўлган ва келгусидаги ҳаракатлар учун ҳал қилувчи қарор қабул қилинади. Қарорнинг биринчи моддаси қўйидагича тахрирда баён этилади: «Туркистон Коммунистик партияси VI қурултойи Фарғона вилояти иқтисодий-сиёсий жиҳатдан нафақат Туркистон Мухтор Совет Социалистик ҳукумати, балки бутун Совет федерацияси ва республика халқ хўжалигида муҳим улушга эга бўлган тўқимачиликни қайта тиклаш учун (Фарғона вилояти урушдан олдин Россияга зарур бўлган пахтанинг 40 – 45% ни етказиб берган – Б.Х.) нақадар муҳим эканини билади, шунинг учун Туркистон Компартияси Марказий Комитети қўйидагиларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди: Марказий Комитетга қарашли Туркистон бюроси билан биргаликда босмачиларга қарши уруш усулига доир режа тузилсин ва Фарғона фронтини бекор қилиш учун зарур сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий чоралар кўрилсин».¹

Туркистон Коммунистик партияси VI қурултойидан сўнг Компартия Фарғона вилояти қўмитаси 1921 йил августда босмачиларга қарши курашни белгилов-

чи 19 моддадан иборат резолюцияни эълон қилади. 15-модданинг бир қисмида шундай дейилган: «Босмачиларга қарши ҳарбий куч ишлатмасдан жанг қилиш ақлга сиғмайди. Бу урушдан тўплаган тажрибамиз шундан иборатки, қўшинларимиз учун энг катта тўсиқ уларнинг маҳаллий шароит, халқ тили ва анъаналарини билмаслигидир». Бу резолюцияда халқнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда ҳарбий ҳаракатлар орқали ҳам енгилликни таъминлаш назарда тутилганди.²

Лекин Туркистонда босмачиларга қарши курашда энг самарали усул ҳарбий ҳукмронлик эканини унутмаслик керак. Бу ҳарбий ҳокимиятсиз Туркистонда эски рус мустамлакачилик даврини давом эттириб бўлмасди, чунки қизил армия ўз кучини қуролли мустамлакачилардан олаётган эди. Бу жиҳатдан мустамлакачи рус жаноблари қизил армиянинг Туркистондаги озодлик курашчилари билан курашида энг катта маънавий ёрдам бўлади. Совет тузуми 1917 – 1920 йилларнинг дастлабки вақтида ҳам, кейинги даврларда ҳам русларнинг мустамлакачилик тафаккури ва хатти-ҳаракатларига қарши чиқиш ва уларни тўхтатиш ниятида бўлмади. Аксинча, тузум бу фикрни кучайтирди. Баъзи совет раҳбарлари русларнинг мустамлакачилик позициясига маҳаллий аҳолини ўзларига душман қилиб қўйганлари сабабли эътироз билдиришади.

Айрим совет раҳбарларининг баёнотларига кўра, босмачилар ҳаракати билан курашда совет рус маъмуриятининг нимани иташини билиб олайлик. Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари Совети-

¹ Қарор бўйича батафсил маълумот учун қаранг: Резолюция (63). 143 – 145-бетлар.

² Босмачиларни йўқ қилиш бўйича қарорнинг тўлиқ матнини билиш учун қаранг: Борьба с басмачеством // Жизнь национальностей. №16. 13.2.1921.

нинг раиси Сорокин 1919 йил 6 июлда Туркистон Компартиясининг 3-қурултойида шундай баёнот берди:

«Фарғонада совет ҳукмронлиги йўқ. У фақат руслар яшайдиган йирик шаҳарлардагина мавжуд. Бироқ унинг мусулмон қишлоқларида мавжудлиги ҳақида умуман гапириб бўлмайди. У ерда Николай даврининг эски механизмлари устунлик қилади. Фарғонага келганимизда партиядош ўртоқлар у ердаги даҳшатли турмуш шароити ҳақида гапириб беришди... Мусулмонларда бор нарсани олибгина қолмай, ўлдиришганди. Бизнинг аскарларимиз уларни ҳимоя қилиш ўрнига талон-торож қилади ва ўлдиради. Улар ўлдирадилар, кейин изни йўқотадилар. Қишлоқлардаги одамлар террор таҳдиди остида яшашмоқда, шу сабабли қочиб кетишмоқда. Шунинг учун қароқчи тўдалари (озодлик курашчилари дегани – Б.Х.) янада кучаймоқда. Эҳтимол, энди бунинг сабаби партия эмас, балки қизил армия деб айта оласиз. Бироқ партия қизил армиянинг бошидадир. Ҳукмронликни амалга ошираётган ҳокимият тепасида партиядошларимиз туради, лекин вазиятни тўғрилаш учун ҳеч қандай чора кўрилмайди. Мастлик, шармандалик ҳукмрон бўлади, бунинг жазосини партия тўлайди... Мусулмон миллатчилари бунчалик ҳақорат қилинаётган бир пайтда бизга қандай дўстона муносабатда бўлишади? Уларнинг миллатчи бўлишларига ўзимиз сабабчимиз. Энди мен миллатнинг аҳволини кўрсатиш билан характерли ҳужжатни ўқимоқчиман. Бу ҳужжат мусулмон партияси етакчисига тегишли бўлиб, у мактубида шундай ёзган: «Мен ўзим ишчиман ва совет ҳокимияти ўрнатилгандан бери коммунистик-большевиклар партияси аъзосиман ва совет ҳокимияти вакиллари қандай ишлаётганини кўриб турибман.

Мен қуйидагилар ҳақида сўз юритишни хоҳлайман: Ўртоқлар, биз Николай даврида қорамолдек муносабатда бўлинган, ҳаттоки ҳозирги пролетар ҳукумати томонидан ҳам ёмонланган камбағал мусулмонлармиз. Биз қоронғида, ҳимоясиз ва очликдан итлар каби ёлғиз ўламиз. Бунга ким айбдор? Айбдор ким? Ким айбдор эканини аниқ айта олмайман, лекин шуни айта оламан... Бир бечора пролетарнинг оти ва араваси бор эди. От араваси билан меҳнат қилиб, оиласини боқарди. Қизил гвардиячилардан бири ҳеч қандай пул тўламай ундан отларини тортиб олади. Унинг оиласи шу сабабли оч қолади ва мавҳум келажакка маҳкум этилади ...

«Бойларда бор нарсани оламиз» шиори билан 84 минг оила ҳамма нарсадан маҳрум қилинди. Бу ростми? Уларнинг барчаси камбағал эди, улар уйларининг қалитларини олиб кетишди. Бу товарлар оловда ёниб кетганми ёки дарҳол сотилганми? Айримлари қурол сақлагани учун ҳибсга олинган. Агар қидирувдаги шахдан қурол топа олмасалар, уни қўйиб юборишарди, аммо кейин у 5000 дан 10 000 рублгача жарима тўлаши керак эди. Бу пул қаерга кетди – совет кассаларигами ёки шахсий омборларигами?

Ҳукмрон ўртоқлар нима қилишди? Улар фақат ўз фуқароларини қўриқлаб, жосуслик қилишган, уларни овқатлантиришган ва кийинтиришган, уйларини бегона нарсалар ва безаклар билан безашган. Лекин улар биз мусулмонлар учун нима қилишди? Улар бизни овқатлантиришдими? Йўқ. Бизни кийинтиришдими? Йўқ. Бизни кийинтиришса, ўша бечоралар ялангоёқ юришмасди. Агар бизни овқатлантиришганида, 1000 дан 10 000 гача одам очликдан ўлмаган бўларди. Уйларимиздан нима қолди? Фақат майдаланган поғонали адёл, бошқа ҳеч нарса йўқ.

Нима учун бошқа халқлар ишончли ва қуролланган эди? Нега бизга ишонмай, бизни қароқчи деб билишарди, руслар, арманлар каби бошқа халқларга нима бўлди? Улар қийналганми ёки мулкларни мусодара қилинганми? Йўқ. Аксинча, улар ўз бойликларини икки баравар оширдилар. Нега бу халқлар талон-торож қилинмади ва азоб чекмади? Балки, қарши томон уларнинг қуролларидан қўрққандир? Биз мусулмонларга нима қолди? Ҳеч нарса, ҳеч нарса, ҳеч нарса».¹

Туркистонда совет «хукумати бошлиғи» бўлган, ўзи эса рус бўлган Сорокиннинг бу каби гаплари тўғрилигига шубҳа қилишнинг ҳожати йўқ. Унинг бу ҳолатларни тилга олишига сабаб мусулмон маҳаллий аҳоли орасида совет Россиясининг ҳокимиятини ўрнатиш эди.

Бу маънодаги яна бир сўзни Москвадаги партия маъмурияти томонидан «Империализмга қарши ва озодлик ҳаракати нуқтаи назаридан жаҳон конгресси» деб аталган Шарқ халқлари қурултойида ҳуқуқшунос Норбўтабек деган туркистонлик сўзлаган. 1920 йил 6 сентябрь. Норбўтабек ўз нутқида шундай дейди:

«Большевиклар инқилобнинг дастлабки кунларида Керенскийнинг капиталистик ечими – ғалабагача бўлган уруш ғояси ўрнига «ўз тақдирини ўзи белгилаш» шиори билан чиққанида бу ғоя Россия империясида яшаётган 53 та халқ томонидан юқори баҳоланади. Биз, Шарқ халқлари, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш шиорига ишонган эдик, энди эса жаҳон пролетариатининг ғоявий етакчилари бўлган ўртоқ Ленин, Троцкий ва бошқаларга ишонамиз, лекин шуни айтишимиз керакки, бу қурултойда меҳнаткашларнинг мусулмонлар

ва Шарқ халқларининг овозига қулоқ солиш керак... Ўртоқ Зиновьев ҳам, Ленин ҳам, ўртоқ Троцкий ҳам Туркистондаги ҳақиқий вазият ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар ва Туркистонда охириги уч йилликда нима бўлганини билишмайди... Аниқ айтиш керакки, Туркистоннинг ҳақиқий аҳволи ва қилган ишлар ҳақида маълумот берилса, раҳбарларимизнинг кўзи очилади. Кейин Туркистонга келиб, қилинган ишларни тўғрилашлари мумкин... Ҳукуматимизни огоҳлантираман, аксилинқилобчиларингизни олиб чиқиб кетинг! Миллий туйғуларни уйғотадиган муҳожирларингизни (русларни назарда тутаяди – Б.Ҳ.) ортга қайтаринг! Коммунизм номи билан иш олиб бораётган мустамлакачи хўжайинларингиз орқага чекинсин (жонли олқишлар ва офарин овозлари)».²

Норбўтабек Туркистонда рус совет тузумининг тугатилишини истамас, унинг орзуси совет ҳукуматининг Россия империясида яшаётган мусулмонлар ва шарқ халқларига 1917 йил ноябрда ваъда қилинган миллий ва диний ҳаётини эркин амалга ошириш ҳуқуқини амалга ошириш эди. Бундан ташқари, «мустамлакачиларингизни орқага тортинглар» деган муҳим талабни ҳам қўяди. Совет маъмурияти рус мустамлакачилигини давом эттиришнинг салбий томонларини англаб етади ва типик мустамлакачиларни ортга қайтаришга ҳаракат қилади, бироқ бу русларнинг Туркистонда бепарволик билан ҳаракат қилишига тўсқинлик қила олмайди.

Туркистон муаммолари учун ўзини масъул деб билган совет маъмурияти ҳар доим ҳам босмачиларни йўқ қилиш

¹ Тўлиқ матин учун қаранг: Резолюция (63). 38 – 51-бетлар.

² Тўлиқ матн учун қаранг: Съезд народов Востока. Стенографические отчет. – Петроград, 1920. – С.85 – 91; Революция (63). 115 – 123-бетлар;

усулларини ўзаро келишиб ололмасди. Бошқарма ичидаги бир гуруҳ Туркистон халқини қўрқитмаслик учун мустамлакачиларга чексиз ваколатлар беришга қарши чиқади. Бу гуруҳ «мустамлакачиларга қарши кураш» каби шиорлар билан маҳаллий халқнинг ишончини қозонишни мақсад қилганди. Бошқа гуруҳ эса, қайси табақага мансуб бўлишидан қатъи назар, босмачилар ҳаракати фақат русларнинг темир муштлари билан йўқ қилиниши мумкинлигини таъкидлайдилар. Қарама-қарши томонлар, рус ва туркистонликларнинг бир-бирига нисбатан муросасиз муносабатларига айнан шу гуруҳлар сабабчи бўлади.

Туркистон озодлиги учун кураш қизиган ва бу ҳаракат нафақат Тошкентдаги совет раҳбарларини, балки Москвадагиларни ҳам қўрқув ва хавотирга солаётган бир пайтда, 1921 йил март ойида пойтахтда Россия Компартиясининг X қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойнинг асосий масалаларидан бири «миллат масаласи» эди. Сталин асосий маърузачи, Г.Сафаров ёрдамчиси сифатида бу масала билан шуғулланади.

Сафаров Туркистон коммунистлари вакили сифатида сўзлайди. У ўз нутқида Туркистондаги мустамлакачиларнинг муносабатини қаттиқ танқид қилади:

«Туркистондаги вазиятни тушуниш учун ҳозирда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари, собиқ конституциявий демократ, кейин ижтимоий инқилобчи, сўнг (социалист) бўлган ва охир-оқибат ўз гуруҳи билан Туркистон Компартиясига ўтиб кетган доктор Успенский каби шахсларнинг кўп одамларга таъсир ўтказишининг ўзи кифоя қилади... Демак, эски мустамлакачилик муносабатлари совет

мафкураси остида автоматик тарзда сақланиб қолган».¹

Туркистондаги мустамлакачиларнинг мавжудлиги ва фаолияти ҳақида очикроқ гапирган совет раҳбарларидан бири Бурнашев шундай дейди:

«Биз мустамлакачиларга қарши курашни бошлашимиз керак, чунки шундагина биз ғалаба қозонишимиз ва маҳаллий халқни ишонтаришимиз мумкин. Акс ҳолда, Туркистон маҳаллий ва меҳнаткаш халқ фойдасига ҳеч қандай ташкилот тузилмаган жой сифатида қаралади».²

Сафаров ўз маърузаси ва муҳокама-ларида Туркистонни мисол қилиб келтириб, одамларга миллий-маданий жиҳатлардан келиб чиқиб ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш кераклигини таъкидлайди. Сталин ва Россия Коммунистик партиясининг X съезди бу таклифни кўпчилиكنинг овоз билан рад этади.

Ваъда қилинган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилмаганидан кейин туркистонликлар, ҳатто ярим мустақил (ички масалаларда мустақил, ташқи ишларда Россияга қарам) бўлган Хоразм ва Бухоро каби давлатлар ҳам қурол кучи билан қизил Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлайдилар. Битта чора қолади, у ҳам бўлса совет руслари ўзларининг маҳаллий мустамлакалари (бу атама ўша пайтда Турар Рускулов томонидан қўлланилган) ўз тақдирини ўзи белгилашга қарор қилганини англаб етгунигача курашишдир. Озодлик курашининг мақсади Россиянинг коммунистик режимидан ўзини ҳимоя қилиш эди. Россиянинг Туркистон фронтдан мақсади

¹ 10 съезд РКП(б). Март 1921 года. Стенографический отчет. – Москва, 1963. – С.209.

² 10 съезд (248). 209 – 210-бетлар.

совет Россияси ҳукмронлигини Туркистонга ёйиш эди. Шунинг учун 1921 йил ва ундан кейинги йилларда Туркистон худудида қарама-қарши томонларнинг уруш олиб боришини талаб қиладиган сабаблар аниқ эди.

1921 йил ўрталарида Туркистондаги совет ҳарбий маъмурияти босмачиларга қарши янги тактикалар билан ҳаракат қила бошлайди. Туркистон fronti қўмондони В.С.Лазаревич Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгашининг 1921 йил 20 июнда бўлиб ўтган йиғилишида шундай деган: «Урушда эришган ютуқларимиз иқтисодий чора-тадбирлар билан мустақамланиши керак». Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси П.И.Баранов Фарғонадан Тошкентга қайтгач, шундай деган: «Босмачиларни биргина ҳарбий чоралар билан енгиш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун бизга мос сиёсий шароитларни тайёрлайдиган бир қатор иқтисодий чора-тадбирларга мурожаат қилишимиз керак. Бунинг учун:

«1. Фарғонани озиқ-овқат билан таъминлаш мажбуриятидан халос этиш.

2. Фарғоналиклар билан товар айирбошлаш учун молиявий фондлар ташкил этиш.

3. Фарғона вилоятидаги рус муҳожирларини кўчириш орқали қўшимча ер фонди билан таъминлаш»¹ керак.

1921 йилнинг ёзида биргина Фарғонанинг ўзида камида 25 минг нафар мужоҳидлар тинимсиз жанг олиб бораётгани ва бу масалани биргина ҳарбий чоралар билан ҳал қилиб бўлмаслигини совет ҳарбий маъмурияти яхши билар эди. Советларнинг босмачиларга қарши кураши бевосита халққа қарши жазо чораларини кўришдан иборат эди.

1921 йил августда бўлиб ўтган Туркистон Коммунистик партияси VI қурултойида бир делегат жазо бўлимлари, ҳатто масъул совет раҳбарлари ҳам Фарғонадан ҳайдаб юборилганидан шикоят қилади. Шунда Туркистон фавқулодда комиссияси (совет рус разведкаси – ЧК) бошлиғи Яков Кристофорович Петерс: «Бу мутлақо оғир иш эди, чунки андижонлик ёшларнинг барчаси оммавий равишда босмачилар тарафига ўтадилар», – дея бунда бошқа омиллар ҳам роль ўйнаши мумкинлигини тушунтирган.²

Озодлик курашини бостириш мақсадида босмачи ва унинг тарафдорларини қаттиқ жазолаш (масалан, гаровга олиш), босмачилар орасида маҳаллий айғоқчиларни қўллаб-қувватлаш, минтақада маҳаллий халқ вакилларида иборат полиция бўлинмаларини тузишдан иборат (Улар фақат қурол-яроққа эга ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қурол кучи билан бўлса-да халқдан қондиришга мажбур бўладилар) чоралар ҳам етарли эмас эди. Шу билан бирга, озодлик жангчилари ҳужум ва мудофаа тактикасини ўзгартирдилар. Улар рақибларига тезда ҳужум қилиш учун қўшин тузмасдилар. Бунинг сабаби, эҳтимол, катта йўқотишлардан қочиш бўлгандир. Улар биринчи навбатда қизил гвардиячиларга қарата ўқ узиб, сўнг уларнинг ҳаракатини кутиб душманнинг кучини аниқлашар эди. Кейин жанг қилиш ёки қилмасликка қарор қилишарди.

Совет ҳарбий маъмурияти 1919 йилда қўрбошилар билан сулҳ музокараларини олиб боради, аммо бу музокаралар кўпинча муваффақиятли бўлмайди. Шунга қарамай, 1921 йилда улар сулҳ музокараларини алоҳида шаклда бошлайдилар. Совет Россияси маъмурия-

¹ Ҳасанов М.К. Кокандская автономия и некоторые ее уроки // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1990. №2. – Б.51.

² Журнал военных действий Туркестан фронта за 1921. – С.9; Зуев (39). 79-бет.

ти Россия фавқулудда комиссиясидан (разведка) маълум шартларда босмачилар билан сулҳ музокараларини олиб бориш мумкинлиги ҳақида кўрсатма олади. Бу йўналишда совет Россияси ҳукуматининг Туркистон комиссияси ва Турк fronti инқилобий ҳарбий кенгаши 1921 йил 15 августда бир жойга йиғилиб, қуйидаги қарорни қабул қилади: «Бутунроссия фавқулудда комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ Уншлихтнинг 14 август ва 22211-рақамли телеграммаси муносабати билан босмачи раҳбарлари билан тинчлик музокараларининг дастлабки шартлари муҳокама қилинади. Қуйидаги масалалар бўйича бир тўхтама эришилди:

1. Босмачилар раҳбарлари билан сиёсий мақсадларда алоҳида учрашувлар ўтказишга рухсат берилади.

2. Барча босмачилар тўдалари вакиллари билан учрашувлар ўтказишга ҳаракат қилиш керак.

3. Босмачи бўлинмаларининг биз томонимизга ўтиши билан боғлиқ сулҳ келишувлари фақат улар тўлиқ қуролсизлантирилган тақдирдагина мумкин.

4. Музокараларга раҳбарлик қилиш учун фақат Туркистон комиссияси ва Инқилобий ҳарбий кенгаш вакилининг ўз назорати остида мажлислар ўтказиш мумкин.

5. Туркистон Автоном Совет Республикасининг навбатдаги қурултойида (21 – 23 август кунлари бўлиб ўтади) Фарғона халқи совет ҳукмронлигига қарши курашни тўхтатишга чақирилади. Урушдан воз кечиб, қуролини топширган ҳар бир кишига амнистия берилади.

6. 4-бандни амалга ошириш учун ўртоқ Тўрақулов ва Барановлар тайинланади.

Совет руслари сулҳ битимлари тузиб, халқ ишончини қозонишдан озодлик кураши етакчиларини ҳайратда қолдириб босмачиларга сўнгги зарбани бериш учун тайёргарликни яқунлашни мақсад қилган эди. Бу орада советлар урушларда катта зарба олади. Шу сабабли улар озодлик кураши етакчилари билан сулҳ битимларини тузишда эҳтиёткор бўладилар. Мачо беги билан тузилган шартномани мисол қилиб келтириш мумкин. Мачо яқинидаги қўрбошилар қизил армия бўлинмаларига қарши тинимсиз кураш олиб борардилар. Бироқ ҳеч бир томон ғалаба қозона олмади ва энди нима бўлишини кутишарди. Шундан сўнг Тошкентдаги совет маъмурияти Мачо беги билан сулҳ музокараларини ўтказишга қарор қилади. 1920 йил охирида Туркистон Мухтор Совет Социалистик Ҳукумати вакили Тожибойхўжа Маҳмуд Мачога келади. Музокаралар тахминан икки ҳафта давом этади ва сулҳ шартномаси имзоланади, унинг мазмуни қуйидагича эди: «Икки томон ҳам дўстликни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш тарафдори. Ҳар икки томон урушни тугатади. Иккала томон ўз ҳудудида советларга қарши кучлар, шу жумладан, босмачилар ҳам бўлмаслигини ўз зиммасига олади».¹

Бироқ бундай тинчлик шартномалари доимий кучга эга эмас эди. Булар фақат нафас ростлаш учун вақтдан ютар эди, холос. Бу сулҳ шартномаси фақат қоғоздагина амал қилади, чунки совет қўшинлари Фарғонадан Ўратепа ва Хўжандга кириб келган босмачи деб аталувчи қўрбоши Холбўтани йўқ қилиш баҳонаси билан Мачо ерларида ўз ҳарбий амалиётларини давом эттирадилар. Шундан келиб чиқиб мужоҳидлар сафига қўши-

¹ Б.Ҳайит (9). 282-бет.

лишдан олдин Ўратепа совет инқилобий қўмитаси раҳбари ва Туркистон Совет Социалистик Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси бўлган Мачо беги Авлиёхўжа Аҳмадхўжа ҳам яна совет қўшинларига қарши жанг қилишга мажбур бўлади. Бундай сулҳ шартномаси Шарқий Бухорода ҳам тузилган. 1921 йил 12 августда Отауллохўжа Пўлатхўжа Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати вакили этиб тайинланади.

Совет рус консули Дуров, рус бўлими вакили Шатов ва муфтий Муҳаммад Хўжа назорати остида Балжувонда Давлатмандбек билан сулҳ шартномасини имзолайдилар. Шартномада рус қўшинлари Шарқий Бухородан чиқиб ҳукмронликни маҳаллий халққа қолдириши, сўнгра мужоҳидлар Бухоро ҳукуматини тан олишлари ҳақида хабар берилган эди.¹ Бу шартнома ҳатто икки ой ҳам амал қилмади. Руслар Шарқий Бухородан ўз қўшинларини олиб чиқмагани учун совет қўшинлари билан Давлатмандбек қўшинлари ўртасида яна тўқнашувлар бошланади.

Қўрбоши Аҳрорхўжа, Кобул Адубўлис, Мустафоқул ва Омонқул бўлинмалари 1921 йилдан бери Мачо водийси, Ўратепа ва Хўжандда ҳарбий амалиётлар олиб борарди. Ҳарбий амалиётларни бошқариш нуқтаи назаридан бу қўрбошилар фарғоналик қўрбоши Холбўта, Машраб ва Ислом билан яқин алоқада бўлишган.

1920 – 1921 йилларда Помир тоғларида қизил армия ва мусулмонлар ўртасида шиддатли тўқнашувлар бўлиб ўтади. Помир ўлкаси халқи рус ҳукмронлигига бошқа чидашни хоҳламайди. Фарғоналик ва Шарқий Бухородан келган мужоҳидлар Помир тоғларидан Афғонистон билан боғловчи йўл сифатида

фойдаланадилар. Фарғона водийси мужоҳидлари эса Помир ўлкасининг энг катта қисмини, жумладан, Олой водийси ва унинг тоғлари, Шуғнон ва Ваҳонни руслардан озод қилишга муваффақ бўладилар. Дарвоз ҳокимлигига Шуғнон ва Ваҳон туманларининг ҳокими Абдул Ғиёсхон 1920 йил ўрталарида Дорбоз ҳокимига «Руслар қочиб кетишди, амир зудлик билан келиб маъмуриятни қўлга олиши керак, акс ҳолда, Афғонистонга жўнаб кетаман» деган шаклда бир мактуб жўнатади. Бироқ Дорбоз ва амир ҳукумати бу ҳудудларни (Шуғнон ва Ваҳон) ўз ҳимоясига олиш ниятида эмас эди. Бухоро амири авваллари Бухорога тегишли бўлган бу ерларни нега сақлаб қолишни истамагани тушунарсиз. Ёки бу билан совет Россия ҳукуматига тасалли бермоқчимиди? Маълумки, Россия бу ҳудудларни XIX аср охирида Бухородан Россияга қўшиб олганди. Дорбоз ҳокими 1920 йил 10 мартда Шуғнонга вакиллик (16 киши) жўнатади, бироқ русларнинг фитналари туфайли вакиллик Дорбоз билан қайта алоқа боғлай олмайди. Бу орада, албатта, совет руслари мусулмонларнинг бир қисмини (масалан, Азизбек Наврўзбекни) ўз тарафига тортиб, қизил армия бўлинмалари билан Хорогдан Помирни қўриқлаётган қалъа ва жойларни эгаллаб олишга муваффақ бўладилар.

Совет қўшинлари 1920 йил 27 июнда Хорог қалъасига ҳужум қилиб уни эгаллаб оладилар. Хорог ҳокими 1920 йил 28 июнда қизил қўшинларга қалъани зудлик билан бўшатишни буюради. 29 июнь куни совет қўшинлари ва Хорог ҳимоячилари ўртасида тўқнашувлар бошланади. Советлар урушда ғалаба қозонади. Фрунзе 1920 йил 20 июнда:

¹ Б.Ҳайит (9). 282-бет.

«Босмачи тўдаларини тозалаш учун Олой водийсига махсус қўшинлар жўнатилган ва бу қўшинлар ўз вазифаларини яқунлаб, босмачиларни Бухоронинг Гарм шаҳригача қувиб етиб борадилар», – дея таъкидлаган.

Бироқ совет руслари ўз ҳукмронлигини Хорог қалъасидан ташқарига ёя олмадилар. Туркистон fronti совет қўмондони 1920 йил декабрь ойида яна 350 нафар аскар жўнатиб гарнизонни мустаҳкамлаган эди. Шу билан бирга, тоғли ерларда жанг қилишга ўргатилган Помир қўшинлари тузилади. Бу бўлинманинг вазифаси Помир ўлкасида совет ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эди.

1920 йил 10 октябрда Туркистон fronti бош қўмондонининг куйидаги мазмундаги буйруғи чиқади:

«Помир бўлинмасидаги ўртоқларим!... Совет Республикаси сизни дўстимиз Афғонистон ва Ҳиндистон чегарасидаги Помир пунктига қўриқлаш учун юборди. Дунёнинг томи деб аталган баланд Помир тоғлари инқилобий Россияни инглизлар томонидан эзилган 300 миллион ҳинд халқидан ажратиб туради. Сиз бу дунёнинг томида хабар сифатида қизил армиянинг қутқарувчи байроғини кўтарасиз. Инглиз золимларига қарши курашаётган Ҳиндистон халқларига дўстона ёрдам узоқда эмаслигини ҳис эттиринг».¹

Бу буйруқда қизил империализмнинг сиёсий мақсади аниқ очиқ берилган. Совет русларининг мақсади қутқариш номи билан Ҳиндистон томон яна бир қадам ташлаш эди. Агар совет Россияси Туркистонни советлаштиришга жангсиз эришганида ёки мусулмонлар қаршилигини осонликча синдира олганида эди, шубҳасиз, ўша коммунистик инқилобни қурол кучи билан Афғонистон

ва Ҳиндистонга ҳам ёймоқчи бўларди. Туркистоннинг озодлик кураши советларнинг Ҳиндистон ва Афғонистонни «қутқариш нияти»ни пучга чиқаргани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Совет руслари ўз аскарлари билан тоғли жанглар учун тўлиқ жиҳозланган бўлиб, Помир вилоятида устун бўлиб кўринди, лекин улар Помир халқини коммунистик-совет тузумининг ашаддий тарафдорларига айлантира олмадилар. Буни амалга ошириш учун эса биринчи бўлиб кетган Помир қўшинлари катта ёрдамга муҳтож эди. 1921 йил сентябрда Хорогга қўшимча бўлинма етиб келди. Бироқ мужоҳидлар Помир вилоятида совет аскарларига қарши урушни давом эттирмоқда эди. 1922 – 1933 йилларда Помир вилоятида мусулмонлар ва совет аскарлари ўртасида 130 дан ортиқ жанглар бўлган. Бу даврда мужоҳидларнинг йўқотишлари анча юқори эди.

Шарқий Бухорода миллий курашнинг илк ташкилотчилари ва етакчилари – Балжувонда Давлатмандбек (Камолиддинбекнинг ўғли), Кўлобда Ашур Тўқсоба, Қорамозорда Тоғай Сари, Дангорда Абдуқаюм Парвоначи, Лақайда Иброҳимбек (Чақабекнинг ўғли), Дарбозда Эшон Султон, Қоратегинда Фузаил Махдум, Файзободда Габурбек, Душанбеда Раҳмон Додхоҳ, Ҳисорда Темирбек, Сурхон водийсида Ҳуррамбек ва бошқалар 1921 йилда ҳам жанг қиларди. Озодлик кураши бутун Шарқий Бухорога тарқалади. 1921 йил 12 августда Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати вакили Атоуллоххўжа Пўлатхўжа (Усмон Хўжанинг укаси) билан Давлатмандбек ўртасида келишув имзолангач, миллий кураш етакчилари ўзларига ишониб келишувга мувофиқ қизил армия Бухорони тарк

¹ Иркаев (234). 125-бет.

этишини талаб қиладилар. Совет аскарлари Бухорони тарк этмаслиги аниқ бўлгач, мужоҳидлар яна ҳужумга ўтадилар. Иброҳимбек, Эшон Султон, Акбар Тўқсоба ва Ашур Тўқсоба Кўлоб ва Гарм туманларида ҳарбий амалиётлар ўтказишган. 1921 йил август ойининг охирида улар советларга ҳужум қилиб, Кўлоб қалъасини эгаллаб олишади. Бу гарнизон шаҳри учун 12 кун давом этган жанглардан сўнг мужоҳидлар катта йўқотишларга учраб, чекинишга мажбур бўладилар.

Кўлоб яқинидаги Мўминободда жанглар давом этади. 600 га яқин мужоҳидлар совет русларига ҳужум қилишади. Руслар қалъа ва шаҳарни тарк этишга мажбур бўлишади. Мужоҳидларнинг бу муваффақиятидан кейин Давлатмандбекка Кўлоб вилояти ҳокими бўлиш таклиф қилинади. Унинг олдида минтақада ҳукмронлик қилишни истаган қўрбоши Тоғай Сари пайдо бўлади. Икки қўмондон ўртасида отишма бошланади ва Тоғай Сари жангда мағлуб бўлгач, қолган аскарлари билан Лақайда Иброҳимбекка қўшилади. 1921 йил декабрига келиб Гарм ва Кўлоб руслардан бутунлай тозаланди. Бу орада Иброҳимбек кўплаб қўрбошилар ва Бухоро амирларининг ишончини қозонади. Дарбоз, Қоратегин, Кўлоб, Ҳисор, Вахш водийси ва Лақай водийсидаги қўрбошилари Қорасувга йиғилиб бир қарорга келишади ва Иброҳимбекни ислом қўшинлари қўмондонлигига сайлашади.¹ Шарқий Бухородаги мужоҳидларнинг раҳбарлари 1921 йил сентябрда қизил армияга Бухорони 10 кун ичида тарк этишни ультиматум

қилиб қўяди. Советларнинг 3-бригадаси ходимлари 1921 йил 27 сентябрда «Босмачи бошлиқларидан бири Эшон Султон ва Давлатмандбек 17 сентябрь куни Кукамишда (Кўлоб тумани) учрашганлигини, Дарвоз ва Кўлобда тахминан 7000 га яқин босмачи борлигини, шулар жумласидан 2000 киши ёлланма аскар бўлиб, Кўрғонтепани зўрлик билан босиб олиб, Душанбени ўраб олишганини айтади.

Иброҳимбек ўзининг 4000 нафар жасур аскарлари билан Душанбе шаҳрини (Шарқий Бухоронинг маркази сифатида танилган) қутқариш учун ҳужумга отланади. У 1921 йил 22 сентябрда шаҳарни ўраб олди ва гарнизон командири Морозенкодан қуролларини топширишни талаб қилади. Морозенко: «Қўлингиздан келса, қуролларимизни куч билан олинг», – деб жавоб беради. Шиддатли жанглар бўлиб ўтади. Бухоро ҳукуматининг фавқулодда вакили Сурайё афанди (усмонли-турк зобити) урушда мужоҳидларга ёрдам беради. 25 сентябрь куни Совет разведка бошқармаси ходимлари Сурайё афандини Душанбеда ҳибсга олдилар. Иброҳимбек Душанбега шиддат билан ҳужум қилаётган бир пайтда совет гарнизонига қўшимча кучлар етиб келади. Иброҳимбек ўзининг асосий қароргоҳи Мозори Мавлонога (Лақай водийсида) чекинишга мажбур бўлади. Совет қўшинлари иккита пулемёт билан 100 нафар аскарни қишлоққа ҳарбий операция режалари ва душманларнинг ҳолатини ўрганиш учун юборишади. Кейин яна совет қўшинлари қишлоққа ҳужум қилишади ва 18 соат-

¹ Лақай водийси Вахш ва Кофирниҳон дарёлари орасидаги тахминан 10615 км² ҳудудни ташкил қилади. Тяньшан тоғларининг шоҳлари сифатида Қоратоғхўжа Абдулхон, Наринтоғ, Етимтоғ, Рангантоғ, Қаршитоғ, Фози Малик, Ориқтоғ ва Оқтоғ тоғлари бор. Қоракўл Лақай водийсидаги энг катта кўлдир. Бу водийда учта воҳа бор: Ёвон – 860 км², Лаур – 192 км², Овулқийик – 144 км². Тоғлар ва воҳалар мужоҳидларнинг русларга қарши жанг қилиши учун жуда мос эди, чунки улар ўз тоғ теварагининг табиий шароитларини жуда яхши билишган. Лақай – ўзбек қабиласининг номи. Лақайлар Бухоро амирлигининг Ҳисор ва Балжувон бекликларида яшаган. Лақайлар ерлари 1924 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон Совет Республикалари ўртасида иккига бўлинган. Лақай халқининг от зотлари жуда машҳур эди. Лақайлар Туркистоннинг жасур мужоҳидлар гуруҳи эди. Қаранг: Илутко Ф. Басмачество в Лакай. – Москва, 1929. – С.3 – 26; Ўзбек Совет Энциклопедияси. 6-жилд. – Б.300 – 301; Marie Brokhur. The Basmachis // Central Asian Survey. Vol. 2. 1983. №1. – P.59.

лик жанглардан сўнг қишлоқни эгаллаб олишади. Иброҳимбек Шарқий Бухорода фаолият юритаётган барча қўрбошиларни ўз бошқарувига ўтказишга ҳаракат қиларди.

Илгари Бухоронинг марказий ва ғарбий қисмида совет қўшинларига қарши курашда муваффақиятларга эришган Абдулқаҳҳорни Кобулда яшаган собиқ Бухоро амири бухороликлар раҳбарлигига тайинлаган бўлса ҳам, Иброҳимбек уни ўз қўмондонлиги остига киритмоқчи эди. Мулла Қаҳҳор мустақил ҳаракат қилади ва Иброҳимбекдан буйруқ олмайди. Иброҳимбек жасур жангчи эди, лекин унинг характерида ўзига бино қўйиш, худбинлик аломатлари ҳам бор эди. Мужоҳидлар етакчилари Иброҳимбекнинг хусусиятларидан хабардор эдилар, лекин миллий кучлар тарқалиб кетмаслиги учун унга тўсқинлик қилмайдилар. 1921 йилнинг декабригача Шарқий Бухорода 20 мингдан ортиқ мужоҳидлар русларга қарши кураш олиб борадилар.¹

Фарғона водийси 1921 йилда миллий кураш маркази эди. Маълумки, совет ҳарбий маъмурияти 1920 йилнинг охириги 7 ойида қизил армияни мустаҳкамлаш учун Фарғонага 1 та пиёдалар дивизияси, 4 та бригада, 3 та мустақил бригада (тўғридан-тўғри фронт қўмондонига бўйсунувчи) ва отличлар дивизиясини юборади. Шунга қарамай, совет ҳарбийлари босмачилар устидан устунликка эриша олмайдилар. Қўрбошилар қўшинлари эндиликда енгилмас қўшинлар сифатида кўринади. Шермуҳаммадбек қўшинлари совет қўшинларининг даҳшатли тушига айланган эди. Худди шу тарзда фаол ва муваффақиятли ҳарбий операцияларни амалга оширган бошқа бирлик қўрбоши Раҳмонқулга тегишли

эди. Унинг Ашава яқинидаги тоғ этагида 2000 та одамни ўз ичига сиғдириши мумкин бўлган ерости қалъаси бўлган.

Раҳмонқул 1921 йил июль ойида Ашава қишлоғида қизил гвардиячиларга ҳужум қилади, тўқнашув 8 соат давом этади. Совет тарихчилари: «65 кишилик совет аскарлари 2000 та ботирга қарши қаҳрамонларча қаршилик кўрсатдилар», – деб ёзадилар. Бундай даъволар муболағадан бошқа нарса эмаслигини айтиш кифоя қилади. Раҳмонқулнинг йигитлари Ашавадаги барча қизил гвардиячиларни йўқ қилади. Агар Раҳмонқул билан жанг қилиш арзимас воқеа бўлганида, 1921 йил август ойида совет Россия ҳукумати ва Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши унга сулҳ шартномасини таклиф қилмаган бўлар эди. Раҳмонқул советларнинг сулҳ музокаралари ҳақидаги илтимосларини рад этади.

Шундан сўнг Фарғона водийсидаги совет ҳарбий маъмурияти бор кучи билан Раҳмонқулга ҳужум қила бошлайди. 1921 йил ноябрь ойида советларнинг 8-махсус бригадаси Ашава атрофида Раҳмонқулга ҳужум қилади. 1921 йил 21 – 23 ноябрь кунлари Раҳмонқулнинг 800 дан ортиқ мард жангчилари жанг майдонларида ҳалок бўлади. Раҳмонқул 1200 га яқин аскар билан Чотқол тоғларига чекинишга мажбур бўлади. Советлар 1922 йил августигача Раҳмонқулни мағлуб эта олмайдилар. 1922 йил август ойида совет ҳарбий маъмурияти Сирдарёда 5 та полкдан иборат ҳарбий қўшин, жумладан, артиллерия, самолётлар ва моторли қайиқлар билан Раҳмонқулга ҳужум қилади. Узоқ давом этган жанглардан сўнг 1921 йил ноябрь ойи охирида совет қўшинлари Ашавадаги Раҳмонқул қалъасини фақатгина совет разведкаси

¹ Брискин А. Страна Таджикиков. – Москва, 1930. – С.38.

ерости ғорига кириш йўлларини аниқлаганида эгаллаб олишади. Раҳмонкул ва унинг қўрбошилари 1923 йил октябрь ойида Чотқол тоғларида совет аскарлари томонидан асирга олинади. Россия Компартияси Марказий Комитетининг Тошкентдаги Ўрта Осиё бюроси Раҳмонкул ишини навбатдан ташқари мажлисда муҳокама қилиб, маҳкама Эски Қўқонда ўтказилиши ва ҳар бир қишлоқдан вакил қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилади. Бу намоиш судини Туркистон fronti ҳарбий суди (энг юқори суд) олиб боради. Айбланувчилар курсисиди ўтирган Раҳмонкул ва унинг 32 қуролдоши ҳарбий суд томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинади. Бу қаҳрамон мужоҳидлар Эски Қўқонда 10 минг туркистонлик кўз ўнгида қатл этилади.¹

Туркистон Компартияси X қурултойи ва 1921 йил августда Тошкентда бўлиб ўтган советларнинг X қурултойининг якуний қарорлари муносабати билан совет маъмурияти яна босмачилар раҳбарлари билан сулҳ шартномаси тузиш ташаббусини илгари суради. Аслида, совет сулҳ шартномалари 1920 йил февралдан бери уларнинг стратегик ва сиёсий манёврларидан бири эди, холос. Улар ҳар бир қўрбоши билан алоҳида шартнома тузиб, миллий мудофаани заифлаштирмоқчи эдилар. 1920 йиллар бошида мусулмон қўшинлари амири сифатида Муҳаммадаминбек (Мадамин) қўрбошиларга етакчилик қилади. Советлар у билан шартнома имзолаш орқали биринчи мақсадига эришадилар. Совет маъмурияти 1921 йил 12 сентябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Низомиддинхўжа бошчилигидаги вакилликни сулҳ шартномаси тузиш учун Шермуҳаммадбек ёнига юборади.

Низомиддинхўжа Шермуҳаммадбекка қуйидаги гапни айтади: «Ҳозирда мен Туркистон ҳукумати вакилиман. Керак бўлганда олдимизга келинг, кейин бирга ўламиз». Бунга жавобан Шермуҳаммадбек: «Тошкентдаги Россия ҳарбий штаби ҳам сизнинг қўмондонлигингиз остидами? Агар рус қўшини сизнинг қўмондонлигингизда эканлиги рост бўлса, рус қўшинларига дарҳол бутун Туркистонни тарк этишни буюринг. Совет қўшинлари Туркистондан чиқиб кета бошлаган пайтдан бошлаб мен сизнинг хизматингизга кираман ва сизни сўзсиз тан оламан», – деган.² 1921 йил сентябрь ойининг охирида 1-армия ва Фарғона fronti қўмондони Зиновьев бошчилигидаги вакиллик (шу жумладан, Туркистон Коммунистик партияси котиби Тўрақулов, Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси Березин ва совет разведкаси бошлиғи Слуцкий) Шермуҳаммадбек билан тинчлик музокаралари олиб бориш учун Марғилоннинг Ёзёвонига келишади. Шермуҳаммадбек Орол кўлидан Оренбурггача бўлган темир йўл вокзалларини қўриқлаётган қўшинлардан ташқари бошқа совет Россияси қўшинларини Туркистондан олиб чиқиб кетиш, Туркистонга тўлиқ мустақил бошқарув ҳуқуқи, шариат қонунларини қўллаш, халқ кўлидан олинган товарларни қайтаришни талаб қилади. Агар рус маъмурияти бу шартларни қабул қилса, мужоҳидлар сулҳ тузишга тайёр эканликларини эълон қилади. Зиновьев вакилликни бу шартларни қабул қилишни истамайди. Вакиллик Туркистон fronti қўмондонлигига ва Россия Компартияси Марказий Комитети Туркистон бюросига сулҳ музокаралари муваффақиятсиз якунлангани ҳақида маълум қилади. Со-

¹ Шомагдиев (58). 240-бет.

² Тўғон (25). 395-бет. Б.Ҳайит. Туркистон. 184-бет.

вет Россиясининг ҳукмронлигини ифодаловчи бу икки ташкилот қўрбошилар билан ўтказиладиган сулҳ музокараларини қайта кўриб чиқади.

Совет раҳбарлари босмачиларни бутунлай қуролсизлантиришни мақсад қилган янги сулҳ вакилликни (Тўрақулов, Раҳимбоев ва Силен) Фарғонага, хусусан, Шеруҳаммедбек ҳузурига юборишга қарор қиладилар. Вакиллик Фарғонага келади, аммо муваффақиятга эриша олмайди. Туркистон fronti қўмондони 1921 йил 11 сентябрда сулҳ музокаралари советларга ҳеч қандай муваффақият келтирмаганини эълон қилади. Шу боис ўша куни Фарғона водийсида фавқулодда ҳолат эълон қилинади. Коммунистик партияннинг барча органлари ва ҳарбий кучлари (разведка, инқилобий ҳарбий трибунал, махсус топшириқлар учун қўшинлар, полиция) битта шахсга бўйсундирилди. Туркистон fronti қўмондони: *«Агар душманлар таслим бўлмаса, йўқ қилинади. Совет томонига ўтган барча қўрбошилар ва босмачилар шафқатсиз ўққа тутилиши керак»*¹, – деб буйруқ беради.

Советлар тилида инсонпарварлик ҳақиқий ваҳшийликдан бошқа нарса эмас эди. Мағлуб бўлиб асирга олинган ёки бирон сабабга кўра қурол-яроғини ташлаб, совет русларидан раҳм-шафқат кутаётган барча мужоҳидларни битта ҳам қолдирмай йўқ қилиш катта ваҳшийлик эди.

Фарғона водийсидаги қўрбошилар советларнинг ҳаддан ташқари кучли зуғумига қарамай, урушни давом эттирадилар. Эҳтимол, совет ҳарбийлари катта йўқотишларга учрагани учун Фарғонадаги ҳарбий маъмурият қўшимча кучлар излагандир. Шундан келиб чиқиб 1921 йил бошида Еттисувдан Фарғонага 3-пиёда

дивизияси юборилади. Советлар ўз урушларини шиддат билан давом эттирар экан, баъзи қўрбошилар билан сулҳ шартномасини имзолашга ҳаракат қилишади. Тўрақулов 1921 йил 2 сентябрда қўрбошилар билан бўлиб ўтган музокаралар натижалари тўғрисида ҳисобот берар экан, қуйидаги маълумотларни келтиради: «Мен босмачиларни қуролсизлантиришни асосий вазифамиз деб билмайман. Бизнинг асосий вазифамиз золимларни сиёсий қуролсизлантириш эди ва биз бунга эришдик».² Бу совет маъмурияти қўрбошиларнинг бир қисмини сулҳ учун тактик жиҳатдан тайёрлаганлигини англатарди. Шу нуқтаи назардан, қирғиз қабиласидан бўлган қўрбоши Жонибек 1921 йил сентябрида совет руслари билан сулҳ шартномаси тузади. Жонибек Муҳиддиннинг раҳбарлигини тан олмагани учун у қўрбоши Муҳиддин (қирғизларнинг бошқа бир қабиласи бўлган отузўғлининг бошлиғи) билан бирга советларга қарши курашишни истамас эди. 1921 йил 10 сентябрда Тўрақулов ва Муҳиддин йиғилиб, «Муҳиддин шўролар ҳукмронлигини тан олди ва уларга сўзсиз бўйсунди» деган қарорга келинади. Шўролар Муҳиддиннинг йигитларига амнистия эълон қилади, аммо Фарғона водийсидан чиқиб кетиш тақиқланди. Бу икки қўрбоши ўртасида фитна уюштириб, миллий курашга катта зарба берадилар. Натижада собиқ қўрбоши Жонибек қўшинидан Фарғона вилояти муслмон отлик бригадаси тузилиб, у шўролар байроғи остида Шермуҳаммадбекка қарши кураш олиб боради.

Сулҳ музокаралари барча қўрбошиларни қуролларини топширишга мажбур қила олмайди. Бироқ совет маъмурияти миллий кураш етакчиларининг ўртасига қисман совуқлик тушганидан

¹ Шомагдиев (58). 244 – 245-бетлар.

² Зуев (39). 65-бет.

жуда мамнун эди. Улар ўзлари учун музокаралар пайтида қуйидаги фикрларга ойдинлик киритганларини айтадилар:

1. Босмачилар қароргоҳларида аскар етишмайди.

2. Алиёрнинг (қўрбоши) тинчликсевар характери туфайли 28 август куни Шермат (Шермуҳаммадбек) билан бўлиб ўтган музокаралар тўхтатилмади, аксинча, 2 сентябрга қадар узайтирилди.

3. Шермуҳаммадбекнинг хориждан келган маслаҳатчилари шахсан унинг ўзига босим ўтказди.

4. Муҳиддин билан келишиш йўли топилди.¹

Собиқ қўрбошилардан Муҳиддин (Муеддин) ҳам ўз бўлинмаси билан рус куролларини қўллаш орқали Шермуҳаммадбекка қарши курашади, аммо муваффақиятга эриша олмайди. 1922 йил бошида у миллий курашга қайта қўшилиб, қизил армияга қарши курашади.² Шу билан бирга, советларнинг сулҳ таклифларини умуман рад этган қўрбошилар ҳам бор эди. 1921 йил 6 июлдаги Конибодом гарнизони командирининг сулҳ таклифига қўрбоши Нуруллоҳ Махсумнинг жавоби бунга ёрқин мисол бўла олади. Командир қўрбоши Нуруллоҳдан «ватанни ҳимоя қилиш учун» куролини топширишни сўрайди. Нуруллоҳ Махсум шундай жавоб беради: «Менга Ватанни ҳимоя қилиш учун совет ҳокимиятини сақлаб қолиш масаласида сулҳ шартномаси тузишим кераклиги ҳақида ёзибсиз. Шу ўринда кимдан ҳимоя қиламиз деган савол хаёлга келади. Сиз бунга айтмадингиз ва сизнинг бу талқинингиз жуда қизиқ. Агар шундай бўлса,

биз уни вайрон қилишдан, қароқчилардан ва бошқалардан ҳимоя қилиш деб тушунадиган бўлсак, сиз раҳмдил судя сифатида биз томонда бўлишингиз керак, чунки биз Ватанимизни уч йил ичида талон-торож қилган большевистик тўдалардан ҳимоя қилмоқдамиз. 1000 йиллар ичида яратилган ҳамма нарсани йўқ қилишди. Сиз, азиз рус коммунисти, бизни яҳудийлар очликдан ўлдираётганидан, қолаверса, Россиядаги вазиятдан хабардормисиз? Сиз, аҳмоқлар, бизга қарши курашиб, тубжой халқнинг қонини тўкиб, юртимизни мустамлакага айлантarmoқчи бўляпсиз-у, биз нима учун курашаётганимизни билмайсизми?»

Россия Компартияси Марказий Комитети Туркистон масаласини 1921 йил 14 октябрда кўриб чиқади. Марказий Комитет босмачилар ҳаракати совет ҳукмронлигига хавф туғдиради ва советлаштириш жараёнига путур етказди деган фикрга қўшилади. Марказий Комитет «Туркистон давлат органлари ва партиясининг энг муҳим вазифаси босмачиликни тезроқ йўқ қилишдир» деган қарорга келади.

Шундан сўнг Фарғона водийсидаги Коммунистик партиёга қарашли ташкилотлар ҳарбий ҳолатдаги ташкилотлар сифатида қарала бошланади.³

1920 йил охирида совет маъмурияти Жунайидхондан куролларини топширишни сўрайди. Жунайидхон бундай буйруқларга бош эгмайди ва 1921 йилда Хоразм Халқ Республикаси чегараларида урушни давом эттиради, бироқ ҳеч бир томон муваффақиятга эриша олмайди. Жунайидхон Қорақум саҳросидан ке-

¹ Зув (39). 67-бет; Совет манбаларидан маълум бўлишича, Муҳитдин билан тузилган тинчлик шартномаси ҳақида И.Врачев «Доклад о мирных переговорах с курбаший Мухитдин-Беком» номли рисола чоп эттирган. Мен бу рисола кўлга кирита олмадим. Шунингдек, Мадаминбек ва Муҳитдиндан ташқари бошқа қўрбошилар билан тузилган сулҳ битимларининг матнларини советлар нашр этганми ёки йўқми, аниқлай олмадим.

² Тулиқ матн учун қarang: Диплот (99). 316-бет.

³ Зевелов А.И., Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах. – Москва, 1981. – С.97.

либ, Урганч атрофида ҳарбий операцияларни амалга оширади. Унинг мақсади Хива шаҳрига етиб олиш учун Урганчни сақлаб қолиш эди. Хивани озод қилгач, Хоразм Халқ Республикасида совет кўшинларига қарши умумий ҳужум бошланиш режасини тайёрлайди. Шу сабабли у 1921 йилда қизил армияга қарши камидан 23 марта ҳужум уюштиради. Хоразмдаги миллий кураш етакчилари 1921 – 1922 йилларда Тажан, Марв, Қорақалин ва Хива атрофида шиддатли амалиётлар уюштиришади. Бу орада кўрбошилардан Хўжакул Ниёзкул Марв ва Тажанда, Бегенча ва Жунайидхон Хива атрофида анча машҳур бўлади. 1921 йил ўрталарида Қўнғирот ҳокими Темир Алихон Жунайидхон билан биргаликда русларга қарши кураш бошлайди.¹

Хоразмдаги қаршиликлар нафақат жанг майдонларида, балки сиёсий асосда ҳам давом этади. 1921 йил 6 мартда совет разведкаси Хоразм Халқ Республикаси раҳбари Ҳожи Юсуф Паҳлавон Ниёзни антисовет фаолияти учун ҳибсга олади. Советларнинг ўзи тан олган мустақил давлат раҳбарининг совет разведкаси томонидан ҳибсга олиниши советлар мустақил давлат деганда нимани назарда тутганини тўлиқ очиқ беради. 1921 йил 15 майда Ота Махсум республика раҳбари этиб сайланади. Янги раҳбар ҳамда ташқи ишлар вазири Мулла Ниёз Россияга қарши мустақил сиёсат юритишни мақсад қилишган. Улар совет Россиясининг Хоразмдаги сиёсатига ўз манфаатларидан келиб чиқиб қаршилик кўрсатганлар. Шундан сўнг совет Россиясининг вакили 1921 йил 28 ноябрда Хивада Ота Махсум ҳукуматини ҳибсга олишга қарор қилади. Ота Махсум ва унинг 14 нафар тарафдо-

ри ҳибсга олинади, бироқ улар қамоқхонадан қочишга муваффақ бўлишади. Шундан сўнг улар озодлик курашига кўшиладилар. Ташқи ишлар вазири Мулла Ниёз Жунайидхон кўшинларининг бошкотиби этиб тайинланади. 1921 – 1922 йилларда Бекжон Назар, Габек Сари Қўчқор, Ҳожи Юсуф Паҳлавон, Ниёз каби кўплаб Ёш хиваликлар гуруҳининг аксарият аъзолари собиқ инқилобий давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун советларга қарши сиёсат олиб бордилар. 1922 йил март ойида Хоразмда бу кишилар устидан суд жараёни бошланади. Совет Россияси ҳарбий суди аксилинқилобий деб даъво қилган ташкилот бизнинг тузумни ағдариш ниятида экан деб унинг барча аъзоларини ўлимга ҳукм қилади. 1921 йил охирида Жунайидхон Хоразм ерларининг 80 фоизини назорат қиларди.

1921 – 1922 йилларда Фарғона водийси Бухородан ташқари миллий курашнинг муҳим маркази сифатида қараларди. 1921 йил 17 ноябрда Фарғона водийсида қизил армиянинг ҳарбий диктатураси эълон қилинади. Баранов ҳарбий диктаторга айланади. У ўзи қарор қабул қилиш, Фарғона водийсининг барча қисмларини текшириб кўриш, босмачиларга ўзи хоҳлаганча ҳарбий ва иқтисодий чоралар кўриш ваколатига эга эди. Совет маъмурияти (ҳарбий, Коммунистик партия органлари, ҳарбий суд, давлат бошқаруви) ҳарбий диктатурага тўлиқ хизмат қилган бўлса-да, озодлик курашини бартараф эта олмайди. 1922 йил февралда диктатура тугатилади. Унинг ўрнига Фарғона fronti инқилобий кенгаши ташкил қилинади. Бу муассаса совет русларининг Фарғонадаги ижро этувчи органи ҳисобланган.

¹ Ташлиев. История Туркманской ССР. – Ашхабад, 1957. – С.222.

ФАРҶОНА ВОДИЙСИДАГИ ОЗОДЛИК КУРАШИ МУАССАСАЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, миллий курашнинг давом этишида 1919 йил 29 сентябрда Фарғонада совет муҳолифлари (айниқса, казаклар) иштирокида илк муваққат ҳукуматни ўрнатган шахс Мадаминбек эди. Бу ҳукумат 1920 йил март ойида Мадаминбек таслим бўлгунга қадар ўз фаолиятини давом эттиради. Шундан кейин Шермуҳаммадбек миллий курашнинг бошқарув механизмини ташкил этишга ҳаракат қилади. У 1920 йил 3 майда муваққат Туркистон ҳукуматини ўрнатишга муваффақ бўлади. У ҳукумат бошлиғи ва ислом кўшинларининг бош кўмондони этиб сайланган ва бошқарувда беш нафар ҳукумат аъзоси бўлган.¹

Бундан ташқари, 14 кишидан иборат маслаҳат кенгаши сайланади. Кенгаш мунтазам йиғилиб, миллий курашга оид масалаларни муҳокама қилиб, қарорлар қабул қиларди. Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекнинг хотираларидан маълум бўлишича, озодлик курашчилари кўплаб муассасалар туздилар:

Миллий озодлик маҳкамаси: Мулла Умар Қори, Камол Кори, Абдулазиз Қори ва Абдусаломдан иборат эди.

Ҳарбий маъмурият: Шермуҳаммадбек – бош кўмондон; Исмоил Ҳаққий (собик усмонли зобити) – ҳарбий сиёсатга масъул; Яқуб Бей (собик усмонли

зобити). Ҳарбий режалаштириш ва операциялар учун масъуллар этиб Алиёр кўрбоши, Юсуф Паҳлавон кўрбоши, Бозорбой кўрбоши, Мулла Пўлат кўрбоши, Асқар кўрбоши ва Нурмуҳаммадбеклар тайинланган.

Бошқарув кенгаши: Абдулбоқи Бойбача – раҳбар; Муфтий Мусо Қори, Абдулқайюм, Мулла Ғоиб Мозор, Мулла Йўлдош Охунлардан иборат бўлган.


Мустақиллик суди учун 88 кишидан иборат – ўзига хос халқ вакили бўлган кенгаш – парламент сайланади.² Озод қилинган ҳудудларни эликбоши, капитан ва мингбоши каби унвонлар билан аталган раҳбарлар бошқарган. Бу бошқарув механизмларининг барчаси кўрбошилар назоратида эди.

Марғилонлик халқ шифокорлари Мирзажон ва олтиариқлик Эргаш Табиб жангчиларнинг саломатлиги билан шуғулланган. Қуролларни таъмирлаш, ўқ ва милтиқлар ясашга марғилонлик Аҳрор Эшон ва шаҳрихонлик Сулаймон Эшон масъул бўлган. Озодлик курашчиларининг мароқли ҳордиқ чиқаришига (театр, мусиқа, спорт) катта аҳамият берилади. Ўн икки кишидан иборат мусиқа гуруҳи йигитларга мунтазам равишда халқ кўшиқларини куйлайди. 200 дан ортиқ йигитлар отларни парваришlash би-

¹ Ҳукуматнинг муҳим аъзолари қуйидагилар эди: Муллажон Қори – полиция бошлиғи; Акбаржон Эшоний – шайхулислом; Абдусалом – бош котиб, Носир Жони – молия мудир, Мулла Ҳожи – Ният – махсус вазифаларга масъул.

² Булар қуйидаги сиймолар эди: Ёдигор, Нуриддин Муҳаммад Амин Паҳлавон, Музаффар Мингбоши, Рустам Эшон, Ашурбек, Маматисо Паҳлавон, Қурбонбой, Ҳусомиддин Мингбоши, Тажибой Амин, Меҳмет Шариф, Паҳлавон, Омонбой, Каримжонбой, Мулла Ҳайдар, Абдулқодир Мингбоши, Деҳқон Паҳлавон, Омонбой Каримжонбой, Мулла Ҳайдар, Абдулқодир Минбоши, Ҳожи Мирбобо, Қамчи Паҳлавон, Меҳмет Сиддик, Тешабой, Абдулқодир Мингбоши, Камбариддинбобо, Мулла Мелибой, Саид Раҳмонхон, Мулла Авлиёхон, Миён Қудратуллох, Асириддин Махсум, Абдурахмон Махсум, Хўжа Ҳожи Ниёз, Исроиил, Лейли Қори, Тўхтасинбой, Норбўтаҳон Тўра, Комилжон Қори, Абдуллаҳон Қори, Меҳмет Амин, Юнусжон Қори, Ёлбаржон Тўра, Саид Маҳмудхон Тўра, Абдуллох Амин, Мулла Ғози, Мулла Акбар Эшон, Маҳмуд Зиё, Мазирвон Қори, Мулла Турсунбой, Маҳметван, Абдурраҳим Амин, Гадаий Ҳожи, Аминтой, Маҳмуд Расулбой, Кануч Паҳлавон, Мулла Раҳматуллох, Хўжа Берди, Авлиёхон, Абдуллох қори, Мирқосим Ато, Юсуф Қори, Низомиддин Амин, Мулла Ҳамиджон, Тошпўлат, Нур Маҳмет Ғози, Тўхтасунхон, Мулла Атик, Тақсимбой Мингбоши, Саббаркул, Султонибдин, Қўшақ Бойбача, Азим Хўжа, Нишонбой Амин, Алимкул Сермеҳмет, Сурдун Бойбача, Фидойи Муҳаммад, Меҳди Маҳдум Дукчи Эшон ўғли, Саид Мухтор, Мулла Абдулфаттох, Тошмуҳаммад, Бойбўта, Абдуллох Муҳаммадий, Яркаҳ, Мир Исқандар, Абдулҳафиз Ҳожи, Мулла Тошмуҳаммад, Мадат Муротбоши, Мулла Қорабой, Мулла Эргаш, Мулла Маҳмуджон, Эгамберди. Бу одамларнинг барчаси ўқимишли эди.

1920-1921 YILLARINDA TÜRKİSTAN'DA MUHAREBELER



1920 – 1921 йилларда Туркистондаги курашлар.

лан шуғулланган. Шунингдек, бир қатор одамлар жангчиларни нон ва озиқ-овқат билан таъминлашга масъул эди. Албатта, озиқ-овқат ва уруш моллари (транспорт отлари, жанговар отлар) олишда баъзан одамлар ўртасида келишмовчиликлар бўлган. Айрим мусулмонлар ихтиёрий равишда мужоҳидларга от ва овқат бермаганлар. Агар бадавлат кишилар мужоҳидларга ёрдам бермаса, сўралган нарсалар куч билан олиб кетилган. Мужоҳидларга зарур бўлган нарсаларни ўз ихтиёри билан бермаган бу одамлар совет ҳокимиятига шикоят қиладилар. Советлар эса бундай келишмовчиликлардан босмачиларга қарши ташвиқот сифатида фойдаланган. Ўз фуқароларига бойлиги билан ёрдам бермаган бу бойлар ўз-ўзидан мужоҳидларга қарши курашаётган советлар томонига ўтишган.

Миллий кураш йўлбошчилари энг оғир шароитларда (қишда иссиқ кийим, озиқ-овқат етишмаслиги, қурол-яроғ етишмаслиги, пул етишмаслиги, бошпа-

на йўқлиги, дори-дармон етишмаслиги ва ҳоказо) бўлишига қарамай, урушни давом эттирадилар. Шунча қийинчиликларга қарамай, мужоҳидларнинг таслим бўлмагани ва қуролларини ташлаб руслар сафига қўшилмагани ҳайратланарлидир. Улардаги куч-қудратнинг бирдан-бир манбаси Аллоҳга бўлган қатъий эътиқодлари ва миллий курашнинг ғалаба қозонишига ишончлари эди. Албатта, русларнинг қароқчилик қилиб мамлакат бойликларини талон-торож қилишдан бошқа нияти йўқлиги халқнинг огоҳлигини оширишда муҳим омил бўлди. Руслар мужоҳидлардан, мужоҳидлар эса руслардан нафратланган. Шунинг учун ҳам ҳаёт-мамонт жанглари бўлар эди. Мусулмон халқи орасида миллий кураш етакчиларининг нуфузи мустаҳкамланади. Урушда қатнашмаган халқ кўрбошилар ва уларнинг йигитлари енгилмас эканига ишонишади. Улар қизил армиянинг катталигини ва уларнинг қурол кучи нимага қодир эканлигини тўлиқ билмаганлар.

5-бўлим МИЛЛИЙ КУРАШ ВА АНВАР ПОШО (1921 – 1922)

Анвар Пошонинг Туркистондан олдинги ҳаётига қисқача назар

1881 йилда Ҳожи Аҳмет Пошо ва унинг рафиқаси Айшанинг биринчи фарзанди сифатида Истанбулда туғилган Анвар Пошо Усмонли қўшинининг энг фаол зобитларидан бири бўлиб, 1914 йил 4 февралда 32 ёшида пошолик рутбасини эгаллайди. Малика Нажие Султон (1896 – 1957)га уйлангандан кейин у султонга энг яқин одам, мудофаа вазири ва бош қўмондон ўринбосари бўлади. Биринчи жаҳон уруши бошланганда билан немис империяси ҳукумати билан шартнома имзоланади. Шундай қилиб, Усмонли империяси Германия иттифоқчисига айланади. На султон, на бош вазир, на бошқа ҳокимият Усмонли империяси урушга кирганини билмас эди. Бу қарорни фақат Анвар Пошо қабул қилганди.¹ Усмонли империясининг мағлубиятидан кейин Анвар Пошо мамлакатни тарк этишга қарор қилади. Анвар Пошо, Талъат Пошо (01.09.1874 – 15.03.1921) Усмонли ҳукуматининг



04.01.1917 – 08.10.1918 йиллардаги бош вазири) ва Жамол Пошо (1872 – 1922) тахминан 1918 йил 2 – 3 ноябрда немис сувости кемасида Истанбулни тарк этишади.² Учовлон 1919 йил январь ойида Берлинга ташриф буюришади. Анвар Пошо бу ерда Али Бей исми остида яшайди. Бу шахслар Берлиндаги француз ва инглизлар билан боғланиб, Усмонли империя-

сининг келажаги ҳақида музокаралар олиб боришга ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, у Россия ҳукумати вакили сифатида Берлинда бўлган радикал коммунист Карл Радек³ билан 1919 йил январь ойида танишади. Бу танишув қандай юз берганлиги маълум эмас. Аммо энг қизиқарлиси шундаки, Радек Анвар Пошони Москва билан боғлаган. Эҳтимол, Радек Усмонли империясининг айна пайтда Германиядаги сиёсий муҳожир бўлган учта таниқли вакили – Анвар Пошо, Жамол Пошо, Талъат По-

¹ Янги Турк Энциклопедияси. 3-жилд. – Б.815.

² Фетҳи Теветўғлу. Отатурк – Иттиҳод ва тараққиёт // Отатурк илмий маркази: журнал. – Анқара, 1989. №15. – Б.618. Шавкат Сурайё Айдемир (Македониядан Марказий Осиёга. Анвер Пошо. 3-жилд. – Истанбул, 1978. – Б.468) Истанбулни тарк этиш санасини 1918 йил 8 – 9 ноябрда деб кўрсатган.

³ Карл Радек (Бернхардович Собесон) 1885 йилда Лемберда яҳудий ўқитувчиси оиласида туғилган ва 1915 йилдан Швейцарияда яшаб, Ленин билан учрашган. 1917 йил апрель ойида большевик Марказий Қўмитаси Ташқи ишлар бюросининг Стокгольм ташқи ишлар идорасининг маъмурига айланади. Бу ердан Германия ҳукумати Россияга берган пулни большевиклар инқилобини молиялаштириш учун ўтказади. У 28 декабрь куни Россияга боради, аммо Берлинга қайтади. У 1919 йил 12 февралда ҳибсга олинган ва ёзда озод қилинган. Кейин Россияга бориб, коммунистик интернационалнинг фаол аъзоси бўлади. 1924 йилда Россия Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ва 1927 йилда Коммунистик партиянинг ташкилий қўмитасидан чиқарилган. Бироқ у яна партия аъзоси бўлади ва Партия Марказий Қўмитаси маълумотлар бюроси мудири бўлади. 1936 йилда ҳибсга олинган ва 1937 йил 30 январда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. У 1939 йилда бошқа маҳбус томонидан ўлдирилган. Rolf Ströbinger. Stalin enthauptet die Rote Armee. – Stuttgart, 1990. – P.14 – 18.

шоларга Москванинг англизларга қарши большевиклар билан ҳамкорлик қилиш таклифини айтгандир. Анвар Пошо 1919 йил ёзида ўз фикрларини Жамол Пошога шундай ифодалайди: «Бизнинг большевик дўстимиз (Радекни назарда тутяпди – Б.Х.) қамоқдан озод қилинди. Улар менинг баъзи фикрларимни большевик дўстлари билан йиғилганларида маъқуллашган. Менинг умумий фикрларим қуйидагилар:

1 – Мусулмон халқларини қутқариш.

2 – Агар умумий мақсад бўлса, биз социалистлар билан ишлашимиз мумкин.

3 – Озод этилган мамлакатларда ички бошқарувни диний таълимотлар асосида ўрнатиш ва социализм тамойилларига уйғун ҳолда амалга ошириш».¹

Жамол Пошо «Шарқда мусулмонларни англизлар ҳукмронлигидан қутқариш учун» большевиклар билан биргаликда ишлашга қарор қилади. Бошқа томондан, Талъат Пошо: «Большевиклар мусулмонларга мустақиллик ва озодлик ҳақида ваъда қилинган ҳамма нарсани йўқ қилишди ва уларни чор даврининг эски сиёсатига қайтаришди», – деб Москва билан ишлашни хоҳламайди. Талъат Пошо Берлинда қолади ва Анвар Пошо 1920 йил бошида Москвага боради. 1920 йил 11 апрелда Жамол Пошо Москвага келади. Жамол ва Анвар совет раҳбарлари томонидан катта иштиёқ билан кутиб олинади. Бу икки киши Берлинда бўлгани каби Москвада бирга бўла олмадилар, аммо улар доимий равишда хатлар орқали боғланишлари мумкин эди. Анвар ва Жамол совет маъмуриятининг шарқдаги исломий халқларни (Марказий Осий ва Африка) англизларга қарши мустақиллик инқилобига тайёрлай олиши мумкинлигига

ишонишади. Анвар Пошо Ленин томонидан қабул қилинади ва совет Россия ташқи ишлар вазири Чичерин ва унинг ёрдамчиси Карахан билан яқин алоқада бўлади. Анвар Пошо Усмонли империясининг келажаги ҳақида англизлар билан бирлашмасдан большевиклар билан ишлашга қарор қилади. Анвар Пошо 1920 йил 26 февралда Жамол Пошога ёзган мактубида шундай дейди: «Француз ва англизлардан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида муносиб жавоб олсам, Истанбулдан Кавказга ва у орқали Туркистонга йўлга чиқаман. Албатта, бу саёҳат яширин бўлади. Дўстлар билан биргаликда Турк-Ислом дунёсини қутқариш тўғрисида яна бир бор маслаҳатлар беришга ҳаракат қиламан».²

Жамол Пошо Туркистон, Афғонистон ва Ҳиндистонни озод қилиш хаёлида яшайди. 1920 йил 11 июнда у Москвадан Мустафо Камол Пошога шундай ёзган:

«Менинг Туркистон, Афғонистон ва Ҳиндистондаги ҳаракат мақсадим Россия ҳукумати томонидан маъқулланди. Мен бу ўлкаларда, Халил Пошо эса Эронда асрлар давомида англиз ҳукмронлиги остида яшаган шарқ халқларини қутқаришга ҳаракат қилади».

Усмонли империясининг Биринчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан сўнг ушбу иккита шахс шарқдаги англизларга қарши кураш олиб бориш учун кучни қаердан олади? Улар англизларга қарши орзулари билан Туркияга ёрдам беришни хоҳладиларми? Ёки улар инқилобчи руслар ёрдами билан Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистонни қутқариш мумкин деб ўйлашдими? Бу икки жаноблар Озарбайжон мустақиллигига совет Россия томонидан барҳам берилганини билмай қолишдими? Улар Моск-

¹ Айдемир (268). 493-бет.

² Айдемир (268) 503 – 506-бетлар.

вага келганларида Туркистон миллий кураши ўзининг юқори нуқтасига етиб келганини билишмаганмиди? Бу саволларнинг барчаси жавобсиз бўлиб қолади, чунки барча саволлар жавоби жиддий изланишлар натижасига боғлиқ.

Анвар Пошо Москвада биринчи навбатда «Ислом иттиҳод ва бирлик жамияти»ни ташкил этишга бош қўшади. 1920 йилнинг ёзидан бошлаб бу жамият унинг раҳбарлиги остида фаолиятини давом эттиради. Совет маъмурияти инглизларнинг шарқдаги мавқеини заифлаштириши ва иложи борича шарқ халқларини советларнинг таъсирига киритиши, Анвар Пошо, қолаверса, унинг жамиятини қўллаб-қувватлаши «панисломизм»га айланади. «Ислом иттиҳод ва бирлик жамияти» бошқарувини амалга оширган шахслар олдин Усмонийлар империяси даврида «Иттиҳод ва тараққий» жамиятининг лидерлари бўлган ва айни пайтда сиёсий қочоққа айланган Анвар Пошо, Жамол Пошо, Ҳалил Пошо ва бошқалар эди.

Анвар Пошо 1920 йил август ойининг охиригача Москва ва Берлинга бориб-келиб турди. Берлинда у инглизларга қарши бўлган ҳиндистонлик сиёсий муҳожирлар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилади. 1920 йил август ойида у Москвага келади. Чичерин ундан Шарқ халқлари конгрессида қатнашишини сўрайди. Таклифни қабул қилган Анвар Пошо Бокуга йўл олади¹ (1920 йил 1 – 8 сентябрь кунлари Бокуда Шарқ халқларининг 1-съезди бўлиб ўтган – Р.Ш., Ш.Б.).

Анвар Пошо меҳмонхонага жойлашди ва ўзини Шимолий Африка (Марокаш, Тунис, Жазоир, Миср), Арабистон

ва Ҳиндистон вакили сифатида таништиради. Бироқ совет руслари маъмурий ходимлар унинг Москвадаги «Ислом иттиҳод ва бирлик жамияти»нинг раҳбари эканлигини билишади. Анвар Пошонинг конгрессда (съездда) бўлиши коммунистларча фикрловчи Турк делегациясини ва Озарбайжон коммунистларини безовта қилганлиги ҳақиқат. Аввало, Озарбайжон халқ таълими учун жавобгар бўлган комиссар Бунёдзода Анвар Пошонинг бу конгрессга (съездга) нима учун келганлигини тушунмайди. Бунёдзода у Германия ҳукумати билан ишлайди ва Германия империализмига ёрдам беради деб айтади.² Анвар Пошо ўз нутқини тайёрлайди, лекин ўқишга рухсат бермайдилар. Турк делегацияси унга норозилик билдириб: «Анварни конгресс қошидаги халқ судига чақириш керак», – дейишади.

Зиновьев конгресс (съезд) котиби бўлади, Анвар Пошо минбарга келиб, нутқ матнини Зиновьевга тақдим этади. Зиновьев сўзлай бошлайди: «Ўртоқлар, шарқнинг ишчилари! Анварбей бизнинг орамизда пайдо бўлди ва гапиришга рухсат сўради. Аммо мен юз минглаб одамлар қонини тўккан бу империалистга сўз беришдан бош тортаман. Унинг нутқини бошқа биров ўқийди».³ Анвар Пошонинг нутқи рус коммунистларига фойда келтиради. У ўзининг сиёсий дастурини тушунтирмайди, лекин интернационал коммунистлар сафидан жой эгаллаган эди. Анвар Пошо Москва шарқдаги халқларга мустақилликни беришни хоҳламаганини, аммо улар учун фақат империалистик Европага қарши (Англия, Франция ва Германияга қар-

¹ Egon von Bahder. Enver Pascha. Kampf und Tod in Turkestan. – Berlin, 1943. – P.6.

² Information Concerning the Baku Conference. Political Intelligence Officer, India Office, 9 February 1921, India Office Library, C/P, S/18/C 203.

³ Egon von Bahder (272). 12-бет.

ши) урушда иттифоқчи бўлиши мумкинлигини биларди.¹

Анвар Пошо Бокудан Москвага, кейин Берлинга ўз оиласи ёнига қайтиб келади. Пошо Берлинда нима қилгани ҳақида аниқ далиллар йўқ. Бироқ олмон ҳукумати билан муносабатлари яхши эди. 1921 йил бошида у Москвага қайтиб келади. Совет Россия ёрдамида Туркияга боришни хоҳларди. Хусусан, Россия Ташқи ишлар бўйича халқ комиссарлиги Анвар Пошонинг Туркияда фаолият юритишидан катта фойда кўзларди. Шунда советлар мамлакатни қутқариш учун етарлича ёрдам оларди. Большевиклар Анвар Пошони Мустафо Камол Пошонинг ўрнига қўйишни ва Анадолуда миллий курашни рағбатлантиришни хоҳлашади.² Анвар Пошо Батумида амакиси Халил Пошоникига ташриф буюради. Эҳтимол, у ўзининг Анадолуга қайтиши ҳақида гаплашишни истагандир. Анвар Пошо Халил Пошога: «Умид қиламанки, мен қайтиб келганимда Анадолуга фойда келтираман», – дейди. Халил Пошо шундай жавоб беради: «Сизнинг Туркияга қайтиш ниятингизда хайр топмадим. Бундай ҳолда тарафдорларингиз ва Мустафо Камолчилар ўртасида бўлиниш бўлади. Юнонларга қарши жанг қилаётган одамлар иккига бўлинади. Натижада ватанимиз ва халқимиз шахсий келишмовчиликлар оқибатида зарар кўради».³ Анвар Пошо тажрибали шахс бўлган амакисининг сўзини олмайди ва Туркия истиқлол кураши учун советлардан ёрдам сўраб Батумидан кичик кема билан Анадолуга

кўчиб ўтишни мақсад қилади. Об-ҳаво ёмонлиги сабабли у Батумига қайтади. Бу сафар об-ҳаво Анадолуга бориш ва миллий кураш раҳбари сифатида ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишининг олдини олади. Бу денгиз саёҳатидан сўнг Анвар Пошо амакисиникига яна ташриф буюриб, унга: «Туркияга қайтишим фойдали бўлишига қарамай, сиз бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкинлигини айтган эдингиз. Мен Туркияга қайтиб боришдан воз кечдим», – дейди. Бундан ташқари, Мустафо Камол Пошо Анвар Пошонинг қайтишидан кейин уни қўллаб-қувватлайди.⁴ Энди Анвар Пошо Туркистонга боришга қарор қилади.

Анвар Пошо Биринчи жаҳон урушидан бери Туркистонга жуда қизиқарди. 1914 йилда Усмонли разведка бошлиғи Ашраф Қўшчибошининг таклифи билан Ҳиндистон орқали Туркистонга 5 нафар турк (Ҳожи Салим Сомий – раҳбар; Амруллоҳбей Баркин; Одил Ҳикмат – юзбоши; Хусайнбей ва Иброҳимбей) юборилади. Анвар Пошо ва Ашраф қуйидаги масалаларда ҳамфикр эдилар:

«1. Ўз ихтиёри билан жон беришга тайёр гуруҳ Ҳиндистон орқали туркларнинг она ватанига юборилади.

2. Бу гуруҳ Россия томонидан бўйсундирилган туркларнинг она ватанида Москвага қарши миллий қўзғолонлар уюштиради.

3. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳар бир аҳоли пунктида туркий-миллий онгга эга одамлардан асосий ташкилотлар тузилади. Дастлабки тайёргарликларни туркларнинг она ватанига яқин

¹ Айдемир (268). 546-бет.

² Текин Ерер. Анвар Пошонинг Туркистон мустақиллиги учун кураши. – Истанбул, 1971. – Б.36.

³ Халил Пошо. «Иттиҳод ва Тараққий» жамияти: Туганмас уруш / Нашрга тайёрловчи Тайлан Соргун. – Истанбул, 1972. – Б.359 – 390.

⁴ Қаранг: Айдемир (268). 580 – 581-бетлар. Анвар Пошо, Жамол Пошо ва бошқа Туркиянинг хориждаги, хусусан, Россиядаги етакчиларининг Туркия мустақиллиги ҳақидаги фикрлари, Фози Мустафо Камол Пошо бошчилигидаги турк раҳбарларининг Анвар, Жамол ва Халил Пошолар ҳақидаги фикрлари ва фаолияти ҳужжат сифатида эълон қилинади. Қаранг: Козам Карабекир, İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı. – Истанбул, 1967 (генералнинг қизлари томонидан нашр этилган).

жойлашган элчихоналар, консулликлар ва разведка идоралари (махсус ташкилот) амалга оширилади.

4. Илк ташаббус кичик, ишончли гуруҳ томонидан амалга оширилади».¹

Беш нафар Усмонли турклари Ҳиндистон орқали Шарқий Туркистонга ва у ердан Ғарбий Туркистонга ўтадилар. Дарҳақиқат, Ҳожи Сомий 1916 йили Еттисув худудидаги қўзғолон ташкилотчиларидан бирига айланади. Бу беш киши Туркистондаги вазиятни аниқ белгилашга ҳаракат қилишади. Бу беш кишидан тўрт нафари 1918 йилда Туркияга қайтиб келади. Ҳожи Сомий Туркистонда қолиб, кейин Москвага кўчиб ўтади. Туркистонда разведка бошлиғи бўлиб ишлаган Ҳожи Сомий ва унга аввал бу вазифани топширган Анвар Пошо Москвада мунтазам учрашиб, бирга иш олиб борадилар. Ҳожи Сомий Туркистонга бўлган миллий туйғуларига Анвар Пошони ҳам ишонтиради.

1916 йилда араблардан ҳафсаласи пир бўлган Анвар Пошо Фаластинда: «Мен бу юртдан кетяпман, Туркистонга бораман», – дейди. Шубҳасиз, бу ҳарбий ҳазил ёки унинг Туркистонга бўлган соғинчи ифодаси эди. Чунки Анвар Пошонинг Туркистонга бориш қарори беш йил ўтиб амалга ошади.

У Туркистондаги ўзгаришлар ҳақида тинмай маълумот тўплаган. Усмонлилар империясида худди шу ном остида фаолият юритган ва кейинчалик 1919 йил февралда «Миллий иттифоқ» шаклини олган «Иттифоқ ва тараққиёт жамияти» бу борада унга катта ёрдам беради. 1918 йил февраль ойида Тур-

кистондан Истанбулга бир вакиллик келади.² Вакиллик Талъат Пошо ва ташқи ишлар вазири Нежим Бей билан кўришади. Вакиллик жуда яхши кутиб олинади. Вакиллик Туркистондаги вазиятни тушунтириб, Усмонли империясидан ёрдам сўрайди. Вакиллик Анвар Пошонинг укаси Нури Пошо қўмондонлигида бўлган ва ўша пайтда Озарбайжонни озод қилган ислом қўшини Каспий денгизидан Туркистон билан алоқа ўрнатиши мумкин деб ўйлайди ва ёрдамни осонлик билан етказиш мумкинлигига ишонади. Дарҳақиқат, Усмонли империясининг маъмурий ходимлари бир овоздан Туркистон озодлик курашини қўллаб-қувватлашга қарор қиладилар. Бироқ бу ёрдамни амалга ошириш мумкин эмас эди. Чунки 1-жаҳон уруши Усмонлилар давлатининг зарарига ҳал бўлганди.

1918 йил сентябрь ойининг охирида Анвар Пошо 16 сентябрда муфтий Садриддин Хон, Ҳожи Шариф Хўжа ва Ҳалил томонидан имзоланган меморандумни олади. Бу меморандумда бошқа нарсалар қатори Туркистон туркларининг ҳозирги пайтда ўтмишдагидан кўра кўпроқ зулм ва таъқиб остида яшаётганлиги таъкидланган эди. Бошқарувда расмий ўзгаришлар амалга оширилган, лекин халққа на миллий, на сиёсий ҳуқуқлар берилган. Туркистонда 10 миллиондан ортиқ турк ва мусулмон яшаган бўлса, рус, арман ва яҳудийларнинг умумий сони 300 минг киши эди. Туркистон Совет Республикаси деб аталган ҳукуматдаги 16 вазирдан фақат 4 нафари турк эди. Парламент деб аталган 36

¹ Жамол Кутай. Она ватандаги охириги бешта Усмонли турклар. – Истанбул, 1962. – Б.32.

² Туркистон вакиллиги аъзолари: Обиджон Маҳмуд Убайдулла Хўжа, Мир Одил, Мир Аҳмад, Ражаб Бойсун, Ҳожи Мардонқул (Саид Носир, Мир Жалил, Обиджон Маҳмуд ва Убайдуллоҳ Хўжа Москвада қолишади). Усмонли империяси маъмурилари Туркистон муаммосини ҳал қилишда сахийлик билан ёрдам беришади. Бу доирада, масалан, Қози Абдул Рашид, Бойсун ва Кўпрулу Фуадлар Ғарбий Европага Туркистоннинг миллий масалаларидан хабардор бўлишлари учун Усмонли паспортлари билан (Швейцария ва Германия) юборилади. Қаранг: Абдулла Режеп Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. – Истанбул, 1943. – Б.32.

депутатдан фақат 11 нафари турк ва мусулмон эди. Кейинчалик Туркистонда рус коммунистлари қандай қилиб ўртага чиққанлари батафсил тасвирланади.¹ Бу меморандумда ёрдам сўраб мурожаат қилингани ҳам келтирилган.

Анвар Пошо Россиянинг Туркистонда олиб борган сиёсати ва мамлакатдаги умуммиллий ҳаракатлардан хабардор эди. Боқуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойида коммунист бўлмаган аъзолар муаммоларини диққат билан тинглайди, билиб олади. Анвар Пошо бу ерда кўп одамлар билан бўлган суҳбатлари орқали совет Россиясининг Туркистон сиёсати, айниқса, ваъда қилинган миллий озодликка амал қилинмаётганидан тўлиқ хабардор бўлади. Россия империясидаги туркий халқлар вакиллари советларнинг мусулмонлардан келган ёрдам чақирувига эътибор қилмаганлари сабабли ундан совет маъмурияти билан турк ва мусулмонлар ўртасида воситачилик қилишини сўрайдилар.

Анвар Пошо 1921 йилнинг августида Батумидан Анадолуга ўта олмагач, нима қилишни ўйлай бошлайди. «Ислом иттиҳод ва бирлик жамияти»да ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди. Шунинг учун совет маъмурияти унга ўз норозилигини билдиради. Анвар Пошо бу жамият орқали шарқдаги ислом мамлакатларига бир қанча совет тарғибот материалларини жўнатган эди, лекин «ислом халқларини инқилобчи қилиш» сўзи маъносини совет маъмурияти назарда тутган даражада идрок этолмайди. Шунга қарамай, советлар Анвар Пошони шарқ сиёсатидаги муҳим шахс сифатида кўрсатишни хоҳлайди-

лар. Чунки Анвар Пошо дунёдаги ислом мамлакатларида катта обрўга эга эди. Анвар Пошонинг ишончли дўсти Ҳожи Сомий Туркистон бўйича олиб борган тадқиқотларига асосланиб у ердаги қуролли кураш муваффақиятли бўлиши мумкинлигига, у ерга бориб, мустақиллик учун курашга бошчилик қилишга ишонтиришга ҳаракат қилади.

Бундан ташқари, Жамол Пошонинг Афғонистондаги миссияси, Москвадаги рус коммунистлари, Туркистон миллий озодлик жангчилари ва Афғонистон ҳукумати билан алоқалари Анвар Пошонинг Туркистонга боришида муҳим роль ўйнаган. Анвар Пошо Жамол Пошо билан доимий алоқада бўлган. Жамол Пошо 1920 йил 11 июлда Москвадан ўша пайтда Германияда бўлган хотинига йўллаган мактубида 12 июль куни Тошкентга кетаётганини ёзади. Сиёсий ваколати бўлмаган бу генерал Москва офицери сифатида Афғонистонда Ҳиндистондаги инглизларга қарши уруш ташкил этиш вазифасини ўз зиммасига олишидан олдин Туркистон мусулмонларининг ҳақиқий аҳволи ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эди. У хотинига шундай деб ёзган: «Коммунистик фуқаролик бошқаруви менинг фикрларимга жуда яқин (Шарқни инглизлардан озод қилиш – Б.Х.)» Анвар Пошо Тошкентга келгач, уни темир йўл вокзалида Туркистон fronti кўмондони Фрунзе ҳарбий маросим билан кутиб олади.² У ерда Жамол Пошо асирга тушган турк зобитлари билан учрашади. Ҳинд инқилобий ҳаракатининг шимолга ҳаракатланишини (Афғонистон чегараси) қўллаб-қувватлаш мақсадида Фарғона, Бухоро ва

¹ Бу меморандумнинг бир қисми Айдемир томонидан нашр этилган (268). 432 – 433-бетлар. Айдемир бу меморандумнинг Анқарадаги Турк Тарих Жамиятида эканлигини ҳам тушунтиради. Агар турк тарихчилари Туркистон вакиллиги билан Усмонли империяси вакиллари ўртасидаги суҳбатлар матнларини, қолаверса, 1915 – 1922 йиллар оралиғида Туркистон ҳақидаги ҳисоботларни ва юқоридаги меморандумни нашр этсалар, турк тарихига катта хизмат қилган бўлар эдилар.

² Ражи Чакироз. Чор ва большевик Россиясида 10 йил. – Истанбул, 1990. – Б.60.

Хива учун ҳаракат гуруҳлари тузилади. Фрунзе турк зобитларидан ҳаракат гуруҳлари тузишга рухсат беради, чунки уларнинг асосий мақсади Ҳиндистонни озод қилиш эди, бу йўл билан Фрунзе Туркистон миллий курашини заифлаштирарди. Жамол Пошо қўмондонлигида Бухорога тайинланган 10 нафар турк зобити у билан бирга Бухорога боради.¹ Шундан сўнг Жамол Пошо у ердан Кобулга боради. Анвар Пошо у билан яна боғланади. Бу алоқа совет маъмурияти томонидан маъқулланган ва рағбатлан-

тирилган. 20-йилларнинг охирларида Анвар Пошонинг советларнинг шарқ сиёсатига ишончсизлиги кучайди. Москва ҳам Анвар Пошога унчалик ишонмайди. Анвар Пошо Жамол Пошо орқали Туркистон миллий кураши ҳақида жуда кўп маълумотлар тўплайди. 1921 йил сентябрда Анвар Пошо ўзининг ҳамроҳлари, жумладан, Сами ва Муҳиддин (Муҳиддин, Нури Пошо ва Ҳалил Пошонинг адъютанти бўлиб хизмат қилган) билан Туркистонга боришга узил-кесил қарор қилади.

АНВАР ПОШО БУХОРОДА

Анвар Пошо ва унинг ҳамроҳлари Батуми ва Тбилиси орқали Бокуга, у ердан эса кемада Қизилсувга (Крансноводск) ўтади. Улар 1921 йил 2 октябрда совет ҳукумати томонидан ажратилган поездда Бухорога етиб келишади. Али тахаллусидан фойдаланган Анвар Пошонинг ёнида Москва ҳукуматининг вакили ҳам бор эди. Бухорода хурсандчилик билан кутиб олинган Анвар Пошо Бухоро Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг меҳмонхонасида истиқомат қилади. Москвадан Бухорога қайси топшириқ билан келгани маълум эмас эди. Бош вазир Файзулла Хўжа Бойсунда Бухоро Халқ Республикаси раҳбари Усмон Хўжага Анвар Пошонинг келганини хабар қилади. Усмон Хўжа дарҳол Термизда Паттакесардаги қўмондон Ҳасанбей билан боғланади. Анвар Пошо билан 15 йил армияда ишлаган собиқ усмонли зобити Ҳасанбей дарров эски дўстини кўриш учун Бухорога боради. Айни вақтда, Усмон Хўжа Анвар Пошога юборган хатини олиб келади. Мактубда

Анвар Пошонинг келганидан хурсанд эканлигини билдирган Усмон Хўжа унинг қўллаб-қувватланишдан маҳрум бўлмаслигини билдирган. Анвар Пошо тез орада Бухоро ҳукуматининг аҳволини тушунади. Руслар Бухорони босиб олинган мамлакат сифатида кўрардилар. Бухорода чекланмаган сиёсатни амалга оширган руслар Бухоро ҳукуматининг илтимос ва таклифларини эътиборсиз қолдириб, Бухоро Республикаси манфаатларига эътибор бермай, ўзлари хоҳлагандек иш тутардилар. Ҳукумат амалдорлари Москва олиб бораётган сиёсатдан хавотир билдирадилар ва Анвар Пошонинг Бухоро ва Москва ўртасида воситачилик қилишини истайдилар. Анвар Пошо бу илтимосни қабул қилади ва 1921 йил октябрь ойида совет Россияси Халқ Комиссарлари Советига қуйидаги мазмундаги хатни ёзади: «Совет Россиясининг инқилобий раҳбарлигидаги мустақил Бухоронинг ёрдами билангина мусулмон Осиёни инглиз империализмидан озод қилиш вазифасини

¹ Чакироз (282). 64-бет. Гуруҳ таркибида Бухорога борган Усмонли зобитлари: полковник Усмонбей (гуруҳ раҳбари), Аминбей, Меҳмет Содиқбей, Козимбей, Нафибей, Ҳалилбей, Жамолбей, Орифбей, Саид Жамолбей.

муваффақиятли яқунлашимиз мумкин. Шунинг учун мен Халқ Комиссарлари Советидан Бухоро ҳудудида ишғол қилинган ерларда душман қўшинидек ҳаракат қилаётган қизил армияни олиб чиқишни сўрайман. Қизил армия оч қолган мусулмон халқидан сўнгги бўлак нонни олиб совет Россиясидан норозилик муҳитини яратди. Кўчмас мулкни талон-торож қилиш, қимматбаҳо буюмларни олиб чиқишга чек қўйиш керак. Шарқий Бухорода қўзғолон кенгайиб бормоқда. Бу қўзғолон республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалиши мумкин. Ҳукумат бошида турган Бухоро комиссарларига чекистлар (разведка) ва рус аскарлари ҳужум қилиб, уларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини тортиб олишди. Ёш бухороликлар орасида ҳам Москвага қарши норозиликлар авж олмақда. Совет ҳукуматини огоҳлантирмайки, бу воқеалар шарқий фронтингиз учун катта хавф туғдиради. Бухороликларга ўз ҳаётини ўзи белгилаш имкониятини бериш керак. Бухороликларнинг илтимосига кўра совет Россияси ҳукумати ва Бухоро Республикаси ўртасида ўтказиладиган музокарада бухороликларнинг вакили бўлишга тайёр эканлигимни билдирмоқчиман. Ушбу таклифга имкон қадар тезроқ жавоб беришингизни, музокара учун вакилларни тайинлашни, учрашувлар вақти ва жойини белгилашингизни сўрайман. Музокараларни 1921 йил декабрь ойида Бухорода ўтказишни тавсия қиламан».¹

Совет маъмурияти хатга жавоб бермайди. Москва бу мактубдан ҳайратда қолади ва Анвар Пошонинг фаолиятини тўхтатиш учун чора кўради. Биринчи марта 1932 йилда совет ҳукумати 1921 – 1922 йилларда собиқ амир Саид Олим-

хон ва унинг вакиллари Анвар Пошога қарши биргаликда уруш олиб бориш учун музокара олиб борганини тан олади. Совет ташвиқоти Бухоронинг собиқ амирини Анвар Пошо Бухоро, Туркистон, Афғонистон ва Ҳиндистон амири бўлмоқчи эканлигига ишонтирмоқчи эди. Собиқ Бухоро амири советларнинг бу ёлғон хабарига биринчи бўлиб ишонади. Анвар Пошо Бухорода бўлганида Туркистон миллий курашининг ҳарбий раҳбари бўлиш учун мужоҳидлар сафига қўшилишга қарор қилади.

Анвар Пошо Бухорода 23 кун қолади. Бу даврда Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматининг кўплаб аъзолари, совет Россияси ҳукуматининг Бухородаги вакиллари, совет Россиясининг ташқи ишлар бўйича комиссари Карахан ва махфий ташкилот бўлган «Туркистон миллий бирлиги»нинг бошлиғи Заки Валидий билан учрашувлар ўтказилади. Миллий ҳукумат аъзолари Усмон Хўжа, Али Ризо (мудофаа вазири ўринбосари), Абдулҳамид Ориф (мудофаа вазири) ва бошқалар миллий курашга Анвар Пошонинг раҳбарлик қилишини хоҳлашади. Заки Валидий эса Анвар Пошонинг миллий курашда иштирок этишига қарши эди.

Анвар Пошо совет Россиясининг вакили Юринов билан суҳбатда Жамол Пошонинг Бухоро ёки Тошкентга қачон келишини сўрайди. Юринов: «Жамол Пошо Бухорода уч соат қолиб, шошилинч йиғилиш бўлгани учун Тошкент орқали Москвага кетган. Қолаверса, бу ерда нима билан шуғулланаётганингизни биламиз», – дейди. Энди Анвар Пошо русларнинг унга умуман ишонмаслигини тушунади. Заки Валидий унга Туркистонда тўхтамасликни ва Афғонистонга боришни маслаҳат беради.

¹ Мустафо Чўқай. Марҳум Анвар Пошо ҳақида хотира парчалари // Ёш Туркистон. 1933. №9.

Қолаверса, у Анвар Пошога қуйидагича мактуб ёзади:

«Бугунгача Туркистон ҳаракати, босмачилар ҳаракати ва ноқонуний сиёсий ташкилот Россиянинг ички муаммоларига қарши курашиш йўлини топган эди. Агар шароит мажбур қилса, большевикларга қарши социал инқилобий партия каби партиялар билан ишчи гуруҳ тузишга тайёрмиз. Шундай қилиб, большевикларни қийин аҳволга сола олсак, улар бизнинг талабларимизни қабул қилдилар. Агар улар миллий қизил армия негизда Миллий Туркистон совет ҳукумати ўрнатишга рози бўлсалар, большевиклар билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлади. Агар бу урушга аралашсангиз, Туркистон ҳаракати панисломистик ҳарактер касб этади. Афғонистонга бориб, у ердан Туркистон ҳаракатини қўллаб-қувватлаганингиз маъқул».¹

Заки Валидий бу таклиф билан катта хатога йўл қўйган эди. Чунки унинг ўзи Бошқирдистон Мухтор Республикасини эълон қилганида (у бошқирд бўлиб, ҳукумат бошлиғи эди) большевикларнинг муносабати ҳақида анчагина тажриба тўплаганди. Туркистон масаласида рус социал-инқилобчилари (ўша пайтда бу партия большевиклар томонидан бутунлай тарқатиб юборилган эди) ёрдамида большевиклар билан ҳамкорликда иш олиб бориш Туркистон учун ечим бўла олмасди, чунки мамлакатда миллий мудофаанинг юзага қалқиши бошқа сабаблар қаторида Россия партиялари билан ишлашга имкон бермас эди. Туркистон озодлик кураши Россиянинг ички иши эмас эди. Совет руслари сабр қилиб Анвар Пошонинг «Ислом иттиҳод ва бирлик жамияти»ни икки йилдан ортиқ молиялаштирганига қарамай, нега Анвар По-

шонинг миллий курашдаги иштирокини большевиклар учун панисломистик ҳаракатга кескин бурилиш сифатида тавсифлаш керак? Совет руслари ва Заки Валидий Анвар Пошо Биринчи жаҳон урушида Россиянинг энг ашаддий душмани бўлганлигини у билан ҳамкорлик қилишдан олдин билмаганмиди? Заки Валидий Туркистон миллий кураши зудлик билан Анвар Пошодек машҳур саркардага, дунёвий тиниқ тасаввурга эга шахсга муҳтожлигини билмасмиди? Аниқ айтишимиз мумкинки, Валидийнинг таклифи унинг большевикларга бўлган эътиқодининг қолдиқларини акс эттиради.

Анвар Пошо унга шундай жавоб беради: «Шу дақиқадан бошлаб ўзимни уйдагидек ҳис қиляпман. Мен бошлаётган уруш муқаддас урушдир. Халқ мени ёлғиз қўймаслигини кўрасиз. Кавказда ҳам дўстларимиз етарли».² Анвар Пошо 1921 йил 7 ноябрда рафиқаси Нажие Султон хотирасига бағишлаб ёндафтарига шундай ёзган: «Кеча мен Бухоро ва Хива марказларига хат ёздим. Мактубларга буюк Турон инқилобий қўшинлари кўмондонни; Марказлар маркази раҳбари сифатида имзо чекдим. Қилич қинидан чиқди. Тўлиқ муваффақиятдан кейин қайтиб келаман. Худо мени бу буюк курашда ёлғиз қолдирмасин. Бечора турк ва ислом олами учун дуо қилинг, Нажием».

Анвар Пошо Бухорони тарк этишдан олдин шундай дейди: «Туркистон мустақиллиги учун кураш муқаррар бўлган заруратдир. Кимки бу ғайриинсоний ҳаётни давом эттирмоқчи бўлса, бу ҳаётга чидаб, барибир бизни тутиб оладиган ўлимдан қўрқса, у киши келажак авлодлар томонидан лаънатланишга лойиқдир. Лекин биз ҳар доим ўлишга тайёр бўлишни, озодлик учун курашишни ва

¹ Туғон (25). 435-бет. Б.Ҳайит. Туркистон. 191-бет.

² Айдемир (268). 601-бет.

келажак авлодларга қуллик ва зулмдан озод ҳаётни таъминлашни хоҳлаймиз».¹

Заки Валидий, аксинча, Анвар Пошони қўрқитмоқчи эди. Рисқулов Москвадан қайтгач, совет ҳукумати тахминан 100 мингга яқин аскарни Каменев (қи-

зил армия бош қўмондони) ва Будёний (қизил армия отличлари бош инспектори) бошчилигида Бухорога юборишини билдиради. Бироқ Анвар Пошо бундай баёнотлардан қўрқмасдан ўз ишига содиқ қолади.

АНВАР ПОШО КУРАШ МАЙДОНИДА

1921 йил 8 ноябрда Анвар Пошо 74 нафар турк зобити билан Шарқий Бухородаги уруш майдонига етиб бориш учун овга чиқиш баҳонасида Бухорони тарк этади.² Уни Чилликўлда (баъзи манбаларда Қилликўл деб юритилади) озодлик кураши етакчиларидан Мулла Нафиз кутиб олади. 9 ноябрь куни Анвар Пошо истиқомат қилаётган Абдулҳаким Тўқсобанинг уйидаги боғда озодлик курашчилари йиғилади ва Анвар Пошо ўз фикрларини қуйидагича ифодалайди:

«Биродарларим! Туркистонда бошлаган озодлик курашига қўшилиш учун келдим. Сизлардан ким биз билан ишлашни хоҳласа, мен айтадиган қасамни такрорласин. Агар сизлардан бирортангиз фарзандларингиз руслар қўлида бўлишидан қўрқсангиз, буни очиқ айтинг. Мен буюраман! У киши қуролини топшириш шарти билан озод бўлади».³

Унинг талабларини ҳамма қабул қилади. Шундан сўнг Анвар Пошо: «Туркистон мустақиллиги учун бир-биримизга содиқ бўлайлик, Аллоҳ ҳузурида номусимизга қасамёд қилайлик», – деди. Кейин озодлик курашининг етакчиси Тоғай Сари жойлашган Қўрғонтепага боради. 2500 дан ортиқ жасур йигит-

лари бўлган Тоғай Сари Анвар Пошони катта иштиёқ билан кутиб олади.

Анвар Пошо ва унинг ҳамроҳлари 28 ноябрь куни амирнинг мутаассиб тарафдори, аммо жасур аскарларга эга бўлган Иброҳимбек жойлашган Караменди қишлоғига етиб келишади. Эртаси куни Орол қишлоғига етиб боришади ва у ерда бир кун Али Мардон Тўқсобанинг меҳмони бўлиб қолишади. Анвар Пошо 20 000 дан ортиқ аскарни бўлган Иброҳимбек билан русларга қарши уруш муаммолари ҳақида суҳбатлашмоқчи эди, албатта. 1921 йил 30 ноябрда Иброҳимбекнинг одамлари Анвар Пошо жойлашган уйни ўраб олишади. Эртаси куни Иброҳимбекнинг шахсан ўзи Анвар Пошо ҳузурига келиб, хуш келибсиз деб айтади ва жўнаб кетади. Бироз вақт ўтгач Иброҳимбек томонидан 5 кишилик бир вакиллик келади, Анвар Пошо ва унинг ҳамроҳларидан қуролларини топширишларини сўрайди. Анвар Пошо уларнинг қуролларини нега олмоқчи эканларини сўраганида вакиллик бошлиғи Мулла Зиёуддин Маҳдум: «Бизни Бухоро ҳукумати билан яраштирмоқчисизлар. Бизга ишонч билдирмагунингизча қуролларингизни бизга топширингизни истаймиз», – дейди.

¹ Курт Окай, Enver Pascha, der gresse Freund Deutschlands, Berlin 1935, S. 362. Пошонинг юқоридаги баёноти ҳам унинг адъютанти Муҳитдин томонидан 1923 йил 25 ноябрда «Вакит» (Истанбул) газетасида чоп этилган. Қаранг. Тўғон (84), 437-бет.

² Glenda Fraser. Basmachi. I // Central Asian Survey. 1987. Cilt 6. Nr. 1. – S.57.

³ Бойсун (280), 58-бет. Б.Ҳайит. Туркистон. 192-бет.

1921 йил 1 декабрда Анвар Пошонинг ҳамроҳлари қуролларини топширишга мажбур бўладилар. Фақат Анвар Пошо ва Ҳожи Сомийга тўппончаларини ўзларида сақлашга рухсат берилади. Шундай қилиб, Анвар Пошо Иброҳимбекнинг асирга айланади. Иброҳимбек Анвар Пошонинг рус агенти эканлигини даъво қилади. Иброҳимбек Анвар Пошони Гўктошдаги марказий қароргоҳга олиб кетаётганида Ҳожи Сомий ғазабланиб Иброҳимбекнинг аскарларидан бирини ўлдиради. Шундан сўнг Лақай қабиласига мансуб босмачилар Али Ризонинг 600 нафар мужоҳиди бўлган бўлинмасига хужум қилиб, унинг 450 нафар аскарини ўлдиришади. Иброҳимбек Анвар Пошони Гўктош яқинидаги ғорда ушлаб туради. 1922 йил январь ойи бошида Нуруллоҳхон бошчилигидаги афғон вакилиги Иброҳимбек ҳузурига келади. Нуруллоҳхон Иброҳимбекдан Анвар Пошони озод қилишини сўрайди. Иброҳимбек рози бўлмаганида Нуруллоҳхон Афғонистон амири Омонуллоҳхонга хабар юбориб, Анвар Пошонинг аҳволини айтиб, Анвар Пошони озод қилишда ёрдам сўрайди. Афғонистон амири Омонуллоҳхон Иброҳимбекдан Анвар Пошони озод қилишни сўрайди, лекин Иброҳимбек бунга қабул қилмайди. Собиқ амир Олимхоннинг амакиси Тоғайбек Хонободдан (Афғонистон) Иброҳимбекка мактуб ёзади: «Анвар – бизнинг қўлимизда асир. Унга қочиш учун ҳеч қандай имконият берилмаслиги керак. Унинг ҳаракатланишига йўл қўйманг». Нуруллоҳхон Омонуллоҳхонга Анвар Пошонинг озод қилинмаганини хабар қилади. Кекса амир Иброҳимбекка яна мактуб ёзиб, Анвар Пошони озод қилишни талаб этади. Шундан сўнг Иброҳимбекга миллий кураш етакчилари (Фарғонада Шермуҳаммедбек, Балжувонда Давлатмандбек, Дарбозда Эшон

Султон, Хоразмда Жунайидхон) билан ёзишмаларга рухсат берилади. Помир вилоятининг нуфузли раҳбари Эшон Султон Душанбе яқинидаги қишлоқда Анвар Пошо билан учрашишни таклиф қилади. Иброҳимбек таклифни рад этади, чунки бу қишлоқ унинг мулкига кирмасди. Шундан сўнг Иброҳимбек ўзи эгалик қилаётган Норин қишлоғида учрашишни таклиф қилади. Иброҳимбек Анвар Пошо билан бирга боради. Қорақўй қишлоғида Шермуҳаммедбек томонидан Фарғонадан юборилган вакиллик икки от совға қилиб, Анвар Пошо билан учрашади. Вакиллик раҳбари Ҳожи Қодир Анвар Пошога иккита олтин қилич билан бирга совғалар берганидан сўнг ҳаждан қайтаётиб Истанбулга келганида Анвар Пошодан совға сифатида олган суратини кўрсатади. Улар катта оломон ичида қучоқлашиб, олти йил олдин (1915) нима ҳақида гаплашганларини эслашади. Иброҳимбек ҳам бу учрашувда қувончдан кўз ёшларини тия олмаган жамоадан жуда таъсирланади.

Қорақўйда Анвар Пошо ва Эшон Султон учрашадилар. Анвар Пошо бу ерда биринчи марта миллий либос (ипак шинел, қалпоқ ва ипак камар) кияди. Улар русларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида келишиб оладилар. Шундан сўнг Анвар Пошо ва Иброҳимбек Қоратоғ қишлоғига борадилар. Иброҳимбек Анвар Пошо билан хайрлашмай қишлоқдан чиқиб кетади. Эшон Султон Анвар Пошони кутиб олади ва одамлари билан Анвар Пошонинг хизматига киради. Шундай қилиб, Анвар Пошо қаҳрамон ва қўрқмас жангчи, аммо худбин одамнинг уч ойлик асирлигидан озод қилинади. Энди урушга тайёргарлик бошлаш мумкин эди. Совет руслари Анвар Пошонинг тутқунликдаги пайтида Иброҳимбекнинг нодонлигидан фойдаланиб кейинчалик Ан-

вар Пошо томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатларда ҳимоя қилиниши керак бўлган нуқталарда тайёргарлик ишларини бошлаш ва тугатиш учун имконият ва етарлича вақтни қўлга киритадилар.

1922 йил январь ойининг ўрталарида Анвар Пошо Душанбедаги тўқнашувларда қўмондонликни шахсан ўз зиммасига олади. Ҳисорлик Эшон Султон, Нафи Бей, Раҳмон Мингбоши, Фузайл Махдум ва Исмоил Ҳаққий қўшинлари 28 январь кун Душанбега ҳужум қилишади. Шарқий Бухорода руслар учун муҳим гарнизон шаҳри бўлган бу жой февраль ойи бошида озод қилинади. Совет маъмурияти ваҳимага тушади ва Шарқий Бухородаги қизил армия Тошкент ва Бухородан шошилинич ёрдам сўрайди. Турк мужоҳидлари русларни Душанбедан 40 км узоқликкача суриб чиқаришади.

Душанбе 1921 йил 10 декабрдан миллий курашчилар ва совет руслари ўртасидаги тўқнашув марказларидан бирига айланади. Усмон Хўжа Бухоро Халқ Республикаси раҳбари сифатида совет Россиясининг Душанбедаги консули Нагорний ва гарнизон қўмондони Морозенкони зиёфатга таклиф қилади. Зиёфат чоғида у Морозенкога Туркистон халқи азалдан тинч-тотув яшашни орзу қилганлигини айтади. Айни пайтда, у большевиклар халққа мустақиллик ва озодлик ваъда қилган, аммо ваъдасида турмаган дейди. Шундай қилиб, давлат раҳбари ва Россия вакили ўртасида Бухоро худудидаги биринчи келишмовчилик бошланади. Усмон Хўжа ҳам русларнинг Москвага қайтишини хоҳлайди. Бунинг учун уларга ёрдам бера олишини айтади ва: «Турк миллати ўз ватанида эркин ва мустақил яшашга қо-

дир», – дейди. Усмон Хўжа қизил армиянинг Душанбени тарк этишини хоҳлайди. Морозенко бунинг рад этади ва Бухоро мудофаа вазири ўринбосари Али Ризо гарнизондаги аскарларни қуролсизлантиришга қарор қилади.

Миллий кураш саркардалари Ҳалил ва Дониалбеклар гарнизон худудини эгаллайдилар. Қочган бир қанча рус аскарлари Бухородаги қизил армия қўмондонлигига босмачилар Усмон Хўжа раҳбарлигидаги Душанбе гарнизонини эгаллаб олгани, асир тушган рус аскарларини қутқариш учун шошилинич ёрдам зарурлиги ҳақида хабар беради. Душанбе ташқарисидаги совет қўшинлари яна ҳужум қилиб, гарнизонни эгаллаб олишади. Шундан сўнг мужоҳидлар Анвар Пошодан Душанбега келишни илтимос қиладилар. Анвар Пошо мужоҳидларнинг бу таклифига жавоб бера олмайди, чунки у бу даврда Иброҳимбекнинг қўлида тутқунликда эди. Иброҳимбек фақат Ҳожи Сомий ва Анвар Пошонинг 3 нафар ҳамроҳига Душанбега боришга рухсат беради. Миллий курашчилар 1921 йил 14 декабрда Душанбени тарк этишга мажбур бўладилар. Шундан сўнг Усмон Хўжа халққа мурожаат қилади: «Ярим асрдан бери босиб олинган Туркистоннинг ўз озодлиги ва мустақиллигига қайтишини чин дилдан исташимизга шубҳа йўқ. Мен қурол кўтарган ёки қурол тута оладиган ҳар бир туркистонликни бу шарафли вазифада ёрдам беришга чақираман. Яшасин озодлик, яшасин мустақиллик».¹

Душанбедаги тўқнашувлар шиддат билан давом этади. 1921 йил 10 декабрда советларнинг 3-бригадаси қўмондони Туркистон fronti қўмондонлигига «қўпи билан яна икки кун чидаса бўла-

¹ Бойсун (280). 65-бет.

ди» деган хабарни юборади. 1921 йил 11 декабрда Туркистон fronti қўмондони Бойсундаги 7-полкни Душанбега кўчиришга буйруқ беради. 13 декабрь куни 3-бригада ва 7-полк Душанбе йўналишида йўлга чиқади. Усмон Хўжа¹ ва Али Ризо Душанбедаги мағлубиятдан сўнг Афғонистонга келади. Туркистондаги совет ҳарбий маъмурияти Душанбедаги воқеалардан безовталаниб 15 декабрда Душанбега 4-отлиқ полки ва артиллерия батальонини юборишга қарор қилади. Декабрь оyi ўрталаридан бери шаҳар 10 минг мужоҳид томонидан ўраб олинган эди. Совет консули Нагорний 1922 йил 12 январда Анвар Пошого мактуб ёзиб, Ҳожи Сомий билан суҳбатда япон ва хитойлар ҳақида ҳам гап кетаётганини, барча шарқ халқларини бирлаштириш учун лойиҳа ишлаб чиқаётганларини билганини, 1921 йилнинг 26 декабрида Иброҳимбек билан учрашганини ва Ҳожи Сомий билан ҳам учрашмоқчи эканлигини айтади. Шунингдек, Иброҳимбек унга хатга жавоб ёзишга рухсат берадими ёки йўқлигини билмаслигини ҳам ёзади. Анвар Пошо ўша куни жавоб мактубида Туркистоннинг озод бўлишини талаб қилади. Нагорний 1921 йил 14 декабрда Анвар Пошого йўллаган мактубида: «Россия ҳукумати ўз қўшинларини Бухородан олиб чиқмоқчи ва Россия ҳукумати аллақачон қизил армияни Душанбе, Балжувон, Гарм ва бошқа аҳоли пунктларидан олиб чиқишга киришган. Биз Душанбе атрофидан 8000 га яқин аскарни олиб чиқдик. Хўжаевни (Усмон Хўжа)

қўллаб-қувватлаш учун оз сонли аскар қолди», – дейди. 1922 йил 16 январда Анвар Пошо Нагорнийга: «Агар сиз Россияни фалокатдан ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, босиб олинган ерлардан чиқиб кетишингизни, туркистонликлар ва бухороликларга ўз ишларини тартибга солиш имкониятини беришингизни тавсия қиламан», – деб ёзади.²

Иброҳимбек 1921 йил 20 декабрда Душанбе қизил армия қўмондонига шундай хабар юборди: «Мен сизга ерларимиздан чиқиб кетиш шарт билан барча йўлларни очиб, отларингизни ем билан таъминлайман». Совет ҳарбий маъмурияти бу талабларни рад этади. Озодлик жангчилари биринчи марта 1922 йил 15 – 16 февралда қизил армия бўлинмаларини Душанбедан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлишади. 7-совет полкининг бошқа аскарлари Бойсунга қочиб, у ердаги қизил армия бўлинмаларига қўшилишади. Анвар Пошо қўмондонлигида Душанбенинг озод этилиши озодлик курашчилари учун катта руҳий далда бўлади. Москвадаги ҳарбий маъмурият бу воқеадан хавотирланади, чунки энди улар урушда тажрибага эга бўлган генералга қарши уруш олиб боришарди. Душанбе ва унинг атрофида тўқнашувлар давом этар экан, мулла Абдулқаҳҳор Бухоро, Кармана ва Самарқанд атрофида ҳужумларини кучайтиради. Шундай қилиб, совет тарихчиларининг баёнотларига кўра, 1922 йил март ойида «Фарғона ва Самарқанд вилоятларида, Анвар Пошо қўмондонлигида эса Шарқий Бухоро қўшинларини ўз ичига олган бос-

¹ Мулоқот: журнал. – Тошкент, 1991. №2. – Б.67; «Усмон Хўжа 1921 йилда Афғонистонга боради... Файзулла Хўжаев унга хабар юбориб, сиёсий вазият ўзгаргани учун энди қайтмасликни маслаҳат беради. Совет ҳукуматининг тазйиқи туфайли Бухоро ҳукумати Усмон Хўжани «Сотқин» деб эълон қилишга мажбур бўлади. Шунингдек: Б.Ҳайит. Osman chodscha Polat Chodscha // Al-Muhadschirun. – München, 1968. №13-14. – P.14 – 25.

² Иркаев (234). 307-бет. Анвар Пошо рус консулига ёзган яна бир мактубида шундай дейилади: «Охир-оқибат тушундимки, халқни империалистик бўйинтуруқдан озод қилиш мақсадимга эришиш учун рус ҳукмронлигига чек қўйишим керак эди». Қаранг. М.Н. Под знаком Ислама // Новый Восток. 1923. №4. – С.95.

мачиларнинг умумий fronti бор»лиги маълумдир. 1922 йил март ойида Анвар Пошо Сурхондарёда жанг қилаётган Хуррамбекка ёрдам бериш учун Дониёр бўлинмасини юборади. Мулла Абдулқаҳҳор Қарши шаҳри яқинидан етиб келиб, Бухоро шаҳрига ҳужум қилади. Лекин у Бухорони қутқариб қола олмайди. Анвар Пошо Бойсун атрофидаги ҳарбий операцияга бошчилик қилиб, 7000 нафар аскар билан Бухорони советлардан озод қилишни мақсад қилган эди. Аммо қизил армиянинг кучи унга бундай имкониятни бермайди. Шунга қарамай, Анвар Пошо совет маъмурияти учун катта хавф туғдиради. Совет маъмурияти Анвар Пошога эски музокара тактикаси билан ёндашишга ҳаракат қилади. Шу доирада советлар Анвар Пошо билан учрашиш учун 11 кишидан иборат «сулҳ ҳайъати»ни Бойсунга жўнатишган эди. Москвадаги Ташқи ишлар халқ комиссарлиги Анвар Пошога Дорбоз, Қоратегин, Кўлоб, Душанбе ва Ҳисор водийларини мустақил бошқаришни таклиф қилади. Бунинг эвазига урушни тугатишини хоҳлашади. «Сулҳ ҳайъати»нинг чопари Усмон ака Анвар Пошонинг қароргоҳи жойлашган Кофирниҳонга (кўпчилик манбаларда Кофирнигон деб аталадиган шу номдаги дарё бор) етиб боради. Анвар Пошо чопар билан учрашмайди, лекин олиб келган сулҳ таклифини олади ва ўқийди. Анвар Пошо чопар Усмон келтирган хатга жавобан *«сулҳ фақат рус аскарларининг Туркистон ерларидан олиб чиқиб кетилиши билан ўрнатилиши мумкин. Мен қўмондони бўлган мужоҳидлар сўнгги нафасларигача озодлик ва мустақиллик учун курашишга қасам ичдилар»*¹ деб ёзган.

¹ Бойсун (230). 95-бет.

² Текин Ерер (276). 103-бет.

³ Тулиқ матн учун: Шомағдиев (258). 57-бет.

Бухородаги фаол коммунистик лидерлардан бири Алимжон Акчурун 1922 йилнинг март ойида Анвар Пошога ёзган мактубида қуйидагиларга алоҳида урғу берган: «Сизлар турксизлар ва мамлакатингиз душман ишғоли остида. У ерда ҳарбий кучингиздан фойдалансангиз яхши бўлади». Анвар Пошо бунга: «Менинг Туркияни қутқара оладиган дўстларим кўп. Шубҳа қилманг. У ерда дўстларимиз бор кучлари билан курашмоқда. Бу юрт ҳам менинг ватанимнинг бир қисмидир. Бу ердаги юртдошларимнинг томирларида айланиб юрган қон меники билан бир хил. Бу давлат русларники эмас, фақат туркларники. Бу ердан одамлар Туркияни қутқариш учун кетганидек, мен ҳам душманларга қарши жанг қилиш учун келдим. Турклар қаерда бўлмасин, озод ва мустақил бўлиши керак», – дея жавоб беради.²

Анвар Пошо 1921 йил охиридан 1922 йил февралигача 20 мингдан ортиқ қуролли мужоҳидни тўплашга муваффақ бўлади. Анвар Пошонинг Душанбеда руслар устидан қозонган ғалабасидан сўнг Иброҳимбек 20 мингга яқин аскар билан Анвар Пошо қўмондонлиги остида жанг қилишга тайёр эканлигини эълон қилади. Бу қарорни қабул қилишда амир Олимхоннинг таъсири катта эди. Амир Анвар Пошони мужоҳидлар қўмондони этиб тайинлаганини иддао қилади.³ Амирнинг мутаассиб тарафдорлари илтимосига кўра Анвар Пошо амир билан ҳамкорлик қилишга рози бўлади, аммо амир уни ҳеч қачон миллий кураш сардори этиб тайинламайди. 1922 йил май ойига қадар миллий курашнинг барча етакчилари (Шарқий Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Ғарбий Бухоро,

Хоразм) Анвар Пошонинг бош қўмондонлигини қабул қиладилар. Омонуллахоннинг Туркистон миллий курашига яқиндан хайрихоҳлик билдириши мужоҳидларнинг қизил армияга қарши курашида маънавий мадад бўлади. Омонуллахон 300 дан ортиқ қўнгилли, яхши куролланган афғон аскарларини Анвар Пошо хизматига топширган эди.

1922 йил май ойига келиб Анвар Пошо бошқа озодлик курашчилари билан биргаликда бутун Шарқий Бухорони озод қилишга муваффақ бўлади. Улардан мулла Абдулқаҳҳор Бухоро ва Жунайидхон Хивани ўраб олишади. Фарғонадаги мужоҳидлар қизил армияни яроқсиз ҳолга келтирадилар.

Миллий кураш етакчилари 1922 йил 15 апрелда Анвар Пошонинг марказий қароргоҳи жойлашган Кофирниҳонда тўпланиб, келажакдаги масалалар муҳокама қилинадиган бир турдаги қурултойга йиғиладилар. Кобулдан собиқ амирнинг вакили сифатида қатнашган Сора Хўжа ҳам иштирок этган қурултойда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга қарор қилинади.

1 – Шарқий Бухоронинг душмандан озод қилинган барча аҳоли пунктларидан мунтазам равишда ҳарбий қисмлар тузилиб, улар маъмурият томонидан ўқитилади.

2 – Инқилоб (уруш) бўлмаган жойларга ҳаракатдаги кўриқчиларни жўнатиш билан халқ жангга тайёр ҳолга келтирилади.

3 – Ҳар бир вилоятга инқилобий ҳаракатга раҳбарлик қилиш учун қўмондон тайинланади.

4 – Эҳтиёжларни қондириш учун воқеа бўлмаса, ҳарбий эҳтиёжлар учун солиқ олинади.

Қурултой томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар мажмуаси 16 банд-

дан иборат. 16-моддада «барча ҳарбий ва сиёсий ҳаракатларни бошқариш бир овоздан Анвар Пошога топширилди» дейилади. Анвар Пошога расмий муҳр берилади ва муҳрда «Дамад-и Халифет ул Муслимин, Амир-и Лашкари Ислом Саййид Анвар» деб ёзилган. Шундай қилиб, Анвар Пошо миллий кураш етакчилари томонидан қўллаб-қувватланади.

Озодлик курашчилари Анвар Пошо қўмондонлигида Шарқий Бухорони муваффақиятли озод қилиб, Ғарбий Бухорони озод қилиш учун ҳужумга тайёргарлик кўрганига қарамай, Заки Валидий «Туркистон бирлиги жамияти» номидан Анвар Пошога мактуб йўллаб, озодлик курашидан воз кечишини ва Афғонистонга кетишини талаб қилади. Анвар Пошо 1921 йил октябрь ойида Заки Валидийнинг бу борадаги талабини рад этади. Шунга қарамай, Заки Валидийнинг Анвар Пошони курашдан қайтаришга уринишини тушуниб бўлмади. Анвар Пошо Заки Валидийнинг таклифини рад этишининг сабаби Туркистонни бутунлай қутқаришни исташи ва бунга ишониши эди.

Анвар Пошонинг муваффақияти ва рус совет маъмурияти билан сулҳ шартномаси тузмасликка бўлган қатъияти советларни боши берк кўчага киритиб қўйди. Энди советлар Туркистон миллий курашини бор кучи билан енгишга ҳаракат қилардилар. Бошқа томондан, Россия фуқаролар урушида ғалаба қозонган рус большевиклари бундай ҳарбий таҳдидни кутмаган эдилар. Воқеаларнинг хронологик тарибидан Россия қандай қилиб бор кучи билан Анвар Пошонинг саъй-ҳаракатларини пучга чиқармоқчи бўлганлиги маълум бўлади:

2.1.1922. Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети, Марказий Ижроия Қўмитаси ва Бухоро Халқ Рес-

публикаси Вазирлар Кенгашининг қўшма мажлисида Шарқий Бухоро учун Ҳаққулодда комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади. 5 январь куни 5 кишидан иборат комиссия (Ҳожи Мирбобо Муҳсинов – раис; Алимжон Акчурин – раис ўринбосари; Аҳмет Камол – котиб; Равшан Боймуродов ва Ҳожи Зиядуллоҳ Зиқиря – аъзолар) иш бошлайди. Комиссия фаолияти ва бошқарув фаолиятини белгилаб берувчи 8 банддан иборат директивада бу комиссия ваколатларининг қўплиги аниқ кўриниб турарди.¹ Бу «Бухоро жаллодлари» Анвар Пошо даврида умуман ҳаракат қила олмайдилар. Шунинг учун Ҳаққулодда комиссия совет қўшинларига қўшилиш орқали ечим топади. Бундай комиссия тузиш орқали Бухоро коммунистлари Бухоро ҳукумати совет Россияси кўлидаги сиёсий ва ҳарбий кўғирчоқ эканлигини исботлайдилар.

16.2.1922. Туркистон комиссияси раиси Гусев Шарқий Бухоронинг аҳволи юзасидан Россия Компартияси Марказий Қўмитасига юборган рапортида Бухоро ҳукуматини авторитар тузилма ўрнатолмаганликда айблади. У Афғонистон Шарқий Бухорога бостириб кириб, қизил армияни Бухородан ҳайдаб чиқармоқчи эканлигини айтади. Ўз рапортининг охирида Шарқий Бухорони қўлдан бой бермаслик учун катта саъй-ҳаракатлар қилишни ва Бухоро ҳукуматини қайта ташкил этишни тавсия қилади.

22.2.1922. Россия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси Бухородаги вазият билан шуғулланади. Совет Россиясининг Инқилобий ҳарбий кенгаши томонидан 1 мартга қадар ҳарбий кучларни кучайтириш ва «Шарқий Бу-

хорони тозалаш»нинг зарур усулларини ўз ичига олган режани ишлаб чиқишга қарор қилинди.

27.2.1922. Рус қўшинлари бош қўмондони Каменев совет Россияси Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосарига Бухородаги босмачиларга қарши қўшинларини кучайтириш кераклигини маълум қилади. Қолаверса, у армияни маҳаллий захиралар ҳисобидан кучайтириш мумкин эмаслиги ва Шарқий Бухорони босиб олиш учун Туркистон fronti ихтиёрига 5 000 000 олтин рубль берилиши кераклигини айтади.

1.3.1922. Россия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси ҳарбий кучларни кучайтириш ва Шарқий Бухорога зарур бўлган таъминотни тасдиқлаш муаммоларини муҳокама қилиш учун йиғилади. Бош қўмондон томонидан тавсия этилган махсус бригада-ларни ташкил этиш таклифи маъқулланади. Бухоро Компартияси Марказий Комитети Бухорога келган бригадаларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўриш тўғрисида қарор қабул қилади.

13.3.1922. Марказий Комитет Сиёсий бюроси Бухоро масаласига яна ойдинлик киритади. Россия Компартияси Марказий Комитети Туркистон бюросининг барча аъзоларига Марказий Комитет Бухоро ва Фарғона вилоятидаги босмачиларни зудлик билан ва бутунлай йўқ қилишни асосий бурч деб билишни маълум қилишга қарор қилади. Шунинг учун Марказий Комитет бу борада жиддий чоралар кўришга киришади.

Март ойида Россия Компартияси Марказий Комитетига Туркистон фронт-

¹ Ҳаққулодда ҳарбий комиссияга қуйидаги мутлақ мустақил ҳуқуқлар берилади: «Шарқий Бухородаги барча давлат органлари комиссия буйруғи остидадир. Чексиз фармонлар чиқариш ва амалга ошириш ваколатига эга. Давлат ҳаётнинг барча соҳалари бўйича шахсий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. У судлар тузиш ва суд қарорларини, шу жумладан, ўлим жазосини қўллаш ваколатига эга. У эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, одамларни ҳибсга олишга ваколатли. Совет Россия ҳукуматининг ҳарбий вакиллари билан ҳарбий ишларда ҳамкорлик қилиш ва ҳарбий суд тузиш ваколатига эга. Қаранг. Иркаев (234). 327-бет.

ти штабидан «Шарқий Бухоро ихтиёрий равишда ташлаб кетилган ва ҳозирда босмачилар назорати остида» деган телеграмма келади. Босмачиларнинг ҳаракати Шарқий Бухородан Ғарбий Бухорога кўчади. Душанбедан чиқиб кетаётган Анвар Пошо ва Иброҳимбек қўмондонлигидаги мужоҳидлар орасида Афғонистон фуқаролари ҳам кўп эди. Бухоронинг эски шаҳри афғон Набихон томонидан ўраб олинади.

20.4.1922. Россия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси Туркистон fronti ҳолатини муҳокама қилиб, вазиятни аниқлаш учун Оржоникидзе-ни Туркистонга юборишга, Туркистонда фавқулодда ҳолат эълон қилишга қарор қилади.

Оржоникидзе Тбилисида Россия Коммунистик партияси Марказий Комитетидан бу сафардан мақсадлари ҳақида телеграмма олади. Уларнинг вазифаси «Бухоро ва Туркистонда босмачиликни йўқ қилиш учун фронтни мустаҳкамлаш борасида нималар қилиш мумкинлигини текшириш» эди. Ўз текширувлари натижасида Россия Коммунистик партияси Марказий Қўмитасини қуйидаги масалалар бўйича хабардор қилиши керак эди:

1 – Маҳаллий халқ босмачиларга қурол масаласида ёрдам бергани ростми?

2 – Маҳаллий совет маъмурияти ҳарбий ишларга аралашиб, ҳарбий ҳаракатларнинг олдини олгани ростми?

3 – Совет Турк fronti штабида ўзгариш қилиш керакми? Агар шундай бўлса, буни қандай қилиш керак?

4 – Бухоро ва Фарғонада ҳуқуқий хавф ўлчовлари қайси босқичда?

5 – Босмачи қўшинларининг катталиги ва жанговар кучи қандай? Маҳаллий муассасалар ва партия ташкилотларининг босмачилик ҳаракатига қарши сиёсий кураши қайси босқичда?

6 – Қўшинларнинг жанговар қобилиятлари ва ғалаба қозониш имкониятлари қандай?

7 – Россия Компартияси Марказий Комитетига қандай амалий чора-тадбирлар таклиф қилинади?

28.4.1922. Россия Компартияси Марказий бюроси Туркистон комиссияси раиси Гусевга телеграмма юбориб, унда «Марказий Комитетнинг Туркистон бюроси Шарқий Бухородаги босмачилар ҳаракатини йўқ қилиш учун ўз қўл остидаги барча ресурсларни сафарбар қилишини» буюради.

5.5.1922. Россия Бош қўмондони Каменев Россия Коммунистик партияси Марказий бюросига юборган рапортида «босмачилик хусусиятлари ва унга асос бўлган кучларни» тушунтиради ва босмачиликка қарши курашувчилар ҳозирда умидсиз эканини таъкидлайди. Шунингдек, босмачиларга қарши кескин чоралар кўришни талаб қилади.

6.5.1922. Совет Россиясининг ваколатли Бухородаги вакили Коеников Ташқи ишлар халқ комиссарлигига юборган ҳисоботида «Шарқий Бухорода босмачилар кучайиб, уюшганлиги, Ғарбий Бухорода фаоллиги, ҳаттоки пойтахт Бухоро хавф остида»лигини билдиради.

12.5.1922. Оржоникидзе Тошкентдан Россия Компартияси Марказий Қўмитасига Бухоро масаласини ҳал қилиш бўйича ҳисобот юборади. Ҳисоботда Бухоро ҳукуматидаги миллатчиларни олиб ташлаш талаб қилинади.

16.5.1922. Оржоникидзе Москвага юборган рапортида қуйидаги хулосаларни билдиради: «Таъсири кам бўлган коммунистларимиз Туркистонни сиёсий йўл билан босиб олишлари мумкин эмас. Баъзилари шаҳардаги ҳаётдан норози бўлган кўплаб гуруҳларнинг босмачилар билан ҳамкорлик қилганини инкор эт-

майди. Тўрт йиллик уруш натижасида бу ерда қизиқарли манзара ҳосил бўлган.

Пролетариат ва деҳқонлар диктатураси ўрнига қуролли гуруҳлар, ўз ерлари ва фуқаролари бўлган феодал ташкилотлар пайдо бўлган. Бу ердаги коммунистлар Турк Комиссияси ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси номидан бу феодаллар билан сулҳ шартномасини тузиш ҳақида музокаралар олиб бормоқдалар... Бошқа томондан, самарали ва тизимли уруш олиб бориш учун ҳарбий қисмлар етарли эмас».

Москва бу хабарни жуда жиддий қабул қилади ва Туркистон миллий кўзғолонини бостириш учун барча воситаларни ишга сола бошлайди.

Бошқа томондан, кўрбошилар, айниқса, Анвар Пошо Туркистоннинг барча ҳудудларида умумий хужум уюштиришга ҳаракат қилади. Анвар Пошо 1922 йил май ойининг бошида ўз аскарларини Бухоро шаҳри атрофидаги 15 та муҳим стратегик нуқтага тўплайди.¹

Мужоҳидлар ва совет босқинчи кўшинлари ўртасидаги урушлар 1922 йил апрел-май ойларида ўзининг энг қизғин палласига киради. Анвар Пошо ва бошқа кўмондонлар Помир тоғларидан Бухоро ва Самарқанд дарвозаларигача бўлган ҳудудни сақлаб қолишга муваффақ бўладилар. Аввал айтиб ўтганимиздек, Анвар Пошо 1922 йил апрель ойида Кофирниҳонда қурултой ўтказиш учун кўмондон ва миллий кураш вакилларини тўплайди. Айни вақтда, Фарғона водийсидаги кўрбошилар Самарқанд ва Зарафшон водийсида русларга қарши кураш муаммола-

рини муҳокама қилиш ва Туркистоннинг келажагини ҳал қилиш учун қурултойни Самарқандга чақирадилар. Бу қурултой 1922 йил 15 апрелда Туркистон Мустақил Ислом Республикаси ташкил этилганини эълон қилади. Ислом кўшинлари бош кўмондони Шермухаммадбек республика раҳбари этиб сайланади. Қурултой муваққат конституция сифатида қабул қилинган директивани ишлаб чиқади. Баъзи ғарб манбаларида босмачиларнинг сиёсий стратегияси йўқлиги, Туркистон мустақиллиги ҳақида ҳеч ким гапирмаганлиги, уларнинг мақсадлари орасида сиёсий мустақиллик ҳам бўлмаганлиги таъкидланади.² Бундай гапларни фақат мужоҳидларнинг асл мақсадларидан беҳабар бўлганларгина айтиши мумкин. Қурултой резолюция (конституция) матнидан ҳам мустақил Туркистон ҳақидаги озодлик курашининг фикрини аниқ тушуниш мумкин:

I бўлим:

1-модда. 1868 – 1883 йиллар оралиғида император Александр II Перовский, Черняев, Кауфман, Скобелев, Куропаткин каби генераллар кўмондонлигида Туркистонга рус кўшинларини юбориб, Туркистон халқини мағлуб этади, мусулмонларнинг сиёсий ва маданий қадриятларини оёқости қилади.

2-модда. Туркистон босиб олингач, унумдор ерлари рус деҳқонлари ўртасида бўлиб олинади. Николай II даврида «Мужоҳирларга хизмат кўрсатиш марказлари» ташкил этилган бўлиб, Туркистон халқининг ерлари подшоҳ томонидан олиб қўйилиб, Туркистонга

¹ Бу мужоҳид гуруҳлари: Жанубий Каркида Юсуф Мирохур (8000 аскар), Бойсунда Анвар Пошо ва Иброҳимбек (4500 аскар), Ҳасан Тўқсоба (1000 аскар) Юртчи-Денов; Фузордарбандлик Данивар (2000 аскар). Баҳромбек Қарши шаҳрининг шимоли-шарқида, Усмонбек Жанубий Қарши, Абдуқаҳҳор Нурота тоғларида, Султонбек Шимолий Зиёуддин, Қоракўлбек, Каттақўрғон вилоятида (ҳар бирида 800 нафар аскар) жойлашган. Нусратбек Мачода, Эшон Султон Душанбеда (ҳар бирида 1000 нафар аскар). Файзободдаги Қаюм Тўқсоба ва Балжувондаги Давлатмандбек (ҳар бири 2000 тадан). Тоғай Сари Қизилсув дарёси атрофида (Кўлоб ва Балжувон оралиғида).

² Марие Брехуб. Босмачилар / Инглиз тилидан туркчага проф. Др. Юлуғ Текин Курат тарж. – Анқара, 1984. – Б.6.

кўчиб келган рус деҳқонларига ҳадя қилинган. Туркистонни ўзига бўйсундирган рус ҳукумати мусулмонларни иқтисодий жиҳатдан йўқ қилибгина қолмай, ижтимоий жиҳатдан ҳам ортда қолдириш учун бор кучини сарфлади. Кўрилган чоралар мусулмонларни абадий русларнинг қулига айлантиришга қаратилган эди. Шу сабабли мусулмонлар таълим ва илм-фандан маҳрум қилиниб, давлат лавозимларидан четлаштирилди. Мусулмонлардан «Амин» (солиқ йиғувчи) ва «Мингбоши» (туман раиси) олаётганларида уларнинг порахўр, рус манфаатига хизмат қилувчи, хиёнаткор эканига эътибор қаратилган. Бундай одамлар рус зулмига ҳисса қўшишдан бошқа ҳеч нарса қилишмади. Бундай чора-тадбирлар билан мусулмонларнинг мулки аста-секин руслар қўлига ўтди.

Мусулмонлар фақат 1916 – 1917 йилларда ишга олина бошланган, лекин у ерда мусулмонларга қурол берилмаган ва қурилиш ишларига жалб қилинмаган. Бу йиллар давомида мусулмонлар орасида очарчилик бошланди ва 3 миллионга яқин одам ҳалок бўлди.

3-модда. 1917 йилда инқилоб туфайли Николай II тахтдан ағдарилди. Бу инқилоб билан биз туркистонликлар ўз ҳақ-ҳуқуқимизни олдик. Биз Қўқонда Туркистон мусулмонларининг 95% вакили бўлган шахслар билан ўтказган қурултойимизда Туркистон миллий мухторият ҳукуматимизни эълон қилдик. Ишчи кучи ва мусулмон халқининг эксплуататор жаллодлари бўлган руслар ҳукуматимизни қурол кучи билан тарқатиб, ҳукумат аъзоларини қамоққа олишади. Улар Туркистон халқининг 5 фоизини ташкил этса-да, ўз ҳукмронлигини эълон қилади.

4-модда. Бугун коммунист номини олган руслар ўз ҳукмронлигини эълон

қилгандан сўнг Туркистон мусулмонларига Николай II давридан кўра кўпроқ зулм қилишга, уларнинг кўчар ва кўчмас мулкларини тортиб олишга, барча ҳақ-ҳуқуқларини менсимасликка киришдилар. Совет қўшинлари шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиб, талон-торож қилишда давом этмоқда. Бу қароқчиларнинг биринчи раҳбарлари Колесов, ундан кейин эса Казаков, Успенский, Сафаров, Коновалов, Фрунзе, Соколников, Буки ва бошқалар 1918 йилда Бухоро ва Қўқонни, кейин эса бутун Фарғонани вайрон қилдилар. Улар 1920 йил сентябрида Бухоро шаҳрига ўт қўйганларида бутун бойликларини вагонларда Москвага олиб кетган эдилар.

5-модда. Совет ҳукуматининг «Турк комиссияси» (Туркистон комиссияси) Москвадан келиб, ҳукуматда ўз ёвуз ниятларини амалга ошириш учун хизмат қилган барча истеъдодли туркистонликларни ишдан бўшатиб, уларнинг ўрнига лаёқатсиз, оқибатини ўйламайдиган, очкўз одамларни «давлат вакиллари» қилиб қўйди. Шундай қилиб, улар мусулмон халқини айнита бошладилар.

6-модда. 4 йилдан бери Туркистон озодлиги учун курашувчиларни чет элда «ўғри», «қароқчи» деб ишдан бўшатиб, уларни йўқ қилиш керак дейишди. Ана шундай баҳоналар билан Фарғонани талон-торож қилиб, кам таъминланган ва ўртаҳол фуқароларнинг уйларига ўт қўйдилар.

7-модда. Мусулмонларнинг дин ва шариатига аралашиб, қозилик лавозимларини бекор қилдилар.

II бўлим:

8-модда. Биз мусулмон Туркистон халқининг 95 фоизи вакиллари сифатида иккинчи қурултойимизда юқорида қайд этилган масалаларни муҳокама қилиб, бир овоздан Туркистон мустақил-

лигини эълон қилишга, адолат байроғини кўтаришга ва қуйидаги бандларни ҳатто халқнинг қони эвазига бўлса ҳам қабул қилишга қарор қилдик.

9-модда. Курултой аъзолари биринчи бобда баён қилинган фикрлар ҳақиқатни акс эттирганини эълон қиладилар. Совет ҳукумати ўз сиёсатини ўзгартирмаса, ўзлари ўрнатган ҳукуматни уларнинг турмуш тарзига, Туркистон мусулмон халқларидан олган ишончига қараб тан олиб, тинчликни таъминламаса, уларнинг барча сиёсий ва маданий ҳуқуқларини қайтармаса, биз Туркистон мусулмонлари совет ҳукуматига қарши урушимизни охириги томчи қонимизгача қурол билан ёки қуролсиз давом эттираемиз.

10-модда. Туркистонда ҳийла ва куч билан ҳукумат тузган большевиклар сотқин, талончи ва золим деб эълон қилинади.

11-модда. Бу курултойда эълон қилинган ҳукумат 4 йиллик уруш ва хунрезликлардан сўнг қонуний Туркистон ҳукумати сифатида қабул қилинади.

12-модда. Бу янги ҳукумат «Туркистон Мустақил Турк Ислом Республикаси» деб номланади.

13-модда. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспий ва Амударё вилоятларидан иборат бутун Туркистон ерларининг бошқаруви бу янги ҳукуматга ўтади.

III бўлим.

14-модда. Туркистонда совет ҳукумати тарқатиб юборилгач, биз тузган бу янги ҳукумат дарҳол Тошкентда курултой ўтказди. Бу курултойда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва шу вақтгача қабул қилинган қонунлар яна бир бор муҳокама қилинади ва агар курултой мақсадга мувофиқ деб топса, амалиётга татбиқ этила-

ди. Курултой якунида ҳукуматимизни шакллантириш ва бошқарув механизмларини тартибга солиш масалалари муҳокама қилинади.

15-модда. Бу курултойга 18 ёшдан ошган ҳар 5000 кишидан бир вакил сайланади. Ҳукумат бошқарувига кирувчи миллий озчилик гуруҳларнинг курултойда ўз вакили бўлиб, ҳукуматни шакллантиришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу кўрсатма эълон қилингандан сўнг совет ҳукумати қўлида ишлашда давом этаётган, большевиклар партиясидан чиқмаган, шунингдек, «махсус бўлинмалар» хизматида ишлаган ва махсус разведкада фаолият кўрсатган, Туркистон ҳукумати полициясига қарши чиққан ҳар қандай киши сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

IV бўлим.

16-модда. Ҳукумат таркибида ўз вакилларига эга бўлган миллий озчиликни ташкил этувчи гуруҳлар ўз урф-одатлари бўйича яшаши ва ўз она тилларида таълим оладиган мактаблар очишида эркиндир.

17-модда. Ҳар бир дин ва мазҳаб мустақилдир ва тенг ҳуқуқларга эга.

18-модда. Миллий кўпчиликни ташкил этувчи миллат вакилларига давлатнинг даромадлари ва харажатлари бир хил даражада таъсир кўрсатади.

19-модда. Ташқи ва ички савдо асосан эркиндир.

20-модда. Ҳар бир фуқаро ўз мулкни бошқа фуқарога сотиш ҳуқуқига эга.

21-модда. Чет эл фуқаролари кўчмас мулкка эгалик қила олмайди. Бироқ улар уни ўн йилгача ижарага олиш орқали фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

22-модда. Россия ҳукумати даврида халқдан олинган моллар аввалги эгаларига қайтарилади. Туркистон халқи-

нинг давлат ерларида кооператив қоидалари доирасида истиқомат қиладиган жойлари сақланиб қолади.

23-модда. Ҳозиргача ўзлаштирилмаган тоғлар, ўрмонлар, ерости бойликлари ва қишлоқ жойлари давлат ерлари ҳисобланади ва давлат уларни чет давлатларга ижарага беришга ҳақли.

24-модда. Кўчманчи халқнинг ерлари ўз жамоалари ўртасида бўлинади ва улар бу ерлардан эркин фойдаланадилар.

25-модда. Юқорида тилга олинмаган ер масалалари кейинги қурултойда муҳокама қилинади.

V бўлим.

26-модда. Муваққат «Туркистон Мустақил Турк Ислом Республикаси» ҳукумати 15 кишидан иборат.

27-модда. Бу 15 аъзодан раис, раис ўринбосари ва бош котибдан иборат Ижроия қўмитаси тузилади, унинг вазифаси пойтахтда давлат ишларини амалга оширишдан иборатдир.

28-модда. Қолган 12 аъзодан 5 нафари Фарғонанинг 5 вилоятига ҳарбий раҳбар этиб тайинланади.

29-модда. Қолган 7 аъзодан: 1) Ҳарбий вазир; 2) Ташқи ишлар вазири; 3) Ички ишлар, почта ва телеграф вазири; 4) Маориф вазири; 5) Молия вазири; 6) Адлия вазири; 7) Транспорт вазири этиб тайинланади.

30-модда. Ижроия қўмита зарур деб топса, Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилиш учун йиғилади.

31-модда. Барча вазирликлар ўз лойиҳалари ва қоидаларини фақат Иж-

роия қўмитасининг розилиги билан амалга оширишлари мумкин.

32-модда. Душман мағлуб бўлиши биланоқ ҳукумат маркази Тошкент бўлади.

VI бўлим

33-модда. Ташқи ишлар вазирлиги қурултойнинг ушбу қарор ва мақсадларини ва бошқарув механизмларини хорижда тарғиб қилиш, Туркистон Турк Мустақил Ислом Республикасининг хорижий кучлар томонидан тан олишини таъминлаш ва керак бўлганда улар билан келишувлар тузиш учун зудлик билан чет элга ўз элчиларини юборади.

34-модда. Ушбу резолюциянинг бир нусхаси расмий воситалар орқали совет ҳукуматига юборилади.

35-модда. Кимки бу ҳукуматни тан олмаса ёки маъқулламаса, аксилинқилобчи ҳисобланади.

VII бўлим

36-модда. Қуйидаги ҳокимият ходимлари қурултой томонидан тайинланади:

1 – давлат бошлиғи, 2 – унинг ўринбосари, 3 – Бош котибият, 4 – Наманган вилояти ҳарбий раҳбарияти, 5 – Андижон вилояти ҳарбий раҳбарияти, 6 – Марғилон вилояти ҳарбий раҳбарияти, 7 – Қўқон вилояти ҳарбий раҳбарияти, 8 – Ўш вилояти ҳарбий раҳбарияти, 9 – Ҳарбий вазирлик, 10 – Ташқи ишлар вазирлиги, 11 – Ички ишлар, почта ва телеграф вазирлиги, 12 – Адлия вазирлиги, 13 – Маориф вазирлиги, 14 – Молия вазирлиги, 15 – Транспорт вазирлиги.¹

¹ Тарихий ҳужжат. Туркистон мусулмонларининг 2-қурултойида қабул қилинган // Ёш Туркистон. – Париж, 1932. №29. – Б.9 – 17; Бензинг (31). 29 – 31-бетлар (баённома парчалари); Б.Ҳайит (43). 204 – 209-бетлар. Мужоҳидлар билан алоқада бўлган махфий ташкилот (Туркистон миллий иттифоқи) қуйидаги асосий тамойилларни белгилаб берди:

¹ – Туркистон мустақилдир. Туркистоннинг тақдирини Туркистон халқи белгилайди.

² – Мустақил Туркистоннинг бошқарув тизими демократик республикадир.

³ – Мустақилликни фақат миллий армия ҳимоя қилиши мумкин. Шунинг учун биз миллий армиямизни туздик.

⁴ – Туркистоннинг мустақиллиги унинг иқтисодий мустақиллиги билан тўғридан-тўғри мутаносибдир.

⁵ – Таълим тизими модернизация қилинади. Россия қонунларидан узоқлашиш орқали Европа маданиятига яқинлашади. Қаранг: Н. Бариман. Туркистонда шахид Анвар Пошо. – Истанбул, 1979. – Б.139.

Курултойда Шермухаммадбекнинг муваққат ҳукумати тасдиқланади. Лекин озодлик кураши кўшинлари ҳукумат марказини қизил армия ҳужумларидан ҳимоя қила олмагани учун ҳукумат Самарқандда бир ойдан ортиқ қола олмади. Ҳукумат ўз қароргоҳини босмачилар ҳаракатининг маркази бўлган Фарғонага кўчириш орқали фаолиятини Наманганда давом эттиришга ҳаракат қилади. Уч ой ичида ҳукумат марказни бешта жойга (Самарқанд, Наманган, Ўш, Марғилон ва Норин) кўчирди. Шермухаммадбек ҳукумати атиги уч ой ишлай олди. Қизил армия ҳужумлари кучайгани сабабли ҳукумат ўзини тарқатиб юборишга мажбур бўлади. Озодлик мужоҳидлари яна ўз амалиётларига куч бериб Анвар Пошо билан боғланишга ҳаракат қилишади.

Совет рус кўшинлари 1922 йил ўрталарига келиб жуда аянчли ва оғир аҳволда эди. Анвар Пошонинг Эски Бухородаги муваффақиятли ҳарбий операциялари, мужоҳидларнинг Фарғона водийси, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги қатъий талаблари совет ҳарбий маъмуриятини чорасиз қолдиради. Анвар Пошонинг миллий кураш сафига кириши Москвани ҳайратга солади. Қолаверса, Анвар Пошонинг четга чиқиши

советларнинг шарқдаги сиёсатидаги (Эрон, Афғонистон, араб мамлакатлари, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда) ишончига путур етказди. Дарҳақиқат, Анвар Пошо ва Москвага яқинлиги билан танилган Жамол Пошо Анвар Пошонинг Туркистон миллий кураши сафига кўшилишига қарши эди.¹

Табиийки, Москва Туркистон истиқлолчилик ҳаракати рус ҳукмронлиги (бу асосий мақсад эди) ва бу ҳукмронликни ўрнатиш ва тарқатиш қуроли сифатида фойдаланилган большевик мафкурасининг мавжудлигини фақат хавф остига кўйишини тушунди, аксинча, «Шарқни кутқариш» шиорига ҳам хилоф иш тутаётганини англаб етди. Ислом оламида машҳур Анвар Пошо деган ном Москванинг ниқобини очиб юборган эди. Совет руслари унинг ҳарбий тажрибаси ва қобилиятидан эмас, ҳарбий жиҳозлар ва жанговар тактикаларни ўргатишидан эмас, балки халқ орасидаги маънавий обрўсидан кўрқарди. Москва Анвар Пошо бутун Туркистонни миллий курашга шай ҳолатга келтиришига асосли равишда ишонган эди. Шунинг учун унга қарши янги усул ва стратегияларни ишлаб чиқишлари кераклигини билишарди. 1922 йилнинг майигача жадал чоралар кўрилди, булар

¹ М. Чўқай. Жамол Пошонинг ўлдирилиши // Ёш Туркистон. 1931. №16. – Б.5 – 6: «Жамол Пошо Туркистонда кўзғолон бўлмаса, инглизларни Ҳиндистондан олиб чиқиш жуда осон бўлади деб уйлаган эди. Бу фикрга мос равишда у мени ҳам ҳайратда қолдирмоқчи эди. Мен унга Анвар Пошонинг советлар билан дўстликдан воз кечиб, Туркистон сафига кўшилганини ва унинг мақсади миллий курашга етакчилик қилиш эканини эслатдим. Жамол Пошо эса Анварнинг қарорига қатъий қарши эканлигини айтди». Мустафо Чўқай 1922 йили Парижда Жамол Пошо билан Шарқ ва Туркистон масалалари юзасидан учрашув ўтказди. «Известия» газетаси 1922 йил 18 июнда Жамол Пошо билан Анвар Пошонинг Туркистондаги фаолияти ҳақида берган мақоласини чоп этади. Жамол Пошо шундай дейди: «His action is purely personal and has been taken on his own initiative. I have sent to Enver a member of letters repudiating and condemning his actions. İzvestiya şöyle sorar: Do you approve of the policy in Central Asia? Cemal Paşa: I cannot do otherwise than approve your policy in Central Asia, since in opposition to the colonising policy of the Tsarist regime, it strives to secure for the population the possession of all political and social economic rights. Қаранг: Translation from Iszwesteia of 18th June 1922, IOR. L/P-S/10837. Шу ўринда кўшимча қилишимиз керакки, Жамол Пошо ё ёлгон гапирган, ё Туркистон воқеаларидан бехабар эди. Бунга совет Россиясининг тарғиботи таъсир қилган бўлиши мумкин. Лекин, ҳар ҳолда, у советларнинг шарқдаги сиёсати учун қурол сифатида фойдаланилади. Унинг Туркистон ёки Афғонистонга келиши бу халқларнинг мустақиллигига ҳисса қўшиш учун эмас эди. Газета ўзига ҳам шундай савол беради: «What are your relations with Mustafa Pasha, President of the Turkish National Assembly?» Cemal Paşa: «Between Mustafa Pasha and myself exists an old bortherly friendship which lasts to the present time. We are continually in correspondence». Жамол Пошо 1920 йил 11 июнда Мустафо Камол Пошога йўллаган мактубида шундай ёзган: «Афғонистонга боришимнинг асл сабаби ҳинд инқилобчилари билан алоқа ўрнатиш ва Ҳиндистонда инқилоб қилиш учун кенг кўламли ва муҳим тайёргарлик кўришдир. Мен бу ҳаракатнинг бошида бўламан. Қаранг: Айдемир (268). 531-бет. Шу ўринда у Мустафо Камол Пошонинг Туркистон миллий курашига қарши эканлигини билганми деган савол туғилади. Жамол Пошо ниҳоят 1922 йил 21 июлда Тбилисда совет руслари томонидан ўлдирилади.

совет рус аскарлари сонини кўпайтириш, курол-яроғ ва озиқ-овқат билан таъминлаш учун омборлар ташкил этиш, ҳарбий операция режаларини кўриб чиқиш, Анвар Пошони бошқа гуруҳлардан ажратиб қўйиш учун Туркистондан Афғонистонга ўтиш йўлларини назорат қилишни кучайтириш кабилар эди.

Совет Россияси ҳукумати Анвар Пошо билан ярашишга йўл қидиради. Ҳатто Бухоро Халқ Республикасининг бир қисмини унга бермоқчи бўлади. Бироқ Анвар Пошо ватаннинг бир қисмида эмас, Туркистонда, Бухоро ва Хоразмда, барча турк ўлкаларида совет ҳукмронлигининг барҳам топишини хоҳларди. Бошқа томондан, Москва Бухоро ҳудудида улар кўтарган масалаларни улар истагандек ҳал қилмоқчи эмас эди. Хабар: «Мустақил давлат»нинг (Шартноманинг 1-моддасига қаранг!) ички ишларига доимий аралаштириш; Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматида ишончсизлик; босқинчи ёки мустамлакачи армияга ўхшаш ҳарбий сиёсатни амалга ошириш; барча эҳтиёжларини халқ гарданига қўйиш, халқнинг урф-одат ва анъаналарини оёқости қилиш (қиз ва аёлларни зўрлаш ёки уй-жойларни ёқиш; озиқ-овқат захиралари ва чорва молларини тортиб олиш) каби ҳоллар авж олгани сабабли Анвар Пошо Бухоро ҳукуматининг Москвадаги вакили бўлишига тоқат қила олмайди.

Бухоро ҳукуматининг айрим аъзоларидан (Усмон Хўжа, мудофаа вазири Ориф, Муҳаммад Махдум ва бошқалар) ташқари қолганлари рус ҳарбийлари ва Бухоро Коммунистик партиясини ҳимоя қилар, Анвар Пошога қарши эдилар.

Анвар Пошонинг озодлик кураши сафига ўтиши билан Бухоро Халқ Республикаси бошқарув аппаратида турли қарашлар пайдо бўлади. Усмон Хўжа ва унинг дўстлари руслар гегемонлиги-

дан қутулиб, мустақил давлат сиёсатини юритмоқчи эдилар. Ҳукуматда бош вазир бўлиб ишлаган Файзулла Хўжа ва унинг сафдошлари русларни чўчитмайдиган тарзда мураса йўлини танлаган бўлсалар, ҳукуматнинг кўп аъзолари (21 вазирдан 11 нафари жуда бадавлат эди) Анвар Пошо ва руслар ўртасидаги кураш жараёнига кўра ўз позициясини эгаллаш тарафдор эди. Иброҳимбек каби кўплаб амир тарафдорлари ҳам Анвар Пошога, ҳам жадидчилар ҳукуматида, коммунистларга ва русларга қарши чиқадилар. Акчурин каби бухоролик коммунистлар эса руслар билан ҳамкорлик қилиш тарафдори эдилар. Анвар Пошо эса ана шундай қарама-қарши фикр ва кучлар муҳитида тўғри йўл тутиши керак эди.

Москва Бухоро ҳукуматининг советлаштириш сиёсатини сусайтираётганини тушуниб Бухорода ўз ҳукмронлигини мустақамлашни мақсад қилиб олади. Шу боис Бухоро Компартияси Марказий Комитети Ташкилий бюроси 1922 йил феврида Бухоро Коммунистик партиясини Россия Компартияси таркибига кирган деб эълон қилади. Мустақиллиги шартномалар билан кафолатланган давлат учун бу қайғули воқеа нимани англатади? Москва учун бу қарор жуда муҳим эди. Фақат шу йўл билан бутун Бухоро устидан назоратни ўз қўлида мужасамлаштиришни кўзлаган эди.

Рус маъмурияти 1922 йил 30 мартда Бухорода босмачиларга қарши янги фронт ташкил этади. Бу фронтда ҳам махсус операция штаби бор эди. Самарқандда махсус бригадалар тузилиб, Бухорога юборилади. Айни вақтда, Анвар Пошо ҳам ўз мақсадига эришишга ҳаракат қиларди. Анвар Пошо 1922 йил 19 майда Россия ҳукуматида меморандум юбориб, унда 14 кун ичида Туркистон, Бухоро ва Хоразм (Хива)дан қизил ар-

мияни олиб чиқиб кетишни талаб қилади. Анвар Пошонинг меморандуми мана шундай эди: «Хурматли халқ комиссари Наримонов!»¹

Россия Федератив Совет Социалистик Республикаси халқларининг Олий Мажлиси номига ёзилган қўлингиздаги ҳужжатни Россия Марказий Ижроия Қўмитаси ва Комиссарлар Кенгашига етказишингизни сўрайман. Менинг илтимосимга кўра мажлис Россия Марказий Ижроия Қўмитаси ва Комиссарлар Кенгаши ушбу мактубга ўз жавобини юбормагунча Россия Совет Республикасига уруш эълон қилмай туради. Лекин Бухоро, Туркистон ва Хива халқларининг эркин ва мустақил яшашга интилишларини сизларга етказиш менинг зиммамга юклатилди. Мустақиллик совет Россияси томонидан тан олиниши керак. Мажлис Россия совет ҳукуматига шу пайтгача Хива, Бухоро ва Туркистон чегараларида бўлган қизил армияни 14 кун ичида бу ҳудудлардан олиб чиқиб, Россияга чақириб олишни таклиф қилади. Айни пайтда Совет Республикасининг кўрсатилган мамлакатлардаги маъмурий институтлари тугатилиши керак. Бу қарор Халқ Комиссарлари Мажлиси қўлида бўлиб, яна улар сиёсий жиҳатдан ушлаб турилган маҳбусларни озод қилишлари шарт. Хива, Бухоро ва Туркистон халқлари Олий Мажлисининг илтимосига кўра ҳарбий комиссар Троцкий ва совет қўшинлари қўмондони Каменев ислом халқ армияси ва қизил армия қонини тўкмаслиги, балки қизил армияни Россияга олиб чиқиш имконидан

фойдаланишни сўзсиз эълон қилсин. Хива, Бухоро ва Туркистон халқлари олий кенгашининг рус халқига бўлган самимий меҳр-муҳаббати туфайли уларни мусулмон давлатларининг истиқлолчилик ҳаракатларига қарши ҳар қандай фаолиятдан узоқроқ туришини огоҳ этишликни ўз бурчи деб билади. Бу халқлар ҳар доим ва ҳамма жойда қонун ва тартибни ҳурмат қилган, аммо бугун улар демагогик ва анархистик унсурлар томонидан ташқаридан олиб келинган зулмкор тузум ҳукмронлигига бўйсунушга мажбур бўлмоқдалар. Агар совет Россияси ҳукумати мусулмон халқининг москвалик ажнабий ҳукумат ва унинг таъқибига қарши кураш иродасини ҳурмат қилмаса, Сизга шуни маълум қиламанки, жаноб комиссар, ушбу юқори советларга йўлланган хатни қабул қилганингиздан 2 ҳафта ўтгач мен ниманики истасам шуни қиламан. 1922 йил 11 апрелда Россия Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан менга берилган халқ вакили унвонини илова қилиб юбормоқдаман.

*Хива Бухоро ва Туркистон қўшинлари бош қўмондони Анвар Пошо».*²

Совет ҳукумати бунга жавоб бериш ўрнига 2 та чора қўллайди: Анвар Пошони инглиз малайи ва шарқ халқларининг душмани деб тарғиб-ташвиқ қилиш, унга қарши курашда ҳарбий қудратни ошириш ва кучайтириш ҳамда барча маҳаллий ва хорижий амалдорларнинг (Коммунистик партия аъзолари, разведкачилар ва бошқалар) ҳарбий қудратини, махсус бўлинма аъзоларини сафарбар этиш.

¹ Наримон Нариманов ўша пайтда Озарбайжон Халқ Комиссарлари Советининг раиси ва Москванинг шарқ сиёсатида ишонган одами эди. Анвар Пошо 1920 йилда у билан учрашганди.

² Castane (30). 230 – 231-бетлар. Б.Хайит. Die Nationalen. 194 – 195-бетлар. Glenda Fraser. Basmachi II // Central Asian Survey. 1987. Cilt 6. №2. – P.37 – 38.

Москва бу меморандумни олишидан олдин бу ишларга астойдил тайёргарлик кўрилгани ҳақида маълум қилинган бўлса керак, чунки Россия Компартияси Марказий Комитети 1922 йил 18 майда Туркистон ва Бухоро масалалари бўйича қарор қабул қилиб, Анвар Пошони «Британия агенти ва шарқ халқларининг душмани» деб эълон қилганди. Россия Компартияси Марказий Комитети қабул қилган бу қарорда Бухоро ва Туркистонни афғон ва турк унсурларидан тозалаш, шунингдек, Бухоро ҳукуматини унинг совет шаклини сақлаб қолиш йўли билан қайта ташкил этиш ва вақф мулкини қайтариш зарурлиги таъкидланган. Бундан ташқари, Марказий Комитет Бухоро ҳукуматининг хорижий давлатлар ва совет Россияси билан ташқи савдосини Халқ Комиссарлиги, шунингдек, бригадалар ва намунавий кўшинлар назорати остида амалга оширишга қарор қилади.

Москва эндиликда истиқлолчиларга қарши ўлкадаги урушда янада кучлироқ бўлиш учун 1922 йил май ойида Туркистон, Бухоро ва Хоразм Коммунистик партияларини Россия Компартияси Марказий бюросининг Ўрта Осиё бўлимига айлантормоқчи бўлади.

1922 йил 19 майда партия Тошкентда бўлиб ўтган сессия билан Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодини бирлаштиради. Шундай қилиб, Москва иқтисодиётни бевосита ўз назоратига олди. Буларнинг барчаси катта ҳужумга тайёргарлик эди.

1922 йил июнь ойига келиб қизил армия Мулла Абдулқаҳҳор ва Дониёр кўшинларини Бухоро ва Қарши шаҳарлари атрофидан узоклаштиришга муваффақ бўлади. Май ойининг охиридан бери Анвар Пошога қарши давом этаёт-

ган урушда рус кўшинларининг бош кўмондони Каменев кўмондонликни ўз зиммасига олади.

Россия ҳарбий маъмурияти 1922 йил 5 апрелда Самарқанддаги босмачилик fronti инқилобий ҳарбий кенгашини ташкил этади. Бухорода истиқлолчиларга қарши кураш олиб бориш учун Бухоро кўшинлари таркибига 1-махсус отличлар бригадаси, 8-отлич бригада, 3- ва 11-пиеда дивизияларидан иборат отрядлар киритилганди. Бухоро худудида 3 та зирхли поезд, темир йўлларни кўриқлаш ва кузатиш учун темир йўл полки, радиостанциядан иборат йирик ҳарбий-техника иншоотлари бор эди.¹

Совет Россияси кўшинлари 1922 йил июнь ойида Бойсун атрофида Анвар Пошога қарши курашни кучайтирадилар. Уруш тактикаси сифатида Бухоро кўшинлари иккига бўлинганди. Бу кўшинларнинг бир қисми Бухорони қамал қилиб катта муваффақият қозонган Мулла Абдулқаҳҳорга қарши курашади. Икки қисмга бўлинган ҳужум бўлинмалари 1922 йил 15 июнда Анвар Пошога қарши шиддатли ҳужумга ўтади.

Чап тарафдагилар Бойсун томондан Денов, Ҳисор, Душанбе, Кофирниҳон ва Файзободга ҳужум қилган бўлса, ўнг тарафдагилар Шеробод, Кўкайти, Термиз, Қободиён, Кўрғонтепа, Кўлоб ва Балжувон йўналишида ҳаракатланар эди. Чап томондан ҳужум қилаётган кўшинларнинг бир қисми Амударёда «Черняев» (Тошкентни босиб олган чор даври генерали) номи кема билан ҳаракат қиларди. Иккала қисм ҳам 1922 йил 22 июнда Қободиёнга етиб келиб, тинимсиз жанг олиб боради. Рус аскарлари билан Анвар Пошо кўмондонлигидаги истиқлолчилар ўртасида тўқнашув бў-

¹ Какурин Н.Е. Боевые операции в Бухаре 1922 года. – Москва, 1942. – С.148.

либ, Анвар Пошо 180 нафар жангчисини йўқотади. Шундан сўнг рус қўшинлари Анвар Пошонинг Афғонистонга ўтиш йўлларини ёпиш учун Вахш ва Панж дарёлари атрофида ҳарбий операциялар уюштира бошлайдилар. Дарбандда чап томондан ҳужум қилган совет қўшинлари кучайиб, у ердан Бойсунга ҳужум қилади ва Анвар Пошо бу тўқнашувда 200 га яқин йигитларини йўқотади. 1922 йил 15 июнда Кофирниҳондаги жангда Анвар Пошонинг йўқотиши катта бўлади. Рус қўшинларининг бош қўмондони Каменев 15 июнь куни Когондан Москвага қўйидаги хабарни юборади: «Мен Шарқий Бухородаги сўнгги вазият ҳақида хабар берман. Чап томондан ҳужум бошлаган аскарларимиз 15 июнь куни эрталаб Бойсундан Работ ва Инкободнинг жануби-шарқий тарафида турган Анвар Пошонинг босмачи тўдаларига қарши жиддий ҳужум бошлайдилар. 5-Туркистон полки ажойиб манёвр қилиб, Работдан душманнинг 1700 аскарлари бўлган Куроплай ва Кофирниҳон аҳоли пунктларига ҳужум қилади. 5-полк қўриқчилари 1-отлиқ полки ёрдамида оғир курашдан сўнг тахминан эрталаб соат 7:00 да юқорида тилга олинган ҳудудларни эгаллаб оладилар. У ерда 200 га яқин душманнинг боши кесилади.

Ҳисор водийсида урушлар шиддат билан давом этар экан, Иброҳимбек Анвар Пошони тарк этади. Бухоронинг собиқ амири Иброҳимбекдан 7000 жангчи билан Анвар Пошога ёрдам бериш учун Бойсунга боришни сўрагани. Иброҳимбек ўз жангчилари билан Ҳисор водийсига келади, лекин Анвар Пошо билан боғланмай, ўзи рус қўшинларига қарши уруш бошлайди. Анвар Пошо фавқулодда ёрдамга муҳтож эди. Кейин у Афғо-

нистон мудофаа вазири билан боғланади ва у ердан 800 нафар яхши тайёргарликдан ўтган афғон аскарлари унинг хизмати-га жалб қилинади. Совет қўшинлари 16 июнда Миршодни, 17 июнда эса Денов ва Юртчини эгаллайди. Шундай қилиб, ўнгдан ҳужум қилган совет қўшинлари Афғонистон чегарасига етиб келишади. Анвар Пошо ўз истиқлолчиларини Сурхондарёнинг чап томонидаги Арғамчига тўплайди. Бу ердаги тўқнашувда 165 нафар жангчисини йўқотиб мағлубиятга учрайди. 29 июнь куни унинг Регар-Қоратоғ фронт чизиғидаги қарши ҳужуми ҳам мағлубият билан якун топади. Совет қўшинлари 1922 йил 1 июлда Регар тумани ва Қоратоғ воҳасини эгаллаб олади.

Какуриннинг 1 июль куни юборган буйруғида шундай дейилганди: «Бўлималар ҳужумларини тўхтовсиз давом эттирди. Ўнг тарафдаги қўшинлар Сарой-Камар, Чилликўл воҳаси, Қўрғонтепа ва Кўлоб шаҳарларини 10 июлга қадар ишғол қилади, 12 июлда 8-отлиқ бригада Қўрғонтепадаги жанг майдонидан чекинади. 17 июль куни Қоратоғ, Ҳисор ва Душанбе ишғол қилинади ва Кофирниҳонда разведка кучайтирилади».¹

Анвар Пошо мунтазам ҳимоя позициясига ўтишга мажбур бўлди. 1922 йилнинг 10 июлида Қўрғонтепани муваффақиятли ҳимоя қилиб, Арғамчидаги жангда ғалаба қозонади. Советлар томонидан босиб олинмаган ҳудудларни Иброҳимбекка қолдириб Балжувон яқинидаги Пули Санганга чекинади. Иброҳимбек ва Анвар Пошонинг ажралиши озодлик курашининг давом этишига салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, қизил армия режа билан ишламаган турк қўшинларига қарши ҳужум қилиш имкониятини қўлга киритган ҳолда

¹ Н.Е.Какурин (303). 139-бет.

2 июлда Ҳисорни, 13 – 14 июлда Душанбени эгаллашга муваффақ бўлади.

Душанбеда мағлубиятга учрагандан сўнг Анвар Пошонинг қўшинлари Лақай водийсида, Раҳматотанинг қўшинлари Ҳисор тоғлари худудида, Фузайл Махдумнинг Қоратегиндаги қўшинлари Балжувонда, Эшон Султоннинг Дарбоздаги қўшинлари Янгибозорда ва Давлатмандбек бўлинмалари Кўлоб вилоятида тўпланган эди. Дарҳақиқат, Иброҳимбек қўшинлари чекинаётган совет аскарларининг ўнг қанотига, Иброҳимбекнинг ноиб Тоғай Сари эса Анвар Пошо қўшинларига ҳужум қилади. Шундай қилиб, рус ва большевикларнинг катта душмани Иброҳимбек миллий курашга хиёнат қилади. Унинг худбинлиги Анвар Пошонинг советлар томонидан йўқ қилинишига сабаб бўлади. Қизил армия бўлинмалари Иброҳимбекка ҳужум қилишни тўхтатиб, Анвар Пошога мунтазам ҳужум қила бошлайди.

1922 йил июль ойининг охирига келиб Қўрғонтепада Анвар Пошонинг 5000 нафар жангчиси бор эди. Унинг бўлинмаси русларнинг 15- ва 16-полкларига қарши жанг қилишга мажбур бўлади. Анвар Пошо Сангтут қишлоғидаги жангда мағлубиятга учрагач, қолган аскарлари билан Балжувонга ҳужум қилди ва у ердан ҳам чекинишга мажбур бўлади. Бу ерда Анвар Пошо бўлинмаси уч кун (16 – 19 июль) тўхтовсиз жанг қилади. Қизил армия барча турдаги қуроллар: артиллерия, миналар, самолётлар, танклар, пулемётлар, қўл гранаталари, 8000 аскар ҳамда хлор гази билан ҳужум қилади. Анвар Пошо тоғли худудда бўлгани туфайли бутунлай ҳалокатга учрашдан қутулиб қолганди. 1000 га яқин қурбонлар берилади ва 1700 аскар яраланиб жанг қила олмайди. 1922 йил 20 июлда рус аскарлари Балжувонни эгаллашади. Анвар Пошо

бўлинмаси Балжувон атрофида мудофаа ҳолатида кутиб турганда ўзи 30 нафар сафдоши билан Балжувондан 12 км узоқликдаги Обдара қишлоғида эди.

Совет қўшинлари Анвар Пошо бўлинмасини ҳарбий йўл билан енгиши мумкин эмасди. Аммо совет армияси уни мағлуб этишга қатъий қарор қилади. Шу мақсадда зудлик билан совет разведкаси (ЧК), Туркистон fronti ҳарбий разведка бўлинмаси ва махсус бўлинмалари ҳаракатга келтирилади. 1921 йил декабрь ойининг охирида Туркистон фавқулодда комиссияси (ЧК) раиси Петерс Россия ЧК ўринбосари Уншлихтдан (миллати немис) марказдан Анвар Пошога қарши кураша оладиган одамни юборишни илтимос қилади. Асли арман бўлган, турк ва форс тилларини биладиган, турклар орасида махсус вазифаларни бажариш учун тарбияланган Агабеков 1922 йил январь ойида Тошкентга, Петерс ҳузурига келади. Петерс Туркистон fronti Сиёсий бюроси аъзоси Окотов, Россия комиссарлигининг Туркистондаги вакили Яковлев ва Азадов тахаллусли Агабековнинг Бухорога Анвар Пошога қарши ҳарбий операцияни амалга ошириш учун боришини ва Бухоро ҳукуматини қаттиқ назорат остида ушлаб туришини таъминлайди. Ҳарбий разведка хизмати бошлиғи Ипполитов разведка хизматининг бу Анвар Пошога қарши ходимларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Агабековнинг (Азадов) айтишича, у Бухорода оқ гвардия қўшинида офицер бўлган. У совет разведкаси томонидан Бухоро Халқ Республикаси Мудофаа вазирлиги тезкор бошқармасига жойлаштирилади. Бу ердан ҳукумат фаолиятини тўлиқ назорат қилади ва Анвар Пошони йўқ қилишга тайёргарлик кўради. Май ойининг охиригача у маҳаллий аҳоли-

дан «саёҳатчи савдогарлар» гуруҳини ташкил этиб, «тадбиркор Азадов» номи остида иш олиб боради. Бу гуруҳнинг вазифаси Анвар Пошони топиш эди. Бу саёҳатчи савдогарлар совет ҳокимиятидан зарур товарларни (тўқимачилик маҳсулотлари, қанд, чой, гуруч ва дон каби озиқ-овқат маҳсулотлари, совун, чой, чойнак кабилар) сотиб олиб, истиқлолчилар бўлган ҳудудлардаги аҳолига арзон нархларда сотар эдилар. Уларнинг моллари тугагач, советлар гарнизонлари жойлашган шаҳарларга бориб, у ердан совет разведкасида ишлаётган иш берувчиларига Анвар Пошо ва қўрбошиларнинг аҳволдан хабар беришарди. Бу саёҳатчи савдогарлар истиқлолчилар изидан бориш учун тинимсиз саёҳат қилишарди. Бу савдогарларнинг 4 нафари яҳудий, 3 нафари форс, 5 нафари арман, 2 нафари турк (1 нафари ўзбек, 1 нафари тожик), 3 нафари ҳинд ва 2 нафари рус эди. Бу яхши маош оладиган савдогарларга совет разведкачилари эканликлари айтилмаган. Фақат 1 яҳудий, 1 арман ва 2 рус ўзларининг махфий топшириқларини билишарди, холос. Агабеков ўзи билан бирга ишлаган сайёр савдогарларга ўзининг зўр савдогар эканлигини, молларини босмачилар ҳужумидан ҳимоя қилмоқчи эканлигини, шунинг учун уларнинг қаердалигини доимо билиб туриши кераклигини айтади. Агентларнинг бошлиғи Агабеков, кейинчалик Туркистон халқи томонидан қотил агент сифатида таърифланадиган Расулов 1922 йил июнь ойида маҳаллий кийимда Фарғона fronti ҳарбий разведка бошқармаси бошлиғи Осипов билан бирга Абду-


рахмон исми туркистонликни (тожик) олиб мол ортилган эшаклари билан Ҳисор ва Денов атрофига келадилар. 1922 йил июль ойининг охирида бу гуруҳ Анвар Пошо жойлашган Балжувонга етади. Агабеков Анвар Пошонинг 1 июль куни Обдара қишлоғида эканлигини аниқлайди ва Осипов билан Абдурахмонни «мол олиб келади» деган баҳона билан Деновга жўнатади, лекин унинг асосий мақсади махсус отлиқ қўшин қўмондонни Будённийни Анвар Пошо жойлашган жойдан хабардор қилиш эди.

Қизил армиянинг Бухоро гуруҳи қўмондонни Какурин 3 июлда ўзининг 15 – 16-полкларига Балжувон ва Обдара қишлоғини ўраб олиб, Анвар Пошони қўлга олишга буйруқ беради. Анвар Пошо қўшинлари 25 июлдан бери Кофирниҳон ва Файзобод майдонларида жанг қилаётганди. 3 август куни Анвар Пошонинг кайфияти кўтарилади, чунки у ўша куни Туркистондалик пайтидан бери хотинидан иккинчи хатни олганди. 4 август – Қурбон ҳайитининг биринчи куни эди. 3 августга ўтар кечаси икки полк ва совет қўмондонлигининг махсус гуруҳи Обдара қишлоғини қамал қилади. 1922 йилнинг 4 августидан разведкачилар Анвар Пошога руслар келаётгани ҳақида хабар беришади. Анвар Пошо ва унинг 30 нафар ҳамроҳи дарҳол отларига миниб, 50 метр наридаги русларга қиличлари билан ҳужум қиладилар. Бу можарони давом эттирмаган руслар чекинадилар. Кейин улар пулемётлардан ўт очадилар. 4 августда қахрамонларча ҳалок бўлган Анвар Пошога 5 та ўқ узилади.¹ Руслар дастлаб Анвар Пошонинг йиқилганини англай

¹ Тўғоннинг ёзишича (25, 452-бет), Пошо 1922 йил 4 августда шаҳид бўлади. Шунингдек, қаранг: Айдемир (268). 648-бет; Иркаев (234). 348-бет; А. Нежати Акгур. Анвар Пошонинг туғилган ва ўлим кунлари // Турк дунёси тарихи: журнал. – Истанбул, 1991. №52. – Б.16 – 20; Бойсун (280, 102-бет)нинг ёзишича, 1922 йил 5 августда шаҳид бўлган. Шунингдек, қаранг: Ерер (276). 139-бет. Густав Кристига кўра, Allein durchs verbotene Land. Fahrten in Zentralasien, 3. Baski. – Viyana, 1937. – P.60: Анвар Пошо Балжувон яқинидаги Аксу кудуғидан сув олиш учун энгашганида Агабековнинг ўзи томонидан пичоқлаб ўлдирилган.

олмайдилар. Жасур қўмондон ва Анвар Пошонинг ҳақиқий дўсти Давлатмандбек унга ёрдам бериш учун яқинлашади. Унга ҳам рус ўқлари тегади. Анвар Пошонинг «Дарвеш» номли оти хўжайинини охиригача тарк этмайди. Орадан кўп ўтмай «Дарвеш» рус ўқларига нишон бўлади ва Анвар Пошо ёнига йиқилади. Анвар Пошонинг шаҳид бўлгани ҳақидаги хабар қисқа вақт ичида халқ орасида кенг тарқалади. 1922 йил 5 август куни Анвар Пошо, Давлатмандбек ва бошқа шаҳидлар 25 – 30 минг кишилик оломон иштирокидаги маросим билан дафн қилинади. Ҳодисага гувоҳ бўлганларнинг таъкидлашича, дафн маросимида қатнашганларнинг ҳаммаси йиғлаб юборганди. Анвар Пошонинг ноиби, Турон инқилобий кўшини Туркистон fronti қўмондони, Бухоро ислом аскарлари амири Али Ризо Анвар Пошонинг шаҳид бўлиши ҳақида ҳужжат тайёрлаган эди. Бутун Туркистонда мотам бир неча ой давом этади. Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати Анвар Пошо вафотини руслар билан бирга нишонлаётган бир пайтда Афғонистон амири Омуллоҳон 1922 йил 2 октябрни Анвар Пошо хотирасига бағишлаб давлатда мотам куни деб эълон қилади. Бухоро ҳукумати 49 нафар совет аскарини Бухоронинг қизил юлдуз ордени билан тақдирлайди. Дониёлбек Анвар Пошо бўлинмаси қўмондонлигини ўз қўлига олишга муваффақ бўлади. Унинг ўғли Абдулқодирбек Давлатмандбек бўлинмасининг бошлиғи бўлади. Абдулқодирбек отасининг қўшинлари билан Балжувон ва унинг атрофида русларга қарши курашни давом эттиради.

Туркистон халқи озодлик шоири Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон Анвар Пошонинг вафотидан чуқур қайғуда эканлигини ўз шеърида шундай ифодалайди:



Болта билан чопилган Чўлпон
(1938 йил 4 октябрь)

БАЛЖУВОН

*Фарёдим дунёнинг борлиғин бўғсин!
Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!
Ғазабдан титраган ёш бир йигитнинг
Тоғдек сийнасига ўқлар ўрнашмиш,
Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг
Дора кўзларига мотамлар кирмиш.
Дарёлар, тўлқинлар титраркан, бир эр
Зарбалар қаҳридан йиқилмиш-қолмиш.
Дутқариш юлдузи йўқликка кирмиш,
Сенинг сўнг жонингми ёвларинг олмиш.
Мармара йўллари, Эдирна йўли,
Чаталжа кенглиги, Бўғоз торлиги,
Карпат баландлиги, Траблус чўли,
Гўзал Селаникнинг ширин боғлари,
Шаҳидлар юзига томғучи нурлар,
Донлар йиғлатди-ку бизни бу хабар.
Берлин кўчалари йигитнинг бирин
Тўп-тўлиқ ғалвалар қўйнига олди.¹
Тифлис ҳаволари бир нажот эрин
Қора қонга бўяб ерларга солди.²
Тарихнинг рангини кўп донлар билан
Дорартган, толдурган бирод Балжувон,
Энг сўнгги умидни донга бўяган.
Оҳ, дандай уғурсиз замонлар келган.
Фарёдим дунёнинг борлиғин бўғсин!
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин.³*

Анвар Пошонинг қабри жойлашган тепалик 1936 – 1937 йилларга қадар

¹ Берлинда ўлдирилган Талъат Пошо назарда тутилган.

² Жамол Пошо назарда тугуляпти.

³ Матннинг туркча версияси: Тўғон (25). 454-бет. Немисчаси учун: фон Бахдер (274). 81 – 82-бетлар).

катта зиёрат маркази ҳисобланган. Совет ҳукумати Туркистоннинг турли бурчакларидан келган мусулмонлар Анвар Пошо қабрини зиёрат қилиб, ўша даврдаги озодлик курашини ёдга олишганини кўргач, бу зиёратгоҳнинг психологик жиҳатдан хавфлилигини англаб етади. Шундан сўнг улар барча қабрларни, жумладан, Анвар Пошо қабрини ҳам олиб ташлайдилар.

Анвар Пошонинг ҳаёти ҳақида кўп ёзилган. Хусусан, унинг Москва ва Туркистондаги фаолияти ҳақида турли иддаолар билдирилади. Шу нуқтаи назардан, масалан, инглиз агентлари 1919 йил 14 июнда рус большевиклар ҳукумати Анвар Пошога «Туркистондаги большевиклар кўшинлари кўмондони сифатида тўлиқ ваколат ва унинг ҳаракатларида тўлиқ эркинлик» берганлиги ҳақида хабар қилишади.¹ Бу хабар мутлақо ёлғон, чунки Россия унга ҳеч қачон бундай ваколат бермаган. Қолаверса, у ҳеч қачон Туркистондаги большевиклар кўшинига кўмондон этиб тайинланмаган. Совет Иттифоқининг унинг Британия агенти эканлиги ҳақидаги даъволари ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Россияда ҳам, Англияда ҳам бунга далил йўқ. Булар советларнинг сохта пропагандасидир. Шунингдек, Анвар Пошо Бухоронинг собиқ амири томонидан вазир этиб тайинлангани даъво қилинган.² Аммо у ҳеч қачон бундай лавозимда бўлмаган.

Кекса амир уни доимий равишда собиқ Бухоро амирлигининг ҳудудий кўмондони сифатида қабул қилган. Анвар Пошо 1922 йил 29 мартда Жунайид-

хонга юборган мактубида бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаган ҳолда амир ундан аскарларига кўмондон бўлишини сўрагани, у Аллоҳ таолонинг розилигини қозониш ва динга хизмат қилиш учун бу таклифни қабул қилганини айтган.

Анвар Пошонинг Туркистон миллий курашида жанг майдонларида фаол иштирок этиши Туркистон тарихида ва туркий оламда мисли кўрилмаган буюк воқеадир. Туркистон миллий курашига янги уфқлар, янги умидлар олиб келган Анвар Пошо истиқлолчилар етакчилари учун катта машъалага айланади. Бошқа турк давлатида туғилган, Усмонлилар империяси кўшинларининг бош кўмондони, ниҳоят Усмонлилар империяси мудофаа вазири бўлган бу шахс Туркистонда ҳарбий мағлубиятга учраса-да, унинг Туркистондаги фаолияти фахрланишга ва таҳсинга сазовордир.

Шарқдаги мусулмон халқларини қутқариш йўлидаги большевиклар тарғиботи таъсирида бўлган Анвар Пошо ўз шахси Москва томонидан суиистеъмол қилинаётганини англаб етади ва Турк дунёсининг бир қисми бўлган Туркистон тақдири билан боғлиқ аччиқ тажрибаларни бошидан кечирилади. У катта иззат ва ҳурмат билан Туркистонни Россиядан қутқариш вазифасини зиммасига олади. Иброҳимбек каби бир неча кишидан ташқари озодлик курашининг барча етакчилари уни ҳурмат қилардилар. Туркистонда ҳарбий техника етарли эмаслигига қарамай, уруш фахрийси, таниқли ҳарбий арбобнинг истиқлолчиларнинг русларга қарши урушида

¹ Telegram from the Secretary of State to Viceroy, Home Department, 14 th June 1919, Public Record Office, Wo 106/61, 149359.

² Mustafa Chokaev. The Basmachi Movement in Turkestan // Asiatic Review. Vol. XXIV. 1928. – P.286: Welcomed with great enthusiasm, Enver committed an irreparable mistake which was the result of his complete ignorance of the conditions of Central Asia. He became Grand Vizier to Said Mir Alim Khan, the Emir of Bukhara, a man of exceptional unpopularity in his country owing to the despotic character of his rule with the aid of Russian bayonets. Eşref Bengi Özbilen, Türkistan'da «basmacılık» hareketi // Türkistan. – İstanbul, 1988. №4. – S.189: Enver, Alim Han'ın büyük veziri olur. Richard Lorenz'e göre, Die Basmatschen-Bewegung, Die musleme in der Soyjetunion. – Köln, 1989. – P.252; Анвар «Бухоро амирининг генерал-губернатори» бўлди. Юқорида келтирилган даъволарнинг ҳеч бири ҳақиқатни акс эттирмайди.

бош қўмондонлик вазифасини ўз зиммасига олгани Туркистон миллий кураши учун катта ифтихор эди. Анвар Пошо Туркистонда, айниқса, Шарқий Бухорода кўп мағлубиятга учрайди, лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмайди. У совет разведкасининг қурбони бўлади. Унинг ўлимини кўрганлар ўқ тегиши билан отдан йиқилиб, «Аллоҳ» деб бақирганини айтишади. Шимолий Кавказнинг собиқ мудофаа вазири Али Кантемир Анвар Пошонинг Туркистон учун аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Туркияда у ҳақида

нима деб ўйланса ҳам, Анвар Пошо ҳар бир туркистонлик томонидан ҳурмат билан ёдга олинади.¹ Туркистон халқи уни жуда яхши кўрар, ҳурмат қилар эди: Анвар Пошо бегона юртда эмас, ўз ватанида, қардош юртда турк ва туркийлик учун ўлганди».²

Анвар Пошо 42 йиллик умрининг 10 ойини Туркистонда, келажакда Туркистон мустақилликка эришади деган ишонч, озодлик курашчиларининг бирлигини таъминлашга интилиб, тинимсиз уруш азми билан яшади.

6-бўлим **ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КУРАШИНING ОХИРГИ ДАВРИ** **(1922 – 1934 йиллар)**

1922 – 1923 йилларда миллий курашнинг ҳолати

Рус маъмурияти Анвар Пошонинг ўлимидан енгил тортгандек бўлиб, унинг йўқ қилиниши билан истиқлолчиларнинг руҳияти ҳам ёмонлашади деб ўйлаб, Туркистон қаршилигини тўлиқ синдиришга бел боғлайдилар. Совет руслари сафида бўлган баъзи туркистонликлар ҳам Анвар Пошодан кейин босмачилар ҳаракати ўз қаршилиқ қобилиятини йўқотади деб ўйлашган. Бироқ озодлик учун курашнинг ривожини Анвар Пошонинг ўлими билан совет русларига қаршилиқ кўрсатиш ҳеч қанақасига тўхтамаганлигини кўрсатади. Аксинча, Анвар Пошо вафотидан олдин амалда қўлланилган баъзи кураш усуллари ўз ҳолича давом эттирилади. Анвар Пошо ўша даврда миллий курашнинг фаол иштирокчиси, русларнинг мурасасиз душмани бўлган Бухоро Республикаси-

нинг собиқ мудофаа вазири Абдулҳамид Орифни (бошқирд) Кобул ва Ҳиндистон орқали Берлинга жўнатади ва бу ердаги истиқлол учун курашдан мақсадни, европаликларга Туркистондаги аҳволини тушунтириш, қолаверса, Нури Пошо (Анвар Пошонинг укаси) билан бирга ишлашни тайинлайди. Ундан олдинроқ эса Усмон Хўжадан Берлинга боришини сўраган эди. Абдулҳамид Ориф 1922 йил 5 июлда Кобулга келади ва Анвар Пошонинг мактубини Усмон Хўжага топширади. Шу билан бирга, у Усмон Хўжага Бухородаги миллий кураш ҳақида маълумот беради, сўнгра Усмон Хўжа Берлинга эмас, балки Бухорога боришга қарор қилади. У ва унинг ҳамроҳлари 3 декабрь куни қурол-яроғ ва тиббий буюмларни олиб Кобулдан жўнаб кетади. Файзободга (Бадахшон водийсининг

¹ Тасвири Эфкар: газета. – Истанбул, 27.12.1941.

² Янги Туркистон: журнал. – Истанбул, 1931. №32. – Б.9.

маркази) етиб келганларида Бадахшон ҳокими Шоҳ Маҳмудхон уларга Анвар Пошонинг шаҳид бўлганини маълум қилади. Усмон Хўжа ва унинг ҳамроҳлари Кобулга қайтиб келадилар.

Анвар Пошонинг вафоти билан бухоролик истиқлол курашчилари янги муаммога дуч келадилар. Маъмурият қўмондонлик ҳуқуқини кимга бериш кераклигини ҳал қилиши керак эди. Маълумки, Усмон Хўжа, Али Ризо (Анвар Пошонинг ноиб ва озодлик курашининг Амударё чизиғи қўмондони) ва Анвар Пошонинг энг яқин қуролдоши Ҳожи Сомий 1922 йилнинг 10 апрелидан бери Кобулда эди. Абдулҳамид Ориф 1922 йил 5 июнда бу гуруҳга қўшилади. Кобулдаги Бухоро миллий маъмурияти, хусусан, Усмон Хўжа 1922 йил август ойи ўрталарида Анвар Пошо ўрнига Ҳожи Сомийга Пошо унвонини беради. Сомий Пошо ва Абдулҳамид Ориф 25 августда Шарқий Бухоро (Дарбоз)га етиб келишади. Сомий дастлаб Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор, Фузайл Маҳдум, Эшон Султон, Жунайидхон каби озодлик кураши саркардалари ва Шермуҳаммадбек каби Фарғона водийси кўрбошиларининг ишончини қозонишга ҳаракат қилади. 1922 йилнинг ноябрида кўплаб кўрбошилар Сомий Пошони Туркистон ислом армияси (Туркистон-Бухоро-Хоразм) бош қўмондони этиб қабул қиладилар. Сомий Пошо аста-секин қизил армия бўлинмаларига қарши ҳарбий операцияларни бошқара бошлайди. Бироқ у баъзи кўрбошилар билан уруш ҳаракатларини бошқаришда муаммоларга дуч келади. Сомий Пошо, Абдулҳамид Ориф Мустафо ва Абдулқодирларни Помир вилоятидаги озодлик курашчилари позицияларини қўллаб-қувватлаш учун Шуғнонда ҳозирлантиради. Ориф ва Абдулқодир ўртасида келишмовчилик юзага келади,

аммо бу келишмовчилик сабаби бугунги кунгача ойдинлашмаган. Орифнинг илтимосига кўра Сомий Пошо катта уруш тажрибасига эга бўлган кўрбоши Абдулқодирни отиб ташлайди. Эшон Султон ва Эшон Сулаймон (Эшон Султоннинг укаси) Қоратегин ва Дарвозда руслар билан бирлашиб, Сомий Пошо кўшинларига қарши курашаётганлари ҳақида хабар келади. Бунга совет руслари томонидан истиқлолчилар етакчилари ўртасида низо уруғини сочиш тактикаси қўлланилгани сабаб бўлса керак. Бироқ Сомий Пошо ва у томонидан тайинланган суд икки ака-укани айбдор деб топади ва улар дарҳол қатл этилади. Дарвоқе, бу икки шахс ўша даврда Шарқий Бухорода (Дарбоз ва Қоратегинда) жуда машҳур икки истиқлолчи етакчи бўлганини унутмаслик керак. Дарҳақиқат, Сомий Пошо қайтиб келганида Эшон Султоннинг уйида меҳмон қилинган эди. Бу икки шахснинг қатл этилиши кўрбошилар орасида Сомий Пошога қарши ғалаён руҳини уйғотади. Эшон Султоннинг кўрбоши Шараф, Қаршидан Бўри Бектош, Дарбанддан Ниёз ва Дарбоз каби дўстлари Сомий Пошонинг бу ишига ўз муносабатини очиқ билдирадилар.

Сомий Пошонинг энг самарали курашларидан бири 1922 йил декабрь ойида Кўлоб шахрини қамал қилиш бўлади. Пошо кўшинлари совет русларининг Кўлоб қамалини бузиш учун 15 кун жанг қиладилар. Совет Россияси ўзининг 15-отлик полкини Сомийга қарши фронтга олиб боради. 1922 йил 22 декабрда Сомий Усмон Хўжага Кўлобдаги курашнинг натижаси ҳақида, руслар қаршилиқ кўрсатганлиги ҳақида хабар беради. Бу орада руслар Термиздан ёрдам оладилар. Айни дамда, Сомий Пошо ва Иброҳимбек жангчилари сони 6000 дан ортиқ эди. Бироқ улар совет аскар-

ларига қаршилик кўрсатиш учун кучлари етарли эмаслиги сабабли аскарлари билан Вахш дарёсининг ўнг қирғоғига чекинишга мажбур бўладилар. 1923 йил февраль ойида Сомий Пошо қўшинлари хужумга киришадилар. Фузайл Махдум, Ашурбек (озод этилгандан кейин Кўлоб шаҳри қўмондони), Очилбек, Холбой, Малик, Турсунёр, Ҳамроқулбек ва Давронбеклар Шарқий Бухоро вилоятида, Самарқанд ва Шаҳрисабзда катта муваффақиятларга эришиб, русларни мағлуб этишади. 1923 йил охирида Сомий Пошо Амударё fronti қўмондони Али Ризога русларнинг «Вахш дарёсидан Қашғаргача» (Қашғарга деган гапи нотўғри бўлса керак, аслида, «Қашғар чегарасигача» деган эди – Б.Ҳ.) энди ҳеч нарса қила олмасликларини, руслар унга тинчлик сулҳини таклиф қилишганини ёзади ва бу таклифни Афғонистон амирига юборади. Очил Бек (1.5.1923), Донёлбек, Усмон, Фарук ва Раиф (асли казаклардан, мусулмон бўлганидан кейин Анвар Пошо қўмондонлигида русларга қарши жанг қилган) каби тажрибали саркардалар жанг майдонларида шаҳид бўладилар.

Кўрбошиларнинг бир нечта мағлубиятларини ҳисобга олмаганда, умуман, 1923 йил муваффақиятли бўлади. Бундай ноаниқ шароитда Сомий Пошо ўз сафдошларига ҳам хабар бермай Туркистонни тарк этади ва 1923 йил 4 июнда Афғонистонга келади.¹ Туркистон миллий курашининг вақтинчалик тўхтатилишини ёқлаб чиқади. Унинг на ўз бўлинмаси, на бошқа кўрбошилар билан хайрлашмай кетиши бошқа раҳбар-

ларда ҳам норозилик уйғотади. Унинг ёлғиз ўзи қабул қилган бу қарори Туркистон миллий курашига хиёнатмиди? У «Туркистон туркларининг истиқлол уруши» ниқобида паноҳ топган қочқин эдимиди? У умидсизликка тушиб қолганмиди? Сабаби нима бўлишидан қатъи назар, унинг курашдан кетиши маълум бир давр давомида бу курашнинг заифлашишига сабаб бўлади. Сомий Пошо 1927 йил 24 августда Туркия чегарасида турк чегара нозирлари билан қуролли тўқнашув натижасида вафот этади.²

Москва Туркистон миллий курашига қарши турли усулларни синаб кўради. Улардан бири Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги босмачиларга қарши фронтларини махсус қўмондонлик остига бирлаштириш эди. 1922 йил 1 февралда РСФСР КП МК Сиёсий бюроси «Босмачиларга қарши курашаётган фронтларни Бухоро ва Фарғона вилоятларида инқилобий уруш кенгаши белгилаган махсус қўмондонлик остида бирлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.³ Бу қарори билан совет маъмурияти Туркистондаги миллий курашни фақат «Туркистон fronti» орқали бостира олмаслигини кўрсатди. Москва Туркистон фронтини янгиламасдан туриб иккита аксилбосмачи қўшинларда ягона тартиб ўрната олмаслигини англайди. Эндиликда Туркистон фронтининг янги вазифаси бутун Туркистонда мувофиқлаштириш ва босим ўтказиш эди.

1922 – 1923 йилларда совет ҳарбий маъмурияти ҳар доимгидек Фарғона водийси ва Хоразмга хужумларини ку-

¹ Бойсун (280). 168-бет. Иркаев (234). 387-бет: 1923 йил 15 июлда Бухорони тарк этади.

² Ҳожи Сомий (Пошо) Туркистонда 1915 – 1918 йиллар оралиғидаги Усмонли разведкасининг агенти сифатида яшаган. 1919 – 1922 йиллар оралиғида Россия ва Туркистонда Анвар Пошо билан ишлаган. 1922 йил августдан 1923 йилгача Бухорода Туркистон мустақиллиги учун курашда Анвар Пошо бошчилигида Бухорода ҳаракат қилади. 1923 йил августда Эронга кетиш учун Афғонистонга боради. Теҳрон-Бағдоддан Ҳалабга ўтади. У ердан Туркияга кўчиб ўтишни хоҳлайди, аммо чегара расмийлари томонидан Туркияга киритилмайди, тортишувлар натижасида чегара хизмати ходимлари томонидан ўлдирилади. Брискин (256). 41-бет. Ҳожининг Панж дарёсига сакраб тушган баёноти нотўғри.

³ Болтабоев Ҳ. Талабни қондирмаган инқилоб // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. №1. – Б.137.

чайтиради. 1922 йил бошидан қўрбошилардан Шермуҳаммадбек, Муҳиддин, Исломуқул, Баёстон, Омон Паҳлавон, Раҳмонқул ва Исроил қизил аскарларни бир зум ҳам тинч қўймадилар. Қўрбоши Жонибек Қози 1921 йилда қизил армия билан сулҳ шартномаси тузади. Бироқ 1923 йил бошида у яна совет аскарларига хужум қила бошлайди. Худди шунингдек, 1921 йил бошида сулҳ шартномасини имзолаб, советлар томонидан мусулмон Фарғона ўлкаси полкининг 1-отлиқ ротаси қўмондони этиб тайинланган ва совет армияси бўлинмаларидаги салбий ҳолатлардан сўнг 1921 йил ноябрида советларни тарк этган қўрбоши Қорабой ҳам яна уларга қарши урушга киришади.

Туркистондаги совет маъмурияти озодлик кураши юкидан қутула олмайди. Бунинг учун у янги чоралар кўриши керак эди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1922 йил 18 февралда «Фарғонада босмачиликка қарши кураш бўйича фавқулодда комиссия»ни тузади. Комиссия босмачиликни тугатиш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эди. 1922 йил баҳорида истиқлолчилар раҳбарлари Исломуқул, Эшмат бойбача, Мирзо Умар, Умарқул, Омон Паҳлавон, Исмоил, Нурмуҳаммадбек, Жонибек қози, Қорабой, Аҳмад Паҳлавон, Исроил, Мамат Рўзи ва Умарали ўз ҳаракатларини ва ҳужумларини кучайтирадилар. Шермуҳаммадбек 1922 йил 22 апрелда Қўқонда, Карбувада қўрбошилар билан учрашиб, кураш усулларини муҳокама қилади. Қўрбошилар техник жиҳатдан ўзларидан устун бўлган совет русларига қарши курашга рози бўлишади. Қўшинлар очдан ўлиш хавфи остида эди, отларига ем-хашак йўқ эди, лекин ҳамма нарсага қарамай, жанг май-

донидан чекинмасликка аҳд қиладилар. Анвар Пошонинг Бухородаги мустақиллик учун курашда иштирок этиши Фарғонадаги қўрбошиларда янги умид учқунларини уйғотган эди. Анвар Пошо биринчи марта 1922 йил декабрь ойида Шермуҳаммадбек билан алоқага чиқади. У Шермуҳаммадбек қўмондонлиги остидаги собиқ Усмонли армияси зобитларидан бири бўлган Исмоил Ҳаққийни ўз ҳузурига таклиф қилади. Шундан сўнг Шермуҳаммадбек Исмоил Ҳаққийни қайнотаси Музаффар Мингбоши билан бирга Анвар Пошо ҳузурига юборади. Анвар Пошо 1922 йилнинг феввалида Шермуҳаммадбекка мактуб йўллаб, озодлик курашидаги ғалабаларнинг умумий манзарасини тасвирлаб бериб, 1922 йил 10 апрелда Кофирниҳонда бўлиб ўтадиган истиқлолчилар қурултойига вакил юборишни сўрайди. Шермуҳаммадбек бу талабни бажара олмаса-да, укаси Рўзимуҳаммадбек қўмондонлигида Анвар Пошони қўллаб-қувватлаш учун 1000 га яқин отлиқ аскарини юборади. Унинг Анвар Пошога йўллаган мактубида шундай дейилганди: «Сизнинг олдингизга кўп жангчилар билан келмоқчи эдик, лекин рус ҳужумлари кучайгани учун шахсан сизни зиёрат қилишга кела олмадим». Совет руслари бу икки истиқлол кураши етакчиси ўртасидаги муносабатлардан жуда хавотирда эдилар, шунинг учун улар Фарғона водийсида ҳужумларини кучайтириб, икки раҳбар ўртасидаги алоқа йўлларини кесишга ҳаракат қиладилар. Маълумки, 1922 йилнинг ёзида Туркистонда 200 мингдан ортиқ совет аскарлари бор эди.¹ Бу аскарларнинг 100 мингга яқини Фарғонада эди. Совет кучлари устунлиги туфайли истиқлолчилар тинимсиз жанг қилишга мажбур

¹ П.Ким. М.Ҳасанов. (251). 147-бет.

бўладилар. Шермуҳаммадбек 20 минг, Омон Паҳлавон ва Раҳмонқул 8000 минг жангчиси билан Сирдарё яқинидаги Ба-лиқчи маҳалласида, Андижон атрофида, Исроилда 4000 нафар аскар билан, Му-хитдин Олой водийсида 10 мингга яқин аскарлари билан советлар тажовузига қарши мудофаа ҳаракатларини амалга оширишган. 1922 йилнинг апрель-май ойларида Карбувада 25 кун давом этган тинимсиз кураш натижасида 3000 дан ортиқ мужоҳидлар ҳалок бўлади, 1500 нафар мужоҳид совет кўшинлари томо-нидан асирга олинади.

Ўша йилнинг ёзида озодлик курашчи-ларининг аҳволи жуда оғир эди; ўқ-до-рилар етишмас, отлар учун озиқ-овқат топилмасди. Бундан ҳам ёмони, Олой водийсидаги қўмондонлардан кўрбо-ши Муҳиддин (қирғиз) билан Андижон атрофида ҳаракат қилаётган кўрбоши Исроил (ўзбек) ўртасида рус фитнаси натижасида қуролли кураш бошланади. Икки кўрбоши бир-бирига шафқатсиз-ларча хужум қилишади. Шермуҳаммад-бекнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳам икки кўрбошини тўхтатиб бўлмайди. Албатта, бу воқеа истиқлолчиларнинг кучини заифлаштиради. Совет армияси Шермуҳаммадбек кўшинларини йўқ қи-лишга режали ва мақсадли ҳаракат қи-ларди. У Карбувада 17 кунлик мудофаа курашидан сўнг 1922 йил 15 июлда Ўз-ган шаҳрига етиб боради. Айнан шу ша-ҳарда Шермуҳаммадбек Анвар Пошодан ёрдам сўралган хат олади. Шундан сўнг Шермуҳаммадбек зудлик билан Нурму-хаммадбек қўмондонлигида 2000 нафар мард йигитини Анвар Пошо ҳузурига жўнатади.

Шермуҳаммадбек ўзининг 5000 на-фар жасур йигитлари билан жанг қи-

либ, Олой водийсига чекинишга мажбур бўлади. Нурмуҳаммадбек Анвар Пошо ёнига етиб боролмайди ва 1922 йил 12 августда Анвар Пошонинг 4 августда шаҳид бўлганлиги ҳақидаги хабарни олади. Шермуҳаммадбек Олой водий-сидаги жанг майдонларида 3000 аска-рини йўқотгандан сўнг Нурмуҳаммад-бек омон қолган 1200 аскарлари билан Қоратегин водийсидаги Аччиқ-Олма қишлоғида паноҳ топишга мажбур бў-лади. Шермуҳаммадбек Қоратегин во-дийсидаги истиқлол учун курашнинг кўзга кўринган раҳнамоларидан бири, шунингдек, амир Фузайл Махдумдан у ерда қолишга рухсат сўрайди ва унга қу-йидаги мактубни ёзади: «Большевиклар бор кучлари билан, ҳар қандай восита билан бизга яқинлашмоқда. Доим жанг қилишга мажбур бўлган аскарларимиз жуда чарчаган. Ҳозир Фарғона тоғлари ва Олой водийсида бўлишимиз мумкин эмас. 1700 аскарим билан Қоратегин-да қолишга рухсат берсангиз, хурсанд бўламан. Сизнинг бу борадаги сахова-тингиз бу мусулмонларнинг ҳаётини сақлаб қолади. Жавобингизни кутаман. Аллоҳ таолонинг саломи бўлсин.

Фарғонадаги ислом аскарлари қўмондони Шермуҳаммадбек».¹

Фузайл Махдум Шермуҳаммадбек-нинг хатига жавоб ҳам бермайди. Шер-муҳаммадбекнинг нияти 1923 йилнинг баҳоригача Соми Пошо қўмондонлиги-да Шарқий Бухорода жанг қилиб, кейин Фарғонага қайтиш эди. Лекин Фузайл Махдум Шермуҳаммадбекнинг ўз худу-дида бўлишига рухсат бермайди.

Дорбозлик Дониёл кўрбоши Нурму-хаммадбекка душманларча муносабат-да эди. Шермуҳаммадбек Қоратегин водийсига келгунига қадар уруш ҳудуд-

¹ Али Бодомчи (170). 399-бет.

лари бўлиниб кетганлиги сабабли бу 4 та етакчининг бир-бири билан муносабатлари анча таранг эди. Соми Пошонинг илтимоси билан Фузайл Махдум Шермухаммадбекнинг минтақада қолишига рухсат беради. Бироқ фарғоналик истиқлолчилар у ерда ҳам тасалли топа олмайдилар, чунки ўзлари билмаган баъзи одамлар тинимсиз ҳужум қилиб уларни безовта қилади. Шермухаммадбек Дорбозга чекинишга мажбур бўлади. Сомий Пошо Фарғоналик истиқлолчиларнинг Бухоро ҳудудида қолишини таклиф қилган бўлса, Эшон Султон уларнинг Афғонистонга ҳижрат қилишларини талаб қилгандир. Шундан сўнг Шермухаммадбек ва Нурмуаммадбек 1922 йил сентябрида 396 нафар жасур йигитлари билан Афғонистонга жўнаб кетишади, қолган аскарлар эса Шарқий Бухорода қолиб, русларга қарши курашни давом эттирадидлар. 1922 йил охирида Соми Пошо Али Ризога шундай деб ёзади: «Биз Шермухаммадбекни бир қанча аскарлари билан Афғонистонга кетишга мажбур қилдик». Соми нима учун уни Афғонистонга боришга мажбур қилди деган саволга жавоб аниқ эмас.

Шермухаммадбек 1922 йил охирида Омонуллахон томонидан ҳурмат билан кутиб олинади. Бироқ у қочқин бўлиб яшашни истамайди ва 1923 йилда озодлик курашига ёрдам бериш учун ҳамроҳлари билан Ҳиндистонга боради. Британия ҳукумати унга Шарқий Туркистон ёки Машҳадга боришини маълум қилади. 1923 йил бошида Туркистонга, аниқроғи, Фарғонага боришга қарор қилади. Пешовар йўналиши бўйича поездга ўтиради ва чегарадан ўтганидан сўнг ҳамроҳлари билан 25 кунлик қийин тоғ

йўлларини босиб ўтиб, Туркистонга етиб боради. Ҳатто энг ҳаётий эҳтиёж воситалари ва қурооллардан ҳам маҳрум бўлган Шермухаммадбек ўз курашини қайта бошлашга замин топа олмай, 1924 йилнинг охирида Афғонистонга қайтиб, Кобулда яшайди. 1974 йилда Аданада вафот этган Шермухаммадбек бутун умр Туркистонга чет элдан ёрдам кўрсатиш йўлларини излайди.¹

Шермухаммадбек Кобулдаги Туркия элчиси Фаҳри Пошо билан алоқага чиқади. Шермухаммадбекнинг хотираларидан маълум бўлишича, Фаҳри Пошонинг фаолияти билан қизиққан. Фаҳри Пошонинг ўзи: «Туркистонда жуда муҳим ишларни амалга оширганингизни билдим. Бу борадаги ишларингиз ҳақида маълумот бера оласизми?» – дейди. Шермухаммадбек: «Фаолиятимиз ҳақида қисқача маълумот бергандан сўнг бошқаларга ҳам маълум қилиши учун ҳужжатларимни қутига солиб, унга топширдим. Бу ҳужжатлар орасида кўплаб давлат амалдорлари билан қилган ёзишмаларимиз ва бошқа ёзма ҳужжатлар бор эди. Бир ҳафтадан кейин мени элчихонага таклиф қилди ва агар рухсат берсам, бу муҳим ҳужжатларни Ғози Мустафо Камол Пошога текшириш учун юбормоқчи эканлигини айтди. Бу улуғ зотнинг Туркистон истиқлол ҳаракати билан қизиққанидан жуда хурсанд бўлдим. Шундай қилиб, ҳужжатларнинг Отатуркка юборилишига розилик бердим», – дейди.

Шермухаммадбек Отатуркка етказиш учун Фаҳри Пошога берган ҳужжатлар натижасини кузатиб бора олмайди. Афсуски, Туркияда айтилган ҳужжатларни топиш ва улардан ушбу тадқиқотда фойдаланиш учун олиб борган тадқи-

¹ Буюк Британиянинг Кобулдаги элчихонаси Шермухаммадбекнинг Афғонистонга келиши ҳақида дарҳол хабар беради. Telegram from Britannic Majesty's Minister of Kabul to the Secretary of Foreign Affairs, India Office. 1st March, 1923. Ex-Emir of Bukhara states that Sher Muhammed, leader of Fergana revolutionaries, arrived a few days ago at Khanabad. End

қотлар ҳеч қандай натижа бермади ва бу ҳужжатларнинг қаерда эканлиги ҳозирча маълум эмас. Шермуҳаммадбек ўз хотираларида муҳожирлар орасида ҳам муҳокама қилинган бир масалага ишора қилади. У ўз хотираларида (99-бет) шундай дейди: «Бухоро амири Франция ҳукуматига 200 миллион рубль қарз берган. Большевиклар ҳукумати Франция ҳукуматидан маблағни қайтаришни талаб қилади, аммо Франция ҳукумати рад этади. Шундан сўнг Россиянинг большевиклар ҳукумати қарз ҳақидаги ҳужжатни Бухоро амирига топширади. Амир пулни олишга ҳаракат қилади. Вазиятдан хабар топгач, Франция элчихонасига бориб, бу пуллар амирнинг шахсий пули эмаслигини, аксинча, бизнинг миллатимизники эканлигини айтдим». Элчи ундан бу илтимосини ёзма равишда билдиришини сўрайди ва орадан бироз вақт ўтгач Франциянинг Кобулдаги элчихонасидан Францияга қарзга берилган пул Туркистон халқига тегишли эканлиги ҳақида жавоб хати келади (Қаранг: Хотиралар. 101-бет).

Шермуҳаммадбек Кобулда совет махфий хизмати назорати остида бўлади. Анвар Пошо шаҳид бўлгач, Агабеков Афғонистонга юборилганди. У ердаги вазифаси инглизларнинг босмачилар билан алоқасини аниқлаш ва кузатишдан иборат эди. Агабеков туркистонлик муҳожир Ҳасанбойни ўзига жосуслик қилишга кўндиради. Ҳасанбой Шермуҳаммадбекка қадамма-қадам эргашади. Агабеков Ҳасанбойга инглизларнинг босмачилик ҳаракатини қўллаб-қувватлагани ҳақидаги ҳужжатларни йиғиш вазифасини топширади. Бироқ Ҳасанбой бу борада ҳеч нарсага эриша олмайди. Агабеков Шермуҳаммадбекка

Туркистонга қайтишга рухсат берилгани ва унга ҳукумат томонидан нафақа берилиши ҳақида хабар етказди. Шермуҳаммадбек бу таклифни рад этади.¹

Руслар Афғонистон ҳукуматига Шермуҳаммадбек ва бошқа қўрбошиларни советларга экстрадиция қилиш учун босим ўтказди. Афғонистон босимга бўйин эгмайди, лекин совет русларининг ҳийла-найранглари ва тузоқлари натижасида Афғонистонда Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек ва бошқа қўрбошилар ҳибсга олинади. Улар 2-жаҳон уруши охиригача (тахминан олти йил) қамоқхоналарда қоладилар. Улар урушдан кейин озод қилинади. Шермуҳаммадбек 1953 йилда Покистонга боради. 1955 йилгача у ерда қолиб, 100 га яқин истиқлолчилар билан Туркияга келиб, Аданага жойлашади.

Ҳатто Шермуҳаммадбекнинг Туркистондан ҳижрат қилишини ҳам истиқлол курашининг тугаши деб тушунмаслик керак. Аксинча, Фарғона водийсида ўз имкониятларига мос равишда курашни қатъият билан давом эттирган раҳбарлар кўп эди. Аввалгидек қўрбоши Исломуқул, Эшмат бойбача, Мирзо Умар, Умарқул, Омон Паҳлавон, Баёстон, Муҳиддинбек, Шермат, Жонибек қози, Аҳмад Паҳлавон, Мамат-Рўзи, Қорабой, Исроил ва Умар Али совет бирликларига қарши жангларда қаттиқ қаршиликлар кўрсатдилар. Дарҳақиқат, совет ҳарбий маъмурияти сулҳ шартномасини тузиш учун қўрбоши Муҳиддинбек ва Исроил билан музокара олиб бориши керак эди. Муҳиддин совет қўшинлари вакиллари билан илк бор 1922 йил 24 мартда учрашади. Томонлар келиша олмайди. Шўролар Муҳиддин ва унинг тарафдорларини барча қуролларини ташлаш

¹ Агабеков Г.С. ЧК за работой. – Берлин, 1931. – С.131.

шарти билан кечиришларини билдирдилар. Бироқ Муҳиддин қуролини беришдан бош тортади. У Ўш, Жалолобод ва Ўзганда жуда фаол шахс эди. Совет қўшинлари 1922 йил 10 июнда Муҳиддинга қарши шиддатли қарши ҳужумга ўтиб, Кўхна Новқатни ўраб оладилар. 5 июлда самарали кураш олиб боришларига қарамай, Муҳиддин ва унинг кўплаб саркардалари ва жангчилари асирга олинади. У ва унинг атрофидагилар совет инқилобий суди томонидан ўлимга ҳукм қилинади ва 1922 йил 26 июлда қатл этилади.¹ Муҳиддиннинг мағлубияти совет қўшинларига Исроил қўрбоши қўшинларини йўқ қилиш имкониятини беради. Худди шунингдек, қўрбоши Тошмат, Тўхтасин ва Мирзо Понсод ҳам мағлуб бўлади. Бошқа бошлиқлар Давронбек ва Хонмирзо 1922 йил 2 июлда Марғилонда олиб борган жанглар натижасида шахид бўладилар. Қўрбоши Мадумар эса Марғилонда асирга олинган. Қўрбоши Каримжон, Сотиболди, Тошмат Соли каби шахслар Наманган ва Жалолобод минтақаларида ўзлари ва отларига 25 кундан бери озиқ-овқат топа олмаганлари учун очликдан касалга чалиниб, курашдан воз кечишга мажбур бўлади. 1922 йил 20 июндан 4 июлгача бўлган тўқнашувлар натижасида совет қўшинлари Қўрғонтепа атрофида Турсунҳалил, Холбек Ҳаққул ва

Жўлан Хўжа Ҳақназарни қўлга олади. Совет маъмурияти истиқлолчиларга қарши кўрилган ҳар бир чорани маъқуллади. Шу нуқтаи назардан, масалан, 1922 йил 13 июлда Фарғона водийсидаги босмачилар тарафдорларини гаровга олишни қонунийлаштириш тўғрисида янги қарор қабул қилинди. Шунингдек, июль ойида Россия Компартияси Марказий Комитети Марказий Осие бюроси қошида босмачиликка қарши кураш бўйича махсус комиссия тузилади. Комиссиянинг вазифаси тубдан чоралар кўриш орқали советлар ҳудудида босмачиликни йўқ қилиш эди. 1922 йил 21 августда Россия Компартияси Марказий Комитети ҳеч қандай шароитда қўрбошилар билан тинчлик шартномаси тузмаслик ва уларга қарши «энг самарали чоралар» кўриш ҳақида қарор қабул қилади. Қолаверса, май ойидаёқ Россия Компартияси МК Туркистон бюроси

«1. Маҳаллий органлар босмачилар билан ҳеч қандай шартнома тузмайди, лекин яхши тайёрланган лойиҳалар тақдим этилиши мумкин.

2. Маҳаллий органлар музокараларга шошилмайдилар, аммо мулойимлик билан ҳеч қандай мажбуриятларни олмайдилар» деган қарор қабул қилади.

Худди шунингдек, қўрбошилар билан олиб бориладиган музокараларда деҳқон ва хунармандларни советлар

¹ Муҳиддин (Муитдин Усмон Али улу) қўрбоши ва унинг курашлари ҳақида совет манбаларида аралаш ва баъзан нотўғри маълумотлар келтирилган. Поляков (181, 84-бет) шундай дейди: «Қизил армия бўлиналари 1922 йил 10 июнда ҳужумни бошлаб, 5 июлгача Муҳиддин тўдасига барҳам бердилар. Тўда бошлиғи асирга олинади. У ва унинг ўринбосари Қамчи Темирбой 7 нафар саркардаси билан 1922 йил сентябрь ойида Ўшдаги «Ҳазрат» масжидида ўлимга ҳукм қилинган. Зевелов (131, 135-бет) Муҳиддин 1922 йилгача курашни ғалабалар билан давом эттирганини қайд этади. Совет ҳарбий раҳбарияти ва Туркистон совет ҳукумати (Атабаев, Дадабаев ва Бурнашев) у билан сулҳ тузиш учун 1922 йил 3 ой (март-май) музокараларни давом эттирдилар. Сулҳ музокаралари натижа бермайди. Қўшинлари мағлубиятга учрагач, 1922 йил сентябрда асирга олинади. 1922 йил сентябрда Совет ҳарбий трибунали уни ва 8 нафар командирини ўлимга ҳукм қилади. Туркистон Компартиясининг котиби Назир Тўрақулов жамоа прокурори бўлади. Бу киши ўз қабилисининг жанговар кўмондони (Тўрақул ва Муҳиддин қирғиз қабиласидан эди) ва унинг саркардаларини, Совет-Россия давлат прокурорининг ўлим жазоси ҳақидаги талабини қўллаб-қувватлаган. Жантуаров (138, 205-бет)нинг ёзишича, Муҳиддин урушдан кейин 1920 йил сентябрь-октябрь ойларида асирга олинган. Унинг қўлга олинишида совет жосуси М. Базарбоевнинг ҳам ҳиссаси бор, чунки у Муҳиддиннинг қароргоҳини ўрганган. Келдиев Т. Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР (1918 – 1924 гг.). – Ташкент, 1957. – Б.116. 1922 йил 27 сентябрда асирга олиниб, ўлимга ҳукм қилинган. Поляков (175, 86 – 87-бетлар)нинг ёзишича, 1922 йил сентябрда ўлимга ҳукм қилинган. 1922 йил 13 августда Туркистон Компартияси Марказий Комитети уни суд маҳкамасига олиб чиқиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилди ва 1922 йил 26 августда 8 кўмондони билан бирга осиб ўлдирилди.

томонига жалб қилиб, улар орқали таъсир ўтказиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинади. 1922 йил баҳорида Россия Компартияси МК Туркистон бюроси ва Туркистон Компартияси Марказий Комитети Ижроия бюроси таркибига Русанов (Совет махфий разведкаси вакили – ГПУ), Печерский (Туркистон вакили, Фронт инқилобий ҳарбий кенгаши) ва Эшонхўжаев (Туркистон Коммунистик партияси МК вакили)дан иборат босмачиликка қарши курашда янги чора-тадбирлар ишлаб чиқишни мақсад қилган гуруҳ тузилади. Комиссия максимал 60 кишидан иборат қирғин гуруҳларини тузади. Бу жамоалар истиқлол кураши қаршилигини синдиришда жуда самарали бўлади. Бундан ташқари, жанговар ҳаракатларда фойдаланиладиган самолётлар сони кўпайтирилади. Совет самолётлари қуруқлик қўшинларига мустақиллик учун курашувчи қўшинлар штаб-квартирасини, тоғли ва ўрмонли худудлардаги босмачиларнинг яширин бошпаналари ва марказларини бомбардимон қилишда катта ёрдам кўрсатади.

1922 – 1923 йилларда Фарғона водийсидаги курашда қўрбоши Ислонқул, Аҳмад Паҳлавон, Қозоқбой, Омон Паҳлавонлар кўпроқ кўзга кўринган бўлса, Мулла Хўжа, Абдуллабек, Ғойиб Понсод каби қўрбошилар совет қўшинларига қарши курашдан воз кечишга мажбур бўладилар. Қўрбошилар ўртасидаги баъзи келишмовчиликлар шўроларга ёрдам беради: Масалан, Ислонқул билан Мадали (Ислонқул қўмондонларидан бири бўлган) ўртасидаги келишмовчилик кейинчалик қуролли курашга айланиб, Ислонқулга қарши фаол амалиётлар уюштирган шўроларга имконият яратади. 1922 йилда совет қўшинлари Фарғона водийсида 50 га яқин қўрбошини ўлдиради. Машҳур қўрбоши Омон Паҳлавон

1922 йил охири ва 1923 йил бошида мағлубиятга учрайди. 1920 йилда 2000 жангчиси бўлган бу қўрбошининг 1923 йилда атиги 40 та йигитигина тирик қолган эди. 1923 йил апрель ойида унинг ўзи оғир яраланади, қўрбоши Ёқуббек мусулмон қишлоғида уни уйига таклиф қилади. Омон Паҳлавон ва унинг дўстлари 1923 йил 5 майда қишлоққа етиб келишади. Меҳмонларга зиёфат берилгач, улар дам олишади. Омон Паҳлавон ухлаётганда темир занжирлар билан боғланган. Бу ишда Юсуфбек ва Аҳметхонларнинг (улар Қўқоннинг сўнгги хони амакилари) ҳам катта ҳиссалари бор эди. Ёқуббек Омон Паҳлавонни совет қўмондонларига топшириш эвазига амнистия қилинишини талаб қилади. Бироқ советлар Ёқуббекни Омон Паҳлавонни шартсиз топшириш ҳақида огоҳлантирадilar. Бу музокаралар олиб борилиши биланоқ совет ҳарбий қисмлари Ёқуббек, Юсуфбек ва Аҳмадхон қўшинларига ҳужум қилиб, катта талафотлар етказишади. Шундан сўнг улар Намангандаги совет ҳарбий маъмуриятига қўрбоши Баёстонга қарши советлар билан жанг қилмоқчи эканликларини маълум қилдилар. Советлар бу таклифни рад этадилар ва бу виждонсизларнинг барчасини ўзларининг йигитлари билан бирга битта қолдирмай ўлдирадilar. Оғир яраланган ва боғланган Омон Паҳлавон советлар томонидан ҳибсга олинади. Совет маъмурияти 1923 йил 31 майда Омон Паҳлавонни Наманган инқилобий судига топширишга қарор қилади. Судни гўё кўргазмали судга айлантириш керак эди. Ҳарбий судья Омон Паҳлавондан: «Сиз қанча русни ўлдирдингиз?» – деб сўрайди. У ўлдирган русларнинг сонини билмаслигини, аммо бу унинг сочлари сонига тенг эканлигини айтиши мумкинлигини билдиради. Унинг ноиби

Маҳкам қўрбоши ва Сангин 1923 йил 13 июнда ўлимга ҳукм қилинади¹ ва ўша куни Наманган боғида омма олдида қатл этилади.²

Фарғона водийсидаги истиқлолчилар 1922 – 1923 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида, бир томондан, кучайган ҳарбий босим остида, иккинчи томондан, фавқулодда махсус отрядларнинг террорчилик ҳаракатлари остида катта қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Миллий курашнинг йўқотишлари анча юқори эди. Масалан, 1922 йил 1 ноябрдан 1923 йил 20 апрелгача 99 нафар қўрбоши ва 3171 нафар жасур истиқлолчилар советларга асирликка тушади.³ Бошқа томондан, қўрбошилардан Қозоқбой, Аҳмад Паҳлавон, Бўрибой, Нурмат Мингбоши, Баёстон, Манас ва бошқалар совет қўшинларига қарши курашларини узлуксиз давом эттирадилар. Совет ҳарбий маъмурияти ҳар қандай ҳолатда ҳам Фарғона водийсидаги озодлик курашини тўхтатишга аҳд қилади. 1923 йил октябрга келиб советларга асир тушган қўрбошилар сони 183 тага етади. Яна 1923 йил октябрда Фарғонадаги инқилобий ҳарбий кенгаш юқорида тилга олинган қўрбошиларни судларга топшириш бўйича эксперт бўлиб хизмат қиладиган комиссия тузади. Турор Рисқул, Лисовск ва Кандибиндан иборат комиссия 183 қўрбошининг ҳаммасини ҳарбий судга юборади ва уларнинг ишларини судларда намойишкорона кўриб чиқишга қарор қилади.

¹ Турсунов (52). 54-бет.

² Б.Ҳайит. «Омон Паҳлавон ва Сангин қўрбоши ўлимга ҳукм қилинган куни отам мени ўзи билан олиб, шаҳар бозорига кетди. Бозордагилар ҳаяжон билан гаплашишарди. Отам тушдан кейин истироҳат боғига боради ва катта бино олдида кўп одамларни кутиб турганини кўради. Бу бино суд жойлашган бино эди. Дадам кўлимдан ушлаб турган бўлса ҳам, бирга бинога кирганимизда ҳарбий судья қарорни ўқийётган эди. Кейин одамлар катта зални тарқ этишди. Бино олдида столлар ўрнатилди. Омон Паҳлавон ва яна 8 нафар айбланувчи ўлим трибуналари остида саф тортдилар. Дадам кўлимдан ушлаб, тезда у ердан олиб кетди. Мен дадамдан сўрадим: «Нима учун ҳамма одамлар ўша ерда қолди, биз кетдик?» Отам жавоб берди: «Сиз буни кўриш учун жуда ёшсиз. Одамлар дорга осилганини кўрмайсизми? Улар Исломо (Исломобод) омон қолиши учун курашдилар». Мен сўрадим: «Исломобод нима?» У: «Бу ҳақда кейин билиб оласиз», – деди. Кейин бир дўконга бориб, менга нон ва ширинликлар сотиб олди. Ва биз яна бозорга қайтдик. Бу воқеани ҳеч қачон унутолмадим, чунки биринчи марта ҳаётимда кўллари кишанланган одамларни кўрдим».

³ Шомағдиев (58). 280-бет.

1922 йилнинг охиригача кўплаб қўрбошилар Зарафшон ва Қашқадарё водийларида муваффақиятли ҳарбий операциялар ўтказди. Улар орасида Самарқанд яқинида Очилбек ва Самарқанд вилоятида Баҳромбек (у ҳам Ҳамроқул қўрбоши билан жанг қилган) бор эди. Шунингдек, ҳожи Абдулқодирнинг Самарқанд Ургутида, Маъмур Ниёзбек (1922 йилгача Жиззахнинг милиция бошлиғи бўлган, кейин босмачиларга ёрдам бера бошлаган ва ниҳоят 1922 йил 11 майда советларга қарши очиқ кураш олиб борган), Туроб (Ниёзбек билан 1922 йилгача Коммунистик партия органлари ва совет махфий разведкасида ишлаган ва босмачи сафига қўшилган), жиззахлик Мулла Ҳамроқул, Ҳамидбек, Абдулмажидбек, Саид Аҳмадхон, Асрорхон (охирги 4 киши Мачо беклигидан эди), Мулла Абдулқоҳҳор ва Саббарқул каби шахслар ҳам курашни давом эттирадилар.

1922 – 1923 йилларда Жунайидхон ва унинг истиқлолчилари Хоразмда курашни давом эттирадилар. Совет қўшинлари Жунайидхоннинг курашидан лол қолади. 1923 йил ўрталарида Жунайидхон Қорақум чўлини, Қўнғирот, Хўжайли ва Илияли шаҳарларини ўз тасарруфига олади.

Жунайидхон, қўрбоши Ағажон, Мадраҳимбой ва Оллоҳназар қўшинлари билан 1923 йил декабрида Тошҳовуз, Илияли, Кўҳна Урганч, Янги Урганч ва Ғазовот шаҳарларини озод қилгандан сўнг Хива шаҳри атрофида тўпланишади.

1922 йил 22 октябрда Туркистон fronti қўмондони Фарғона ва Самарқанд вилоятларида босмачиларга қарши урушда маслаҳатчи (аслида, мувофиқлаштирувчи бўлинма) вазифасини бажарадиган бўлинма ташкил этиш тўғрисида буйруқ беради. Бўлимнинг вазифаси босмачиларга қарши кўрилатган чоратадбирлар тўғрисида доимий равишда мутасадди идораларни хабардор қилиш ва фаолиятни мувофиқлаштиришдан иборат эди. Аҳмат Хўжа Обурдан қишлоғидан туриб ҳукмронлик қилган Мачо водийси ўша пайтда озод эди. Аҳмат Хўжа Ўратепа ҳукмдорининг ўғли Давронбек билан бирга собиқ Ҳисор ҳукмдори Нусратшоҳни ўз томонига таклиф қилади.

Шу пайтгача Мачо водийсидаги истиқлолчилар совет аскарларига водийга кириш имкониятини бермаган эдилар. Холбўта қўрбоши Ўратепа ва Жиззах истиқлолчиларининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондирар эди. Яна Мачода қўрбоши Асрорхон, Тўрабек ва Мирза Юсуф ўз фаолиятларини давом эттирадидилар. Пиёнкентдан келган совет аскарлари 1922 йил 26 декабрда Заробод ва Дардар қишлоқларини эгаллаб, Мачо водийсига кириш йўлларини ўз назоратига оладилар. Қаттиқ курашлардан сўнг Холбўта 10 декабрда Ўратепага чекинишга мажбур бўлади. Совет қўшинлари 32-отлиқ бригадани Холбўта қаршисидаги Ўратепага жангга киритишади. Тўқнашув 3 кун давом этади (1992 йил 10 – 12 декабрь). Эҳтимол, рус қўшинлари катта йўқотишларга учрагандир, чунки 32-отлиқ бригадани қўллаб-қувватлаш учун руслар қизил армиянинг 4- ва 5-полкларини ҳам жангга олиб келишганди. Холбўта Мачо водийсига чекиниш учун Ўратепани тарк этишга мажбур бўлади. Мачо водийсидаги истиқлолчилар Пиёнкент шаҳрига ҳужум қилишади. Совет

қўшинлари (32-отлиқлар бригадаси ва 4- ва 5-полклар) ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлишади.

1923 йил баҳорида Туркистон fronti қўмондони Шарқий Бухородаги босмачиларни ва Мачо беклигини йўқ қилиш бўйича мувофиқлаштириш режасини ишлаб чиқади. Бу режага кўра Мачо водийси қўлга киритилгач, Фузайл Махдум назорати остидаги Қоратегинга қарши амалиётлар уюштирила бошлайди. Туркистон fronti қўмондони 13-пиёдалар полкига Мачо беклигига бостириб киришни буюради. Шундан сўнг 4-пиёда дивизиясининг 13-полк қўмондони операцияни бошлаш тўғрисида буйруқ беради. Совет қўшинлари уч қисмга бўлинади. Истиқлолчилар тўлиқ жиҳозланган қизил армия аскарларидан ўзини ҳимоя қилишга уринган бўлсалар-да, тинимсиз ҳужумни қайтаришга кучлари етмайди. 1923 йил 2 апрелда совет аскарлари Мачо беклигининг маркази бўлган катта Обурдан қишлоғини босиб олдилар ва истиқлолчилар раҳбарлари (Саид Аҳмат Хўжа, Асрорхон, Холбўта) доимий мудофаа позициясига чекинишга мажбур бўлдилар. Ниҳоят 1923 йил 9 апрель жангидан сўнг Аҳмат Хўжа ва Холбўта бутунлай Фарғонага чекинишади. Асрорхон ўз йигитлари билан бирга Водиф қишлоғида совет қўшинларининг ўтиш йўлларини ёпиш учун қолади. У 9 апрель кuni икки укаси ва йигитлари билан қишлоқда асирга олинди ва дарҳол қатл этилади.

Мачо беклиги босқинидан кейин советлар ҳукмронлигини кенгайтириш мақсадида инқилобий қўмита тузилади. Совет ҳокимияти 1923 йилнинг декабрида Самарқанд вилоятида «Асрорхон, Эшонхон, Бузургхўжа ва Мустафоқул қўмондонлигидаги Мачо беклиги учун уруш натижасида бутунлай вайрон бўл-

гани, ҳозир эса Баҳром, Холбўта, Очилдай, Қорақўлбек, Зиёуддин, Шаҳриёр, Абдулахат, Норқўзи Кобул, Тўхтамиш, Бўри ва бошқалар тирик эмаслигини эълон қилади».¹

Мачо водийсини босиб олгандан сўнг совет ҳарбий маъмурияти ўз ҳужумларини Қоратегин водийсини эгаллашга қаратади. Бу йўналишда 1923 йил 23 июнда Қоратегин экспедиция армияси тузилади. Экспедиция армияси қўмондони Э.Н.Шевцов Қоратегиннинг беги Фузайл Махдумнинг 1500 дан ортиқ мужоҳидлари бўлганлигини маълум қилади. Операциядан мақсад, биринчи навбатда, Қоратегин маркази бўлган Гарм шаҳрини эгаллаш эди.

Тахминан бир ой давом этган жанглар натижасида совет қўшинлари 1923 йил 23 июлда шаҳарни эгаллаб олишлари мумкин эди. Фузайл Махдум Балжувонга чекинади. Совет қўшинлари Дарбоз томон юрадилар, тўқнашувларда ғалаба қозонадилар ва 1923 йил 11 августда Дарбоз маркази бўлган Қалъаи Хумбни эгаллашга муваффақ бўладилар. 1923 йил 12 августда Балжувонда совет қўшинлари билан Фузайл Махдум қўшинлари ўртасида шиддатли тўқнашув бошланади. Бу жангда Фузайл Махдум оғир яраланиб, унинг 28 аскарлари шаҳид бўлади. Махдумнинг ўзида Афғонистонга қочишдан бошқа чора қолмайди.

Совет қўшинлари баъзи соҳаларда муваффақиятга эришдилар. Бироқ бу уларнинг озодлик учун кураш юкидан халос бўлганлигини англатмасди. Совет манбаларида Туркистонни қайта босиб олиш (советлар «қутқарув» деб иддао қилишади) умуман осон иш эмаслиги қатъий таъкидланади. Россия Коммунистик

партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси озодлик учун курашни қандай тугатиш тўғрисида доимо режалар ишлаб чиқар эди. Совет маъмурияти Шарқий Бухородаги босмачилик ҳаракатини ўзининг Афғонистон сиёсатига жиддий таҳдид деб билади. Бинобарин, миллий қаршилиқ Афғонистондаги рус большевикларига қарши кучайиб бораётган антипартиявий ҳаракатга айланиб боради. Шундай қилиб, Москва Шарқий Бухорода, айниқса, қаттиқроқ ва кучлироқ амалиётларни амалга оширишга қарор қилади. Шу нуқтаи назардан, 1923 йил 10 июнда Россия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси қуйидаги қарорларни қабул қилади:

– Шарқий Бухорода босмачиликка қарши курашда ягона марказлашган бошқарув механизмини йўлга қўйиш мақсадида Инқилобий ҳарбий кенгаши тузиш;

– Ҳарбий трибунални Инқилобий ҳарбий кенгашга бўйсундириш;

– Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан қизил аскарларнинг Шарқий Бухородаги эҳтиёжлари ўз вақтида қондирилишини ўз зиммасига олиш.

Бу чора-тадбирлар советларнинг Туркистондаги махфий разведка бошқармаси бошлиғи Петерс томонидан таклиф қилинган эди. Петерснинг босмачиларнинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги маълумотига таянган ҳолда Москва таклифларни дарҳол қабул қилади.

Туркистон fronti ўз ичида босмачиларга қарши кураш учун махсус фронт тузган эди. Босмачи fronti деб ҳам аталадиган бу фронт 1922 йил 7 апрелда Туркистон frontидан ажралиб чиқади. Босмачи fronti қўмондони армия қў-

¹ Мачо водийсида мужоҳидлар ва совет қўшинлари ўртасидаги жанглар ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қаранг: Абдулхаев Р. Разгром контрреволюционного очага в Матче и упрочение Советской власти в верховьях Зерафшана (Осень 1922 – Весна 1923) // Известия Академии Наук Таджикской ССР. Отделение Общественных наук. – Душанбе, 1969. №1 (55). – С.17 – 25.

мондони каби катта ваколатга эга эди. Босмачи fronti Инқилобий ҳарбий кенгашининг раиси этиб Бухоро Республикаси бош вазири Файзулла Хўжа тайинланади. 1922 йил 13 мартда Россия Компартияси Марказий Комитети Сийсий бюроси Бухорога қўшинларни кучайтириш учун отличлар бригадасини юбориш тўғрисида қарор қабул қилади. Бундан ташқари, рус қуролли кучлари бош қўмондони Каменев зудлик билан ҳарбий амалиётлар ўтаётган ҳудудга бориш тўғрисида буйруқ олади. Каменев Туркистонга келади ва воқеа жойида истиқлолчиларга қарши уруш ҳолати ҳақида маълумот тўплайди. 1923 йил 15 майда Босмачи fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши номини 13-корпуснинг Инқилобий ҳарбий кенгашига ўзгартирди.¹

Туркистон fronti ҳарбий инқилобий суди томонидан 1922 йил 26 октябрда мустақил деб талқин қилинган Бухоро Республикаси фуқаролари бўлган босмачилар устидан суд кўрилгани ҳайратланарли воқеадир. Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати (Раҳбари Порсо Хўжа, бош вазир Файзулла Хўжа) 1923 йил 14 декабрда ГПУ (Государственное Политическое Управление – Чека) – Давлат Сийсий Бошқармасининг ваколатли вакиллари билан олиб борилган музокаралар натижасида ГПУга «Инқилоб муҳолифларига ва бошқаларга қарши курашиш учун» Бухоро Халқ Республикасида амалда бошқарув ҳуқуқини бериш тўғрисида келишув имзоланган эди.

13-корпус қўмондони П.А.Павлов Шарқий Бухоронинг ягона ҳукмдори сифатида 1923 йил 19 августда жанг майдонларида қуролланган ёки асирга тушган барча босмачиларни отиб таш-

лашни буюрган бўлса-да, Шарқий Бухорода қаршилик кўрсатиш тўхтовсиз давом этади. Совет ҳарбий маъмурияти 1923 йил апрель ойида Мелкумов бошчилигидаги 1-Туркистон махсус бригадасини Иброҳимбекка қарши урушга киритади. Ушбу махсус бригада 1923 йил 9 апрелда Лақай ҳудудида 3 та полк, Кўлоб ҳудудида 6-махсус пиёдалар бригадаси, 3-бригада (2 полкдан иборат) ва Балжувонда 2-отлич дивизиядан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилган.²

Қизил армиянинг тобора кучайиб бораётган ҳарбий операциялари Иброҳимбек, Асадулла, Элбоши, Бобожон ва бошқаларнинг қатъиятли сарф-ҳаракатларига путур етказа олмайди. Масалан, Иброҳимбек 1923 йил 8 августда 800 га яқин жасур йигитлари билан Лақай водийсидаги Бешбулоқ қишлоғига ҳужум уюштирган эди. Ушбу бўлинмага қарши советларнинг 3-полки юборилади. Иброҳимбек урушда ютқазади, лекин ҳеч нарсага қарамай, курашини давом эттиради. Натижаларга эришиш борасида томонлар ўртасида яна бир ҳал қилувчи тўқнашув 1923 йил 20 августда Қизил Қалъа қишлоғида бўлиб ўтади. Тўқнашув натижасида ҳеч бир томон мутлақ ғалаба қозонмаган бўлса-да, Иброҳимбекнинг Лақай водийсидаги Сангут ҳудудига чекиниши ва қўшинларини Раҳмон Додхо қўшинлари билан бирлаштириши аҳамиятлидир. Кейинроқ Ўрта Қайнар қишлоғидаги совет бўлинмасини 5000 нафар йигит билан қуршаб оладилар. Икки кун давом этган жангда қўрбоши Эгамбердининг вазифаси совет дивизиясининг чекинишига тўсқинлик қилиш эди. Бироқ совет дивизияси қуршовни бузиб қутулишга муваффақ

¹ Ишанов А. Роль Компартии и Советского правительства в создании национальной государственности узбекского народа. – Ташкент, 1978. – С.162.

² Мелькумов (233). 167-бет.

бўлади. Бу жангда Эгамбердининг 228 нафар жангчиси ҳалок бўлади. Яна 25 сентябрь куни бўлиб ўтган тўқнашувда Иброҳимбек ўзининг 5000 аскарини йўқотади. 30 сентябрда жанг майдонидан чекинишга мажбур бўлган Иброҳимбек Ҳисор шаҳри атрофидан қўним топади.

1923 йил 23 октябрда Туркистон fronti қўмондонлиги Россия бош қўмондони номига дивизияси Қоратегин, Дарбоз, Вахш дарёси чап томонида ва Лақайда 11-отлиқ дивизия, 6-отлиқ бригада ва 3-пиедалар ҳарбий ҳаракатларга шай ҳолатдалиги ҳақида телеграмма йўллади. 1923 йил октябрь ойида қўрбоши Иброҳимбек қўшинлари Ҳисор водийсида бўлиб, совет қўшинлари унга шиддатли ҳужум уюштирадilar. Хуррамбек бу курашда фаол одамлардан бири эди. У ва унинг 400 отлиқ аскарлари Ҳисор шаҳри атрофида советлар билан қўл жангига киришади. 1923 йил 21 октябрда Иброҳимбек Санчик қишлоғида совет қўшинларини Сарисийдан 15 – 18 км узоқликда ўраб олади ва қўшинларга ҳужум қила бошлайди. Ҳақиқий рус агенти Раҳмон Ҳасан қуршаб олинган советларнинг аҳволини энг яқин разведка марказига етказди. Дарҳол чора кўрган 1-отлиқ бригада Иброҳимбекни 23 октябрь куни катта йўқотишлар билан жанг майдонини тарк этишга мажбур қилади. Совет қўшинлари 1923 йил 22 октябрдаги жангда 800 отлиқ, 720 пиеда аскар ва 21 пулемёт билан қатнашадilar. Иброҳимбекнинг 3800 га яқин отлиқлари ва 6 та пулемёти бор эди. Шарқий Бухородаги истиқлолчилар катта талафотларга учрайди. Советларнинг иддао қилишича, Шарқий Бухорода 1923 йил 15 декабрда 6103 совет аскарига қарши 1425 та босмачи бўлган.

Қизил армия босмачилардан ҳам аскарлар, ҳам қурол-яроғлар жиҳатидан катта устунликка эга бўлса-да, уларни бўйсундирилмагач, совет маъмурияти босмачиларга қарши ислом уламоларини жалб этишга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан, советларнинг Лақайдаги инқилобий ҳарбий қўмитаси 1923 йил 25 декабрда Ёвонда оммавий йиғилиш ўтказиб, унга Лақай қабилаларининг бошлиқлари ва муллаларини таклиф этади. Йиғилишда фақат битта савол муҳокама қилинади: «Ислом дини совет ҳукмронлигини қонунийлаштирадими ва босмачиларни ислом ҳимоячиси сифатида кўриш мумкинми?» Учрашув эрталаб соат 8 дан 18 гача давом этади. Йиғилишда гўё Қуръондан илҳом олган баъзи муллалар Қуръонни бузиб фикр билдирадilar: «Золим ҳукмронлик ва ҳукмлар Оллоҳ тарафидан йўқ қилинади. Кейин янги ҳокимият шаклланади. Совет ҳукмронлиги Оллоҳ томонидан ўрнатилган. Бу ҳукмронлик адолатли ҳукмронликдир. Босмачилар тўдалари совет ҳукмронлигига қарши курашаётгани боис бу уларнинг Оллоҳнинг иродасига ва ислом динига қарши эканлигини билдиради... Йиғилишда халқ оmmasига босмачиларга қарши қўзғалиш ва қаршилик кўрсатиш вазифаси юклатилади».¹

Бу қарордан кейин Иброҳимбек ўз ҳаракатини Оллоҳга ва исломга қарши деб билган барча муллаларни ўлдиришга қарор қилади. Бу қарорни амалга ошириш учун қўрбоши Асадуллоҳ, Эгамберди ва Раҳмон Додхога Вахш дарёсининг ўнг чизигида олға силжиб, озодлик курашига қарши муллаларнинг тарғиботига қарши туришни буюради. Бироқ совет қўшинлари кўр-

¹ Иркаев (234). 434-бет.

бошиларнинг дарёдан ўтишига имкон бермайди.

Ғарбий ва Марказий Бухорода халқ орасида «Нурота тоғлари подшоҳи»

номи билан машҳур бўлган Мулла Абдулқаҳҳор, Ҳамроқулбек Саббарқул ва Давронбеклар 1925 йилгача муваффақиятли ҳаракатлар уюштирадilar.

34. Бу нуқталарда табиий равишда учадиган жамоалар учун ўқ-дорилар, техник хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш хизматлари мавжуд бўлиши керак. Бундай шароитда қўллаб-қувватловчи базалар ўз вазифаларини ҳақиқий маънода бажаргани ҳолда, тинч аҳолининг озиқ-овқатларини мусодара қилиш ҳеч қандай муаммо туғдирмаган бўлар эди.

35. Учувчи жамоалар тез ва фавқулодда ҳаракат қилиш кучига эга бўлиши ке-

рак; шунинг учун улар отлик қўшинлар билан биргаликда бўлиши керак.

36. Жамоанинг кучи босмачиларнинг кучига тўғридан тўғри мутаносибдир; бир взводдан битта батальонга кўпайтирилиши мумкин.

37. Жамоани шакллантиришда унинг раҳбари урушнинг ҳийла-найранглари-ни яхши биладиган, бутунлай совуққон одам бўлишига эътибор бериш керак.

38. Ҳудудни яхши билиш ва маҳаллий ҳарбий шароитларини билиш учувчи жамоаларининг муваффақиятининг асосий шартидир.

39. Учувчи отрядларда ҳар жиҳатдан ишончли маҳаллий гидларнинг бўлиши катта фойда.

40. Кутилмаган ҳодисаларга тайёр туриш учун учувчи отрядлар ҳар доим жанговар ҳолатда бўлиши керак. Бироқ бу кутилмаган ҳодисаларга мақсадли жавоб бериш амалда қийин бўлиши мумкин. Чунки учувчи гуруҳларнинг фаолияти фақат душман ҳақида маълумот тўплаш, кейин жамоа юбориш шаклида бўлиб, вақт жиҳатидан йўқотилганининг ўрнини қоплашда қийин кечикишлар бўлади.

41. Учувчи гуруҳлар душманларни тўсатдан рейд билан мағлуб этишлари учун уларни қирувчи кучлар қўллаб-қувватлашлари керак.

3. Қирувчи гуруҳлари

42. Қирувчи гуруҳлари учувчи жамоалардан фақат вазифалари билан фарқ қилади. Партизанлар урушининг асосий тамойиллари уларнинг асосий тамойиллари ҳамдир.

43. Қирувчи гуруҳлар фаолиятининг асоси етакчи кучлар ва қирғин қилиш гуруҳларидир. Етакчи кучлар бутунлай кутилмаганда ҳаракатланиш учун қароқчилар ва қирғин отрядларини олиб келишади.

44. Етакчи куч сифатида патрулик қилаётган жамоа, одатда, душманнинг қаердалигини билмайди, лекин душман уларнинг қайси йўлдан боришни билмаслиги керак, шунинг учун фақат кундалик йўналиш раҳбарнинг қарори билан белгиланиши ва қунига бир неча марта ўзгартирилиши мумкин.

45. Жамоа патрул пайтида исталган вақтда душман билан тўқнаш келиши мумкин, агар патрул пайтида душман ҳақида маълумот тушса, тайёргарлик ва мақсадли равишда душманга қарши чиқиш мумкин.

46. Жамоа душманни ўзи етарли деб билганча кузатиб бориши мумкин. Бу жараёнда ҳал қилувчи омил душманга кутилмаган дақиқада етказиладиган зарбадир.

47. Қирувчи гуруҳ нафақат душманга зарба беради, балки душманнинг таянч нуқтаси бўлган барча собиқ нуқталарга ҳам зарба беради. Бунга омборлар, бошпаналар, от подалари ва бошқалар киради.

48. Жамоа ўз хужумини босмачиларнинг рельефини ҳам, жанг услубини ҳам билиб, рақибга мос бўлмаган пайтларни кузатиб бориши керак.

49. Жамоа раҳбари партизанликнинг барча зарур кўникмаларга эга бўлиши керак, шунинг учун раҳбарни танлаш жамоани шакллантиришдаги энг муҳим жараёндир.

50. Масалан, қирувчи гуруҳ икки ҳафталик муддатда навбатчиликка юборилиши ва миссия охирида у учун белгиланган нуқталарга қайтиши керак.

51. Жамоа тайинланадиган вақт оралиқлари жамоа таркибига кирадиган минтақавий ҳарбий қўмондон қарори билан белгиланади.

52. Одатда, бу давр ҳарбий ҳаракат давом этадиган вақтга параллель бўлади.

53. Жамоанинг хизмат муддати ҳам жойнинг катталиги билан боғлиқ. Навбат муддати тор жойларда қисқа, кенг жойларда узоқ бўлиши керак.

54. Жамоа навбатчилик пайтида ўз изларини моҳирлик билан йўқ қилишни билиши керак, шунда маҳаллий аҳоли тегишли вақтда жамоа қаерда жойлашгани ҳақида душманга хабар бера олмайди.

55. Изларни яшириш учун тун энг яхши ёрдамчидир. Бир кечада қолиш пайтида, узоқ бўлмаса ҳам, кутилмаган пайтларда жойларни ўзгартириш орқали ҳаракат йўналиши йўқолиши мумкин. Бундан ташқари, аҳоли пунктларидан ташқари қуруқликда ёки ҳатто чўлда тунда қолиш фойдалироқдир.

56. Жамоадаги жангчилар доимий равишда отда бўлишлари ва етарлича консерва захирасига эга бўлишлари керак, чунки жамоанинг тўлиқ функцияси унинг тинч аҳолидан бутунлай мустақил ҳаракат қилиш қобилиятига, жумладан, яхши парвариш ва яшашга боғлиқ.

57. Босмачиларга қарши ҳарбий курашнинг асосий муваффақият омили босиб олувчи қўшинлар, учувчи гуруҳлар ва қирувчи гуруҳлар ўртасидаги мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик тизимидир.

58. Ҳарбий курашнинг асосий ус-тунлари бўлган юқорида зикр этилган тамойиллар билан бир қаторда курашнинг ҳаётийлиги билан амалда пайдо бўладиган муаммоларга қарши кўриладиган иккинчи даражали чоралар, аслида, муҳимроқдир. Бу чора-тадбирлар, биринчи навбатда, ҳаво кучларидан фойдаланиш, тегишли ҳудудни тўлиқ кўриб чиқиш, душманни ўраб олиш ва тўсишга қаратилган операцияларни ўз ичига олиши мумкин.

4. Ҳарбий ҳаво кучларидан фойдаланиш

59. Агар шартлар тўғри бўлса, ҳаво кучлари фақат урушга қўшилиши муқаррар. Шундай қилиб, босмачилар маълум бир ҳудудда оммавий равишда қаршилик кўрсатиши ёки қуруқлик қўшинлари етиб бориши қийин бўлган ҳудудда, чўлда, тоғларда ёки ўралган жойларда бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳаво кучларини энг самарали тарзда қўллаш орқали душманни бутунлай йўқ қилиш мумкин.

60. Ҳаво кучлари, айниқса, қуруқликдаги қўшинлар ёрдамида самарали бўлиши мумкин. У ишғол ва разведка қўшинларининг таъсир зонасини ривожлантириш, ёритиш, ҳаводан ташвиқот материалларини тушириш ва атроф-муҳитдаги интервалларда жойлашган стратегик нуқталарни ҳимоя қилиш учун ишлатилиши мумкин.

61. Ҳаво кучлари учувчи гуруҳлар ва қирувчи гуруҳлар ҳамкорлигига тенг.

62. Ҳаво кучлари ҳаводан бомба ташлаш ва пулемётлар билан қароқчиларга ўт очиш учун ишлатилиши мумкин. Шу маънода ҳаво кучини ўз йўлини топадиган учар жамоа сифатида кўриш керак. Агар учувчи якка ўзи душман гуруҳни аниқласа, у душманларга нисбатан қирғин гуруҳи каби кураш олиб бориши керак.

63. Ҳужумни осонлаштириш учун бизнинг етакчи бўлинмаларимиз ўзларини ва жойлашувини кўрсатадиган белгиларни олиб юришлари керак. Бу, шунингдек, ўз қўшинларимизнинг тасо-дифан ҳаводан ўзимизга ҳужум қилишларининг олдини олади.

64. Ҳаво кучлари қўмондонлиги остида бўлган бошқарув механизми ҳужум парвозларини фақат ердан берилган маълум йўналтирувчи нуқталар билан амалга ошириш мумкинлигини билиши керак.

65. Дарёлар, қўллар, автомобиль йўллари ва темир йўл линиялари ҳужум парвозлари учун жуда кўзга кўринган йўналтирувчи нуқталардир.

66. Ушбу нуқталарнинг ҳеч бири мавжуд бўлмаган ҳудудларда ҳужум парвозлари деярли имконсиз, тўғрироғи, қийин.

67. Шунинг учун бундай йўналтирувчи нуқталар мавжуд бўлмаган ҳудудларда бортга чиқиш талонлари ёки чизмалар тайёрланиши керак.

68. Агар карта ёки диаграммани тайёрлаш имкони бўлмаса, учувчилар ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳужум қилинадиган ҳудудни таниб олиш учун парвозларни амалга оширишлари, шундан кейингина ҳужум парвозига буйруқ беришлари керак.

69. Ҳаво кучларининг ҳужуми энг идеал тарзда яқунланиши учун барча зарур тайёргарликларни олдиндан бажариш ва қароқчи тўдаларни нафақат ҳаводан бомбардимон қилиш орқали тор-мор қилиш, балки кейинроқ ҳам таъқиб этиш учун чоралар кўриш керак.

70. Бу мақсадга ҳаво кучлари ва учиш гуруҳлари билан биргаликда ҳаракат қилиш орқали эришиш мумкин.

71. Ёки учувчилар учувчи гуруҳни ёки йўқ қилиш гуруҳини душманга яқин келишига имкон яратса бўлиши мумкин.

72. Бундай ҳамкорлик қуйидаги тарзда амалга оширилиши мумкин:

Учувчи гуруҳларнинг фаолиятидан хабардор бўлган учувчи белгиланган жамоа ҳаракат қилгандан сўнг самолётни паслатади, бу орқали душманнинг жойлашган жойини аниқлайди ва тегишли сигналлар билан жамоани душман жойлашган жойга йўналтиради.

73. Агар учувчи ҳужум еридаги учувчи гуруҳларнинг келишига қараб ҳаракатини тўғриласа, қуруқликдаги қўшинлар

бир вақтнинг ўзида нишонга етиб бориши ва шу тариқа душманни биргаликда таъқиб қилишлари мумкин бўлади.

74. Ердан бошқариладиган операцияни тайёрлайдиган етакчи ходимлар ҳаво кучлари ҳужуми ҳақида олдиндан кўп қиррали техник тайёргарлик ва режалаштириш амалга оширилиши ва тайинланган вазифаларни жуда аниқ билиши керак.

5. Худудни тозалаш

75. Худудни тозалаш деб аталадиган операцияда бир нечта бўлим бир-бири билан параллель равишда тегишли худудни текширади.

76. Илгари бу жараён билан тегишли худуддаги қароқчиларни тозалаш мақсад қилинган эди. Бироқ, бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатдики, ушбу операция билан худудни тозалаш функциясини бажариб бўлмайди. Ушбу операциянинг одатий манзараси шундан иборатки, отрядлар ўтиб кетгандан сўнг уларнинг орқасида яна қароқчилар тўпланади, улар бўлинмаларнинг олд қисмидан осонгина ўтиб кетадилар. Отрядлар узлуксиз фронтда юра олмайди, чунки бунинг учун ҳеч қачон етарли бўлинмалар бўлмайди. Ҳа, агар бу етарли бўлса ҳам, қароқчилар барибир битта-битта бўлиб ёриб ўтишлари, шундан сўнг улар яна фронт орқасида бир гуруҳ бўлиб тўпланишлари мумкин.

77. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда бу операция, масалан, ишғол бўлинмалари томонидан худудни босиб олишдан олдин ёрдамчи операция сифатида кўриб чиқилиши керак. Бундай ҳолда ишғол отрядлари тўғридан-тўғри худудни кўздан кечирувчи бўлинмаларнинг орқасидан эргашиб, биринчидан, душманнинг катта гуруҳларига дуч келмасдан, тинчгина худуд-

ни эгаллаб олишлари мумкин, иккинчидан, худди шу ишғол отрядлари душман гуруҳининг тўпланишига йўл қўймаслиги керак.

78. Бу операция мустақил чора сифатида фақат тоғли худудларда мос келадими, чунки бу худудларда маълум жойларда аллақачон чекланган миқдордаги ўтиш жойлари мавжуд.

79. Аввал айтиб ўтганимиздек, дашт ва чўлларда кўздан кечириш ҳаракати «фақат ёрдамчи фаолият» сифатида қаралиши керак, аммо раҳбарлар, масалан, орқага қараб босқичма-босқич жанговар таркибда чуқурлаштиришни давом эттириш тактикасини қўлласа, қиёсий муваффақиятга эришиши мумкин.

80. Секин-аста қўлланиладиган жанговар тузилмада душман кучларимиздан қочиш учун ён томонга бурилса, автоматик равишда орқадан келаётган гуруҳларнинг зарбаларига дучор бўлади.

81. Ҳар бир гуруҳ бир-биридан кун давомида юриш масофасида бўлиши керак.

82. Орқадан келаётган гуруҳлар энг олдинги гуруҳлардан қочган душманларга ҳужум қилади.

6. Қамал қилиш

83. Қамал операцияси узоқ вақт давомида босмачиларга қарши урушда энг кенг тарқалган амалиёт бўлган бўлсада, операциялар кўпинча мағлубият билан якунланди. Шу сабабли босмачиларга алоҳида эътибор берилиши керак.

84. Муваффақиятсизликнинг асосий сабаби душманнинг доимий равишда қамалдан ўтиб қочишидир. Ўраб олинган душман жуда тор худудга қамалган бўлса ҳам, қамалда қолган қўшинларни йўқ қилиш вақти келганида ҳам қочишга муваффақ бўлган.

85. Ушбу операцияларнинг мақсади ва натижалари таҳлил қилинганда

қуршаб олиш операциясига фақат аниқ нишон учун душманнинг ҳаракат доирасини чеклашга қаратилган ёрдамчи ҳаракат сифатида қаралиши керак деган хулосага келади.

86. Тўдаларни самарали йўқ қилиш учун юқорида қайд этилган учувчи гуруҳлардан фойдаланиш керак. Кенг ҳудуддаги душман билан курашишдан кўра тор ҳудудда душман билан курашиш, табиийки, осонроқдир.

87. Бир вақтнинг ўзида учувчи гуруҳлар билан тор майдонда чекланган душманни йўқ қилиш жуда осон бўлади.

88. Юқорида айтиб ўтилган камчиликларга қўшимча равишда қамал жараёни уни амалга оширишда жуда кўп сонли ҳарбий кучларни ва ҳар бир босқичда тўлиқ ихтисослашувни талаб қилади. Аскарлари кам бўлган қўшинларнинг бундай амалиётга яқинлашмаслигининг асосий сабаби ҳам шу.

89. Бу операция катта эҳтиёж туғилганда кенг кўламли ва пухта ўйланган, қолаверса, амалга ошириш учун кўп вақт ва куч талаб қиладиган чора сифатида қаралиши керак.

90. Бошқа томондан, кичик қароқчиларни қамал қилиш ва шаҳар ёки қишлоқни қамал қилиш шартлари бошқача. Бу операция жазоловчи органлар томонидан ва уларнинг раҳбарлиги остида амалга оширилади.

III. Ҳудуднинг мустаҳкамланиши ва совет ҳокимиятининг ўрнатилиши

91. Босмачилардан тозаланган ҳудудни мустаҳкамлаш уруш пайтида ҳам фуқаролик, сиёсий ва жиноий жазога тортувчи органларнинг ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

92. Ҳудудни мустаҳкамлаш жараёни аввалига ҳарбий ҳокимият қўлида, сўнгра аста-секин жиноий жазога тортувчи

органлар ва ниҳоят фуқаролик ҳокимияти қўлида ўша минтақанинг ҳукрон ҳокимияти шаклида намоён бўлади.

93. Ушбу операцияда босқичма-босқич ўтишларга эътибор бериш жуда муҳим, шунинг учун агар бу шарт эътиборга олинмаса, аввалги барча операциялар беҳуда кетиши мумкин. Аксинча ҳаракат, масалан, қўйилиши керак бўлган қадамлар кечиктирилса, одамларнинг сабр-тоқатини ошириб, тартибсизликлар натижасида игна бошқа томонга бурилиб, янги қўзғолонлар пайдо бўлиши мумкин.

94. Ушбу вазифанинг аниқлиги уни энг қийин операция сифатида кўришга бизни мажбур қилиши керак. Аввало, ушбу операцияда иштирок этадиган барча ҳокимият органлари тўлиқ рози бўлиши керак.

95. Ушбу босқичда муассасалар ўртасидаги энг кичик зиддият тегишли минтақада тузатиб бўлмайдиган жароҳатларга олиб келиши мумкин.

96. Шу сабабли амалиётга татбиқ этиладиган режани энг майда деталларигача кўриб чиқиш орқали тайёрлаш ва амалга оширишда тўлиқ аниқлик таъминланиши керак.

97. Ҳар бир муассаса операцияни муваффақиятли амалга ошириш учун механизм, ҳамкорлик бўлими ва зарур кўрсатмалар тайёрлаган бўлиши керак.

98. Бундай ташкилотлар тегишли ҳудудларда тажрибали ва малакали кадрлари билан тайёр туришлари керак.

99. Ҳар бир бирлик орасидаги алоқалар юқоридан пастгача бориши керак.

100. Охирги учта банд шуни кўрсатадики, бу жараён ўз вақтида ва ҳеч қандай узилишларсиз амалга оширилиши учун вақт чекловига амал қилмасдан барча тайёргарлик операциялар бошла-нишидан олдин бажарилиши керак.

101. Маълум бўлиши керакки, юқорида зикр этилган тайёргарликлар ҳарбий танқислик давридаёқ ҳарбий ютуқлардан қадамма-қадам фойдаланиб босқичма-босқич амалга оширилади. Шундай қилиб, тайёргарлик дастлабки қадамданоқ ҳарбий иш билан уйғунлашиб кетади.

102. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, босмачилик кучли бўлмаган ҳудудларда ҳарбий босим ва мустаҳкамлаш жараёни ўртасида аниқ вақт чегараси бўлмаслигини, аксинча, икки операция параллель равишда яқунланишини айтишни фойдали деб биламиз.

103. Аксинча, жойларда ҳеч қандай ҳукумат органлари бўлмаган, босмачилик авж олган ҳудудларда бу чегара кескин ажралиб туриши зарур.

104. Кескин ажралиб туриш, аввало, ҳукуматни мустаҳкамлаш бўйича дастлабки иш нормал шароитда амалга оширувчи органлар томонидан бажарилмаслигида акс этади.

105. Табиийки, совет тузумини ўрнатиш бўйича биринчи ходимлар ҳудудга дастлабки бўлиб кирган ҳарбий ҳокимият бўлади. Ҳарбий органлар ҳам жазолаш чоралари, ҳам ҳукумат ишини ташкил этишни амалга оширадilar.

106. Шунинг учун ҳарбий ҳокимиятлар тегишли ходимлар билан мустаҳкамланиши керак.

107. Ҳарбий механизмлар билан ташкил этилган барча ташкилотлар Марказий ҳарбий қўмондонлик ҳокимиятига бўйсунди ва уларнинг фаолиятини ҳам бошқаради.

108. Келажакда ҳарбий фаолият ва вазифаларни фуқаролик фаолиятдан имкон қадар муаммосиз ва тез ажратиш учун ҳарбий муассасалар таркибида тегишли минтақа учун келажакда ҳолис фуқаролик механизмларини ўрнатади-

ган бўлим ташкил этиш жуда зарур. Бу бўлимлар тегишли туманнинг марказий сиёсий ҳокимияти билан биргаликда ташкил этилиши ва ўз номи билан фаолиятини давом эттириши керак.

109. Фуқаролик механизмларини ҳарбий механизмлардан ажратиш биринчи қулай имконият бўлиши билан кечиктирмасдан амалга оширилиши керак.

110. Ҳарбий аралашув туфайли ушбу ўтиш даврининг ўзига хос хусусияти кўпроқ ишғол қилувчи, учувчи гуруҳларнинг фаолияти натижасида шахсий таркибнинг сезиларли даражада қисқариши ва бўлинмаларнинг етишмаслиги бўлади.

111. Кейинги жараёнда учувчи гуруҳлар кўпроқ разведка ва тезкор гуруҳларга ўхшаб кетади ва кейинчалик 5 ёки 6 кишидан иборат тезкор гуруҳга айланади.

112. Бу босқичда маҳаллий милициядан отлиқ аскарларни қўшиб тезкор гуруҳларини тайёрлаш, келгусида тезкор гуруҳлардан босқичма-босқич ўз вазифаларини ўрганиш ва уларнинг ўз зиммасига олишини таъминлаш зарур.

113. Милиционерлар тезкор гуруҳларнинг вазифаларини бажаришга қодир бўлганда қизил армиянинг отлиқ қўшинлари катта аҳоли пунктларига олиб чиқилиши керак.

IV. Босмачиларнинг ташкилий ишларига қарши кураш

114. Умумий курашда босмачиликнинг ташкил этилишига қаршилик кўрсатишни энг самарали ва муҳим вазифа деб билиш керак.

115. Бу кураш усули босмачиларга қарши курашнинг умумий характеристикасидан унчалик фарқ қилмайди. Бу ерда ҳам энг муҳим вазифалар вазифаларни тўғри тақсимлаш ва тўғри йўна-

лишда махсус босим ўтказишдир. Агар, масалан, рақибнинг ташкилий стратегияси авваллари алоҳида ишлаган қароқчилар гуруҳларини бирлаштириш бўлса, бу режани ҳарбий чора-тадбирлар билан, ҳар бир қароқчи гуруҳига алоҳида ҳужум қилиш орқали барбод қилиш керак. Агар рақиб ўз кучларини сафарбар қилиш орқали кучайтирса, бу ҳолда тарғибот, провокация, жазолаш, ҳарбий босим каби кўплаб чоралар кўрилиши мумкин. Душманнинг ҳаракат қилиш имконияти кучайтирилган қўшинлар томонидан тортиб олиниши керак.

116. Шубҳасиз, душман фақат ўз қўл остидаги ҳудудлардаги одамларни ҳаракатга келтира олади. Бунинг учун биринчи навбатда қизил армия аҳоли пунктларига ҳужум қилиб, ўз режаларини амалга оширишга йўл қўймаслиги керак. Бироқ бундай уюшмаларда тарғибот ишларини олиб бориши мумкин бўлган ходимлар билан бирга жиноят ишини юритувчи муассасаларнинг вакиллари ҳам бўлиши керак.

117. Табиийки, бундай ҳужум учун асос, техник-иқтисодий ҳисобот тайёрланиши керак, унда умумий тайёргарлик ва амалдаги вазифаларни тегишли тақсимлаш муҳокама қилинишини ташкил этади.

118. Ушбу қийин курашда ҳарбий маъмурият масъулияти остидаги барча вазифаларни бажариш учун олдиндан разведка бўлинмаларини тузиш тавсия этилади.

119. Разведка бўлинмаларининг вазифаси минтақага чуқур кириб бориш ва у ерда совет ва бошқа органлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирларни давом эттиришга ёрдам беришдир.

120. Ҳаво кучини ошириш разведка бўлинмалари доирасини кенгайтиришнинг энг самарали усули ҳисобланади.

121. Уларни керакли жойга, жумладан, халқ қўзғолони билан душман сафарбарлик эълон қилган ҳудудларга жўнатиш шарт. Уларнинг у ердаги ягона вазифаси миллий қаршилиқни тўхта-тишдир.

122. Айниқса, мана шу бирлик орқали босмачилар томонидан қўзғолон кўтарган оммани бўлиб, парчалаш мумкин.

123. Бу мақсадга эса ҳаво кучи билан ҳам эришиш мумкин.

Босмачилар билан жанг қилиш бўйича барча қўшин қўмондонларига, шу жумладан, гуруҳ командирларига кўрсатмалар

СССР Бош штаб қўмондонининг «Босмачиларга қарши кураш тизими» номли варақасида урушни бошқариш усуллари ва мақсадли чоралари бўйича асосий кўрсатмалар берилган.

1923 йилнинг ёз, куз ва қиш фаслларида ўтказилган операциялар мазкур брошюрада кўрсатилганларнинг барчаси тўғри эканлигини тасдиқлайди, афсуски, фронтнинг ҳамма қўмондонлар таркиби ҳам бу қимматли кўрсатмаларни яхши ўзлаштириб олмаганлар ва амалий ишдаги бир қатор хатолар айрим муваффақиятсизликларга олиб келдики, бу босмачилар тўдаларининг бошлиқларини руҳлантириб, қизил армия қисмларини енгиш имконияти бор деган умид уйғотди; Бош штаб томонидан тайёрланган рисоладаги барча буйруқларни қабул қилиш билан бирга баъзи муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш учун фронтнинг барча етакчи ходимлари учун қуйидаги кўрсатмаларга риоя қилишни сўрайман:

1. Барча даражадаги раҳбарларнинг эътиборини босмачиларнинг кучли томонларига ва уларни бутунлай йўқ қилишни таъминлашга қаратиш.

Босмачиларнинг энг характерли хусусиятлари; уларнинг айёрлиги, топқирлиги, жасурлиги, фавқулодда тезкорлиги ва чидамлилиги; яна улар маҳаллий шароитни жуда яхши биладилар ва халқ билан яхши муносабатда бўладилар, бошқа тўдалар билан муносабатларида халқдан восита сифатида фойдаланадилар.

Босмачиларнинг ушбу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда учувчи ва қирувчи гуруҳлар раҳбарларини катта аниқлик билан танлаш ва жойида кўрсатмалар бериш керак.

Босмачи айёр ва топқир, шунинг учун биз айёрроқ бўлишимиз керак, улар даядил ва жуда тез; биз жасоратли бўлишимиз ва тезроқ ҳаракат қилишимиз, улар кутмаган лаҳзалар ва муҳитларда пайдо бўлиш орқали уларни ажаблантиришимиз керак. Босмачилар минтақани ва унинг шароитларини жуда яхши биладилар, шунинг учун минтақани жуда яхши билишимиз керак; босмачиларнинг асосий таянчи халқнинг уларга нисбатан хайрихоҳлигидир, шунинг учун биз бундан ҳам кўпроқ халқнинг хайрихоҳлигини қозонамиз, чунки тажрибамиз шуни кўрсатдики, нафақат қаршилик кўрсатиш, балки ғалаба қозониш учун ҳам халқнинг қўллаб-қувватлаши зарур.

Қисқаси, қизил армия қўмондонларидан ижодий ва топқир фикрлар ва хатти-ҳаракатлар қилиш сўралади.

2. Чўлларда қўшинларимиз муваффақиятсиз ҳаракат қилаётганларини таъкидлаш керак. Босмачилар тўдалари бунини яхши биладилар ва ўзлари учун барча фойдали ва устун томонлардан яхши фойдаланадилар. Қумда транспортларсиз, сувсизликда уларнинг ортидан қувлаш ҳеч қандай натижа бермайди. Шунинг учун босмачилар қўллайдиган тактикаларни қўллаш

фойдалироқ бўлади. Уларни яқиндан кузатиб, бир қудуқдан иккинчисига, бир соядан иккинчисига ортида қолдирмасдан, ҳар фурсатда жанг қилишга мажбур қиласиз. Бу жараёнда ҳар бир гуруҳнинг жойлашувини очиб берадиган ва алоқани таъминлайдиган самолётлардан фойдаланиш катта фойда келтиради.

3. Бош штаб қўлланмасида 5-моддага алоҳида эътибор қаратиб, сиёсий ишнинг қўшинларда ҳам, халқ орасида ҳам муҳим эканлигини билдирмоқчиман.

4. Босмачиларга қарши курашда иқтисодий ёрдам катта аҳамиятга эга эканлиги аниқ. Халқдан озиқ-овқат олинмаслиги, армияни халқ ҳисобидан боқмаслик, барча кучлар ёрдамида деҳқон халқига имкон қадар ёрдам кўрсатилишини таъминлаш керак.

5. Босмачиликка қарши кураш бўйича кенгаш қўшин ва уни бошқаришга аралашмайди, балки фронт инқилобий ҳарбий кенгашининг умумий директивалари руҳида бир қатор совет ва сиёсий тадбирлар билан уларни сиёсий жиҳатдан асослаб муваффақиятларини кафолатлайди.

6. Разведка органлари ва агентуралар ишини кучайтириш ҳамда босмачилик таянадиган барча ёрдамчи воситаларни йўқ қилиш ёки пароканда қилиш билан ғалабани таъминлаш керак.

7. Босиб олиш пайтида ғоят катта, ўзини ҳеч оқламайдиган, ҳатто қишлоқларга қизил армиячиларни 5 – 7 кишидан жойлаштиришгача тақсимлашларга йўл қўйиляпти, бу эса белгиланган ҳудуддаги операция чоғида қўшиннинг катта бошлиғи қўлидаги тезкор ва қирувчи отрядларга таянч бўлиб хизмат қиладиган босиб олиш ғоясига зиддир ва бу ҳолат ташкил этиш принципларини бузади ва шу билан қўшинлар фаолиятини сусайтиради.

Принцип сифатида гарнизонлар таркибига яхлит роталар киритилади, шундан кейингина истисно сифатида роталарни қўмондонлар томонидан синчиклаб бошқариш шарти билан взводларга ажратишга рухсат берилади.

8. Учувчи ва қирувчи отрядлар иши кўп жиҳатдан тартибга солинмаган. Улар узоқ кечикишлар билан юбориляпти, охиригача қувиб бориб душманларни яксон қилиш имкони бўлмаяпти; душман билан тўқнашув ҳақидаги ҳар бир ахборотда душманнинг турли томонларига тарқаб кетганлиги кўрсатилмоқда.

Ушбу тактикага мослашган ҳолда учувчи отрядлар кичик гуруҳларда ҳам кузатиб боришлари ва гуруҳларни йўқ қилиш чораларини ишлаб чиқишлари керак. Бунинг учун ҳар бир гуруҳга автоматлар берилиши керак.

Учувчи отрядлар ўз жойларини, одатда, узоқ вақтда ўзгартиряптилар ва бундан душманлар ўз ҳаракатларида фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Учувчи ва қирувчи отрядлар кучи ҳамма вақт ҳам уларга юклатилган вазифаларни бажаришга етарли бўлмаяпти, бунинг оқибатида улар қувиб кетаётган тўдалар томонидан кутилмаган аҳволга солиб қўйилмоқда. Буни учувчи отрядлар ва қирувчи отрядлар сон жиҳатидан албатта душманлардан кўп бўлиши лозим экан деб тушуниш керак эмас, лекин босмачилар тўдаларини менсимай, уларни белгиланганидан камайтирмаслик зарур.

9. Қирувчи отрядларнинг фаолияти ҳеч нарса билан учувчи отрядлардан фарқ қилмаяпти, бошлиқлар уларнинг вазифалари ҳақида ўйлаб кўришмаяпти; қирувчи отрядларни бир пунктдан иккинчи пунктга бир хилда жўнатиш ёки бир хил йўлларга чиқиш ҳоллари содир бўляпти.

Кутилмаганда ҳужум, пистирма қўйиш ва қаршилиқ кўрсатишнинг бошқа турлари истисно сифатида қўлланиляпти, зеро, булар ишнинг асосини ташкил этади.

Пинҳонийлик ва йўлни чалкаштириш ҳам қўлланилмаётганлиги туфайли кўпинча душманлар отрядлари бизнинг ҳаракатимиздан огоҳ бўляптилар ва унга чап бермоқдалар.

10. Ҳаво кучларидан фойдаланишда якка самолётлардан эмас, бутун бир отряд самолётларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, биринчи услуб бутун кун давомида разведканинг тинимсиз давом этишини таъминлабгина қолмай, балки душманни руҳан толиқтиради.

Ҳаво кучларини отлик отрядлар билан амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур ва шуни эсдан чиқармаслик лозимки, у фақат самолётлар ва ердаги қўшинлар ўртасида ишончли алоқа (радио орқали бўлгани маъқул) бўлгандагина кўзланган натижани беради.

Ҳаво кучлари ҳаракатида бир хиллик бўлиши керак эмас. Турли воситалардан турлича фойдаланиб босмачи тўдаларга бизнинг усулларга кўникма ҳосил қилиш имкониятини бермаслик керак.

Ҳаво кучларининг вазифалари:

а) Қароқчиларни қидириб топиш;

б) Уларнинг қаердалиги ҳақида яқин атроподаги тезкор отрядларни хабардор қилиш;

в) Бомбалар ташлаш, пулемётлардан ўққа тутиш ва ёй отишдан иборат жанговар фаолият: бунда самолётлар иложи борица пастлаб қароқчиларни ўзини ўнглаб олишига йўл қўймаслиги зарур.

11. Очиқ жойларда, чўлларда тактик қамалдан фойдаланиш мумкин; душманга етиб олгач, отряд иккига бўлинади ва унга бирдан икки томонлама

хужум қилади, бунда отлиқ қисмлар асосан ёппасига ҳаракат қиладилар.

12. Босмачиликка қарши кураш йўриқномасида тизимлаштирилган барча воситаларига бош қўмондон қўйидагилардан келиб чиқиб раҳбарлик қилади:

А) Тоғли жойларда қўйидагилар, айниса фойдали:

пистирма қўйиш; ҳаракат чоғида мудофаани аввалдан ўйлаб синчиклаб бажариш учун шундай қилиш керакки, учувчи ва қирувчи отрядлар ҳаракат қилаётган йўлдаги бирор йўлак назоратдан четда қолмасин, кўпинча пиёдалар асосий магистрал йўл ва йўлаклардан четда юрадилар.

Б) Ясси ерлардаги зич тураржойларда аниқланган тўсиқлар юзага келиши мумкин бўлган тўдаларни дарҳол йўқ қилиш учун йўқ қилиниши керак.

Ҳаракат базаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган гарнизонлар турли жойларда етарли миқдорда ташкил этилиши ва уларнинг чиқиш жойлари ўрнатилган бўлинмаларнинг ҳаракатчанлигига мос келишига эътибор бериш керак.

С) Аҳоли яшамайдиган текис (қумлик) жойларда ҳаракат қилиш:

Топилган қароқчиларни параллель ва изма-из қудуқдан қудуққача кузатиб бориш керак (қароқчиларга ўхшаб кўчиб юриш). Бу усул фақат қўшинлар қароқчилар каби кўчиб юриш учун озгина бўлса-да қулайликлар берувчи воситаларга (чолир, чинакам отлиқ таркиб, туялардан иборат транспорт, емиш ва ҳоказо) отрядлар базасиз анчагача яшай олиш имкониятига эга бўлганларидагина натижа беради. Мазкур усул қудуқлар жойлашишини яхши билган ишончли йўлбошчилар бўлгандагина қўлланилади. Ердаги қўшинлар билан биргаликда ишлаш мақсадида ҳаво кучларидан кенг фойдаланиш.


Д) Ҳар қандай ҳолатда ҳам ишни дадил ва қатъийлик билан ниҳоясига етказиш, жанговар хавфсизликка ҳар томонлама риоя қилган ҳолда душманнинг ортидан қатъийлик билан кузатиб тор-мор қилиш сўзсиз бажарилиши керак.

13. Бош қўмондон йўриқномасининг 92-, 93- ва 109-моддаларига жиддий эътибор бериш керак. Қўшинларнинг асосий вазифаси босмачиликни имкон қадар тезроқ йўқ қилиш, бошқарувни ва совет ишларини фуқаролик органларига топширишдир. Қизил армия бўлинмалари ҳар доим қўллаб-қувватловчи бўлинмалар сифатида стратегик ва тураржой ҳудудларида тартибни тиклашга ёрдам беради. Шу муносабат билан амалга оширилиши керак бўлган шошилинч ишлар қўйидагилар:

а) Аҳолида совет ҳукумати, унинг ўз олдига қўйган вазифалари, уларни амалга ошириши тўғрисида нотўғри фикр, яъни совет ҳукумати ва қизил армия бизнинг – деҳқонларнинг ҳукумати эмас деган тушунча пайдо бўлмаслиги керак;

б) Шунинг учун ҳарбий босим юмшанидан сўнг жойларга тарқалган қисмлар фаолияти тугатилади, қолаверса, ҳар томонга жойлашган қисмлар ўз хўжалик базасидан узоқда бўладилар ва озгина бўлса-да аҳоли ҳисобига яшашга ҳаракат қиладилар, бу эса яна норозиликларга сабаб бўлиши, босмачиликнинг янги ўчоқларини келтириб чиқариши мумкин.

14. Босмачиларнинг ривожланиши ва омон қолишига йўл қўймайдиган муҳитни яратишга қаратилган ва тинч муҳитни шакллантириш учун эркинликларни босқичма-босқич таъминлаш тамойилига асосланган кўрсатмаларни жиддий равишда амалга оширишга



Туркистон фронт қўмондони
С.А.Пугачёв

ҳарбий ва сиёсий раҳбарлар алоҳида масъулият билан ёндашишлари керак. Шунингдек тутиш керакки, босмачи халқ учун оғир муаммо бўлиб, кўпчилик фаол босмачилар таслим бўлишса, оладиган жазосидан қўрқиб бу хунук фаолиятни тарк эта олмайди.

Туркистон фронт қўмондони:
Пугачёв.

Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси:
Берзин.

Штаб бошлиғи: Шуваев.

Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгашининг 1923 йил 2 декабрдаги Фарғона ва Самарқанд вилоятларида босмачиларга қарши кураш йўриқномаси

1923 йил ёзида ташкил этилган Фарғона вилоятидаги ҳаракатлар босмачиликнинг энг кучли тўдалари яқсон қилиниши, тинч ҳаётнинг тикланиши ва Марғилон уездидан ташқари барча ҳудудларда тўла тартиб ўрнатилиши билан яқунланганлиги учун босмачиликка қарши фақат бешафқат чоралар билан курашдан ташқари, шунингдек, бошқа усулларни қўллашга ўтиш имконини беради.

Босмачиликни йўқ қилиш жиддий ҳарбий босим Фарғона хўжалигини тиклаш бўйича бир қатор тадбирлар билан биргаликда олиб борилганлиги натижа-сида аҳолининг совет ҳукумати томони-га ён босишига олиб келганлиги ва тинч ҳаётга қайтиб меҳнат қилиш имконият-ларига ишонч уйғотгани, босмачиликка

қарши фаол норозилик пайдо қилган-лигини эътиборга олиб Фарғонадаги сиёсий вазият ҳудудда босмачиликнинг кучайиши мумкин эмас, уларнинг қол-диқлари эса шу қишнинг охирларигача батамом йўқ қилиниши шубҳасиздир деб баҳоланади.

Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси қарорига мувофиқ 1 ва 2 декабрь кунлари 1923 йил мобайнида кўнгилли бўлиб таслим бўлган, қуролларини топ-ширган, тинч меҳнатга қайтган, бироқ шу йили 2 ноябрь куни асосиз равишда ҳибсга олинган кўрбошилар озод этилди.

Озод этилган барча кўрбошиларга Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси муҳри, қўмита раиси ва СССР Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ўртоқ И.Хидира-лиев имзоси билан уларга Совет Респуб-ликаси фуқаролиги ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар берилди.

Ҳибсда фақат судланиши керак бўл-ган Қозоқбой раҳбарлигидаги қўлга олинган кўрбошилар ва судланиши ке-



Иномжон Хидиралиев Лондонда.
1924 йил апрель – август

рак бўлган, таслим бўлган босмачилар бошлиқларидан Ислонқул, Аҳмат полвон, Баёстон, Юнус Султон ва Полач Соқилар қолди.

Фарғона водийсида босмачиликка қарши бундан кейинги кураш ва қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш бўйича бундан кейинги тадбирлар қўйидаги далилларга асосланади:

а) Эрмат Махсум, Турдибой, Юсупжон Махсум, Қорабой ва Умарали бошқараётган босмачилар қолдиқларига қарши ҳарбий босимни сусайтирмаслик, аксинча, ҳар томонлама кучайтириш;

б) Яшириниб юрган Йўлчи, Мулла Собир, Эшмат бойбача, Мирза Умар, Уста Жўра, Бўтабек, Бўрибой каби босмачилар яна босмачилик билан шуғулланишга уринсалар, тутиш, агар кўнгилли бўлиб таслим бўлсалар, махсус бўлим органлари орқали озод этиш, қўлларига Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси озодлик гувоҳномасини бериш;

в) Қизил армия ва милиция кучлари томонидан ҳаракатдаги босмачилар билан ҳеч қандай музокаралар олиб берилмасин;

г) Махсус бўлим органлари ҳарбий босимга таяниб айрим босмачиларни таслим бўлишга мажбурлаб босмачилик тўдаларининг емирилиши бўйича ишларни кучайтиришлари керак, шу билан бирга, қуролларни кўнгилли бўлиб топширган кўрбошиларини ҳам истисно қилмай Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси озодлик гувоҳномаларини бериб, тезда озод этиш керак;

е) Қўмондонлик жойларда тегишли ижроия қўмиталари орқали озод этилган босмачиларнинг хўжаликлари ўтроқ ҳолда яшаши ва босмачиликка яна қайтиши учун имкониятни йўққа чиқарувчи шароит мавжуд бўлишига эришишлари лозим;

ё) Қизил армия аҳоли билан ўзаро биродарлик алоқаларини бетўхтов мустаҳкамлаб бориши керак. Фақат мана шундай ажралмас алоқагина Фарғонани ҳар қандай тартиббузарликдан сақлайди ва босмачиликка барҳам беради. Қизил армия ва қизил милиция 1923 йилда Фарғона меҳнаткашлари олдидаги ўз вазифаларини шараф билан адо этди.

Юқорида айтиб ўтилган бурч ва масъулиятимизни шараф билан адо этиб, пахта ватани – Фарғонада меҳнат кучини тинч-тотув йўлга қўйиш орқали бутун Совет Иттифоқи ривожига ҳисса қўшамиз.

Ушбу кўрсатмаларга мувофиқ берилган барча топшириқлар дарҳол Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгашига ягона ҲР 200/С номи билан хабар қилиниши керак.

Иловалар: Мусодара этиш ва ёрдамчилар бўйича умумий қоидалар.

**Туркистон fronti қўмондони
вазифасини бажарувчи: Тодорский.
Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси:
Хидиралиев.**

**Босмачиларнинг мулкларини
шартли ва сўзсиз мусодара қилишни
амалга ошириш тартиби бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Босмачилар мулкларини мусодара қилиш фақат истисно ҳолларда қўйидаги қоидалар асосида амалга оширилишига йўл қўйилади:



Александр Иванович
Тодорский

1. Босмачилар мулклари фақат суд қарори билан мусодара қилиниши мумкин! Ушбу чора (Жиноят процессуал кодексининг 28-моддасини қўллаш орқали) босмачиликни бутунлай йўқ қилишга ёрдам берадиган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

2. Шартли мусодара қилиш босмачиликка қарши кураш бўйича кенгашнинг шу ҳақдаги вақтинча махсус қарорини босмачиликка қарши курашувчи органларга тақдим этиш билан бажаради.

3 Шартли мусодара қилиш босмачилик билан шуғулланаётган шахснинг тинч меҳнатга қайтишига олиб келувчи восита ҳисоблангандагина қўлланилади.

4. Шартли мусодара босмачиларнинг қариндошлари ва уларга ёрдам бераётган шахсларга нисбатан мутлақо қўлланилмайди.

5. Кимки босмачилар тўдасидан кетиб, кўнгилли бўлиб қуролини топширса, унга нисбатан тўла амнистия эълон қилинади, мулкнинг шартли мусодара этилиши ўша заҳотиёқ бекор қилинади.

6. Мулкни мусодара этиш шартлари ҳақидаги қарор чиқишини қуйидаги таркибдаги махсус комиссия ҳисобга олади: маҳаллий фуқаролик ҳокимияти вакиллари, иккита маҳаллий гувоҳ ва ҳарбий ҳокимият вакили бўлган назоратчини ўз ичига олган комиссия.

7. Ҳисобга олинган мулк ҳақида уч нусхада баённома ёзилиб, биттаси ўша мулкдан далилий фойдаланган ёки уни сақлаган шахсга, иккинчиси маҳаллий ҳокимият вакилига, маҳаллий ижрокомга тақдим этиш учун берилади, учинчиси нусхаси эса ГПУ органи вакилида қолади.

Шартли равишда мусодара қилиш тўғрисидаги барча қарорлар ва уларнинг натижалари ижро тафсилотлари билан бирга босмачиликка қарши комиссияга хабар қилиниши керак.

Ҳамкорлик бўйича кўрсатма

«Ҳамкор» деб номланганларга нисбатан асоссиз равишда жазо чоралари қўллашни тўхтатиш мақсадида қуйидагиларга умумий қоида сифатида рияз этилсин:

1. Босмачиликка қарши гаровга олишлар тақиқлансин; фавқулодда ҳолларда фақат фронт инқилобий ҳарбий кенгаши рухсатномаси билангина гаровга олинсин.

2. Фаол ҳамкорлар деб фақат қуйидагилар: босмачиларни қурол ва ўқ-дорилар билан бевосита таъминловчилар ёки воситачилар ёрдамида сотиб олувчилар, босмачилар тўдаларини кўнгилли равишда ем-хашак, озиқ-овқат билан таъминловчилар, босмачилар фойдасига айғоқчилик қилувчилар, босмачилар томонидан мажбур этилмаган ҳолда ўз хоҳиши билан аҳолига солиқ тақсимлаб, босмачилар фойдаси учун йиғадиганлар, якка босмачиларни ёки бутун босмачилар тўдасини кўнгилли равишда яширганлар, ўз ўғли ва қариндошлар, оиласи учун яқин кишиларни яшириши бундан истисно, совет ҳукумати ва қизил армия қисмларига билиб туриб босмачилар ҳақида нотўғри маълумот берувчилар, билиб туриб техник алоқани (телефон ва телеграф йўлларини) бузган кишилар юритилади.

Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгашининг 1923 йил 18 декабрдаги Бухорода босмачиликка қарши кураш бўйича ЙЎРИҚНОМАСИ

Бухорода босмачиликнинг ғоявий жиҳатдан бир занжир билан боғланган ягона қўмондонлик остида ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган, энг ривожланган даври ортда қолди.

Босмачиликнинг айрим раҳбарларининг курашга яққол кўринадиган сиёсий тус беришга бўлган ҳаракатларига Бухоро аҳолиси ўртасида хайрихоҳлиги ғоят камайиб боряпти.

Бир қатор сабаблар, аввало, янги иқтисодий сиёсат ва миллий масалаларнинг тўғри ечилаётганлиги қароқчилик қилаётган босмачилар билан иқтисодий қийинчилардан тинкаси қуриган Бухоро аҳолисининг кенг оммаси ўртасидаги зиддиятни кучайтирмакда.

Тинч меҳнат ҳаётини таъминловчи совет ҳукумати томонига ўтиш кайфиятининг кучайиши билан бир вақтда оддий йигитлар ва майда кўрбошиларнинг ҳам босмачиликдан воз кечиш ва тинч меҳнатга қайтиш кайфиятлари пайдо бўлиши мумкин ҳол.

Шундай шарт-шароитлар шу йил ёзда Фарғонада босмачиликнинг батамом тугатилишига олиб келди.

Босмачиликка қарши курашда фавқуллодда қақшатқич чоралар билан бирга унча қаттиқ бўлмаган сиёсатни уйғунлаштириб бориш зарур ва баъзи ҳолларда Бухорода босмачиликнинг тугатилишидан манфаатдор бўлган барча ходимлар учун мақсадга мувофиқ деб тан олинган.

Шунга кўра Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши (Реввоенсовет) Бухорода олиб борилаётган ишларда қуйидагилардан раҳбарлик сифатида қўлланилишини буюради:

1) Босмачилик тўдаларига қарши курашнинг энг тўғри ва уларни яксон қилишнинг ҳал қилувчи воситаси деб биринчи навбатда ҳаракатдаги сусаймайдиган ҳарбий сиқув деб билинсин;

2) Шу билан бир вақтда, оддий йигитлар ва иккиланаётган кўрбошиларнинг таслим бўлишини мақсад қилиб, босмачилик тўдаларини нуратувчи агентура фаолиятини кучайтириш учун бутун чораларни кўриш зарур;

3) Тинч меҳнатга қайтиш ва қуроллари топширишни мақсад қилган босмачиларнинг кўрқмасдан қуроллари топширишлари учун имкон яратиш, уларга гуноҳларидан батамом кечишни ва ҳақиқий озодликни кафолатлаш, бу кафолатга қурол топшириш чоғида амал қилиш зарур, бироқ Мулла Абдуқаҳҳор, Иброҳимбек каби йирик кўрбошиларга нисбатан бундай кафолат ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳарбий-сиёсий вазиятни ва аҳоли кайфиятини ҳисобга олиб, Бухоронинг барча туманларида ҳам бу бир хилда бўлмайди ва албатта Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши (РВС)нинг рухсатномаси билан амалга оширилсин;

4) Асирга олинган босмачилар суд трибуналига берилсин;

5) Жазолаш сиёсати, гаровга олиш, кўмакчилар, мусодара бўйича тегишли йўриқномалардан келиб чиқилсин;

6) Кўмондонлик корпусининг юқоридаги кўрсатмалари асосида Бухородаги совет ҳукуматининг юқори органлари билан келишилган ҳолда босмачиликка қарши курашнинг кейинги тактик тадбирларни 1924 йилда уни албатта батамом йўқ қилиш мақсадида ишлаб чиқиш лозим.

№ 01698/С

Туркистон fronti бош кўмондони вазифасини бажарувчи: Тодорский.

Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси:

Хидиралиев.

Штаб командири: Шуваев.

Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгашининг 1923 йил 18 декабрдаги таслим бўлган босмачиларни хўжаликларга жойлаштириш бўйича КЎРСАТМАЛАРИ

Босмачилик туфайли қашшоқлашган, ерсиз ва ҳайвонсиз қолган тинчликсевар деҳқонларнинг аҳволини яхшилагандан сўнг, ҳар доим бўлмаса-да, таслим бўлган муҳтож босмачиларнинг иқтисодий иштироқи муаммосини ҳал қилиш сиёсий жиҳатдан фойдалироқдир.

Туркистон фронти бош қўмондони вазифасини бажарувчи: Тодорский. Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси: Берзин. Штаб бошлиғи: Шуваев.

Туркистон фронти инқилобий ҳарбий кенгашининг 1924 йил 16 февралдаги қуролсиз таслим бўлаётган босмачиларга доир КЎРСАТМАЛАРИ

Кейинги пайтларда босмачиларнинг қуролсиз таслим бўлиш ҳоллари тез-тез содир бўляти, улар томонидан қуролларни яшириб, вазият ўзгариши билан босмачилар сафига қўшилиш ҳаракатлари амалга оширилиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки босмачиларда қўрбошининг нечта одами борлиги билан эмас, нечта қуроли борлиги билан ўлчанади, шу боисдан қуролларни олиш кучайтирилсин, бунинг учун эса:

1. Қуролсиз таслим бўлган босмачиларга қўлида қурол билан таслим бўлган босмачилар олаётган имтиёзлар берилмасин, чунки кўрсатилган имтиёзларнинг берилиши қуролсиз

таслим бўлиш ҳолларининг кўпайиши, оммавий равишда қурол яширишларга олиб келади.

2. Босмачиликка мажбуран тортилган шахслар камбағалликлари туфайли қўлида қуроли бўлмаганлигини кўзда тутиб улар қуролсиз таслим бўлишганда тазйиқ чоралари кўрилмасин, бироқ улар тўла оқланган деб ҳисобланмасин, тергов йўли билан қуролсиз таслим бўлишининг сабаблари аниқланмагунча уларга бу ҳақдаги доимий, белгиланган гувоҳнома берилмасин.

3. Қуролсиз таслим бўлган босмачилар ҳақида алоҳида иш очиб, агентлар ёрдамида уларнинг қуролсиз таслим бўлишининг сабаблари ва нима учун қуроли йўқлигини текшириш керак.

4. Таслим бўлиш чоғида қуролини хайрли ниятларда яширганлик далили аниқланса, бундайларнинг иши ҳарбий трибуналга оширилсин.

Мазкур кўрсатма таслим бўлиш ҳақидаги асосий сиёсатни ҳеч ўзгартирмайди, шунинг учун ҳам қуролсиз таслим бўлганлар қувғинга олинмаслиги зарур, уларга фақат белгиланган доимий гувоҳномалар ўрнига қуролсиз таслим бўлганлиги кўрсатилган вақтинчалик гувоҳнома берилади. Уларда босмачилар тўдасида бўлган даврида ҳам қуроллар бўлмаганлиги ҳақидаги далиллар аниқланган ҳолда вақтинчалик гувоҳномалар доимийсига алмаштирилсин.

№0621 / С

Туркистон фронти қўмондони: Пугачёв.

Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси: Берзин.

«Тасдиқланди»: Инқилобий ҳарбий кенгаш: Пугачёв, Берзин, Шапошников.

Босмачиликка қарши кураш бўйича маслаҳатлар тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Босмачилик сабабларининг турлича эканлиги (сиёсий-иқтисодий ва миллий) маҳаллий аҳолининг умумий кайфияти ва босмачиларга муносабати: адоватли, иккиланиш ёки бошқа кўринишдаги хайрихоҳликни кўрсатади.

2) Курашнинг асосий воситалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Очиқ қуролли босимлар;

б) Совет ҳокимиятининг ташкилий ишлари;

в) Иқтисодий тадбирлар;

г) Аҳоли ўртасидаги сиёсий ишлар;

д) Жазолаш органларининг иши.

3) Босмачиликка қарши курашнинг муваффақиятли бўлиши учун бу ишга тортилган барча органлар; ҳарбий қўмондонлик, фуқаролик ҳукумати, сиёсий ташкилотлар, ГПУ ва милиция аппарати иши тўла мувофиқлашган бўлиши зарур.

4) Босмачиликка қарши курашаётган барча органлар ишининг мувофиқлашуви фақат курашда иштирок этаётган ҳар бир органнинг вазифаси аниқ белгиланганидан хабардор бўлгандагина мумкин.

5) Баён этилганларни юзага чиқариш учун ТССР маркази, Хоразм ХСР маркази (Хива шаҳри) ва Бухоро ХСРнинг йирик марказларида «босмачиликка қарши кураш бўйича доимий кенгашлар» тузиляпти.

Изоҳ: босмачилик йўқ бўлган ёки эпизодик кўринишга эга бўлган вилоятларда «доимий кенгашлар»ни тузишга эҳтиёж йўқ.

б) Мазкур масалаларни бутун Туркистон fronti миқёсида кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун Тошкентда «босмачи-

ликка қарши кураш бўйича фронт кенгаши» фаолият кўрсатмоқда.

II. Кенгашлар вазифалари

7) Доимий кенгашлар вазифалари:

а) босмачиликка қарши кураш олиб бораётган ҳар бир органни (3-пунктга қаралсин) ахборотлар алмашуви йўли билан шу кураш олиб бораётган бошқа органлар иши билан тўла таништириб бориш;

б) босмачиликка қарши кураш олиб бораётган органлар фаолиятини тўла мувофиқлаштиришга эришиш;

в) ҳар бир органнинг бир-бирига ўзаро ёрдамни таъминлаш;

г) босмачиликка қарши кураш бўйича фронт инқилобий ҳарбий кенгаши директиваларининг 200/с, 01698/с, 01699/с сонли ва уларнинг асосида нашр этилган мусодара этиш, гаровга олиш ва кўмакчилар ҳақидаги йўриқномаларини ҳаётга татбиқ этиш.

8) а) «Фронт кенгашларининг вазифалари: 7-пунктнинг а, б ва в бандларида берилган вазифаларни фронт миқёсида амалга ошириш;

б) «Доимий комиссиялар» фаолиятига ҳарбий ва фуқаролик органларининг босмачиликка қарши кураш бўйича фаолиятини директивалар бериш йўли билан, доимий кенгашларга кирувчи гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларни ечиш йўли билан умумий раҳбарлик қилиш.

9) Босмачиликка қарши кураш кенгашлари кўшинлар ва қўмондонлик қилаётганлар оператив ишларига аралашмайдилар: улар фақат ўтказиладиган операцияларни фронт инқилобий ҳарбий кенгаши умумий директивалари руҳида бир қатор совет ва сиёсий тадбирлар билан сиёсий жиҳатдан таъминловчи ва муваффақиятини кафолатловчи бўлакларини ишлаб чиқадилар.

III. Кенгашлар таркиби ва иш тартиби

10) Вилоятларда доимий кенгашлар қуйидаги шахслардан ташкил топади:

Кенгаш раиси – вилоят ижроия қўмитасининг раиси;

аъзолар: вилоят қўшинларининг қўмондони, вилоят қўшинлари комиссари, вилоят ҳарбий комиссари, вилоят партия қўмитасининг масъул котиби, ҳарбий трибунал раиси, ҳарбий прокурор, махсус бўлим бошлиғи, милиция бошлиғи.

11) Хоразмдаги доимий кенгашнинг таркиби:

раис – Халқ Нозирлари Кенгашининг раиси;

аъзолар: Хоразм гуруҳи қўмондони, инқилобий ҳарбий кенгаш аъзолари, Хоразм Коммунистик партияси марказий кенгаши масъул котиби, СССР фавқулодда вакили ва ГПУ Махсус бўлими бошлиғи.

12) БХСР доимий кенгашининг таркиби:

раис – Халқ Нозирлари Кенгашининг раиси, аъзолари: 13-корпус қўмондони ва корпус инқилобий ҳарбий кенгаши аъзолари, Бухоро Коммунистик партияси марказий кенгаши масъул котиби, совет ҳукуматининг вакили, БХСР миллий полиция бошлиғи, Бухородаги қизил армия қўмондони вазифасини бажарувчи, махсус гуруҳ бошлиғи, ҳарбий прокурор, 13-корпус ҳарбий суди раиси.

13) Босмачиликка қарши доимий кенгашларнинг қачон бўлиши ва шу кенгашлар таркибини тузиш БХСР доимий кенгаши томонидан белгиланади, лекин уларнинг таркибига албатта тегишли минтақадаги энг юқори мартабали ҳарбий раҳбар кенгаш раиси бўлади, олий ҳарбий комиссар, ўша вилоятдаги партия етакчиси ва советлаштириш иш-

лари бўлими бошлиғи ва жиноий иш бўйича ваколатли вакиллар киритилади.

14) «Фронт Кенгаши» таркиби: Раис – Россия Компартияси МКнинг Ўрта Осиё бюроси раиси, унинг ўринбосарлари – Туркистон МИК раислари, аъзолар: ТАССР ХКС раислари, фронт қўмондони, фронт инқилобий ҳарбий кенгаши аъзолари, Туркистон Компартияси масъул котиблари, ТАССР ички ишлар халқ комиссари, Бухоро ва Хоразм МИК вакиллари ва ГПУ фавқулодда вакили.

15) Кенгашларнинг котиблиги вазифасини бажарувчилар: вилоятларда – вилоят ҳарбий комиссариати котиби, фронт кенгашида – инқилобий ҳарбий кенгаш котиби, Бухоро ва Хоразмда – инқилобий ҳарбий кенгаш 13-ўқчи корпуси Хоразм гуруҳи котиби, Бухоронинг бошқа кенгашларида – вазиятга қараб БХСР доимий кенгаши.

16) Бу доимий кенгашлар кенгаш раисининг ташаббуси билан зарур пайтларда чақирилади.

17) Кенгашлар иши жараёнида штабларда сақланувчи маълумотлар зарур бўлиши, штаб телеграфидан фойдаланиб тез-тез маълумотлар олиш ёки фавқулодда топшириқлар бериши эҳтимоли борлигини ҳисобга олиб кенгашларни тегишли ҳарбий штабларда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

18) Кенгашлар иши қуйидагилардан иборат:

а) Кенгашнинг ҳар бир аъзоси ўз иш соҳаси бўйича ахборотлар бериши;

б) Кенгашнинг ҳар бир орган амалга оширган ишларини баҳолаш;

в) Кенгашнинг босмачиликка қарши кураш олиб борувчи органларига кўрсатмалари ва қарорларни етказиш;

г) қарорнинг ҳаётга татбиқ этилади-ган 2-бўлим 7 та пунктида акс этган директиваларини амалга ошириш.

19) Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг барчаси босмачиликка қарши кураш олиб бораётган тегишли органлар орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Хужжатларнинг ҳақиқийлиги тасдиқлайди, фронтнинг тезкор бўлим бошлиғи: Сонин.

Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши томонидан тасдиқланган босмачиликка қарши курашда амал қилиниши лозим бўлган ҳолатлар

1. Мана, бир неча йиллар давомида босмачилар гуруҳларига қарши асабларни таранглаштирувчи кураш кетмоқда. Бу кураш учун катта куч ва маблағлар сарф қилинмоқда. Босмачилик Туркистонга ҳисобсиз вайронгарчиликлар келтирди.

2. Қизил армия ва қизил милициянинг бу қаҳрамонона кураши сиёсий-иқтисодий тадбирлар билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилиб, ниҳоят кўзланган натижани берди. Турли ҳарбий-сиёсий чоралар йўли билан Туркистонда босмачилик яксон қилинди ва у ўзининг узил-кесил ўлими арафасидадир.

3. Бу муваффақият совет ҳукумати-нинг халқ хўжалигини тиклаш бўйича тўғри ва ўз вақтида ўтказган тадбирлари туфайли, бойлар, муллалар, умуман, антисовет унсурларнинг барча тўсқинликларига қарамай, совет ҳукумати ғояларининг қишлоқ ва овулларга кириб бориши натижасида юзага келди.

4. Меҳнаткаш деҳқон халқ хўжалигини фақат совет ҳукумати-гина тиклай олишига қодир эканлигини тушунди. Қонли ва вайроналар келтирувчи курашдан ҳориган деҳқон тинчликка, тинч меҳнатга ва хотиржам хўжалик

юритишга чанқоқ. Бунга фақат босмачилик тўсиқ бўлаётган эди. Буни тушуниб етган деҳқонларнинг кенг оммаси уни босмачилардан халос этган ва қўллаб-қувватлаган қизил армияга ўз хайрихоҳлигини билдирди, шу билан бирга, маҳаллий аҳолининг ўзи кўнгилли равишда милиция тимсолида босмачиларга қарши фаол кураш олиб борди.

5. Қизил армия ва аҳоли ўртасида юзага келган бу биродарларча муносабат ҳар томонлама мустақамланиши керак, фақат мана шу бузилмас иттифоқ Туркистонда совет қонунларини ҳар қандай бузилишдан сақлайди, босмачиликнинг пайдо бўлишини истисно қилади.

6. Туркистон миқёсида босмачиликка қарши курашни муваффақиятли ниҳоясига етказгунча қизил армия томонидан ҳам, қишлоқ меҳнаткаш аҳолиси томонидан ҳам катта ҳаракатлар ва қурбонлар бўлганлиги, совет ҳукумати-ни қишлоқларда батамом тинчлик ҳукм суриши, деҳқонларнинг катта қурбонларсиз ва қийинчиликларсиз хотиржам меҳнат қилишга ўтишлари учун турли чоралар қўллашга ундарди.

7. Қизил армия томонидан яксон қилинган, аҳолининг мададидан ва яшаш учун асослардан маҳрум бўлган оддий босмачи йигитлар ва энг йирик қўрбошиларнинг катта қисми ишчи ва деҳқон ҳукумати бўлган совет ҳукумати қарши-сида кучсиз эканликларини тушундилар. Шу боис ёз ва куз ойларида қуролларни топширишга ва совет ҳукуматидан афв сўрашга қарор қилдилар. Совет ҳукумати босмачиликдаги бу кураш ўлкаларга батамом тинчлик олиб келишида қанчалик катта аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда кўнгилли бўлиб таслим бўлган ва қуролларини топширган, аксарияти ўзининг онгсизлиги ёки (охирги пайтларда) аёвсиз жазоланишидан

қўрққанидан совет ҳукумати ва аҳолига қарши ҳаракат қилган босмачиларнинг меҳнаткашлар сафига ўтишига йўл беришга қарор қилди. Шу муносабат билан Туркистондаги совет ҳукумати кейинги вақтларда кўнгилли бўлиб таслим бўлган ва қуролларини топширган фарғоналик босмачиларни афв этди. Улар ўз ерларига бориб тинч меҳнат билан машғул бўлганларидан сўнг хавфли бўлмай қолдилар. Совет ҳукуматига кўр-кўрона қасос бегонадир. Таслим бўлган ва пушаймон бўлганлардан бешафқат қасос олиши қолганларни ғазаблантириб, қонли курашларга олиб келарди.

Шунинг учун ўз қуролини топшираётган ҳар бир босмачи ва қўрбоши, агар ўз самимий пушаймонлари билан ишончга лойиқ бўлса, афв этилиши мумкин. Шу билан босмачилар қолдиқлари кучсизланади ва сафи озаяди, қизил армия ва унинг ёрдамчилари бу билан катта куч ва маблағларини сақлаб қолади.

Бир бора афв этилган босмачи ўз ҳаётини қадрлаши зарур. Унга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай кўриниши, ўзбилармонларча жазо ва бошқаларга йўл қўйилмайди.

8. Бироқ босмачилар қолдиқларининг энг ўзгармас ва қайсар қисми ўзларининг қора ишларини давом эттиряптилар. Уларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур. Асир олинганлар инқилобий адолат судига топширилиши керак. Ҳамманинг нафратига учраган, ҳар қандай мададан махрум бўлган, ўлаётган босмачилик Туркистон ерларини талашни бас қилиши учун фақат ҳал қилувчи ва охирги сиқув керак. Бу ҳал қилувчи сиқув бутун Туркистонда тинчлик ҳолатига ва тинч меҳнатга ўтилиши ҳамда шонли Туркистон қизил армияси қисмларига муносиб дам бериш яқин кунларда қўлга киритилиши учун

бутун кураш чизиклари бўйлаб амалга оширилиши лозим.

9. Туркистонда босмачиликка барҳам бериш Бухоро ва Хоразмда босмачиликка қарши курашни енгиллаштиради ва унинг мутлақо йўқ қилинишини тезлатади.

10. Мазкур қабул қилинган тактика босмачиликнинг шубҳасиз ўлимини тезлаштириши муқаррар.

Қизил армия ва қизил милициянинг бурчи босмачилик қолдиқларини тезроқ тугатишдир.

Барча меҳнаткашларнинг бурчи қизил армия ва қизил милицияга бу вазифани бажариш учун ёрдам беришдир.

**Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги
тасдиқлайди,
фронтнинг тезкор бўлим
бошлиғи: Сонин.**

**Туркистон fronti сиёсий
бошқарма бошлиғининг
1923 йил 18 декабрдаги хати**

Азиз ўртоқлар!

Кейинги пайтлардаги Ўрта Осиёда умумий сиёсий конъюнктурадаги, жумладан, ҳарбий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар бир қатор сиёсий тадбирларга сабаб бўлди.

Ўрта Осиё республикаларидаги сиёсий вазиятнинг ниҳоятда мураккаблиги бугунги кунда фронтнинг ҳарбий, сиёсий ва партия ходимлари йўли ўзгармас, ягона бўлишини талаб қилади.

Мазкур директива раҳбар ходимларнинг турли томонларга фавқулодда хавфли оғишларига барҳам бериш ва яққол белгиланган партия сиёсий йўлини кўрсатиш мақсадини кўзлайди. Биринчи навбатда босмачиликка қарши кураш тактикаси масалалари бўйича тўла бирликка эришиш зарур.

Бу борада биз Туркистондаги босмачиликка нисбатан муносабат бўйича деярли кескин тактик бурилиш қилганмиз ва Бухорога нисбатан муносабат бўйича баъзи бир тактик ўзгаришларга эгамиз.

Бу ўзгаришларнинг сабаби нимада, унинг моҳияти ва маъноси нимада?

Фронт партияси сафидаги амалдорларга маълумки, ўтган йилларда босмачиларга қарши олиб борган умумий сиёсатимиз Россия Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг кўрсатмалари ва ўртоқ Троцкийнинг (мудофаа комиссари) кўрсатмаларига мувофиқ шафқатсиз ва қаттиқ йўл тутилди. Шунга кўра, босмачи кўшинларини бутунлай йўқ қилиш учун ҳарбий босим охиригача давом эттирилди. Ҳеч қандай беқарорлик кўрсатмасдан, ҳеч қандай чора-тадбирларни тугалланмаган ҳолда қўйиб, мутлақо иккиланмасдан амалга оширилган амалиёт бор эди. Ҳеч қандай яримтирафлик, яримчора кўриш, музокараларга йўл йўқ – йўналиш ана шундай эди.

Шу тактика босмачиликка қарши курашда ўтган давр ва ҳозирги пайтгача ягона тўғри йўл эди ва амалда эришилган натижалар билан ўзини мутлақ оқлади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай катта натижаларга бугунги кунда фақат ҳарбий тартибгина эмас, партия-сиёсий, ҳарбий-оператив ва ҳарбий-сиёсий чоралар туфайли ҳам эришилди.

Бироқ бугунги сиёсий йўлни барча даврлар ва барча шароитлар учун энг тўғри йўл деб баҳолаш ҳам мумкин эмас. Бундай консерватизм биз учун мутлақо ёт. Шунинг учун вазият ўзгариши билан бизнинг тактик йўлимиз ҳам қайта кўриб чиқилди.

Туркистондаги вазият ўзгаришининг моҳияти нимада? Бу ўзгаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) мамлакат иқтисодиётининг ўзгариши (пахта экиш майдонларининг

кенгайиши, савдо алоқаларининг кенгайиши, нон олиб кирилиши, савдо алоқаларининг кучайиши ва ҳоказолар);

2) Совет аппаратининг ўсиши;

3) Деҳқончиликнинг барча жабҳаларига совет ҳукуматининг ғоялари кириб бориши;

4) Туркистонда Коммунистик партиянинг мустақамланиши ва эътиборининг ошиши;

5) Босмачиларнинг ҳарбий жиҳатдан мағлуб этилиши (Фарғонада 2500 ўрнига 150 босмачи, Самарқанд вилоятида 80 киши).

Шунинг ўзидан шароитнинг тубдан ўзгарганлигини билиш қийин эмас. Аввалги тактик услубни ўзгартириш пишиб етилди. Жанговар компания давомида таслим бўлган Фарғона кўрбошилари аксарият қисмининг тақдири уни қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Бу кўрбошилар анча муддат ичида озодликда бўлишиб (фақат сиёсий назорат остида), тинч меҳнат билан шуғулландилар ва совет ҳукумати учун хавф туғдирмадилар.

Шунга қарамай, аввалги йўл бу кўрбошиларга нисбатан қатъий суд ҳукми бўлишини талаб этарди.

Аввалгилардан кўриниб турибдики, уларга нисбатан қатағон янги юзага келган ҳолатда ўзгача иш юритишни тақозо этди. Меҳнаткашларнинг катта қатлами билан боғлиқ тинч меҳнат қилаётган собиқ кўрбошиларнинг жуда кўп гуруҳларига нисбатан ўлка, умуман, тинч ҳолатда бўлган бир пайтда қатъий қатағон қилишни қўллаш мантиқсиз бўларди.

Фарғонада таслим бўлган сардорларни хайрия қилиш бўйича марказнинг кўрсатмаси қанчалик тўғри эканлиги қисқа вақт ичида англаб етилди. Шу нуқтаи назардан биз Туркистонга нисбатан қуйидаги янги кўрсатмаларни қайта кў-

риб чиқилган кураш тактикамизга қўшишни ўринли деб топдик (Россия Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгашининг янги қарорлари мутлақо яқдиллик билан қабул қилинганини айтиб ўтмоқчимиз).

1. Ҳарбий босим ва зарба чораларини босмачиликни емириш, тарқатиб юбориш, уни кучсизлантиришга қаратилган соф сиёсий чоралар билан бирга олиб бориш керак ва зарурдир.

2. Бундай чораларга, аввало, кўнгилли бўлиб қуролларини топшираётганлар билан жангда асир тушганлардан олинган қуролларнинг миқдориди тафовут катта эканлигидан келиб чиқиб янги жазолаш сиёсатини юритиш киради. Биринчи ҳолатда афв этилади, иккинчи ҳолатда инқилобий ҳарбий кенгаш (РВС) томонидан босмачи ва кўрбошиларнинг ҳар қайсисига нисбатан қабул қилинган қарор шаклидан келиб чиқиб алоҳида жазоланади.

3. Гаровга олиш ҳолати мақсадга мувофиқ эмас.

4. Тасарруфий ва мажбур этилганлар эмас (махсус, аниқ белгиланган ҳолатда) фақат ашаддийларини, босмачиларга ўз хоҳиши билан кўмакчилик қилаётганларни жазолаш керак.

5. Биринчи бўлиб босмачиликдан вайрон бўлган ҳудудларга хўжалик ёрдамини кўрсатиш керак, бунда босмачиларнинг маҳаллий келиб чиқишини ҳисобга олиш уларнинг тезроқ тинч меҳнатга ўтишига имкон беради.

6. Шу билан бирга, ҳарбий тартибни кучайтириш зарур. Бу тактика босмачиликнинг қолдиқларини емирилиши ва янчилишини сўзсиз тезлаштиради, масала фақат ҳарбийлар, ҳарбий-партиявий, жазолаш ва бошқа органлар томонидан уни тўла, ҳар томонлама ҳаётга татбиқ

этишдадир. Тўғрилиги исботланган янги йўлимизнинг улар томонидан ҳам очиқ шаклда, айниқса, ёпиқ муҳокама этилишига йўл қўймаслик, бунинг аксилпартиявий деб ҳисоблаб тамомила чек қўйиш зарур. Бу орқали бизнинг қудратли, ҳарбий-партиявий сиёсий аппаратимизнинг кейинги бирлиги таъминланади.

Бухородаги босмачилик ҳақида. Юқорида Бухородаги босмачилик ҳаракатлари Туркистондаги босмачиликка нисбатан ўзгача характерга эга эканлиги кўрсатилган эди. Ҳозирги кунда БХСР сиёсий конъюнктураси қуйидагича:

1) БХСР марказий ҳукуматининг обрўли ва ишчан таркиби, унинг жойларда алоқалари мустаҳкамланиши;

2) Бухоро Коммунистик партияси ичидаги партия ҳаётининг яхшиланиши;

3) Катта демократия йўлининг (деҳқон ва ўртаҳол қатлам) аста-секин муваффақиятли олиб кирилиши;

4) Катта демократлаштириш шароитида ўтказилган сўнгги совет қурултоийининг аҳамияти, қариндошлик ва қабилавий алоқалар ўрнига давлатчилик ғоясининг улуғворлиги;

5) Ҳарбий Бухоро совет аппаратини тозалашнинг яхши таъсири;

6) Савдо тармоқларининг қайта тикланишини, яъни Бухоро иқтисодиётининг кўтарилиши бошланганлигини кўрсатувчи бозорларни аста-секин қайта тиклаш;

7) Бир қатор вилоятларда тинчликни ўрнатиш (Қоратегин, Дарбоз ва бошқалар);

8) Шу билан бирга, хўжаликдаги вайроналик ниҳоятда катта, совет аппарати ғоят кучсиз;

9) Босмачилик ҳали кучли ва аксарият ҳолларда яққол сиёсий характерга эга (мулла Абдуқодир, Иброҳим Пошо ва бошқалар); талончи босмачилар (асо-

сан туркманлар) сиёсий мақсадларда осонгина фойдаланиши мумкин ва аслида совет ҳукумати учун инкор этувчи аҳамиятга эга йирик сиёсий далиллар (Жўра Аминнинг фаоллиги ва бошқалар) пайдо бўлмоқда.

Бир қатор туманларда босмачилик аҳолининг кенг табақалари билан (Лақай, Вахшнинг чап қирғоғи) ёки аҳолининг нуфузли гуруҳлари билан (Абдулқаҳҳорнинг худуди бўлган Ғарбий Бухоро ва бошқалар) боғланган.

Босмачиликнинг энг йирик етакчилари ўзаро ва қисман амир билан алоқада бўлиб турадилар, шу билан бирга, босмачиликнинг кўпчилик гуруҳлари орасида ўзаро муносабатларнинг бузилиш аломатлари ҳам мавжуд. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, умумий сиёсий муҳит жуда беқарор ва мураккаб, аммо вазият бизнинг фойдамизга яхшиланмоқда. Босмачиликка қарши урушда муваффақият қозонишнинг энг самарали усули Туркистонда босмачиликни бутунлай йўқ қилишга боғлиқлиги шубҳасиз. Шу тариқа Бухорода босмачилик заифлашади ва ўзининг якунига тез яқинлашади. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолини босмачиликка қарши курашишга ундаш ҳам ижобий чора сифатида баҳоланиши мумкин.

Мана, яхши тушуниш учун жуда содда тарзда тайёрланган ушбу лойиҳада ҳам вазиятнинг қанчалик мураккаб эканлиги, ҳақиқатда юзага келадиган янги вазиятларга хос муаммолар қўшилиши билан вазият янада мураккаб бўлиши аниқ. Барча қайд этилган шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда Бухородаги босмачиларга қарши қўйидаги йўллари санаб ўтиш мумкин: Гарчи шу пайтгача олиб борилган қаттиқ ҳарбий зулм ўзини оқлаган усул сифатида сақланиб қолган бўлса-да, Бухородаги шароитлар-

нинг фавқулодда хилма-хиллигини инобатга олиб ҳар бир гуруҳ қўмондонига ўз ташаббуси билан ҳаракат қилиш эркинлигини таъминловчи ўзгартиришлар киритиш ва жазо сиёсатини юмшатиш, масалан, бошқа қўмондонлар билан зиддиятларни енгиллаштириш, маълумотларнинг секин келиб чиқишини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Сиёсий ва ҳарбий ҳаракатларимиз юқорида қайд этилган тажрибалар асосида амалга оширилса, босмачилар яна куч тўплайдиган давр бўлмиш баҳор ойлари билан бир-икки ой ичида маълум бўлади. Стратегияларимиз аниқ бўлади ва мос равишда яна ишлаб чиқиши ёки аниқлаштирилиши мумкин.

Шу билан бирга, биз «муаммонинг манбаси»ни яхшироқ аниқлашимиз, босмачиларни халқнинг меҳнат ресурслари ва иқтисодий салоҳиятига қайта жалб қилишимиз керак. Бу совет ҳукмронлигини мустаҳкамлайди. Бироқ бизнинг партидаги сиёсий ва ҳарбий амалдорларимиз нима қилиши керак? Баҳорда кучайиб бораётган босмачиларга қарши энг муҳим, қаттиқ ва самарали зарбалар бериш учун ҳарбий босим кучайиши билан бирга вазият ўзгариши мумкин бўлган пайтда бизнинг тактика ва манёврларимиз зое кетмаслиги учун уларнинг ҳолатини яхши кузатиб бориш керак.

Биз ҳозир алоҳида масъулиятли даврга кирдик, бу даврда ҳатто энг кичик деталларга ҳам фавқулодда эътибор қаратиш лозим, шу билан бирга, умумий доирани кўздан қочирмасдан кузатиб бориш керак. Туркистонда ўз аҳамиятини йўқотган муаммо, ҳозирда ҳам мавжуд бўлган босмачиликни бутунлай йўқ қилиш масаласи бу ерда ҳамон биз учун жиддийлигича қолмоқда.

Айни пайтда, қисқа шаклда бўлса ҳам эслатиб ўтишимиз керак бўлган яна

бир муаммо бор. Миллатлар мавзусига амалда қандай ёндашиш масаласи ҳам. Қизил армия отрядлари ва бўлинмаларидаги партия амалдорлари орасида бу муаммога ўта бепарволик билан ёндашишди. Ваҳоланки, миллатлар масаласи ҳозир биз учун ҳаётий масаладир.

Назоратга олиш учун тушаётган маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибдики, бу масала бўйича деярли тўла раҳбарлик материаллари бўлишига қарамай (XII съезд қарорлари, Бутуниттифоқ Сиёсий кенгаши қарорлари, матбуотдаги мақолалар ва ҳоказо) уларни тўла амалга ошириш учун жойларда керакли ташаббус йўқ. Объектив шароитларни рўқач қилиш ноўриндир; мавжуд имкониятлар доирасида катта ишларни амалга ошириш мумкин ва зарур.

Ўрта Осиё республикаларида миллат масаласи сиёсий доирада асосий масала бўлиб келган, бўлиб қолади ва бу бизга катта масъулият юклайди.

Миллий шаклланишнинг дебочалари (Фарғона, Тошкент, Бухоро) эътиборимиз марказидаги предмет бўлиши зарур. Бу йўналишдаги дастлабки қадамлардаги каби йўл қўйиб бўлмайдиган бир қатор камчиликларни кўрсатди; бу бизнинг ҳарбий-партиявий ходимларимизни ёмонотлиқ қилиши, маҳаллий аҳоли ва партия ташкилотларининг бу масаладаги ишончини йўққа чиқариши мумкин.

Бу соҳадаги ҳар қандай хато тегишли ходимлар обрўйига доғ бўлиб тушади. Армия ичкарасида миллат масаласини амалга ошириш маъносида катта фаолият зарур. Туркистон фронтида ёмон одат бўлган буюк давлатчилик элементларини йўқотиш, майда миллатларнинг табиий талабларини қондириш имкониятлари ва бошқаларни юқорида келтирилган қарорлар асосида назорат қилиб бориш керак.

Айниқса, маҳаллий тилни ўрганиш, Туркистон республикаларидаги давлат аппаратларини «миллийлаштириш» борасида олиб борилаётган ишни чуқурлаштириш ва уни рағбатлантириш муҳимдир.

Ўрта Осиё шароитида бугун йўл қўйиб бўлмайдиган яққол буюк рус аппаратини сиқиб чиқаришни бошлаб, туб аҳоли вакиллари зудлик билан ғоят эҳтиёткорона ва аввалдан ўйлаб, бироқ сўзсиз равишда ҳарбий аппаратга жалб этиш зарур.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар ҳақида кўп саволлар билан қолиб кетмасдан ва тушунтирувчи кўрсатмалар имкон қадар тезроқ келишини эслатиб, биз бу ерда умумий фуқаролик масалалари бўйича совет партия ишига қўшган ҳиссамиз ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ҳарбий партия ходимлари партия, кассаба уюшмалари ва совет органлари ишига имконият даражасида ёрдам бериб, унда бугунгига нисбатан кўпроқ иштирок этадилар, бироқ қўмондонлик, васийлик ва мураббийликка оид ҳар қандай ҳаракатни мувозанатлаштириши керак.

Шу билан бирга, ҳарбий партия ходимларини бир муҳим ҳолат бўйича огоҳлантирмоқ зарур. Туркистондаги партия ташкилотлари (худди Бухородаги каби) ёш, тажрибаси кам, сафларидаги пролетарлар қисми ғоят озчиликни ташкил этади. Партия аъзоларининг аксарият қисми саводсиз ва маданиятдан узоқроқ, уларнинг кўпчилик қисми худога ишонувчилар.

Бу Ўрта Осиёдаги партия ташкилотлари иккинчи даражали дегани эмас, бундай фикрлаш тарзи мустамлакачилик менталитетидир, лекин шарқда ўрнатилиши кутилаётган совет ҳукмронлиги учун бу ҳақиқатни ҳисобга олиш керак.

Лекин ўз-ўзидан маълумки, Ўрта Осиё республикаларидаги кучсиз партия ташкилотларида турли хил носоғлом ҳолатларнинг юзага келиши муқаррар. Бугунги кунда Туркистонда партия ишлари учун, айниқса, мураккаб шароитнинг юзага келаётганлиги шунинг учунки, босмачиликнинг ғоявий руҳлантирувчилари бўлган панисломчилар ва бошқалар босмачилик ҳаракатининг барбод бўлаётганини тушуниб етиб, мафкура майдонидаги курашни кучайтирмоқдалар, партия аъзоларига таъсир ўтказишга уриниш жуда мураккаб шароитни яратади.

Партия ҳарбий мутасаддилари ҳудудларда партия ишини ташкил қилиб, иш олиб бораётган бир пайтда тажрибасиз, бепарво ўртоқлар айрим маҳаллий низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундай хавfli ва зарарли ҳаракатлар ҳақида қаттиқ ва қатъий туриб огоҳлантирмоқ зарур. Ҳар бир шундай ҳолатда партия ҳарбий ходимлари партия йўли билан расман огоҳлантирилади, агарда ноаниқликлар бўлса, зудлик билан хабар қилишлари керак.

Айниқса, улардан турли қурултойлар ва сайловлар вақтида сабр-қаноатли бўлиш талаб этилади.

Шу билан бирга, нияти бузуқлик, шубҳаланиш ва асоссиз ишончсизликка ҳар қандай ҳолатда йўл қўйилмаслиги, бундай шахсларни бизнинг партия органлари ва ташкилотларимиз сафидан қатъий равишда қувиб чиқариш зарур.

Ниҳоят Туркистон ва Бухорода миллий сиёсатни амалга оширишни эътибор ва сергаклик билан кузатиш (давлат аппаратларини миллийлаштириш ва маданий тенгсизликни йўқотиш), армияда бу тадбирларни оммалаштириб ва тушунтириб, зарур пайтда маҳаллий



Борис Михайлович Шапошников



Қизил армиянинг дала штабидаги командирлари: ўтирганлар; С.С.Каменев-Бош кўмондон, С.И.Гусев – Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси, А.И.Егоров-Жануби-Ғарбий фронт кўмондони, К.Е.Ворошилов- биринчи отлик армия ҳарбий инқилобий кенгаш аъзоси

партия ташкилотларига керакли ёрдам бериб бориш лозим.

Ўз-ўзидан аниқки, қизил армия билан аҳоли ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган дўстлик ва яқинликни мустаҳкамлаш масаласи аввалгидай ниҳоятда муҳимдир.

Мазкур директива билан сизларга миллий масала бўйича авваллари қабул қилинган барча қарорларни тўла ва ҳар томонлама бажаришда ўта масъулиятли вазифа юкланади.

Туркистон Коммунистик партияси Пленумининг кейинги қарорларини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор беринг.

Коммунистча салом билан
**Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси
ва фронт сиёсий бюроси бошлиғи:
Шапошников.**

Туркистон миллий курашига қарши қизил армия бошқаруви тўғрисида юқорида келтирилган буйруқлар ягона тўғри ечим сифатида масаланинг ҳарбий-сиёсий нуқтаи назардан ечилишида нақадар оддий фарқлар мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. 1923 йил ва ундан кейинги даврда иккала томон ҳам эҳтиётсизлик билан курашдилар. Бу курашда совет руслари ҳарбий жиҳатдан миллий кураш учун курашаётган мужоҳидлардан (захира аскарлари, замонавий қуроллари, алоқа воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларга эга бўлиши, Россия империяси таркибидаги бошқа ислом давлатларидан келган мусулмон турклардан фойдаланиш) анча устун эди, албатта.

Москвадаги бош қўмондон босмачилар ҳаракатининг якуний босқичи бўйича бир қанча буйруқлар бериб, мужоҳидларга қарши ўз ҳарбий қудратини шафқатсиз ва узлуксиз ишлатишга қизил армияни мажбур қилган эди. Лекин қизил армия Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатини бостира олмади. Шундан сўнг Москва 1923 йил 30 июнда яна янги буйруқ юборди.

«Туркистон фронтида босмачиликни йўқ қилиш бўйича ҳукумат топшириғига мувофиқ ва бу фронт бош қўмондонининг уруш ҳақидаги ҳисоботларига асосланиб СССР ҳукумати ҳузуридаги Инқилобий ҳарбий кенгаш қуйидагиларни буюради:

1. Босмачиликка қарши ҳал қилувчи кураш охирига етказилиши керак.

2. Бу уруш барча йўналишларда олиб борилиши керак:

а) Ҳар бир босмачи гуруҳи учун учувчи гуруҳларни кенг қўламда жойлаштириш;

б) Босмачилардан олинган ҳудудларни бир вақтда эгаллаш;

в) Ахборот (жосуслик фаолияти) фаолиятини давлатнинг сиёсий бошқарув механизмлари ва ташкилотлари билан биргаликда олиб бориш, жамоатчиликни ахборот олиш вазифасига босқичма-босқич жалб қилиш керак. Мудофаа халқ комиссарлиги бюджети тўғрисидаги 23-моддада кўрсатилганидек, маълум миқдордаги пулни шу мақсадда ишлатиш учун тайёр ҳолда сақлаш керак;

г) Асирга олинган босмачилар ва уларнинг ҳамкорлари ҳарбий суд муассасалари орқали шафқатсизларча жавобгарликка тортилиши керак;

д) Босмачиларнинг ҳеч бир ҳужуми жавобсиз қолмаслиги керак;

е) Ҳарбий бошқарувга масъул бўлган ҳеч бир қўмондон босмачилар билан сулҳ музокараларини олиб бормайди.

1923 – 1924 йилларда совет маъмурияти урушда мағлуб бўлиш билан ғалаба қозониш ўртасида турган эди. Урушда ғалаба қозониш уларнинг олий ва ягона мақсади эди. Совет аскарларининг руҳий ҳолати ҳам катта муаммо эди. Сабаби, Биринчи жаҳон уруши тугаши билан рус аскарлари тинимсиз жанг қилишга мажбур бўлишганди. Қолаверса, ҳамма совет аскарлари буйруққа бўйсунмайдилар. Уларнинг кўпчилиги Туркистондаги ўта оғир об-ҳаво шароитида ўз жонлари эвазига жанг қилиш тарафдори эмас эди. Лекин улар ҳам разведка хизматининг шафқатсиз ва золим усуллари, айниқса, ҳарбий маъмурият қўмондонлиги остида қулга айланган эди.

Туркистон фронти қўмондони 1923 йил декабрь ойида СССР Бош штабига юборган ҳисоботида қуйидагиларни таъкидлаган:

«Босмачиларга қарши кураш асослари: Бош қўмондон томонидан берилган кўрсатмалар урушнинг қатъий ҳаракатини ташкил этди ва босмачилар қўшинларини йўқ қилиш учун ҳарбий

босимни оширди. Уруш стратегияси ҳеч ишни якунига етказмасдан қолдирмаслик, ўлчов қоидаларининг йўқлиги ва босмачилар раҳбарлари билан музокаралар олиб бормаслик эди».¹

Совет ҳарбий маъмурияти уруш ҳар икки тараф томонидан жиддийлик ва ўжарлик билан олиб борилганини инкор этмади. Босмачилар маъмуриятининг қизғин ҳаракатлари хорижий кузатувчилар томонидан ҳам тасдиқланди.²

1923 йил охирига келиб озодлик учун курашнинг биринчи босқичи тугаши ҳақида гапириш мумкин эди. Фарғона водийсида озодлик учун кураш қон тўкаётган бир пайтда кўплаб аҳоли пунктлари қизил армия қўлига ўтмоқда эди. Мужоҳидларнинг йўқотишлари катта эди. Очлик ва қашшоқликдан азият чекаётган мужоҳидларга қизил армия босими кўшилгач, уларнинг халқ билан алоқаси узилиб, бурчакка қамалишди. Қизил армияга қарши йирик бўлинмалар туза олмаган мужоҳидлар 1924 йил давомида ва ундан кейин ҳам қизил армияга қарши

кичик гуруҳлар билан курашни давом эттирдилар. Кичик гуруҳларни, айниқса, қизил армия етиб бора олмайдиган тоғли ҳудудлар ва чўлларда туздилар.

Москвадаги армия маъмурияти Туркистондаги армияга, босмачиларга қарши ташвиқот ва разведка ишларини кучайтириш, деҳқонларнинг эҳтиёжларини қондириш (қарз бериш), ислом оқсоқоллари билан муроса қилиш, транспорт йўлларини қаттиқ назорат қилиш, босмачилар маъмуриятига борадиган озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиш, очликнинг кучайишини таъминлаш, қуролини ташлаган кўрбошиларни кузатиб юриб йўқ қилиш каби барча усуллар билан босмачиликка чек қўйишни буюради. Россия таъкидлагани каби, озодлик учун кураш ҳали тугамаганди. Аксинча, озодлик кураши 1924 йилдан бошлаб 1934 йилгача давом этадиган иккинчи босқичига киради. Мен бу даврдаги озодлик курашини айрим сабабларга кўра қисқача ва хронологик тарзда санаб ўтишга мажбур бўлдим (Б.Х).³

1924 – 1934 йиллардаги курашнинг қисқача хронологияси

1924 – 1934 йиллардаги кураш жараёнини тасвирлаш учун китобга иккинчи жилд кўшилиши керак эди. Афсуски, бу бизнинг имкониятларимиздан ташқаридаги ишдир. Шу боис курашнинг иккинчи босқичини қисқа хронология шаклида тақдим этиб, икки қарама-қарши қутб ўртасидаги жанг ва курашлар ҳақида ҳеч бўлмаганда кейинги тадқиқотларда қизиқувчиларга туртки бўла-

ди деган умидда хабар беришга ҳаракат қилдик (Б.Х).

1924 йилда:

01.01. Совет Россия ҳукумати Туркистон фронтига қарши ўртача 63 та озодлик кураши бўлинмаси шай турди.

10.01. Жунайидхон, Ағажон Эшон, Мадраҳимбой ва Оллоҳназарнинг таҳминан 15 минг кишидан иборат қўшинлари Хива шаҳрини қамал қилдилар.

¹ Иркаев (234). 435-бет.

² С.Р. Skrine. Situation in Russian Turkestan and Bokhara. Telegram to Britannic Majesty's Minister Peking; The Political Agent, Gilgit; The Officer in Charge, Intelligence Bureau. – Peshawar, 14th June 1923. – P.1 (India Office Record L/P-S/10/950): «The Basmachi movement is undoubtedly on the increase throughout Samarkand, being the mountains near Ura-Tyube (Oratepa). In Fergana the rebels are in effective command of all the actual towns, and even these are frequently raided».

³ Нашриётнинг илтимосига кўра китобнинг ҳажми катта бўлмаслиги ва нархи жуда қиммат бўлмаслиги учун 1924 – 1934 йиллардаги курашларни хронологик тартибда санаб ўтдим (Б.Х).

12.01. Қизил армиянинг 4-отлиқ полки Фарғона водийсидан Хивага юборилади.

16.01. Совет ҳарбий маъмурияти Хоразмни уруш зонаси деб эълон қилди.

19 – 23.01. Мужоҳидлар Хива ва Хонқа шаҳарларини озод қиладилар. Хива шаҳрида кўзғолон бўлиб, унда 20 минг туркистонлик иштирок этади.

23.01. Ағажон Эшон бўлинмалари Хива ва Хонқа шаҳарларига ҳужум қиладди. Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати тарқатиб юборилади. Унинг ўрнига инқилобий қўмита тузилади. Хоразмнинг Амударё вилояти уруш ҳудуди деб эълон қилинади.

24.01. Жунайидхон Тошқовуз, Шоҳобод ва Ғазавотни озод қилди.

25.01. Хоразмлик мужоҳидлар Тошкентдаги телеграф линиясини уздилар. 700 кишига яқин мужоҳидлар советларнинг Хивадаги ваколатхонасига, шимол ва шарқдан 1000 га яқин мужоҳидлар Хива шаҳрига ҳужум қилди.

27.01. Мужоҳидлар яна Хивага ҳужум қилишади.

28.01 – 04.02. Жунайидхон Хива қамалини бекор қилишга мажбур бўлди. Икки душман туркман қабиласи Яхши Гелди ва Ниёз Бахши бошчилигида Жунайидхонга орқадан ҳужум қилди.

29.01. Совет қўшинлари Урганч томон ҳаракатланди. Советлар мужоҳидларга қарши самолётлар билан ҳаво ҳужумини бошладилар.

30.01. Мужоҳидлар совет русларига тегишли Петроалександровск қалъасига ҳужум қиладди.

28 – 31.01. Бухоро Халқ Республикаси уламоларининг қурултойи бўлиб ўтади. Босмачиларга қарши қандай чоралар кўриш масаласи муҳокама қилинади. Советлар таъсиридаги 113 нафар уламо босмачиликни йўқ қилишга қарор қиладди.

01.02. Қизил армия Питнак шаҳрини ишғол қиладди.

04.02. Мужоҳидлар Питнакдан Хўжайли ва Кўҳна Урганчгача бўлган ҳудудни озод қиладди. Лақай водийсида руҳонийлар қурултой ўтказадилар. Эшон Хўжа Данаҳан Иброҳимбекни совет руслари билан сулҳ тузишга кўндириш вазифасини олади.

05 – 06.02. Яхши Гелди (Совет томонидаги туркман қабиласининг бошлиғи) ва Жунайидхон ўртасида низо келиб чиқади. Яхши Гелди совет аскарлари билан бирга Кўҳна Урганч, Тошқовузга, Ниёз Бахши эса Тахтага ҳужум қилди.

05.02. Жунайидхон ва Яхши Гелдининг аскарлари Иляли яқинида тўқнашадилар. Юз берган тўқнашувда Яхши Гелдининг 300 нафар жангчиси ҳалок бўлади.

11.02. Хўжа Данаҳан ва Иброҳимбек учрашади. Иброҳимбек қизил армия билан сулҳ шартномаси тузиш таклифини рад этади.

12.02. Қўрбоши Анабала ва Аҳметбек Илиалини озод қилишади.

15.02. Аҳмет қўрбоши Илиалида таслим бўлади. Россия Компартияси Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси Шарқий Бухородаги жазони ижро этиш ташкилоти бўлмиш тройкани ҳарбий суд қўмондонлиги остига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиладди. Бундан ташқари, дивизия командирлари босмачилар билан сулҳ бўйича ҳеч қандай музокара олиб бормасликка қарор қилинади.

16.02. Совет қўшинларининг Хоразмдаги қўшин қўмондони Тошқовузга ҳужум қиладди. Ағажон Эшон ўзининг 600 нафар йигити билан Питнакни қутқаради. Мужоҳидлар Хива билан телефон алоқасини узадилар.

18.02. Совет русларининг 4-отлиқ полки Хивадан Кўҳна Урганчга кўчиб ўтади. Ағажон Эшон Питнакни 600 нафар жасур йигити билан қутқаради.

26.02. Мужоҳидлар совет қалъаси ҳисобланган Хонқага ҳужум қилишади.

26.02 – 10.03. Қўрбоши Абдурахмон маҳдум Ҳазорасп шаҳрини қамал қилади.

06.03. Қорақум чўлидаги Замукшеҳир қалъасида жойлашган қўрбоши Ғулом Али Илиалигача бўлган ўтиш йўллари тўсади.

11.03. Тахминан 600 га яқин мужоҳидлар Қорақум чўлидаги Эшонбозор қишлоғига хужум қилади. Бу хужумда 40 нафар мужоҳид шаҳид бўлди.

12.03. Мужоҳидлар Хива шаҳрига хужум қилиш учун Хива яқинидаги Чаршелида тўплана бошлайди.

15.03. Хивага Тошкентдан саккизта самолёт етиб келади. Туркистон fronti ҳаво қўшинларининг бошлиғи бўлган Мазаруп Хоразм Халқ Республикасига ҳаво хужумларини бошқаришни шахсан ўз зиммасига олади.

16.03. Туркистон fronti қўмондони Пугачёв ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси бошлиғининг ўринбосари Карклин Хивага келади. Хоразмни босиб олиш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказилади ва якуний кўрсатмалар берилади.

19.03. Қорақум чўлида Ағажон Эшон қўшинларига қарши 5 та совет самолёти иштирок этган ҳаво хужуми уюштирилди.

Қорақум чўлидаги Тузсултон кўли яқинида қизил армия ҳарбий ҳаво кучлари, Амударё флоти ва отлик қўшинлардан иборат кўп томонлама хужум бошланади.

20.03. Ағажон Эшон совет сулҳ таклифини рад этади. 5 та қўрбоши ва 75 мужоҳид жангларда шаҳид бўлади.

Иброҳимбек Ёвон Лақай водийсида Раҳмон Додхо қўшинлари билан бирлашади. Иброҳимбек советларга қарши курашда давом этади, бу орада яна 5 нафар қўрбоши шаҳид бўлади.

21.03. Етимтомда Иброҳимек, Раҳмон Додхо ва Хуррамбек аскарлари билан

совет қўшини ўртасидаги тўқнашувда 285 нафар мужоҳид шаҳид бўлади.

23.03. Ағажон Эшон Садиварда советлар томонидан асирга олинади.

29.03. Ағажон Эшоннинг ўғли Абдурахим Маҳдум таслим бўлади.

06.04. Миллатлар бўйича халқ комиссарининг ўринбосари Бройдо раислигида Россия Компартияси Марказий Комитети фавқулодда комиссияси Хивага келади ва у ерда босмачиликка қарши урушни жадаллаштириш ишлари билан шуғулланади.

01.05. Фарғона водийсида 70 нафар қўрбоши ҳалигача ўз кураши ва урушларини давом эттирмоқда эди. Айни вақтда Самарқандда 14 нафар қўрбоши ва 140 нафар мужоҳид шаҳид бўлади.

25.05. Бухоро Коммунистик партияси турли йўллар билан бўлса-да Шарқий Бухорони советлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

28.05. Бухоро ҳукумати Шарқий Бухоро учун фавқулодда тузилмаси бўлган фавқулодда комиссияни тарқатиб юборади ва комиссиянинг вазибаларини 13-корпуснинг инқилобий ҳарбий кенгашига топширади.

12.06. Россия Компартияси Марказий Комитети Ўрта Осиёни «Миллатларга кўра бўлиш» (Туркистонни қабилаларга кўра тақсимлаш) тўғрисида қарор қабул қилади.

26.06. Туркистон fronti қўмондони Совет Иттифоқи Инқилобий ҳарбий кенгашига хабар беришича, 1923 йил 1 ноябрдан 1924 йил 1 июнгача 54 нафар қўрбоши ва 229 нафар мужоҳид ўлдирилган, 52 нафар қўрбоши ва 565 нафар мужоҳид асир олинган, 134 нафар қўрбоши ва 1404 нафар мужоҳид таслим бўлган.

26.07. Бухорода босмачиликка қарши кураш бўйича ташкил этилган марказий маслаҳат бўлими (мувофиқлаштирувчи марказ) ўз ишини бошлади.

Худди шу ойда Иброҳимбек билан бирлашган Ҳайит Парвоначи, Абдурахмон Парвоначи, Бойтўра қўрбоши ва Аллоҳназарлар шаҳид бўлади.

11.08. Кўлоб водийсидаги Тугарек қишлоғида Жонхон ва Почахон қўшинлари қизил армияга қарши ҳужумга ўтади. Совет отлиқ полки командири Н.Д.Тумин ўлдирилади.

Кузда Мирзо Додхо ва Мулла Олимнинг Кўлоб ва Балжувонда, Жонхоннинг Орол атрофида, Почахон ва Эгамбердиннинг Шерободда, Қари Ортиқ, Тоғай Сари ва Баратнинг¹ Сангар ва Қизилмозордаги ҳарбий операцияларини кўрамади.

16.09. Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси тугатилди.

20.09. Бухоро Халқ Республикаси тарқатиб юборилди.

29.09. Хоразм Халқ Республикаси тарқатиб юборилди.

27.10. СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Туркистонни бўлиш тўғрисида якуний қарор қабул қилади. Эндиликда босмачиларга қарши уруш фуқаролик бўлинмаси томонидан қайта тикланган маъмурий механизмларга мос келадиган ер участкаларида жамланганди.

02.11. Босмачиларга қарши кураш бўйича ташкил этилган маслаҳат маркази Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси инқилобий ҳарбий кенгаши раиси Нусратуллоҳ Махсум раислигида йиғилади.

Йиғилишда ҳар бир вилоятда оқсоқоллар, муллалар ва бадавлат кишилар иштирокида йиғилишлар ўтказиш, сўнгра Душанбе шаҳрида диний арбоблар иштирокида қурултой ташкил этиш масаласи кўрилди, қурултойда босмачиликка қарши кураш усуллари ҳақида қарор қабул

қилинди. Бундан ташқари, босмачи бўлган ҳар бир шахснинг барча оила аъзолари рўйхатини тузишга қарор қилинди.

31.12. Иброҳимбек Ҳисор водийсида қўрбошилар иштирок этган йиғилиш уюштиради. Барча қўрбошилар ўз қўшинлари билан Вахш дарёсининг ўнг қирғоғидаги Сурхон, Шеробод ва Бойсун йўналишида ҳаракатланишига қарор қилинади.

1925 йилда

01 – 09.01. Иброҳимбек Ҳисор водийси томон ҳаракатланади.

27.01. Россия Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси давлатнинг сиёсий бошқарув бўлинмаларига қуроли билан таслим бўлган ёки ҳибсга олинган босмачиларга қарши оғир жазолар қўллашга рухсат беради.

Россия Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси босмачиларни йўқ қилиш муаммоларини муҳокама қилади.

28.01. Бобожон ва Кенжағали қўрбоши очлик хавфи туфайли Тўдадаги аскарларини тарқатишга мажбур бўлади.

Январь – март. Давом этаётган можаролар туфайли Қўрғонтепада 3500 оиладан иборат 36 қишлоқдан 450 оиладан иборат 5 та қишлоқ, Сарой Қамардаги 60 қишлоқдан атиги 37 та қишлоқ ва 17 та оила, Ҳисор атрофида 8000 оиладан фақат 6 та оила ўз ўрнида қолган ва бу ерда катта ҳижрат ва кўплаб азобуқубатлар юз берган.

01.03. Шарқий Бухорода 48 нафар мужоҳид гуруҳлари қизил армияга қарши урушни давом эттирмоқда эди.

07.03. Қўрбошилардан Иброҳимбек, Ўтанбек, Тоғай Сари Эгамберди, Раҳмон Додхо, Темир, Ғаюрбек ва Эшматлар-

¹ Б.Ҳайит. Барат қўрбоши 1929 йилда Афғонистонга қочиб кетган. У ердан 1932 йилда Дамашққа йўл олади. 1952 йили Дамашққа борганимда у киши карвонсаройда туя боқиб, чой қайнатиб юрган экан. Узун бўйли ва кенг елкали Барат қўрбоши ўзининг матонати ва улугворлигини йўқотмаган эди. Кураш йиллари ҳақидаги хотираларини ёзганлар бор-йўқлигини сўраганимда у менга шундай деди: «Ҳозиргача ҳеч ким сўрамаган, уруш ютқазилганда эса мазлумлар тарихини ҳеч ким билишни истамайди».

нинг 6000 га яқин аскардан иборат бўлган қўшинлари Ҳисор ва Кўлоб ҳудудларида очик ҳужумга ўтадилар.

16.03. Россия ҳарбий маъмурияти Тоҷикистонда давомий жанглари амалга оширишга қарор қилади.

18.04. Тоҷикистон Автоном Совет Социалистик Республикасида уруш ҳолати эълон қилинади.

27.04. Зардал қишлоғидаги кўрбошилардан Раҳмонберди (Кўлоб атрофида), Бобомурот ва Ғаюрбек бир жойга йиғилиб ўтказган маслаҳат йиғилишида Иброҳимбек билан бирга совет русларига қарши курашишга қарор қиладилар.

01.05. Советлар собиқ Бухоро Халқ Республикасидаги гарнизонлар сонини 46 тадан 119 тага оширишади.

02.06. РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг умумий ҳайъати босмачилик масаласини муҳокама қилади. Муҳокама натижасида қилинган хулоса руҳонийлар билан яқин муносабатлар ўрнатиш, уларни босмачилардан ажратиш бўлади.

12.06 Босмачиликка қарши кураш бўйича марказий мувофиқлаштирувчи орган таслим бўлган барча босмачиларни суд қилиш учун ҳарбий судларга юбориш тўғрисида қарор қабул қилади. Жанг майдонларида асирга олинган босмачилар дарҳол отиб ташланади.¹

15.08. 1925 йил бошидан бери Оби Гарм атрофида ҳарбий амалиётлар олиб борган Эшмат кўрбоши тўқнашувда яраланади ва қизил армия томонидан ҳибсга олиниб, дарҳол қатл этилади.

18.08. Тоҷикистон инқилобий қўмитаси 13-корпусга: «Иброҳимбекни ўлдириш керак, бу сизнинг энг долзарб вазифангиздир», – деб буйруқ юборади.

18.10. Кўрбоши Хуррамбек Сурхондарёда кўрбошилар иштирокида қурултой ўтказади.²

1926 йилда

19.01. Низом кўрбоши очлик хавфи туфайли Кўлоб атрофидаги курашини тарқатади.

07.02. Ҳисор атрофида курашган кўрбоши Сулаймон шаҳид бўлади.

23.02. Мулла Аҳмед кўрбоши Қорабоғ атрофида 22 соат давом этган тинимсиз тўқнашув натижасида шаҳид бўлади.

11.04. Босмачиликка қарши советларнинг мувофиқлаштирувчи органи ўз мажлисида босмачиларга қарши жангда барча куч ва воситалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар беради.

Апрель – июнь. Шарқий Бухорода 267 та тўқнашув бўлади, бу тўқнашувларда иштирок этган 20 нафар кўрбоши шаҳид бўлади.

04.06. Совет ҳукумати Туркистон fronti вазифасини тугатади ва унинг ўрнига Ўрта Осиё ҳарбий маъмуриятига ваколат беради.

Туркистон фронтига шу пайтгача 8 нафар рус генерали бошчилик қилган. Инқилобий ҳарбий кенгашнинг 30 нафар аъзосидан 5 нафар туркистонлик аъзоси сиёсий жиҳатдан фронтда фаол ишлаган. Бундан ташқари, Бош штабнинг 10 нафар бошлиғи бор эди, уларнинг барчаси рус эди.

21.06. Иброҳимбек Афғонистондан паноҳ топади.

03.09. Шарқий Бухорода мужоҳидлар Афғонистондан келиб совет қўшинларига 21 марта ҳужум қиладилар.

Куз. Ашт, Исфара, Конибодомдаги озодлик кураши бостирилади.

1927 йилда

Март. Кўрбоши Муҳиддин, Ёдгор Хўжа ва уларнинг 25 нафар кўрбошиси совет маҳкамасига чақиртирилади.

Ёдгор Хўжа 1919 йилдан советлар билан ҳамкорликда ишлаган ва Бухоро

¹ Макашов А.В. Партийная организация Таджикистана в 1924 – 26 годах. – Душанбе, 1964. – С.33.

² Ёшлик: журнал. – Тошкент, 1988. №11. – Б.34.

Халқ Республикаси ЧКсининг бошлиғи этиб тайинланганди. Бироқ 1921 йилдан бошлаб 4 ой давомида тоғларда совет ҳукуматиға қарши чиқиб, қизил армияға қарши курашди. Советлар томонидан таслим қилингандан сўнг Зарафшон вилояти милиция бошлиғи лавозимига тайинланади. Бироқ бу вазифада босмачиларни қўллаб-қувватлаганида суд унга ва унинг атрофидагиларга ўлим ҳукмини чиқаради ва қатл амалга оширилади.

19.09. Жунайидхон Тошҳовузда қўзғолон уюштиради ва совет гарнизонига бостириб киради. Унинг ўз бўлинмаси Кўҳна Урганчга ҳужум қилади.

27.10. Қизил армия бўлинмалари Жунайидхонни доимий равишда таъқиб қилиб боради. 1927 йилда Жунайидхон Эрондан бошпана топишга мажбур бўлади.

1928 йилда

1927 йил бошидан ва 1928 йилда Совет Иттифоқиға қўшилган баъзи полклар (6-Олтой, 7-Туркистон, 8-отлик бригадаси, 3-, 4-, 8-пиёдалар дивизиялари, 1- ва 2-пиёдалар дивизиялари) Тожикистонда озодлик курашчиларига қарши Туркменистон ва Ўзбекистонда кураш олиб боришади. Ўша пайтда улар қанча кўрбоши бўлинмаларига қарши жанг қилганлари ҳали маълум эмас.

1929 йилда

24.01. Мужоҳидлар қўшинлари Кушка ва Марвдаги совет қўшинларига ҳужум қилади.

Кўрбоши Ўтанбек Афғонистондан келади ва Ҳисор атрофидаги совет полкига ҳужум қилади.

03.03. У совет полкига ҳужум қилади.

11.04. Афғонистонлик Фузайл Махдум Қалъаи Ҳумб, Қалъаи Лабиоб, Тавилдор, Ҳайит ва Сирғатолга бостириб киради.

12.04. Фузайл Махдум Қалъаи Ҳумб шахрини қутқаради. Кўрбоши Давлат Сардор Чоржўйда очиқ ҳужум бошлайди.

15.04. Бухоронинг собиқ амири иттифоқчи давлатларига ёрдам сўраб меморандум юборади. Усмонбек, Тўракул, Эшон Исохон ва Қаюм каби 10 нафар кўрбоши Афғонистондан қайтади.

19.04. Фузайл Махдум Тоби-Дара ҳудудини озод қилади.

21.04. Фузайл Махдум Гарм шахрига ҳужум қилади. Гарм яқинида Фузайл Махдум қўшинлари ва совет қўшинлари жанг қила бошлайди. Гармдаги совет қўшинлари қўмондонлигини Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондони П.Э.Дибенко шахсан қабул қилади.

23.04. Совет самолётлари Фузайл Махдум қўшинларини йўқ қилиш учун Гарм шахрига ҳаво ҳужуми уюштиради. Гармдаги совет ижроия қўмитаси раиси П.Э.Дибенкога қуйидаги телеграммани юборади: «Шаҳарни ҳимоя қилиш мумкин эмас». Дибенко уларга шаҳарни жангсиз тарк этмасликни буюради.

Фузайл Махдум Душанбе ва Гармни қутқаради. 5 та совет самолёти Гармни бомбардимон қилади.

03.05. Фузайл Махдум оғир жароҳат олади. У қолган 115 нафар йигити билан Афғонистондан паноҳ топади.

Ёзда. Наманган вилоятида кўрбоши Мадумар қўшинлари совет қўшинлари томонидан мағлубиятга учратилади.

Кўрбоши кўр Жўра ва Йўлдош Жалиллар Хўжанд ва Фарғона шаҳарлари яқинида ўз фаолиятини давом эттиради.

1929 йил бошидан 1933 йилгача кўрбоши Бобо Хўжа, Саид Хўжа, Сотиболди Қанот, Ортиқбош Умирлар Хўжанд, Ашт ва Пискент вилоятларида ўз фаолиятини давом эттирадилар. Вахш дарёсининг чап қирғоғида, Усмонбек, Тўракул, Қора Тўқсоба, Эшон Шоҳон, Ташари Қаюм каби 12 нафар кўрбошилар бирлиги ўз фаолиятини давом эттиради.

Қалъаи Ҳумб яқинида Фузайл Махдумдан ташқари Абдулла Тўқсоба, Ху-

дойназар, Жалил, Маҳмуд Назарбек, Қори Салим Понсод, Абдуллабек, Мулла Ислоҳ Понсод, Раҳим Понсод, Гадо Понсод, Лойиқ Понсод, Саодат Маҳдум (Фузайл Маҳдумнинг укаси) кабилар фаолият юритган. Ҳисор тумани совет полицияси бошлиғи Аъзам Ходий озодлик курашчиларини қўллаб-қувватлайди. Вазиятдан хабардор бўлган совет разведкаси Аъзам Ходийни ҳибсга олади ва уни ўлимга ҳукм қилади.

Бироқ кейинчалик қарор бекор қилинади ва у 10 йилга озодликдан маҳрум этилади. Аъзам Ходий совет қамоқхонасидан қочишга муваффақ бўлади ва ўзининг мужоҳидлар бўлинмасини тузади. Аъзам Ходийнинг ёнида Ислоҳ Мирохур, Давлатбек Паҳлавон, Қори Алаиддин Понсод, Маҳмуд Карим Понсод, Сафар Понсод, Мулла Олим Понсод, Қали Мирзабой Понсод, Одилбек Понсод, Охунбой Понсод, Зоир Саритик Понсод, Ғойиб Турк Понсод бирга курашадилар.

Аъзам қўрбошининг икки хотини бор эди. Унинг хотинидан бири яраланиб урушдан чиқишга мажбур бўлди. Иккинчи хотини Доно Гул Аъзам оғир яраланган пайтда ҳам урушдан қайтмайди ва курашини давом эттиради. Аъзамнинг қўшинлари ва бошқарув ходимлари 1931 йилда Иброҳимбек билан бирга жанг қиладилар. 1931 йил охири фақат Аъзам, Давлатбек, Қали Мирзабой ва Зоир Саритик тирик қолган эди. 1931 йилнинг охириги ойларида Совет Иттифоқи томонидан қўлга олинган бу қўрбошилар Доно Гул билан бирга отиб ўлдирилган. Фарғона водийсида 1928 йилда Носирхон Тўра (Қўқондаги Мухтор Туркистон ҳукумати маориф вазири) томонидан ташкил этилган деҳқонлар кўзғолони 1929 йил кузида совет қўшинлари томонидан бостирилади.

27.11. Қўрбоши Ёрмат Маҳдум ва Содик Водилдаги Ҳоразат қишлоғида со-

вет қўшинлари билан бўлган тўқнашув натижасида шаҳид бўлади.

1930 йилда

Февраль. Қўрбоши Ражапқули Эрондан қайтади ва Кушка, Марв ва Байрамалида ҳарбий операцияларни ташкил қила бошлайди.

Сентябрь. Кармана ва Нарпайда 46 нафар мужоҳид иши судда кўрилади. Мужоҳидларнинг етакчилари Хайри Султон, Фармон қўрбоши ва Абдулла Тоғайга ўлим жазоси берилади. Бўри, Фармон, Равшан Арзиқул, Нурмурот, Танатар Раззоқ ва Худоёр Ёрмирзаларнинг ҳар бири 10 йилга, қолганлари эса 5 йил сургунга ҳукм қилинди (Қаранг: Янги Туркистон. 1930. №4. – Б.17).

Куз. Қашқадарёлик қўрбоши Шер Оқсоқол совет ҳарбий суди томонидан ўлимга ҳукм қилинади. Қўрбоши Хўжа Эшон ва Каримхон курашлар чоғида шаҳид бўладилар.

1931 йилда

Январь – июль. Урушлар даврида Бухоронинг 5 вилоятида жами 2969 нафар мужоҳид шаҳид бўлади, 1713 нафар мужоҳид оғир яраланади, 2912 оила Афғонистондан паноҳ топади. 2337 та уй бутунлай вайрон бўлган. 5 кун давомида (10 – 15 май) 16 та йирик тўқнашув содир бўлади. Бу тўқнашувларда 224 нафар мужоҳид шаҳид бўлади.

30.03. Иброҳимбек Афғонистондан қайтади ва биринчи бўлиб Данганга боради.

08.04. Ўтанбек Оқтепа минтақасида ўз фаолиятини кучайтиради.

08.05. Ўрта Осиё ҳарбий округи босмачилар қўшинларини йўқ қилиш учун берилган буйруққа кўра Тожикистон 6 та жанговар зонага бўлинган. (Ғарбий чизик, Марказий чизик, Шарқий чизик, Шимоли-ғарбий, Душанбе. Термиз ва Кўктош қизил армиянинг асосий қароргоҳига айланади).

15.05. Қўрбошилар йиғилиб, шиддатли жанг қилиш учун кураш бошқарувини шакллантиришга қарор қиладилар.

20.05. 26-отлиқ дивизия Қизилсув (Красноводск) яқинида ўз фаолиятини кучайтиради. Тожикистонда 12 нафар қўрбоши жангдан воз кечишга мажбур бўлади.

22.05. Афғонистон мудофаа вазири Ўтанбекни мужоҳидлари билан қуролини ташлашга мажбур қилади. Ўтанбек буни рад этади.

13.06. Ўрта Осиё ҳарбий округи инқилобий ҳарбий кенгаши, Ўрта қудуқ, Гўк-лан қудуқ, Қаймат ва Қорақум чўлларида тўлиқ техника (отлиқлар, пиёдалар, самолётлар) билан шиддатли ҳужумларни бошлаш ҳақида буйруқ беради.

21.06. Иброҳимбекнинг Эшонбойдаги охирги жанги содир бўлади.

23.06. Иброҳимбек яраланади. Яраланган бўлса-да, Кофирниҳонга ўтишга ҳаракат қилади. Совет разведкаси агенти Муқим Султон уни танийди. Иброҳимбек дарёдан ўтгандан кейин тузоққа тушиб қолади. У билан бирга Эшон Исохон, қўрбоши Али Мардон, Қурбонбек, Тошмат ва Азимбек совет разведкаси томонидан ҳибсга олинади.

Июнь. Часил атрофида мужоҳидлар етакчилари Эйли Охун, Омон Дурди, Қулоқ Охун ва Қурбон Хўжадан иборат миллий курашни амалга оширувчи бошқарув кенгаши ташкил этилган. Қўрбоши Бекеш, Таги Берди ва Қилич Назар шаҳид бўлади. Қўрбоши Оразгелди Гўктепа-Марв минтақасида, Муротали Гўктепада ва Каража Оқсоқол Марвда курашни давом эттиради.

25.07. Мужоҳидлар Қорақум чўлида совет қўшинларига қарши 12 та ҳужум уюштиришади. Бойсунда қотил сифатида ном қозонган, Бойсун совет полицияси бошлиғи Эшнӣез Юнусов 10 йил давомидаги мужоҳидларга нисбатан шафқат-

сиз кураш олиб борган. Бу шахс Бойсуннинг сиёсий раҳбари билан зиддиятда айбланиб, ўлимга ҳукм қилинган, бироқ кейинчалик 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиниб Россия суди томонидан «мукофотланади». Монархия тарафдори бўлган Эшнӣез Юнусов Сибирдаги касалхонада ўлдирилган (Ёшлик: журнал. – Тошкент, 1988. №8. – Б.36 – 37).

Сентябрь боши. Фандемин томонидан Марв вилоятида 86 та ҳужум уюштирилади.

13.09. Чилгин чашмаси яқинида 14 соат давом этган можаро натижасида қўрбоши Ҳақмурод 198 нафар йигити билан шаҳид бўлган бўлса, советлар томонидан бўлинма қўмондони Ламанов ҳалок бўлади.

17.09. Тошҳовуз учун бўлган жангларда 90 нафар озодлик курашчиси шаҳид бўлади.

19.09. Тошҳовуз учун 10 соат давом этган жанг бўлади. Бу тўқнашувда 250 нафар мужоҳид шаҳид бўлади, 90 нафар мужоҳид эса советларга асир тушади ва шафқатсизларча отиб ташланади.

25.09 – 08.10. Қорақум чўлида 17 нафар қўрбоши ва 1925 нафар жангчилар ўз қуролиларини топширишга мажбур бўлишади.

10.10. Қорақум чўлидаги Тажан водийсида 74 нафар қўрбоши ва 3287 нафар озодлик курашчиси бўлиб ўтган тўқнашувларда шаҳид кетади.

Ноябрь. Қўрбоши Ҳожи Бала Мингбоши совет армияси билан сулҳга рози бўлади ва Олтиариқда 5000 нафар аскар билан қуролиларини топширади. Сулҳ шартномасини нишонлаш мақсадида халқ иштирокида катта байрам уюштирилади. Байрамда қурол-яроғини топширган 5000 нафар мужоҳиддан ташқари 3000 нафарга яқин аёллар, болалар ва қариялар ҳам иштирок этади. Қоронғи тушиши билан совет аскарлари маросим

иштирокчиларини ўраб олишади ва ҳар томондан, жумладан, оғир қурооллардан ўқ отишни бошлайдилар. Қочган, бақирган кичкина болаларга ҳам аёвсиз ўт очган бу ваҳшийлар майдонни қон дарёсига айлантиришади. Руслар, аёллар, болалар ва қариялардан қатъи назар, 8000 кишини хиёнаткорона ўлдирадилар.

Олтиариқдаги бу совет ваҳшийлиги бугун ҳам тилга олинади. Бу қирғинни ўз кўзлари билан кўрган 3 нафар гувоҳ менга одамни ларзага соладиган бу воқеани айтиб берганди. Аммо мусулмон турк халқи ҳозир ҳам бундай ваҳшийликлардан етарли даражада ҳимояланмагани учун бу 3 нафар тирик шахснинг исмларини айтиб беролмайман (Б.Ҳ.).

Мужоҳидлар ўлим хавфи остида совет аскарларига қарши курашини 1929 йилдан 1931 йилнинг охиригача Устюртда, Чирчиқ дарёсининг юқори қирғоғида (Кайиб Понсод, Жонибек Қози, Ёрмат Махдум бошчилигида) ва Устюртнинг марказида (Бек Пўлат кўрбоши, Туналихон бошчилигида) давом эттирдилар.

1932 йилда

01.01 – 07.03. Эрондан келган 1450 нафар аскардан иборат 32 та мужоҳидлар гуруҳи Туркманистон ичкарасига кириб боради.

19.01. Қизил армия бўлинмалари ва кўрбоши Аҳмадбек қўшинлари ўртасида 8 соатлик жанг бошланади.

1932 – 1933. Кўрбоши Аҳмадбек, Дурди Мурот, Жунайидхон, Анна Қули, Атам Қиличмамед, Иброҳим Кадли, Али Абай ва Беппа Часнинг йигитлари Марв, Кушка ва Гўктепа минтақаларида совет аскарларига қарши курашни давом эттиради.

1933 йилда. Кўрбоши Какабой 1931 йили Қорақум чўлида бошлаган кура-

шини 1934 йилнинг ўрталаригача давом эттиради.

Баҳор. Аҳмадбек ва Дурди Мурод Қорақум чўлида, Тажан ва Марв воҳаларида курашни кучайтиради.

18.03 – 25.04. Дурди Мурод бирликларидан 50 нафар жангчи шаҳид бўлади.

17.05. Кўрбоши Дурди Мурод, Аҳмадбек ва Бази Дуз Қорақум чўлидаги жанг майдонларида жонларини Худога топширадилар.

03.07. Лондонда етти давлат, жумладан, Англия, СССР, Афғонистон ва Эрон ўз мамлакатларида бошқа давлатларнинг қуроолли кучларига эгаллик қилмаслик тўғрисидаги битимни имзолади. Бу шартнома, биринчи навбатда, Туркистон истиқлол курашини бузиш учун халқаро фитнадир. Чунки Туркистон истиқлол кучлари 1929 йилдан бери қизил армияга қарши Эрон ва Афғонистон орқали ўз амалиётларини олиб борганлиги ҳаммага маълум.

11.10. Кўрбоши Ўтанбек Марв атрофида қизил армияга қарши очиқ ҳужум бошлайди.

1933 йил. Йил давомида 116 нафар мужоҳид бирликлари Эрон ва Афғонистон орқали Туркистон ҳудудига ўтиб ҳарбий амалиётлар ўтказди.

1934 йилда. Афғонистон ва Эрондан 58 нафар мужоҳид қўшинлари Туркистон ҳудудига ўтади. Қўшинлари 150 дан 500 гача жасур аскардан иборат бўлган жами 72 нафар кўрбоши йил давомида курашни давом эттиради.

30.05. Тожикистон Халқ Комиссарлари раиси Абдулла Раҳимбой Совет Иттифоқи Ички ишлар халқ комиссарлигининг «Марказий Осиёда босмачилик ҳаракати тугади» деган хабарини маълум қилади.¹

¹ Раҳимбаев А. Таджикистан. – Москва, 1936. – С.17.

7-бўлим

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КУРАШ ЖАРАЁНИ. ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КУРАШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР. ИНГЛИЗЛАРНИНГ «БОСМАЧИЛИК» ҲАРАКАТИГА МУНОСАБАТИ

Совет Россияси тарғиботи қўллаб-қувватлаган ва таъсир қилган кўплаб совет тадқиқот ишларида Туркистондаги босмачилар ҳаракати бошиданоқ инглизлар томонидан ташкил этилгани ва қўллаб-қувватлангани даъво қилинган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг «Америка империалистлари» ҳам босмачилар ҳаракатини қўллаб-қувватлагани даъво қилинди. Совет Россияси тарихчилари ўз иддаоларини тасдиқлаш учун айрим инглиз зобит ва дипломатлари ҳамда Американинг Петербургдаги бош консулининг Туркистонга қисқа муддатли сафари ҳақидаги ҳужжатларни далил сифатида кўрсатадилар.

Дарҳақиқат, инглизлар 18-аср бошидан русларнинг ўз ҳудудини кенгайтиришини ва Туркистондаги воқеаларни катта қизиқиш билан кузатиб бордилар. Бу жараёнда инглизлар алоҳида эътибор қаратган масала Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонда ўз манфаатларига зарар етказадиган ривожланиш бўладими ёки йўқми деган савол эди. Ҳиндистондаги инглиз ҳукумати Туркистондаги воқеаларга бефарқ қараб туролмади. Бу эса русларнинг манфаатларига таҳдид соларди. Инглизлар Туркистондаги воқеаларни яқиндан кузатиб, Яқин Шарқда ўз манфаатлари йўлида сиёсий фаолият олиб бораётган эдилар. Англия ҳукумати ҳар доим ҳам Туркистондаги вазият ҳақида аниқ маълумот ололмагани учун Туркистонга ҳарбий элчи юборишга қарор қилди. 1918 йил 25 январда Ҳиндистон давлат котиби Ҳиндистон ҳукумати ташқи ва сиёсий ишлар бўлимига йўллаган

телеграммасида Туркистонга ҳарбий элчи жўнатиш зарурлигини таъкидлаб, бу заруратнинг қондирилишини сўрайди. Ҳиндистон ҳукумати шундан сўнг имкон қадар тезроқ комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шу мақсадда Британиянинг Форс кўрфазидаги ваколатхонасига (маркази аввал Бағдодда, кейин Басрада) телеграмма юборилиб, Ф.М.Бейли ва Маршалл исмли икки нафар зобитдан ташкил топган комиссия тайинлашни талаб қилинади. Бироқ 1918 йил 5 февралдаги жавоб телеграммасида офицер Маршаллни Нажафдаги ўта муҳим фаолияти туфайли жўнатиб бўлмаслиги айтилади.

1918 йил 21 мартда Деҳли ҳукумати Лондондаги Ҳиндистон идорасига қуйидаги телеграммани юборади: «Шу пайтгача Россия Туркистонда биз билан иттифоқ туза оладиган элементни учратмадик». Бироқ 1918 йил март ойининг охирида Ҳиндистон ҳукумати майор Бейли, капитан Эзертон ва капитан Блекер, шунингдек, 16 дан ортиқ ҳинд ёрдамчилари (шу жумладан, Қўқоннинг охирги хонининг ўғли Абдурахимбей) дан иборат комиссия тузди. 1918 йил 9 апрелда Ҳиндистон ҳукуматининг ташқи ва сиёсий ишлар бўлими Лондондаги Ҳиндистон идорасига юборган телеграммасида комиссия Россия Туркистондаги воқеаларни жойида ўрганиш учун имкон қадар тезроқ ҳаракат қилишини билдиради. Ҳиндистон ҳукуматининг ташқи ва сиёсий масалалар бўйича давлат котиби Ҳамилтон Грант шу куни Британиянинг Қошғардаги бош консулига телеграмма йўллади, тез орада

комиссия келишини, лекин комиссия у ерга хитой қўшинларини ўргатиш ёки кўрсатма бериш учун келмаслигини, аксинча, Россия Туркистони ҳақида қоникарли маълумотлар йиғиш ва иттифоқчи давлатларнинг манфаатларига мос равишда немислар ва турклар ташвиқотига қарши биргаликда ҳаракат қила оладиган унсурларни топишни мақсад қилганлигини билдиради.

1918 йил 10 апрелда Ҳамилтон Грант майор Бейлига телеграф орқали қуйидаги кўрсатмаларни юборди:

Қошғар делегациясига оид кўрсатмалар

1. Сиёсий бўлим майор Бейли 39-ҳимоя батальонидан капитан Эсертон ва капитан Блекер бошчилигидаги комиссия ҳинд офицерлари ва ходимлари билан имкон қадар тезроқ Қошғарда бўлади.

2. Комиссия Қошғарга етиб келгунча бошқарувни майор Бейли ўз қўлига олади. Кейин комиссия Қошғар бош консуллиги буйруғига бўйсунди.

3. Рус инқилоби ва марказий ҳукуматнинг собиқ Россия империясининг айрим қисмлари билан тузган тинчлик шартномалари натижасида Россия Туркистонидаги вазият инглиз олий ҳукумати ва Ҳиндистон ҳукумати қаттиқ безовта қилади. Бу делегациянинг мақсадларидан бири немис ва турк пропагандасига қарши туриш эди. Лекин бу комиссиянинг асосий вазифаси Рус Туркистони ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот тўплаш, маҳаллий халқ билан яқин мулоқот ўрнатиш ва иттифоқ манфаати йўлида ишлай оладиган одамлар билан қандай боғланиш бўйича батафсил ҳисобот тайёрлашдан иборат. Россия Туркистонидаги шарт-

шароитнинг ҳар куни ўзгариб бориши иттифоқ чизиғига мувофиқ ҳаракат қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар беришни деярли имконсиз қилади. Бироқ ҳозирча большевикларга қарши ва мухторият тарафдори бўлган мусулмон оммасидан унумли фойдаланиб мақсадларимизга эришиш мумкин бўлиши тушунилади. Бироқ комиссиянинг барча аъзоларига ҳеч қандай фаол тарғибот-ташвиқот билан шуғулланмасликлари ва фақат Ҳиндистон ҳукумати кўрсатмаси асосидагина Россия Туркистонига киришлари мумкинлиги, майда-чуйдаларигача аён белгиланди. Уларнинг вазифаси у ердаги мавжуд вазият, айниқса, Германия тажовузи учун жавобгар деб ҳисобланиши мумкин бўлган немис ва австриялик ҳарбий асирларнинг Афғонистондаги ҳаракатлари ҳақида кенг маълумот тайёрлаш ва юборишдир. Қолаверса, уларнинг вазифаси Россия Туркистонига қандай шароитда ва қандай усулда муваффақиятли интервенция қилиш мумкинлигини кузатиш ва тадқиқ қилиш керакдир (муаллиф томонидан ёзилган). Агар яхши интервенция учун асос яратилган бўлса ва Ҳиндистон ҳукуматидан ўз вақтида буйруқларни олиш мумкин бўлмаса, комиссия Қошғардаги Жаноби Олийларининг Бош Консулигидан буйруқларини олган ҳолда ўз вазифаларини бажаришлари мумкин.

4. Ушбу кўрсатманинг нусхаси майор Бейли томонидан Буюк Британиянинг Қошғардаги бош консулига топширилади.¹

Совет Россиясининг Қошғардаги бош консули Успенский Бейли ва уларнинг шериклари (Блакер, Ифтихон Аҳмад ва 4 нафар ҳинд хизматкори)га улар сўраган визани беради ва дарҳол Туркистон таш-

¹ India Office Records. L/P S/10 (74).

қи ишлар халқ комиссари Домогацкий-га хат ёзади. У ўз мактубида Британия ҳукумати Ҳиндистон билан бир қаторда Ўрта Осиё ва Кавказдаги вазиятдан хавотирда экани, шу сабабли улар воқеани жойида аниқлаш учун делегация юборганлиги ҳақидаги хабарни етказган.¹ Бейли 1918 йил 14 августда ҳамроҳлари билан Тошкентга келади ва 18 августда Догамацкийнинг ёнига ташриф буюради. Бейли ёки унинг атрофидагилар ўша пайтда Тошкентдаги бирон-бир туб аҳоли билан алоқа ўрнатганми ёки йўқми, ҳозирча маълум эмас. Бейли Тошкентда Угреҳлидзе хоним билан учрашади. Агар улар бу хонимдан бошқа бирор-бири киши билан учрашганларида совет манбалари буни Британиянинг босмачиликни қўллаб-қувватлаганига далил сифатида тез-тез ишлатган бўлар эди. Бироқ кўп ўтмай Бейли қўрбоши Эргаш билан боғланиб, унга 2 миллион рубл бергани учун совет ҳукумати томонидан ҳибсга олинади. Бироқ бундай ҳолат мавжуд эмаслигини исботлаган Бейли суд томонидан озодликка чиқарилади. Капитан Блекер касаллик туфайли Ҳиндистонга муддатидан олдин қайтади. Бейли делегацияси аъзоси шаҳзода Абдурахимбек нима сабабдан Тошкентга келмагани маълум эмас. Октябрь ойининг бошида Бейли Бухоро амирлигига келади. Бейли Бухорода большевиклар инқилобигача рус разведкасида ишлаган савдогар Мирбадалов билан учрашади. Мирбадалов Бейлининг ишончини қозонади ва унинг асосий янгиликлар манбаига (хабарчиси) айланади. Совет руслари Бухорога ҳужум қилишдан олдин Бейли Бухорони тарк этади. Бу дипломат ва янгиликлар йиғувчи шахс совет манбаларида нотўғри талқин қилиниб, босмачилар ҳаракати

ти ташкилотчиларидан бири сифатида кўрсатилган. Худди шунингдек, Жорж Маккартнининг Туркистонга келиши ҳам Туркистон истиқлол курашининг англизлар томонидан қўллаб-қувватланганига далил сифатида тилга олинади. Бироқ Маккартни 28 ёшли дипломат бўлиб, унинг энг сўнгги вазифаси Буюк Британиянинг Қошғардаги бош консуллигида бўлган. 1918 йилнинг августида Тошкентга келади ва сентябрда Ҳиндистонга қайтиб кетади. Советлар уни Туркистондаги англиз малайлари бошлиғи деб даъво қиладилар. Бу ерда совет ташвиқоти Маккартнининг Туркистонда 20 кун бўлганлигини англизларнинг босмачилар ҳаракатини қўллаб-қувватлагани ва уюштиргани ҳақидаги асосиз даъволарига далил сифатида кўрсатади.² 1918 йилнинг ёзида АҚШ бош консул Рожер С. Тредуелл ҳам Тошкентга келади ва у ерда Бейли билан алоқа ўрнатади. Қолаверса, бу дипломатнинг Туркистонга келиши совет пропагандаси томонидан босмачилар ҳаракатини қўллаб-қувватловчи «Америка империализми» сифатида талқин этилди.

Ҳиндистоннинг англиз ҳукумати Туркистонда, айниқса, Бухорода бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб борди. Баъзи мужоҳидлар, масалан, 1919 йилда Мадаминбек ва Монстров ёки 1923 йилда қўрбоши Ёрмуҳаммадбек Британиядан ёрдам сўраш учун Қошғардаги Британия бош консулигига мурожаат қилишга уринадилар. Бироқ Англия ҳеч бир қўрбошига ёрдам бермайди. Бугун оммага очик бўлган ўша даврнинг махфий ҳужжатларидан кўриниб турибдики, Британия озодлик курашчиларига қурол ёки молиявий ёрдам бермаган. Аммо Британия разведка

¹ Т.Е.Елеуов (122). 1-жилд. 72-бет.

² Қўшимча маълумот учун: С.Р. Skrine and Pamela Nightingale, McCartney at Kashgar. – London, 1973. – P.259 – 261.

хизмати Туркистонда доимий равишда аниқ ва тўлиқ ишлаган дейиш қийин.

Масалан, Британия Ҳарбий Вазирлар Маҳкамаси ташқи ишлар идораси билан биргаликда 1920 йил 24 сентябрдаги «Бухоро ҳақида кўрсатма» тайёрлайди. Фақат бу эслатма тайёрланмагунча ўша пайтда Бухоро шаҳри ва Бухоро амирлигининг бир қисми совет руслари томонидан босиб олингани ҳақида ҳеч қандай тушунтириш берилмаган.¹

Совет ташвиқотида инглизлар ўзларининг антисовет сиёсатини амалга ошираётган марказ Бухоро бўлган деган қараш устувор. Шу нуқтаи назардан қараганда, совет ташвиқотининг объективлиги ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Бухоро амири Англиянинг Юқори Каспий минтақасига бостириб киришига (1918 – 1919) холис, ҳатто маълум даражада ижобий баҳо берганди. Генерал Маллесон орқали у қирол Георг V дан дўстликни мустаҳкамлаш учун 2000 аскар, 30 та тўп ва 10 та самолёт сўраган. Бу талабни британиялик мутахассис Д.Т.Монтеаз салбий деб топади. Монтеаз Бухоро қадимдан Россия империясига тобе бўлган давлат деган фикрда эди ва амир Совет Республикасининг қонуний ҳукуматига қарши исён кўтарди деб ҳисобларди. У Ташқи ишлар вазирлигига Бухоро билан алоқа қилмасликни маслаҳат берган.

Амир Олимхон 1920 йил 12 октябрда қирол Георг V га мактуб юборади. Қошғар бош консули мактубни ноябрь ойида Деҳлига юборади. Амир Деҳлига 15 кишилик вакиллик юбориб, Бухоро амирлиги муаммоларини тушунтир-

моқчи бўлади. Шундан сўнг Ҳиндистон генерал-губернатори Британиянинг Қошғардаги бош консуллигига Ҳиндистонга бундай вакилликнинг келишини маъқулламаслигини маълум қилади. Шундай қилиб, вакилликнинг Деҳлига боришига рухсат берилмайди.

Собиқ Бухоро амири 1923 йили Кобулда бўлганида ўзи ва 20 нафар ҳамроҳи учун Маккага ҳажга бориш учун рухсат олмоқчи бўлган. Бироқ Буюк Британия ташқи ишлар вазири Лорд Керзон 1923 йил 28 июнь куни бу талабни рад этди.²

Халқаро майдонда инглизларнинг Бухорога муносабати муаммонинг ички томонини очиб бераётган эди. 1927 йил сентябрда Бухоронинг собиқ амири генерал Юсуфбой Муқимбой раислигидаги вакилликни Женевадаги Миллатлар Ҳамдўстлиги мажлисига юбориб, Бухорони озод қилишни сўрайди.³ Буюк Британиянинг у ердаги ваколатхонаси Бухородан келган вакиллик учун катта аҳамиятга эга эди. Ҳамдўстлик саройида амир вакиллиги инглиз вакиллигидан бўлган В.Кавендиш Бептинск ва А.Кодоган билан учрашади. Вакиллик бу икки вакилдан Британия ташқи ишлар вазири билан учрашув ташкил этишни сўрайди. Кавендиш Бептинск дарҳол ўз норозилигини билдиради ва Лондондаги Ташқи ишлар вазирлиги билан боғланади. Кейин у Британиянинг Бухоро вакиллигига қуйидаги расмий жавобни етказди: «Собиқ амирликнинг халқаро мақоми йўқ. Мен унинг ҳудуди аллақачон Совет Россияси томонидан босиб олинган деган фикрдаман».⁴ Амир ва-

¹ Note on Bukhara, 5 pages, India Office Records, L/P-S/10/810. Sadece şu açıklama vardı: «The extinction of Bukhara as an Anti-Bolshevik unity, passively friendly to us, is unfortunate».

² Glenda Fraser, Alim Khan and the Fall of the Bokharan Emirate in 1920 // Central Asian Survey. Vol. 7. №4. 1988. – P.57. Бу ерда Лорд Керзоннинг шу сўзлари жой олган: «I do not think the ex-Emir ought to be permitted to visit India at all, whether his stay be brief or long».

³ Бу меморандум кейинчалик шундай сарлавҳа остида эълон қилинган: Said Alim. La voix de la Boukhaerie oprimee. – Paris, 1929.

⁴ Glenda Fraser (350). 59-бет.

киллиги Женевадан Кобулга омадсизликка учраб қайтади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, инглизлар Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатини диққат билан кузатиб бордилар, лекин улар бу курашчиларга қарши ҳаракат қилмаганлари ёки энг камида уларга ҳеч қандай ёрдам бермаганлари ҳам маълум. Бу ҳақда ҳеч нарса дейишга ҳаққимиз йўқ, чунки улар Ҳиндистон, Афғонистон ва Эронда ўз манфаатларига мос сиёсатни амалга оширишлари учун шундай қилишлари керак эди. Қолаверса, руслар томонидан зудлик билан кун тартибига киритил-

ган «панисломизм» ва «пантуркизм» тушунчалари инглизларни безовта қилиши мумкин эди. Туркистон ёки Афғонистондаги собиқ усмонли зобитларининг турли вазиятларда айтган баёнотларидан ўзлари учун сабоқ чиқаришлари мумкин бўлади. Негаки совет Россиясининг инглизлар босмачиликни қўллаб-қувватлагани ҳақидаги даъволари фақат хаёлот маҳсулидир. Агар инглизлар Туркистондаги (жумладан, Бухоро ва Хоразмдаги) миллий жангчиларни қўллаб-қувватлаганларида эди, жангчиларнинг ҳаракатлари, эҳтимол, муваффақиятга эришган бўлар эди.

СОВЕТ РУСЛАРИНИНГ НЕМИС ВА АВСТРИЯЛИК ҲАРБИЙ АСИРЛАРНИ ТУРКИСТОНДАГИ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАШИ

1916 – 1917 йилларда Туркистонда 190 мингга яқин немис ва австриялик ҳарбий асирлар бор эди. Бу асирларнинг бир қисми 1917 йил октябрь инқилобидан олдин Сибирга юборилган. Туркистонда бошланган қўзғолон натижасида руслар учун энг самарали йўл асирларни олдинга суриш эди. Шунинг учун маҳбусларнинг аксарияти (аниқ рақамлар советлар томонидан ҳеч қачон берилмаган) Москва ва Тошкентнинг илтимосига биноан қизил армияда аскар ёки офицер сифатида ишлаш учун танланган.

1918 йилнинг ўрталарида бу ҳарбий асирлардан Тошкентда «Чет эл ишчилари ва деҳқонларининг коммунистик ташкилоти» тузилди. Мазкур ташкилотнинг асосчилари сифатида Фаглер, Лоранд ва Вайс келтирилади. 1918 йил декабрь ойида яна 13 та шунга ўхшаш ташкилот тузилади. Улар «Хорижий ишчилар ва деҳқонлар коммунистик партияси» номи остида бирлашадилар. Чехиялик Свобада раислигида ҳам бир қўмита таш-

кил этилган. Бу қўмита кейинчалик 1919 йилда венгриялик Бела Кун раислигида Москвадаги Хорижий коммунистик гуруҳлар марказий федерацияси тартибига киради. Бундан ташқари, 1918 йил бошида ҳарбий асирларнинг қурултойи бўлиб ўтади. Бу қурултойда совет ҳукмронлигини қўллаб-қувватлаш масаласи кўтарилади. Коммунистлар рус «пролетариати» билан биргаликда Туркистондаги совет ҳукмронлигини қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Шундан сўнг қизил армия ўз сафларида ҳарбий асирлар орасидан аскар бўлиб ишлашга рози бўлган ҳар бир кишига 3000 рубль беришни бошлайди. Бу амалиёт натижасида 1918 – 1920 йилларда ҳарбий асирлардан кўплаб қизил армия бўлинмалари тузилади. Бу бўлинмаларнинг энг машҳурлари сифатида 3-интернационал легиони, 1-интернационал Туркистон полки, 2-Фарғона отлиқ полки, 2-интернационал полки, «Тошкент» танк корпуси, Чоржўй интернационал-

лар жамоаси ва Зиммерманн қўмондонлигида немис бўлинмасини (1800 аскардан иборат) санаб ўтиш мумкин.

1918 – 1919 йилларда Туркистондаги қизил армия тахминан 106 000 аскардан, жумладан, австриялик, немис ва чехиялик ҳарбий асирлардан иборат эди. 1919 йилда эса бу рақам 38 000 га тушди.¹

Эрнст Кужело, М.Врабетс, Янош Варга, В.Тейнер (1919 йил май ойидан кейин Туркистон ССР ҳарбий комиссарининг ўринбосари бўлган немис) каби шафқатсизлиги билан машҳур бўлган интернационал бўлинмаларнинг қўмондонлари ҳозирда ҳам совет тарихчилари томонидан мақталади. Совет «интернационал гуруҳлари» Туркистондаги совет қўшинларининг 16 фоизини ташкил қилган. Қолаверса, Туркистонда собиқ ҳарбий асир бўлган 27 мингга яқин «интернационалист» хўжалик юритиш билан шуғулланган.² Бу «интернационаллар» босмачиларга қарши энг шафқатсиз усуллар билан курашарди. Урушда улар қуролсиз одамларга заррача ачинишмади. Улар қизил армиянинг энг содиқ хизматкорлари эди. 1918 йил феврида улар яна Қўқон Мухтор Республикасига қарши курашиб, қизил гвардиячилар билан биргаликда шаҳарга ўт қўйиб, талон-торож қилганлар, худди шундай Юқори Каспий ва Оқтуба фронтларидаги каби Фарғонада ҳам босмачиларнинг энг муросасиз душманлари сифатида намоён бўлганлар. 1920 йилда Бухорода ҳам

улар қизил армиянинг энг ашаддий жангчилари қаторида эди. Совет қўшинларининг Бухорога ҳужумида 8000 немис, 30.000 австриялик ва венгриялик аскар большевиклар билан бирга қизгин кураш олиб борди.³

1918 йил 20 июнда Германия-Швейцария вакиллиги ҳарбий асирларга ёрдам бериш учун Тошкентга келади. Бу манзарадан ҳайратда қолган вакиллик Туркистон Халқ Комиссарлари Советига ҳарбий асирларнинг қизил армия сафига жалб этилишига қарши норозилик билдиришади. Халқ комиссарлари вакили уларга: «Ҳар бир меҳнаткаш, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, қизил армия сафида хизмат қилиш ҳуқуқига эга», – деб жавоб қилади.⁴ Германия-Швейцария делегацияси қизил армияга ҳарбий асирларни жойлаштиришга қарши ҳеч нарса қилмасдан қайтиб келади.

Фрунзе совет Россияси бош қўмондони номига юборган ҳисоботида жанг қилаётган интернационал гуруҳлар Туркистон қўшинлари ичида энг яхши тайёрланган ва ишончли гуруҳлар эканлигини таъкидлайди.⁵ 1918 – 1921 йилларда бу интернационалист гуруҳларнинг аксарияти жанг майдонларида ҳалок бўлади ва 1921 йилдан кейин улар қизил армия сафини аста-секин тарк эта бошлайдилар. 1926 – 1927 йилларда Туркистонда совет аскарлари билан жанг қилган собиқ ҳарбий асирлар сони 6000 нафарга тушади.

¹ Эзертон (132). 155-бет.

² Ташлиев (122). 108- ва 137-бетлар.

³ Political Intelligence Department. Foreign Office, Political developments in Russian Central Asia since the revolution, India Office Records C/P-S 10/721.

⁴ Х.Ш.Иноятов (96). 264-бет.

⁵ Фрунзе (153). 131-бет.

МУСУЛМОНЛАРНИНГ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШИГА ҚАРШИ МУСУЛМОНЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ

Совет Россия ҳарбий маъмурияти фақат руслардан фойдаланган ҳолда босмачиларга қарши ғалаба қозониши мумкин эмас эди. Шунинг учун қизил армия сафларида босмачиларга қарши курашадиган туркистонликлар ёки бошқирд ва татарлар каби бошқа мусулмонлар бўлиши керак эди. Миллий курашга қарши мусулмон халқлардан аскар жалб этиш нафақат ҳарбий зарурат, балки, ундан ҳам муҳими, босмачиларга қарши ташвиқот олиб бориш орқали Туркистон мусулмонларини назорат остига олиш, мусулмон халқида советларга нисбатан ишонч пайдо қилиш ва шу тариқа ғалаба қозониш мақсад қилинган эди. Россиянинг Туркистон комиссияси ҳеч бўлмаганда совет терминологиясида ишлатиладиган туб аҳолининг (коренное население) бир қисми советлар томонида урушга қўшилиши зарурлигини англаганди. Туркистон комиссияси 1919 йил 8 декабрда Туркистон мусулмонларининг қизил армия таркибидаги иштироки масаласини муҳокама қилиб, уни зудлик билан амалга оширишга қарор қилади. Шу мақсадда 1920 йил бошида мусулмонлар армиясини ташкил этиш учун штаб тузилади. Фрунзени бу ташаббус, айниқса, «мусулмон армияси» тушунчаси безовта қилади. Фрунзе штабни тарқатиб юбориб, Туркистон комиссиясига қуйидаги мазмундаги мактуб ёзади: «Махсус штаб ва мусулмонлар қўшини бўлиши мумкин эмас. Бу борада кўпроқ фикр алмашишимиз керак. Ильич (Ленин) билан бўлган учрашувларимизда маҳаллий халқдан армия тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бироқ бу армия эътиқод эмас,

миллийлик асосида тузилади».¹ Шундан сўнг 1920 йил 12 февралда инқилобий ҳарбий кенгаш миллий ҳарбий қисмларни фақат қизил армия таркибида ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Фрунзе Туркистондан аскарликдан кўра тарғибот ишларини олиб бора оладиган одамларни кўпроқ ўзига жалб қилмоқчи бўлган. Қизил армия катта йўқотишларга учраганлиги сабабли Инқилобий ҳарбий кенгаш 1919 йил 6 декабрда чор даврида Туркистонда вақтинча ёки доимий бўлган офицерлар ва ҳарбий хизматчиларни ўз сафига олиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Бундан ташқари, бу қарорга қарши чиқиб қизил армия сафига қўшилишни истамаганлар инқилобий ҳарбий судларга топширилган.²

Бу қарор билан Туркистон fronti чор даврининг собиқ ҳарбий зобитларини шахсий таркибига киритиб, ўз камомадларини ёпади. Туркистонда қизил армия сафида жуда кам мусулмон зобитлар хизмат қиларди. Бу зобитлар татар бошқирдларидан иборат эди. Фрунзе 1920 йил 8 мартда 200 нафар туркистонликни Тошкентдаги ҳарбий мактабга қабул қилишга рухсат беради. 1920 йил 7 майда Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши туб аҳолини ҳарбий хизматга олиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Ушбу буйруқдан 3 кун ўтгач Совет-Россия Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши Ленин имзолаган «Сибирь, Туркистон ва бошқа чекка ҳудудларда рус бўлмаган миллатларни қизил армия сафига жалб қилиш тўғрисида» буйруқ чиқаради. Бу буйруқ асосида Туркистон халқи зўрлик билан қизил армия сафига тортилди. Туркистондаги

¹ Богоутдинов (18). 400-бет.

² Елеуов (122). 2-жилд. 99 – 101-бетлар.

ҳарбий маъмурият 1920 йилда¹ 30 мингдан ортиқ мусулмон қизил армия сафига жалб этилганини маълум қилади. Бироқ қизил армия томонидан тайёрланган бу мусулмон гуруҳларининг аксарияти қисқа вақтдан сўнг босмачилар сафига ўтиб кетган. Совет ҳарбий маъмуриятининг мусулмон аскарларини қизил армия сафига олиш ҳақидаги талабидан мақсад, аввал айтиб ўтганимиздек, Туркистон мусулмонлари номидан тарғибот қилиш имкониятини ошириш истаги эди. Шу билан бирга, Волга-Урал минтақаси ва Москва-Петербург шаҳарларидан келган аскарлар совет ҳарбий маъмурияти учун энг интизомли ва итоаткор бўлиб чиқади. Совет маъмурияти 1920 – 1924 йиллар оралиғида Туркистонда фойдаланиш учун 30 мингга яқин мусулмонни жалб қилган эди. Айниқса, Туркистон ташқарисидан келаётган мусулмон аскарлари том маънода ҳақиқий жангчилар эди. Туркистонлик мусулмонлардан асосан тарғибот воситаси сифатида фойдаланилган. Ўз миллатига қарши курашганлар сони жуда оз эди.

1919 йилдан кейин совет маъмурияти қизил армияга ёрдам бериш учун туркистонликлардан милиция бўлинмаларини тузишга ҳаракат қилган. Қизил армия ҳарбий операцияларида ва тартибни сақлашда фойдаланилган бу милиция бўлинмалари, айниқса, 1922 йилда кўпайтирилган.

Совет тарихшунослиги миллий кураш бойлар, муллалар ва миллатчи буржуазиянинг меҳнаткаш халқни алдаб совет Россияси ва большевизмга қарши қилган қўзғолонларидан иборат эканлигини таъкидлайди. Биз бу ерда бу

совет сафсаталарига тўхталмоқчи эмасмиз. Туркистон миллий кураши синфлар ўртасидаги кураш эмас, балки охиригача борган халқ ҳаракати эканлигини совет маъмурияти ҳам, унинг маҳаллий ҳамкорлари ҳам, большевиклар тузумининг хизматкорлари ҳам яхши билардилар. Бу ҳаракатда айрим бойлар, муллалар иштирок этганини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ совет манбалари баъзи руҳонийлар ва бадавлат жаноблар совет руслари сафидан ўз ўрнини эгаллаганлиги ҳақида ёзадилар. Худди шунингдек, нега бу нуфузли кишилар советлар сафидан ўз ўрнини эгаллаганлиги ҳақида тўхталмаймиз. Бироқ биз баъзи бойлар ва руҳонийларнинг ҳаракатлари совет ҳукмронлигининг ёйилишида қанчалик самарали бўлганини кўрсатмоқчимиз.

Бу туркумга киритилган энг типик мисоллардан бири Туркистонни советлаштиришда етакчи роль ўйнаган Убайдулла Хўжанинг ўғли Файзулла Хўжадир. Унинг отаси Бухоро амирлигининг энг бой савдогарларидан бири эди. Ягона меросхўр сифатида у Россия ва Бухорода кўплаб кўчмас мулк ва корхоналар эгаси бўлган. Кутилмаганда Файзулла Хўжа жадидга айланади ва амирга қарши курашади. Жадидлар унчалик кучли бўлмагани учун амирни ағдара олишмайди. Тошкентда большевиклар ҳукмронлик қилаётганини англаган ҳолда у амирни ағдариш учун совет руслари билан алоқага чиқади. Шундай қилиб, у ва унинг тарафдорлари совет руслари томонидан Бухорони босиб олиш учун сиёсий замин тайёрлаган ҳамкорларга айланади.

¹ Луин (7. 78-бет) босмачиларга қарши урушда тахминан 60 минг ўзбек, 53 минг тожик, 45 минг туркман, 40 мингга яқин қирғиздан (яъни ўртача 198 минг туркистонлик) ихтиёрий равишда фойдаланилганини таъкидлайди. Бу рақамлар ўта бўрттирилган. Қ.Ҳасановнинг ёзишича (В.И.Ленин и Туркбюро ЦК РКП (б). – Ташкент, 1969. – С.91), қизил армиянинг 1-дивизиясида 1384 нафар ўзбек, 1493 нафар қозоқ, 108 нафар туркман; 3-дивизионда 1988 ўзбек ва 240 тожик (1921 йил апрель ҳолатига кўра) бор эди.

Бухорони босиб олган кучларни қучоқлаб, бутун уруш давомида уларни қўллаб-қувватлаган Файзулла Хўжа амирнинг ағдарилиши ва Бухоронинг халқ республикасига айланишида катта роль ўйнади. Мукофот сифатида Бухоро бош вазирлигига олиб келинган Файзулла Хўжа 1938 йилда Москвада қатл этилгунга қадар совет тузумининг содиқ хизматкори бўлиб қолган. Қудратини чексиз бойлигидан, таъсирчанлигини эса аввал жаҳид, кейин коммунистик, сўнгра совет тузуми раҳбарлигида бош вазирликдан олган Файзулла Хўжа совет Россияси аннексия сиёсатининг (гарчи уруш йўли билан бўлса ҳам Бухоро маъмурияти ҳеч нарса талаб қилмайди) амалга оширилишига ёрдам берган ва босмачиларга қарши курашган энг нуфузли шахслардан бири эди.¹

Бу тадбиркор шахс Туркистон халқининг жаллоди сифатида қисқа вақт ичида коммунистик етакчилар қаторидан ўз ўрнини эгаллай олди. Босмачилар ҳаракатининг бундай бой тарафдорлари бўлмаган. Ватанни қонли совет этик-

ларига оёқости қилишни истамагани учун ўз бойликлари билан миллий қаршиликни қўллаб-қувватлаётган бойларнинг мол-мулки Файзулла Хўжанинг мол-мулки олдида оддий туянинг қулоғидек гап эди. Абдулқодир Муҳиддин Мансур Файзулла Хўжадан ортда қолмай, совет тузумини қўллаб-қувватлаган яна бир бой тадбиркор эди.²

Туркистон озодлик курашига қарши баъзи руҳонийлар советлар сафида бўлган эди. Улардан бири 1921 – 1937 йилларда мужоҳидларга қарши советлар билан фаол иш олиб борган Мирза Набиев домла бўлган.³

Совет манбаларида Назир Тўракул, Қайғисиз Отабоев, Абдулла Раҳимбой, Иноғом Хидирали, Низомиддин Хўжа, Юсуф Иброҳим, Алимжон Акчурин (охирги икки киши қозонлик), Аббос Али каби кўплаб мусулмонлар ўз диндошларига қарши руслар билан фаол ҳамкорлик қилганлари қайд этилган. Русларга хизмат қилган бу одамлар қўрбошиларнинг ҳаракатларига парво ҳам қилмадилар. Руслар мужоҳидларга қарши муваффа-

¹ Мажид Ҳасанов. Файзулла Хўжаев. – Тошкент, 1990. – Б.115: «Файзуллох Хўжа 1922 йил 18 мартда Бухоро шаҳар марказида бўлиб ўтган намойишда қуйидаги фикрларни айтди: «Биз босмачилардан қўрқмаймиз, чунки совет Россияси бизни қўллаб-қувватлайди». Б.129: «Файзуллох Хўжанинг буйруғи билан 1922 йилда босмачилар оиласидан 60 киши гаровга олинди, агар босмачилар ҳаракатларини давом эттирсалар, гаровга олинганлар отиб ташланади дейилган». Босмачиларга қарши курашда Бухоро Халқ Республикаси руслар билан яқин алоқада бўлган. Буни қуйидаги воқеадан англаш мумкин: 1922 йил 8 мартда Жаббор қўрбоши бўлинмаси Эски Бухорони қамал қилади. Файзулла Хўжа ҳукумати совет русларидан зудлик билан ёрдам сўрайди. Шундан сўнг Самарқанддан қизил армия бўлинмалари Жаббор қўрбошига ҳужум қилади, 1922 йил 15 мартдан 20 майгача давом этган урушда Жаббор қўрбоши бўлинмаси мағлуб бўлади, лекин тарқалиб кетмайди. Бухоро ҳукумати 1922 йил 25 майда босмачиларга умумий амнистия эълон қилади. Жаббор қўрбоши бунга ишонади ва бўлинмаси билан қуролини ташлайди. Бироқ у қизил армия қўмондонлари томонидан отиб ташланади. Қаранг: Шарқ юлдузи. 1991. №3. – Б.188.

² Абдулқодир Муҳитдин Мансур (1892 – 1934) Бухоронинг энг бой кишиларидан бири эди. У Ёш бухороликлар инқилобий қўмитасининг раиси бўлиб, совет қўшинларининг Бухорога бостириб киришини олқишлаганлардан бири эди. Амир ағдарилгач, Бухоро Халқ Республикасида қишлоқ хўжалиги ва савдо вазирлигига (1920 – 1924) олиб келинган Муҳитдин Мансур кейинчалик Тожикистон Халқ Комиссарлари Совети раиси (1925 – 1929) бўлди. Қаранг: Эргашев Б. Революционная, партийная и государственная деятельность Абдукадира Мухитдинова // Общественные науки в Узбекистане. 1989. №10. – С.33 – 40. 1930 – 1934 йилларда бу мультимиллионер нима қилгани манбаларда тилга олинмаган.

³ 1881 йилда туғилган Мирза Набиев Бухорода илоҳиёт илмидан таҳсил олган. Майданак қишлоғида имом бўлиб ишлаган кезларида Бухоро ҳукумати ва руслар билан алоқада бўлади. У қўрбоши Гаюрбек ҳақидаги маълумотларни русларга етказди ва қизил армиянинг 9-пиёда дивизияси билан қўрбоши Гаюрбекка қарши жанг қилади. 1925 йилда Файзободда Инқилобий ҳарбий қўмитанинг раиси бўлади. У хатти-ҳаракати Гаюрнинг ўрнини босувчи Исмаиulloх қўрбошига қарши курашади. Исмаиulloх қўрбоши ўша йили шаҳид бўлади. Набиев дастлаб Ҳисор области совет инқилобий қўмитасининг бошлиғи, кейин 1926 йилдан Кўлоб вилоятида ишлайди. 12.12.1926 йилда Тожикистон Марказий Ижроия Қўмитасига аъзо бўлади ва Фузайл Маҳдумга қарши ҳужум уюштилади. 1931 йилда Иброҳимбекка қарши курашади. Бу содиқ хизматкор совет ҳокимияти томонидан 1937 йил 12 декабрда «ватанга хиёнат» жинояти учун қатл этилади. 1957 йилда, яни 21 йилдан сўнг унинг обрўси тикланади. Қаранг: Коммунист Тажикистана: журнал. 1989. №4. – С.86 – 90.

қиятга эриша олмаган ҳолларда улар зудлик билан босмачилар раҳбарлари билан учрашиб сулҳ шартномаси тузмокчи бўлдилар. Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати босмачилар бошлиқларига афв этиш тўғрисида сулҳ мактублари жўнатишади. Баъзи кўрбошилар бу мактубларга ўз шартлари билан жавоб беришади. Бу борада биз мужоҳидларнинг етакчи раҳбарлари Бухоро Халқ Республикаси бош вазири Файзулла Хўжага ва раҳбари Муинжон Аминовга йўллаган мактубини тақдим этилмоқда:

«Сизга саломларимиз. Алҳамдулиллаҳ, соғлиғимиз яхши. Биз сизнинг маъносиз хатингизни олдик ва сиз бузиб кўрсатган фактлардан ҳайратда қолдик. Сизнинг мактубингизда: «Мен Бухоро инқилоби бошланганидан бери қаттиқ меҳнат қилдим, лекин сиз бизни тарк этдингиз, биз сизни мудофаа вазири қилмокчи эдик. Сиз ақли норасо одамларга эргашган бўлсангиз керак. Ортга қайтинг, жазонгиз кечирилади», – дебсиз. Биз бу даъводан ҳайратда қолдик. Большевик рус биродарларингиз билан Бухоро ерларини эгаллаб, халқнинг қонини сўриб, тилла тангани олиб, булар етмагандек, ҳамма нарсани вайрон қилдингиз. Ҳаром этикларингиз билан муқаддас масжид ва мадрасаларимизни оёқости қилдингиз. Фавқулодда комиссия ва ўзингиз тузган буйруқ билан халқ мулкани талон-торож қилдингиз.

Буларнинг ҳаммасини оқсоқоллар, инқилоб муҳолифлари, бойлар ва буржуазиялар деб айтдингиз ва ниҳоят большевизм, коммунизм мафкурасини англай бошлагингиз. Динингизни, иймонингизни, виждонингизни лаънати русларга бир тилим нонга сотдингиз. Рус большевиклари сиздан куч олиб, тазйиқларини кучайтирдилар. Бухоронинг мустақиллиги ҳақидаги гап ҳавода

қолди. Шу сабабдан бухоролик инқилобчилардан Усмон Хўжа Бухоро халқининг бошлиғи бўлса ҳам, сизга ва рус консуллигига қарши уруш эълон қилди. У босимга чидай олмади. Мен ҳам шу юртнинг фарзанди сифатида ватаним фаровонлиги учун курашганман ва келажакда ҳам рус большевикларига, сиздек сотқинларга қарши қаҳрамонларча курашаман. Ҳақиқий мужоҳидлардан бўлган ҳеч бир бухоролик ўғил сизнинг фикрингизга қўшилмайди, виждон ва шаънини сотмайди.

Бугун Бухоронинг ярим миллион аҳолиси қиличини кўлига олиб, сотқинларга қарши курашаётганини, Бухоронинг тоғ-чўлларида қайноқ қонини тўкаётганини кўриб турибмиз. Биз ҳам шу юртнинг асл ўғлонлари билан Бухоронинг мустақиллиги, равнақи йўлида сиздек коммунистларга қарши урушимизни давом эттираемиз.

Биз босмачи эмасмиз, биз ватанимизнинг ҳақиқий ва содиқ хизматкорларимиз. Русларни ватанимиздан қувиб чиқарамиз ва йўқ қиламиз. Бизни тўғри йўлга қўйгани ва тўғри ғоялар бергани учун Аллоҳга беҳад шукроналар айтаемиз. Биз урушимизни давом эттираемиз. Мусулмонлар бизга ўз ихтиёри билан қуроллари билан келдилар.

Улар жиҳодга қўшилишни хоҳлашади. Улар биз билан ислом ва мусулмонларнинг нажоти учун курашмоқда. Уларнинг ҳар бири ислом учун жон беришга тайёр. Бу эътиқод бизни кофирлар ва виждонсиз одамлардан имкон қадар тезроқ қутқаради.

Мактубингиз охирида: «Сулҳ таклифимизни қабул қилмасангиз, кучимизни, ҳалокатли зарбамизни кўрсатамиз», – дебсиз. Бу хабар сизнинг ҳақиқий ниятингизни очиб беради. Ўртоқларингизнинг танклари ва артиллерияларига

қарамай, сизга қарши курашамиз. Худо ғалабани қадрлайди. Биз жангдан қўрмаймиз ва ҳар доим олдинга борамиз.

Миллатга хиёнат қилган инсон сифатида ўзингизни қаҳрамон қилиб кўрсатишга уринаётганингизга ачинаман, бир кун келиб халқнинг ғазабини кўрасиз. Муҳтарам зотлар! Таклифимизни манзур тутасиз, лекин жуда кеч бўлмасдан бизга қўшилиш ва жамоатчилик сиздан миннатдор бўлади. Сиз ислом сафларида жанг қилаётган мусулмонлар тарафида бўлишингиз ва шу тариқа тарихда қолишингиз керак.

Ислом жангчилари билан бирлашинг ва русларни севимли ватанимиздан қувиб чиқаринг. Агар шундай қилсангиз, ватанимиз фаровонлиги йўлида биргалликда ҳаракат қилишимиз мумкин. Бу бизнинг ягона тилагимиз.

Эзгу тилакларим билан

Бош қўмондон: Ғозий

Бухоро инқилобчилари, Қори Абдулла, Норқул Ботир, Дониёрбек Эликбоши. Биз соғ ва яхши бўлишингизни хоҳлаймиз. 1340, 18 Рамазон (18.09.1921)».¹

Совет ҳокимиятининг юқори поғонасига кўтарилган Туркистон давлат арбоблари совет Россияси бино этган девор ва унинг атрофини бузиб ўтиб, ўз халқининг муаммо ва истакларини эълон қила олмас эдилар. Шунинг учун улар ўз халқи фаровонлиги учун русларга ҳарбий ёки фуқаролик талабларини кўя олмадилар, ўз халқлари учун имтиёз ва қулайликлар ололмадилар. Совет руслари қўл остида ишлаган Туркистон давлат арбобларининг кўпчилиги ўз фуқаролари билан хўжайинлари ўртасидаги келишмовчиликда қолиб кетдилар. Ҳатто энг тақводор комму-

нист сифатида танилган Файзулла Хўжа ҳам халқ манфаатини биринчи ўринга қўйган ватанпарвар одамларни ўз сафига жалб қилгани учун Москвага кўп марта чақирилиб, у ерда ойлар давомида ҳисоб беришга мажбур бўлган.

Совет ҳукмронлиги доирасида Туркистоннинг миллий тузилишига аҳамият берган айрим туркистонлик арбоблар ҳам миллий курашга маънавий ёрдам бердилар. Бундай саъй-ҳаракатларнинг тепасида 1920 йил бошида ўз гуруҳи билан биргалликда 1920 йил 17 январда Туркистон Компартияси Мусулмонлар бюросининг қурултойида мустақил сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларни қўлга киритиб, Туркистон Турк Республикасини тузиш қарорини қабул қилган Турор Рисқул (Турор Рисқул – Туркистон Коммунистик партияси Мусулмонлар бюроси раҳбари ва Туркистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси) алоҳида таъкидлаб ўтишга арзийдиган шахсдир. У ва дўстлари Туркистон комиссиясини рус мустамлакачилигининг вакили сифатида кўрганлари учун рус комиссиясини Россияга қайтариб юборишни талаб қилдилар. Қолаверса, Туркистонга муҳожир сифатида ўрнашиб қолган ғайримусулмон аскарлари ва русларни қайтариб юбориб, миллий қўшин ташкил этилишини хоҳладилар.

Туркистонда совет тузумидан вакилик қилган ва туркистонликлар ўртасида совет Россиясининг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси Ижроия Қўмитаси раиси (давлат раҳбари) Турор Рисқулов 1920 йилда Туркистон Миллатлар комиссарлигини тарқатиб юборди. Москвадаги сиёсатчилар ва ҳарбий маъмурият, ай-

¹ Ҳасанов (359), 126 – 128-бетлар; Хўжаев (89), 1-жилд, 233 – 234-бетлар; Эрк. 1990. №27. – Б.3; Шарқ юлдузи. 1991. №3. – Б.188 – 189.

ниқса, Фрунзе туркистонликларнинг бу талабига кескин жавоб қайтаради. Москва ва Россиянинг Туркистон комиссияси Фрунзенинг талабларини асосли деб топди. Ленин ҳам Рискулнинг Туркистон Турк Республикасини тузиш ҳақидаги таклифини рад этди.¹

Туркистонда совет Россияси ҳукмронлиги доирасида айрим мавқеларда бўлган баъзи мусулмонлар совет Россиясининг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кўрган нарсаларига тоқат қилолмай, озодлик курашини қўллаб-қувватлай бошладилар.²

Туркистон зиёлилар гуруҳи Россия империяси таркибидаги халқларнинг мустақиллик ҳуқуқи ва 1917 йилдаги мусулмонларга қилинган даъват матнларида Россия ҳукумати мусулмонларга қарши яширин ўйинлар уюштираётганини билишарди. Рус большевиклар маъмурияти халқларнинг эркинлиги, мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида гапираётган бўлсада, унинг асосий мақсади ана шу ниқоб остида кўпроқ одамларни ўз тарафига жалб этиб, ўзларининг босқинчиликларини яшириш эди. Кўпгина мусулмонлар (қизил армия таркибида 30 минг мусулмон аскари мужоҳидларга қарши курашаётган эди), ислоҳотчи ва яхши ниятли одамлар рус большевиклари тузумининг сўзларига алданиб Россиянинг босқинчилик ҳаракатлари қуролига айландилар. Бироқ инқилобчи ёки коммунист бўлишидан қатъи назар, режимнинг самимийлигига шубҳа қилмаганлари ҳам бўлган. Улардан бири бухоролик инқи-

лобчи Исмоилбек бўлиб, асосан босмачилик билан шуғулланган. У 1920 йил сентябрда Боқуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойида Бухородаги совет амалиётини қоралаб: «Бу ерда гаплашаётганимизда ташқарида нима бўлаётганини биласизми? Бухорога қизил гвардиячилар қўшини кириб келмоқда! Амирнинг саройи ёнмоқда! Вазирлар ва муфтийлар ҳибсга олинмоқда! Ёвузлар Арк дарвозасидан (қалъадан) буюк Темур қиличини ерга улоқтирмоқда! Буларнинг барчасига масъул бўлган биз ўтириб нутқ сўзлаяпмиз! Йўқ, биз қўлимизни осмонга кўтариб, Ленин номини суистеъмом қилиб бу таъқибни қоралашимиз керак»³, – деган эди.

«Империализмга қарши ва мустамлакачиликка қарши» деб аталган қурултойда совет русларининг Бухорода содир этган ваҳшийликларига қарши овозини кўтариш учун Бухородан келган ягона шахс Исмоилбек эди. Совет маъмурияти бундай қоралашларни биринчи марта эшитаётгани йўқ. Уларга Туркистон халқининг ноласи фарқсиз эди, улар аллақачон шикоятларга кўз-қулоқларини юмишган, Туркистонни бутунлай бўйсундириш орзусида эдилар.

Халқ тоғларда, жанг майдонларида курашни давом эттирар экан, 1923 йил июн ойида партия амалдорларининг «Миллий республикалар ва ўлкалар» мавзусидаги маслаҳат йиғилишида Туркистон коммунистлари (масалан, Туркистон Коммунистик партияси котиби Султон Хўжан ва Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари университети талабаси

¹ Б.Ҳайит (29). 33-бет. Тўлиқ маълумот учун қаранг: Пирмат Шермухаммедов. Бўлиниш нимадан бошланган? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991.5.31.

² Бу амалиётлардан безовталаниб, миллий кураш сафига ўтган шахсларнинг айримлари куйидагилардир: Бухоро Халқ Республикаси раҳбари Усмон Хўжа. Республика полицияси бошлиғи Али Ризо. 1922 йил март ойида мудоффаа вазири бўлган Абдулҳамид Ориф. Ташқи ишлар вазири Насруллоҳ Пўлат Хўжа. Бухоро Халқ Республикаси Халқ хўжалиги кенгаши раиси Муҳитдин Амин. Туркистон Компартияси Марказий Қўмитаси аъзолари Тўракул Жонузоқ ва Тўхтабеклар. Қолаверса, Хоразм Халқ Республикасидан ҳам кўплаб шахслар бор.

³ Richard Euringer. Der Serasker. Irrfahrt und Ende des ruhmreichen Enver Pascha. – Hamburg, 2. Baski, 1942. – P.224.

Акмал Икром) Сталин хузурида ўз фикрларини билдиришди. Сталин Туркистон халқининг нутқига чидай олмай, жаҳл билан: «Ўртоқ Хўжа яхши гапирди, ўртоқ Икром ҳам ёмон эмас эди. Бироқ мен бу икки маърузачининг бир-бирига қарама-қарши бўлган қисмига эътибор қаратаман. Улар бугунги Туркистон билан чор Туркистони ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини, фақат муҳр ўзгарганини, Туркистон эса чор давридагидек ўз ўрнида қолганини таъкидладилар. Ўртоқлар, агар бу айбловлар ёлғон бўлмаса ва ўйланиб айтилган бўлса, босмачиларнинг гапи тўғри эканини ва Султон Галиев бизни ҳукм қилишини қабул қилишимиз керак. Туркистон чор давридагидек мустамлака бўлганлиги рост бўлса, нега сиз босмачилар ҳаракатига қўшилмадингиз?»¹ – деган.

Бундай одамлар тоталитар совет тузумидан чиқишга журъат эта олмагани аниқ. Улар совет тузуми халқнинг талабига жавоб беради, Туркистон халқининг бу оғир аҳволини коммунистик тузум доирасида ҳал қилиш мумкин деб ўйлар эдилар. Бундай хатога йўл қўйганлардан бири Ўзбекистон Олий суди раиси Саъдуллоҳ Қосим эди. 1924 йилда бу вазифага тайинланган Саъдуллоҳ Қосим қуйи судларнинг босмачилар ҳақидаги оғир қарорларини доимий равишда бекор қилди. У баъзи ўлим жазоларини қамоқ билан алмаштирди, узоқ муддатли қамоқ жазоларини қисқартирди, ҳатто мужоҳидлар раҳбарларини озод қилди. 1930 йил бошида у дўстлари билан (Ўзбекистон бош прокурори Бадираддин Шариф (аслида, Шамсиддин Бадриддинов – Р.Ш.), Тошкент суди раиси Мирсаид Зо-

кир, Мирзачўл судининг раиси Иброҳим Хўжа, тошкентлик бой Насриддин Олим, тошкентлик савдогар Акбар Самифжон) Самарқанд судига келтирилади. Суд уни ва унинг дўстларини босмачиларни қўллаб-қувватлаганликда, панисломчилик ва пантуркчилик қарашларга мувофиқ аксилинқилобчи ва советларга қарши ташкилотлар тузганликда айблайди.² Барча судланганлар ўлимга ҳукм қилинади. Ҳозиргача Саъдуллоҳ Қосимнинг пантуркчи ёки панисломчи эканлиги маълум қилинмаган. Бироқ у аксилинқилоб деганда совет большевизми ва рус империализмига қарши дегани эканлигини тушунди. Буни унинг қуйидаги сўзларидан тушуниш мумкин: «Биз илгари оддий колония эдик, ҳозир қизил колония бўлдик».³

Суд бўлиб ўтди ва берилган ҳукмлар кўргазмали равишда бўлди. Бу иш билан совет маъмурияти совет Россияси муассасаларида ваколатга эга бўлган ва ўз халқи манфаатини кўзлаган Туркистон халқини қўрқитмоқчи бўлди, суд эса Қосим минглаб босмачини қутқариб қолганини ошкор қилди. Совет ҳокимияти ҳалигача бу суднинг тўлиқ баённомасини ошкор қилмади. Фақат баъзи мафкуравий нашрлар ташвиқот мақсадидаги масалага мурожаат этган.⁴ Суд томонидан кўрбоши деб таърифланган Саъдуллоҳ Қосим ва унинг дўстларининг ҳимоя қилиш нутқлари ва ўлим жазосини талаб қиладиган ҳужжатлар ҳалигача ошкор қилинмади.

Совет Россияси учун барча мусулмонлар, хоҳ Туркистондан бўлсин, хоҳ бошқа жойдан бўлсин, ишончсиз ва хавфли унсурлардир. Маълумки, қизил армия тар-

¹ Б.Ҳайит (43). 239 – 240-бетлар; Б.Ҳайит (29). 58-бет.

² Қўшимча маълумот учун қаранг. Мустафо Чўқай. Саъдуллоҳ Қосим маҳкамаси // Ёш Туркистон. 1930. №7-8. – Б.12 – 21.

³ Б.Ҳайит. *Sovyetrussische Orientpolitik am beispiel Turkestans.* – Köln/Berlin, 1962. – P.89.

⁴ Мавзу буйича нашрлар: Катанян Р. Против Касимова – против Касимовщина. Речь государственного обвинителя. – Ташкент, 1931. Удар по националистической контрреволюции / Приговор над Касымовым. – Ташкент, 1931. – С.75.

кибидаги 30 минг мусулмоннинг кўпчилиги озодлик учун курашни бошлайди.¹ Бундан ташқари, ўз эгасининг ишончини қозониш учун максимал даражада ҳаракат қилган мусулмон ходимлари (полиция, аскарлар, кичик бўлинмалар кўмондонлари, айғоқчилар, қизил армия дўкончилари, Коммунистик партия ва давлат даражасидаги тарғиботчилар) бор эди. Бироқ бу ҳамкорлар 1936 – 1939 йиллар оралиғида амалга оширилган давлат террорида ҳам ўз «мукофотлари»ни олдилар. Коммунистик диктатура ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб, туб аҳолидан тортиб амалдорлар, полиция бошлиқлари, туб аҳоли томонидан тузилган ҳарбий қисмларнинг кўмондонлари, уларнинг айғоқчилари, ҳатто қўриқчиларигача ҳаммасини йўқ

қилади. Демак, «пролетариат диктатураси»ни ташкил этган бу «социалистик-коммунистлар ва марксчи-ленинчилар» кейинчалик сталинчиларга айландилар, гарчи улар қашшоқ қароқчи тўдалари бўлсалар ҳам, нега улар ўзларидан кўра кўпроқ меҳнат қилган маҳаллий ҳамкорларини йўқ қилиши зарурлигини билишармиди? Кўпгина совет манбаларида Туркистон меҳнаткашлари босмачиликни вайрон қилгани ҳақида ёзадилар. Ҳатто советлар ҳам Туркистондаги ишчилар (Туркистонда саноат ишчилари йўқлигини ҳамма билади) мужоҳидлар сафида эканлигини инкор этмайди. Ўз хаёлий маҳсулотларини ҳақиқий қилиб кўрсатишга уринаётганлар ҳеч қачон қарама-қаршилик ва иккиланишлардан қутула олмайди.

МИЛЛИЙ КУРАШДАГИ ЙЎҚОТИШЛАР ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Туркистоннинг мустақиллиги учун олиб борилган қуролли кураш 1934 йилдаги ҳарбий мағлубиятга мутлақо маҳкум эди. Қизил армия эса бу урушни ғалаба билан яқунлайди. Мазкур ғалаба учун советларда зарур бўлган етарлича аскарлар, замонавий қурол ва самолётлар, захарли газ, тўп ва пулемётлар бор эди. Бошқа томондан, мужоҳидларда душмандан вақти-вақти билан оладиган автомат қуроллари ва тўпларидан ташқари қилич, болта ва пичоқ, темир соплардан бошқа нарса йўқ эди. Совет Россияси эса Туркистондан тортиб олган улкан молиявий манбаларга эга эди. Фақат Бухоро ишғол қилинган пайтда Москвага олиб кетилган олтин ва қимматбаҳо тошлар Туркистондаги қизил армия учун 15 йил давомида етарли

бўлар эди. Қизил аскарлар Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор водийси ва Хивада ҳар қандай олтин ва жавоҳирларни талон-торож қилди. Туркистонда талон-торож қилинган бу бебаҳо заргарлик буюмларидан фойдаланишга журъат эта олмаган қизил армия уларни Москвага жўнатишга мажбур бўлди. Хавфсизлик нуқтаи назаридан Туркистонда олтин ва қимматбаҳо тошлардан фойдалана олмаган қизил армия бу сафар халқнинг пулини олишга киришди. Оғир аҳволда қолган халқдан ҳеч нарса ололмаган қизил аскарлар Бухоро Халқ Республикасидаги халқнинг мол-мулкани мусодара қилиб, уларга кейинчалик айирбошлаш учун қарз қоғозлари берди. Қизил армия 1924 йилда 3 миллиард олтин рубль қарз олган бўлса-да, фақат 30 миллиони

¹ Сафаров (80). 83-бет.

қайтариледи.¹ Шундай қилиб, қизил армия Туркистоннинг иқтисодий салоҳияти туфайли оёққа турган эди.

Туркистондаги истиқлол кураши бос-тирилди, мудофаа пунктлари вайрон қилинди. Туркистонда бу урушда жабрланмаган қишлоқ, шаҳар, воҳа, водий, тоғ ёки қудуқ қолмади. 1916 йил қўзғолонидан катта талафотлар билан омон чиққан халқнинг мустақиллик учун курашда 2 миллиони шаҳид бўлганини² эътиборга олсак, Туркистон халқининг ўз ватанини, динини ҳимоя қилиш йўлида ўлимга тик боққанини тушуниш мумкин.

Фарғона водийсидаги даҳшатли қирғиннинг кўламига ақл бовар қилмайди. Фарғона водийсида 1917 – 1923 йилларда умумий аҳолининг учдан бир қисми қирғин қилинган.³ 1917 йилгача собиқ Туркистон генерал-губернаторлигида (даштлар, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ҳисобга олмаганда) 8 084 400 мусулмон яшаган.

Бу рақам 1922 йилда 5 029 512 га камайди. Шунга кўра 3 053 188 мусулмон шаҳид бўлган.⁴

Миллий кураш бошланишидан олдин ва большевиклар даврида Бухоро ва Хоразм давлатларида қанча одам яшаганлиги ҳақида расмий статистик маълумотлар йўқ. Шунинг учун бу ҳудудларда советлар томонидан ўлдирилган одамларнинг сони ҳақида аниқ рақамларни айтиш мумкин эмас. Бироқ илгари тасвирланган қирғинлар ва бошқа ҳудудлардаги сонларнинг қисқариши туфайли Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг босиб олиниши билан бирга амалга оширилган қирғинлар жуда катта бўлди десак хато бўлмайди. Совет манбаларида 1925 йилда Бухорода 2.241.437 киши, Хоразмда 1.241.947 киши, яъни жами 3.483.384 киши бўлгани таъкидланган.⁵ 1922 – 1935 йилларда бир миллиондан ортиқ туркистонликларнинг Эрон, Афғонистон ва Шарқий Туркистонга қочиб ўтгани эътиборга олинса, совет манбаларининг қанчалик нотўғри эканлиги маълум бўлади. Қолаверса, 1923 – 1930 йиллар оралиғида босмачиларга ёрдам кўрсатган 270 мингдан ортиқ одам совет ҳокимияти томонидан Сибир-

¹ Сафаров (80). 87-бет.

² Озодлик шоири Абдулрауф Фитрат «Ҳинд инқилобчилари» (Берлин, 1923. – Б.39) асарида шаҳидлик маъносини шундай тасвирлайди: «Шаҳид Оллоҳ хузурига етганда Аллоҳ таоло ундан дунёнинг аҳволини сўрайди. Худо ундан дунёдан унга нима олиб келганини сўрайди. Шаҳид айтади: «Мен сенга бирор сўз ҳам, иш ҳам, бошқа бирор нарса ҳам келтира олмадим. Мен сенга кичик идишда бир томчи қон олиб келдим. Бу қимматбахо совға, эҳтимол, сенинг хазинангда бундай нарса йўқдир. Худойим, бу муқаддас қон. Бу томчи қон озодлик ва мустақиллик учун курашган шаҳиднинг ярасидандир. Бу яралар мустабидларнинг қилич зарбасидан ҳосил бўлган. Уларни қабул қил ва сақла».

³ Большая Советская Энциклопедия. Т.3. – С.76-бет. Шомагдиев (58, 287-бет) маълумотларига кўра, 6 йил ичида (1917 – 1923) йўқолган одамлар сони 800 000 кишини ташкил этган. Жалилов (199, 11-бет) маълумотларига кўра, 1915 йилда Фарғона вилоятида 2 миллион 211 минг киши яшаган. 1920 йилда 1.634.000 киши қолган (577.000 мусулмон ўлдирилган).

⁴ З.В. Тўғон. Хотиралар. – Истанбул, 1969. – Б.473. Совет манбаларига кўра, Туркистонда 5.083.879 киши яшаган. Брун (44-бет) га кўра, 1917 йилда Туркистонда тахминан 9 – 10 миллион ўзбек ва 1 миллионга яқин қирғиз яшаган. 1915 йилда Туркистоннинг 4 вилоятида 5.593.000 мусулмон яшаган. 1920 йилга келиб бу рақам 4.164.000 тагача камайди. Демак, қурбонлар сони 1.634.000 кишини ташкил этади. Қаранг: Жалилов (199). 11-бет. К.П.Тенга кўра (Русское население Средней Азии во второй половине XIX – начале XX веков // История СССР. 1970. №4. – С.152), Туркистон аҳолисининг 1916 йилдаги умумий сони 5.930.792 киши. Marco Buttino. Study of the Economic Crisis and Depopulation in Turkestan, 1917 – 1920 // Central Asian Survey. 1990. Vol. 9. №4. – P.64. Туркистон аҳолиси 1916 йилда 7.334.500 киши, 1917 йилда 6.554.300 (бир йилда 780.000 киши йўқолган) ва 1920 йилда 5.336.500 (1.217.800 киши бедарак йўқолган) (Бухоро ва Хоразмдан ташқари) эди. 1916 – 1920 йиллардаги жами йўқотиш 1.998.000 ёки 27% ни ташкил этади (65-бет). Қизил армия бош кўмондони 1921 йилда «Босмачиларни йўқ қилишда қизил армиянинг роли» тўғрисидаги директивасида: «Биз маҳаллий халқни йўқ қилиш орқалигина босмачилардан қутулишимиз мумкин», – деган. Қаранг: Қиличев Р. Биз босмачилармиз // Ўзбекистон санъати ва адабиёти. 21.2.1992.

⁵ Сулаймонова Х. История советского государства и права Узбекистана. – Ташкент, 1960. Т.1. – С.188. Файзулла Хўжага кўра (Шўро Ўрта Осиёсининг миллий ва фуқаролик низола қиссаси. – Бухоро, 1924. – Б.31) Бухорода 2,5 миллион, Туркистонда 7 миллион ўзбек истиқомат қилиши айтилади. Сулаймонованинг ёзишича, биргина Бухорода 1 миллион 319 минг 498 нафар ўзбек яшаган. Янги Туркистон: журнал. 1931. №39. – Б.2. 1920 – 1921 йилларда Бухоро аҳолиси 3,5 млн бўлган.

ҳикоя қилинади. Миллий кураш Туркистоннинг қишлоқ ва шаҳарларига дард, изтироб, мусибат ва вайроналик олиб келди. Мустақиллик сари босиб ўтган бу машаққатли ва қийин йўлни Шарқнинг янги тарихида ўзига хос йўл деб таърифласак хато бўлмайди. Босмачилар жисмонан мағлубиятга учраган бўлсалар-да, уларнинг руҳи бугунги туркистонликлар танасида яшайди. Ўша даврдаги миллий кураш халқни кейинчалик яшаш учун курашга олиб келди. Халқ истиқлолни хоҳларди, лекин ўша

пайтда эришолмади. Босмачилар ҳаракати ҳақидаги ўша дoston, хотиралар, ёш авлодларга айtilган шеърлар ёшлар онгида келажакдаги озодликнинг ёрқин юлдузларига айланди. Шунинг учун Туркистонда 1991 йил сентябрь-октябрь ойларида собиқ совет социалистик республикалари (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон) ўрнига мустақил давлатларнинг ташкил топиши Туркистонда мустақиллик учун олиб борилган кураш натижасидир.



Туркистоннинг мустақил давлатлари

«БОСМАЧИЛИК» КУРАШИ ТАРИХИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ,

*З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2023 йил 6 мартда «Жадидлар меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференция иштирокчиларига табрик» йўллади. Унда XIX аср охири ва XX аср бошларида бир қатор Шарқ ва мусулмон мамлакатларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасида теран тарихий илдизларга эга экани, бу улкан ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамиятга молик бўлган Туркистон жадидлари ғоят мураккаб ва қийин шароитда билим ва маърифатга эришиш ғояси билан майдонга чиққанлари алоҳида таъкидланди. Улар ўз маблағлари ҳисобидан мактаб ва театрлар, наشريёт ва кутубхоналар, газета ва журналлар ташкил қилдилар, қобилиятли ёшларни чет элларга ўқишга юбордилар. Уларнинг бу олийжаноб ташаббус ва ҳаракатлари жамият ҳаётида кучли акс садо бериб, қудратли тўлқинга айлангани алоҳида таъкидланди. «Ўйлайманки, – деб айтди Юртбошимиз, – тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда учинчи Ренессансни айнан жадид аждодларимиз амалга оширишлари мумкин эди. Афсуски, мустабид тузум уларнинг эзгу ғоя ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермади».¹

Усмон Хўжа Ватан хоини эмасди

Биз, тарихчилар, Усмонхўжа Пўлатхўжаевни ҳанузгача «ватан хоини», «инглиз жосуси» деб келдик. Тарихий асарларимизда масалага ҳар томонлама ёндашмасдан, «аравани куруқ олиб қочиб», осонгина мақсадга эришиш учун Усмонхўжа ва унга ўхшаш инқилобимиз курашчилари, пешқадамларига «ватан хоини», «инқилоб душмани», «буржуа миллатчиси», «туркпараст», «исломпараст» каби ёрлиқлар ёпиштириб келдик. Шундай йўл билан ўз асарларимиз, тадқиқотларимиз, диссертацияларимиз «синфий, партиявий, байналмилал замонавий руҳда» ёзилганини исботлашга уриндик. Атиги бир-икки мисол келти-

рамиз. Х.Турсунов билан А.Макашов ҳамкорликда 1983 йилда рус тилида чоп этган «Бухоро Коммунистик партиясининг ташкил топиши ва фаолияти» монографиясида Шарқий Бухородаги воқеалар ва Шарқий Бухорога келган Умумбухоро марказий ижроқўм раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг сотқинлиги, ватанга хоинлик қилиб босмачилар томонига ўтиб кетганлиги, жумҳурият ҳукумати ҳамда марказий ҳукумат ташкилотларини фавқулодда заифлаштиргангани ёзгандилар (139-бет). Х.Иноятовнинг 1984 йилда Москвада чоп этилган «Ўрта Осиё халқлари интервентларга ва ички контрреволюцияга қарши курашда»

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. <https://president.uz/list/view/6007>

номли монографиясида шундай сатрлар бор: «Собиқ ёш бухороликлардан чиққан аксилинқилобий унсурлар партия ва ҳукумат раҳбарлигига жойлашиб олиб, зимдан халқ ҳокимиятига қарши кураш олиб бордилар, масалан, Марказий Ижроқўм раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев қишлоқларда тузилаётган ревкомлар раҳбарлигига бойлар, кўрбошилар, амир амалдорларини қўйишга интилиб, халқ орасида Советларга қарши, миллатчилик ишлари олиб борди, Шарқий Бухорога жўнатилган ўз укаси Отахўжаев (аслида эса Отахўжа Пўлатхўжаев – Р.Ш.) орқали тор-мор қилинган амир қўшинлари қолдиқларидан тузилган босмачилар тўдаси билан алоқа ўрнатди». Салбий баҳолар, шарҳлар юзлаб китоб, рисола, мақолаларда айтилиб келинмоқда. Эндиликда эса бундай таҳлиллардан холи бўлиб, аслида, нимаики бўлса, шундай ёзиш, ҳар бир сиёсий арбобнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини айтиш, тарихий шахсларни адолатли баҳолаш вақти келди. ...Фрунзе жанобларига хайрихоҳ бўлган ёш бухороликлар фирқасининг раҳбарлари нотўғри иш тутганларини кейинчалик тушуниб етдилар. Масалан, Бухоро жумҳуриятининг раиси (Марказий Ижроқўм раиси – Р.Ш.) Усмонхўжа, 1923 йил (1922 йили – Р.Ш.) хатосини тушуниб етди. Яхшиси, замон зайли билан Бухоро инқилоби боис ватандан Афғонистонга, сўнгра Истанбул, Покистонга ўтган ва бир умр Туркистонни соғиниб, унинг истиқболини кўриш насиб этмаган сиёсий арбоб, муҳожир Усмонхўжа Пўлатхўжаев фаолиятдан айрим лавҳалар, янги ҳужжатлар келтирайлик. Файзулла Хўжаев ўзининг «Жадидчилик» асарида Бухорода жадидлар ташкилоти асосчилари ҳақида сўз юритиб, унинг фаол ташкилотчилари қаторига Садриддин Айний, Абду Воҳид

Бурҳонов, Фитрат билан бир қаторда Усмонхўжа Пўлатхўжаевни ҳам қўшганди. У мулла ва унча катта бўлмаган савдогар ўғли эди, 1890 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, Туркияда маълумот олган. 1913 йили Истанбулдан қайтгач Усмонхўжа жадид, сўнгра эса ёш бухороликлар ҳаракатининг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлиб қолади. Бухорода унинг ташаббуси ва бошчилигида янги услубдаги мактаблар очилади. 1917 йилда ёш бухороликлар ҳаракати кучаяди, бу ташкилот меҳнаткашлар ва зиёлилар ҳисобига кенгайиб боради. Усмонхўжа ёш бухороликлар Марказқўмига сайланади, ўша 1917 йил апрелида Бухорода бўлган машҳур намойишга ташкилотчилик қилган, Бухородаги рус резиденти А.Я.Миллер билан музокара олиб боради. 1918 йил март воқеаларида фаол қатнашади. Шундан сўнг у Бухорони тарк этиб, муҳожирликни афзал кўради. Усмонхўжа Тошкентда ёш бухороликлар партиясининг сўл-эсер гуруҳини ташкил этади. 1918 йил сентябрида эса Бухоро Коммунистик партияси сафига киради. 1919 йил мартада БКП Марказқўми раислигига сайланади. Ўша йили 30 майдан 11 июнигача Усмонхўжа Пўлатхўжаев раислигида ёш бухороликлар партияси коммунистик большевикларининг биринчи қурултойи бўлади. 1919 йил 3 июнда У.Пўлатхўжаев партиянинг Москвадаги вакили Файзулла Хўжаевнинг олиб бораётган иши ҳақида қурултойда ахборот беради. Бу масала бўйича қабул қилинган қарорда партиянинг Москвадаги вакили «Партия учун фойдали бирор нарса қилгани йўқ» дейилганди. Қурултой Файзулла Хўжаевни партиянинг Москвадаги вакили ваколат ҳуқуқини бекор қилишга марказий мусулмонлар бюросига телеграмма йўллаб, Файзулла Хўжаев ёш бухороликлар партияси вакили ҳисоб-

ланади, аммо партиянинг Москвадаги вакили эмас деб хабар беришга қарор қилади. Бу тўғри қарор эди. Чунки шу вақтда Ф.Хўжаев коммунист эмас эди, у Бухоро Компартиясига 1920 йил сентябридагина кирган.

ЭСЛАТМА: 1921 йил августида бўлиб ўтган Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Шўроларининг II курултойида Усмонхўжа Пўлатхўжаев БХШЖи Марказий Ижроия Қўмитаси раиси этиб сайланади. Отаси ҳақида гапириб Темурхўжа шундай дейди: «Мен 1947 йил Истанбулда туғилганман. Ўшанда отам Усмонхўжа 70 ёшда эканлар». Бу унчалик тўғри бўлмаса керак. Чунки Файзулла Хўжаевнинг уч жилдлик танланган асарлари биринчи жилдида Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг туғилган йили 1890 йил, унинг укаси Отахўжаннинг туғилган йили 1894 йил деб кўрсатилган. Агар шу далил тўғри бўлса, Усмонхўжа Темурхўжани 70 ёшда эмас, балки 57 ёшида кўрган бўлади. Темурхўжа отасининг Афғонистонга ўтиб кетгани ҳақида шундай дейди: «Отам 1922 йили Афғонистонга инглизлардан Бухоро жумҳурияти миллий қўшини учун курул сотиб олиш ниятида боради. Аммо нияти амалга ошмайди. Мурод ҳосил бўлмаган бир дамда отам амаким Файзуллахўжадан «Бухорода аҳвол ёмон, келманг, хоинликда айбланасиз» мазмунида хат олади... Кўриб турибсизки, отамнинг шу кундан бошлаб сўнгги ҳаёти ватан деб ватансиз кечди...» Айни шу масалага оид ноёб ҳужжатни биз яқинда ЎзКомпартия архивидан топдик. Бу ҳужжат Бухоро Компартияси Марказқўмининг 1922 йил 6 июлдаги Пленум материаллари стенограммасидир.

Ҳужжатнинг асли арабча ёзувда – ўзбек тилида. Бу ҳужжат айнан бўлмаса-да, мазмунан русчага таржима қилинган. Афтидан, ҳужжат турғунлик

йилларида русчага таржима қилинганга ўхшайди. Араб ёзувидаги бу ҳужжат рус графикасида ўзбекча кўчирилганда яхши бўларди.

Арабча ёзувни билмаганимиздан биз ҳам мазкур ҳужжатнинг русча матнидан фойдаландик. Шу пленумда Усмонхўжанинг тенгдоши, 1890 йилда Андижонда туғилган, Бухородаги Турсунжон мадрасасида ўқиб, шу жойда мударрислик қилган, жадидчилик, ёш бухороликлар ҳаракати пешқадамларидан, 1919 йилда Бухоро Компартиясига кирган, Бухоро инқилоби жонкуярларидан, Чоржўй Ревкоми аъзоси, 1921 – 1922 йилларда БХШЖининг Афғонистондаги элчиси, Кобулдан келган Абдураҳим Юсуфзоданинг маърузаси қизғин муҳокама этилади. А.Юсуфзода ўз маърузасида Усмонхўжа ҳақида ҳам тўхталган. А.Юсуфзода Кобулдаги Бухоро элчихонасида турганида Усмонхўжа афандининг Афғонистонга ўтиб, у билан Али Ризо (БХШЖи ҳарбий вазири ўринбосари – Р.Ш.) биргалиги, аммо Али Ризо Мозори Шарифда қолгани, Усмонхўжа эса Кобулга келиб, шаҳар боғларидан бирида жойлашгани ҳақидаги хабарни элчихона вакилидан билади. Шу вақтларда Туркиянинг собиқ ҳарбий вазири Анвар Пошо ҳам Афғонистон билан Шарқий Бухоро чегараларида ўз қўшини билан турарди. У Али Ризо билан учрашади. «Мен, – деб айтади А.Юсуфзода, – Усмонхўжанинг қабулига келгунига қадар Ғози ҳожи исмли бир киши билан учрашгани ва суҳбатлашгани ҳақида хабар олдим, бу хабарнинг ҳаммасини ёзиб ҳам олдим, уни келтирган киши ҳозирда мен билан Бухорога келган. Усмонхўжа аввал туркларга қўшилган, эндиликда эса ўзи танҳо қолган. Али Ризо билан Дониёр ва Усмонхўжа бир-бирлари билан яхши муносабатда эмас, лоақал бирор сўзларини ҳам қўллаб-қувват-

ламайдилар, улар Усмонхўжани кўрқитишга уринмоқдалар. Мен Бухорога телеграмма йўллаб, Усмонхўжа фақат бир масаладагина айбдор: мен Анвар Пошо васвасасига ва шу ишга берилиб подшо васвасасига учиб кетгани ва шу ишга берилиб қолганини хабар қилдим». Шу вақтда Кобулда РСФСРнинг Афғонистондаги элчиси Фёдор Фёдорович Раскольников эди. РСФСР Бухоро Халқ Жумҳуриятига қатъий тазйиқ кўрсатгани сингари, Россиянинг Кобулдаги элчиси ҳам Бухоро элчисини кучли тазйиқ остига олганга ўхшайди. Бу А.Юсуфзода маърузасидан ҳам қисман кўриниб турибди. «Мен Россия элчихонасидан келган вакилга бу ҳақда хабар берганимда у мендан Усмонхўжага одам юбориб, унинг мақсадини билишимни талаб этди. Шундан сўнг элчихона бош котиби Мирза Муҳаммад Шарифхўжани Усмонхўжа хузурига юбордим», – деб айтганди. Ўзро учрашувдаги суҳбатда «Сиз нима сабабдан қочиб ўтдингиз?» деган саволга Усмонхўжа шундай жавоб қилган экан: «Мен ўрислар оддий фуқароларни қандай талаётганини, азоблаётганини кўрдим. Улар босмачилар билан курашиш ниқобида аҳолини таладилар, шунга ўхшаш ишлар кўп бўлди...» Яна А.Юсуфзода маърузасидан парча келтираман: «Муҳитдин Маҳдум қочиб ўтганидан сўнг Ғозихўжа исмли одам билан учрашдим ва гаплашдим. Ғозихўжа Усмонхўжадан: «Менга милтиқ беринг, мен ўзим Муҳитдин Маҳдумни ушлайман», – деб сўрадим». Милтиқни олиб у ҳам қочиб кетади. Усмонхўжага, бир томондан, ўрислар, иккинчи томондан, лақайлар ҳужум қилишди. Шу пайтгача Усмонхўжа Шарқий Бухородан Бухорога қайтиш мақсадида Қаршига келади ва бир ҳовлида тунайдди. Шу вақтда Дониёр ҳам босмачилар томонига ўтиб кетади. Усмонхўжа Бухоро

рога қайтиш учун ҳозирланиб турганида у «Файзуллахўжа ва Отахўжани (Файзуллахўжа унинг амакиваччаси, Отахўжа эса укаси эди – Р.Ш.) ҳибсга олишди ва Москвага жўнатишмоқчи» мазмунида хабар олади. Бу хабарни ё душман, ё дўст, ким келтиргани маълум эмас. Бундан воқиф бўлган Усмонхўжа кўрқиб Афғонистонга ўтиб кетган. Бу ерда ҳам унга тинчлик беришмайди, ҳали у, ҳали бу қоғозни имзолашни талаб қиладилар. Бу ҳақда ҳикоя қилиб Усмонхўжа шундай дейди: «Мен адашдим, ҳозир шундай ҳолатда қолдимки, менинг қисматим, тақдирим шундайлигини кўриб турибман». А.Юсуфзода яна давом этади: «Усмонхўжанинг Муҳиддин Маҳдум ҳақидаги сўзларини аралаштириб юбормоқчи эмасман. Ҳозирги вақтда афғонлар билан инглизлар ўртасида қандайдир дўстлик давом этмоқда.

Уларнинг Туркистон тўғрисида ваъда ва ниятлари бор. Мен яхши биламанки, уларнинг дўстлиги анча мустаҳкамдир. Инглизлардан Афғонистонга қанчадан-қанча тўплар, милтиқлар, ўқ-дорилар ва бошқа нарсалар келтирилмоқда. На афғон давлатини, на инглиз давлатини биладиган тоғлар орасида бир қабила бор. Кўплаб қуроллар, тўплар ва милтиқлар олиб ўтилаётганида уларнинг ҳаммаси бу қабила томонидан тортиб олинди. Мен шунга таажжубланаманки, Бухоронинг ўзидан айрим кишилар Афғонистон ҳукуматига хат йўллаб: Туркистонни ўрислар ва шунга ўхшаганлардан тортиб олинглар деб айтмоқдалар. Шу хатлардан бири менинг қўлимга ҳам тушиб қолди.

Абдулходининг айтишича, Абдуқодирнинг ҳам мактуби бор экан. Амир ва ташқи ишлар вазири бу кишини яхши биладилар. Ҳозирги вақтда папкада Абдуқодирнинг хати турибди.

Афғонистон ҳукуматида ишлаётганлар ичида, Бухоро ҳукумати ходимлари орасида ҳам босмачилар тарафдорлари ва улар билан бирга ишлаётганлар борлиги ҳақида гаплар юрибди. Россия элчихонасида менга ҳам Бухоро давлати ходимлари ичида босмачиларга ёрдам кўрсатаётган кишилар бор деб айтишди. Улар билан Бухородаги афғон элчиси ҳам алоқада эканлиги маълум бўлди. Мен бу ҳақда Сизга (Ф.Хўжаевга – Р.Ш.) ёзганман. Ўрис элчиси Раскольников менга Бухородан босмачиларга пул маблағлари берилаётганини айтди. Афғон аҳолиси ўртасида Файзулла Хўжаев кофир, Бухоро давлатида эса ҳақиқий мусулмонлар ҳам борки, улар босмачиларга ёрдамлашмоқда, пуллар бермоқда деган гаплар юрибди...». А.Юсуфзода маърузаси Бухоро Компартияси Марказкўми Сиёсий бюросида ҳам кўрилади, тегишли хулоса қилинади, қарор қабул қилинади. Афғонистонга ўтиб кетганлардан Ғози ҳожи, Қори Абдулла, Нурқул Ботир, Дониёрбек (булар инқилобчи бўлганлар) Файзулла Хўжаев, М.Аминов номига ёзган хатларида Усмонхўжани юксак баҳолагандилар. «Бухоро мустақиллиги фақат сўзда эшитилади, аслини олганда эса у амалда ҳеч кўринмайди. Шунинг учун ҳам бухоролик кекса инқилобчилардан бири – қаҳрамон Усмонхўжа Бухоро жумҳурияти раиси бўлишига қарамасдан, ўрис консулига ва Сизга қарши уруш эълон қилди. У барча зулмга бардош бера олмасдан у томонга ўтишни афзал кўрди», – дейилган эди хатда. «Оллоҳнинг инояти билан отам 90 ёшда қазо қилдилар, – деб эслайди Темирхўжа (аслида, 78 ёшда – Р.Ш.). Энг кўп гапирадиган сўзи Ватан эди. Отам бизда ҳам она Туркистонга

ғойибона муҳаббат уйғотган. Отам мурасасиз ва миллатпарвар одам эди. У ўз халқини хўрлашаётгани, отишаётганини, қулдай муомала қилишаётганини кўрса чидай олмасди. У Россияга қайта қарам бўлиб қолишни сира тасаввур қила олмасди. Шўроларга садоқат билан хизмат қилган амаким Файзулла Хўжанинг тақдири нима бўлди? Отам 1923 йилдан ортмасди. Сиёсий бўлим барибир йўлини топарди...» Биз айрим лавҳаларнигина келтирдик. Аммо Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг тўла сиёсий портретини чизиш, унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, фаолиятининг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари ҳужжатли манбалар, эсдаликлар асосида пухта ўрганилмоғи, холисона баҳоланмоғи лозим. Биргина Усмонхўжагина эмас, унга ўхшашларни ҳам халқимизга таништириш, ким ҳақ-у, ким ноҳақ, аслида, нима бўлганини соф қалб билан ёритиш тарихчи, публицист, адибларнинг бурчидир. Бу ўринда «Ўрта Осиё муҳожирлари» ёки «Хориждаги ватандошлар» мавзуида тарихий асарлар битиш вақти аллақачон келди. Айрим муҳожирларнинг ҳар бири фаолияти ҳақида асарлар ёзишимиз, муҳожирлик муҳити, шароитида юзага келган кўплаб тарихий, маданий, илмий меросларни ҳам ўрганишимиз лозим. Замон зайли билан инқилоб йилларида, босмачилик ҳаракати, жамоалаштириш, «қулоқлар»га қарши кураш, Улуғ Ватан уруши йилларида Ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлган ҳамюртларимиз – ўзга юртларда сиёсий, жамоат, фан ва маданият арбоблари бўлиб етишган, Ватан дея ватансиз ўтганларга ўз муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак.¹

Орадан 14 йил ўтиб 2005 йили Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг ўғли

¹ Халқ сўзи. 1995 йил 15 октябрь.



Усмонхўжа ўгли Темурхўжа

Темурхўжа ўгли турк тилида «Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва инқилоблар: 1900 – 1924» номли китобида Усмонхўжа ҳақидаги мақола-мизни эслаб шундай ёзган эди: «Ўзбек тарихчиси профессор Рустамбек Шамсутдинов 1991 йил 15 октябрда Ўзбекистон матбуотида ҳаяжон билан шундай ёзган эди: «Биз, тарихчилар, Усмонхўжа Пўлатхўжани сотқин, инглиз жосуси деб тухмат қилдик. Биз тарихий асарларимизда Усмонхўжани ва инқилобимиз жангчиларини хоин, инқилоб душманлари, буржуа миллатчилари, пантуркчилар, панисломчилар деб қоралашда давом этдик. Бу билан биз ўз асарларимиз, тадқиқотларимиз, докторлик диссертацияларимиз синфий, партиявий ва байналмилал замон руҳида ёзилганлигини исботлашга ҳаракат

қилдик».¹ Тарихчи Р.Т.Шамсутдинов Усмон Хўжанинг Бухородаги айрим сиёсий фаолияти ҳақида маълумот бериб, «Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг бутун сиёсий портретини чизиш, унинг ҳаёт йўли ва фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини ўрганиш ҳужжатлаштирилган манбалар ва хотиралар асосида тўғри баҳолаш зарур...» дея қўшимча қилади. Усмон Хўжа (Хўжаўғли) 90 йиллик ҳаётида кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган ва уларнинг баъзиларида «тарихчи» ролини ўйнаган».²

«Усмон Хўжа Кобулда эканида Анвар Пошонинг 1922 йил 5 августда Душанбе яқинидаги Балжувонда вафот этгани ҳақидаги хабар келди. Бош вазир Файзулла Хўжа томонидан Бухородан Усмон Хўжага юборилган махфий хабарда Усмон Хўжанинг Бухорога қайтмаслиги, қайтса, руслар томонидан ҳибсга олиниб, қатл этилиши маълум қилинади. Россия ҳукумати Усмон Хўжанинг Афғонистонда ҳам қочиб кетишига йўл қўймайди. РСФСР, яъни совет Россиясининг Кобулдаги элчиси Фёдор Фёдорович Раскольников Усмон Хўжанинг орқасига турли жосусларни қўйиб, уни диққат билан кузатиб туради. Усмон Хўжани кузатиб, Россия элчихонасига маълумот берган кишилардан бири Бухоро Республикасининг Абдурахим Юсуфзода исмли элчиси эди».³

¹ Шамсутдинов Р. Усмонхўжа ватан хоини эмасди // Халқ сўзи. – Тошкент, 15.10.1991.

² Timur Kocaoğlu. Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900 – 1924. 2005. – S.16.

³ Шамсутдинов Р. Усмонхўжа ватан хоини эмасди // Халқ сўзи. – Тошкент, 15.10.1991; Timur Kocaoğlu. Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900 – 1924. 2005. – S.28.

ТУРКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ

Р.Т.Шамсутдинов

Эркка чорлаган эрксизлик

Ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советларининг ўлка III съезди материаллари бизгача тўла етиб келмаган. Съезд ҳақида «Наша газета» саҳифаларида турли хабарлар чоп этилган, холос. Воқеа иштирокчиларининг эсдаликлари ҳам узуқ-юлуқ, тугал маъно бермайди. Туркистонда совет ҳокимиятини эълон қилган бу съезд тарихшунослигимизда кам ўрганилган. Аммо бизгача етиб келган материаллар шундан далолат берадики, съезд маълум даражада буюк давлат шовинизми руҳида ўтган. Буни, масалан, III съездда қабул қилинган «декларация»да туб аҳоли, зиёли кучлар ўлка турмуши ва ҳаётини яхшилашда фаол қатнашишдан четлаштирилмаслиги, аксинча, жалб этилиши лозимлиги қайд этилганига қарамай, унда бу муҳим имтиёзни йўққа чиқарувчи бошқа фикр ҳам мавжуд. Чунончи, ҳужжатда олий инқилобий ҳукумат идорасига ҳозирча мусулмонларни жалб этиш мумкин эмас, чунки маҳаллий аҳоли ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари ҳукуматига ўз муносабатини тўла ва аниқ ифодалаган эмас, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлар етилганича йўқ дейилган. Шу тариқа 1917 йил ёзидан бошлаб ўлкада вужудга келган мусулмон советлари, мусулмон меҳнаткашлари иттифоқлари ва уларнинг ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советлари билан ҳамкорликда олиб борган инқилобий фаолияти инобатга олинмаган. Қолаверса, бу вақтда инқилобий курашда синалган маҳаллий миллатларга мансуб зиёлилар, ҳатто ишчилар, большевиклар гуруҳи ҳам мавжуд эди. Буни инқилобий ҳаракатнинг

йирик арбобларидан бири Д.И.Манжара ҳам тан олиб: «Туркистон ҳукуматининг биринчи таркибига биронта ҳам ўзбек, туркман, қозоқ ёки қирғиз киритилмаганини қурултой қатнашчилари орасида муносиб номзодлар йўқ деган баҳона билан оқлаш мутлақо асоссиздир», – деб айтган эди.

Туркистон республикаси давлат ва ҳукумат ташкилотларига маҳаллий миллатлар вакиллари жалб этмасликдан иборат шовинистик йўл сўнгги йилларда ҳам давом этди. Турор Рискулов, Назир Тўрақулов, Султонбек Хўжанов, Абдулла Раҳимбоев, Қайғисиз Отабоев, Иномжон Хидиралиев, Нодирбой Айтақовлар давлат ва ҳукумат бошқаруви идораларига 1920 йилдан бошлаб кўтарилган эди. Ўлкада фаолият кўрсатётган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси раислари ҳам фақат Марказдан жўнатилган европалик кишилардан тайинланган, ерли аҳоли вакиллари эса бу ваколатли ташкилотларга камдан-кам киритилган.

Совет ҳокимияти қарор топган дастлабки кунларданоқ большевиклар Туркистонда миллий сиёсат борасида жиддий камчиликларга йўл қўйганини бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин. 1917 йил 6 – 7 декабрда Скобелев шаҳрида бўлиб ўтган Фарғона вилояти советларининг IV қурултойида ҳозирги аҳвол, Туркистон мухториятига муносабат, вилоят ҳокимияти, матбуот ишлари, мусулмон демократик кучларини вилоят ва ўлка ҳукуматига жалб этиш сингари масалалар муҳокама қилинади. Ўлка советларининг III қурултойида-

гидек бунда ҳам большевиклар кўпчиликини ташкил қилиб, эсер, меньшевик ва бошқа партия вакилларининг нутқларига қулоқ солишмайди. Шу қурултойда Халқ Комиссарлари Кенгашининг барча халқлар ўз тақдирини ўзлари белгилаш, ҳатто Россиядан бутунлай ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида Петрограддан келган телеграмма ўқиб эшиттирилади.

Вакил Ҳ.Хусанбоев ўз сўзида мухторият яхши, аммо унга Таъсис мажлиси орқали эришиш керак деб айтади. Меньшевик Данишевский: «...большевизм қўяётган вазифаларни уддалаб бўлмайди, биз бор имкониятни большевизм саҳнадан тушиб кетган чоғда ҳам инқилоб ғалабаларини сақлаб қолишимиз керак», – деб таъкидласа, эсер М.Бригайлов Туркистон мухториятини ёқлаб чиқиб, унга кўплаб мусулмонларни жалб этиш йўли билан бу ҳукуматни демократлаштириш мумкин дейди. Дориомедов ҳам шу мазмунда гапириб, қурултой қатнашчиларини Туркистон мухториятчилари билан келишишга чақиради. Подполяк ўз нутқида Туркистон мухториятчиларини ҳимоя қилиб, «Ҳокимият Советларга!» шиори бутунлай йўқ бўлиб кетди, бироқ мухторият мусулмон ташкилотларининг ўлкани, вилоятларни, уездларни идора этишдаги иштироки билан амалга оширилиши мумкин. Муваққат мухторият ҳукумати мусулмонлардан иборат заминга эга бўлмаса, рус демократиясидан ўзига таянч топиши лозим» деган сўзларни айтади.

Аммо бу сингари тўғри фикрлар қурултой томонидан қўллаб-қувватланмасдан, большевиклар ва бошқа сўл кучлар тазйиқи билан ўлка советларининг III қурултойи Туркистон мухториятига қарши қарор қабул қилади. Мусулмон аҳолисига ишончсизлик қурултойда шу

даражага етиб борадики, Ҳ.Хусанбоев қарорнинг боши бир гуруҳ мусулмон вакиллари учун унчалик тушунарли эмас деб қайтадан овозга қўйишни таклиф этганида унга қарши Реутов: «Мусулмонларга ҳеч қандай резолюцияни тақдим этишнинг ҳожати йўқ, чунки улар барибир тушуниб етмайди», – деб жавоб қилади.

Миллий сиёсатда йўл қўйилган хатоларнинг сабабларидан бири миллий кадрларнинг етишмаслигида эди. Чунки кейинги 50 йил мобайнида чор мустамлакачилари ерли аҳолини сиёсий ҳаётга, давлат ишларини бошқаришга жалб этишга асло йўл қўймадилар. Мавжуд миллий кадрларни шовинизм, мустамлакачилик ҳиссиёти кучли бўлган европалик раҳбар кадрлар атайин четлаштирилдилар.

1919 йил 29 март куни мусулмон вакиллари Туркистон АССР советларининг VII қурултойи ҳамда Туркистон Компартияси Марказий Кўмитаси, Туркистон МИҚ номига «Дашноқцутюн» арман партиясидан норозилик хатини топширади. Тўғри, бу ҳужжатда ерли раҳбар ходимларнинг дашноқлар ҳақидаги мулоҳазалари айнан эмас, шарҳланган ҳолда келтирилган. Шундай бўлса-да, 1918 йилда Коммунистик партия сафига кирган, «Кўқон меҳнаткашлари иттифоқи» раҳбари, Кўқон шаҳар ижроия кўмитаси ва Фарғона вилояти партия комитети аъзоси Мирзараҳмон Мусахонов анжуманда Кўқон воқеаларининг сабабчиси арманлар бўлди, чунки улар ўша пайтларда нукул ароқ сотиш билан шуғулландилар деган эди. Наманганлик большевик Инъомжон Низомбоев «Дашноқцутюн» партиясини қурулсизлантириш йўли билангина мусулмон аҳолисини ҳалокатдан қутқазиб қолиш мумкин деб ҳисобласа, вакил Садиров мусулмон

коммунистлари ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида қалъа сари жўнаганларида йўлда қизил гвардиячилар томонидан ўққа тутилди, икки коммунист ўлдирилди ва ўлганлар устига қалбаки карточка қўйилиб, гўё уларни босмачилар ер тишлатганига ишонтирмоқчи бўлдилар дея ҳақ гапни айтди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ҳамда жумҳурият фавқулодда комиссияси аъзоси Ҳ.Хусанбоев ўз сўзида: «... ўз куролимиз билан ўзимизни қирмоқдалар, ҳатто мусулмон пролетариатининг ғоявий курашчиларини ўлдириб юбориш учун душманлар қўлига тутиб бермоқдалар», – деди. Яна бир вакил Қирғизбоев Намангандаги Баликчи қишлоғида асосан арманлардан таркиб топган гуруҳнинг тинч аҳолига нисбатан зўрлик қилганини далиллар билан исботлаб берди.

Дашноқларнинг ерли халққа ўтказган зўравонлиги ҳақидаги масала бошқа йиғинларда ҳам кўтарилди. Наманган советларининг буйруғига кўра Самсон Давидянц Қўқон воқеаларидан кўп ўтмай шубҳали одамларни қўлга олиш учун ўз гуруҳини Учқўрғонга етаклаб келади. Аммо у бу гуруҳи билан талончилик қилади, мусулмонлар устидан зўравонлик ўрнатади. Аҳолининг қонуний талабига биноан С.Давидянц вазифасидан озод этилади, гуруҳи эса тарқатиб юборилади. Шундан сўнг у Андижонга келиб, Андижон советларининг рухсати билан янги бир бўлинма тузади. Бу ерда ҳам қатор ноўрин ишларни амалга оширади. Унинг жиноятлари фош этилиб, ҳибсга олиш ва судга беришга қарор қилинган, дарҳол яшириниб, қонуний жазодан қутулиб қолади.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.Д.Фигельский 1918 йил 8 декабрда Андижон шаҳар коммунистлари йиғилишида қилган маърузасида

Андижон, Наманган, Қўқон советлари таркибида дашноқлар борлигини кескин танқид қилади, уларни тез орада советлардан қувиш, советларга арман ишчиларини жалб этиш кераклигини айтади. Мангельдин ўз нутқида Наманганда арманлар пайдо бўлиши ҳамано ўзбеклар билан арманлар ўртасида можаро келиб чиқди дейди. Сайидсултон Сайдалиев Фарғона босмачилар тўдалари ҳеч қачон ғазовот эълон қилганлари йўқ, бу ҳақдаги мишмишларни арманлар, «Дашноқцутюн» партиясидагилар тарқатмоқдалар деб изоҳ беради.

Туркистон советлари VII съезди миллатлар иши бўлими аъзоларининг деярли ҳаммаси «Дашноқцутюн» партиясини, умуман, арманларнинг барчаси Фарғонадаги совет ҳокимиятига хоинлик қилиб, босқинчи тўдалари ташкил этиб, мусулмон аҳолисининг ҳалок бўлишига сабабчи бўлди деб таъкидлайдилар.

1919 йил апрель ойининг бошларида Андижоннинг Жоме масжидида кўп минг кишилик меҳнаткашлар митинги бўлиб, унда дашноқлар азобидан қутулиш масалалари муҳокама этилади. Республика марказий раҳбариятига Андижондаги даҳшатли воқеаларни етказиш ва унга қарши курашда ёрдам талаб этиш мақсадида митингда Акбар Ўрозаев, Мухтор Олимов, Мадаминбек Битбеков, М.Шарифхўжаев, Ёқубжон Исакуловдан иборат комиссия тузилади. Улар Тошкентга келиб, Андижон уездига аҳволни ёзма ва оғзаки равишда юқори партия ва совет органлари раҳбарларига маълум қиладилар.

Фарғона фронтини тугатиш, мусулмон камбағалларини «босмачилар» тўдаларидан ажратиш олиш ва уларни совет ҳокимияти томонига жалб этиш, бунинг учун эса Эргаш, Мадаминбек, Холхўжа бошлиқ гуруҳларда иштирок

этаётган барча мусулмон меҳнат аҳлига афв бериш, уларнинг совет ҳокимияти тарафига ихтиёрий равишда ўтишини таъминлаш, хавфсизлиги учун тўла кафолат бериш, вайрон бўлган хўжаликларни тиклаб олиш учун моддий ёрдам кўрсатиш зарурлиги РКП(б) ўлка қўмитаси ва ўлка коммунистлари мусулмон бюросининг 23 апрелдаги қароридан ўз аксини топди. Шунингдек, унда совет ташкилотларини ёт унсурлардан тозалаш, қизил армия қисмларида тозалов ўтказиш, уларни ифвогар, фитначилардан халос этиш, «дашноқцутюн»чиларни ҳайдаб юбориш зарурлиги таъкидланган эди.

1919 йил 9 майда Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг «Босмачилар тўдаларида қатнашган Фарғона меҳнаткаш аҳолисига афв бериш тўғрисида»ги мурожаати эълон қилинади. Андижонлик вакиллар талабига кўра Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси К.Е.Сорокин (комиссия раиси), миллатлар иши бўйича халқ комиссари С.Турсунхўжаев, РКП(б) ўлка мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзолари Ҳ.Хусанбоев, В.Билик, Аббосхўжаевдан иборат фавқулодда комиссия тузилади.

Комиссия Фарғона водийсида катта фаолият кўрсатиб, партия, совет ва ҳарбий муассасаларни ёт унсурлардан тозалаш, дашноқларга зарба бериш, мусулмон аҳолиси билан расмий ҳукумат ташкилотлари муносабатларини яхшилаш, миллий кадрларни бошқарув ишига кенг жалб этиш борасида талай ишларни амалга оширади. Комиссия аъзолари Қўқон, Марғилон, Скобелев, Андижон, Наманган, Ўшда бўлиб, мусулмон коммунистларининг йиғинлари-

ни ўтказиб, партия, совет қурилишида, «босмачилар» ва дашноқларга қарши курашда катта ташкилотчилик ишлари олиб борадилар.

1919 йил 12 майда Андижон шаҳар мусулмон коммунистларининг умумий йиғилиши бўлиб, унинг кун тартибига: 1) марказий ўлка ҳукумат вакиллари маърузаси; 2) мусулмон советини ташкил этиш; 3) партия дружинаси ташкил этиш; 4) коммунист мусулмонлар фракциясини назоратсиз Марказ ва телеграф орқали боғлашга эришиш; 5) қароқчи тўдаларни тугатиш борасида чоралар кўриш каби масалалар қўйилган эди.

Йиғилишда нотиқлар Фарғонада, жумладан, Андижондаги оғир аҳвол сабабларини очишга ҳаракат қилдилар. С.Турсунхўжаев совет ҳокимияти ғояси, большевизм мезонларини тушунтириб, Фарғонада советлар таркибида порахўрлар ўрнашиб олгани, оддий мусулмон омма большевикларни босқинчилар, талончилар деб билаётганини айтади. Большевизм ниқобини кийиб олиб, амалда аҳолини талаётганлар совет идораларидан қувилмоғи зарурлигини таъкидлайди. У: «Сизларнинг вакилларингиз Тошкентга келиб, Фарғонадаги аҳвол манзарасини чизиб бердилар, мусулмон пролетариати билан маҳаллий ҳукуматнинг ўзаро муносабатларидан хабар топгач, биз бу ерда рисоладагидек ҳаёт ўрнатиш учун келдик. Вакилларингиз нима айтган бўлса, ҳаммаси тўла ҳақиқат эканлигига гувоҳ бўлдик, токи Фарғона мусулмон пролетариати учун муносиб шарт-шароит яратмагунимизча бу ердан кетмаймиз. Сизлар коммунистлар ташкилоти сифатида аллақачон безорилар билан курашиш чорасини кўришингиз лозим эди, амалда эса сизлар қоғоздаги ташкилот бўлиб қолгансиз», – дейди.

С.Турсунхўжаевнинг коммунистлар фракцияси йўлтўсар, қароқчиларни тугатишда ҳеч қандай иштирок этмаяпти деган сўзига А.Ўрозалиев шундай жавоб беради: «Бу борада фракцияни айблаш мумкин эмас, чунки бир неча бор ҳукумат аъзоларига бизларни қуроллантириш зарурлигини ва босқинчиларга қарши курашда иштирок этажамиз тўғрисида мурожаат қилганмиз, аммо бу таклифларимизга ҳукумат заррача эътибор бермади».

С.Тўхтабеков ўз сўзида Турсунхўжаевнинг мусулмон большевиклари босқинчилик ҳаракатини тугатиш учун чоралар кўрмаяпти деган фикрига қўшилмайди. Янги шаҳардаги большевиклар мусулмон большевикларига ишонмаслигидан умумий офатга қарши курашишдан тўлалигича четлаштириб қўйилди, шу боисдан ўлка комиссариининг бизга билдирган таънаси ўринсиздир деб айтади. Иброҳимов ҳам бу фикрни маъқуллаб: «Турсунхўжаевнинг бизга қилган таънаси ўринсиздир, биз ҳукуматга бир неча бор мурожаат этиб, шаклланиб келаётган босқинчилик ҳаракатларини тугатиш учун чоралар кўришни талаб қилдик. Аммо номаълум сабабларга кўра ҳукуматдагилар бирон чора кўрмадилар», – деб айтади. С.Тўхтабеков қайтадан мусулмон совети ёки инқилобий кўмита ташкил этиш зарурлигини таъкидлаб, Андижон уезди қишлоқларидаги аҳоли на босқинчиларга, на совет ҳокимиятига бўйсунитишни билмаяпти»,¹ – деб айтади.

Афсуски, талон-торожни, зўравонликни ўз кўзи билан кўрган халқ большевикларга ишонмай қўйган эди.

Жойлардаги совет қўшинлари штаблари таркиби ҳам мутлақ европалик-

лардан иборат эди. Масалан, Андижон штабида (1919 йил 4 апрелдаги ҳолат бўйича) штаб бошлиғи В.Н.Сидоров, шаҳарни мудофаа қилиш бошлиғи Александровский, коммунист-большевиклар фракцияси раиси А.П.Салаев, штаб аъзолари эса Гроссман, Айдинов, Козлов, Корсанов, Висоновлар эди. Ўз-ўзидан савол туғилади: ўлка кимники ўзи?

Туркистонда ленинча миллий сиёсат бузилиши, маҳаллий аҳолининг ҳар жиҳатдан камситилиши, кадрлар масаласида европаликлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги мутаносиблик йўқлиги Туркистон миллий раҳбар кадрлари томонидан бир неча бор марказий партия ва ҳукумат раҳбарларига билдирилган. Аммо раҳбарлар ҳеч қандай чора кўрмаганлар.

1919 йил 7 май куни В.И.Ленин Ҳиндистон ва Афғонистон миллий озодлик ҳаракати арбоби, профессор Муҳаммад Баракатуллони қабул қилади. У Москвага Афғонистон амири топшириғига кўра, норасмий визит билан борган эди. Суҳбат РСФСР ва Афғонистон ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш имкониятлари, Шарқдаги аҳвол тўғрисида боради. Афтидан, ўзаро фикр алмашуви чоғида Туркистондаги аҳвол масаласи ҳам кўтарилган. Дарвоқе, М.Баракатулло Москвага бораётиб Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлган ва Туркистонда рўй берган воқеалар билан танишган эди. Шунинг натижаси ўлароқ у 9 майда «Туркистондаги кенг мусулмон оммани совет ҳокимияти томонига оғдириш мақсадида бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳақида»ги «мулоҳазалар»ини ёзган. Бу ноёб ҳужжатни ўқир экансиз, унда Туркистоннинг оғир қисмати маълум маънода кўз ўнгингизда гавдаланади:

¹ Андижон вилоят давлат архиви. 196-фонд, 2-рўйхат, 189-иш, 191 – 195-варақлар.

«Ўртоқ Ленин билан учрашган пайтда мен унга Шарқ бўлимнинг мудри ўртоқ Вознесенский ҳамда Туркистоннинг мухтор вакили ўртоқ Юсупов иштирокида Марказий Осиёнинг кенг мусулмон оммасини совет ҳокимияти томонга оғдириш, мусулмонларнинг Туркистондаги рус ҳокимиятига азалий ишончсизлиги ва совет бошқарувининг моҳияти юксак вазифаларини тушунмаслик оқибатида келиб чиқадиган қайғули воқеалардан ўзимизни асраш учун нималар қилиш борасидаги ўзимнинг самимий фикрларимни билдирдим.

Комил ишонч билан айтаманки, тавсияларим орқа томонни мустаҳкамлаш учун Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Эронда инглизларга қарши фаол ҳаракатлар бошлангунга қадар амалга оширилиши зарур.

1. Туркистонда этнографик негизда ҳақиқий мухторият ўрнатиш зарур. Бунинг учун Туркистон жумҳурияти тўққиз ички мухтор вилоятдан иборат бўлиши керак: 1) Каспийорти; 2) Самарқанд (Амударё бўлими билан бирга); 3) Сирдарё; 4) Фарғона; 5) Еттисув; 6) Тўрғай; 7) Оқмулла; 8) Семипалатинск; 9) Қуйи Ўрол (Букеев ўрдаси билан).

2. Мусулмон аҳолисининг руслардан анча кўплиги туфайли мазкур вилоятлар советлари таркибига ҳеч бўлмаганда мусулмонларнинг руслар билан тенг даражада киришига йўл қўйиш; комиссарларнинг ҳам ярми мусулмонлардан бўлиши керак.

3. Ҳар бир вилоят ўзининг ички бошқарувида мухтор бўлиши керак.

4. Туркистоннинг марказий бошқаруви ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси тенг иштирокда тузилади: ярми рус, ярми мусулмон.

5. Ҳозирги пайтда тузилган Туркистон ишлари бўйича комиссия беш ки-

шидан эмас, ўн кишидан иборат бўлиши керак, айти пайтда, вакиллик нисбати ҳам сақланиши зарур: беш рус ва беш мусулмон (кейингиларнинг сафига сарт) кириши лозим.

6. Шу йилнинг бошида нодонлик ёки ёвуз ташвиқот оқибатида аксилинқилбий ҳаракатларда иштирок этган Қўқон аҳолиси ва туркистонлик ерли аҳолига афв инъом этиш зарур. Қўқонга мазкур афвдан аҳолини хабардор этиш ҳамда сўнгги бошпанасидан ҳам айрилган жабрдийдалар ўртасида тарқатиш, вайрон қилинган хўжаликни тиклаш учун бироз пул маблағини (бунинг учун зарур маблағ, фикримча, ўн миллион сўмни ташкил қилади) тақсимлаш учун махсус шахс юборилиши керак.

7. Юқорида тилга олинган барча тадбирларни, иложи бўлса, ўртоқ Ленин ҳамда Сталиннинг Ўрта Осиё мусулмонларига мурожаати тарзида тантанали эълон қилиш зарур. Бу улкан таассурот уйғотади ва мусулмонларда кўрқинч туғдирадиган, уларнинг қалбида совет сиёсатининг самимийлигига ишончсизлик уруғини сочадиган империалистик фитналарга бутунлай барҳам беради.

Юқорида баён этилганларни қараб чиқишингиз ва умумий иш манфаатида чора-тадбирлар белгилашингизни илтимос қиламан.

М.Баракатулло.

1919 йил 9 май, Москва».

1919 йил октябрида Андижон мусулмон йўқсиллари номидан Ёқубжон Исоқулов, Султонмақсуд Холботиров, Илья Григорьевич Смирнов (ижроқўм раиси, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси), Латифжон Содиқбоев ва бошқалардан иборат вакиллар Тошкентга келиб, Фарғона, хусусан, Андижон уездидаги ғоятда оғир сиёсий-ҳарбий, миллий аҳвол ҳақида республика партия

ва совет раҳбариятига ёзма баённома топширадилар. 1 ноябрда ўлка партия қўмитаси ижроия бюроси, Туркистон ўлка мусулмонлари бюросининг андижонлик вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, унда баённома кенг муҳокама этилади. Йиғилишга Т.Рисқулов раҳбарлик қилади. Йиғилиш Фарғонадаги оғир аҳволни эътиборга олиб бу ерда мустақкам сиёсий ҳукумат йўқлиги, ҳарбий ҳокимият маҳаллий шароитни, миллий муҳитни ҳисобга олмасдан ўзича салбий ишлар юритаётганидан келиб чиқиб Фавқулудда инқилобий қўмитани ташкил этишга қарор қилади. Инқилобий қўмита Фарғона вилоятида ўтказиладиган барча тадбирларга раҳбарлик қилиш, совет ташкилотларини назорат ва тафтиш этиш, бу ташкилотларни, ҳарбий қисмлар сафини советларга қарши аксилинқилобий унсурлардан тозалаш, агар шароит тақозо этса, советларни тарқатиб юбориш, ҳарбий мансабдор шахслар билан биргаликда фронтни тезроқ тугатиш, ҳатто айбдор, бўйсунмовчи шахслар ва муассасаларни ҳарбий судга, инқилобий трибуналга бериш ҳуқуқига эга эди. Афсуски, Фавқулудда инқилобий қўмита ҳам ўз ҳуқуқларидан етарли фойдалана билмади. Амалий натижа кўплар кутгани каби чиқмади.

Босмачилар бошлиқлари билан яраш битимини тузиш тўғрисида олиб борилган музокаралар ва уларнинг материаллари ҳам кенг оммага етказилишини ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки улар билан танишган ўқувчи бизнинг фикрларимиз қуруқ эҳтирослардан иборат эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Россия Федерацияси Ҳарбий давлат архивида (ГВАРФ) Наманган уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси аъзоси Инъомжон Низомбоевнинг 1919 йил 19 декабрда

Мадаминбек билан олиб борган музокарасининг тафсилоти ҳақидаги баённома сақланмоқда. Қуйида уни айнан келтирамиз: «Ревком томонидан берилган топшириқни бажариш учун беш вакил билан биргаликда 19 декабрь эрталаб Намангандан Жийдакапа қишлоғи орқали Андижон уездига Ҳожимат эшон ҳузурига йўл олдик. Дарёдаги кўприккача ҳеч кимни учратмадик. Қайиқда дарёдан ўтгач, бир неча қуролли кишиларга дуч келдик. Улар Бойтуман йигитлари экан. Улардан бири Бойтуманнинг аҳволини сўради. Яхши юрибди деган жавоб олгач, йигитлар бизга Бойтуман Парвардигори оламга ишонмайдиган худосизларга қўшилди деди. Салла ўраб олган бўлсам ҳам, йигитлар шахсан менга ҳайвонга қарагандек назар солишди. Андижоннинг у тарафидаги бутун қирғоқ пахта тойлари билан тўсиб ташланган. Дарёдан ўтгач, Ҳожимат эшоннинг ҳузурига жўнадик, бироқ у киши уйида йўқ экан. Йўлда унинг ўғлига дуч келдик.

У билан бориладиган жойга кундузи соат 4 ларда етиб бордик. Етиб келиб, уловимизни тўхтатдик, бироқ аравадан тушмадик. Масжид олдида тумонат одам йиғилганди. Сал фурсат ўтиб қуролланган йигитлари билан кўрбоши келди, унинг ёнида қандайдир ўрис ҳам бор эди. Уни мен Наманганда кўрмаганман. Бизни масжид ёнидаги ҳужрага таклиф этишди. Ҳужрада ўтирганимизга ярим соатлар бўлганда даврада ўтирганлар ворис келяпти деб қолишди. Ташқарида карнай-сурнай чалинарди. Ҳужрадан ташқарига чиққанимизда қўлида яланғоч қилич тутиб олиб одамларга эсларини йиғиш, имондан айрилмаслик ҳақида ваъз айтиб келаётган мулла йигитни кўрдик. Унинг ортида от миниб эшон ҳамда 4-5 нафар афғон келарди. Уларнинг баъзилари ҳарбийча

кийинган, баъзилари эса чопон кийиб олган эди. Тантанани кўриб бўлгач, ҳужрамизга қайтиб кирдик. Келганлар кўшни ҳужрага жойлашишди. Халқ ворисни ҳамда эшонни тўлқинланиб, тиз чўкиб, уларнинг хоки пойи, тўнларининг бари ни ўпиб кутиб олди. Эшон билан бирга келган кишининг кимлигини сўраган эдик, афғонистонлик ворис деган жавобни олдик. Масжидда шовқин-сурон авжига чиққан, куй-наво тинмас эди. Эшонга Намангандан элчи бўлиб келганимизни етказишгач, у киши бизни ҳовлига таклиф этди. Салом-алиқдан сўнг у кишига ташрифимиз боисини англатиб, яхшилаб кенгашиб олиш истагимизни билдирдик. Эшон холи бўлгани заҳоти ҳузуримизга ташриф буюришини айтди. У киши кеч соат еттиларда ҳужрамизга кириб келди. Мен у кишига ҳозирги аҳвол ҳақида гапирдим, ақлга тўғри келмайдиган ишлар бўлаётгани, бекорга қон тўкилаётганини айтдим, келишдан мақсадимни тушунтирдим.

Совғаларни ва ревкомнинг хатини топширдим. Эшон хатни ўқиб беришни илтимос қилди. Мен у кишининг илтимосини бажардим. Шундан сўнг эшон хатни мендан олиб, жавоб қилиб олиб қолди. Хат ўқиладиганда эшон уни диққат билан, ҳатто йиғлаб туриб эшитди. Эшон хатни олиб туриб менга унинг мазмунини тушундим, агар мусулмонлар бирлашса, нур устига нур бўларди деди. «Бекнинг ҳузурига борамиз, унга ҳаммасини айтиб берасизлар», – деди эшон. Биз рози бўлдик. Бизга таом келтиришди. Дастурхон устида бекнинг ҳузуримизга мирзосини юборганини эшитдик. Эшон билан бир бор маслаҳатлашиб, боришга қарор қилдик. Эшон бизнинг тўла хавфсизлигимизга кафиллик берди. «Бек сизларнинг бир тукингизга зиён етказишдан олдин менинг ва ўн икки ўғлимнинг

бошини олади», – деди эшон. У кишининг маслаҳати билан келтирган совғаларимиз – кўй ва читларимизни олиб, икки йигит кузатувида аравада йўлга чиқдик. Эшон билан афғонистонлик ворис от миниб олдинда кетишди. Бек эшон турган жойдан 8 чақирим нарида, Қоратерак қишлоғида манзил тутган экан. Бироқ йўл лой бўлиб, қоронғида аравада юриш мушкул бўлганлиги туфайли унинг кўп қисмини пиёда босиб ўтишга тўғри келди. Манзилга кечаси соат 12 да етиб бордик. Йўлда деярли ҳар чақиримда 3-4 қуролли қоровулга дуч келдик. Улар бизни ҳар гал тўхтатиб, сўроқ қилишди. Биз етиб келган саройдаги 40 – 50 отга кўзим тушди. Айвоннинг ичида анча одам тўпланган эди, бироқ аниқ қанча эканлигини айтолмайман, чунки зимистон эди. Биз бек яшайдиган болохонага кўтарилдик, у бизга пешвоз чиқиб, хонасига таклиф этди.

Хонада биздан ташқари Ҳожимат эшон, афғонистонлик ворис ва яна бир киши бор эди. Ўтирганимиздан кейин афғонистонлик бизнинг кимлигимизни суриштирди. Бизнинг муллалар учовимиз мулла, икковимиз бой бўлиб, Наманган аҳлидан вакил эканлигини айтишди. Бек: «Ҳукуматнинг вакили ким?» – деб сўради. Мен турдим ва ревкомнинг раисимисиз деган саволга йўқ, аъзосиман деб айтдим. Бек кескин, заҳархандали саволлар берди. Муллаларимиз келишдан мақсадларини баён қилишди. Мен сўз сўраб, ҳозирги аҳвол ҳақида гапира бошладим, бироқ бек сўзимни кесиб, сиз мусулмонга ўхшаш учунгина салла ўрагансиз деб таъна қилди; гапга уста экансиз, лекин гапга чечан одамлар бизга эмас, большевикларга керак деб айтди. Мени ўзларингизга қўшилишни таклиф қилиб келибсиз, деб давом этди бек, шартларингиз ва неки истагингиз

бўлса, айтинг. Мен шу кунларда мусулмонлар яхши яшаётганлигини, оқ пошшо давридаги ўзбошимчаликлар йўқлигини айтдим. Шўролар йўқ қилингани, 2 европалик ва 2 мусулмондан иборат ревком тузилгани, ишлар изга тушаётганини билдирдим. Бек айнан ким ревкомга кирганини сўради, мен бирма-бир айтдим. Менга ҳамроҳ бўлган муллалар ревкомга кирганини, у ердан жуда яхши таассурот билан чиқишгани, ўзлари билан хушмуомала, дўстона ва эътиборли муносабатда бўлишганини айтишди. Ревком шариат буюрганига қарши бормаслиги ва бу масалага аралашмаслигини айтганида бек большевиклар ваъдани кўп беришади-ю, лекин ваъдаларининг устидан чиқишмайди, ана, улар завод, пахта молларини олиб қўйишяпти, нима, бунга шариат йўл берадими деб муллаларга мурожаат қилди. Муллалар йўқ деб жавоб қайтаришди. Мен бекка жуда кўп моллар, от-аравалар, ем ва бошқа нарсалар тортиб олинган, бу олдин бўлган эди, бу ишни ҳукуматда ўтириб олган безори ва жинойтчи унсурлар қилишган, ундайлар энди ҳукуматдан бадарға қилинган, уларга қарши ўзимиз кураш олиб боряпмиз, ноўрин тортиб олинган нарсаларни қайтариб беряпмиз, баҳосини тўлаяпмиз, мусодара этилган, тортиб олинган нарсаларни қайтиб бериш ҳақида декрет бор дедим. Шундан кейин бек большевикларнинг каттаси Ленин ҳибсга олингани, Иттифоқдаги 12 давлат большевикларга қарши юриш қилаётгани, ўзлари бу ердан туриб уларга ёрдам беражagini баён қилди. Бек Наманганга озиқ-овқат олиб боришни тақиқлаш ҳақида буйруқ берганлиги, уч кун олдин хориждан шу ҳақда телеграф орқали топшириқ ва кўрсатма олгани, иттифоқдаги бошқа давлатлар ҳам большевикларга ҳеч

нарсаси бермасликка қарор қилишганини айтди. Мен Туркистонда барча кулфатлар биз бир-биримизни тушунмаётганлигимиз туфайли юз бермоқда деб эътироз билдирдим. Бек менинг бу гапимга мужмал жавоб қайтарди. У: «Сизларнинг Николайларингиз ўлди – уларнинг фуқаролари қайси миллатга тегишлилигидан ва бошқа нарсалардан қатъи назар, меросхўр бўлиб қолди. Николайдан кўп бойлик, қурол, аслаҳа-анжом, тўп ва ҳоказолар қолди. Биз бу ерда 95 фоиздан кўпроқмиз, бироқ ўзимизнинг бутун ҳақимизни сўраётганимиз йўқ, ана шу бойликнинг ярмини берсангиз ҳам майли, сизлар ўз қонунларингиз билан яшайверинг, биз эса шариат бўйича яшаймиз. Аммо сизларнинг қилаётган ишларингиз бутунлай бошқача. Ахир бир отанинг ўн ўғли бўлиб, улардан учови ақллию қолганлари майиб-мажруҳ бўлса, меросхўрлик қоидасига кўра, мерос уч ўғилга эмас, ўнига ҳам тенг бўлиниши керак-ку, большевиклар эса ҳаммасига эгалик қилишни исташяпти, ҳаммасини ўз қўлларига олишяпти. Мен ўрислар ва европаликларни ўлдираман деб хаёлимга келтирмаганман, бундай ниятни хаёлимга келтирмоқчимасман. Уларнинг икки мингдан ортиғи қўл остимда хизмат қилади. Аскарларингизга қанча маош берасизлар деб сўради бек. Мен аниқ билмайман-у, лекин минг атрофида бўлса керак, рўзгор тебратишга етади дедим. Бек икки минг тўлашини айтди ва мендан қанча оласиз деб сўради. Мен 1130 сўм деб айтдим. Бек бунга бир ойдан кейин қоғоз пул билан эмас, тилла танга билан тўлаш имкониятига эга бўлиши, ҳеч нарсага муҳтож эмаслиги, муҳтожлик сезган тақдирда қўшни давлатлар истаган миқдорда етказиб беришини айтди. Агар мен сизларга, шўро ҳукуматига қўшилсам, сизлар мен-

га қандай ҳуқуқ берасизлар деди-да, да-вом этди: ахир мен сизларга ўтган қўрбошиларга ўхшаб большевикларнинг хизматкори бўлиш, уларнинг этигини артиш учун қўшилмайман-ку. Сизлар менга нимани иташларингизни ёзма равишда баён этинг. Мен ҳам ўз шартларимни ёзма равишда етказаман. Мен шартнома тузиш эмас, суҳбатлашиш учун юборилганимизни айтдим ва бекдан Наманганга ўз вакилларини юборишни, уларнинг хавфсизлиги учун кафиллик берилишини айтдим. Бек одам бермаслиги ва юбормаслигини айтди. Бўлиб ўтган ҳамма гапларни ревкомга етказишимни сўради ва бизга қўшилган тақдирда қандай ҳуқуққа эга бўлиши ҳақида ёзма хабар кутишини билдирди. «Коммунистларингиз ва ёшларга айтинг, қуролли ёки қуролсиз бизга келиб қўшилсин, – деб давом этди Бек. – Уларни афу этамиз, бордию бунга унашмаса, оқибати ёмон бўлади. Мабодо шаҳарга борсак, уларни чавақлаб ташлаймиз». Мен яхши, етказаман дедим. Афғонистондан келган вакил тожикчалаб бекка большевиклар билан мусулмонларнинг фойдасига битимга келишини сўради, бек бунга розилик бергандай бўлди.

Суҳбатдан сўнг Ҳожимат эшон бекдан бизни ўзи билан бирга олиб кетишга ижозат беришини сўради. Бек меҳмон бўлиб ётиб қолишга зўрлади, эшон бунга кўнмади. Бек ўнотар милтиқни олиб келиб менга кўрсатди. Бу турдаги қуролдан яқинда 25 мингтасини олишини, тўпи бўлмаса ҳам, 17 та пулемёти борлигини, яқинда тўплик ҳам бўлишини айтди. Эрталабгача қолинглар, қўлимиздаги қуролдан қандай отишимизни кўрсатамиз деди у. Биз танишиб олдик, худо хоҳласа, тез-тез учрашиб туришга умид қиламиз, йигитларингиз бизга тегмаслиги учун ёрлиқ ёзиб берсангиз

деб илтимос қилдик. Бек биронтангизга ҳам тегишмайди деди. Сизлар эшоннинг хузурига келганда қўрбошилар менга хабар етказган ва қайтаётганларингизда ушлаш керакми, керак эмасми сўрашган эди. Лекин буйруғимсиз сизларни ушламасликларини тайинлаганман. Бек бизга ўз муҳри билан эркин юриш ҳуқуқини берадиган ёрлиқ берди. Бек эрталаб Низомиддин Хўжаев илтимоси билан Скобелевга кетаётганлигини айтди. Бек билан хайрлашиб, эшонни келдик, афғонистонлик вакил бекникида қолди. Эшонни келди эрталаб соат бешда етиб келиб, саккизга қадар дам олдик, сўнг нонуштага ўтирдик. Эшон билан суҳбатдан у холис одам эканини англадим, бироқ бек 12 иттифоқдош давлатга ишониб уруш олиб бормоқчи. Эшон бекдан шаҳарга озиқ-овқат ўтказишга рухсат беришини илтимос қилди. Эшон қайсидир қишлоққа боришга отланаётган экан, мендан ҳибсга олишмайдими деб сўради. Мен ҳеч ким сизга тегмайди дедим. Эшон нонуштадан кейин хайрлашаётиб менга зарбоф тўн кийдирди. Муллаларга эса минг сўмдан пул совға қилди. Қайтишда дарёни кечиб ўтдик ва Янгиқўрғон орқали шанба куни шомда Наманганга етиб келдик».

Кўриниб турибдики, мазкур ҳужжат «босмачилар»нинг уруш тарафдори эмаслигини кўрсатади. Улар юртда осойишталик ўрнатмоқчи. Оддий инсоний ҳуқуқлар тикланиши тарафдори. Ерли халққа ўтказилаётган зулм учун совет ҳукуматига ишонмаяпти. Айрим большевикларнинг хатти-ҳаракати ерли аҳолининг ғазабини кўзғамоқда. Бу ҳол қуйида келтириладиган ҳужжатдан ҳам яққол кўриниб туради.

Фарғонадаги кўзғолончилар қўмондони Шермуҳаммадбек Туркистон Республикаси раҳбарияти билан сулҳ юза-

сидан музокара олиб бориш масаласида ташаббус кўрсатади. Совет ҳукумати-га қарши курашиб келаётган Шермухаммадбекнинг бу ташаббуси Фарғона аҳли ҳақли талабининг натижаси эди. Республика раҳбарияти унинг таклифига мувофиқ Фарғонага келиб, Шермухаммадбек билан очиқчасига музокара олиб боради. «Фарғонадаги вайронагарчилик, уруш етарли эмасми? Сиз нимани талаб этасиз?» деган саволга у шундай жавоб қайтарган: «Тўғри, биз Фарғонанинг тикланиши ва тинчлик қарор топиши тарафдоримиз. Аммо сизларнинг ҳукуматингиз ғоялари Туркистон жумҳурияти учун яроқсиздир ва маҳаллий аҳоли ҳаётига татбиқ қилиб бўлмайди». «Туркистон жумҳуриятида тинч ҳаёт қарор топиши учун, сизнинг фикрингизча, нималар қилиш керак?» деган саволга Шермухаммадбек: «Биринчи навбатда савдога йўл қўйиш, жойдан жойга кўчиш эркинлиги, конфискация ва реквизицияларни тақиқлаш, шариат қонунлари асосида судни жорий этиш, вақф ерларни эгаларига қайтариб бериш», – деб жавоб қилади.

Бу каби фикрлар юқори доираларда ҳам айтилган бўлса-да, большевиклар туфайли содир бўлаётган бундай хато ва нуқсонларни тугатишга жиддий киришилмади.

Туркистон вакиллари раиси Ҳусайн Иброҳимовнинг 1919 йил 24 ноябрда В.И.Ленин ва Я.М.Свердлов номига ёзган хати ҳам натижасиз қолди. Бу хатда эса РКП(б) Туркистон мусулмон бюроси жуда қисқа муддатда 200 000 кишилиқ мусулмон қизил армияси ташкил этишни ўз олдига вазифа қилиб олгани, бунинг учун Марказ зарур қурол-аслаҳа ҳамда иложи борича мусулмонлардан иборат қўмондонлар билан таъминламоғи зарурлиги айтилган эди.

Шарқ халқлари коммунистик партияларининг II Бутунроссия съезиди, РКП(б) Бутунроссия VII конференциясига ҳамда Бутунроссия советлари VII съезиди борган Туркистон Республикаси вакиллари П.Кобозев, Ҳ.Иброҳимов, Отарбоев, Бисеров, Ҳ.Хусанбоев, Б.Иванов, А.Муҳитдинов 1919 йил 15 декабрда Москвада туриб РКП(б) Марказий Кўмитасига, В.И.Ленинга ёзган баённомасида: «Босмачилар бу – советлар VII съезиди қадар Туркистон ҳукуматининг нотўғри миллий сиёсати натижаси ўлароқ шаклланган партизанлардир», – деб баҳолаган эди.

Ўша хатда Туркистонда миллий масалада йўл қўйилаётган қатор хатолар кўтариб чиқилган эди. Улардан бири Туркистон мухторияти масаласи эди. «1918 йил 1 майда миллатлар иши бўйича халқ комиссари ўртоқ Кобозев томонидан Сталин радиограммасига мувофиқ мухтор жумҳурият эълон қилинди. Туркистон советлари VI съезидида ишлаб чиқилган ва ўша йилнинг 15 октябрида қабул қилинган Туркистон Конституцияси РСФСР Конституциясининг деярли ўзгинаси эди». Бунга кўра, Туркистон мухторияти Совет Россияси Федерацияси таркибидаги жумҳурият бўлиб, ўз фаолиятини Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети билан тўла мувофиқлаштириб иш кўриши кўзда тутилганди. Туркистон Конституциясига эса Бутунроссия советларининг III съезиди тасдиқлаган «Россиянинг меҳнаткаш ва эксплуатация қилинган халқлари ҳуқуқи Декларацияси» ва Бутунроссия Советларининг V съезидида кўриб чиқилган «РСФСР Конституциясининг умумий низоми» асос қилиб олинган эди.

1919 йилнинг май – октябрь ойигача бўлган даврда Туркистон Коммунистик партиясининг III ва IV съездлари, му-

сулмон коммунистларининг I ва II конференциялари, советларнинг VII ва VIII съездлари ўтказилган. Шу съезд ва конференцияларда Туркистон Республикасини тўғри йўлдан олиб бориш, меҳнаткаш оммани РКП(б) шиорлари остида бирлаштириш, шунингдек, Туркистонни ҳалокат ёқасига олиб бораётган унсурлардан халос этиб, низоларга барҳам бериш масалалари баҳс боиси бўлган. Лекин РКП(б) Марказий Қўмитасининг вакиллар мутаносиблиги ҳақидаги 12 июль санадаги радиограммасидан кейин Туркистонда совет ҳокимияти белгилаб берган «тартиб ва қоидалар»ни ўзгартириш умуман мумкин эмаслиги аён бўлди.

Юқорида саналган съездлар ва конференцияларда совет ходимлари Туркистонни ҳалок қилувчи унсурлардан халос этиб, низоларга барҳам бергани айтилган эди. Лекин РКП(б) Марказий Комитетининг 12 июлдаги вакиллар мутаносиблиги ҳақидаги радиограммаси маҳаллий халқ мавқеини узил-кесил мустаҳкамлади ва шу вақтдан бошлаб Туркистон жумҳурияти «соғлом» йўлга чиқди. Туркистонда совет ҳокимияти мезонларини тугатиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилинди.

Партия VIII съездида қабул қилинган РКП(б) дастурида мазлум халқ меҳнаткашларининг совет ҳокимиятига ишончсизлигига чек қўйиш учун, миллатидан қатъи назар, барча имтиёзларни тугатиш, миллатларнинг тўла тенгҳуқуқлигини таъминлаш, мустамлака ва тенгҳуқуқли миллатларнинг ажралиб чиқиб, ўз давлатларини тузиш, эзувчи

миллатлар пролетариати томонидан эзилувчи миллатларга жуда ҳам эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, мазлум миллатлар меҳнаткашлари оммасидаги миллий ҳиссиёт сарқитларига алоҳида эътибор бериш каби вазифаларни Туркистонда амалга ошириш жуда оғир бўлгани эътироф этилган эди.

Барча вилоят ва уездларда бўлиб ўтган анжуманлар, йиғилишларда рўй бераётган ҳақсизлик ва адолатсизликлар ҳақида очиқ айтилган. Буни 1921 йил 13 январда бўлиб ўтган Наманган шаҳар партиясизлар конференциясида сўзга чиққан Нуриддин Қориев маърузасидан ҳам кўриш мумкин. Нотиқнинг таъкидлашича, мусулмон меҳнаткашлари энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлганлар, турмушнинг қайси соҳасига кўз ташламайлик, ҳамма жойда икки хил ўлчов бўлган: бири европаликлар учун, бошқаси эса мусулмон аҳолиси учун. Ширкат ва озиқ-овқат идораларида озиқ-овқат аксар ҳолларда фақат европалик аҳолига берилган, мусулмонлар оммаси эса тўқ европалик аҳолининг кўз ўнгида очлик азобини тортиб ўлиб кетаверган. Мактаб, театр ва барча маданий муассасаларнинг аксарияти европалик аҳоли учун очилган ва ишлаб турган.

Мустамлакачилик сиёсатининг ана шундай манзараларини бошидан кечирган туб аҳолининг совет ҳокимиятидан норози бўлмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Туркистондаги деҳқонлар ва хунармандлар кенг халқ оммаси совет ҳокимиятига қарши қуролли курашга кўтарилди.¹

¹ Шарқ юлдузи. 1992. №3.

«БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ» ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Совет тарихшунослигида «босмачилик ҳаракати»га қарши олиб борилган кураш тарихига, яъни ғолиб томон тарихига оид кўплаб адабиётлар, тарихий асарлар бор-у, аммо мағлуб томон – «босмачилик ҳаракати»нинг ўзи тўғрисида илмий тадқиқотлар деярли яратилмади. Хорижий мамлакатларда эса бунинг акси: хорижий адабиётда «босмачилар» ҳақида хилма-хил асарлар яратилган. Шунинг учун ҳам, масалан, 1986 йилда Москвада нашр қилинган А.И.Зевелев, Ю.А.Поляков, Л.В.Шишкиналарнинг «Басмачество: правда истории и вымысел фальсификаторов» монографиясида асосан инглиз, француз, немис ва бошқа Европа тилларида чоп қилинган адабиётлар таҳлил қилинган, холос. Хорижий Шарқ халқлари тилларида «босмачилик ҳаракати» бўйича эълон қилинган асарлар эса совет историографиясида ўз ифодасини топган эмас. Ҳолбуки, Ўрта Осиёда 1918 – 1935 йилларда олиб борилган «босмачилик ҳаракати» тарихи фақат Ғарб эмас, балки Шарқ муаллифларининг тадқиқотлари ёки

шу ҳаракат қатнашчиларининг хотиралари асосида ҳам ёзилиши керак. Айниқса, замона зайли билан ватанни тарк этиб, ўзга юртларга кетиб қолган ватандошларимизнинг эсдаликлари чуқур ўрганилмоғи лозим.

Маълумки, 1927 – 1932 йилларда Туркияда Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ёритувчи «Янги Туркистон» журнали нашр қилинган. Бу журнал Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроқўмининг собиқ раиси, 1922 йилда Афғонистонга, 1923 йилда эса Туркияга ўтиб кетган, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг пешқадамларидан бири, 1909 – 1910 йилларда Истанбулда ўқиган Усмонхўжа – Усмонхўжа Пўлатхўжаев¹ томонидан ва шу кишининг муҳаррирлигида ташкил қилинган. Журнал саҳифала-



Усмонхўжа Пўлатхўжаев

¹ Усмонхўжа Пўлатхўжаев – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Бухоро Марказий Ижроия Комитети (МИК) раиси (1921 йил сентябрь – 1922 йил август). Отаси Қори Пўлатхўжа бухоролик савдогар бўлган. У дастлабки таҳсилни Бухородаги мадрасада олади ва илк жадид мактабларидан бирига асос солади. 1908 йил дўсти Ҳамидхўжа Меҳрий билан Туркияда – Истанбулда таҳсил олади. 1913 йил Усмонхўжа Бухорога қайтади ва яна жадид мактаби очади. Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1878 йил Фарғона водийсига қарашли Ўш шаҳрида дунёга келади. Отаси Пўлатхўжа, онасининг исми Фотима Ойим эди. Кароматуллох хўжанинг авлодларидан бўлган Пўлатхўжа Файзулла Хўжаев (1896-1938)нинг отаси Убайдуллахўжанинг акаси ҳисобланади. Бухоро амирининг босимларидан қутулмоқчи бўлган бухоролик савдогарлар, одатда, бир неча йил Самарқанд ёки Фарғонага бориб, савдо соҳасидаги фаолиятларини у ерда давом эттиришарди. Пўлатхўжа эса Ўш шаҳрида савдо фаолиятини олиб боради. Бу даврда Фотима ойим билан турмуш куради ва бу турмушларидан Усмонхўжа дунёга келади. Усмонхўжа жуда ёшлигидаёқ отаси томонидан Бухорога олиб келинади ва бу ерда махсус тайинланган устозлар ёрдамида таълим олади. Пўлатхўжа Бухородаги таълимидан ташқари Истанбул, Боку, Боғчасарой, Қозон ва Тошкентда чиққан газета ва журналлар, айниқса, Исмоил Гаспирали томонидан чиқарилаётган «Таржимон» газетасини ўқиш орқали дунёқарашини юксалтиришга ҳаракат қилади. Бу йилларда Усмонхўжа бошқа жадид (янгиликчи) зиёлилар каби «Таржимон» газетасидаги жадидчилик қарашлари ва усули жадид мактаблари ҳақидаги хабарлардан қаттиқ илҳомланади.

Усмонхўжанинг 1898 ва 1910 йиллар орасидаги ҳаёти ва фаолияти борасида жуда ҳам кам маълумот мавжуд. Бу йиллар ичида Усмонхўжа бутун Туркистон бўйлаб кенг тарқалган жадидчилик ҳаракатининг аъзоси ва унинг етакчиларидан бири бўлган эди. Жадидчилик ҳаракати дастлаб таълимда туб ўзгаришлар қилиш ташаббуси билан чиққан бўлса ҳам, кейинчалик сиёсий ҳаракат, ҳатто сиёсий партиёга айланган эди. Бу ҳолатни Садриддин Айний шундай изоҳлайди: «Фақат бу ҳаракатни инқилобчи ҳаракат деб бўлмасди. У бор-йўғи мактаб, мадраса ва бошқа шу каби урф-одатларни тuzатиш, амир томонидан чиқарилган солиқларни маълум қилип ва тартибга солиш, амирнинг ўзбошимча ҳаракатларини тўхтатишни хоҳларди. Янгиликчи ҳаракат кўтарган муҳим масалалардан яна бири деҳқонлардан олинадиган солиқнинг ўзгармас миқдорда қилиб белгиланиши эди. Бу янгиликчи ҳаракатга мен ҳам қўшилдим. Биз мактаб ва мадрасаларни тuzатишни ташвиқ қилар эдик. <https://azon.uz/content/views/usmonhujja-pulathujja-musofirlikda-jon-ber>

рида «босмачилик ҳаракати» тарихини холисона баён этувчи кўпдан-кўп мақолалар ҳам босилган. Мустафо Чўқаев томонидан Францияда нашр қилинган «Ёш Туркистон» журнали ҳам тарихимизга, жумладан, «босмачилик ҳаракати» тарихига оид кўплаб материаллар бериб борган.

Бу мавзуни ҳар томонлама тадқиқ этишда «босмачилик ҳаракати»да қатнашган кучларнинг миқдори, аҳволи, имконияти, қудрати, кураш шакли ва услублари, ғалаба қозониш ва енгилиш сабаблари, ҳарбий стратегия ва тактикаси, таниқли қўрбошиларнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий ва диний қарашларини гавдалантирувчи асарлар етарли даражада яратилгани йўқ. Қолаверса, қўрбошилар ва уларга раҳнамолик қилган дин арбобларининг халққа мурожаатномалари, совет ҳукумати вакиллари билан олиб борган музокараларига оид ҳужжат ва материаллар тарихчилар томонидан янада чуқур ўрганилиши лозим. (Ўзбекистонда сўнгги йилларда тарихчи олим Қ.Ражабов тадқиқотларида «босмачилик» ҳаракати Туркистон халқларининг совет режимига қарши олиб борган миллий истиқлол кураши эканлиги ҳар томонлама асослаб берилган – муҳаррир изоҳи.)

Мазкур ҳаракат тарихини холисона ўрганиш ва янгича баҳолаш билан боғлиқ яна бир муҳим масала бор. У ҳам бўлса Москва ва Санкт-Петербургдаги махфий архивларда сақланаётган манбалар билан танишиш ва уларни ўрганишдир. Масалан, РГАСПИ архивининг 61-, 62- ва 122-фондларида РКП(б) Марказий Қўмитаси Туркистон бюроси, РКП(б) ва ВКП(б) Марказий Қўмиталарининг Ўрта Осиё бюроси, 122-фондида РКП(б) МК, РСФСР ХКС ва Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг Тур-

кистон иши билан шуғулланувчи комиссияси фаолиятига оид ҳужжатлар сақланган бўлиб, бу муассасалар 1919 – 1934 йилларда Тошкентда жойлашган ва фаолият олиб борган эди.

Россия Федерацияси Ҳарбий давлат архивининг 110-, 149-, 278-, 238-, 256-, 125- ва 131-фондларида Туркистон fronti армиялари бошқармаси, Фарғона fronti 3-Андижон-Ўш жанговар группаси штаби, Закаспий fronti бошқармаси, Еттисув шимолий фронт бошқармаси ва бошқа фронтларнинг архивлари сақланмоқда. Худди шунингдек, ГАРФ архивида ҳам Ўрта Осиё тарихига оид бир қатор архив фондлари бор. Бу архивларда 1918 – 1924 йиллардаги Туркистон ва Бухоро ҳукуматларининг Москвадаги мухтор ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг СССР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонаси фондлари мавжуд. Санкт-Петербургдаги архивларда эса Туркистон мухторияти ҳақидаги ҳужжатлар сақланмоқда. Бу архив фондларини чуқур ўрганмасдан туриб Ўзбекистоннинг 1917 – 1935 йиллардаги тарихини, хусусан, «босмачилик ҳаракати»нинг ҳаққоний тарихини яратиш маҳолдир.

Бундан ташқари, ўша давр вақтли матбуотининг катта бир қисми Москва, Санкт-Петербург кутубхоналарида, ихтисослаштирилган омборларда сақланмоқда. Масалан, Туркистонда нашр этилган шундай газета ва журналлар борки (масалан, «Туркестанский голос», «Туркестанское слово», «Щит народа», «Голос Семиречья», «Знамя свободы», «Бухоро ахбороти», «Инқилоб қуёши»), уларни Тошкентдаги кутубхоналардан топа олмаймиз. Уларнинг талайгина қисми Москвадаги Ленин номидаги давлат кутубхонасининг Химки шаҳридаги филиалида, собиқ Россия Фанлар акаде-

мияси Ижтимоий фанлар илмий ахборот институти кутубхонасида сақланмоқда.

Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати архивида ҳам «босмачилик ҳаракати»га оид материаллар борки, уларни ҳам атрофлича ўрганиш бу ҳаракат тарихини ҳаққоний яратиш ишига ёрдам бериши шубҳасиздир. Фикримиз исботи учун қуйида бу ҳаракатга бошчилик қилган кишилардан бири – Носирхон тўра Саидкамолхон Тўраев ҳақидаги маълумотни келтирамиз.

Носирхон тўра наманганлик мударриснинг ўғли бўлиб, отасининг мадрасасида таҳсил кўради. Бухорода ўқийди. Сўнгра Наманганда бош мударрис сифатида бутун Фарғона водийсида катта шухрат қозонади. Чоризм салтанати ағдарилгандан сўнг у ижтимоий фаолият билан шуғулланиб, Наманган шаҳар думасига сайланади. 1917 йил 26 – 29 ноябрда Кўқон шаҳрида бўлиб ўтган Ўлка мусулмонларининг IV қурултойида қатнашади ва Туркистон мухторияти ҳукумати таркибига аъзо бўлиб киради ҳамда халқ маорифи вазири этиб тайинланади. Мухторият қонга белангач, Носирхон тўра таъқибдан қочиб, яшириниб яшайди. Аммо бир йил ўтгач очиқ фаолиятга ўтади ва 1923 йилга қадар Наманганда «Маҳкамаи шаръия» диний бошқармасига раислик қилади.

ОГПУ ҳужжатларида ёзилишича, Носирхон тўра диний соҳада фаоллик кўрсатиш билан бирга «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Наманган бўлимига аъзо бўлади ва бу ташкилотнинг Косон шаҳридаги тармоғини ташкил қилади. 1924 йилда Косондаги батрақлар уюшмаси бойларга қарши кураш бошлаб юборганида унинг ташкилотчилиги билан деҳқонларнинг оммавий чиқишлари юз беради. 1925 йили Носирхон тўра советларга қарши фаолияти учун ОГПУ

қарори билан ҳибсга олинади ва Ўрта Осиёдан чиқариб юборилади. У Оренбургда яшар экан, татар руҳонийлари билан яқин алоқада бўлади. У ўзининг кўрган-билганларини «Оренбург мактублари» эсдалигида баён этади. 1928 йил охирида сургундан қайтиб келиб, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон шаҳарларида бўлади.

20 йиллар охири – 30 йиллар бошларида Ўзбекистонда зулм, ҳақсизлик, адолатсизликка қарши «босмачилик ҳаракати»нинг янги тўлқини бошланади. «Босмачилик»ка қарши кураш баҳонасида кўплаб бегуноҳ кишилар жисмонан йўқ қилинади. Шундайлардан бири Носирхон тўра ҳам большевиклар томонидан отиб ташланади.

Фитрат 1937 йил 25 октябрда бўлиб ўтган тергов жараёнидан кейин бундай баённомани имзолашга мажбур бўлган: «Бизнинг ташкилотимиз «босмачилик ҳаракати»га катта аҳамият берган ва унга совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борувчи қурол сифатида кўпдан-кўп умид боғлаган эди. Биз босмачиликка бўлғуси буржуа миллий давлати миллий армиясининг туғилиши деб қараганмиз. Шунинг учун ҳам Мўминжон Аминов, Ота Хўжаев (Отахўжа Пўлатхўжаев – муаллиф), Усмон Хўжанинг фаол иштирокида Файзулла Хўжаев «босмачилик ҳаракати»га бевосита раҳбарлик қилиш билан машғул бўлди. Қулоқ-миллатчилик ишлари остида ташкил қилинган «босмачилик ҳаракати»ни РСФСР ҳукумати олдидаги совет ҳокимияти принципларига қарши қаратилган халқ ҳаракати деб билганмиз».

Ўйлаймизки, Фитрат терговчи томонидан ёзилган ва сохта фактларга асосланган бу баённомани жисмоний тазйиқ остида тасдиқлаган бўлса-да, унда «миллий иттиҳод»чиларнинг «босма-

чилик ҳаракати»дан кузатган мақсади, умуман, тўғри ифодаланган.

«Миллий иттиҳод»нинг истиқлолга эришиш мақсадида бошлаган фаолияти шунга олиб келдики, 1920 – 1924 йилларда Мулла Абдулқаҳҳор, Жўра Амин, Мурод Мешкоб, Митан Полвон ва бошқа қўрбошилар раҳбарлигидаги Совет давлатига қарши ҳаракат бутун Зарафшон водийсини қамраб олди. Фарғона водийсида ҳам аҳвол шундай эди. Бу ҳаракат иштирокчилари хорижий давлатлар билан ҳам алоқа ўрнатдилар.

Совет даврида «босмачилик ҳаракати» номини олган, иштирокчилари эса «аксилинқилобчилар» ва «халқ душманлари» деб қораланиб келган қуроли ҳаракат ана шу тарзда большевикларнинг Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсатига қарши бошланди. Шунинг учун ҳам бу ҳаракат мустақиллик даври тарихчилари томонидан Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат ёхуд истиқлолчилик ҳаракати сифатида талқин этиб келинмоқдаки, бу мутлақо тўғридир.

Тарихий ҳужжатлардан шу нарса маълумки, 1909 йилда Туркистонда 7 миллион аҳоли яшаган. Шундан 2,5 миллиони ўзбеклар, 2,4 миллиони қозоқ-қирғизлар, 1,3 миллиони тожиклар, 0,6 миллиони эса руслар бўлган. 1920 йилги аҳоли рўйхатига кўра, Туркистон Республикасида 5 миллион 250 минг аҳоли яшаган. Демак, 11 йил ичида Туркистон аҳолиси 1,5 миллион кишига камайиб кетган. Ҳолбуки, аҳолининг табиий ўсиши чор ҳокимиятининг бошқа ўлкаларига қараганда Туркистонда юқори бўлган. Қолаверса, шу давр ичида Ички Россиядан кўплаб кишилар Туркистонга кўчириб келтирилган. Шундай экан, нега бунчалик аҳоли камайиб кетган? Бунинг асосий сабаби 1916 йилги мил-

лий озодлик ҳаракати ва инқилобнинг дастлабки йилларида кўплаб кишиларнинг қирилиб кетишидир. Статистик маълумотларга қараганда, фақат фуқаролар уруши оқибатида чор салтанатида 1921 йилга қадар 800 мингдан зиёд киши ҳалок бўлган, шундан 200 мингдан зиёди Туркистонга тўғри келади. Қарийб 140 миллион аҳолилик мамлакатда уруш йилларида 800 минг киши ҳалок бўлган бўлса, 7 миллионлик аҳолига эга бўлган Туркистонда 200 мингдан ортиқ киши маҳв этилган. Демак, бошқа ўлкаларга қараганда Туркистонда кўпроқ қон тўкилган. Аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, дашноқлар бандаси томонидан 1918 йил ва 1919 йилнинг биринчи чорагида Марғилонда 7 минг, Андижонда 6 минг, Наманганда 2 минг, Бозорқўрғон билан Кўқон ўртасидаги қишлоқларда 4,5 мингга яқин аҳоли ўлдирилган, азобланган. Халқ бу сингари даҳшатлар билан ортиқ муроса қилиши мумкин эмас эди.

Миллий истиқлолчилик ҳаракати тарихидек кенг қамровли масалани ҳар томонлама ёритиш учун шу ҳаракатнинг юзага келишига асосий сабаб бўлган Туркистон мухториятининг зўравонлик йўли билан тугатилиши ва дашноқларнинг совет ҳокимияти номидан иш кўриб, Фарғона халқига нисбатан қилган ёвузликлари ҳақидаги ҳақиқатни аниқлаш ва юзага чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Дашноқларнинг Фарғона водийсидаги ёвузликлари ўз даврида Туркистон ҳукуматининг айрим миллий раҳбарлари томонидан кескин фош этилган, уларнинг айримлари ўша танқидлари ҳам сабаб бўлиб 30-йилларда қатағон қилинган.

Дашноқларнинг Андижон уездида олиб борган босқинчилик ҳаракатига жавобан бошланган қуроли ҳаракат

тўғрисида Турор Рисқулов шундай ёзган эди: «Босмачилар Андижон шаҳрида бирмунча муваффақиятга эришишди, натижада 70 та милтиқ, бир неча минг ўққа эга бўлишди. Дашноқлардан иборат ҳарбий қалъа бу воқеада бутун айбони эски шаҳарликлар бўйнига юклади. Шу муносабат билан бўлинма митинги чақирилиб, эски шаҳарни тинтиб чиқиш учун қарор қабул қилинди. Тинтув бир ҳафта давом этди. Ўғрилиқ, қотиллик, зўрлаш ҳодисалари содир бўлди. Тинтувдан сўнг эски шаҳарликларнинг кўпчилиги босмачиларга қўшилиб кетди.

Оқибат шу бўлдики, бир неча кундан кейин 170 кишидан иборат дашноқлар отряди босмачилар томонидан қуршаб олинди ва битта қолдирмай чопиб ташланди. Шундан сўнг аҳолини босмачиларга ён босишда айблаш бошланди. 170 кишининг ўрнига шаҳар қўмитаси раиси Салаев бошчилигида 250 кишидан иборат отряд тузилди ва Қўқонқишлоққа ҳужум қилиниб, биронта уй қолдирмай ёқиб юборилди.

Қочиб кетган қишлоқ аҳолисини 20 чақиримгача қувлаб боришди ва бирма-бир қиличдан ўтказишди. Бошқа бир отряд босмачиларга Сузоқ қишлоғи атрофида дуч келди: босмачилар қишлоққа кириб яшириндилар. Сузоқ қуршаб олинди ва аёвсиз ўққа тутилди. Қишлоқдан қочиб, дарё бўйига яширинган аҳолига қарата ўт очилди ва бирор-бир тирик жон қолдирмай қириб ташланди. Бир ойлар чамаси кўмилган мурдаларни итлар ғажиб ётди.

Бозорқўрғонга борган Коновалов бошчилигидаги учинчи отряд эса иложи борича ўз ҳаракатини сир тутишга интилди ва тахмин қилганларидек босмачиларга дуч келгач, қутилмаганда ғойиб бўлдилар. Коновалов Бозорқўрғондан кетар экан, қўшни Никольское қишло-

ғи (ҳозирги Бозорқўрғон билан Маданият қишлоқлари ўртасида жойлашган қишлоқ – муаллиф)даги русларга Бозорқўрғонни босмачилардан тозалашни топширди ва бу қишлоқни Никольскоедаги рус «қулоқ»лари уч ҳафта давомида обдан «тозалашди». Аввалига шунчаки талон-торож қилишди, сўнг ҳеч нимани сўраб-суриштирамай, эркаларни босмачиларни қўллаб-қувватлагани, болаларни эса бир неча йилдан сўнг босмачи бўлиб етишиши мумкинлиги учун отиб ташладилар. Ниҳоят улар аҳолига ўлганларни кўмиш учун рухсат беришди. Халқ мурдаларни олиб, диний урф-одатларни бажо келтираётганида рус «қулоқ»лари такрор ҳужум қилиб, намоз ўқиётганларнинг ҳаммасини ер тишлатди... Дашноқ ва рус қулоқларининг бу хил ҳаракатлари (бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин) босмачилар сафининг яна ҳам кенгайишига сабаб бўлди».

Қўрбошилар ўз сафларини мустаҳкамлаш, қурол-яроғ сотиб олиш ва озиқ-овқат билан таъминланиш учун қишлоқ аҳолисига солиқ солганлар, иродаларига бўйсунмаган кишиларни жазолаганлар. Масалан, Қозоқ қўрбоши Андижон шаҳридаги Уйлик даҳасининг элликбошиси Тўхтасинга қуйидаги талаб билан мурожаат этган: «Жаноби Исроилбек Ғозий амрига мувофиқ бой синфига мансуб аҳолидан тезлик билан 300 минг сўм тўплаб, уни мусулмон аскарлари фойдасига келтиришингизни талаб этаман. Пулни келтириш пайсалга солинадиган бўлса, қатъий жазоланасиз».

Шу даҳа оқсоқоли Мухтор охунга келган хатлардан бирида бундай дейилган: «Шошилинич тарзда ўзига тўқ бойлардан исломнинг жасур лашкарларига ёрдам ва хайрия учун марказий банк ҳисобидан бир миллион сўм пул йиғиб топширишингизни буюраман...

Ислом қўшинлари бош қўмондони Шерматбек Ғозий».

Жалабек қишлоғи аминига Умрзоқ қўрбоши эса мана бу хатни йўллаган: «Шерматбек Ғозий фармонига кўра сиз 3 кун муддат ичида қўшинлар учун 100 минг сўм тайёрлаб қўйинг. Айтилган фурсатда бажармасангиз, аёвсиз жазоланасиз. Пулни бой ва камбағаллардан мутаносиб тарзда йиғинг».

Пойтуғ ҳокими Асқар Алидан Чўнг Бағиш оқсоқолига 1921 йил 23 мартда келган хатда эса бундай сўзлар айтилган: «Ушбу билан барча элликбошиларга маълум қиламан ҳамда буюраманки, мусулмон қўшинларининг бош қўмондони баҳодир Шерматбекнинг амрига мувофиқ Мулла Абдукарим Мулла Мухаммад Назар Охунов халқ қозиси этиб тайинланди. Шундан эътиборан у барча ишларни шариат асосида кўра бошлайди. Васиқа, никоҳ, мулк ва бошқа масалаларнинг ҳаммаси шариат асосида кўрилади. Бу ҳақда бутун аҳолини хабардор қиламанки, бундан кейин ҳамма халқ қозисига мурожаат этсин».

Бундай ҳужжатлар шундан далолат берадики, агар қуроли ҳаракат ғалаба қозонган тақдирда ҳам, Ўзбекистонда замонавий дунёвий давлат эмас, балки диний қадриятлар устуворлик қилган давлат тузуми барпо этилган бўларди. Шунга қарамай, айтиш жоизки, большевизмга, Совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураша оладиган бошқа бирор куч бўлмагани учун бу тарихий вазифани ҳаракат раҳбарлари ўз зиммаларига олдилар.

Партия, совет ва ҳарбий ташкилотлар жойлардаги фаолиятида ўта сўллик ва зўравонликка йўл қўйганлари ҳам мазкур ҳаракатнинг авж олишига сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва Фарғонада бос-

мачиликка қарши кураш бўйича тузилган «учлик»нинг раиси Қ.С.Отабоевнинг 1922 йил 25 февралда Андижон уезди масъул ходимлари билан ўтказган кенгашдаги каттагина нутқи эътиборга сазовор. У кенгашда «босмачилик»ни ҳарбий куч билан тугатиб бўлмаслигига иқрор бўлиб, тўрт йиллик кураш давомида Фарғонанинг маҳаллий шароити, турмуш тарзи, умумий ҳолати ҳисобга олинмагани, шунинг учун ҳам бу ҳаракатнинг миллий тус олганини айтиб, шундай дейди: «Босмачилар ўзларини дин ҳимоячилари ва русларнинг душмани деб эълон қилдиларки, бу билан улар маҳаллий туб аҳолининг ҳурматини қозонмоқчи бўлдилар. Большевизм билан кураш олиб боришни босмачиларга оқ гвардиячилар ўргатди. Босмачилик... вақт ўтиши билан ўз жараёнида диний ва миллий тус ола бошлади».

Мазкур йиғилишда Ёқубжон Исакулов сўз олиб, бундай дейди: «Ҳарбий қўмондонликда жойлашиб олган шахсларнинг маҳаллий аҳоли турмуши ва психологияси билан таниш бўлмаслиги туфайли ҳозирги вақтгача босмачиликни тугатиш имкони бўлмапти. Жазо органлари бошида европалик ўртоқлар жойлашиб олганларки, улар ҳам маҳаллий аҳоли психологияси билан таниш бўлмасдан, қандайдир ярамаснинг ёлғон чақуви бўйича масъул мусулмон ходимларни судга бердилар, ҳатто отиб ҳам ташладилар, бу эса босмачиликни тугатиш масаласида мусулмон ходимларнинг совиб кетишига сабаб бўлди».

1922 йил 12 майда Туркистон Компартияси Марказқўмининг V пленуми «Босмачилик билан курашиш ва ТКПнинг Туркистондаги навбатдаги вазифалари» масаласини муҳокама қилди. Пленум ишида РКП(б) МҚ Туркистон бюроси аъзоси С.М.Гусев, РКП(б) МҚ аъзоси



Г.К.Оржоникидзе

Г.К.Оржоникидзе қатнашдилар. Марказқўм котиби Н.Тўрақуловнинг маърузаси бўйича муҳокамада Қ.С.Отабоев, Врачев, И.Хидиралиев, Бурнашев, Казарин, Миржамолов, Султон Хў-

жаев, С.И.Гусев, Юдовкин, Соловьевлар сўзга чиқдилар. Қ.С.Отабоев ўз нутқида Фарғонадаги аҳвол сабабларини билмагунча бу масалани ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлаб, шундай деди: «Фарғонада рўй берган воқеа босмачилик эмас, балки халқ қўзғолонидир. Босмачилик ундан олдин бўлган. Вазиятни ҳисобга олишдаги уқувсизлигимиз туфайли дастлабки йилларда «Йўқолсин бойлар, дин, шариат! Яшасин совет ҳокимияти!» каби шиорлар остида совет ҳокимияти ўрнатилди...»

Қ.С.Отабоев кимга қарши кураш олиб борилган бўлса, халқ оммаси шу «жабрдийдалар»га хайрихоҳ бўлганлиги ҳақида сўзлаб, шундай деди: «Ҳожимат эшон (собиқ авлиё) аҳоли ҳурматини қозониб, узоқ вақт давомида босмачиликни бошқаради. Бу ерда иқтисодий сабаблар бор эди: майда кустар корхоналарнинг миллийлаштирилиши, пахта заводларининг ёпиб қўйилиши натижасида бир гуруҳ ишчилар босмачилик қучоғига ташландилар. Биз ўртоқ Ленинга суиқасд қилиниши муносабати билан бойларни суиқасдда айблаб қамоқхоналарга ташладик. Биз аҳолининг барча нуфузли қатламларини қувиб юбордик ва босмачилик советларга қарши ҳаракат тусини олди, бутун аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди, диний урф-одат-

ларни ва миллатни большевиклардан ҳимоя қилишга отланди. Босмачилик билан кураш бошланган эди, аммо бу кураш уни тугата олмади. Бу ҳам босмачиликнинг ривожига янги сабаб бўлиб хизмат қилди». Кўрамизки, советлар «босмачилар»га қарши курашиш жараёнида тинч аҳолига ҳам беқиёс даражада катта жабр-зулмлар келтирди, шунинг натижасида улар қуроли ҳаракатга кўпроқ ёрдам бердилар.

Мазкур ҳаракат узоқ йиллар мобайнида давом этишининг сабабларидан яна бири совет жазо муассасаларининг фаолияти билан боғлиқ. Улар миллий таркибига кўра руслардан иборат бўлиб, туб аҳолининг истак-хоҳиши билан мутлақо ҳисоблашмас эдилар. Улар аҳолини бекордан-бекорга отиб, қамоқхоналарда қийнаб, ушлаб турардилар. Шунинг учун ҳам Қ.С.Отабоев ўз нутқида Туркистонда «босмачилик» маҳаллий аҳолининг ўз кучи билангина тугатилиши мумкинлигини, ЧК органларидаги Иванов, Петров каби ходимларнинг маҳаллий халққа ёт кишилар бўлганлиги сабабли уларнинг бу ҳаракатга қарши танлаган кураш усул ва услублари самара бермаслигини, босмачиликка қарши курашиш учун жазо органларини, ҳарбий инқилобий кенгашларни, совет-партия муассасаларини маҳаллий ходимлар билан тўлдириш ва бу ишни уларга топшириш зарурлигини айтади.

И.Хидиралиев ўз нутқида Қ.С.Отабоевни қўллаб-қувватлаб, шундай деганди: «Ўртоқ Отабоев ўзининг қисқа маърузасида Фарғонада юз бераётган даҳшатларнинг юздан биринигина келтирди. Фарғонадаги ҳозирги аҳвол бизнинг хатоларимиз натижасидир. Авваллари пахта ва гуручнинг базаси ҳисобланган бир қатор йирик қишлоқлар эндиликда қаҳатчиликни бошидан

кечирмоқда. Шунинг учун ҳам очликни кечирмоқдаларки, 20 йилда босмачилар жойлашган жойлардан қизил аскарларнинг овқатланиши учун озиқ-овқатларни олиб чиқиб кетиш методи қўлланган. (Шунинг учун ҳозир у ерда қаҳатчилик ҳукм суриб, ҳатто экиш учун уруғ ҳам етишмаяпти.) Натижада биз аҳолини очликка дучор қилдик. Сўнгра шариатни ҳақорат қилиш масаласидаги номаъқулчиликларни ҳам таъкидлаш зарур, мадрасалар казармаларга айлантирилди. Босмачилар билан курашда ҳалок бўлганлар диний расмларсиз дафн қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий аҳолини ғазабга келтирмоқда. Булар маҳаллий аҳолининг нафратини уйғотмоқда деб айтган ходимлар миллатчиликда айбланмоқда ва таъқиб этилмоқда. Шу боис улар совет ҳокимиятидан босмачилар томонига ўтиб кетмоқдалар...

Босмачилар билан курашиш учун тузилган маҳаллий полклар тарқатиб юборилмоқда. Ҳаттоки ўртоқ Зиновьев босмачилар билан курашиш учун «беғона»ларга, яъни маҳаллий аҳолига биронта ҳам милтиқ бермаслигини эълон қилди... Петерс отряди тинч аҳолидан 130 кишини қилич билан чопиб ташлади, худди шундай фожиа Андижон уездида ҳам содир бўлди. Босмачилар кетганидан сўнг тинч аҳолидан 45 киши сўйиб ташланди. Петерс отряди шундай хатти-ҳаракатлари билан шуғулланаётган бир пайтда ўртоқ Эйхманс фармонига кўра сиёсий бўлимда маҳаллий масъул ходимлар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Бундан Тошкент ҳам, Марказ ҳам хабардор. Эндиликда сиёсий ён беришлар билан ўша вақтда

қилинган хатоларимиз жазосини тортаяпмиз».

Врачев Бухорода авж олган «босмачилик» ҳақида тўхталиб, бу ерда ҳаракат маълум маънода халқ кўзғолони, исёни характериға эға бўлаётганини қайд этиб, «босмачилик»нинг Самарқанд, Закаспий, Сирдарё вилоятларида ҳам ривожланиб бораётганини асослаб беради ва шундай оғир вазиятда Фарғонада хато сиёсат олиб борилаётганини танқид қилади.

Қуролли ҳаракатда минтақалар, миллий районларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ фарқлар, хусусиятлар ҳам бўлган. Масалан, Туркменистондаги Жунайидхон бошчилигидаги ҳаракат билан Тожикистондаги Иброҳимбек раҳбарлигидаги ҳаракатда, Фарғона водийсидаги Мадаминбек бошлиқ ҳаракат билан водийнинг қирғиз аҳолиси яшаган Муҳиддин, Жонибек қози каби кўрбошилар бошлиқ ҳаракатда талайгина миллий ва маҳаллий хусусиятлар бўлганки, буларни эътибордан четга қолдирмаслик керак. Шу билан бир қаторда, советларга қарши қуролли ҳаракатда, қайси минтақада бўлишидан қатъи назар, кўпдан-кўп умумийликлар бўлган ҳамда курашувчи гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро қўшилиб кетганки, шунинг учун ҳам мазкур ҳаракатни атрофлича ўрганмай туриб унга тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Ўйлаймизки, миллий истиқлол ҳаракати ҳақидаги янги далиллар, ҳужжатлар, материаллар, фикр ва мулоҳазалар қанчалик кўп бўлса, тарихимизнинг бу ғоят мураккаб даврини тўғри талқин ва таҳлил қилиш имконияти ҳам шунчалик кўп бўлади.¹

¹ Шамсутдинов Р. «Босмачилик ҳаракати» қандай бўлган? // Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Б.79 – 90.

«БОСМАЧИЛАР» КИМ БЎЛГАН?

Президент И.А.Каримов Тошкент вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган маърузасида мамлакатимиз тарихини яратишдаги долзарб муаммолар устида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: **«Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, инқилоб даврида ҳам, «босмачи» деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, «десантчилар» келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам Фарғона фожиаси туфайли халқимиз бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳо-изоҳ берсак, кўп нарсани жой-жойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваламбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олишлари даркор».**

Биз, тарихчилар, «босмачи», «босмачилик» деган сўзлар ўйлаб тўқилган 1918 – 1935 йилларни тарихимизнинг аламли саҳифаларидан бири сифатида тадқиқ ва таҳлил қилиш, холисона баҳолашни долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Бу мавзу қарийб 80 йилдирки жаҳон тарихшунослиги эътиборида. Аммо 75 йиллик совет тарихшунослигида мазкур масала, юқорида қайд этиб ўтилганидек, сохталаштирилиб, бузиб келинди. Аксарият ҳолларда «босмачилик» ҳаракатига қарши олиб борилган ку-

раш тарихи ўрганилди-ю, аммо ушбу ҳаракатнинг асл мақсади ўрганилмади. «Босмачилик» ҳаракати ҳақида хорижда анча холис, тўғри яратилган илмий асарларга шўро тарихчилари «сохталаштириш», «бузиш», «туҳмат қилиш» каби тамғаларни ёпиштириб келдилар.

Бизнингча, «босмачилик» ҳаракати тарихини ҳаққоний юзага чиқариш учун шўролар давридаги жамики асарларни қайта, танқидий таҳлил қилиш, архивлардаги манба ва ҳужжатларни чуқур ўрганиш, хориждаги манба ва асарлардан самарали фойдаланиш лозим кўринади.

Туркияда Усмонхўжа Пўлатхўжаев ташкил қилган «Янги Туркистон», Францияда Мустафо Чўқаев асос солган «Ёш Туркистон», Германияда Вали Қаюмхон уюштирган «Туркистон» журналларида (1926 – 1939 йиллар) чоп этилган мақолаларни, 1925 йили Парижда Жозеф Кастанъенинг «Босмачилар», 1979 йили Мадинаи мунавварада Мусо Туркистонийнинг «Улуғ Туркистон фожиаси» (2 жилдлик), Саид Мубошир Косонийнинг Саудия Арабистонида чоп қилинган «Ўрта Осиё тарихи» (3 жилдлик), Бухоро амири Саид Олимхоннинг эсдаликлари, Амир Олимхоннинг амакиваччаси Абдумўмин Абдурахмоновнинг «Турон тарихига ёғдулар» (1994), Гленда Фрезернинг Лондонда 1987 йили нашр қилинган «Босмачилар», Доктор Боймирза Ҳайитнинг 1992 йили Кельнда чоп этилган «Босмачилар»: Туркистон миллий кураш тарихи (1917 – 1934)»¹, Шаҳобиддин Яссавийнинг Туркияда эълон қилинган «Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари» каби асарларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Боймирза Ҳайитнинг мазкур китоби немис ва турк тилларида нашр этилган.

Мустақиллик туфайли тарихимизнинг бошқа даврлари каби бу ҳаракат ҳам тамомила янгича нуқтаи назардан туриб ўрганилмоқда. Мазкур мавзуда бир қатор тадқиқотлар олиб борилиб, докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, бир қатор рисола ва мақолалар эълон қилинди. Айниқса, тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов шу соҳада ибратли ишларни амалга оширди.

Миллий озодлик ҳаракати истиқлол кураши юз берган Ер куррасининг бирон минтақасида: на Африкада, на Осиёда, на Европада Туркистонда бўлганидек ғоят катта, улкан қурбонлар эвазига бўлмаган. Далилларга мурожаат этамиз.

Шўролар тарихшунослигида Туркистондаги «гражданилар уруши» даврида ҳар икки томондан 200 минг киши, жумладан, 50 минг коммунист қурбон бўлгани айtilган. Фарғона fronti ҳарбий кенгаши аъзоси Березин «босмачилар»дан 250 минг киши ўлдирилганини фахр билан айтган. Таниқли давлат арбоби И.Хидиралиев ҳам Фарғона водийсида бир неча ўн минглаб кишиларнинг ўлдирилганини ачиниш ҳисси билан қайд этган. Доктор Боймирза Ҳайит туркистонликлардан 700 минг киши, қизил аскар ва зобитлардан эса 68 минг киши ҳалок бўлган деб ёзади.

1917 – 1923 йилларда фақат Фарғона водийсида очликдан 1 миллиондан ортиқ одам ўлган. Қаҳрамон Ражабов водийда 1918 – 1924 йилларда 500 минг киши қизил аскарлар томонидан қирилган, 1 миллион киши очликдан ўлган, 1915 йили минтақада 2,2 миллион киши яшаган бўлса, 1924 йил охирига келиб 500 минг киши қолган, яъни 10 йил ичида 1 миллион 700 минг киши ҳалок бўлган деган хулосага келган. Шаҳобиддин Яссавий эса 1920 – 1935 йиллар

мобайнида Туркистондан тахминан 2 миллиондан ортиқ киши хорижга кетган деб ёзади.

Боймирза Ҳайитнинг ҳисоблашича, Ўрта Осиёда 1917 – 1934 йилларда олиб борилган миллий озодлик ҳаракатида турли миллат вакилларида 2 миллионга яқин одам жон фидо қилган, 1 миллион 900 мингдан ортиқ киши хорижга кетган, 1930 – 1939 йилларда камида 1 миллион 700 минг киши «босмачи»ларга қўшилган, уларга ёрдам берган ёки улар ҳақида маълумот бермаганликда айбланиб Сибирга ва бошқа жойларга сургун қилинган. Ҳаммаси бўлиб 5 миллион 600 минг киши қурбон бўлган. Бу ҳисобга чор Россияси босқинига қарши Ўрта Осиё халқлари 1853 йилдан 1917 йилга қадар олиб борган миллий озодлик кураши давомида берилган кўпдан-кўп қурбонлар кирмайди. Агар уларни ҳам жамлаб, 130 йил давомида қурбон бўлган кишилар ҳисобланса, чиндан ҳам ер юзида юз берган миллий озодлик курашлари тарихида Ўрта Осиёдаги каби кўп қурбонлар бўлмагани маълум бўлади. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги истиқлолчилик ҳаракати тарихини чуқур ўрганиш ва шу мавзуга бағишланган кўп жилдли нашрларни амалга ошириш айна муддаодир.

«Босмачи» деган ҳақоратли сўз қандай юзага келган?

Жамики архивларда сақланаётган 1918 – 1919 йилларга оид ҳужжатларда «босмачилик», «босмачилар» деган ибора учрамайди. «Таловчилар», «душманлар» деган иборалар партия, шўро, ҳарбий ташкилотлар ҳужжатларида учрайди.

1918 – 1919 йилларда бўлиб ўтган Туркистон Компартияси I – V съездлари, Туркистон Республикаси советларининг I – V, IX съездлари, шунингдек, пленумлар, сессиялар, конференциялар

хужжатларида ҳам «босмачилик» ибораси учрамайди. «Босмачилик ҳаракати» доираси ва ичидаги қўрбошилар, «босмачилар» билан боғлиқ бўлган хужжатларда ҳам бу ибора йўқ. Ахир истиқлол йўлида миллий озодлик учун кураш олиб борганлар ўзларини «босмачилар» деб атамаганлар-ку. Аксинча, улар ўз юртини, миллатини ажнабий босқинчилардан озод этувчилар, миллий қўшин жангчилари деб аташган. Миллий истиқлол ҳаракати сардорлари номларига «бек» сўзини қўшиб, ўзларини Мадаминбек, Шермухаммадбек, Исроилбек, Иброҳимбек, Парпибек деб атаганлари ҳам бежиз эмас. Қариялар ҳануз у даврни «беклар замони» деб эслашади.

«Босмачи» иборасини биринчи бўлиб большевой мафкурачилар қўллади. «Жизнь национальностей» (Москва, 1920 йил июнь) ойномасида «Босмачилар fronti» мақоласи эълон қилинди. Бу иборани 1921 йили 4 апрелда Фарғона қўшинлари қўмондони Д.Е.Коновалов ишлатди. П.Кушнев эса «босмачи» сўзини қароқчи маъносида қўлади (Красная Звезда. – Москва, 1928. №1). Буни қарангки, ўлка Русия томонидан босиб олинганга қадар ва ундан сўнг ҳам бу минтақада қароқчилар бўлган, октябрь тўнтаришидан сўнг улар катта кучларга бирлашиб, қишлоқлар, ҳатто шаҳарларни босиб олган қизил қўшинга, большевойларга қарши кураш олиб борган.

РКП(б) Марказий Қўмитасининг 1922 йил 18 майдаги қарорида ҳам «босмачилар» ибораси қўлланилган. Унда «босмачилик»ка қарши ҳарбий тадбирлар белгиланиб, аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб бориш, Анвар Пошони инглиз жосуси ва Шарқ халқларининг душмани деб танитиш вазифаси қўйилган эди. Ватан мудофаасига отланган мужоҳидлар «босмачи» деб, Камол Ота-

турк билан бирга инглиз империалистларига қарши ҳаёт-мамот жангларида қатнашган Анвар Пошони «инглиз жосуси» деб бўҳтон ёғдиришган.

Аммо бу каби ғайриилмий, туҳмат қарашларга қарши ўлароқ ҳақиқатга яқин фикрлар ҳам ўша 20-йиллардаёқ билдирилган. Н.Е.Какурин, Г.Козловский, Л.Соловейчиклар «босмачилик»ни «партизанлик ҳаракати», «халқ ҳаракати», «инқилобий кураш», «озодлик кураши» деб талқин этишган. Ҳаттоки В.В.Куйбишев ҳам Бухородаги миллий-озодлик курашини «бу босқинчилик босмачилик ҳаракати эмас, балки сиёсий ҳаракатдир» деб айтган эди. Ҳарбий арбоблардан бири Врачев эса 1922 йил 12 майда: «Бухорода авж олган босмачилик маълум маънода халқ қўзғолони, халқ исёни характерига эга», – деб очиқ-ойдин айтган.

Таниқли совет раҳбар ходими Г.Сафаров «Колониальная революция. Опыт Туркестана» («Мустамлакачилик инқилоби. Туркистон тажрибаси») (Москва, 1921) китобида мазкур ҳаракатни мустамлакачиларга қарши қаратилган миллий кураш деб атаган.

Маҳаллий миллат вакилларида Низомиддин Хўжаев, Турор Рисқулов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Раҳимбоев, Санжарбек Асфандиёров, Назир Тўрақулов, Қайғисиз Отабоев, Фитрат, Усмонхон Эшонхўжаев, Иномжон Хидиралиев, Раҳим Иноғомов ва бошқалар масалага тўғри ёндашиб, «босмачилик» моҳиятини ҳақиқатга яқин тарзда таҳлил этишга уринишган. Аммо улар шу фикр-ғоялари учун 30-йилларда қатағон қиличидан ўтказилди.

Шу вақтдан бошлаб «босмачилик ҳаракати» аксилинқилобий, шўроларга қарши қаратилган, миллатчилик, диний йўналишдаги, Туркистонни Россиядан

ажратиб олишга, эски феодал-клерикал хонликларни тиклаш учун қилинган ҳаракат деган ғоя шўро даври тарихшунослигида мустаҳкам ўрин ола бошлади. Бу жараён XX аср 80-йиллари охири – 90 йиллари бошига қадар давом этди.

Энди эса бу мавзуда янги йўналиш, янгича қараш шаклланимўқда. Унга кўра, «босмачилик» «партизанлар ҳаракати», «миллий кўзғолон ҳаракати», «умумхалқ ҳаракати», «бўшатовчи (озод қилувчи) ҳаракат», «қаршилик кўрсатиш ҳаракати», «умумхалқ кураши ҳаракати», «миллий истиқлол ҳаракати», «фуқаролар уруши ҳаракати» деган иборалар билан аталмўқда. «Босмачилик» ҳаракати шу ибораларнинг қайси бирига мувофиқ келишини тарихчиларимиз илмий асосда аниқ белгилаб олишлари керак.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида «босмачилик» масаласига бағишланган давра суҳбатида республика олимлари «босмачилик»ни истиқлолчилик ҳаракати, «босмачилар»ни эса истиқлолчилар деб аташ маъқул деган фикрга келишди. Шу суҳбатда Нозиф Шаҳроний жаноблари ҳам қатнашганди. Бинобарин, «босмачилик» ҳаракати деб аталмиш кучларнинг миқдори, аҳволи, қудрати, кураш шакли, енгилиш сабаблари, мафкуравий фаолияти, йирик кўрбошилар, шу ҳаракат таниқли арбобларининг таржимаи ҳоли, шахсий фазилатлари, тақдирлари, «босмачи»ларни бутун Марказий Осиё ва унинг турли минтақалари бўйича аниқлаш, улар ҳаёти ва фаолиятини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Қуролли истиқлолчилик кураши Кўқонда 1917 йил ноябрида ташкил бўлган Туркистон мухторияти ҳукуматининг 1918 йил феввалида қизил қўшин томонидан тор-мор этилиши билан бошланди ва унинг илдизи анча чуқур эди.

Чор Россияси босқинчилик сиёсатининг оқибатлари, Туркистонда ўрнатилган мустамлакачилик тартиби истиқлолчилик ҳаракатининг асосий сабаби бўлган.

Шўроларнинг миллий аҳоли манфаатига зид келувчи дастлабки «социалистик» ўзгартиришлари, шунингдек, истиқлолчилик ҳаракатининг майдонга келишига жавобан шўро муассасалари, ҳарбий органлари қўшилмаларнинг Фарғонадаги тинч аҳолига қарши бошлаган қирғин ва тазйиқ сиёсати водийдаги бу ҳаракатга янада кескинлик ва оммавий тус берди.

Фарғона водийси истиқлолчиларининг ижтимоий таркиби деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, бойлар, руҳонийлар, эшонлар, муллалар, дарвешлар, зиёлилардан, миллий таркиби эса асосан ерли аҳоли – ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, уйғурлардан иборат бўлган. Қуролли ҳаракат сафида рус зобитлари, турк ва афғон ҳарбийлари ҳам бўлишган. Деярли шундай ижтимоий ва миллий таркибни Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларидаги ҳаракатда ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳаракат иштирокчиларининг миқдори масаласида ҳар хил фикрлар мавжуд. Совет тарихчиларининг асарларида уларнинг миқдори 6 мингдан 60 минггача деб кўрсатилган. Инглиз олими Г.Фрезер 1922 йил ноябрида Туркистонда 106 минг кишилик совет қуролли кучларига қарши курашда 60 минг, жумладан, Фарғонада 26 минг нафар миллий курашчи қатнашган деб ёзади.

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раиси И.Хидиралиевнинг фикрича, 1920 йил сентябрида истиқлол курашчиларининг сони 70 минг кишига етган. Бу рақамлар вақтга, шароитга қараб ўзгариб, гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб турган. Шу ўринда 2-ўқчи Тур-

кистон дивизияси командири Ф.Д.Карповнинг 1920 йил 8 августда Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзегга телефон орқали юборган қуйидаги хабари диққатга лойиқ. «Фарғонадаги кураш, – деб хабар берган у, – ерли халқнинг совет ҳукуматига қарши уюшган қўзғолонидир. Ўтган сафарги операцияда босмачилар жуда катта талафот кўрдилар, ҳозирги пайтда уларнинг сафи яна тўлдирилди, ҳатто кўп, ҳар бир милтиққа беш номзод бор».

Истиқлолчиларга қарши жанг олиб борганлар миқдори, Боймирза Ҳайитнинг ҳисобига кўра, 160 – 170 минг кишига етган. Аммо қизиллар замонавий қурол, ҳарбий техника, пулемёт, самолёт ва бошқа воситаларга эга бўлишган. Уларга қарши кураш олиб борганлар эса бу жиҳатдан жуда заиф бўлганлар. Бироқ уларда жанговарлик, ҳақ ишга садоқат, ватанпарварлик руҳи жуда кучли эди.

Туркистон fronti қўмондони А.С.Пугачёв, Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси Берзин, штаб бошлиғи Шуваловлар «Рота командирларигача бўлган барча ҳарбий бошлиқларга босмачиликка қарши кураш бўйича кўрсатмалар»ида «босмачилар»ни шундай таъриф ва тавсиф этишган: «Босмачиларнинг характери томонлари айёрлик, ниҳоятда

топқирлик, жасурлик, эпчиллик ва толмаслик, маҳаллий шароитни яхши билиш, бир вақтнинг ўзида тўдалар ўртасидаги алоқа ҳисобланган аҳоли билан боғлиқлик... Босмачилар айёр, лекин уларни алдай олиш керак; босмачилар топқир, жасур, чапдаст ва толмас, демак, улардан топқирроқ, жасоратлироқ ва чапдастроқ бўлиш керак; пистирмалар қўйиш, кутилмаганда пайдо бўлиш; модомики, босмачилар маҳаллий шароитни яхши билмаганимиздан фойдаланаётган экан, демак, шуларни биз яхши ўрганишимиз, босмачилар маҳаллий аҳолининг обрўйига таяниб иш кўраётган эканлар, демак, биз ҳам шунга эришишимиз керак».

* * *

Ватанимиз озодлиги, истиқлоли учун курашган миллат фидойилари не-не қурбонлар бермади, яна неча минглари шўронинг «одил» сиёсати туфайли юртидан сургун қилиниб дунё бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юришга мажбур этилдилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати ила Ватанимиз озодлиги учун жон фидо қилганларнинг табаррук номлари оқланди, улар олиб борган кураш йиллар оша яна ўз самарасини берди.¹

ҲАРАКАТНИНГ ҲАРБИЙ РАҲБАРЛАРИ

Қўрбошилар ва лашкарбошиларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий фаолиятини ўрганиш ва уларга баҳо бериш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Турли архивларда қўрбошилар ҳақида кўплаб материаллар бор. Шаҳобиддин Яссавий, Мусо Туркисто-

ний сингари хорижий муаллифлар ўз китобларида 200 га яқин қўрбошилар тўғрисида умумий маълумотлар беришган. Биз ҳам қўлимизда мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида мазкур ҳаракатнинг баъзи бир раҳбарлари ҳақида маълумот бермоқчимиз.²

¹ Фан ва турмуш. 1997. №1. – Б.22 – 23.

² Шамсутдинов Р. «Босмачилик ҳаракати» қандай бўлган? // Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Б.96.

ПАРПИБЕК ВА ОХУНЖОН ҚЎРБОШИ

Истиқлолчилик ҳаракати сардорлари – қўрбошилар, лашкарбошиларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий фаолиятини ёритиб бериш ҳозир тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Собиқ Иттифоқ қуроли кучлари, собиқ Давлат хавфсизлиги комитети ҳужжатларида қўрбошилар ҳақида кўплаб материаллар бор. Шаҳобиддин Яссавий, Мусо Туркистонийлар 200 га яқин қўрбошилар тўғрисида умумий маълумотлар берганлар. Келажак авлодга ўша миллат фидойилари ҳақидаги бор ҳақиқатни етказиш тарихчиларнинг тадқиқотларида кўзга ташлана бошланди. Қуйида андижонлик таниқли қўрбошилардан Парпибек ва Охунжонлар ҳақида айрим маълумотларни ҳужжатлар асосида баён этмоқчимиз.

Тарихчи олим Б.Ҳайит тадқиқотларида Парпибек қўрбоши фаолияти билан боғлиқ айрим маълумотлар берилган. Бу маълумотларга кўра, Фарғона водийси худудларида ҳаракат қилган қўрбошилар орасида Ўзганда Жонибек қози, Новқатда Муҳиддинбек, Андижон атрофида Парпибек анчагина катта гуруҳларга эга бўлишган. Чунончи, Парпибек қўшинида 3600 дан ортиқ аскар хизмат қилган. «Босмачилар»га қарши курашда қизил армия қўшинларида 14 та артиллерия, 376 та пулемёт, ўнлаб самолёт, 7 та бронепоезд бўлгани учун улар ғоят оғир шароитда кураш олиб борганлар.

Таниқли, жасур қўрбошилардан бири Охунжон 1919 йил 12 июнда қизил аскарлар қўшини қўмондони Д.Е.Коновалов билан сулҳ тузиб, ўз йигитлари билан советлар томонига ўтган ва ўша йилнинг сентябрь ойида Андижон мудофаасида советлар тарафида туриб катта

жасорат кўрсатган. Аммо большевикларнинг сиёсий ўйин ва найранглари кўрган Охунжон ўз ниятидан қайтиб, шу вақтда Андижон уездида катта куч ва мавқега эга бўлган Парпибек қўрбоши билан яширин музокаралар олиб боради. Бундан қизиллар огоҳ бўлишади. 1920 йилнинг май ойида Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзе иштирокида бўлиб ўтган инқилобий қўмита ва партия қўмитасининг қўшма йиғилишида бошқа масалалар билан бир қаторда Охунжон отрядини Тошкентга жўнатиш масаласи ҳам кўрилади. 25 майда Андижонда гарнизон қўшинлари кўриги ўтказилаётган вақтда собиқ қўрбошиларидан бири Охунжоннинг Парпи қўрбоши билан биргаликда ҳаракат қилиши ҳақида музокара олиб бораётгани тўғрисида хабар келади. Шундан сўнг Охунжон отрядини қуролсизлантиришга ҳаракат қилинади. Аммо қуролни топширишдан бош тортган Охунжон отрядидан бир қанча киши аскарларга қарата ўт очади. Отишма натижасида ҳар икки тарафдан қурбонлар бўлади. Охунжон ва унинг йигитлари қуролсизлантирилиб, Тошкентга юборилади. Аммо Охунжон, унинг ноиби Абдураззоқ ва бошқалар Тошкентдан Наманган орқали қочиб, Қўқонқишлоқдаги Парпибек қўрбоши қўшинига бориб қўшилади. Бу билан Парпибек қўрбошининг қўшини янада кучайиб, қудрати ортади. Аммо Охунжон қўрбоши советларга қарши жангларнинг бирида ҳалок бўлади. Бу Парпибек қўшини жанговарлигига салбий таъсир қилади.

Парпибек қўрбошининг Андижон шаҳри аҳолисига мурожаатномасини айнан келтирамиз:

ЭЪЛОННОМА

Умум мусулмонларга эълон қилиб ёзаманки, биз 4 йилдан бери ноҳақчи большевиклар билан маҳораба қилиб қон тўкуб, неча мусулмонлар хонавайрон бўлуб, шу жойга келдук. Эй мусулмонлар, кўзларингни очиб қаранглар! Қўқонқишлоқ, Чувама ва бошқа қишлоқларда бу ноҳақчи большевиклар ёш гўдак болаларни бетартиб чопиб, кўп жафолар қилди ва яна туриб шуни бадалида бизларни тепамизга қаттиқ хужумлар қилиб, кўп ишларни кўнгилларига муддао қилиб юрди. Худога хос эканмиз, ҳақ йўлига юрганмиз маълум бўлди. Ҳозирги вақтда шаҳар атрофларини бесарамжон қилиб турибдир. Очиқдан-очиқ маълум бўлиб, бизларни йигитларимизни тутмоққа тадбирлар жорий қилибдур. Умуммусулмонлар, нечаларга қаттиқ сармофий қиламанки, бундан буён мундоқ ноҳақ ишлар бўлмасун. Бир, икки нафар бизларни йигитларимизни тутган бирлан, ҳеч нима воқеа бўлмаса керак. Ўшал жосус чиққан маҳалладан бир дона йигитимизга неча нафарини жазо бермоққа қодирмиз. Ушбу бизларни йигитларимизни тутмоққа тадбир жорий қилган жосусларни Қорбура гузарида жазоларини кўзларига кўрсатдук. Ушбу жума кунидан ўтадурғон кечаси. Агарчи ҳар ким жосуслик қилса, шундоқ жазога гирифтор қиламиз. Иккинчи чакана ўғрилар воқеаси шулки, ҳар ким ўғрилик қилиб, қўлимизга тушса, хоҳ ўзимизга қарашлик йигитлардан, хоҳ шаҳардаги ўғрилардан бўлса, бизни кўрбошиларимизга фармойиш қилдим: ҳақиқат орқали ўлим жазосига

борадурлар. Яшасин ҳақ йўлга юргувчилар! Битсин ноҳақчилар! Ушбу жумадан шанбага ўтадирғон кечаси чакана ўғрилардан бир донасини отиб юбордук. Сойгузарда.

Амири лашкар – Парпибек Ғозий
Махдум.

Муҳр: Насруллоҳ. Оллоҳ қўлласин!¹

Қизил аскарларнинг Андижон шаҳридан Қўқонқишлоққа қараб чиққани ҳақидаги хабар Парпибекка етиб келади. Парпибек жангчиларнинг бир қисмини Қўқонқишлоқда қолдириб, асосий кучларни теваарак-атрофга тарқатади. Қизиллар катта куч билан Қўқонқишлоққа келадилар ва бу ердаги оз сонли қаршилик кўрсатувчилар билан жанг бошлайдилар. Бир неча муддат давом этган отишмадан сўнг у Қўқонқишлоқни бўшатиб, ўз лашкари билан атрофдаги кучларига бориб қўшилади.

Қизиллар эса ғолиб келиб, Қўқонқишлоқни ва Парпи кўрбоши қароргоҳини ишғол этадилар. Аммо қизиллар жойлашиб улгурмасларидан қаршилик кўрсатувчиларнинг Қўқонқишлоқнинг уч томонидан бошлаган хужумига дуч келиб, довдираб қоладилар. Кўрбошиларнинг ҳар бири муайян йўллар билан хужумга ўтган, аммо Андижон йўлини очиб қўйган эдилар. Шиддатли жангга дош беролмаган қизиллар чекинишга мажбур бўлишади ва аста-секин мудофаага ўтиб, Андижон томонга чекина бошлайдилар. Улар оғир юклари, тўп, тўпхона, аравалари билан катта йўлдан Андижонга етиб боргунларича «босмачи»лар пистирма йўллар ва тор кўчалар орқали ўтиб, Хайробод атрофига жойлашиб оладилар. Қизиллар Хайрободга етиб келганларида улар қизилларга қарши орқа ва ён тарафлардан хужумга ўтадилар.

¹ Андижон вилояти давлат архиви. 90-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 155-варақ.

Ўқ ёмғирига учраган қизиллар топ-топ ерга йиқилдилар. Эсон-омон қолган 200 ча қизиллар бир саройга кириб жойлашадилар. Уч кеча-кундуз отишмалар қилиб, охири тинкалари қурийди. Озиқ-овқатлари йўқлигидан оч қоладилар. Саройда савдогарларга қарашли қуруқ пиёзни еб сурги ичган одамдек ҳаммаларининг ичи кетади ва беихтиёр таслим бўладилар.

Сарой дарвозасининг икки ёнида турган истиқлолчилар ҳеч қандай қайдсиз, шартсиз саройдан чиқаётган қизилларни қўлларидан қуролларини олиб, ўзларини асир қиладилар. Асирларнинг ҳар иккисини бир-бирига боғлайдилар, қўмондонини алоҳида якка боғлаб, ҳаммасини Қўқонқишлоққа келтириб, ўрта майдонга тўплаб ўққа тутадилар.

Мурдалар дарёнинг нариги томонига ташланиб, жарни ағдарадилар, қизилларнинг ҳаммаси жар тагига кўмиладилар. Бундан хабар топган Андижон янги шаҳар раҳбарияти эски шаҳар аҳолисидан ўша қизил аскарлар мурдаларини олиб келишни талаб қилади. Акс ҳолда, эски шаҳар аҳолиси қириб ташланади деган таҳдид қилинади. Бунга кўра эски шаҳар аҳолиси йиғилишида вакиллар сайланади ва улар мурдаларни олиб келиш учун Қўқонқишлоққа келадилар. Аммо Парпибек қўрбоши йигитлари вакилларни ҳибсга оладилар.

Воқеа Мусо Туркистоний асарида шундай тасвирланган: «...Андижонда катталардан Нодир Эшон домла, Мулла Абдукарим Охун домла, Шамсутдин Тўра, Сулаймон баззоз/шоир Чўлпоннинг бобоси/ ва бошқа машҳур домлалар, ҳукуматда вазифали, халқга нуфузли кишилардан жами 10 киши элчи қилиб Парпи қўрбошига юбордилар.

Элчилар Қўқонқишлоқда Парпи қўрбоши дайгоҳлик қароргоҳида қабул

қилинди. Элчилар ҳаммаси таъзим ва тавозеъ ила ўлтирдилар. Элчилардан чиройликкина сақол-мўйловларини қисқартирғонлардан бири сўзга бошлади.

«Бек ака! Бизлар ҳукуматни элчиларимиз. Ҳукумат айтадурки, ўликларимизни берсун. Андижонга келтириб кўмайлик, ўзлари сулҳ қилиб биз билан ярашсинлар, шаҳарга кирсинлар, муносиб мансабларга ўлтирсинлар деб», сўз шу жойга келганда тўп овозлари, пулемёт овозлари билан баробар ўрус аскарларини ҳужум қилиб келгани маълум бўлди.

Парпи қўрбоши халан нажодларига мудоваа қилишга амр берди, йигитларга ҳозир аввал деди. Сўнгра бу ўн кишини эъдомга ҳукм қилди. Бу ҳукм Парпи қўрбоши отахони/маслаҳатчиси/ Муҳаммад Иброҳимга етди. Дарҳол Парпи қўрбошини кўриб элчилар ҳақидаги эъдом ҳукмини тақдим этарди. Буларни икки аробага чиқариб Орол, Бўтақара ила Андижонга жўнатди. Видоъ асносида Нодир Эшон бошлиқ ҳамма элчилар қўл кўтариб отахон Муҳаммад Иброҳимни ҳаққига дуо қилдилар. Отахон дедик: Дуоларингиз ижобат бўлса, фойдаси охирада албатта бўлғайдир. Бу дунёда фойдаси тегадурғон бирор нарсаларинг йўқми деб ҳитоб қилди. Шу гапдан кейин элчилар ичидаги силлиқ салла теварак сақоллик киши бир табассум қилди. Кўлига қалам-қоғоз олди, икки тилда/русча,ўзбекча/ бир парча хат ёзиб, қўлимга бериб айтди: ҳар вақт Андижонга кирадурғон бўлсангиз, шу хат билан бемалол кира оласиз, дунё ишларингизни қила биласиз деди. Отахон Муҳаммад Иброҳим айтадур: Ушбу хат/ёрлиқ/ билан беш-ўн маротаба Андижонга кириб чиқдим, ҳеч бир зотга учрамадим, ўруслар қайси жойда кўрсалар кимсан деб сўрайдур. Ёрлиқ хатини кўрсатсам, «пожалуйста» (буюринг) дедилар. Шу хангомаларда ўрислар сиёсий

рафторларни 3 – 5 қадам орқага ташлаш мажбуриятликда қолди. Баъзи ишларда юртга кенгчилик берди. Масалан, Андижоннинг 4 даҳасига 4 қози тайин қилинди. Миллат ўз ихтиёри билан сайлади. Уч ойда бир марта бу 4 қози тўпланиб, бир хайъат ўлароқ баъзи нозик масалаларни ҳал қиладурғон мажлис ҳам тайинланди. Сўнгра бу приказ билан лағв қилинди. Фирқани қарори билан ГПУни ҳукми жорий бўлди, қозиларни ўрнига суд /народное судья/ ҳар тайин қилинди».

Андижондаги шўролар ҳукумати шаҳар атрофидаги кўрбошиларга қарши жанг олиб боришга журъат этолмаганидан уларни сулҳ тузиш орқали ўз томонларига оғдириб олишга турли йўллари ахтарган. Бу ҳийла Парпибек кўрбошига нисбатан ҳам ишлатилди. Улардан бирини Мусо Туркистоний шундай қаламга олган: «Руслар эса Парпи кўрбоши билан сулҳ қилиш йўлини тез-тез элчилар юбориб, музокарага чақирар эди. Жумладан, руслар маслаҳат учун Андижондан хушёр, сўздон кишилардан элчи жўнатди. Элчиларни ичида русчаси мукамал, буюк вазифаларидаги вазифаларидан Кўчқор исмли (андижонлик кигизчи маҳалласида туғилиб ўсган, Туркияда таҳсил кўрган, андижонлик жадидчиларнинг пешқадамларидан, ўз замонасининг етук зиёлиси, шаҳарликлар орасида «Кўчқор ўрис» номи билан машҳур бўлган – муаллиф) бир киши бор эди. Кўчқорнинг қадди-қомати келишган, моҳитобон каби нўғой хотини бор эди. Элчиларни Парпи кўрбошининг ҳузурига ҳозир қилишди. Булар номидан чиндан Кўчқор гап олиб, сулҳга таклиф қилиб келганликларини, сулҳнинг миллат учун осойиш ва ором бўлишини, мужоҳидларни ҳам ором ва осуда ҳол умр кечиришларини ва бошқа сиёсий, фалсафий сўзлар билан рижо тариқасида сўзини тугатди.

Парпи кўрбоши бу азиз меҳмонларни эъзоз-икром қилишга буюрди, истироҳат қилсунлар, сафар ҳордиқлари чиқсун деб амр қилди.

Элчилар кўп ҳурмат билан меҳмонхонадан зиёфатхонага жўнатилди. Улар истироҳат ва оромда бўлдилар. Оромлари узайди, истироҳатдан зерикдилар, Парпи кўрбошининг фармони ила истироҳат хоналарида абадий истироҳатга жўнатилдилар. На бир киши кўрди ва на биров бу ҳақда бир нарса билди, ҳануз мажхулдир. Элчиларнинг ҳаммаси ҳануз истироҳатдадурлар».

Фарғона водийсида 1918 – 1923 йиллар ичида 10 марта кўрбошилар қурултойи ўтказилган. Бу қурултойларда қуроли ҳаракатга 1918 йил мартада Катта Эргаш, 1918 йил ноябрида Мадаминбек, 1920 йил майида Шермуҳаммадбек, кейинчалик Ёрмат махсум, Исломқул водий бўйича бош кўмондон – лашкарбоши этиб сайланган. Парпибек ана шу қурултойларда фаол қатнашган. Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек бошчилигида кўпдан-кўп жангу жадалларда қатнашиш унга насиб этганди.

Мадаминбек қизиллар фитнаси оқибатида қатл этилгач, қуроли ҳаракат янги куч билан аланга олди. Бу ҳаракатнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Шермуҳаммадбек (совет тарихчиларининг китоб ва мақолаларида у Кўршермат деб ҳақоратлаб келинган) бўлди. 1920 йил 3 майда Шермуҳаммадбек ташаббуси билан «Туркистон турк мустақил жумҳурияти», яъни Туркистон муваққат ҳукумати ташкил бўлди. Бу ҳукумат водийдаги истиқлолчилик ҳаракатида муҳим роль ўйнади. Шермуҳаммадбек кўмондонлигида барча кўрбошилар бирлашди ва янги отрядлар тузилди.

Андижон ҳудудидаги кўплаб кўрбошилар билан бир қаторда Парпибек

қўрбоши ҳам ўз қўшини билан Шермухаммадбекнинг умумий қўмондонлиги остига ўтди.

1920 йил июль охирида Пойтуғда Шермухаммадбек, Холхўжа, Омон Полвон, Парпи ва Мулла Собир қўрбошилар бирлашиб, 4-5 минг лашкар билан татар бригадаси аскарларини қуршовга олдилар. Аммо Пойтуғ гарнизони жангчилари ва Андижондан етиб келган 1-отлиқ полки ёрдами билан рота бир амаллаб қуршовдан қутулишга муваффақ бўлди.

Шермухаммадбек 1920 йил октябрь ойининг охирида Фарғона водийси қўрбошилари билан кенгаш ўтказди. Андижондан Парпибек қўрбоши ҳам унда қатнашади. Жадидлар сардори Мунаввар қори Абдурашидхонов ва «уламо»чилар вакили Миён Бузрук қатнашган бу кенгашда Шарқий Бухоро ва Афғонистонда советларга қарши кураш олиб бораётган Иброҳимбек қўрбоши билан ҳамкорликда курашни давом эттиришга қарор қилинади.

1920 йил 24 ноябрда бош қўмондон Шермухаммадбек, Алиёр ва Парпибек қўрбошилар ўзаро ҳамкорликда Шоҳимардонда қизилларга қарши жанг олиб бордилар. Андижон уезди Қўқонқишлоқ туманидаги жангларда иштирок этиш учун Шермухаммадбек 1000 аскари билан келади. Бу даҳшатли жангда Парпибек лашкари ғалаба қозониб, қизил аскарларнинг 2 замбараги, 4 пулемёти ва турли қурол-аслаҳаларини ўлжа олади.

Совет қўмондонлиги 2000 дан зиёд аскари бўлган Парпибекка қарши 1920 йил охирларида Қўқонқишлоқ ва Омончўрада қаттиқ жанг бошлаб юборади. 8-отлиқ бригада қўмондони Я.А.Мелькумов операцияни бошқаради. Шиддатли жангда Парпибекнинг асосий таянч базаси Қўқонқишлоқ ва Омончўра душман қўлига ўтади. Парпибек Бозорқўрғон томонга чекинишга мажбур бўлади. Душман бу ерда унга кучли зарба беради.

Шермухаммадбек ва Холхўжа қўшинларининг мағлубиятга учраши айрим миллий курашчиларнинг руҳини тушириб юборади ва улар советлар томонига ўтишга мажбур бўладилар. 1921 йил 31 январда 2600 аскари билан Акбарали ва Маҳкам ҳожи қўрбошилар ҳам қизиллар томонига ўтадилар. 1921 йилнинг бошида Парпибек қўрбоши 2-ўқчи Туркистон дивизияси жангчилари билан бўлган жангда мағлубиятга учрайди. Бу жанг Жалолобод, Сузоқда бўлиб ўтади. Парпибек қўрбоши аскарларининг ярми жанг майдонларида ҳалок бўлади. Парпибек қўрбоши шу жангда оғир ярдор бўлиб, 1921 йилнинг апрель ойида вафот этади.

Хуллас, истиқлолимиз учун кураш тарихида бу каби қаҳрамонона, лекин фожияли саҳифалар ғоятда кўпки, бўлиб ўтган воқеаларни рўйирост кўрсатиб бериш истиқлолимизни, мустақиллигимизни қадрлаш ва мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. Чунки тарих ҳаёт, истиқболнинг олий ҳаками ва мураббийсидир.¹

ФАРҒОНА ҚЎРБОШИЛАРИ

Ўзбекистонда олиб борилган қатағонда фаол иштирок этган ва кўплаб беғуноҳ ватандошларимизнинг ёстиғини

қуритган кимсалардан бири Г.Агабековдир. Францияда чоп этилган «Ёш Туркистон» журналининг 1930 йил 11-со-

¹ Фан ва турмуш. 1996. №2. – Б.18 – 20.

нида унинг Шермухаммадбек ҳақидаги бўхтон ва маломатларга тўла мақоласи босилган. Журнал ҳайъати, афтидан, бу мақолани советларнинг «босмачилар»ни фош этиш мақсадида хорижда тарқатилган бирор нашридан олган ва Шермухаммадбекнинг унга раддия ёзишига умидвор бўлган.

«Биз, – дейилади ҳайъатнинг шарҳида, – ҳақиқий Туркистон миллатчиси бўлган Шермухаммадбекнинг бу чекистлар томонидан унинг устига отилмоқда бўлган доғни тозалаб олажагига инонамиз».

Кўп ўтмай Шермухаммадбек Агабековнинг туҳматномасига жавобан Кобулдан ўз раддиясини йўллаган.

«Мана энди, – дейилади журнал ҳайъатининг навбатдаги шарҳида, – Шермухаммадбек ўз раддиясини юбориб ўтирибдур. Бу раддия бўлмаса ҳам, бизнинг Шермухаммадбекка раддияси ила большевикларнинг шайтонлигини яна бир дафъа ортуқ майдонга чиқаргон бўладур».

Журнал шу шарҳ билан Шермухаммадбекнинг Кобулдан йўллаган хатини чоп этади. Қуйида ушбу хат матнини айнан келтирамиз:

«Севикли афандилар!

Чин кўнгилдан қайнаб чиққан арз ила ихлос-ҳурматларимни қабул этингиз. «Ёш Туркистон» журналида бурунги чекистлардан Оғабековнинг хотираларида меним устимга айтилгон кир бўхтонни ўқиб, жуда ўқиндим ва бу журналнинг ўз пайтида менга келиб етмаганига кўп қайғурдим.

Тангри ярлақасин, шу кунларда муҳтарам муфти Садриддинхон ҳазратларининг Кобулга келиб чиқишлари журналнинг бу масала ила алоқадор сонини ўқиб чиқишимга сабаб бўлди. Шу пайтдаёқ қўлимга қалам

олиб, ўзимнинг миллий муқаддас вазифамни бажаришга, устимга ҳақсиз отилган қора туҳматни итқитиб ташлашга қарор қилдим.

Истакли афандилар! Бизнинг миллий ва эзгу вазифаларимизни онглатиб, чизиб ўтишларингизга чин юракдан миннатдорлик қиламан. Тўғри, Туркистоннинг ҳур тирилиши учун кўкрагини кериб, курашиб ўлган мингларча Туркистон шаҳидларининг муборак қонлари масъулияти устимизда эканлигини биз, мужоҳидлар, сира унутмаймиз.

У муҳтарам шарафлик шаҳид туюнларимизнинг қонлари бизни бундай кир манжус тузоққа илинмаслигимизни амр этади. Оё бу кунларда большевикларнинг мингларча миллат ходимларимизни ноҳақ ўққа тизиб тургон қандай бир виждонсиз хоин уларнинг кўмагига қул узатади экан?..

Мен Оғабеков ва унинг манжус идораси ГПУ вакиллари билан ҳеч вақт ҳеч қандай ерда кўришмадим. Пул ҳам олмадим, ҳақимдаги сўзларнинг бошдан-оёқ қип-қизил ёлғон эканини очиқ-ойдин эълон қиламан.

Оғабековнинг қўлида мени қоралай тургон кичкина бир далил бор бўлса, мана, майдон, марҳамат этсин! ГПУ тузоғига илинадиган айғоқ қони менда йўқ. Мен бошқа мужоҳидлар билан бирга шараф билан миллатимнинг қутулиши учун чоришдим (курашдим – Р.Ш.). Кўксимни ўққа девор қилиб уришдим. Ўша синашда душманимиз бўлган золим большевиклар ила бундан кейин ҳам урушишга ҳозирман.

Муҳтарам афандилар! Меним юқорида ёзгон кичкина раддиямни, мендан бўлмагон сабабларга биноан кечикишига қарамай, журналнингиз

га босиб, дунёга тарқатсангиз, бўй-нимга буюк бир миннат қўйғон бўлур эдингиз.

Тўлиқ ҳурматларимни қабул этингиз. Шермуҳаммадбек. Афғонистон. Кобул. 8 ноябрь 1934 йил».

Бу ҳужжатни келтиришдан мақсад, аввало, совет даври тарихининг очилмаган саҳифаларини холисона ёритиш, унинг фирқа, ЧК, ГПУ каби ташкилотларининг муҳолифларнинг обрўсини тўқиш учун ҳар қандай қабихликдан қайтмаганлигини яна бир бор кўрсатишдир. Қолаверса, ёш тарихчиларни истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларининг ўз қўллари билан битилган ёки улар фаолиятига оид шу сингари ҳужжатларни топиш ва ўрганишга даъват этишдир. Шунинг учун истиқлолчилар муҳитида, уларнинг ўз қўллари билан битилган, шаклланган ҳужжатлар қанчалик кўп топилса, ўрганилса, миллий кураш тарихимизни шунчалик ҳаққоний яратиш мумкин бўлади. Бундай ҳужжатлар дунёнинг турли жойларида сақланмоқда. Ватанни тарк этиб, ўзга юртларда кун қўришга мажбур бўлган истиқлолчилар ва уларнинг авлодлари қўлида кўпдан-кўп қимматли ҳужжат ва материаллар ҳам борки, уларни яратилажак Ўзбекистоннинг янги тарихига истеъмолга киритиш муҳим вазифадир.

Хизмат сафари билан 1995 йилнинг кузида АҚШда бўлганимизда Нью-Йоркда истиқомат қилаётган Давронбек исмли ватандошимизнинг хонадонига таклиф қилиндик. Давронбек шўролар даврида Кўршермат деб ҳақоратлаб келинган, аслида, истиқлолчи жангчилар бош қўмондони Шермуҳаммадбекнинг ўғли экан. 26 октябрдаги суҳбатимизда Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбекнинг ўғли Анварбек ака ҳам

қатнашди. Биз оилавий архив ҳужжатлари билан бафуржа танишиб чиқдик. Давронбек, Анварбеклар ўз падари бузрукворларидан эшитган кўплаб эсдаликларини, тарихий воқеаларни сўзлаб беришди, биз кунт билан тингладик ва диктофонга ёзиб ҳам олдик.

Ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар бир гуруҳ понсодлар билан бирга 1927 йил шаъбон ойининг биринчи куни Кобул шаҳридаги Боғи Алимардонда тўпланишади. Улар 1917 – 1924 йилларда Фарғона водийсида олиб борилган кураш лавҳаларини эшлашади ва андижонлик Абдулхай Махдум бўлиб ўтган суҳбатни келажак авлодларга тарихий ҳужжат сифатида қолдириш мақсадида ёзиб олади. Давронбек Абдулхай Махдум томонидан эски туркий тилда арабча имлода ёзилган мазкур ҳужжатни бизга лутфан тақдим этган бўлиб, унда мана бундай сўзлар бор:

«Мухтарам ўртоқлар!

... Русияда хуррият тарафдорлари Русия императорлигига қарши бир ҳаракат этишибдур. 1333 ҳижрийда, мутобик 1917 исавийда мухториятларини олиб ҳар миллат ўз ҳуқуқига соҳиб ўлуб, икки йил хуррият тарихи ила сурди. Бу ҳукумат ташкил ўлуб, усули салтанати усули машварот-ла тақдил этилдилар. Оқибат мухториятчилара қарши инқилобчилар хуруж қилиб, коммунист ёки большевик шиори ила буюк бир тўфон келтурди. Бу тўфоннинг ҳашаротлари ва заҳарлари-ла ҳайвонотлари бечора оқ гуруҳларни ҳалок этиб, мухториятни-да маҳв этди. Бу хурриятни махвири 1334 ҳижрий мутобик эди. Бу муҳораба икки йил давом этди. 1336 ҳижрийда большевизм ғалаба қозониб, бу нархнинг раҳнамоси асли яхудий ва кейин рушлашган Ленин номида бир инқилобчи ўлуб,

бутун Русияда ҳоким ўлди. Сўнгра бу большевизмга Русия ва мусулмон миллатчилари такрор исён этиб, бир тарафдан муҳораба очдилар. Жумладан, ...Фарғона, Хива ва Бухоро атрофларидан чўх мужоҳидлар майдони муҳорабая отилдилар. Булардан машҳурлари етти йил давомида ғайрат этганларидан икки кимса эди. Бири Фарғона мужоҳидлари раиси Шермуҳаммадбек эса, иккинчиси Бухоро мужоҳидлари раиси Иброҳимбек эди».

Шундан сўнг хужжатда Шермуҳаммадбекнинг таржимаи ҳоли ва олиб борган курашидан айрим лавҳалар келтирилган. Қуйида улардан айримларини айнан китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз:

«Шермуҳаммадбек жаноблари зотинда бир ўзбек жамоасиндан ...ўлуб, оталари Қўшоқ Мирзо хожи номли бир зот эди. Булар отадан тўрт эр вужудга келиб: биринчиси Тошмуҳаммад, иккинчиси Рўзимуҳаммад, учинчиси Шермуҳаммад, тўртинчиси Нурмуҳаммадбеклар эди. Булардан учинчилари Шермуҳаммадбек большевизмдан ватанларини қутқармоқ учун 1917 да муҳорабага отилиб чиқди. Бу зот ибтидоий чиқдигинда юз нафарча йигитлари ила ғайрат этиб, икки сиза тарофинда мингларча аскарларга соҳиблик ўлди. Шул вақтда Фарғонани ҳар бир атрофидан чиқмиш мужоҳидлара бошлиғи, қўрбоши номи ила шуҳратланиб, умуман бир раислари йўқ эди. Сўнгги саҳифаларда ёзилмиш 8 нафар қўмондон бир қўрбошилиқда ҳокими мулкдор каби ўз аскарларига ҳукм юритар эди. Сўнг бу қўрбошилар қувват топиб, 1918 да мазкур Шермуҳаммадбек умуман Фарғона мужоҳидларига раис ўлди. Бу раисликда тўрт йил давом этди. Бу вақтда юз минг мунтазам аскарларга

молик ўлуб, бир эр каби фармон этар эдилар. Шу 1924 (аслида, 1922 йил – Р.Ш.) сана Шарқий Бухородан Анвар Пошо марҳум қарши иш очиб, Шермуҳаммадбекни кўмак учун чақирди.

Жавобан Шермуҳаммадбек кўмак учун биродари (укаси) Нурмуҳаммадбекни икки минг қаҳрамон йигитлари ила юбориб, ортидан ўзи ҳам Анвар Пошо марҳум ҳузурларига юрдилар. Бахтсиз миллат Туркистон иқболи йўқлигидан бу мужоҳидлар ҳар бирига етушмасдан, аввал Шарқий Бухоронинг бир қарияси атрофинда Балжувон номли шум бир ерда руслар тарафидан даҳшатли бир ҳужум Анвар Пошо устина отилиб, бу ерда дохий, машҳур қаҳрамон ғозий Анвар Пошонини шафқат қони-ла бўяди.

Одами ислом учун бидмас даражада бир жароҳат ва алам тортилди. Сўнг Шермуҳаммадбеклар етишуб, бу воқеадан чўх аламли ва ғамгин ўлди. Сўнг етти кунга таъзия маросимларини адо этиб... очмоқ учун келмиш Сомийбек ила биргалиқда иш қилмоқ бўлдилар. Оқибат бу икки мужоҳидларга ҳаргиз бадбахтлар ёлғон сўзлар тошуб, ўрталарига бир буюк адоват солди. Шермуҳаммадбек Сомийбекдан ажраб, тоғ тарафга юрмоқчи бўлди. Сомийбек қувлаб ўққа тутди. Ўртада бир неча адад йигитлар шаҳид ўлуб, қувватлари бўлинди. Сўнг ҳалокатлар бири ортидан бири келиб Сомийбекда, бошқасида бир тарафга қочди. Фурсатдан истифодаланиб Русия буюк ҳужумлар этди. Шермуҳаммадбек жаноблари шу 1324 да 300 (уч юз) аскарлари хоки муқаддас Афғонистона Бадахшонда, Хонабодда давлат тарафидан бир неча ой меҳмон этилдилар. Сўнгра мазкур сана давлати Хитойга бордилар. Ул ерда давлати

Англиядан кўмак сўраб, Русияга қарши такрор муҳораба очмоқчи ўлдилар. Сўнгра Хитой тарафасидан юриб, такрор Афғонистонга келуб, бу ерда давлати олия чўх кўмак ва пуллар берилиб, туз тотилдилар. Бу вақтда алар Кобулда муқим бўлиб, бир ойда минг рупия ҳукумат тарафидан кўмак олиб турардилар. Камина хизматкоринда Нормуҳаммадбек биродарлари ва бошқа 15 – 20 нафар йигитлари ҳозирдирлар. Атрофлари ила муҳорабалар этишуб, миллат вазифаларинда чолишуб турмоқдалар. Аллоҳ жаллаҳу жаллалоҳ бек соҳибнинг мақсудларини ҳосил этсун. Омин!»

Хужжатда Фарғона водийсида истиқлол кураши олиб борган лашкарбошилар, қўрбошилар ва улар ҳақида маълумот келтирилган. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

Шермуҳаммадбек 23 ёшида большевизмга қарши курашга киришиб, аввал 13 минг, сўнгра 103 минг лашкарга эга бўлган. Унинг етакчилигида Эргашбек, Мадаминбек, Холхўжа эшон, Парпибек, Муҳиддинбек, Омон Полвон, Нурмуҳаммадбек, Жонибек қозилар миллий-озодлик йўлида кураш олиб борганлар.

Кўқонлик Эргашбек 35 ёшида 6 йил уруш олиб борган, 12 минг аскар бўлган, муҳораба майдонида шаҳид бўлган.

Марғилонлик Мадаминбек 23 ёшида 10 минг аскар билан уч йил уруш олиб борган, 1920 йил майида шаҳид бўлган.

Ўшлик Холхўжа 43 ёшида 8 та лашкар бошлиқлари, 10 минг аскар бўлган; бир гуруҳ йигитлари билан Олой водийсида қор кўчкиси тагида қолиб кетган.

Андижонлик Парпибек қўрбоши 35 ёшида 8 нафар лашкар бошлиқларига, 10 минг жангчига эга бўлиб, 5 йил кураш олиб борган. 1921 йили Сузоқда шаҳид бўлган.

Кўкжарлик Муҳиддинбек 40 ёшидан бошлаб 11 та лашкарбоши, 13 минг қирғиз йигитларидан иборат жангчилар билан 7 йил уруш олиб бориб, шаҳид бўлган.

Наманганлик Омон Полвон 6 лашкарбоши, 8 минг аскар билан 7 йил жанг қилиб, шаҳид бўлган.

Яккатутлик Нурмуҳаммадбек 18 ёшида 7 йил уруш олиб бориб, 1975 йили Туркияда вафот этган.

Ўзганлик Жонибек қози миллий курашни бошлаганида 50 ёшда эди. У 4 нафар лашкарбошига ва 10 минг аскарга эга бўлиб, 7 йил уруш олиб борган, сўнг Шарқий Туркистонга муҳожир бўлиб ўтиб кетган.

Кўмондон Эргашбек қарамоғидаги лашкарбошилар қуйидагилар эди:

Кўқонлик Эшмуҳаммадбек, 35 ёшда;

Олтиариқлик Тўйчибек, 35 ёшда;

Кўштегирмонлик Мирзо Улуғбек, 25 ёшда;

Яйпанлик Ислом Полвон, 35 ёшда;

Бешариқлик Ҳамдам ҳожи, 35 ёшда;

Қиссакўзлик Усмон дев, 30 ёшда;

Олтиариқлик Султон Ғозий, 40 ёшда;

Ворухлик Мулла Пўлат, 30 ёшда;

Сўхлик Абдураҳим Маҳдум, 45 ёшда.

Мадаминбек қўрбошининг қўли остида қуйидаги лашкарбошилар бўлган:

Найзақайрағочлик Солиҳ Маҳдумбек, 30 ёшда;

Наманганлик Исмоил Полвон, 32 ёшда;

Қалмоқлик Усмонбек, 33 ёшда;

Оқёрлик Қозоқбойбек, 26 ёшда;

Қоракийиклик Ҳошим Полвон;

Имомоталик Холхўжа Соҳиб қори, 35 ёшда;

Аравонлик Йўлчибек, 32 ёшда;

Булоқбошилик Теша Қайсар, 30 ёшда;

Ўшлик Оқсоқ Ниёз, 25 ёшда;

Ўшлик Нўъмонбек, 20 ёшда;

Сузоқлик Мулла Умрзоқбек, 40 ёшда;

Ўшлик Саид Аҳмадбек, 25 ёшда;
Султонободлик Йўлдош Полвон, 30 ёшда.

Буларнинг ҳаммаси большевиклар билан жангларда шаҳид бўлган. Ҳар бирининг қарамоғида 1000 – 1200 нафардан ўзбек ўғлонлари бор эди.

Андижонлик Парпибек қўрбоши қарамоғида 7 нафар лашкарбоши бўлиб, ҳар бирида 1000 – 1200 йигит бўлган бу лашкарбошилар ҳам большевикларга қарши олиб борилган жангларда қаҳрамонларча шаҳид бўлишган. Улар қуйидагилардир:

Хирабеклик Юнусбек қўрбоши, 45 ёшда;

Омончўралик Исроилбек;

Урганжилик Маҳкам ҳожи, 40 ёшда;

Мурободлик Қозоқбой, 25 ёшда;

Мулла Абдураззоқ, 30 ёшда;

Андижонлик Охунжон, 35 ёшда;

Мирза Тоға, 50 ёшда.

Омон Полвоннинг қўли остидаги лашкарбошилар:

Қуршоблик Раҳмонқулбек, 40 ёшда;

Балиқчилик Йўлдош Чумоқ, 30 ёшда;

Хўжаободлик Сотиболди қози, 32 ёшда;

Балиқчилик Рўзимухаммадбек, 27 ёшда;

Хивалик Ҳожи Тўрабек, 35 ёшда;

Момохонлик Бойтуманбек, 35 ёшда.

1000 – 1200 йигитларга раҳбарлик қилган бу лашкарбошилар ҳам шаҳид бўлганлар.

Мазкур ҳужжатга кўра, Нурмуҳаммадбекнинг қўмондонлиги остида қуйидаги 25 нафар лашкарбоши бўлган (энг ёши 18 ёшлик):

Қумариқлик Сотиболди Соҳиб, 18 ёшда;

Гарбувалик Умар билан Тошмуҳаммад;
Абусиёлик Дардакбек;

Қорасоқоллик Эргаш Полвон ва Юсуф Полвон;

Сувкечиклик Асқарбек;

Чеклик Раҳматали;

Хонариқлик Жўрабек ва Эргаш;

Тевагумлик Авлиёхон Тўра;

Гарбувалик Рўзимухаммад;

Қизилоёқлик Аҳмад Полвон;

Зилгалик Алиёрбек ва Ғанихон;

Суқоқлик Тўхтасин;

Хўжаҳасанлик Умарали қулоқ;

Толмозорлик Мулла Ҳотам;

Шўрбулоқлик Муҳаммад Рўзибек;

Коросконлик Юсуфжон Маҳмуд;

Жугонлик Мулла Пўлат;

Шокир қўрбоши;

Тожикқишлоқлик Қўшмурод;

Олтиариқлик Қорабой;

Найнаволик Муҳаммадали.

Жонибек қозининг ихтиёрида 4 нафар лашкарбоши бўлиб, улар ҳам большевизм билан курашда шаҳид бўлганлар:

Шамсибек, 47 ёшда;

Олайқуллик Жамолбек, 30 ёшда;

Ўзганлик, қуршоблик Қодирбеклар 35 ёшда, қирғиз;

Қуршоблик Путиков, 34 ёшда, рус.

1927 йили Кобулдаги Боғи Алимардонда айтилган хотира ва тузилган шаҳид лашкарбошилар рўйхатидан кейин мана бу сўзлар битилган:

«Қабрингда роҳат топ, миллат шаҳидлари, ёш Фарғона мужоҳидлари, қаҳрамонлари.

Яшасун миллат қаҳрамонлари.

Қабрингда роҳат топсун Фарғона шаҳидлари. Истиқлол тарафдорлари! Маҳв ўлсун коммунизм, Оҳ, Фарғона!

Қабрингда роҳатда бўл Фарғона шаҳидлари! Номларингни бир кун хотирлайдилар. Сизларга дуолар ўқиймиз. Ватан авлодларина ибрат этармиз, қаҳрамон миллат йигитлари!..»

Ўйлаймизки, Фарғона водийсида 1917 – 1924 йиллар мобайнида истиқлол учун кураш олиб борган «босма-

чилар» деб аталмиш миллий озодлик уруши тарихини ўрганувчилар, умуман, Марказий Осиёда, жумладан, Фарғонадаги истиқлол кураши тарихи билан ҳам қизиқувчилар учун ҳам ушбу маълумотлар бирламчи, ёрдамчи манба сифатида ғоят қимматлидир. Истиқлол қурбони

бўлган бу қўмондон, лашкарбошиларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, тақдирини билиш, уларнинг унутиб бўлмас ижтимоий-сиёсий қиёфаларини тиклаш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни келгуси авлодларга етказиш олимларимиз, зиёлларимизнинг муқаддас бурчидир.¹

ШЕРМУҲАММАДБЕК ҲАЁТИГА ЧИЗГИЛАР (1)

Президент Ислом Каримов Аҳмад Фарғоний таваллудини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан Қува ва Фарғона шаҳрига келиб қилган суҳбатларидан бирида истиқлол байроғини баланд кўтарган, миллий курашга, қуроли ҳаракатга бош бўлган саркардалардан Мадаминбек ва Шермуҳаммадбекларни эслаб ўтган эдилар. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки ҳаққоний тарихимизни яратишда буюк истиқлолимиз йўлида курашган улуғ зотлар, маърифатпарвар адиблар, қўмондону лашкарбошиларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, тақдирини билиш, уларнинг бетимсол ижтимоий-сиёсий қиёфасини тиклаш, бор ҳақиқатни келгуси авлодларга етказиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тошлоқ туманига қарашли «Навбахор» жамоа хўжалиги жойлашган қишлоқ Карбува деб аталади. Қишлоқ шу ерда яшаб, шу ерда дафн қилинган бир зотнинг шарафига шундай ном олган. Баъзилар шу қишлоқни Ғарбува, Ғорбува, Ғариббува деб ҳам аташади. Қишлоқнинг атрофларида Яккатут, Бўстон, Бўзола, Хонариқ, Еркессак, Найман, Қумариқ қишлоқлари бор. Қишлоқ марказида Карбува қабристонини жойлашган. Қабристоннинг ўртасида Карбува мақбараси, унинг атрофида камида 150 – 200

йил муқаддам экилган толлар қолдиқлари, улкан тўнгалар турибди. Қабристоннинг бир томонида ўшандай толлар ҳануз саф тортиб турибди, бир чеккасида жуда катта тепалик бор. Тепалиқдан атрофга боқсангиз, Карбува қишлоғи ва атрофидаги қишлоқлар гўё кафтингизда тургандек яққол кўринади. Тепалиқнинг ёнбошидан ариқ ўтади. Унда зилол сув оқиб турибди. Тепалиқнинг уч томони пахтазор майдон, бир томони қабристон билан ўралган. Карбува мақбарасини маҳаллий аҳоли муқаддас жой, зиёратгоҳ манзил деб билади. Шермуҳаммадбек шу муқаддас жойда 1989 йили (баъзи манбаларда 1983 йили) таваллуд топган ва ўзининг бутун онгли ҳаётини истиқлол йўлига бағишлаб, ҳаммаслақлари билан шу манзилда қасамёд қилган.

Унинг катта бобоси Абдурахимбек Худоёрхоннинг вазирларидан бири бўлган. Чор Россияси босқини туфайли Худоёрхон тахтдан тушиб, Қўқон хонлиги тугатилгач, Абдурахимбек Марғилоннинг Қумариқ қишлоғига келиб, деҳқончилик билан шуғулланган. Унинг ўғли Қўшоқбек Қумариқ амини бўлиб, Тошмуҳаммадбек, Рўзимухаммадбек, Шермуҳаммадбек, Тожимухаммадбек ва Нурмуҳаммадбек деган 5 ўғил ҳамда Тўфaxon ва Савринисо деган 2 қиз кўради. Қўшоқ-

¹ Фан ва турмуш. 1997. №2. – Б.24 – 25.

бек 1915 йили ҳаж сафарида бўлади ва қайтиш чоғида Истанбулда вафот этади.

Шермуҳаммадбек ота касби деҳқончилик билан машғул бўлиб, мироблик вазифасини ўтайди. У 1916 йилги миллий-озодлик кўзғолонида фаол қатнашади.

Шермуҳаммадбек қандай қилиб истиқлолчилар сафига қўшилганди деган савол туғилиши табиий. Ўзи ва ўғли Давронбекнинг айтишича, 1917 йил ёзида Тошлоқда бўлиб ўтган сайилда жамоатчиликнинг хуррият, озодлик руҳида ўтказилаётган йиғинини тарқатиш учун Янги Марғилондан ҳукуматга қарашли аскарлар келади. Рус зобити аҳолининг тарқалишини талаб қилиб, қамчисини ўйнатади, «Ёввойи сартлар, уй-уйларингга тарқалинглари, акс ҳолда ҳибсга олинасанлар», – деб от ўйнатиб, аҳолини кўрқитади, қочиб улгурмаганларни қамчи билан ура бошлайди. Бу хўрланишдан изтиробга тушган Шермуҳаммадбек зобит отининг тизгинини ушлаб олиб: «Сен кимни ёввойи сарт деяпсан, кимларни ҳайдаяпсан? Ахир биз шу ерликмиз. Куппа-кундузи тинч аҳолини шу қадар хўрлаш, камситиш яхши эмас-ку», – дейди. Бундан ғазабланган зобит Шермуҳаммадбекни боши-елкаси аралаш қамчилай бошлайди. Шермуҳаммадбек унга ҳамла қилиб, отдан қулатади, одамлар уни тепкилай бошлайдилар. Дарҳол миршаблар пайдо бўлади. Шермуҳаммадбек оломон орасидан чиқиб, Карбува томонга қочишга мажбур бўлади. Укалари ва дўст-ёрлари ҳам унинг орқасидан боради. Улар Карбува қабристонидаги катта бир чинор тагида тўпланишиб, мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш учун кураш олиб боришга аҳду паймон қиладилар. Қуръони каримни ушлаб бу йўлдан қайтмаслик учун онт ичишади.

«Ўша ерда, – дейди Анварбек ака амалкиси Шермуҳаммадбекдан эшитган-

ларини бир-бир эслаб, – амаким катта отамиз Қўшоқбойдан қолган қўш милтиқни олади. Бошқаларни қуроолантириш мақсадида Скобелев шаҳридаги турмага ҳужум қилиб, у ердаги соқчиларнинг қуроолларини тортиб олишади. Бу ишда Асомиддин, Мадаминбек ҳам қатнашган. Шу тариқа озодлик учун кураш бошланади. Ушбу жангда амакимнинг ўнг кўзига ўқ тегади. Шу боис кейинчалик болшавойлар унга Кўршермат деган ҳақоратомуз ном қўйишган».

1917 йил ноябрда Туркистонда ҳам руслардан юборилган бир гуруҳ элчилар томонидан мустабид шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Шўролар, большевойлар ғояси ва сиёсати маҳаллий мусулмон аҳолига сингмади, уни қабул қилмади. Шўролар ўз ҳукумати таркибига ўз юртининг эгалари бўлмиш ерли миллат вакиллари киритмади.

1917 йил 26 – 29 ноябрь кунлари Қўқонда Туркистон ўлка мусулмонларининг IV фавқуллодда қурултойи бўлиб, қурултой демократик йўл билан Туркистон мухториятини эълон қилди. Бу ҳукумат қисқа умр кўрди. Большевиклар 1918 йил феврида мухторият тарафдорларини қонга беладилар. Анварбек аканинг айтишича, мухториятчилардан бир гуруҳи Марғилонга келиб, шу ерда мухториятни тикламоқчи бўлади. Аммо большевиклар бу ҳукуматни ҳам тузилмасидан бўғизлаб, 15 нафар мухториятчини, шу жумладан, унинг раҳбари Миродилбекни отиб ўлдирдилар. Қувада эса қизил аскарлар 200 нафар мусулмонни қириб ташлайди. Бунга жавобан Шермуҳаммадбек ўз йигитлари билан 1918 йилнинг 28 – 29 феврида Қува гарнизонига ҳужум қилиб, рус аскарларидан кўпини отиб ташлайди, бир қисмини асир олади, кўплаб қуроол-аслаҳани қўлга киритади.

Турк тарихчиси Али Бодомчи Шермухаммадбекнинг вафотидан икки ой олдин у билан суҳбат қилиб, унинг эсдаликларини магнитофон тасмасига ёзиб олган. Унинг «Шўролар «босмачилик ҳаракати» деб атаган ҳаракат ўз олдига қандай вазифани кўйган эди?» деган саволига Шермухаммадбек шундай жавоб қилган: «Босмачилик» бутун Туркистоннинг истиқлоли учун бир нуқтага келган миллатчиларнинг ҳаракати эди. Бу ҳаракат... Темур, Улуғбек, Навоийлар юртини келгинди босқинчилар чангалидан озод қилишга қаратилган, «Туркистон – туркистонликларники» шиори остида олиб борилган миллий кураш эди. Биз кўп йиллар мобайнида қонимизни зулукдек сўриб келаётган босқинчиларга, Масковнинг ҳукмронлигига қарши истиқлол байроғини кўтариб чиққан эдик».

Юсуфжон кўрбоши Шаҳрихондан Шермухаммадбекка мактуб йўллаб, бу ердаги гарнизон аскарлари аҳолига нисбатан турли жазолар қўллаб, мол-мулкни талаётганларини маълум қилади. 1918 йил 11 март куни Шермухаммадбек хуфтон намозидан сўнг Карбувадан Шаҳрихон сари йўл олиб, ярим тунда Шаҳрихон гарнизонига тўсатдан хужум қилади. Бирорта ҳам ўқ отилмасдан бутун гарнизон қўлга олинади. Мустамлакачилар тортиб олган бутун мол-мулк маҳаллий аҳолига қайтариб берилади. Сўнг Шаҳрихон қасабаси Юсуф кўрбоши ихтиёрига топширилади.

1898 йилги Дукчи эшон кўзғолонидан кейин Мингтепа (ҳозирги Марҳамат тумани) қуролланган рус мужиклари томонидан эгалланган бўлиб, маҳаллий аҳоли ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Мужиклар шу билангина қаноатланиб қолмай, тева-рак-атрофдаги қишлоқларга ҳам таҳдид солиб турардилар. 1918 йил 20 мартда

Шермухаммадбек шундай таҳдидлардан бири ҳақида хабар топади. У босқинчи мужикларга хат йўллаб, Мингтепадан яхшиликча чиқиб кетишларини талаб қилади. Табиийки, бунга рад жавоби олинади. Шу масала бўйича Холхўжа эшон Ўшдан Карбувага келиб, Марҳамат ва унинг атрофидаги мужиклар фитнасига зарба бериш режаси ишлаб чиқилади. 23 март эрталаб Марҳамат томон юриш бошланади ва тушга келиб шаҳар ўраб олинади. Ярим тунгача жанг давом этади. Жангда «босмачилар»дан 15 киши, мужиклардан эса 300 киши ўлади. Тирик қолган мужиклар Шермухаммадбекдан омонлик тилаб, унга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Шермухаммадбек уларга қуроолларини топшириб, таслим бўлишни, қизил аскарларга бундан буён ёрдам кўрсатмасликни, эгаллаб олинган ерларни бўшатиб беришни, халқдан тортиб олинган мол-мулкни эгаларига қайтаришни шарт қилиб қўяди. Бу шартлар қабул қилиниб, 400 милтиқ, кўп миқдорда ўқ-дори, халқдан тортиб олинган мол-мулк Шермухаммадбек ихтиёрига берилади. Ўлжа марҳаматлик қасосчилар ва Холхўжа йигитларига, мол-мулк эса эгаларига тарқатилади.

Кўп ўтмай Янги Марғилондан қизилларнинг маҳаллий аҳолидан 1200 кишини қамоққа олгани, Чимёндан эса дашноқларнинг аҳолига зулм ўтказётганлиги тўғрисида хабар келади. Янги марғилонлик Ёдгор Бойжон миллатпарвар бойлардан бўлиб, миллий халқ манфаати йўлида кураш олиб бораётган гуруҳларга моддий ёрдам кўрсатиб келаётган эди. 1200 нафар қамоққа олинган марғилонликларнинг бири ана шу Ёдгор Бойжон эди. Бу хабарни эшитган Шермухаммадбек Чимёнга, Нурмухаммадбек эса Скобелев томонга лашкар тортиб борадилар. Шермухаммадбек

1918 йил 20 апрелда йўл-йўлакай ўзига қўшилган 3 минг йигит билан Чимёнга етиб келади. Гарнизонга уч томондан хужум қилади. Бир неча дақиқалик отишувдан сўнг Шермухаммадбек душманга таслим бўлишни таклиф этади. Натижада Шермухаммадбек 700 дан ортиқ милтиқ, 6 та пулемёт, кўп миқдорда ўқдорини ўлжа олади.

Хуллас, 1918 йил февралдан то 1920 йил мартигача бутун водийда совет тузумига қарши қуроли ҳаракат авж олади ва Шермухаммадбек олиб бораётган кураш халқ ҳаракатига айланиб кетади.

Шу даврдаги миллий ҳаракат Кичик Эргаш, Катта Эргаш, айниқса, Мадаминбек, Шермухаммадбекларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳаракатга Мадаминбек билан бирга Шермухаммадбек ҳам катта ҳисса қўшган. Улар душманга қарши бир неча бор биргаликда жанг олиб борганлар. Шўро Туркистони «Ҳаёт ва ўлим» қаршисида қолан (Георгий Сафаров ибораси) 1919 йилда ҳам бу икки қўмондон елкама-елка туриб жанг қилди.

1919 йилнинг март ойи. Мадаминбек қўшинлари Балиқчи касабасида. Ўшдан чиққан Холхўжа Эшон ҳам шу жойда. Улар қизилларнинг кучли тазйиқи остида. Истиқлолчиларга қарши 4 мингдан ортиқ яхши қуролланган қизил аскарлар Балиқчида Мадаминбекнинг қўшинларига қарши хужум уюштирадилар. Шиддатли жангларнинг бирида Мадаминбек ва Холхўжа йигитлари қуршовда қолади. Шермухаммадбек жангнинг тўртинчи кунда 3000 дан ортиқ йигитлари билан Балиқчига етиб бориб, жангга киришади. Эрталабга қадар кучли кўча жанглари бўлиб, вазият улар фойдасига ўзгаради. Қуршовдан чиққан мадамин-

бекчилар душманга қарши хужумни авж олдириб, қизилларни тўрт томондан қуршаб оладилар. Қаттиқ жангдан сўнг қочиб улгурган ва ўлганлардан ташқари 1700 аскар таслим бўлишдан бошқа чора топа олмайди. 700 га яқин бешотар милтиқ, 2 тўп, 2 пулемёт ўлжа олинади. Ўлжага олинган қуролилар Мадаминбек, Холхўжа, Шермухаммадбек йигитлари ўртасида тақсимланади. Асирлар Норин ва Қорадарё қўшилиб, Сирдарё бошланган жойга келтирилиб, сўроқ қилинади, керакли маълумотлар олингач, рус миллатига мансуб бўлганлари қўйиб юборилади. 350 арман дашноқлари оёқ-қўллари боғланиб, Сирдарёга улоқтирилади.

Қуроли муҳолифат ҳаракатини бўлиб юбориш, бу ҳаракат раҳбарлари ўртасида ихтилоф чиқариш, таслим бўлган ёки советлар билан сулҳ тузган қўрбошилари бир-бирларига гижгижлаш каби «сиёсий» ўйинлар большевикларнинг севимли тактикаси бўлиб келган. Бу жирканч усул Туркистон иши билан шуғулланувчи махсус комиссиянинг Ленин ташаббуси билан ўлкага келиши (1919), РКП(б) Марказий Қўмитаси Туркистон бюросининг ташкил этилиши (1920), Фрунзе қўмондонлигида Туркистон fronti юзага келиши билан, айниқса, кенг қўллана бошлаган. Шундай сиёсий ўйин ва найранглар таъсирида, Фарғонада ортиқча қон тўкилмаслигини ўйлаб, большевикларнинг ён беришлари, қолаверса, катта ваъдаларига ишонган Мадаминбек 1920 йил мартда советлар томонига ўтган. Шу вақтдан бошлаб 1922 йилнинг охиригача Фарғона водийсида олиб борилган ҳаракатга Шермухаммадбек бошчилик қилади. Большевиклар энди ўз нишонларини унга қаратадилар.¹

¹ Фан ва турмуш. 1999. №2. – Б.14 – 15.

ШЕРМУҲАММАДБЕК ҲАЁТИГА ЧИЗГИЛАР (2)

1921 йил 11 августда Туркбюро Алиёр қўрбошининг сулҳ ҳақидаги таклифини қабул қилади. Аммо унга Шермуҳаммадбекка қарши жанг қилиш вазифаси қўйилади. Алиёр қўрбоши бу шартга кўнмайди. Чунки у Шермуҳаммадбек билан бир умрга дўст бўлиб қолиш ҳақида Қуръони каримни ушлаб олт ичган эди. Шундан сўнг советлар Алиёр қўрбошига Новқатдаги қирғиз Муҳиддин қўрбошига қарши жанг қилишни буюрадилар. Алиёр бу таклифни қабул қилиб, ўз йигитлари билан Муҳиддин қўрбоши ҳузурига бориб, у билан бирлашади ва советларга қарши жанг қила бошлайди. Ҳийла-найранг йўли билан қўлга олинган Алиёр қўрбоши 1921 йил ноябрида ўз йигитлари билан бирга большевиклар томонидан қатл этилади.

Саркарда тез-тез аҳолига мурожаат этиб, истиқлол учун олиб борилаётган миллий курашнинг моҳиятини тушунтирар, шўроларнинг ёлғон, иккиюзламачилик сиёсатини фош этиб, уларга ишонмасликка даъват қиларди. Унинг араб имлосидаги ўзбек тилида ёзилган бундай мурожаатлари бутун ўлка бўйлаб тарқатиларди. Улар ҳатто шўро чекистлари қўлига ҳам тушарди. Бу мурожаатномалар рус тилига таржима қилиниб, шўролар раҳбариятига, ҳарбий қўмондонликка етказиларди. Бундан большевойлар ғазабга келар, саросимага тушарди. Шундай мурожаатномалардан бири Андижон вилояти давлат архивининг уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси фондида (1-рўйхат, 86-иш, 225-варақда) сақланмоқда. Уни айнан келтирамиз.

**Туркистон ўлкаси барча
миллатларига!
Туркистон ўлкаси Мусулмон
қўшинлари Бош Қўмондони
курашчан Шермуҳаммадбек
Ғозийнинг**

ЭЪЛОННОМАСИ:

Ушбу билан барча миллатларга эълон қиларканман, худога шукрки, кундан-кунга куч-қудратимиз тобора ортиб бормоқда. Менинг барча қўмондонларим деярли ҳар қуни Туркистонда яшаётган ва болшавойлардан безор бўлган рус ва мусулмон аҳолиси ўз қуроллари, кийим-кечаклари билан сафимизга қабул қилинаётганлари ҳақида хабар бермоқдалар. Биз уларни ихтисослиги бўйича лавозимларга қўймоқдамиз ва уларнинг иззат-икромини ҳам жойига қўймоқдамиз. Улар болшавойлар яшаётган жойларда, шаҳарларда ва бошқа жойларда етишмовчилик, ёппасига очарчилик ва тартибсизликлар ҳукм сураётганини билдирмоқдалар. Биз томонимизга ўтган бу кишилар озиқ-овқат билан тўла таъминланмоқда ва улар ўзларининг ҳаёт муҳитидан қониқаётганини билдирмоқдалар. Хорижий маълумотларга қараганда, четдаги давлатлар болшавойларни сабабдан туркистонликларга тўла мухторият бермаётгани ҳолда, «Туркистонга аллақачон мухторият берилган» деган ёлғон гаплар айтаётганларидан ғазабга келаётир. Ҳозирги вақтда бу чет эл давлатларига болшавойлар аблаҳ, ёлғончи эканлари ҳамда уларнинг касби ҳар қандай вақтда ҳам меҳнаткашларни ва айбсиз камбағал аҳолини талаш

ва ўлдиришдан иборат эканлиги маълум бўлиб қолди. Шу тўғрисида бу барча хорижий давлатлар ўз муҳитидан аблаҳ болшавойларни улоқтириб ташлашга қарор қилдилар ва уларни тугатиш учун катта уруш очдилар.

Агарда ҳозирги вақтда болшавойлар туркистонликларга тўла мухторият берсалар, у ҳолда биз, туркистонликлар, ҳеч қандай зарар келтирмаймиз. Агардаки тўла мухторият бермасалар, у ҳолда биз юрагимиз ва танамизда охирги қонимиз қолгунча ватан учун курашамиз, яккаю ягона Тангри таоло, Муҳаммад пайғамбаримизнинг шариасти йўлида қурбон бўлишга тайёрмиз. Динимиз, ватанамиз учун бутун қалбимиз ва жисмимизни қурбон бериб, тўла ғалабага эришишни Аллоҳдан тилаймиз ва унга ибодат қиламиз.

Мусулмон кўшинлари бош қўмондони Шермуҳаммадбек».

Ушбу ҳужжатдан аёнки, миллий курашчилар ва уларнинг қўмондони Шермуҳаммадбек Туркистонни тўла мухторият ҳолида кўришни орзу қилган. Улар шу йўлда кураш олиб борганлар. Шермуҳаммадбек беҳуда қон тўкилмаслиги учун ўлкага мухторият мақоми берилишини совет раҳбарияти ва ҳарбий қўмондонлигидан талаб қилган. Шундай музокара 1921 йил август ойининг охирларида Марғилон билан Ёзёвон ўртасидаги очиқ майдонда ўтказилган. Унда советлар томонидан 1-армия қўмондони Г.В.Зиновьев, Туркистон Компартияси Марказқўми котиби Назир Тўрақулов, ҳарбий ходимлар Р.И.Березин ва А.А.Слуцкий, миллий курашчилар номидан эса Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек, Алиёр кўрбоши, Юсуф Полвон, Бозорбойбек, Мулла Пўлат, Асқар кўрбошилар қатнашганлар. 25 кишилик

советлар билан 7 кишилик миллий курашчилар ўртасидаги музокара 8 соат давом этади. Шермуҳаммадбек сулҳ тузиш учун советлар олдида Туркистон мухториятини тан олиш, мусулмонларга диний эркинлик бериш, қизил армия кўшинларини Фарғона водийсидан олиб чиқиб кетиш, ҳибсдаги миллий курашчиларни озод қилиш каби ўн таштартни кўяди. Бу талабларни Г.В.Зиновьев истеҳзо билан тинглайди ва уларни амалга ошириш мумкин эмаслигини айтади. Шермуҳаммадбек бунга жавобан: «Биз истиқлол истаймиз», – дейди. Зиновьев эса: «Сиз деҳқончилик билан шуғулландинг, сиёсатга аралашманг!» – дея жавоб қилади. Шермуҳаммадбек: «Сиёсат бизнинг маслагимиз бўлади. Биз ватанни мудофаа қиляпмиз. Чунки биз Амир Темурнинг фарзандларимиз. Улар фақат деҳқончилик қилмаганлар. Масжидларимиз, халқимиз қон йиғлаяпти. Куни кеча болшавойларингиз қилган ваҳшийлик инсонга хос иш эмас, ҳукуматингизга айтинг, инсоф қилсин», – дейди.

Шундан сўнг Шермуҳаммадбек музокарани ташлаб кетиш учун ҳамроҳларига ишора қилади. Зиновьев Шермуҳаммадбекни тўхтатиб, яккама-якка суҳбатлашишни таклиф этади. Суҳбат чоғида Зиновьевнинг «Сиз нима хоҳлайсиз?» деган саволига Шермуҳаммадбек: «Биз ўз илтимосимизни айтдик. Хуррият истаймиз, истиқлол истаймиз, бизни холи қолдиришингизни истаймиз», – деб жавоб қилади.

Зиновьев: «Хуррият учун миллион нафар аскар керак. Сенда шунча куч борми? Халқинг ичида сен каби фикр қиладиганлари оз. Сенинг истакларингни ҳукуматимиз қабул қилса ҳам, булар сенга эргашмайди», – дейди. Шермуҳаммадбек бунга жавобан: «Ёлғон айт-япсиз, бизнинг халқимиз ичида бундай

инсонлар оз эмас, 2 миллион аскар тўп-лашга ҳам имконимиз бор. Биз Туркистонда 15 миллиондан ортиқроқмиз. Керак бўлса, ҳаммамиз сизга қарши курашга отланамиз», – деб ўз ҳамроҳлари билан музокара жойини тарк этиб, қароргоҳи Карбувага қайтиб кетади.

Ўлкадаги совет ҳукумати Шермуҳаммадбекни ўз томонига оғдириб олиш учун миллий арбобларни ҳам унинг хузурига элчи қилиб юборган. Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари Низомиддин Хўжаев 1921 йил 12 сентябрда сулҳ тузиш мақсади билан Шермуҳаммадбекнинг қароргоҳига келади. Музокарада у Шермуҳаммадбекка қарата: «Ҳозир мен бутун Туркистон ҳукуматини бошқаряпман. Мажбур бўлиб қолганингизда менинг хузуримга келаверасиз, бирга бўламиз», – дейди. Бу фикрнинг мужмал ва асоссизлигини пайқаган Шермуҳаммадбек шундай жавоб қилади: «Тошкентдаги рус ҳарбий қўмондонлиги ҳам сизнинг қўл остингиздами? Агар шундай бўлса, уларга Туркистонни тарк этишларини буюринг. Шўро аскарлари Туркистондан кета бошлаган соатдан эътиборан хизматингизга кираман ва сизга бўйсунаман».

Табийки, музокара натижасиз қолади.

Айни вақтда Шермуҳаммадбек уруш тарафдори бўлмагани учун беҳуда қон тўкилишининг олди олинишига, осойишталик ўрнатилишига, Фарғона халқининг оддий инсоний ҳуқуқлари тикланишига, айрим большевик раҳбарларнинг ярамаслигига, тажовузкорлигига чек қўйилишига умид боғлаб, Туркистон раҳбарияти билан сулҳ тузиш учун музокара олиб бориш ташаббуси билан чиқади. Советларга қарши тинимсиз кураш олиб бораётган Шермуҳаммадбекнинг бу ташаббуси Фарғона аҳли ҳақли талабининг

натижаси эди. Туркистон раҳбарияти Шермуҳаммадбекнинг таклифига мувофиқ Фарғонага келиб, у билан очикчасига музокаралар олиб боради. «Фарғонадаги вайронагарчилик, уруш етарли эмасми? Сиз нимани талаб этасиз?» деган саволга Шермуҳаммадбек шундай жавоб беради: «Тўғри, биз Фарғонанинг тикланиши ва тинчлик қарор топиши тарафдоримиз. Аммо сизларнинг ҳукуматингиз ғоялари Туркистон жумҳурияти учун яроқсиз ва уни маҳаллий аҳоли ҳаётига татбиқ қилиб бўлмайди». «Туркистон жумҳуриятида тинч ҳаёт қарор топиши учун, сизнинг фикрингизча, нималар қилиш керак?» деган саволга эса: «Биринчи навбатда, савдога йул қўйиш, жойдан-жойга кўчиш эркинлиги, мусодара ва реквизицияларни тақиқлаш, шариат асосидаги судни жорий этиш, вақф ерларини эгаларига қайтариб бериш», – деб жавоб қилади. Лекин большевиклар бу таклифларни қабул қилмайдилар.

Бундай сулҳ тузишга уринишдан олдин ўлкада, хусусан, водийда қандай воқеалар бўлиб ўтган, Шермуҳаммадбек ва унинг жангчилари бошидан не кунлар ўтмаган эди.

... 1920 йилнинг ноябрь оyi. Парпибек кўрбоши Қўқонқишлоқда 2000 қизил аскарга қарши жанг олиб борарди. Унга кўмак бериш учун Шермуҳаммадбек минг нафар йигити билан Қўқонқишлоққа келади. Даҳшатли жангларда Парпибек ғалаба қозониб, 2 замбарак, 4 пулемёт ва турли қурол-аслаҳаларни ўлжа олади. Бундан ғазабланган душман катта куч билан Қўқонқишлоқ, Омончўрада Парпибекка қарши шиддатли ҳужумни бошлайди. Унга 8-отлиқ бригада қўмондони Я.А.Мелькумов шахсан раҳбарлик қилади. Шиддатли жангдан сўнг Қўқонқишлоқ билан Омончўра яна советлар қўлига ўтади. Парпибек

Бозорқўрғон томонга чекинишга мажбур бўлади. Бу ерда ҳам душман унга кучли зарба беради.

Шермуҳаммадбек ва Холхўжа қўшинлари мағлубиятга учрагани сабабли айрим қўрбошилар руҳи тушиб, советлар томонига ўта бошлайди. 1921 йил 31 январда 2600 аскар билан Акбарали ва Маҳкам ҳожи қўрбошилар шўролар томонига ўтади. 1921 йил бошларида Парпибек қўрбоши ўз қўшини билан Жалолобод ва Сузоқда 2-Туркистон ўқчи дивизияси билан шиддатли жанг олиб боради, аммо у мағлубиятга учрайди.

Шермуҳаммадбек Парпибек ўрнини эгаллаган Тўражоннинг йигитлари билан аввал Учқўрғонга, сўнг Норин ирмоғи томон чекинишга мажбур бўлади. Шу жойда мустаҳкам мудофаа ташкил қилиниб, қизил аскарларга қарши ҳужум уюштирилади. Бу жангда 400 рус аскар асир олиниб, қуролсизлантирилгач, қўйиб юборилади. Шермуҳаммадбек Карбува қароргоҳига қайтиб келгач, Ашовадаги Раҳмонқул қўрбошидан мактуб олади. Унда Тошкентдан Раҳмонқулга қарши катта куч юборилгани айтилиб, шу боис душманни даф этиш учун ёрдам сўралган эди. Шермуҳаммадбек Болта қўрбоши бошлиқ 1400 отлиқ аскарни ёрдам учун Ашовага юборади. 1921 йил январь ойи охирларида шу ерда 6 кун давом этган кучли жангда қизил аскарлар катта талафот кўрадилар.

Худди шу вақтда Ўратепада Холбўта йигитлари қизил аскарларнинг қуршовига тушиб қолади. Бундан хабар топган Шермуҳаммадбек Ҳотам қўрбоши бошлиқ 500 суворийни Холбўтага ёрдамга юборади. Қизиллар мағлубиятга учраб, Ўратепадан қувиб чиқарилади.

Замондошларнинг хотираларига қараганда, Шермуҳаммадбек беғараз инсон эди. Шу жиҳатдан унинг Бухоро

амири Сайид Олимхон билан бўлган муносабатини эслаш жоиз. Шермуҳаммадбек Фарғонадан Бухорога, амир ҳузурига элчи юбориб, ундан қурол-яроғ масаласида ёрдам беришни сўрайди. Аммо амир бу илтимосни жавобсиз қолдиради. Бу ҳам етмаганидек, Афғонистондан Шермуҳаммадбек учун келтирилаётган қурол-яроғ амир одамлари томонидан ўтказилмайди. Сайид Олимхоннинг ўзи Бухорони тарк этиб, ҳозирги Тожикистон ҳудудида советларга қарши уруш олиб бориб, танг аҳволга тушганида Шермуҳаммадбекка хат ёзиб, ундан большевиклар зулмига учраган мусулмонларга ёрдам бериш лозимлигини айтади ва ўзига ҳам ёрдам беришни сўрайди. Бунга жавобан Шермуҳаммадбек 1920 йил ноябрь ойининг охирларида Асқар қўрбоши қўмондонлигида 500 кишидан иборат суворийларни Шарқий Бухорога юборади. Фарғонадан борган бу миллий курашчилар Бойсунда қизил аскарларга қарши жанг қиладилар. Бойсун мудофаасида фарғоналиклардан 70 нафари шаҳид бўлади. Амир Афғонистонга омон-эсон ўтиб кетгач, Асқар қўрбоши Карбувага қайтиб келади.

20-йиллардаги мана шундай воқеалар, халқнинг уруш азобидан қийналганлиги, вайронагарчилик туфайли Шермуҳаммадбекда советлар билан сулҳ тузиш, истиқболсиз курашни тўхтатиш фикри туғилган бўлиши мумкин.

Закий Валидий Тўғон АҚШга борганида Давронбек ва Анварбеклар хонадонларида бўлиб, оталари Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекларнинг большевикларга қарши курашдаги катта хизматларини алоҳида қайд этиб, уларнинг совет мустамлакачилигига қарши изчил кураш олиб боргани, бу йўлдан асло қайтмагани, Шермуҳаммадбек билан сулҳ олиб борган большевик-

лардан биронтаси ҳам уни бу йўлдан қайтаролмаганлигини айтган.

Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошларимиздан Аҳмад Тўлқин Шермуҳаммадбек фаолиятидаги ўзи шоҳид бўлган қуйидаги кичик бир воқеани Давронбек билан Анварбекларга айтиб берган: Шермуҳаммадбек билан Нурмуҳаммадбеклар Носирхон Тўранинг ёнига бориб: «Домла, сиз бизга бош бўлинг, диний раҳнамо бўлинг, биз амрингизга итоат қилиб, душманга қарши биргаликда курашайлик», – деб илтимос қилган эканлар. Шунда Носирхон Тўра кўзини ердан узмай, ўтирган ҳолда на ҳа, на йўқ деб жавоб қилмаган. Бироқ орадан бир қанча вақт ўтгач Носирхон Тўра бу қилмишидан пушаймон еб, виждонан қийналиб, кўрбошилар таклифига мен бирор нарса дея олмадим, бу менинг хатойим эди деб иқрор бўлган. Кейинчалик Носирхон Тўра миллий кураш жабҳасига ўзини бағишлаб, шу йўлда қурбон бўлган.

Шермуҳаммадбек раис бўлган муваққат Туркистон ҳукуматида хавфсизлик нозирини Муллажон Қори, шайхулислом, яъни диний ишлар бўйича нозир Умар Ҳожи, бош котиб Абдусалом, молия нозирини Носиржон, махсус ишлар нозирини Мулла Ҳожи Ниёз аъзо бўлганлар.

Бундан ташқари, 14 кишидан иборат ҳукумат ҳайъати ҳам бўлган. Мулла Умар Ҳожи, Жамол Қози, Абдулазиз Қори ва Абдусаломлардан мустақиллик маҳкамаси фаолият кўрсатган. Ҳарбий идора маҳкамаси бош кўмондон Шермуҳаммадбек, Ислоҳ Ҳаққи (турк зобити) – ҳарбий ишлар маслаҳатчиси, Ёқуббек (эски турк зобити) – ҳарбий режа ва ҳаракатлар бўйича масъул, Алиёр кўрбоши, Юсуф паҳлавон, Бозорбой, Мулла Пўлат, Асқар ва Нурмуҳаммадбеклардан иборат бўлган.

Идора мажлиси таркиби Абдулбоқи бойвачча – раис, Муфти Мусо Қози, Абдулқайюм, Мулла Ғойибназар, Мулла Йўлдош Охунлардан таркиб топган.¹

ШЕРМУҲАММАДБЕК ҲАЁТИГА ЧИЗГИЛАР (3)

88 кишилиқ Шўро-парламент ҳам бўлган. Шўролардан озод этилган худудларда дарҳол марказий ҳукуматнинг қуйи органлари тузилиб, қишлоқларни бошқаришда элликбоши, юзбоши ва мингбоши мансаблари жорий этилган.

1922 йил апрелида Кофирниҳонда Анвар Пошо ташаббуси билан истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларининг йиғилиши ўтказилади. Шу вақтда Фарғона ва Зарафшон водийларидаги кўрбошиларнинг Самарқанд қурултойида мазкур водийларда қизил кўшинга қарши кураш ва Туркистоннинг келажаги билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Қурултой 1922 йил 15 апрель кунини Туркистон Мустақил Ислоҳ Жумҳуриятининг эълон қилади. Ислоҳ кўшинлари бош кўмондони Шермуҳаммадбек жумҳурият бошлиғи этиб сайланади. Қурултой ҳатто муваққат конституция сифатида тегишли ҳужжатлар ҳам қабул қилди. Демак, хорижда, ҳатто ўзимизда ҳам айрим олимларнинг «босмачиларнинг сиёсий стратегияси бўлмаган, улар сиёсий мустақиллик, Туркистоннинг мустақиллиги ҳақида ўйламаганлар» деган фикрлари мутлақо ҳақиқатга зид.

1921 йил баҳорида оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганларида фарғоналик

¹ Фан ва турмуш. 1999. №3. – Б.18 – 19.

бир неча бойлар унга 150 – 200 фоизлик кўшимча қарз беришни таклиф этишган.

Шермуҳаммадбек ўтмиш воқеаларини эслаб, Давронбек ва Анварбек акаларга андижонликлар, Андижон кўрбошиларидан кўп марта ёрдам олганини катта миннатдорчилик билан айтган. «Энг кўп мақтаганлари, – деган эди Анварбек ака биз билан суҳбатда, – Парпибек кўрбоши, Маҳкам ҳожи эди. Оталаримиз андижонлик саховатли одамлар ҳақида сўз юритиб, мен ҳақиқатан Андижон халқидан миннатдорман, қачон аскарларимиз билан оч-наҳор, толиқиб борганимизда Андижонда бизга, йигитларимизга овқат, отларга ем, устиларига чопон қилиб беришган...»

Шермуҳаммадбек Афғонистонга ўтиб, Кобулда яшай бошлайди. 1924 йили Андижондан Кобулга бориб қолган Зулфинисо исмли қизга уйланади. Улардан Давронбек, Жаҳонгир, Саодатхон, Хосиятхонлар дунёга келади. Тўнғич ўғли Давронбек ҳозир Нью-Йоркда, Саодатхон Туркиянинг Адана шаҳрида истиқомат қиляпти. Жаҳонгир билан Хосиятхонлар Шермуҳаммадбек Кобулдалигидаёқ вафот этишган. Давронбекнинг онаси Зулфинисо 1972 йилда Аданада оламдан ўтган.

Шермуҳаммадбек Кобулда яшаганида ҳам Англия ҳукуматидан ёрдам олиб, Туркистонни озод қилиш орзусидан воз кечмади. Шу мақсадда у Нишопур, Бомбайгача бориб, рожалар билан музокаралар олиб борди. Бирон натижа чиқмагач, Помирдаги қирғиз ва бошқа халқларни советларга қарши курашга ундамоқчи бўлди. Унинг Помирга қилган сафари ҳам натижа бермагач, яна Кобулга қайтади. Омонуллахон, сўнгра Нодирхон подшолик қилган даврда Афғонистон советлар билан алоқани узмаслик сиёсатини олиб борарди. Шунинг учун ҳам Омонуллахон

ва Нодирхон Шермуҳаммадбекка ер ва 1 минг афғон рупияси миқдоридан ойлик бериб турди. Шермуҳаммадбек кейин бу ерларни ҳукуматга қайтарган.

1951 йили Афғонистондаги туркистонлик муҳожирлар Туркиядан бошпана топадилар. Шермуҳаммадбек ва укаси Нурмуҳаммадбеклар бунда бош-қош бўлдилар. Улар Покистоннинг Пешавор шаҳрида туриб ватандошларни Туркияга кузатдилар. Жами 1111 киши Туркияга жўнатилди. Шермуҳаммадбек вақтинча Пешаворда, Нурмуҳаммадбек Карачида яшаган. Улар Шарқий Туркистондан ҳам кўплаб ватандошларни Туркияга жўнатиш билан ҳам машғул бўлдилар. Ниҳоят 1955 йили Шермуҳаммадбек ҳам ўз оиласи билан Туркияга келади ва умрининг охиригача Адана шаҳрида яшайди. 1970 йил 10 мартда Шермуҳаммадбек оламдан ўтади. Унинг дафн маросими жуда катта ҳурмат, эҳтиром, қайғу билан ўтказилади. Туркия ҳукуматидан, дунёнинг бошқа жойларида яшаётган ватандошлардан, жамоат ва илм арбобларидан вакиллар, таъзиялар келди, бу қаҳрамон шарафига аталган марсиялар радио тўлқинлари орқали бериб турилди. Унинг тобути бутун Адана шаҳри бўйлаб Туркия ва Туркистон мухторияти байроқлари ва мунгли мусиқа садолари остида қабристонга элтиб қўйилди.

Шўроларнинг тарихий, бадиий адабиётида яқингача Шермуҳаммадбек Мадаминбекни ўз қароргоҳига алдаб чақириб ўлимга маҳкум қилган, Мадаминбек «Кўршермат»ни шўролар томонига оғдириш учун сулҳга борганида уни қатл эттирган деган фикр юрарди. Марк Поликовскийнинг «Конец Мадаминбека» («Мадаминбекнинг маҳв этилиши») тарихий очеркида, Али Ҳамроев режиссёрлик қилган, тарих фанлари доктори, профессор М.Ф.Ваҳобов масла-

ҳатчи бўлган «Фавқулудда комиссар» фильмида ҳам Мадаминбекнинг гўё Шермуҳаммадбек кўлида қатл этилганлиги тасвирланган. Бундай фикр, афсуски, мустақилликка эришилган ҳозирги кунларда ҳам давом этиб келмоқда.

Айни шундай фикрларга Шермуҳаммадбекнинг ўзи 60-йилларда «Америка овози» радиоси орқали жавоб бериб, «Мадаминбекнинг ўлимига мен айбдор эмасман. Уни низо чиқариш мақсадида ўша пайтдаги 1-армия қўмондонни Зиновьев оттириб, дарёга ташлаб юборган», – деб айтган эди.

Турк олими Али Бодомчи ўзининг «1917 – 1934 йиллар. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар» (Истанбул, 1975) номли асарида Мадаминбекни Сойиб қори ва Лутфулла Махдум ўлдириб, Бухорога қочиб кетганликлари, буни уларнинг ўзлари ҳам эътироф этганликларини ёзган. У Мадаминбекнинг ҳалок бўлиш тарихини ўрганиб, уни большевикларнинг ўзлари ўлдиртириб юборган деган хулосага келган.

1995 йил 26 октябрда Нью-Йоркда Давронбек ва Анварбек акалар билан бўлган ўша суҳбатимизда улар бизга Мадаминбек Шермуҳаммадбекнинг ёшликдаги дўсти, большевикларга қарши кура-

шиш учун бирга қасам ичган 7 йигитнинг бири Мадаминбек, иккинчиси Шермуҳаммадбек бўлгани, Шермуҳаммадбекнинг қуролдош дўсти хотирасига ҳурмат сифатида набирасига унинг исмини кўйгани, Нурмуҳаммадбекнинг эса Мадаминбекнинг холаваччасига уйлангани, яқин қариндош бўлгани, шу боис у Мадаминбек ўлимидан беҳад изтиробга тушгани, ҳар доим Афғонистонда ҳам, Покистонда ҳам, Туркияда ҳам Мадаминбекни миллий қаҳрамон деб эъзозлаб келганини сўзлаб беришди. Ҳа, Мадаминбекнинг ўлимига Шермуҳаммадбекнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мадаминбекнинг қатли большевойларнинг ишидир. Шу боис бу фожиа Шермуҳаммадбекнинг обрўи ва хотирасига ҳеч қандай соя солмаслиги лозим.

Биз бу мақоламизда тарихимизнинг ҳали тўлиқ очилмаган саҳифаларини, энг муҳими, истиқлолимиз, мустақиллигимиз учун курашган асл фарзандларининг тақдири, кураши, пок ниятларини ҳужжатлар, турли манбалар ва ҳозирда барҳаёт гувоҳларнинг хотираларига таяниб ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилдик. Эндиги вазифа истиқлол учун курашган яна ўнлаб қўрбошиларнинг ҳаётини янги замон талабига жавоб бера оладиган руҳда ёритишдир.¹

САИД НОСИРХОНТЎРАНИНГ ТАҚДИРИ ВА ҚИСМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида «ўрганишлар жараёнида аниқланган, муайян сабабларга кўра

реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиб бориш»ни тадқиқотчилар олдига муҳим вазифа қилиб қўйган эди.

2021 йил 25 август куни Олий судда мустабид совет даврида қатағон қилинган 115 нафар шахсни оқлаш юзасидан 6

¹ Фан ва турмуш. 1999. №4. – С.20.

жиноят иши кўриб чиқилди ва улар реабилитация қилинди.

2022 йил 12 декабрь куни Олий судга яна жами 173 нафар шахсга оид 4 та жиноят иши келиб тушиб, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди. Ана шу реабилитация қилинганлардан бири Туркистон мухторияти маориф вазири, жадид Носирхон Тўра Камолхон Тўрадир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2023 йил 6 март куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган жадидлар меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида: «Ўтган уч йил мобайнида Ўзбекистон Олий суди томонидан қатағон қурбони бўлган тўрт юздан зиёд ватандошларимизнинг номлари оқланди. Уларнинг аксарият қисмини жадидчилик ҳаракати вакиллари ташкил этиши, айниқса, эътиборлидир»¹, – деб алоҳида таъкидладилар.

Янги Ўзбекистон деб аталган ҳозирги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислохотлар тизимида илмуфан, таълим соҳасида олиб борилаётган чуқур ислохотлар ҳам муҳим ўринга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита бошчилигида ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини тадқиқ этиш, ана шу тарих билан халқимизни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида, Ватан тақдири ва тараққиёти учун садоқат ва матонат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш борасида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 31 августда Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташриф буюрганида Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамла-

качилиги давридаги сиёсий қатағон фожиалари, даҳшатлари ва унга қарши олиб борган кураш тарихимиз саҳифаларида ўз ифодасини топишини алоҳида таъкидлаган.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг маъруза ва чиқишлари, қабул қилган қарор ва фармойишлари, тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини яратиш борасида амалга ошираётган ташкилий, ғоявий, амалий ташаббуслари биз тарихчилар, адабиётчилар, илм аҳлини беҳад илҳомлантирмоқда, янгидан-янги мавзулар бўйича тадқиқот ишлари олиб боришга даъват қилмоқда, бунинг учун зарур ташкилий ва амалий шароитлар яратилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрда «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5598-сонли фармойишида Республика Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда малакали олимлар ва мутахассислардан иборат тегишли гуруҳлар тузиш, улар орқали қатағон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш, шаҳид бўлган юртдошларимиз хотирасини келгуси авлодларга безавол етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини тайёрлаш ва нашр этишдек муҳим вазифа қўйилди. Ҳозир барча вилоятлар кесимида «Қатағон қурбонлари» хотира китоблари нашр этиш учун тайёрланди ва нашриётга топширилди.

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/6007>

Президентимизнинг юқоридаги фармоишида илгари сурилган вазибалардан келиб чиқиб биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Олий суди 25 август куни совет даврида қатағон қилинган 115 нафар шахсни оқлаш юзасидан 6 та жиноят ишини кўриб чиқди.

Улардан бири Носирхон тўра Камолхонтўраев ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган 92 нафар шахсга нисбатан Олий суднинг оқлов ҳукми чиқарилди. «Мавжуд иш материалларидан аниқланишича, – деб кўрсатилган суд қарориди, – ушбу жиноят ишида айбланувчи тариқасида ўтган барча шахслар ҳибсга олинган, дастлаб айбловни инкор қилиб келган бўлса-да, сўнг тазйиқлар остида айбларига иқrorлик билдириб кўрсатма берганлар сўроқ баённомасида ўз ифодасини топган, уларнинг ўртасида юзлашув ўтказилмасдан фақат берган кўрсатмалари ишга тикилган». Ана шу қатағон қурбонларидан бири, тараққийпарвар, жадиdчи, истиқлол курашчиси, қатағон қурбони Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлининг фожиали қисмати ҳақидаги айрим ҳужжат ва маълумотлар тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

Ўрта Осиёда биринчи бор ташкил этилган миллий демократик давлат – Туркистон мухториятининг ташкилотчиларидан ва бу ҳукуматнинг халқ маорифи вазири лавозимида ишлаган, мустақиллик учун кураш олиб бориб шу мақсад йўлида большевиклар қўлида ҳалок бўлган Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлининг ҳаёти ва фаолияти советлар даврида бутунлай қоралаб келинган.

Туркистон мухторияти тарихи, жумладан, бу миллий демократик ҳукуматни ташкил этган ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилган тарихий

шахслар советлар даврида фақат салбий томондангина қайд қилиб ўтилган. Уларнинг барчасига аксилинқилобий унсурлар деган қора тамға босилган. Мана, эндиликда тарихимизни янгича англаш, қадрлаш, бузилган, сохталаштирилган воқеаларни ўз жойига қўйиш жараёни юз бермоқда. Аммо тарихий аҳамияти, бўй-басти юксак бўлган Туркистон мухторияти давлати тарихи ҳали-ҳанузгача кенг ва атрофлича тадқиқ этилгани йўқ. Айниқса, Туркистон мухторияти билан бевосита боғлиқ бўлган тарихий шахслар ҳаёти ва тақдири тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортмаганлиги афсусланарлидир.

Туркистон мухторияти маориф вазири Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам ўрганилмай келинди. Тўғри, бундан чорак аср аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги комитети архивидан олинган бу инсон ҳақидаги айрим маълумотлар эълон қилинган эди.¹

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивидида бўлиб, Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг ҳаёти, тақдири, қисмати ўз аксини топган 18 жилддан иборат 25412-сонли фонд ҳужжат ва материаллари билан танишиб чиқдик. Бу ҳужжатлар билан 1989 – 1990 йилларда ҳам қисман танишиш имконига эга бўлган эдик, айрим ҳужжат ва материаллардан илмий мақолаларимизда, китобларимизда иқтибослар келтирган эдик. Орадан шунча вақт ўтишига қарамай, биз ва бошқа тадқиқотчилар шу фонддан фойдаланиб истиқлол курашчиси Носирхонтўра ҳақидаги бор ҳақиқатни тарихимиз саҳифаларига битмаганимиздан хижо-

¹ Шамсутдинов Р.Т. Тарихий меросимизга бир назар. – Андижон: Мерос, 1994. – Б.36 – 37.


латдамиз. Халқимизда «Ҳечдан кўра кеч яхши» деган мақол бор. Биз ҳам кеч бўлса-да Носирхонтўра ҳаётига доир ҳозиргача илмий истеъмолга киритилмай келган айрим ҳужжат ва материаллар асосида маълумотлар келтиришни лозим билдик. 1930 йил 20 август санаси қўйилган Носирхонтўранинг русча (кирил имлосида) ва ўзбекча (араб имлосида) аризасини келтирамиз.

«Я, Насырхан Камалов, признаю, что с середины 1929 года принимал участие в организации вооруженного выступления против советской власти с целью её свержения (Мое участие на совещание курбашей в Шокаптаре, на котором включены лозунги мои предложения, подготовка касансайских джигитов, мое личное участие в бандах).

Встав я на путь борьбы с советской властью вследствие убеждения мусульманина и преданности религии ислама, принципиальная неприримость которой с коммунизмом и определяло мое активное участие в борьбе.

Признаю также, что после непродолжительного перерыва, вызванного разгромом банд, я в начале 1930 года вновь принимал участие вместе с Истамбеком в организационной работе по подготовке нового вооруженного выступления против советской власти, вербуя для этих целей джигитов в ряде кишлаков Андижанского округа. Программа тайной организации (Меджелис) составлено и написано мною зимой 1930 года. Насыр Камалов. 20/VIII – 30 г.»¹

Мен, Носир Камолов, тубанда тасдиқ қилурманки, 1929 нчи йилнинг ярмидан шўролар ҳукумати бирлан курашмак учун шўролар ҳукуматини битириш мақсади бирлан унга қарши қуроллик



Сайд Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг ўз қўли билан ёзган аризаси

чиқишни ташкил қилишда иштирок қилдим. Яъни Шокаптарда бўлуб ўткан кўрбошилар мажлисида иштирок қилишим, меним тарафимдан шуки, тақдим қилганлар Косонда йигитлар тайёрлатиб ... гуруҳларда мени иштироким.

Ўзимнинг ҳақ мусулмон бўлишим ва дини исломдалигим биноан шул тариқада шўролар ҳукумати бирлан курашмакни лозим топиб шул йўлга қадам бостим. Мана бул курашда мени иштирок қилишим мени коммунизмға асосан ... баён қиладур. Яъни коммунизм йўли бирлан мен юра олмайман.

Шул баробаринда, босмачилар ҳаракатиға берилган зарбадан сўнг бир қисқача танафус ўткандан кейин бир минг тўққиз юз ўттузинчи йилда Исломбек бирла шўролар ҳукуматиға қарши қуроллик чиқишда ва шул мақсад бирла Андижон округини бир неча қишлоқ-

¹ ЎзР ДХХА. Ф-25412, 6-жилд, 122-варақ.

ларида йигит жалб бўлиши ҳаракатиға иштирок этдук. Махфий мажлис пругромини мен ўзум қиш кунда бир минг тўққиз юз ўттузинчида ёздим. (буни бериш керакми?) (Керак)

Носир Камолов 20 нчи август 1930.

Қаршимизда 1930 йил 21 августда Носирхонтўранинг Тошкент шаҳрида тергов қилинаётган вақтида ёзган мана бу аризасини ҳам келтирамиз: «В Андижанском округе (в районах Касансайском, Янги-Курганском, Наманганском) существовала к-р. Басмаческая организация, ставивший своей задачей подготовку вооруженного выступления против сов. власти. Во главе организации стояли: я – Насырхан Камалов, Истамбек – курбаши и Атандай Сатылганов. Организация имела свои ячейки в ряде кишлаков, которые возглавлялись близкими мне и Истамбеку людьми, в частности моими б. учениками.


Начало сколачивания организации относится к зиме 1930 года, когда меня розыскал и присоединился Истамбек.

Основной причиной, побудившей меня возобновить антисоветскую деятельность, после разгрома басмаческих банд под Ренжитом в Октябре 1929 года и моего ухода на нелегальное положение, была все та же идеологическая непримиримость моя как правоверного мусульманина с существующим советским строем. Возобновлению антисоветской деятельности благоприятствовало обстановка зимой 1930 года, т.к. среди населения слышались самые разнообразные жалобы на советскую власть. Жаловались на резкое снжение благосостояния и жизненного уровня дехкан, на продовольственные затруднения (мясо, хлеб), на жесткую хлопковую политику сов. Власти, принудительное увеличение хлопковой площади, на низкие цены на хлопок, при

которых дехкан не мог обеспечить себя прожиточного минимума. Кустари-шелководы жаловались также на низкие цены на коконы и шелк-сырец, сдаваемые в обязательном порядке государству. Кроме того, население повсеместно жаловалось на слабое снабжение промтоварами и продуктами потребления.

Все это, повторяю, благоприятствовало возобновлению мною и Истамбеком антисоветской деятельности и облегчало ведение организационной работы по подготовке вооруженного выступления.

Подпись Насырхан Камалов
21 августа 1930 г. г. Ташкент».



Саид Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг ўз қўли билан ёзган аризаси

Андижон округининг Косонсой, Янгиқўрғон, Наманган районларинда Шўролар ҳукуматиға қарши чиқиш мақсади бирла тайёрлаш аксилҳаракат босмачилар ташкилоти бор эди. Ташкилот ном ... мен Носир Камол ўғли, Исломбек қўрбоши ҳам Ҳотамтой Сотилған ўғли бошлиқлари бўлибтур. Ва ... ташкилотға бир қанча қишлоқларда ўзиға махсус ячейкаларға молик эди. Уларнинг бошида ўзининг ва Исломбекнинг яқин одамларимиз йўлбошчилиқ қилур эдилар, менинг собиқ шогирдларим ... Бир минг тўққиз юз ўттизинчи йилни қиш вақтида Исломбек мени топиб менга қўшилди ва шул вақтға ташкилот ... мансубдур. Октябрь ойида 1929 йилда Ранжитда босмачи гуруҳлари тарқаб бўлгандин сўнг янгидан аксилҳаракатга киришдим. Мунга асосий сабаб ҳам бўлса меним ҳақ мусулмон бўлганлигим яшаб турган шўро ҳукуматиға душманлигим эди. Аксилҳаракатни янгидан бошланишиға 1930 йил қиш даврида бўлган, аҳволнинг ўнгай келиши, чунки шўролар ҳукумати ҳақида халқ орасида энг яхшиси ҳар қандай норозичилиқлар эшитилиб турур эди. Деҳқонлар турмушининг ... қаттиғ даражада пастлатишиға, озуқа қийинликларига (нон, гўшт), шўролар ҳукуматининг ... сиёсатиға, мажбурий пахта майдонининг кўпайтурушиға, пахтанинг паст баҳосига ва шунинг баробаринда деҳқон ўзини энг кам сарф бирла таъмин қила олмаганиға, ипак қурти асрагувчи ... шундоқ мажбурий тартибда ҳукуматға топшурадиган пилла ҳам хом ипакни паст баҳосига ... халқ шикоят қилур эдилар.

Мундан айри халқ ҳар бир жойда истеъмол қиладурған саноат моллари ва озуқа бирлан таъмин қилиш ҳақида шикоят қилур эдилар.

Мана мунинг барчаси менинг Исломбек бирла бўлган аксилҳаракатни янги

бошламоқға ўнгай, ...лик чиқишни тайёрлашда, ташкиллов ишни юргизишни энгиллатган эди. (буни бериш керакми?)(керак)

Носир Камолов 21 нчи август 1930.

ОГПУнинг Андижон бўлими бошлиғи Орлов ва Андижон ГПУси ваколатли вакили Поляковларнинг Тошкентга ОГПУнинг Ўрта Осиё доимий вакилликига, Самарқандга Ўзбекистон ГПУсига йўллаган «Эшон Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг босмачилик ташкилотчиси ва раҳбари тўғрисида»ги маърузасини шарҳлаймиз. Бу инсон 1873 йили Андижон округи Косон райони Косон қишлоғида туғилган, унинг отаси Саид Камолхонтўра шу қишлоқдан чиққан, «сайидлар» қавмидан, Наманган шаҳридаги таниқли мударрис, 2 та уйи, 100 таноб суғорма ери бўлган.

Дастлабки тарбия ва диний таълимотни Носирхон тўра Наманган шаҳрида ўз отасининг мадрасасида олган ва уни Бухоро шаҳрида давом эттирган. Отаси вафот этгач, у мударрис вазифасини эгаллаган, отаси каби эшонлик мақомидан фойдаланган. 1924 йилгача бўлган мулкида 80 таноб суғорма ери, 5-6 таноб боғи, 2 та уйи бўлган. 1913 йили хорижга чиқиб, ҳаж амалларини адо этган. Инқилобгача бўлган даврдаёқ Наманганда таниқли мударрис ва эшон сифатида руҳонийлар, бойлар ва бутун аҳоли орасида жуда катта обрўга эга бўлган. Носирхонтўра нафақат Фарғона водийсида, ҳатто бошқа округларда ҳам жуда айёр ва ақлли кишилардан бири ҳисобланган. У катта келажакни кўзлаган, у Фарғона водийсидаги миллий ҳаракатнинг раҳбари бўлишга ҳаракат қилган ва бунга қисман эришган ҳам. Керенский ҳукумати сиёсий саҳнага келган пайтда у Наманган шаҳрида бўлган ва 1917 йил Наманган шаҳрида

«Шўрои ислом» ташкилотини асослаган ва раҳбари бўлган, Қўқон мухторияти ҳукумати даврида Носирхонтўра Наманган уездидан шу ҳукумат таркибига сайланган ва маориф вазири вазифасини эгаллаган. Бу даврда Қўқондан Наманган шаҳрига тез-тез келиб турган, бу ерда мухториятчиларнинг оммавий митинги ва намойишларини ўтказиб, ўз кучини кўк байроқлар билан намойиш этган. Барча намойиш ва митинглар Қуръон тиловатлари билан олиб борилган. Кейинчалик совет ҳокимиятига қарши фаол ҳаракат қилади, Қўқонда унинг иштирокида мухториятчиларнинг Қўқон қалъасига ҳужум қилиш режаси ишлаб чиқилади, оқибатда Қўқонда қонли воқеалар содир бўлади.

Мухториятчилар мағлуб бўлгач, у икки йил давомида яшириниб юради ва босмачиликнинг асосий рағбатлантирувчиларидан бири бўлиб қолади, ўша вақтда ҳаракатдаги Мулла Эргаш ва Мадаминбек йигитларини ғоявий жиҳатдан қўллаб туради.

1920 йили Носирхон тўра совет ҳокимиятидан афв олади, Косон қишлоғида ва Наманган шаҳрида яшайди. Шу вақтдан бошлаб совет ҳокимиятига қарши норасмий, лекин яширин кураш олиб боради, Наманганда «Маҳкамаи шарийя» диний бошқармасини ташкил этади ва унинг раиси лавозимида 1923 йилгача фаолият кўрсатади. Бу диний бошқарманинг орқасида, аслида, «Миллий иттиҳод» яширинган бўлиб, унинг раҳбари Носирхон тўра бўлган.

1920 йилдан 1923 йилгача Носирхон тўра босмачиликни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган, бир вақтнинг ўзида бошқа шаҳарлар, масалан, Қўқондан Тўраҳон Махсум, Тўра Шайх Исломов, Миён Қудрат, Муса Набиев ва бошқалар билан алоқа ўрнатган. «Миллий итти-

ҳод» ташкилотига прогрессив миллий ёшлар кира бошлаган.

Босмачилик даврида Носирхон тўра таниқли кўрбошилар билан, хусусан, Дадабой, Мадумар ва Истанбеклар билан алоқа ўрнатади ва уларга ўз «ривоятлари»ни, советларга қарши кураш ҳақидаги даъватларини бериб туради. «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг тор-мор этилиши сабабли 1923 йили Носирхон тўра қисқа вақт ичида ўз фаолиятини тўхтатади.

Шуни қўшимча қилиш керакки, инқилобий йилларда ва ундан кейинги даврларда Носирхон тўра Намангандаги энг таниқли мударрис бўлган, ўз қўлидан кўплаб шогирдлар чиқарган, кейинчалик улар унинг давомчилари бўлиб етишдилар. Кўплаб шогирдлари Чустдан бўлган, унинг аёли чустлик эди.

Мазкур ҳужжатда 1923 – 1925 йилларда Косондаги кўзғолон ва ўзаро гуруҳ курашида Носирхон тўранинг роли кўрсатилган. 1923 – 1924 йиллар охирида босмачилик тугатилиши билан Наманган уездида «Кўшчи» ташкилотлари фаол ишга киришганлар, батракларни топиш ва уларни бирлаштириш, Косонда батрак артелини тузиш ҳаракати юз берган. Ўша артелнинг раиси Тўхтаҳўжа Абдурахмонхўжаев бўлган. Бу ташкилот «бойларнинг бутун ерлари бизнинг еримиз бўлиши керак» деган сиёсат олиб борган. Косондаги йирик қулоқ Мир Катта Саид Орипов батраклар эртами-кеч ерни олишларини ҳис этиб батракларни ташкил этишнинг ёрдамчиси бўлади. Шу мақсадда Тўхтаҳўжа Абдурахмонхўжаевни ўз таъсирига олади, уни моддий жиҳатдан таъминлайди, уй, от ажратади, у нимаики сўраса, муҳайё қилади, артель учун 40 таноб ер ажратади, хуллас, батракларнинг амалдаги раҳбари Мир Катта Саид Орипов бўлади. У Тўхтаҳўжа

ва бошқалар орқали ҳаракат қилади. Совет ходимларининг босмачилар орасида «Ернинг ҳаммаси сизларники» деган тарғиботи боис уларда ерга бўлган хоҳиш-истак ортиб кетади, вақф мулкларга ҳам ҳужум бўлади. Носирхонтўра унга қадар ҳам Мир Катта билан яхши эмас эди. Уларнинг шахсий ҳисоб-китоблари бор эди. Батрақлар Носирхонтўрага қарашли ерларни олиб қўйишга уринадилар. 1924 йил 23 февралда батрақлар йиғилиши ва унинг қатнашчилари Носирхонтўрага «Биз яна нима қилишимиз керак?» деган масала қўяди. Носирхонтўра уларга: «Совет ҳокимияти уюштирган батрақлар иттифоқини тугатиш керак, шу билан бойларнинг ерлари ва вақф ерларини олиб қўйишга чек қўйилиши керак», – дейди.

27 ва 28 февралда Носирхонтўра 2 та йиғилиш ўтказиб, очикдан-очик кўзғолонга тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилган, кимлар ўлдирилиши бўйича рўйхат ҳам тайёрланган. 24 февраль куни 500 кишилик оммавий ошкора чиқиш бўлади. Батрақлар калтаклана бошлайди, маҳаллий милиция аралашади, айримлар қамоққа олинади, оломон ҳайқириқлар қилади. Райижроқўм маъмурий бўлим бошлиғи келиши билан кўзғолон тўхтади. Буни ташкил этганларнинг айримлари қамоққа олинади. Носирхонтўра яшириниб олади. Косондаги батрақларга қарши очикдан-очик ҳужум ижобий натижа бермаган. 1924 йил августда Носирхонтўра Косонга тез-тез келиб туриб, ўз тарафдорлари, шогирдларини ёнига олиб партия, совет ва жамоатчилик аппаратларини обрўсизлантиришга ҳаракат қилади. Наманган уезд-шаҳар партия комитети Косонга комиссия юборади. ОГПУ коллегияси қошидаги махсус кенгаш 1925 йил 10 июлда Мир Катта Саид Орипов ва Носирхонтў-

рани ўзининг яқин фаол шерикларидан Самара шаҳрига уч йил муддатга сургун қилишга қарор қилади. Сургун муддатини ўтаб келгач, Носирхонтўра Авлиё Отага бориб фаолият кўрсатади. У ердан Косонга келиб, 15 кун давомида Косон ва Янгиқўрғон районлари қишлоқлари бўйича айланиб чиқади, Наманган шаҳрида, шогирдлариникида бўлади. 1928 йил 16 августда Носирхонтўра Чустга келади. Кўршермат билан яқин алоқада бўлган Муҳаммаджон Ёқубов билан учрашади ва уни босмачилик сафига тортишга ҳаракат қилади.

1928 йил 28 сентябрда Авлиё Ота шаҳридан Наманган шаҳрига ўша ерлик мударрислар: Муборхон ва Олтинхонлар келишади; Муборхон ҳозир Авлиё Отада яшаётган мударрис Мулла Охуннинг уйида қолади, Олтинхон эса Носирхонтўранинг шогирди Мадамин қори Солижоновнинг уйида тўхтади. Носирхон тўрани Наманган шаҳридан топа олмаган Олтинхон 1929 йил 30 сентябрда Косон шаҳрига борган ва у ерда 4 кун Носирхонтўранинг меҳмони бўлган. Наманганга қайтишда айрим руҳоният вакиллари билан бўлган суҳбатда унинг Наманганда қолишини Носирхонтўра тақиқлаганини айтган. Авлиё Ота мударрислари ташрифининг расмий қисми яқиндагина вафот этган Маматхонтўра ва Собитхонтўраларнинг мазорларини тавоф қилиш бўлган. 16 октябрда яна Чуст шаҳрига борган. Бу ердан Қўқонга ўтган ва Косонга қайтмасдан, ўғли ва бир муллавачча билан бирга Самарқандга кетган. 1928 йил 8 ноябрда Самарқандга етиб бориб у ерда бир неча кун турган, қатор мазорларга борган, Даҳбед қишлоғи ва Хўжа Исмоил мазорини зиёрат қилади. Самарқанддан Бухорога ўтади. Бухородан Китоб шаҳрига ўтади. Ноябрь охирида Қўқон-

га келади ва бу ердан Косонга қайтиб келади. 1928 йил 5 декабрда Наманган район ижроқўмидан даволаниш учун Москва шахрига боришга рухсат сўрайди, лекин рухсат ололмайди. 1929 йил январида унга яқин бўлган шогирди Мадумар қўрбошининг ҳомийси Убай қори Саидусмонов ҳузурида бўлади. Бу ердан Авлиё Отага – Сирдарёга кетади. 1 мартда Авлиё Отадаги ўзининг собиқ шогирди имом Олтинхон Эшонхоновнинг уйида тўхтаган, даволаниши зарурлигини сабаб қилиб кўрсатган, шу жойда 2 десятина ер ижарага олиб деҳқончилик билан шуғулланмоқчи бўлади. ОГПУ агенти 21 июлда Носирхонтўра яна Косонга келганини хабар қилган.

1929 йил 24 октябрда шогирди, қорақирғиз, ўз йигитлари билан бирга турган Атантой Сотилганов билан учрашади, улар билан бирга Мозор қишлоғига келади, танишиникида қолади. Икки-уч кундан кейин номаълум йўналишга йўл олади. Чекистлар ё Тошкент атрофида, қўрбоши Жонибекка қўшилиб кетган, ё Марғилонда бўлиши мумкин, лекин турган жойи ҳақида аниқ маълумот йўқ дея қайд этишган.

Носирхонтўра яшириниши мумкин бўлган барча жойлар тегишли маълумотлар билан таъминланган ҳолда тайёрлаб қўйилганини, унинг Мозор қишлоғидан кейин қаерда тўхташи мумкинлиги ҳақида маълумотга аниқлик киритиш ишлари олиб борилаётгани қайд этилган.

Бундан ташқари, ҳужжат охирида Носирхонтўра бўйича меморандум ва у бўйича ишловчи тармоқлар рўйхати қўшимча равишда жўнатилиши кўрсатилган. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли органи тайёрлаган резолюцияни, хулосаларни ўз ичига олган 26 бетдан иборат ҳужжатда Носирхонтўра ва у би-

лан бирга 92 нафар маҳбусга қўйилган айбномалар келтирилган:

1. Носирхонтўра Саид Камолхонтўраев – 65 ёшда, Косон райони, Косон шахридан, тожик, ЎзССР фуқароси, ерсув ислоҳотида хўжалиги тугатилган, таниқли мударрис, Февраль инқилобидан Октябрь инқилобигача бўлган даврда Наманган шаҳар Думаси аъзоси, аксилинқилобий Қўқон мухторияти ҳукуматининг собиқ вазири, Наманган диний бошқармасининг собиқ раиси, уйланган (хотини 4 та). ОГПУ Коллегияси қарори бўйича антисовет фаолияти учун 1925 йилдан 1928 йилгача сургунда бўлган:

а) 1929 йил ўрталаридан аввал ҳаракатда бўлган босмачилар тўдаларини фаоллаштириш бўйича фаол аксилинқилобий иш олиб борган, ўз олдида Фарғона водийсида совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида исёнчилик ҳаракатини ривожлантириш вазифасини қўйган;

б) шу мақсадда Истамбек, Дадабой, Мадумар ва бошқа қўрбошиларни жалб этган, улар билан махсус кенгашларда босмачилик фаолиятига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олган ва босмачилик ҳаракатининг синфий-сиёсий вазифаларини аниқ белгилаб олган: Совет ҳокимиятининг қишлоқдаги таянч нуқталарини тугатган, кооперация ва давлат савдосига моддий зарба берган ва қишлоқ фаоллари ва коммунистларидан ўч олган;

в) бевосита фаол босмачилик ҳаракати бошланишидан олдин яхши шароитлар яратиш мақсадида шахсан ўз агентураси орқали қатор районлардаги аксилинқилобчиларга мурожаатлар ёзган ва тарқатган, аҳолини совет ҳокимиятига қарши курашга даъват қилувчи хитобномалар чиқарган;

г) 1929 йил сентябрь-октябрь ойлари давомида Фарғона водийсида босмачи тўдалар ҳаракатига раҳбарлик қилган

ва шахсан ўзи Косон шахрига ҳужум қилган. Натижада қатор совет ва жамоат ташкилотлари яксон этилган;

д) 1929 йил октябрида ҳаракатдаги босмачи тўдалар тор-мор этилганидан сўнг яширин ҳолатга ўтади ва 30 йил юнигача Истанбек ва Отантой Сотилганов исмли қўрбошилар билан биргалликда аксилинқилобий ташкилотнинг кенг тармоғини яратадилар, унинг олдига совет ҳокимиятини йўқ қилиш, унинг ўрнига имом Амир бошчилигида мусулмон теократик давлати тузиш учун вазифаси қўйилган;

е) аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбари ва ғоявий илҳомчиси сифатида шахсан ўзи аксилинқилобий ташкилотга аъзоларни ёллаган, бундай ёллашнинг йўл-йўриқлари, услубини кўрсатган, аксилинқилобий ташкилотнинг дастурини ёзган, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб берган;

ё) босмачилар қўрбошиси Истамбек ва собиқ офицер Гумбин билан ҳамкорликда интервенцияга умид қилган ҳолда қўзғолоннинг батафсил режасини ишлаб чиққан ва қўзғолонни 1930 йил майида бошлашни белгилаган;

ж) собиқ офицерларни, қўзғолончилар отрядларини ҳарбий мутахассислар ва ўқ-дори билан таъминлаш учун ўқдориларни тайёрлаш бўйича усталарни ёллашни Игнат Гумбинга топширган;

з) қўзғолончиларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида музокара олиб бориш учун Польшага вакил тайёрлаган ва бу мақсад учун пул маблағлари тўплаган;

и) аксилинқилобий ташкилотнинг гуруҳ ва ячейкалари тор-мор этилганидан сўнг Андижон округидан қочган. Аксилинқилобий фаолиятни янгилаш мақсадида 1930 йил июль ўртасида Қашқар чегарасидаги босмачилар қўрбошиси Жонибек қози ҳузурига йўл олган.

Яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 58-67-моддалари, РСФСР Жиноят кодексининг 58-2-, 58-11-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлиги кўрсатилган, ўз айбларини қисман тан олган.

Гумбин, Самиулла Сафиуллаев, Мамажон Умаралиев, Саъдулла Масъудов, Тожибой Йўлдашев, Абдулаҳад Нишонбоев, Мансурбой Шерғозиев, Исроилахўжа Саримсоқхўжаев, Отантой Сотилганов, Эшон Дадахон Носирхонов, Дадабой қўрбоши, Мадумар қўрбоши, Мирвали қўрбоши, мулла Фозил Бўлматов, Аббосхон Азизхўжаевларнинг кўрсатмалари билан фош этилган.

2. Отантой Сотилганов – 56 ёшда, Қизилжар райони Каравон қишлоғида яшайди, қирғиз, Қирғизистон АССР фуқароси, уйланган, саводсиз, бой-чорвадор, ер-сув ислоҳоти даврида хўжалиги қисман тугатилган, судланмаган, унга қуйидаги айблар қўйилган:

а) 1929 йил кузидан Носирхонтўра раҳбарлигидаги босмачилар ҳаракатига қўшилган ва сентябрь-октябрь ойлари давомида ҳудудни яхши билганлиги тўғрисида босмачиларни қизиллар зарбасидан бир неча бор қутқазиб қолган;

б) босмачилар тор-мор этилган 1929 йил октябрда Носирхонтўра билан бирга яширин ҳолатга ўтиб, совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида Носирхонтўра бошчилигида қўзғолончилар гуруҳ, ячейка ва ташкилотларини тузишда фаол қатнашган;

в) 1930 йил 2 июнда Қоратоғ ҳудудида қизил отрядлар билан бўлган жангда иштирок этган, жанг майдонидан ярадор бўлган қўрбоши Истамбекни олиб чиққан, уни таъқиб этаётган отряддан яширган, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 58-67-моддалари билан айбланган.

Айбдорлигини тан олган.

3. Мулла Самиулла Сафиуллаев – 54 ёшда, Наманган шаҳридан, татар, ЎзССР фуқароси, диний маълумот олган, собиқ катта ер эгаси ва савдогар, ер-сув ислоҳоти бўйича мулки қисқартирилган, оилали, судланмаган. Унга қуйидаги айблар қўйилган:

а) Намангандаги аксилинқилобий ташкилот аъзоси, аксилинқилобий ташкилотга фаолларни жалб этиш билан машғул бўлган;

б) Носирхонтўрани собиқ офицер ва оқ гвардиячи Гумбин билан боғлаган;

в) кўзғолон режасини тузишда ва иттифоқнинг марказий қисмларидан ташкилот эҳтиёжлари учун ҳарбий мутахассисларни жалб қилиш, ўқ-дорилар билан таъминлаш, шунингдек, Польшага делегат юборишни ташкил этиш мақсадида Гумбин билан музокараларда иштирок этган.

Яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддалари билан айбланган.

Айбларга қисман иқдор бўлган.

Ҳожихон Қаноатов, Мамазоир Шукурбоев, Гумбин Игнатий, Болтабой Ўразалиевлар кўрсатмалари билан фош этилган.

4. Гумбин Игнатий – 38 ёшда, Татаристон Республикаси Мамадиш кантони Комаровка қишлоғидан, чўқинтирилган, татар, РСФСР фуқароси, саводли, 1930 йил баҳорида Ўрта Осиёга келгунга қадар Волга пароходларида буфетлар ижараси билан шуғулланган, революцияга қадар чор армиясида унтер-офицер, 1917 йилда прапоршикликка ўтказилган, революциядан кейин, 1918 йилдан 1922 йилгача Мамадиш кантони ҳарбий комиссари ёрдамчиси, 1918 йилдан 1922 йилгача коммунист, оқларда сафарбарлик бўйича қисқа вақт хизмат қилган, судланган:

а) аксилинқилобий босмачи исёнчи ташкилот аъзоси;

б) кўзғолоннинг умумий режасини ишлаб чиқишда иштирок этган, Наманган қалъасини босиб олиш ва темир йўл кўприklarини портлатишга раҳбарлик қилиш вазифасини ўз бўйнига олган;

в) Носирхонтўра топшириғи билан босмачилар отрядларига ўқ-дориларни тайёрловчи усталар ва собиқ офицерларни ёллаш учун Қозон шаҳрига борган;

г) Носирхонтўра билан ҳамкорликда босмачилардан ташкил топган делегатларни Польшага жўнатишга тайёрлаган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбига иқдор бўлмаган.

Саимулла Сайфуллаев, Эшон Дадахон Носирхоновларнинг кўрсатмалари билан фош этилган.

5. Эшон Дадахон Носирхонов – 24 йшда, Косон шаҳрида яшайди, тожик, ЎзССР фуқароси, саводли, уйланган, Носирхонтўранинг ўғли, судланмаган:

а) 1929 йилда аввал ҳаракатда бўлган гуруҳларни фаоллаштириш учун фаол ҳаракат қилган. Мадумар қўрбоши билан музокаралар олиб борган ва Шокаптарда совет ҳокимиятига қарши қуролли кўзғолон кўтариш мақсадида ташкиллаштирилган босмачиларнинг йиғилишида иштирок этган;

б) босмачи гуруҳнинг фаол аъзоси бўлган ва Носирхонтўра томонидан берилган махсус топшириқларини бажарган;

в) Жанубий Қирғизистонга Носирхонтўра билан қочишдан олдин Наманганга 6 дона қирқма қуролни кейинчалик босмачилик мақсадларида фойдаланиш учун олиб бориб яшириб қўйган;

яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбига иқдор бўлган.

6. Мансурбой Шерғозиев – 63 ёшда, Наманган райони Қизилқиёқ қишло-

ғида яшаган, ўзбек, ЎзССР фуқароси, маҳаллий масжид оқсоқоли, саводсиз, уйланган, уйи бор, аниқ машғулотга эга эмас, судланмаган:

а) босмачилик, кўзғолончилик, аксиланқилобий ташкилотининг аъзоси ва ташкилотнинг Қизилқиёқ ячейкаси ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири бўлган. Ташкилотга аъзоларни жалб қилиш бўйича фаол ҳаракат қилган ва ташкилотга янги аъзоларни фаол жалб қилган ўғли Охундада (отишмада ўлган)ни ташкилотга қабул қилган;

б) бир неча бор Носирхонтўра ва унинг қуролли йигитларининг яширишига ёрдам берган ва уларни қурол-яроқ ва озиқ-овқат билан таъминлаб турган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида белгиланган жиноятларни содир этганликда айбланган.

Айбларига иқрор бўлган.

7. Курбонбой Юсуфбоев – 60 ёшда, Наманган райони Қизилқиёқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, саводсиз, уйланган, деҳқончилик ва даллолчилик билан шуғулланган, судланмаган:

а) ташкилотнинг Қизилқиёқ ячейкаси фаол аъзоси, бир неча бор Носирхонтўра ва унинг одамларини Қизилқиёқда қабул қилган;

б) ташкилотга ўзининг ўғли Мадумарни жалб этган, у орқали босмачи кўзғолончи ташкилотга янги аъзоларни ёллаган.

Яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

Айбига иқрор бўлган.

8. Ҳожихон Қаноатов – 37 ёшда, Янгиқўрғон райони Кушон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, эшоннинг ўғли, уйланган, уйи бор, судланмаган:

а) Носирхонтўра ва Истамбекларнинг босмачи кўзғолончи ташкилоти Кушон ячейкаси аъзоси бўлган;

б) Носирхонтўранинг босмачи кўзғолончи ташкилоти раҳбарларининг алоқачиси ҳамда босмачи кўзғолончи ташкилотига янги аъзоларни ёллаш бўйича махсус топшириқларни етказган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбига иқрор бўлган.

9. Абдужалил Маматшоев – 32 ёшда, Янгиқўрғон райони Кушон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, ўртаҳол деҳқон, чаласавод, оилали, «халта кўйлак», судланмаган:

а) босмачилик ташкилотининг аъзоси ва Кушон ячейкаси раҳбарларидан бири;

б) кўзғолончи отрядларга ташкилот аъзолари ва аскарлар ёллаган, ўзи ёллаган йигитлардан иборат бешликни шахсан ўзи бошқарган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбига иқрор бўлган.

10. Мулла Фозил Бобомухаммедов – 28 ёшда, Наманган райони Ляскидон, Уйчи қишлоғидан, «халта кўйлак», саводли, мулкдорлиги жиҳатидан ўртаҳол, оилали, судланмаган:

а) босмачи ташкилот аъзоси, Носирхонтўранинг бошқа ячейкалари билан алоқа қилиш бўйича махсус топшириқларни бажарган;

б) ташкилотнинг Уйчи ячейкаси бошлиқларидан ва янги аъзоларни жалб қилувчилардан биридир;

в) Носирхонтўранинг Мирзаравот қишлоғидалигида Катай пахта жамиятида ўғрилиқ содир этиши учун аввалдан тайёрланган 6 та йигитни олиб борган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига иқрор бўлган.

11. Хўжамберди Мадаминов – 56 ёшда, Наманган райони Қизилқийёқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, боғбон, оилали, судланмаган:

Босмачи кўзғолончи ташкилотнинг аъзоси ва кўзғолончи отрядларга аскарларни жалб этиш бўйича ишлар амалга оширган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига қисман иқрор бўлган.

Мансурбой Шерғозиевнинг кўрсатмасига асосан фош этилган.

12. Мадибрагим Ўринбоев – 41 ёшда, Ровот қишлоғида яшаган, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, оилали, саводсиз, бойлигидан маҳрум этилган, судланмаган:

а) босмачи кўзғолончи ташкилотнинг аъзоси ва Ровот ячейкасининг раҳбари, аскарларни ёллаш билан шуғулланган;

б) Ровот қишлоғига Истамбек йигитларини жалб қилган ҳолда Ровот қишлоқ совети раисига қарши террористик акт тайёрлаган;

в) Носирхон ва Истамбекларни озиқ-овқат ва кийим-бош билан таъминлаган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига иқрор бўлган.

13. Каримбой Саидбоев – 41 ёшда, Ровот қишлоғида яшаган, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, деҳқон, камбағал, саводсиз, судланмаган:

а) босмачи кўзғолончи ташкилотнинг аъзоси бўлган ва ташкилотга жалб қилиниши лозим бўлган одамларни Носирхонтўра хузурига олиб бориш орқали кўзғолончи отрядларга аскарларни жалб қилишга фаол кўмаклашган;

б) Носирхонтўра ва Истамбекларни ўз уйида яширган, уларни озиқ-овқат ва кийим билан таъминлаган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига иқрор бўлган.

14. Мулла Ниғмон Каримов – 33 ёшда, Наманган шаҳридан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, Носирхонтўранинг шогирди, ипақдан мато тўқиган, оилали, саводли, судланмаган:

а) Носирхонтўранинг алоқа бўйича алоҳида топшириқларини бажарган, босмачи кўзғолончи ташкилотнинг аъзоси;

б) Эшон Дадахон билан бирга Кулқўрғон га 3 дона қирқма қуролни сақлаш учун олиб борган;

в) ташкилот гуруҳ ва ячейкалари тормор этилгач, Носирхонтўрани Наманган шаҳрида яширган, Носирхонтўранинг Жанубий Қирғизистонга қочишини ташкиллаштирган, унга ўзи ҳамроҳлик қилган ва қурол билан қўлга олинган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига иқрор бўлган.

15. Мулла Исроил Содиқбоев – 26 ёшда, Узун қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, диний хизматчи оиласидан, деҳқончилик билан шуғулланади, мулкий жиҳатдан ўртаҳол, Носирхонтўранинг фаол ёрдамчиси – Мулла Мадраимнинг укаси, уйланмаган, судланмаган:

а) босмачи кўзғолончи ташкилотнинг аъзоси бўлган ва Носирхонтўранинг алоқа бўйича махсус топшириқларини бажарган;

б) Косонга хужум қилинган куни босмачилар орасида бўлган ва милицияни қуролсизлантириш вазифасини олган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига иқрор бўлган.

16. Мулла Собит Тошматов – 36 ёшда, Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, мулкдор, диний мактабда ўқиган, «халта кўйлак», оилали, судланмаган:

а) аксилинқилобий кўзғолончи босмачи ташкилотнинг аъзоси;

б) Носирхонтўрага ташкилот эҳтиёллари учун винтовка берган;

в) Носирхонтўрани Уйчи қишлоғида яширган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига иқроор бўлган.

17. Мамазокир Шукурбоев – 35 ёшда, Наманган райони Ёзтепа кантонида яшаган, ўзбек, ЎзССР фуқароси, деҳқон, ўртаҳол, 2 та хотини бор, саводсиз, Амин Полвон босмачи гуруҳининг собиқ аъзоси, судланмаган:

а) аксилинқилобий кўзғолончи босмачи ташкилотнинг аъзоси ва ташкилотга янги аъзоларни жалб қилган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Айбларига иқроор бўлган.

18. Ҳасанхон Носирхонтўраев – 18 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, аниқ машғулотли йўқ, мадрасада ўқиган, уйланмаган, терговда бўлмаган:

а) 1930 йил мартдан июнигача Носирхонтўрадан ажралмаган ва босмачи кўзғолончи ташкилотнинг мақсад ва вазифаларидан воқиф бўлган, Носирхонтўранинг алоҳида топшириқларини бажарган ва унинг жанговар гуруҳи учун уч қўлбола шамшир етказиб берган;

б) камбағал фаол Темирбоевга қарши терактни амалга оширишда иштирок этган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Айбларига иқроор бўлган.

19. Ҳожихон Мулла Каримбоев – 44 ёшда, Наманган райони Қумқўрғон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, диний ходимнинг ўғли, «халта кўйлак», камбағал, саводсиз, судланмаган, аксилинқилобий босмачилик ташкилоти-

нинг аъзоси, аскарларни жалб қилиш билан шуғулланган, ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланган. Айбини тан олмаган, Мансурбой Шерғозиев кўрсатма берган.

20. Раҳматулла Абдуваҳобов – 45 ёшда, Наманган райони Қизилқиеқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, кустар, ипакчи, уйланган, саводсиз, судланмаган.

21. Асқарали Абдуваҳобов – 38 ёшда, Наманган райони Қизилқиеқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, аниқ машғулотга ва ерга эга эмас, уйланган, саводсиз, судланмаган.

22. Абдурахмон Топилдибоев – 21 ёшда, Наманган райони Қизилқиеқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, деҳқончилик ва ипакчилик билан машғул, камбағал, «халта кўйлак», уйланган, саводсиз, судланмаган.

23. Муҳаммадшо Қаноатшоев – 39 ёшда, Наманган шаҳридан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, саводли, уйланган, кустар ипак тўқувчиси, судланмаган.

Булар аксилинқилобий ташкилотнинг Қизилқиеқ гуруҳи бўйича аъзолари, ўз уйларида бир неча бор Носирхонтўра ва унинг қуролланган гуруҳининг аъзоларини яшириб турганлар, ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланганлар. Уларнинг барчаси ўзларини айбдор деб ҳисобламаганлар, Мадумар Қурбонбоев ва Қурбон Юсуфбоевлар кўрсатмалари билан фош этилганлар. Муҳаммадшо Қаноатшоев айбини тан олмаган.

24. Мулла Турди Ашурматов – 40 ёшда, Янгиқўрғон райони Кушон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, уйланган, саводли, диний фаолият билан ҳамда деҳқончилик билан шуғулланган, судланмаган.

25. **Тўрабой Қодирқулов** – 38 ёшда, Янгиқўрғон райони Кушон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, уйланган, саводсиз, камбағал деҳқон, «халта кўйлак», судланмаган.

26. **Ҳошимбой Ҳакимбоев** – 35 ёшда, Янгиқўрғон райони Кушон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, уйланган, чаласавод, деҳқон, «халта кўйлак», судланмаган.

27. **Мамарасул Тўрабоев** – 27 ёшда, Янгиқўрғон райони Кушон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, уйланган, саводсиз, ўртаҳол деҳқон, судланмаган:

а) аксилинқилобий ташкилотнинг Кушон гуруҳи аъзолари;

б) узоқ йиллар Носирхонтўра ва Истамбекларни ўз қишлоғида яшириб юришган, уларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаб туришган, ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланишган, айбларини бўйнига олишган.

28. **Жўрабой қори Мирисҳоқов** – 39 ёшда, Наманган райони, Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, уйланган, саводли, 1929 йилгача савдо билан шуғулланган, хусусий дўконга эга бўлган, 1929 йили пахта топширмагани учун судланган.

29. **Тўхтасин Болтабоев** – 27 ёшда, Наманган райони Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, бой, ер-сув ислоҳотида ери мусодара қилинган, уйланган, саводсиз, судланмаган.

30. **Абдухалил Абдураззоқов** – 42 ёшда, Наманган райони Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, собиқ босмачи, ўртаҳол деҳқон, саводсиз, судланмаган.

31. **Муҳаммадсодиқ Муҳаммедов** – 30 ёшда, Наманган райони Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, савдо би-

лан шуғулланган, хусусий дўконга эга, уйланган, чаласавод, судланмаган.

32. **Муллажўрабой Боччабоев** – 32 ёшда Наманган райони Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, аниқ машғулотга эга эмас, «халта кўйлак», саводли, уйланган, судланмаган.

33. **Отамирза Абдураҳимов** – 26 ёшда, Наманган райони Уйчи қишлоғидан, ЎзССР фуқароси, деҳқон, камбағал, ер-сув ислоҳоти даврида 6 таноб ер олган, уйланган, саводсиз, судланмаган:

а) аксилинқилобий босмачилик ташкилотининг Уйчи ячейкаси бўйича аъзолари ва кўзғолончилар армияси сафига аскарлар сифатида киришга розилик берганлар;

б) Носирхонтўра чақириғига биноан Мирзаровот қишлоғидаги Катай пахтачилик ширкатига ўғрилик қилиш учун борганлар, лекин бу иш ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли амалга ошмаган, ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланганлар, Абдураззоқов ва Маҳмудбоев айбларига иқроор бўлмаганлар, уларнинг айблари Мулла Фозилбобо Муҳамедов кўрсатмаси асосида фош қилинган. Мирисҳоқов, Болтабоев, Абдураҳимов, Боччабоев ўз айбларига иқроор бўлганлар.

34. **Ҳасанбой Рустамов** – 42 ёшда, Косонсой райони Ровот қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, бойнинг ўғли, мулкдор, ҳамқишлоқларининг гувоҳликларига қараганда, ўтмишда от ўғриликларига алоқадор бўлган, уйланган, саводсиз, судланмаган.

35. **Мадад Бобоқулов** – 28 ёшда, Косонсой райони Ровот қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, ўзига тўқ деҳқон, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб сотиш билан доимий равишда шуғулланган, уйланган, саводсиз, судланмаган.

36. Имомали Қосимбоев – 30 ёшда, Косон райони Ровот қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, деҳқон, саводсиз, уйланган, судланмаган.

37. **Райимбой Ўринбоев** – 41 ёшда, Косон райони Ровот қишлоғидан, ЎзССР фуқароси, бойнинг ўғли, ўртаҳол деҳқон, собиқ босмачи, уйланган, 2 хотинли, судланмаган.

38. **Мамадали Саидмуродов** – 20 ёшда, Косон райони Ровот қишлоғидан, ЎзССР фуқароси, ўзига тўқ деҳқон, уйланган, саводсиз, судланмаган.

39. **Аҳмадали Саидмуродов** – 26 ёшда, Косон райони Ровот қишлоғидан, ЎзССР фуқароси, ўзига тўқ деҳқон, уйланган, судланмаган.

40. **Домуллажон Абдуқосимов** – 29 ёшда, Косон райони Ровот қишлоғидан, ЎзССР фуқароси, ўртаҳол деҳқон, уйланган, судланмаган:

а) шахсан Носирхонтўра томонидан аксилнқилобий босмачи кўзғолончи ташкилотга жалб қилинганлар;

б) Носирхонтўра, Истамбекларни ва уларнинг одамларини озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаганлар, ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланганлар, Мамадали Саидмуродов ва Имомали айбларига иқроор бўлмаганлар, Мадиброҳим Ўринбоев, Рустамов, Бобоқулов, Ҳасанбоев, Ўринбоев, Аҳмадали Саидмуродов, Дадахон ва Абдуллажон Абдуқосимовлар ўз айбларига иқроор бўлганлар.

42. **Мулла Усмон қори Дадабоев** – 18 ёшда, Наманган райони Ўрта Машҳад қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, уйланмаган, судланмаган.

43. **Мулла Алихон Азизбоев** – 25 ёшда, Наманган райони Ўрта Машҳад қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, деҳқон, ўртаҳол, диний мактабда ўқиган, уйланмаган, судланмаган.

44. **Мулла Абдуқодир Маматқаримов** – 32 ёшда, Наманган райони Ўрта Машҳад қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, мадрасада ўқиган, хунарманд, уйланган, судланмаган.

45. **Абдулла қори Катташайхов** – 25 ёшда, Наманган райони Ўрта Машҳад қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, мадраса муллаваччаси, уйланмаган:

а) аксилнқилобий босмачи кўзғолончи ташкилотнинг аъзолари;

б) ўз қишлоқларида аскарларни жалб қилиш учун тарғибот олиб бориш мажбуриятларини олиб борганликда;

в) Носирхонтўранинг жанговар гуруҳидаги 3 йигитни ва унинг фаол ёрдамчиси Мулла Мадраимни ўз уйларида яширганлар, яъни ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланганлар, айбига иқроор бўлганлар.

46. **Файзибой Усмонов** – 29 ёшда, Наманган райони Кулқўрғон қишлоғидан, ЎзССР фуқароси, масжидда сўфи ва имом, деҳқончилик билан шуғулланган, уйланган, саводли, хотини тарафдан Дадахон эшоннинг қариндоши, пахта топширмаганлиги учун судланган,

Эшон Дадахон билан биргаликда (1929 йил кузида) совет ҳокимиятига қарши қуроли кўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилинган Сумсар йиғилишида иштирок этган. Яъни ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланган, айбига иқроор бўлган.

47. **Исроилхўжа Саримсоқхўжаев** – 41 ёшда, Косонсой райони Булоқбоши қишлоғидан, тожик, ЎзССР фуқароси, Носирхонтўранинг шогирди, уйланган, судланмаган:

а) Носирхонтўра ва Истамбекларни Чотқолдан Авлиё-Отага ҳамкорликда қуроли кўзғолон кўтариш масалаларини муҳокама қилиш учун олиб борган;

б) Носирхонтўранинг топшириғига биноан Дадахон қўрбошининг олдида биргаликда Косон шахрига ҳужум қилишга таклиф қилиш учун борган;

в) 1930 йилнинг баҳорида Носирхонтўра билан яна боғланган ва унинг топшириқларини бажаришга тайёрлигини маълум қилган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланган, айбига иқрор бўлган.

48. Юлдашев мулла Тожибой – 36 ёшда, Косон шахридан, тожик, ЎзССР фуқароси, Носирхонтўранинг шогирди, диний соҳа ходими, уйланган, судланмаган:

а) Носирхонтўранинг топшириғига биноан Самарқанддаги масжидларда ёпиштириш йўли билан совет ҳокимияти ва коммунистларга қарши муқаддас урушга чақириқлардан иборат 18 нусха хитобномани тарқатган;

б) Косон шахрига ҳужум қилиш тўғрисидаги йиғилишда иштирок этган, яъни ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-, 58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланган, ўз айбига иқрор бўлган.

49. Аллахон Абдуллаҳўжаев – 35 ёшда, Косонсой райони Косон шахридан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, диний хизматчининг ўғли, имом, уйланган, судланмаган.

50. Абдулаҳад Нишонбоев – 25 ёшда, Косонсой райони Узун қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, муллавачча, уйланмаган, судланмаган. Ҳужум куни қўзғолончилар орасида бўлиб, уларга милицияни ва овчилар иттифоқи аъзоларини қуролсизлантириш топширилган:

а) аксилинқилобий ташкилотнинг Косон ячейкаси аъзолари бўлганликда;

б) Косон шахрига ҳужум қилишдан олдинги йиғилиш иштирок этганликда, яъни ЎзССР ЖК 58-67-, РСФСР ЖК 58-2-,

58-11-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланганлар, ўз айбларига иқрор бўлганлар.

51. Ҳамроҳўжа Маллахўжаев – 48 ёш, Янгиқўрғон райони Беговод қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, ер-сув ислоҳоти даврида мол-мулки мусодара қилинган бой, саводли, уйланган, наманганлик машҳур эшон Ақромхонтўранинг укаси:

а) аввал ҳаракатда бўлган Мадумарнинг гуруҳини фаоллаштириш юзасидан Носирхонтўранинг вакили бўлган, узоқ вақт Мадумарнинг ҳузурида турган;

б) Косондаги ўғрилиқ ва ҳужумларда иштирок этган, Заркентнинг Қизилолма ҳудудидаги жангларда иштирок этган;

в) Ранжит яқинидаги жангда бирлашган гуруҳнинг тор-мор этилишидан кейин яширин фаолиятга ўтган, аксилинқилобий ташкилот учун 2 та учотар винтовка топиб, Носирхонтўрага қўшилиш ҳаракатида бўлган, яъни ЎзССР ЖК 78, РСФСР 59-3, моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланган, ўз айбига иқрор бўлган.

52. Аббосхон қори Азизхўжаев – 29 ёшда, Косон шахридан, тожик, ЎзССР фуқароси, мадрасада ўқиган, қори, уйланган, судланмаган:

а) Косон шахрига ҳужум қилишдан олдинги йиғилишда иштирок этган;

б) Заркент, Косондаги ўғриликларда иштирок этган ва Косон пахта бирлашмасида 4 ов қуролини қўлга киритган;

в) Ранжит жангига қадар гуруҳлар таркибида бўлган, қизил аскарлар билан бўлган барча жанг ва тўқнашувларда иштирок этган, яъни ЎзССР ЖК 78-, РСФСР ЖК 59-3-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланган, ўз айбига иқрор бўлган.

53. Самидулла Қосимов – 25 ёшда, Чуст шахридан, тожик, ЎзССР фуқароси,

диний хизматчининг ўғли, Носирхонтўранинг хотинининг укаси, касби касиблик, уйланган, саводли, судланмаган:

а) 1929 йилнинг иккинчи ярмида Носирхонтўранинг Чуст-Поп районидаги ёрдамчи гуруҳи билан алоқа қилган;

б) Косон йиғилишида иштирок этган, Косонга хужум қилинган кунда кўзғолончиларга қўшилган, гуруҳга қўшилиб ўғриликларда иштирок этган, яъни ЎзССР ЖК 78-, РСФСР ЖК 59-3-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланган, ўз айбига иқдор бўлган.

54. **Холмирза Умрзоқов** – 47 ёшда, Косонсой райони Кўкумбой қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, ер-сув ислохотида мол-мулки мусодара қилинган, уйланган, саводсиз, колхозга қарши кўзғолонда иштирок этгани учун ҳибсга олинган.

55. **Мулла Абдулла Машарипов** – 33 ёшда, Косонсой райони Кўкумбой қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, 1926 йилгача мадрасада ўқиган, 1926 йилдан 1930 йилгача имомлик қилган, деҳқончилик билан шуғулланган, ўртаҳол, уйланган, судланмаган.

56. **Худойназар Умрзоқов** – 37 ёшда, Косонсой райони Кўкумбой қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, уйланган, диний мактабда ўқиган, бой, Кўкумбой қишлоғида кооператив дўкони мудури, судланмаган.

57. **Абдуғани Содикбоев** – 24 ёшда, Кўкумбой қишлоғидан, қирғиз, ЎзССР фуқароси, уйланган, бойнинг ўғли, отасининг хўжалигида ишлаган, судланмаган:

а) Носирхонтўра ва Истамбеклар билан мустаҳкам алоқада бўлганлар, Носирхонтўранинг ҳарбий гуруҳи томонидан амалга оширилган камбағал фаол Темирбоевга қарши қаратилган террористик актни тайёрлаганлар;

б) бир неча бор Носирхонтўра ва Истамбекларни яшириш учун уйларини тақдим қилганлар, уларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаганлар, яъни ЎзССР ЖК 14-68-, 14-78-, РСФСР ЖК 17-58-2-, 17-59-3-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланганлар, айбларига иқдор бўлганлар.

58. **Саидбой Отабобоев** – 40 ёшда, Наманган райони Кулқўрғон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, деҳқон, ўртаҳол, аёл линияси бўйича Эшон Дадахон Носирхоновга қариндош, саводли.

59. **Нурмуҳаммад Усмабобоев** – 23 ёшда, Наманган райони Кулқўрғон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, камбағал деҳқон, Эшон Дадахонтўра Носирхонтўраевнинг қариндоши, уйланган, саводли.

60. **Исақжон Алибоев** – 24 ёшда, Наманган шаҳридан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, ҳунарманд, тўқувчи, мадрасада ўқиган, уйланган, судланмаган:

а) Носирхонтўранинг Жанубий Қирғизистонга қочишидан олдин ундан сақлаб туриш учун қуроллар (1 учотар винтовка, 1 берданка, 1 япон карабини, 1 шашка, 200 жанговар патрон ва 300 рубль суммадаги турли заёмлар облигациялари)ни қабул қилиб олганлар ва уларни ўз уйида сақлаганлар;

б) Носирхонтўрани, Эшон Дадахонни ва Ҳасанхонни бир неча бор яширганлар, яъни ЎзССР ЖК 14-78-, РСФСР ЖК 17-59-3-моддаларидаги жиноятларни содир этганликда айбланганлар, айбларига иқдор бўлганлар.

61. **Дадахўжа Оппоқхўжаев** – 60 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, уйланган, саводли, диний мактабда ўқиган, «халта кўйлак», майда савдогар.

62. **Матиброҳим Баротбоев** – 45 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, уйланган, Носирхоннинг шогирди, мударрис, имом, судланмаган.

63. **Мулла Абдулхай қори Дадабоев** – 25 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, уйланган, диний фаолият билан шуғулланади, қори, судланмаган.

64. **Имомхон Мўминхўжаев** – 21 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, саводсиз, уйланган, камбағал деҳқон, судланмаган.

65. **Нуриддин қори Асадуллаев** – 42 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, диний мактабда ўқиган, қори, колхоз аъзоси, судланмаган.

66. **Барот Узоқбоев** – 29 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, уйланган, саводсиз, «Ривожия» ипакчи хунармандчилик бирлашмаси аъзоси, судланмаган.

67. **Исомиддинхўжа Нурмамедов** – 64 ёшда, Косонсой райони Понихон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, саводсиз.

68. **Мулла Асқар Назарматов** – 27 ёшда, Наманган райони Қизилқийёқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, диний мактабда ўқиган, уйланган, судланмаган.

69. **Мулла Мамажон Қорабоев** – 35 ёшда, Янгиқўрғон райони Кушон қишлоғидан, диний фаолият (қироат, қорилик) ва деҳқончилик билан шуғулланади, ўртаҳол, уйланган, судланмаган.

70. **Бобомуҳаммад Дадажонов** – 65 ёшда, Наманган райони Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, камбағал деҳқон, «халта кўйлак», уйланган, саводсиз, судланмаган.

71. **Сайфуддин қори Абдужалилов** – 56 ёшда, Наманган райони Уйчи қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, қори, имом, уйланган, судланмаган.

72. **Шукурбой Шералиев** – 70 ёшда, Наманган райони Ёзтепа қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, ўртаҳол деҳқон, меҳнатга лаёқатсиз, «халта кўйлак», уйланган, саводсиз. Ўтмишда қўрбоши

Омон Полвонга ёрдам берган, судланмаган.

73. **Абдуллабой Мансурбоев** – 42 ёшда, Янгиқўрғон райони Мирзаровот қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, камбағал деҳқон, ер-сув ислоҳоти даврида 14 таноб ер олган, саводсиз, ажрашган, судланмаган.

74. **Баҳром Мақсудов** – 48 ёшда, Косонсой райони Чамбаш қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, бой деҳқон, уйланган, саводсиз, судланмаган.

75. **Холмамад Устабоев** – 24 ёшда, Наманган райони Кулқўрғон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, ўртаҳол деҳқон, уйланган, саводсиз, Эшон Дадахон Носирхоновнинг қариндоши, судланмаган.

76. **Иномжон қори Муҳаммадаминов** – 43 ёшда, Машҳад қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, имом, мадрасада ўқиган, уйланган (2 та хотини бор), судланмаган:

а) Носирхонтўра ва унинг фаол ёрдамчиси Мадраимларнинг аксилинқилбий фаолиятларини била туриб уларга яширинишга ёрдам берганлар;

б) уларга хизмат қилиш юзасидан турли топшириқларни бажарганлар ҳамда уларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаганлар, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланганлар.

Дадажонов, Абдужалилов, Шералиев, Мансурбоев, Мақсудовлар ўз айбларига иқрор бўлганлар.

Назарматов ва Қорабоевлар ўз айбларига иқрор бўлмаганлар. Мансурбой Шерғозиевнинг кўрсатмалари асосида фош қилинганлар.

Муҳаммадалимов ўз айбига иқрор бўлмаган. Абдулла қори Катташайхов, Усмон қори Дадабоев, Мулла Алихон Азизбоевлар кўрсатмалари асосида фош этилганлар.

77. **Ҳожибой Абдубоев** – 42 ёшда, Чуст-Поп райони Какликқўрғон қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, собиқ волость бошқарувчиси бўлган бойнинг ўғли, инқилобга қадар қишлоқ оқсоқоли бўлган, саводсиз, уйланган, Истамбек кўрбошига ёрдам бергани учун ГПУ органлари томонидан жавобгарликка тортилган:

а) Истамбекдан босмачилик фаолиятини амалга ошираётган вақтда унинг гуруҳини ўқ-дори билан таъминлаш учун 800 рубль пул олган;

б) бир неча бор Истамбекни яширган, у озод бўлгандан кейин у билан алоқа ўрнатган ва уни Эшон Дадахон билан бирга бир неча кунга яширган, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбларига иқроор бўлган.

78. **Абдуллажон қори Мадраимов** – 30 ёшда, Чуст-Поп райони Какликқўрғон қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, 1922 йилдан 1925 йилгача имомлик қилган, 1929 – 1930 йиллар оралиғида колхозда табелчилик қилган, уйланмаган, бесоқолбозликда айбланиб ҳибсга олинган.

1930 йилнинг қишида ва май ойида Хўжабой Абдубоев билан ҳамкорликда Истамбек кўрбошини йигитлари билан бирга яширган, янги ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбига иқроор бўлган.

79. **Ибниямин Юсуфбоев** – 25 ёшда, Наманган райони Гулқўрғон қишлоғидан, тожик, ЎзССР фуқароси. Диний хизматчининг ўғли, «холта кўйлак», ўртаҳол, уйланмаган, саводсиз, акаси Муқум Носирхонтўранинг шогирдларидан бири, судланмаган.

Носирхонтўранинг фаол ёрдамчиси бўлган ва акаси Муқумнинг топшириғига кўра Носирхонтўранинг эшон

Дадахонга ёзилган хатини мазмунини билгани ҳолда олиб борган, хатда Носирхонтўра бир қатор шахсларни Сумсарга босмачилар йиғилишига таклиф қилган, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбларига қисман иқроор бўлган.

Мамажон Умаралиев кўрсатмалари асосида фош этилган.

80. **Акромхонтўра Маллахўжаев** – 76 ёшда, Наманган шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, Наманган шаҳрида таниқли мударрис, ер-сув ислоҳоти даврида хўжалиги тугатилган, уйланган, 1929 йилда босмачилар билан алоқадорликда айбланиб ҳибсга олинган.

81. **Зикриёхўжа Акромхонов** – 25 ёшда, Наманган шаҳридан, Акромхонтўранинг ўғли, хўжалиги отаси билан бирга бўлган, саводли, уйланмаган, судланмаган.

Ранжит яқинидаги жангдан сўнг яширинган Носирхонтўранинг бирлашган гуруҳига мансуб Мадумарнинг гуруҳидаги йигитларнинг Наманганда яширинишига ёрдам берганлар, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Маллахўжаев ўз айбларига иқроор бўлмаган.

Муҳиддинхўжа Маллахўжаев, Зикруллохўжа ва Ҳамрохўжалар кўрсатмасига асосан фош қилинган.

Акромхонов айбларига иқроор бўлган.

82. **Абдуллажон Мамадалихўжаев** – 42 ёшда, Косонсой райони Кўкумбой қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, мадрасада ўқиган, инқилобга қадар имом бўлган, деҳқончилик билан шуғулланган, ўртаҳол, 2 та хотини бор, саводли судланмаган.

83. **Дадамирза Абдувоҳидов** – 36 ёшда, Косонсой райони Кўкумбой қиш-

лоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, мадрасада ўқиган, деҳқон ўртаҳол, уйланган, судланмаган.

Ўз уйларида Носирхонтўра ва Истамбекларни босмачилик фаолиятларини била туриб яширганлар ва озиқовқат билан таъминлаганлар. ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбларига иқрор бўлганлар.

84. Муҳиддинхон Шаидхонхўжаев – 25 йшда, Янгиқўрғон райони Беговот қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, мулксиз, саводли, судланмаган.

Носирхонтўранинг сафдоши Ҳамрохўжани яширган ва унинг топшириғига биноан Носирхонтўра билан учрашиш учун Косонсой районига борган.

ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбларига иқрор бўлган.

85. Муҳаммадиев Аҳмадшо – 67 ёшда, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, уж-жойларини ижарага беришдан тушган маблағлар ҳисобига тирикчилик қилади, диний мактабни тугатган, уйланган, судланмаган.

Босмачиларнинг ёрдамчиси сифатида офицер Гумбин Наманган шаҳрига келиши билан Самиуллаевнинг аксилинқлобий босмачилик ташкилоти аъзолари билан алоқасини таъминлаган, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбларини тан олмаган.

Игнатий Гумбиннинг кўрсатмалари асосида фош қилинган.

86. Мулла Аҳмадали Абдуфаттоҳов – 56 ёшда, Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, савдогар оиласидан, имом, уйланган, судланмаган. Босмачиларнинг ёрдамчиси сифатида таслим бўлган (номи кўрсатилмаган) гуруҳдаги йигитга яна Носирхонтўранинг гуру-

ҳига қўшилишни ва совет ҳокимиятига қарши курашишни таклиф қилган, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбларига иқрор бўлмаган. Аббосхон Азизхўжаевнинг кўрсатмалари асосида фош этилган.

87. Абдухолик Абдуғаффоров – 29 ёшда, Янгиқўрғон райони Янгиқўрғон қишлоғидан, ЎзССР фуқароси, имом, уйланмаган, саводли, бесоқолбозликда айбланиб судга тортилган.

Носирхонтўранинг Ранжит яқинидаги жангда мағлуб бўлганидан сўнг унинг фаол аскарларини, жумладан, террорчи Абдулҳамидни ўз масжидида яширган ва уларни Фарғона водийсининг турли шаҳарларида яширинишлари учун жой манзиллари билан таъминлаган, яъни ЎзССР ЖК 14-78 моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

88. Болтабой Ўрозалиев – 50 ёшда, Наманган райони Қизилровот қишлоғидан, қирғиз, ЎзССР фуқароси, бой деҳқон, табиблик қилган, уйланган, саводсиз, судланмаган.

89. Эсонбой Ўразалиев – 49 ёшда, Қизилровот қишлоғидан, қирғиз, ЎзССР фуқароси, 6 йил давомида имомлик қилган, сўнгги вақтларда деҳқончилик билан шуғулланган, бой, уйланган, саводли, судланмаган.

Босмачиларнинг ёрдамчилари сифатида Носирхонтўра ва Истамбекларнинг жинорий фаолиятларини билганлар, уларнинг таъқибдан қочишларига ёрдам берганлар. Яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланганлар.

90. Узоқбой Лола Қориев – 30 ёшда, Косонсой райони Ровот қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, диний хизматчи оиласидан, деҳқончилик билан шуғулланган, камбағал, саводсиз, уйланган, судланмаган.

Босмачиларга ёрдам берган ва Носирхонтўранинг жиноий фаолиятдан хабардор бўлган холда уни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаган, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Ўз айбларига иқрор бўлган.

91. **Акбар ҳожи Абдуваҳобов** – 41 ёшда, Наманган райони Қизилқиёқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, «халта кўйлак», ипакчи хунарманд, уйланган, саводсиз, судланмаган.

92. **Мулла Мўмин Рустамов** – 40 ёшда, Косонсой райони Қизилровот қишлоғидан, қипчоқ, ЎзССР фуқароси, Носирхонтўранинг шогирди, собиқ имом, деҳқончилик билан шуғулланади, ўртаҳол, уйланган.

Носирхонтўра ва Истамбекларнинг гуруҳларини озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаганлар, Носирхонтўра ва унинг ёрдамчиларини яширинишга ёрдам бериб унинг фаолиятига катта фойда келтирганлар, яъни ЎзССР ЖК 14-78-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланганлар. Абдуваҳобов ўз айбларига иқрор бўлмаган. Мансурбой Шерғозиев ва Мадумар Нурбобоевларнинг кўрсатмалари асосида фош этилганлар.

Рустамов ўз айбларига иқрор бўлган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги Шарқ бўлими бошлиғи Зибрак, Шарқ бўлимнинг 2-тармоғи бошлиғи Дуровларнинг 1930 йил 30 июлда Тошкентда тайёрлаган «Носирхон ва Истамбек ҳамда уларнинг босмачилик ташкилотининг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида»ги маълумотномасида Носирхонтўра бошчилигидаги шахсларнинг ижтимоий таркиби берилган. Қўлга олинган 95 кишининг 50 нафари бевосита Носирхонтўра ихтиёрига ўтган жангчилар, қолганлари гуруҳга ёрдам

берувчилар, янги аъзоларни жалб қилувчилар, босмачилик ташкилотининг фаол аъзолари бўлган. Бу айбланувчиларнинг ижтимоий таркибидаги 60 нафар киши диний хизматчи шахслар, 32 нафари бой ва савдогарлар, 8 нафари «халта кўйлаклар» (диний мактабларда ўқиётган ўқувчилар, юқори даражадаги диний ва маънавий фаолият билан шуғулланаётган, меҳнат хўжалигини олиб бораётган, қишлоқнинг ижтимоий ҳаётига жуда салбий таъсир ўтказаётганлар бўлиб, улардан руҳоният ва бойлар қишлоқда ўтказилаётган тадбирларда фойдаланганлар), 14 нафари ўзига тўқ ва ўртаҳоллар, 6 нафари камбағаллар (улардан 2 нафари собиқ босмачи). Гуруҳ ячейкасининг барча аъзолари сирни ошкор қилмаслик ҳақида диний қасам ичганлар.

Ҳибсга тортилганлар ва айбланувчилардан ташқари бошқа инсонларга ҳам тергов жараёнида аниқланган фактлар бўйича материал ажратилган ва терговди жараёнларига жўнатилган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатлиги ҳузуридаги учлик кенгаши 1930 йил 27 октябрда ўтказилган, 103-сонли баённома тузилган. Лев Григорьевич Миронов – раис, Берман – махфий оператив бошқарма бошлиғи ўринбосари, Бабкевич – ҳарбий бўлим бошлиғи, Сарычев – ЎзССР бош прокурори ёрдамчиси, Ўзбекистонда ОГПУ органларининг назоратчиси аъзолари, Ковач – котиб иштирокида ўтказилган учлик йиғилишида 5054-сонли иш қўрилган. Носирхонтўра Камолхонтўраев бошчилигидаги 19 нафар айбланувчилар отувга ҳукм этилди: Носирхонтўра Саид Камолхонтўраев, Атантай Сотилганов, Мулла Самиулла Сафиуллаев, Гумбин Игнатий Матвеевич, эшон Дадахон Носирхонов, Мансурбой Шерғозиев, Ҳожихон Қаноатов, Матиброҳим Ўринбоев,

Жўрабой қори Мирисҳоқов, Тўхтасин Болтабоев, Исроилхўжа Саирмсоқхўжаев, Ҳамрохўжа Маллахўжаев, Аббосхон қори Азизхўжаев, Холмирза Умрзоқов, Мулла Абдулла Мадкаримов, Худойназар Умрзоқов, Ҳожибой Абдубоев, Акромхонтўра Маллахўжаев, Муҳаммадиев Аҳмадшо. Маматшоев (1930 йил 31 майдан), Бобомуҳаммедов (1930 йил 11 майдан), Ниғмат Каримов (1930 йил 17 июндан), Ҳасанбой Рустамов (1930 йил 2 июндан) ларнинг оилавий ҳолати инobatга олиниб уларга тайинланган отув жазоси 10 йилдан концлагер қамоғига алмаштирилган. Абдуғани Содикбоевнинг ёш эканлиги ҳисобга олиниб отув жазоси 10 йил концлагерга қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Муддат 1930 йил 13 июлдан ҳисобланган. Мулла Собит Тошматов (1930 йил 2 июндан), Мадад Бобоқулов (1930 йил 3 июндан), Раимбой Ўринбоев (1930 йил 3 июндан), Мулла Усмон қори Дадабой (1930 йил 13 июлдан), Мулла Тожибой Юлдашев (1930 йил 11 июндан)лар 10 йил муддатга концлагерга ҳукм қилинганлар.

Бизнинг “ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАРНИ ХОТИРЛАБ” китобимизнинг 123-бетда Носирхонтўранинг араб имлосида ўзбекча аризаси келтирилган. 134 – 138-бетларда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги катта вакили Дуров томонидан Носирхонтўрани тергов қилиш жараёни акс эттирилган. Бу чекистнинг кичик бир хулосасини келтирамиз: «Андижон округи Косон қишлоғида яшовчи, таниқли эшон, инқилобгача Фарғонадаги таниқли мударрислардан бири, Наманганда яшаган ва хизмат қилган, Фарғонада ва унинг ташқарисида, айниқса, Қозоғистоннинг Сирдарё округида ва Қирғизистоннинг Талас кантонида кўплаб мурид ва шогирдларига эга.

Февраль инқилоби даврида либерал уламоларнинг жадид вакилларини бирлаштирган «Шўрои ислом»нинг Наманган шуъбаси раиси бўлган. Қўқон автономияси даврида Намангандан мухтор ҳукумат аъзоси этиб сайланган, бу лавозимда адлия вазири Камолхон Қози билан биргаликда муҳим роль ўйнаган.

Қўқон мухторияти тор-мор этилганидан кейин 1924 – 1925 йилгача «Миллий иттиҳод» яширин аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг Наманган гуруҳи раиси бўлган, ўша вақтда Дадабой қўрбоши ва Анвар Пошо билан мустаҳкам алоқада бўлган. 1924 йилда вақф ерларни национализация қилиш туфайли вужудга келган Косон намоёйиши ташкилотчиларидан бири, шу туфайли Ўрта Осиёдан Оренбургга сургун қилинган.

Сургундан 1928 йилда қайтиб келган».



Носирхонтўра Камолхонтўраев
(1871 – 1938.03.09)

Саид Носирхон Тўранинг фожиаси хориж тарихшунослигида ҳам кенг ёритилган. Масалан, туркиялик тарихчи доктор М.Х.Эрктурк Женевада чиқаётган «Миллий Туркистон» журналининг 1952 йил 5-сонида «Саид Носирхон Тўра» номли мақола чиқарган. Ундан айрим лавҳаларни келтирамиз.

«... Чет мамлакатларда яшаган вақтинда мамлакатнинг тараққиёти учун унда туганмас қизиқишлар бошланди. Айниқса, унга Қоҳирада, Техрондаги ижтимоий, сиёсий ҳаёт, Ҳижоздаги тараққийпарвар оқимлар кўпроқ таъсир этган эди. Шунингдек, ул Туркиядаги ёш турклар ҳаракатини яқиндан кузатиб боргон эди.

Мамлакатга қайтғоч, Наманган шаҳар қозиси вазифасида ишлади. 1913-нчи йилдан бошлаб Фарғона жадидчиларининг ёзма фикрларини тарқатар, отасининг босмахонаси орқали уларга катта ёрдам бера бошлагандир. 1916-нчи йил кўзғолони вақтинда Ўзганд, Косонсой ва Наманган атрофлариндаги кўзғолончиларга руҳий озиқ берувчи шул Носирхон Тўра бўлган эди. Чор Россияси йиқитилгандан сўнг у Туркистон миллатчиларининг Фарғона вилоят шуъбасини бошқарди. Шул вақтдан бошлаб Носирхон Тўра халқ орасинда яна машҳур бўла бошлади. У 1917-нчи йилда Хўқанд мухтор ҳукуматини қурувда энг кўп ташвиш кўрсатганлардан бири эди. Фарғонадаги жадидчилик ҳаракатининг бошлиқларидан Ашур Али Зоҳирийнинг (1935-нчи йилда совет ҳукумати томонидан йўқ этилган) берган маълумотича, агар Носирхон Тўра Туркистон мусулмонларининг 4-нчи февралда қурултойини чақириш устинда жон куйдурмаганда эди, балким, бу қурултой чақирилмай қолиши мумкин эди.

Большевиклар ҳокимият устига келганларидан кейин Туркистон миллий маркази шўросининг ўз бўлимларига: «Мухторият эълон қилиш керакми ёки Россиядан ажралиб чиқишни эълон қилиш керакми?» – деб берган телеграфномасига Фарғона шуъбасининг раиси Носирхон Тўра: «Туркистоннинг Россиядан ажралувини тездан эълон қилув керак», – деб жавоб берган эди. Унинг истиқлолчилик фикри қурултой қатнашчилари томонидан қарши олингон бўлса-да, бироқ бу масалани ҳал қилишлик Туркистон қонун чиқарувчи мажлисига қолдирилгон эди.

У Хўқанд мухторият ҳукуматининг маориф нозири вазифасига сайланди. У бу вазифада туриб мамлакатда маориф ва маданий оқартув ишларини ҳаракатга солди ва бу йўлда миллий зиёлиларнинг фаоллигини кучайтира бошлагон эди. Аммо унинг ҳаракати кўпга чўзилмади.

Хўқанд мухторияти большевиклар томонидан йиқитилди ва бунинг-ла баробар Носирхон Тўранинг маданий маориф соҳасидаги амалга оширмақчи бўлган режа ва истакларининг илдизига-да болта урилди. Бироқ умидсизланмади. У энди яширин ишга кўчди. У махфий равишда Омон Полвон, Муҳиддинбек, Жонибек қози ва Раҳмонқул қўрбоши каби миллий мужодала кўмондонларига маслаҳатлар берар ва уларнинг ҳаракатларини марказлаштириш ташвишинда бўлар эди. Бунинг бу ҳаракатлари фақат 1919-нчи йилгача давом эта олди, холос. Большевиклар уни Хўқанд мухторият ҳукуматининг маориф нозири бўлганлиги учун қамоққа олдилар. У 1924-нчи йилда қамоқдан яна қайтиб келди... 1937-нчи йилда у НКВД томонидан яна қамалди ва қамоқда икки ой ётгач яна бўшаб чиқди. Унинг ҳаёти ниҳоят таҳлика остида қолган эди. 1937-нчи йил-

дан сўнг у омма орасинда ҳаракат қилув имкониятидан маҳрум этилган эди.

Натижада у ўзининг яқин дўстлари... билангина учрашиб турар эди. Носирхон Тўра бу дўстларнинг: «Тўрам, бир оз айланиб бошқа томонларга-да бориб келсангиз ёмон бўлмас эди. Ҳар томонда дўстларингиз сизни кутадириллар ва улар сизни кўрувга интизордириллар», – деб қилғон таклифларига: «Аллоҳ эгамдир, ҳаётимнинг қисқа вақтлари келаётгандек сезаман. Вақтим бўлмаётир, чунки келажак авлод учун, ҳеч бўлмаса, бизнинг имонимиз тоза эканлигини кўрсатадирган бир ёки бир неча ёзувларим қолсин. Шунинг учун-да бошлаб қўйғон ёзувларимни тамомламоқ истайдирман. Бундан ташқари, кўчага чиқиб қуриб кетгур русларни ва большевикларга сотилган баъзи бир имонсизларни кўргим-да келмайдир. Кўчага чиқиб нимани ҳам кўраман? НКВД жосуслариними, бузилгон масжидда мадрасаларни, хонавайрон бўлган оилаларнинг дод ва фарёдлариними?.. Халқнинг кўрганлари, кўраётганлари менинг кўражакларимдан озми?» – деб жавоб берар эди.

У ўз болаларининг тарбиясига катта эътибор берар ва уларни Туркистоннинг ўтмиши билан таништирар эди. Унинг сўнгги вақтлардаги кундалик иши 7 хоналик уйга тўлиб ётғон китобларни мутолаа қилиш бўлиб қолғон эди. Унинг ёзиб тайёрлағон асарларидан бири «Тарихи Туркистон» бўлиб, бу асар 15 бўлимдан иборатдир. Аммо бул қимматли асарни босдириш имконияти йўқ эди.

Бир кун Наманган шаҳар сиёсий бўлимнинг бошлиғи Эришмат ўғли, балки, ҳазил билан бўлса керак: «Тўрам, бу асарни менга беринг, Тошкенда менинг кўп танишларим бор, уларнинг воситасида бостурайлик», – деганда у киши: «Мамлакатни булғаганларингиз

етмасмиди, энди тарихимизни-да булғаш ҳаракатиндамисизлар? Уларнинг кўлинда бостиргандан кўра авлоддан-авлодга қўлёзма ҳолатинда шундай қолиб кетсин, шундагина фикрим тўғри ва тоза сақлангон бўладир», – деб жавоб берган эди. Носирхон Тўранинг Бузрукхон исми ўғли 1938-нчи йилнинг тамуз ойида НКВД жосуслари томонидан Қашғар йўлида тутилиб, қамоққа олиниб, НКВД кишилари ёнидан Носирхон Тўра томонидан Қашқардаги Оппоқ Хўжа авлодларидан бирисига ёзилғон бир мактуб топилғон. Бу мактуб сабабли Носирхон Тўра ҳозирон ойнанинг бошларинда қамоққа олинди. Қамалишдан бир кун аввал дўсти Аҳрорхўжа билан суҳбатда бўлган экан. Аҳрорхўжанинг айтилувига кўра, ул киши ниҳоят даражада нотинч бўлиб, фақат ҳар гапнинг орасинда дуо ўқув билан машғул бўлган экан. Носирхон Тўра Аҳрор Хўжага «Хожам, тириклигимда Ватанимиз озодлигини кўра олмайдурғон бўлдим. Аллоҳ берган жонимни мендан ўз Ватанимда олувга насиб этса эди, бахтиёр бўлар эдим. Большевиклар на қилсалар-да ўз Ватанимдан чиқармасдан қилсунлар. Ўз болаларимни қандай севган бўлсам, халқимни-да шундай севаман. Бу халқнинг йўлини Аллоҳ очиб берсун. Миллатнинг йўли истиқлол. Истиқлол эса Ватаннинг истиқболидир. Болаларим ва набираларимнинг тарбиясига ўзингиз эътибор берингиз. Мен яна бир-икки кун бу ерда қолиб, Бузрукхондан хабар кутаман. Асарларим беркитилган ер ўзингизга маълумдир. Ҳозирга қадар берган ёрдамларингиз учун миннатдорман... Эҳтиётлик, бирлик, фидокорлик, биродарлик туйғуларини кучлантириш ва ёшлар, хотин-қизлар орасинда ишлаш, диний ва миллий одатларимизни мустаҳкам тутиш, маданиятимизни

сақлаб қолиш, тилимизни руслаштирмаслик, миллий ахлоқни тоза сақлаш ва ҳар доим тарихимизга боқиб иш қилиш каби фактларга эътибор бериб борсаларингиз, Ватанимиз озодлиги йўлидаги ишларда ютуқларга эришилажакдир...» деган сўзларни айтган.

1938-нчи йил июль ойинда Носирхон Тўранинг қизи Зулайхо хонимдан тезда Тўра Қўрғонга келувим ҳақида бир мактуб олдим. Мактубда чақирилишим сабаби кўрсатилмаган. Тўрамнинг ҳузурига бормасдан олдин Аҳрор Хожа билан учрашдим. Ул киши менга Андижондан хабар келганлигини, тўрамнинг ҳозирга қадар ул ерда қамоқда бўлганлигини ва ниҳоят 3.9.1938-нчида қамоқда вафот этганлигини билдирди. (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архивида сақланаётган Носирхон тўранининг 25412-сонли ишида уни 1931 йил 13 апрелда Тошкентда қатл қилинганлиги қайд этилган¹ – Р.Ш.). Аҳрор Хўжага: «Тўрам қамалиш вақтинда хаста эди-

ми?» – деб берган сўроғимга у: «Йўқ, хаста эмас эди. Бироқ ниҳоят даражада асабийлашган эди...» – деди. Марҳум Носирхон Тўранинг уйига кирдим. Хонимлар ва у кишининг қариндош-уруғлари билан бир неча соатлар суҳбатда бўлдим... фотиҳа ўқишиб барчамиз келган еримизга қайтдик. Вақт ниҳоят сиқик эди. НКВД кишилари кетимиздан пойлаб юрубдурми деб ҳар биримиз ҳадиксирар эдик. Бунинг учун дуо айлаб, аъзоларига хавфни кучайтирмайлик деган фикр билан тезда тарқалишдик. Марҳум Тўрамнинг жасадини кўра олмадик. Тўрамнинг бир қизи ва бир набираси Андижон турмасининг олдида ҳафталарча «дадамизнинг жасадини берингиз» деб йиғлаб фиғонлар қилдилар. Лекин талаб оқибатсиз қолди...

Носирхон Тўра, бир томондан, маорифчи, диний олим, тарихчи, мусиқачи, наққош ва, яна бир томондан, сиёсатчи, миллатпарвар бир сиймо эди. Унинг сифати ҳар бир Туркистон истиқлолчиси учун намунадир».

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архиви, 25412-иш, 6-том, 265-варақ.

МУНДАРИЖА

Боймирза Ҳайит ва унинг Туркистон тарихи тўғрисидаги мероси ҳақида. <i>Р.Шамсутдинов</i>	3
---	---

Боймирза Ҳайит «БОСМАЧИЛАР»: ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ

Кириш.....	12
<i>1-бўлим. Туркистон «босмачилик» ҳаракати йўлида</i>	16
1916 йилги қўзғолон оқибатлари	16
1917 йилда туркистонликлар ва руслар ўртасида Туркистон келажаги учун кураш.....	18
Туркистон келажаги масаласида туркистонликлар билан руслар ўртасидаги кураш.....	23
Туркистон мухторияти масаласи. Туркистонликларнинг мақсадлари, русларнинг муносабати	28
Қўқонда Туркистон мухтор республикаси ва Оренбургда Алаш Ҷрданинг эълон қилиниши	28
1917 йил 13 декабрда мухториятга қарши Тошкентда совет қўшинларининг зўравонликлари.....	34
Қўқондаги мухторият ҳукуматини тарқатиб юбориш учун рус ҳукуматининг тайёргарликлари.....	38
Қўқондаги советлар ва арманлар ваҳшийликлари.....	41
<i>2-бўлим. Фарғона водийси – босмачилар ҳаракати бешиги</i>	49
Фарғона водийси табиати ва одамлари.....	49
Миллий кураш ривожининг илк босқичлари.....	52
Советларнинг Бухоро амирлигига қарши дастлабки тажовузи	57
<i>3-бўлим. 1918 – 1919 йиллардаги Туркистон-Совет Россияси урушлари</i>	64
Фарғонадаги босмачилар ҳаракатининг тугатилиши ва советлар ҳукмронлиги.....	79
Россиядаги фуқаролар уруши ва Туркистондаги миллий кураш	83
Туркистоннинг иккинчи марта босиб олинишида Россиянинг Туркистон fronti.....	90
<i>4-бўлим. Мустақиллик ҳаракатларига қарши советларнинг Туркистон fronti</i>	90
Мусулмон озодлик курашчиларига қарши советлар хизматида бўлган мусулмонлар	93
Туркистон frontiдаги қизил армия қисмларининг миллий курашчиларга қарши ҳаракатлари кучайиши	97
Хива хонлигининг совет руслари томонидан забт этилиши.....	100
Озодлик ҳаракатларига қарши Москва комиссарлари	103
Бухоро амирлигига қарши курашда совет Россиясининг Туркистон fronti.....	130
Озодлик курашчилари ва қизил армия ўртасидаги шиддатли тўқнашувлар	142
Фарғона водийсидаги озодлик кураши муассасалари	169
<i>5-бўлим. Миллий кураш ва Анвар Пошо</i>	171
Анвар Пошонинг Туркистондан олдинги ҳаётига қисқача назар.....	171
Анвар Пошо Бухорода.....	177
Анвар Пошо кураш майдонида.....	180

6-бўлим. Туркистон миллий курашининг охириги даври	201
1922 – 1923 йилларда миллий курашнинг ҳолати	201
Совет ҳарбий маъмуриятининг шафқатсизлиги натижасида кучайган озодлик кураши	215
1924 – 1934 йиллардаги курашнинг қисқача хронологияси	256
7-бўлим. Туркистон миллий кураш жараёни. Туркистон миллий кураши ҳақида баъзи маълумотлар. Инглизларнинг «босмачилик» ҳаракатига муносабати.....	265
Совет русларининг немис ва австриялик ҳарбий асирларни Туркистондаги озодлик ҳаракатига қарши қўллаши.....	269
Мусулмонларнинг озодлик учун курашига қарши мусулмонлардан фойдаланиш масаласи	271
Миллий курашдаги йўқотишлар ва унинг оқибатлари.....	278
Хориждаги туркистонликларнинг қуролли кураши босмачилар ҳаракатининг давомимиди?	282
Туркистонликлар Афғонистон озодлик курашида	284
«Босмачилар ҳаракати»нинг собиқ совет ва миллий манбалардаги тавсифи	286
Бугунги Туркистонда босмачилар ҳаракатининг баҳоланиши	290

Рустамбек Шамсутдинов

«БОСМАЧИЛИК» КУРАШИ ТАРИХИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Усмон Хўжа Ватан хоини эмасди	297
Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати	303
Эрка чорлаган эркисизлик.....	303
«Босмачилик ҳаракати» қандай бўлган?	315
«Босмачилар» ким бўлган?.....	323
Ҳаракатнинг ҳарбий раҳбарлари.....	327
Парпибек ва Охунжон қўрбоши	328
Фарғона қўрбошилари	332
Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар (1).....	338
Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар (2).....	342
Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар (3).....	346
Саид Носирхонтўранинг тақдири ва қисмати.....	348

Илмий-оммабон нашр

Доктор Боймирза Ҳайит

**«БОСМАЧИЛАР»:
ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ
(1917 – 1934)**



Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусахҳих: Мактуба МЎМИНОВА
Муқова дизайнери: Асила УМАРОВА

Теришга берилди: 03.06.2023 й.
Босишга рухсат этилди: 10.08.2023 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₈. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 38,4. Шартли б.т.: 43,7.
Адади: 500 нусха.
Буюртма №

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Сўгалли ота кўчаси 5-уй.

Tel.: (+99899) 433-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz